



Шарк Ҷадоузи

Ойлик адабий-бадидий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи



51-йил чиқиши

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

МУНДАРИЖА

Пиримқул Қодиров. Янги довлар	3
Туроб Тўла. Таъмир ҳайрати. Шеърлар	5
Тоҳир Малик. Чорраҳада қолган одамлар. Фантастик қисса	12
Ойдин Ҳожиева. Ёза гуллаганда. Шеър	62
Сайёр. Украина ва Ўзбекистон. Шеърлар	63
Душан Файзий. Синфдошларим. Шеърлар	65
Тўлепберген Қанпбергенов. Кўз қорачиғи. Роман. Давоми	68
Амирқул Пўлканов. Йиллар. Шеърлар	103
Аҳмад Тошхўжаев. Ёз кунлари. Шеърлар	105

ҲИКОЯЛАР

Мирзакалон Исмоилий. Гар пуф деса...	108
Мирзоҳид Мирзараҳимов. Қарздор	122
Нусрат Раҳматов. Расм	132

ЯНГИ НОМЛАР

Абдураҳмон Акбаров. Соат кўнғироғи. Шеърлар	137
Эргашали Абдуллаев. Бойчечак. Шеърлар	138

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

Учқун. Интилиш. Шеърлар	140
-------------------------	-----

ОЧЕРКЛАР

Саид Аҳмад. Ҳазонсиз боғ	142
Намоз Саъдуллаев. Моҳият	148

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Шомил Алядин. Мармар зиналар	155
Н. Шукуров, С. Мирзаев, С. Халимов. Адабиёт тарихининг билим- дони	164
Воҳид Зоҳидов, Маҳкам Маҳмудов. Талант шундай учқунланади	165
Эътибор Охунова. Камолот сари	168
Олим Қўчқорбеков. Лағмончи. Шеърлар	170

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Розия Мамажонова. Революция сабабчиси	171
---------------------------------------	-----

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Иброҳим Ғафуров. Достон устун	173
Собир Мирвалиев. Ҳаққонийлик ва ҳалоллик кўзгуси	180
Охунжон Собиров. Шоир ижодининг сарчашмаси	184

ТАҚРИЗЛАР

Санжар Содик. Ижод қадри	188
Шамсиддин Шукуров. Қимматли асар	190
Иброҳим Азимов. Болалар шеърятининг кўзгуси	193
Хатиба Ҳакимова. Ҳаракат — саҳна асарининг қалби	196

ЙИЛЛАР, ФАКТЛАР, ВОҚЕАЛАР

Раъно Иброҳимова. «Энг муҳими иш...»	198
Лидия Заславская. Асирликнинг оғир қисмати	201

ГУЛҚАЙЧИ

Жўра Маҳмудов. Муҳокама	203
Маданий ҳаёт	206
«Звезда востока» август сонид	207

ЯНГИ ДОВОНЛАР

Халқимиз ҳаёти йил сайин юксалиб бораётгани шундан ҳам билинадики, биз йигирма-ўттиз йил олдин ошиб ўтган доvonларимизга бугунги баландликлардан қараймизу, улар ҳали барча моддий ва маънавий эҳтиёжларимизни қондирмаслигини сезамиз. Шунинг учун янги ва янада баланд доvonларга қараб интиламиз.

Аслини олсангиз, бугун шаҳар ва қишлоқларимизда тўқчилик, маъмурчилик. Бундан олтмиш беш — етмиш йил олдинги очарчилик ва қаҳатчиликларни кўрган кекса ота-оналар фаровон ҳаётнинг асоси бўлган буғдой ноннинг, ун-доннинг ҳар бир хонадонда тўкинлигини айтишиб, замонамизга таҳсин ўқийдилар. Ҳатто мана бугун эллик ёшдан ошиб қолган бизнинг авлод ҳам оғир уруш йилларида карточка билан олинадиган ўлчовли нонга қаноат қилиб, ярим оч юрган пайтларимизни ёмон бир туш каби эслаймиз. Уша йилларда бугунгидай тўқчилик, тўкинчиликларни орзу қилар эдик. Уша орзуларнинг кўпи ушалди. Биз энди бориға барака деб кетаверадиган доvonлардан ошиб ўтдик. Одам нонга тўйгандан кейин сут-қаймоқлар, яхши гўштлар, ширин мевалар, тансиқ ноз-неъматларга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёжлар ҳам ўринли ва табиий. Илгариги замонларда тансиқ ноз-неъматларнинг ҳузурини бойлар, хонлар ва бошқа замона зўрлари кўрар эдилар. Ҳозир ҳар бир ҳалол меҳнаткаш ўзини мамлакатимизнинг эгаси деб билади. Бизда ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун хизмат қилади. Ҳар бир одам ўз меҳнатининг роҳатини ҳам кўриши ва хилма-хил эҳтиёжларини қондириб, мукаммал ҳаёт кечириши жамиятимизнинг олий мақсади ҳисобланади.

Партиямиз Марказий Қомитетининг Май пленуми қарорлари кишиларимизнинг ҳар жиҳатдан тўқис ва фаровон яшашларини таъминлашга қаратилганлиги туфайли ҳаммамизнинг дилимизга беҳад яқиндир. Бу қарорлар халқ турмушини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, илмий асосда тузилганлигини ҳар биримизнинг ҳаётий тажрибаларимиз ҳам тасдиқлаб турибди.

Шахсан мен ўттиз йилдан бери катта шаҳарларда яшасам ҳам, туғилиб ўсган қишлоғимга ҳар йили бориб тураман. Ўзим ёшлиқдан биладиган чўпонлар, чорвадорлар ҳаётининг кўпгина муаммоларини «Қора кўзлар» китобимда баҳоли қудрат тасвирлашга интилганман. Бу муаммоларнинг бир қисми партиямизнинг 1965 йилги Март пленуми қарорларидан кейин ҳал бўла бошлагани романда айтилган эди. Жумладан, колхоз, совхозлардагина эмас, шахсий хўжаликларда ҳам молни кўпайтириш учун шарт-шароит яратишга онд кўрсатмалар чорвачиликнинг ривожига жуда кенг йўл очиб берди. Бу йилги Май пленуми қарорлари ўша яхши кўрсатмаларни мантиқан давом этдириб, кенгайтириб, янги бир юксакликка кўтарди. Чўпонлик меҳнати — жуда катта фидойиликни талаб қилади, шунинг учун уни рағбатлантириш, қадрини баланд кўтариш зарур. Май пленумида чорвадорларнинг иш

ҳақларини ошириш, эришган ютуқларига яраша устама мукофотлар бериш каби бир қатор муҳим тадбирлар белгиланганки, булар ҳаммаси чўпонларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириши ва ўз касбига ҳурматини ошириши шубҳасиз.

Бу йил республикамызда ҳаво қуруқ келди. Ут яхши ўсадиган савр оғи давомида ёғингарчилик бўлмади. Шунинг учун лалмикор жойларда, тоғ этакларида пичан кам бўлди. Ут, хашак етишмаслиги туфайли чорвани, айниқса, сугирларни, қорамолни боқишда маълум бир қийинчиликлар бўлиши мумкин. Аммо бу қийинчиликларни тадбиркорлик ва матонат билан енгиб ўтишда Май пленуми қарорларига астойдил амал қилиш — муваффақиятнинг гаровидир. Бу қарорларда бор чорвани фақат давлат хўжаликларидagina эмас, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг шахсий хўжаликларида ҳам ем-хашак билан мунтазам таъминлаб туриш вазифаси барча раҳбар кадрлар зиммасига юклатилади.

Бир вақтлар колхозчининг томорқасида етиштириладиган сабзавот ва мевага, унинг ҳовлиси четида боқиладиган бўрдоқига, паррандага олайиб қарайдиган одамлар бўлар эди. «Бунинг ҳаммаси хусусий мулкчиликка олиб кетади» деган ақида билан томорқага сувни кам берадиган, томи устига пичан ғарамлаган колхозчини жеркиб турадиган хўжалик раҳбарлари бўлар эди. Ҳолбуки, колхозчининг томорқасида етиштириладиган ноз-неъматлар ҳам эл дастурхонини безайди, чорвадорнинг томи устида ғарамланган пичан сут-қаймоққа ва гўшт-ёғга айланиб, мамлакатимизда озиқ-овқат муаммоларининг ҳал бўлишига ёрдам беради.

Май пленуми қарорларида бу масала жуда яхши ҳал этилган. Айниқса, бу йилдагидек ем-хашак камроқ бўлаётган йилларда колхоз совхозлардагина эмас, чорвадорларнинг шахсий хўжаликларида ҳам молнинг туёғи камайиб кетишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Баъзи бир кишилар «шахсий қорамолга ем-хашак етказолмайман» деб, серсут сугирини гўштга топширмоқчи бўлса, хўжалик раҳбари уни бу йўлдан қайтариши керак, Май пленуми кўрсатганидек, унга ем-хашак борасида барча ёрдамларни бериши зарур. Чунки чорванинг иши нозик, молнинг туёғи камайиб кетса, кейин уни икки-уч йилда ҳам тиклаш қийин. Халқимизда доно мақол бор: «деҳқон деҳқондан қолса бир йилда етар, чўпон — чўпондан қолса қирқ йилда етар». — Деҳқончиликка нисбатан чорвачилик бир орқага кетса, уни тезда тиклаб бўлмаслигини бизга ҳаёт кўрсатди, бу борадаги аччиқ тажрибани унутиб бўлмайди.

Бундан ташқари, пахтакор қишлоқларимиз олимларининг янги ихтироларига бир нуқтада ниҳоятда катта эҳтиёж сезадилар. У ҳам бўлса терим олдидан ғўзанинг баргини тўкиш масаласи. Олимларимиз билан бўлган бир суҳбатда мен эшитдимки, улар ғўзанинг баргини кимёвий йўл билан тўкиш ўрнига, Грузияда ихтиро қилинган чой баргини терувчи машинага ўхшаш агрегатлар ёрдами билан териб олиш йўлларини изламоқдалар. Агар кўсақларга зарар етказмасдан, терим олдидан ғўзанинг баргини худди чой баргига ўхшатиб саралаб териб оладиган машина ихтиро қилинса, бунинг фойдаси ва самараси жуда кўп томонлама бўлар эди. Биринчидан, очилган пахтага кимёвий дефолиант тушмаса, толанинг сифати яхшироқ бўлиши мумкин. Ҳозир пахта толасининг сифатини яхшилаш учун қанчалик катта кураш кетаётгани ҳаммага маълум.

Иккинчидан, дефолиант куйдириб тушириб юборадиган кўм-кўк ғўза барги чорва учун яхши озуқага айланади. Пахта далаларимиздан бундай озуқани миллион-миллион тонналаб олиш мумкин.

Мана шунинг ҳаммасини ҳисобга олиб, олимларимиз машинасозлар билан ҳамкорликда ғўза баргини чой баргидек саралаб эҳтиёт билан териб оладиган машинани ихтиро қилсалар халқ фаровонлиги йўлидаги яна бир янги юксаклик забт этилган бўлар эди.



Туроб Тўла,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Таъмир ҳайрати

Ярославль Лак-бўёқ заводининг илмий лабораторияси ходимлари ўзбек олимлари билан биргалашиб, Самарқанд ёдгорликларини таъмирлаш учун зарур бўлган XV аср рангли ёштлари сирларини топдилар.

Самарқанд,
Регистон,
Шердор,
Улуғбек —

Асрлар даҳоси тутган машъала!
Қуёш қароғида порлоқ бир туғдек,
Кўҳна тарихимдан ўқир масала.

Шарқнинг,
катта шарқнинг ипак йўлида,
Юксак қўналғада қўнмиш бу сайёҳ,
Топиб жаннатмакон ҳаёт чўлидан,
Бошда само тутган бир нилий кулоҳ.

Турар асрларни солиб ҳайратга,
Бошида офтоб Навоий тожи.
Шунчалар қудратни олиб санъатдан,
Божига тополмай лолдир хирожи.

Менинг қишлоғимда бир афсона бор:
Қишлоқ тирик экан булоқлар билан,
«Одам Ато» тоғдан ҳайдаган отлар
Кўмиб кетибмишлар туёқлари билан.

Кўмиб кетибмишлар булоқлар кўзин,
Қишлоқ сарғайибти, қишлоқ сўлипти,
Шундай гулшан қишлоқ, дала-туз тўзиб,
Тирик жон қолмапти, бари ўлипти.

Қушлар ҳам кетипти қишлоқни ташлаб,
Олиб кетиптилар унинг файзини.
Ташлаб кетиптилар чумолидан бошлаб
Даррандаларгача, ёлғизлаб уни.

Йиллар ўтиптилар, салмоқли йиллар,
Қишлоқ ҳам ётипти култепа бўлиб
Ут босиб, бекилиб кетипти йўллар,
Чанг чиқиб дардидан, ҳасрати тўлиб.

Йиллар ўтиптилар...
Ниҳоят...

Бир кун
Одам ёқалапти ундан, бир жондош.
Унинг оёғига илашипти кукун,
Чаманимни қайтар, дея тўкиб ёш.

Боғларимни қайтар, у беҳиштмакон
Чорласин суюкли булбулларимни,
Қақраб қолган ерлар сендан топиб жон,
Гуллар-ла тарасин ўнгирларимни.

Одам,
ўктам Одам ёқалапти уни,
Ҳаёт қидирипти, жон қидирипти.
Излапти, чекипти озор туну қуни,
Ернинг томиридан қон қидирипти.

Идрок етаклапти уни ўша отлар—
Отлар туёғидан чўккан изларга.
Уни бошлаб кетмиш ўша синоатлар
Кўр бўлиб кўмилиб ётган кўзларга.

Идрок!

Балли унинг тилсимига тенгсиз,
Бошлаб бормиш уни ҳаёт жомига.
Отлар туёғидан инграб ётган чексиз
Ҳаёт жоми— ҳаёт комига.

Одам тилсими-ла қайнаб, тошиб чиқмиш
Бўғилиб, ичикиб ётган у булоқ.
Бамисоли ўйнаб, яшнаб, шошиб чиқмиш,
Мисоли тизгиндан бўшалган тойчоқ.

Тойчоқ гир айланмиш қишлоғини ўйнаб,
Ортидан югурмиш гўё қишлоғи.
Югурмиш ўтлоқлар, чаманлар куйлаб,
Бош кўтариб унга, ҳар бир пучмоғи.

Ҳаёт уфурипти бир зумда унга,
Қувраб ётган боғлар олибмишлар ранг.
Боғу роғ тўлипти бирдан шовқинга,
Қишлоқ қўшиғига бўлиб ҳамоҳанг.

Аввалги рангини олипти қишлоқ,
Аввалги шавқига кирипти боғлар.
Иста—лолалардан унга гулхан ёқ,
Иста—ишқ ўтидан ёнсин чироқлар.

Улуғ Навоийда ажиб бир байт бор.
Қоғозга тушган у қайси ҳолатда:

Кимки ҳайрон эмас сенга, ажабо,
Мен анга ҳайронман ҳар ибодатда...

Бир кун Регистонда самарқандликлар
Ёқа ушладилар беҳад ҳайратдан:
Регистон бошидан сочар эди зар
Офтоб, ҳайратда бу зўр санъатдан.

Регистон,

Улуғбек,

Мадрасаи Шердор

Меъмор қаршисида турарди пешвоз.
Сиҳати кушойиш топган бир бемор
Таъзим-тавозеда, қилгудай парвоз.

Улуғвор Регистон виқор билан турар,
Ҳаттоки мусаввир ўзи ҳайратда,
Ўзи очиб қўйиб бамисоли зар—
Заррин жамолини бир урим хатда.

Бир урим хат уни излади қанча,
Қанча идрок билан қанча ақллар.
У хат, у бир қатра рангни топгунча
Тўқилди, очилди қанча нақллар.

Илм ҳам чарчади ҳаттоки гоҳо
Махражи, касрини топгунча.
Қандай ранг олади, қайдан, ажабо,
Шунча гўзалликни очилгунча гунча...

Ниҳоят топдилар мусаввир, меъмор,
Қалава учини топгандай косиб.
Топилди асл сир ва асл меъёр,
Ҳар жило, ҳар таркиб унга муносиб,

Қуёш жилосида топди жилосин,
Худди тонг ёриди узоқ тундан сўнг,—
Йўқди тафовути оҳанрабосин,
Чўнг эди виқори, забти ундан чўнг.

Худди афсунгардай турар мусаввир.
Ўзининг кашфига ўзи мусаллам.
Унинг санъатига кўтаргандай чағир,
Регистон ғоз турмиш эди кўп кўркам.

Турфа ранг кошинлар, турфа ранг гирдлар,
Турфа ранг жилолар ўйнар ёғдуда.
Минг туман устодлар, туман шогирдлар
Санъати яшармиш бунда осуда.

Улуғ рус санъати бўлмиш омухта,
Кўҳна Ярославль тупроғи, ранги.
Унинг оловида тобланган пухта
Ғишлар зуваласи, нурлар оҳанги.

Регистон чеҳраси ёришмиш алҳол,
Буюк Алишернинг тасавури ҳам.
Келин парда очиб кўрсатмиш жамол,
Шогирд
устозига ёқмиш мангу шам.

Қаламимга сиғинаман

Қаламимга сиғинаман, сизни десам,
Сизни деган сўзларига, куйларига.
Сизсиз унинг куйларида бир нарса кам,
Етмай афсун, бир издаҳом ўйларига.
Забт этади меҳнатингиз силсиласи
Ҳадисингиз, беандоза талъатингиз,
Сиз кашф этган меҳнатингиз зилзиласи,
Сиз кашф этган бу беқиёс санъатингиз.
Фахр этади бу беадад фахрингиздан,
Пахтангизнинг нуфузидан, нашъасидан.
Утаётган оппоқ-оппоқ наҳрингиздан,
Далангизнинг хазинаи чашнасидан!
Сахий кузнинг, ҳассос кузнинг залвори зўр,
Меҳнатингиз маҳобати оламжаҳон.
У тароват йироқлардан боқар мағрур,
Тонг нуридай оппоқ-оппоқ, довон-довон!
Истиҳола олур гоҳо қаламимни
Зукко-зукко қизларингиз мафтунидан.
Мисраларга яшираман саломимни
Қўрқа-қўрқа сеҳрлари афсунидан.
Пахта тердим, минг бор сизга салом билан,
Салом бериб минг бор тўккан терингизга.
Пахта тердим мен ҳам дўстим қалам билан,
Салом бериб минг бор она ерингизга!

Жавоб

Дебсан, хатингни олдим,
Кўнглимга тушди оташ.
Олдим—балого қолдим,
Эй, ошиқи жафокаш!

Найлай, хаёли ғашман,
Мисоли хомталашман.
Лайлога бир адашман,
Мажнун мисоли ғамкаш.

Қолибман икки ўтда,
Чақмоқ аро булутда.
Тиглайди битта—битта,
Бebbш у севги саркаш.

Баҳс кирди борлигимга,
Дунёда борлигимга;
Бировга ёрлигимга
Қўймай бу сир балокаш.

Қўй, жонгинам дилафгор,
Гуноҳга қилма дастёр,
Сафоли суйгулим бор,
Суюкли ҳамда дилкаш...

Ёпдим бу ишқ китобин,
Кутмай энди жавобин,
Ранжитмайин туробин,
Имзо чекарда — Опаш.

Аҳмад Зоҳир кўшиғи

Уз халқи душманлари томонидан ўлдирилган
машҳур афгон хонандаси Аҳмад Зоҳирни ёд
этиб...

Куйлаб туриб йиқилдим йўлингда!
Ғаму ғазабга тўлган ватаним,
Қайта дунёга келган ватаним,
Афгон билан туғилган ватаним,
Куйлаб туриб йиқилдим йўлингда!

Кулгинг қолди кўзимда ёш бўлиб,
Йўлга тушган эдим сен бош бўлиб,
Алам кетди дилимда тош бўлиб,
Куйлаб туриб йиқилдим қўлингда!
Куйлаб туриб йиқилдим йўлингда!

Аҳмад Зоҳир лақабим мангудир,
У ўчмайди, у қуёш рангидир.
У инқилоб, Савр ойи тонгидир,
Куйлаб туриб йиқилдим қўлингда,
Куйлаб туриб йиқилдим йўлингда!

Соҳибжамол

ҚУШИҚ

Наврўз кетган эди-я,
Ваъда этган эди-я.
Хат ҳам битган эди-я,
Кела қолса-чи...

Ёз ҳам ўтди, беҳабар,
Олмалар бўлди лобар,
Капалак учар пар-пар,
Кела қолса-чи...

Куз ҳам кўргазди висол,
Лабларида бериб бол,

Меҳмонларни қилиб лол,
Кела қолса-чи...

Қор ёғди паға-паға,
Жоним унга садаға,
Қийнатмай мени, оға
Кела қолса-чи...

Урди янги йил боми,
Қўлда янги йил жоми,
Муҳаббатдан саломи
Кела қолса-чи...

Соврун

Уйноқлаб келади тагида оти,
Қўй деб тизгинимни, қўйиб юбор деб.
Худди чиққудайин икки қаноти,
Қўйиб юбор, дейди, қанотим бор деб.
Елдирим кўчади туёқларидан,
Силлиқ сағри узра ўйнайди қуёш,
Осмон кўм-кўк наврўз бўёқларидан,
Ўсмалардан таранг, кўм-кўк қалам қош.
Уйноқлаб келади улоқчи оти,
Эгарда бургутдай улоқчи ўғлон.
Ёзилгудай гўё икки қаноти,
Уни кузатади кўпкарли майдон.
Қаламқош кузатар уни пинҳона,
Тополмайин ҳалак ўғлон кўзлари.
Улоқ бошланди, улоқ баҳона
Чиқмишди улоққа йигит бўзлари.
Уни деб отига зеб берди ахир,
Уни деб отини совитди бу кеч.
Қани у, кўзларга кўзлар мунтазир,
Мунтазир кўзларни қийнайларми ҳеч...
Бугун наврўз кирди, вафо нағмаси
Худди куртакларга айтилган ғазал.
Икки қалб дардининг висол каъбаси,

Унга таъзим қилмоқ одати азал.
 Тумонат. Наврӯзи олам урди бонг,
 Тўдага ташланди биринчи улоқ.
 Чангаллар, чангаллар, чангаллар бу тонг
 Тўдадан улоқни олароқ,
 Чўлга кириб кетди худди булутлардай,
 Худди гала-гала қушлардай учқур.
 Дара гувуллади учқур отлардан,
 Дала гувуллади, гувуллади қир...
 Наврӯз югуради далаларни қувиб,
 Қўм-қўк майсаларни қучиб, ардоқлаб.
 Наврӯз югуради майсаларни ювиб.
 Лолалар бошига қизил дурра боғлаб.
 Наврӯз югуради, кўпкар эмас — наврӯз,
 Ана қир сағрида кўринди ўғлон,
 Кеча қаламқошга бериб сўз,
 Бугун дулдул минган ўғлон — комрон,
 Худди қир бағирлаб учган бургут каби,
 Бағирлаб келади қирда бўз ўғлон.
 Тақимида улоқ, келар ўт каби,
 Атрофни ёндириб асл сўз ўғлон.
 Маррага келтириб ташлади улоқни,
 Соврунга боқмади, кўзи тумонотда.
 Гўё бирдан тинди битирган қулоқни
 Бояги гулдурос, галдирарди отда.
 Оти олиб кетди четга, тумонотга,
 Соврун қолиб кетди, унга боқмади ҳам.
 Қимдир «ҳай-ҳай» деди тумонотдан отга,
 Уғлон ялт этдию илғади шу дам
 Уртадан отилган оппоқ рўмолчани,
 Учди илиб олди, рўмол эди ажаб.
 Уғлон аланглади, унинг ўзи қани,
 Соврун отган дилбар?
 Тишлаб қолди лаб.
 Наврӯз уфурарди дастрўмолдан, наврӯз.
 Наврӯз соврунийди ўғлон қўлида.
 Бу соврун—ҳам меҳр, ҳам сеҳр, ҳам сўз,
 Ҳам қатъий аҳд эди севги йўлида!
 Тулпор ўйноқлайди наврӯз машқида,
 Уғлон юрагида унинг садоси.
 Қайдадир яшринган дилдор ашкида
 Тантана қиларди севги адоси.

Анвар Алиев даласида

Менинг Турбатимнинг ўқдай кўчаси бор,
 Ёлғиз катта кўча бутун қишлоққа.
 Лениннинг сўзи ҳам шу кўчадан келган,
 Дастлаб трактор ҳам,
 Дастлаб доктор ҳам,
 (Кузьма Ильич деган билимдон одам).

Ана шу кенг, яшил, узун кўчада
 Ёлғиз бир терак бор, қари бақатерак.
 Само тек турарди салобатидан,

Оппоқ ва нуроний, жонсарак,
 Уни кесадилар, уй қурадилар,
 Усаверади у, кажбахс, ўжар, адл.
 Усаверади у, қўйсанг, тоғ қадар,
 Тегажаклик қилиб, вазмин, мўътадил.
 Худди отқулоқдек бўлади аввал,
 Кейин самбит толдай қомат тутади.
 Улоқ еб ўтади,
 Кулун қиртишлайди,
 Қўй бўлса қашиниб ўтади.
 Бари бир, у бўлса, ўсаверади,
 Кўкараверади сени ардоқлаб,
 Тальатингга муҳаббат боғлаб,
 Кўкараверади...
 Шундан бўлса керак, уни эккан одам
 Турбатликлар эсида ҳамон,
 Қалбларида яшайди омон,
 Номи мубораги муҳтарам!

Уша тилсимотга учрайсан, гўё
 Анвар даласига кирибоқ,
 Унинг шукуҳини кўрибоқ,
 Уша кўча бўлур муҳайё...
 Ногаҳон олади таважжуҳингни
 Даласининг кўрки, саховати,
 Маҳобатли дала саодати,
 Забт этади бирдан руҳингни!
 Инкишоф кўрасан ҳар бир нуқтада,
 Меҳнат тилсимини, ҳукмини,
 Инсон зукколиги, зеҳнини,
 Унинг бениҳоя меҳрини,
 тенгсиз сеҳрини
 Бу тариқат ажиб жабҳада!

Замин фарзандининг мўъжизаси бу,
 Мўъжизасидир бу замон фанининг,
 Бунёд этаётган тупроқдан инжу
 Бунёдкор ватаним гражданининг!

Шукур Бурхоновга

Ҳаммамиз ҳам зотан жиндек шоирмиз,
 Озгина Навоий, озгина Машраб.
 Мушоира они ҳозир—нозирмиз,
 Қалбимиз қатида икки байт асраб.
 Озгина дилафгор Нодирабегим,
 Озгина Фурқатмиз, озгина Ҳамза.
 Шундан келур доим сени куйлагим,
 Шундан қўшиғимда гоҳ мунг, гоҳ ғамза.
 Шундан жиндак Ғафур, жиндак Олимжон,
 Жиндак Шайхзодамиз, озгина Қаҳҳор.
 Шундан кафтимизда, бамисоли нон,
 Юртимиз ҳамиша азиз ва дилдор.
 Уни севмоқ ўзи гўзал ва дилбар,
 Имонимиз бутун, омондир шуур.
 Озгина меҳрдан товланиб диллар
 Озгина Абрормиз, озгина Шукур.



Тоҳир Малик

ЧОРРАҲАДА ҚОЛГАН ОДАМЛАР

ФАНТАСТИК ҚИССА

- Бувижон, мушук нимадан тарқаган?
- Мушукми? Мушук арслондан, болам.
- Ит-чи?
- Ит бўридан.
- Одам-чи?
- ...

Элчилар

Ноғоралар чалинди. Жарчилар жар солиб, бухороликларни баланд минора атрофига тўпладилар. Сарой ва дин, тижорат ва иродат аҳли, одатларига кўра, минорага яқинроқ ердан жой олдилар. Юзу кўзларида ҳадик зоҳир бўлган аҳли ано билан аҳли ниёз эса панароқда туришни афзал кўрдилар.

Жарчилар Бухоро салтанатида «шаккок» пайдо бўлгани, Вобкент минораси сиртида тик юргани, амир ҳукмига кўра бугун унинг улкан минорага рўпара қилинажagini эрта тонгдаёқ шаҳар аҳлига маълум қилиб чиқдилар.

Тўпланганларнинг бири бу гапларга ишониб, бири ишонмай, гангиб, ора-сира баҳслашиб, «шаккок»нинг олиб келинишини кутардилар:

- Минора сиртидан юриши ёлғон бўлса-чи?
- Боши кетади.
- Юрса-чи?
- Юрсами?.. Унда ҳам боши чопилади.

Минорага яқин турганлар ҳам бўлажак воқеа ҳақида ўйлашар, четдагилардан фарқли ўлароқ, фикрларини тилга чиқармас эдилар. «Агарчи шаккок чиндан ҳам минора сиртида тик юра олса, у одам эмас, иблис бўлади. Иблис фуқаро орасига кирдими, имон кетади. Имон кетса, давлат таянчидан айрилади. Фарғона музофоти қақшаб, Бухо-

родаги йиртиқ чопонлар ғимирлаб турганда бу нимаси эди? Худо бу офатни уларга нима учун раво кўрди? Қайси гуноҳлари эвазига жазо-ламоқчи? Иблис шу қадар қудратга эга экан, барчаларининг жонини сўғуриб олиши мумкин-ку? Атрофда сипоҳлар мунча кам?...»

Ана шу саросима билан орқага қараганлар тисланишга жой йўқ-лигини кўриб, юрак ютиб ноилож туравердилар.

Ниҳоят, қўл-оёқларига, кишан урилган «шаккок»ни олиб келди-лар. Баланд бўйли, елкалари кенг, кўзларида ўт чақнаётган, сарпий-чан бу одам аравадан бамайлихотир тушиб, минора томон юрди. Бу-ни кўриб оломон бир гувранди.

Амир фармони ўқилди.

«Шаккок» кулимсираб тураверди.

Оломон ҳайратда.

Бир тўп муллавачча даврасидаги қорувли йигит тинмай калима, келтиради.

Бухоро аҳли орасида «Табиб афанди» деб ном олган одам кўзида негадир газаб учқунланади.

«Шаккок» одамлар орасидан уни излаб топиб, яна кулимсиради. Кишанлар ечилишини ҳам кутмай минора сиртига оёқ қўйди. Қадди бир оз қияланиб турди-да, кейин ростланди. Кишанларни шарақлатиб, тик юриб кетди.

Четроқда турганлар калима келтириб, ваҳима билан бақириб қо-ча бошладилар.

«Шаккок» миноранинг нариги томонидан юриб тушганида, май-донда даҳшатдан титраётган беш-ўн сипоҳидан бўлак ҳеч ким қолма-ган эди. «Шаккок» бир ноҳўя ҳаракат қилса, улар ҳам қочиб қолиш-га тайёр эдилар. Аммо унинг ҳаракатида тажовуз сезилмади. Кулим-сираганича аравага чиқиб ўтирди. Сипоҳлар, нима қилишларини бил-май, яна зиндон сари юрдилар.

Эртасига тонгда Бухоро халқини ташвишли хабар уйғотди: мино-ра сиртида тик юрган «шаккок» қочибди! Соқчиларнинг барчаси унинг ўрнида — зиндонда ухлаб ётишганмиш. Ҳеч уйғонишмасмиш...

Таҳликада қолган шаҳарда оллоҳ йўлига қурбонликлар аталди. Одамларнинг ҳаловати йўқолди. Барча қиёматнинг ҳақ эканига ишо-ниб турган кезде, кун чиқар томонда кучли гулдирак товуши эшитил-ди. Кейин фалак қарсиллаб, иккига ажралиб кетгандай бўлди. Одам-лар рози-ризалик тилашиб, қиёматни кута бошладилар. Аммо ваҳима-ли гулдирак узоқлашиб, замин ҳам, само ҳам жимиб қолди.

Саросима билан кутилган қиёмат содир бўлмади.

Худди шу онда Ер курраси атрофида йўлдош каби айланаётган ясси кема сайёрадан узоқлашиб, Сомон йўли томон учди.

Кеманинг учбурчак шаклидаги асосий хонасида Бухоро халқини саросимага солган «шаккок» — Танг сайёрасининг элчиси Лукн боши-ни эгиб ўтирарди. Ундан икки қадам нарида турган сафар раҳбари, элга Табиб афанди сифатида танилган Рҳақ ҳам жим эди.

...Лукн қилган ишидан вақти чоғ бўлиб, амир зиндонда хотиржам уйқуга кетди. Рҳақ уни уйғотмай, аксинча, биоток таъсири билан қаттиқроқ ухлатди. Соқчиларни ҳам ҳушсиз қилиб зиндонга қамади-да, ҳеч кимга сездирмай «шаккок»ни олиб чиқиб кетди. Сўнгги иш-ларга халақит бериши мумкин бўлгани учун ҳам Лукнни Ер доира-сидан узоқлашгунларича уйғотмади.

Рҳақ кемага қайтгани ҳамон ерлик одам қиёфасидан чиқиб, асл шаклига кирган — бўйи икки баравар узайиб, қўли кичрайган, бурни ўрнида тангадек тешик қолган эди. Оғзининг катталиги ўзгармаган, аммо, сочи ям-яшил рангга кирганди. Сафар раҳбарининг қилиғидан газабга келган Лукн эса ген камерасига кириб асл қиёфасига қайтиш-ни ўйламасди.

Улар Ер томон учаётганларида зиммаларига фақат бир вазифа: Сайёрада истиқомат қилувчи жонзотларнинг тараққиёт даражасини ўрганишгина юкланган, Ер ҳаётига аралашини қатъиян ман этилган

эди. Шунинг учун ҳам улар одам қиёфасига кириб олгандилар. Ерга қилинган аввалги икки сафар машқ тарзида бўлган. Буларники эса дастлабки жиддий тадқиқот саналарди. Мана шу тадқиқот самараси кўп нарсаларни ҳал қиларди.

Мўлжалдаги ишлар рисоладагидай давом этиб, тадқиқотлар ниҳоясига етай деб қолган эди. Сўнгги хулосаларга келганда Лукннинг асаби чидаш бермадимикин?

Рҳақ шуларни хаёлидан ўтказиб, ҳамроҳига норози қиёфада боқди.

— Камерага кириб чиқ,— деди у босиқроқ гапиришга тиришиб.

Лукн итоаткор, оғир-оғир қадам босиб чиқиб кетди. Рҳақ унинг изидан қараб турди-да, кейин юмшоқ курсига чўкди.

Дастлабки кузатувлардан сўнг Ергаги (у пайтда сайёранинг номи Ер деб аталишини билишмасди) тараққиёт даражасининг Тангга нисбатан анча орқада экани тахмин этилган эди. Рҳақ сайёра сатҳига тушган кунларни буни дарров фаҳм этди. Бироқ, унинг ўткир зеҳни, нозик фаросати — Тангда маҳв этилган нарсаларни ҳам илғади. Одамларнинг ўзаро самимияти, меҳри, муҳаббати, олижаноблиги, дўстлиги; айни чоқда адовати, қаҳри, макри, пасткашлиги, бир-бирига ёвлиги унинг учун янгилик эди. Ерликлар ҳаёти шу номутаносибликлари, шу мураккаблиги билан унинг фикрини банд қилди. Ернинг бундай ҳаёти Лукннинг ҳам эътиборини тортган бўлса-да, у масалага ўзгача ёндошган эди. Рҳақ ҳамроҳининг айри фикрларини анча илгари сезса ҳам, жиддий эътибор бермаганди. Минора воқеасидан икки кун аввал бўлган баҳсда эса Лукннинг фикрлари фақат нотўғри эмас, балки зарарли эканини англади.

Ер ҳисоби билан салкам бир йил давом этган кузатувдан сўнг Лукн, одамлар тараққиёти бутунлай таназзулга юз тутган, деган қарорга келибди. «Ўзини «Инсон» деб атовчи бу жонзотлар бир-бирларини еб битирадилар. Ерга ҳаёт тугайди. Тафаккур даражалари ўсишдан тўхтаган...» Рҳақ бу ақллари мутлақо ҳам қила олмас, шу билан бирга ҳамроҳини фикрдан қайтаришга ҳам ожиз эди. Лукн Бухоро халқини саросимага солиш билан ўз фикрини исботламоқчи бўлди. Бу унинг қабиҳлиги эмас, балки калтабинлиги туфайлигина рўй берди...

Кўп ўтмай Лукн ген камерасидан асл қиёфасига кириб қайтди. Рҳақ бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеа ҳақида сўз очмади. Кема Қуёш мажмуаси сарҳадига яқинлашиб қолган эди. Иккови ҳам уйқу камерасига киришдан олдин сўнгги тайёргарликни кўрди. Агрегатларнинг ишлашини синчиклаб кузатгач, учиш ихтиёрини автомат-навигаторга топшириб, бир-бирларига бош ирғаб қўйишди-да, камераларга киришди.

... Рҳақ қанча ухлаганини билмайди. Миясига заифгина бир импульс урилиб, уйғониб кетди. Хавфдан огоҳ этувчи чироқларнинг ёниб-ўчишини кўрибоқ ўзини симлардан ҳалос қилди-да, қўшни бўлмага кирди. Лукн ҳамон уйқуда. Юрак уришини қайд этувчи тасма унинг ғоят хотиржамлик билан ором олаётганини билдириб турибди.

Рҳақ ҳамроҳининг юзига тикилиб қолди.

«Бир мақсад билан йўлга чиқиб, икки хил фикрда қайтпмиз. Ер тангликлар учун яна муаммолигича қолади. Агар Лукн фикрини исботлай олса, Ернинг тақдири ўша дамнинг ўзидаёқ ҳал этилади. Тафаккур даражаси ўсишдан тўхтаган сайёра Танг қарамоғига ўтиши, керак, шунда Ернинг тараққиёти, ўз ихтиёрига зид равишда, тангликлар томонидан тезлаштирилади. Оқибат эса...»

Бу фикрдан Рҳақнинг вужуди сесканди. «Йўқ,— деди у ўзига ўзи,— бундай бўлиши мумкин эмас. Шубҳасиз, Тангда Лукнни қўллайдиганлар топилади. Лекин бу масалада яқдиллик бўлишига ишонмайман!»

Рҳақ автомат-навигаторнинг ишини текшириб кўргач, яна уйқу камерасига кирди.

Бу сафар ҳам кўп ухламади. Қимдир туртиб уйғотгандай бўлди.

Оёқ-қўллари нима учундир оғир, аъзойи бадани зирқирайди. У бошини қўллари орасига олиб узоқ ўтирди. Эшик очилиб кимнингдир юзи кўринди. Рҳақ унинг ким эканини илғай олмади. Эшик қандай тез очилган бўлса, шу тезликда ёпилди. Рҳақ ўрнидан туриб энсиз даҳлизга чиқди. Ҳеч ким йўқ. У беихтиёр Лукн ётган камера томон юрди. Дора дераза орқали ичкарига қаради: Лукн йўқ! Рҳақ ҳайратдан донг қотди. Шу пайт орқасида шарпа сезилди. У шахд билан ўгирилди. Кимдир бошқарув хонаси томонга ўтди. Рҳақ тез-тез юриб кеманинг асосий бошқарув хонасига кирди. Ҳеч ким кўринмади. Асбоблар бир меъёрда гувиллаяпти. Кема гўё қоронғи бўшлиқда муаллақ тургандай. Кимдир унинг елкасига қўл қўйди. Бўйнига кимнингдир илиқ нафаси урилди. Рҳақ гангиб қолди. Атрофида ҳеч ким йўқ. У яна шошиб изига қайтди: Лукн жойида ухлаб ётибди. Рҳақ яна шарпа сезди. Бошқарув хонасига кирди. Лукннинг камерасига қайтди...

«Нима бу? Галлюцинациями? Асабларим қақшаб, ўзимни эплаёлмай қолдимми? Яна кимдир юргандай бўляпти. Шарпа. Йўқ одамнинг шарпаси. Йўқ одам... Нимага чўчипман? Йўқ одам кўрқинчлими? Евуздан ҳам баттарроқ. Евуз билан рўпара бўлсанг, ўлдириб қутулсан. Йўқ одамдан-чи? Уриб бўлмаса, чопиб бўлмаса. Қандай қутулиш мумкин? Йўқ одам хаёлимда-ку! Қаердан келди? Нима учун хаёлимдан жой бердим? Ҳали йўлнинг ярми босиб ўтилмади. Кемада ёлғиз ўзим бедорман. Бошқа ҳеч ким йўқ. Шарпа ҳам йўқ. Лукн ухлаяпти. Бир ўзим бедорман. Бир ўзим...»

Рҳақ шу зайлда ўзини ўзи ишонтира бошлади. Шарпа ҳар қанча хаёлини чалғитса ҳам эътибор бермади. Асаблари бир оз осойиш топгач, уйқу камерасига кирди.

Яна чўчиб уйғонди. Яна аъзойи бадани зирқиради. Бошқарув хонасига чиқди. Кутилмаганда экран ёришиб, Фид кўринди. Ҳамиша жиддий боқувчи ботиқ кўзлар, ўсиқ қош, бир текис оқарган соч; пасти лабининг ўнг томони сал тортилиб турибди. Овози ўша-ўша дагал.

— Сен янглишдинг, Рҳақ. Энди ҳукми ўзинг чиқарганинг маъқул.

— Ҳукм? Нима учун?

— Янги тартиблар беҳато ишлашни талаб этади.

— Бундай тартибларни фақат жоҳилларгина жорий қилади.

— Зукколарнинг изми ҳамиша жоҳиллар қўлида бўлиб келган.

— Янглишяпсан! Донишмандлар ҳеч қачон жоҳиллар қаршисида тиз чўкмаганлар.

— Аммо улар билан доимий кураш олиб боришга мажбур бўлганлар. Вақт ва қувватни беҳуда сарф этиш зукко учун оғир азоб эканини унутяпсан.

— Мақсадингни англамаяпман?

— Ҳукм чиқаришинг керак.

— Қандай ҳукм?

— Сен ўз-ўзини ўлдириш масаласига қандай қарайсан?

— Бундай аҳмоқона ўй сира хаёлимга келмаган.

— Уйлаб кўр...

— Эсингни йиғ, Фид!

— Уйлаб кўр... Энг тўғри йўл — шу...

Рҳақ ўрнидан туриб кетди. Кўзларини уқалади. Эcran қорайиб турибди. Яна галлюцинациями? Бу чиндан ҳалокат белгисими? Рҳақ бемаъни хаёлларни миясидан қувиб чиқариш учун диққатини бир ерга тўплади. Узини ўзи чалғитди. Асаблари юмшагач, уйқу камерасига кирди.

Энди аввалгидан ҳам кам ухлади. Назарида Фид кемага кириб келиб, тепасида туриб олгандай бўлди. Кўзини кескин очиб атрофига аланглади. Ўрнидан турди. Лукн ётган камерага қаради: ҳамроҳи уйқуда. Кейин бошқарув хонасига кириб, экранга тикилди. «Фид бошқа кўринмайди, аввалгиси галлюцинация эди. Ўзимни ўнглаб олдим. Бўш келиш йўқ...» дея ўзига далда берди. Ҳар қандай шароитда ўзи-

ни қўлга ола биладиган Рҳақ Ерга қилинажак сафар олдидаги тайёр-гарлик даврида ҳам синов камерасида кўп марта якка ўзи яшаган, супъий галлюцинацияларнинг барчасига бардош бера олган эди. Ана шу синовни инобатга олиб, узоқ муддатли учишга чидайман, деб ўйларди. Аммо у энг муҳим бир нарсани — Ерда ўтган умрини, ҳиссиётлар оқимидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаётган эди. Гарчи икки сайёра ўртасида алоқа ўрнатиш учун асосий омил ҳисобланган сув, ҳаво, тупроқ таркиби бир хил бўлса-да, у Ерда ўзини кутганидан ўзгачароқ ҳис этди. Рҳақ бу хира юлдузда молекуляр комплексларнинг вужудга келиши учун зарур бўлган органик бирикмалар мавжудлигини, бу моддаларнинг эришига мос суяқлик ҳам борлигини яхши биларди. Аммо илмий кузатиш ва тадқиқотлар воситасида илганмайдиган, одамларнинг ўзаро муносабатлари, бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатлари унинг руҳиятига таъсир кўрсатган, шу сабабли ҳудудсиз фазо саробининг домидан қутула олмаётган эди.

У қорайиб турган экранга қараб ўзини ғолиб сеза бошлади. Рҳақ галлюцинацияни чекинтирганига амин эди. Ҳатто ғолиблик нашидаси қўнғир юзида ҳам сезилди. Ўзини чалғитиш учун кундаликларини варақламоқчи бўлиб курсига энди ўтирганда экран ана ёришди. Фиднинг совуқ, қаҳрли юзи кўринди. Рҳақнинг бадани жимирлади.

— Кутмовдингми? — деди Фид киприк қоқмай.

— Кутган эдим. Лекин истамагандим.

— Истак билан мажбурият бошқа-бошқа нарса. Тангда истак деган тушунчага барҳам берилганини унутдингми?

— Аксинча, эзгулик билан эсладим.

— Рҳақ! Сен Тангга қайтпасан. Ундан қочаётганинг йўқ. Юртингдаги тартибларни эзгулик билан эшлаш ҳуқуқидан маҳрум эканингни унутма.

— Ҳаққим йўқлигини яхши биламан. Аммо нима қилай Эзгулик билан эслайдиган тартиблар кўплигини Ерда сездим.

— Биздаги тартиблар осмондан олинган эмас. Минг йилларни оралаб ўтиб, пишиб етилган. Унга шак келтирма.

— Биз минг йиллар давомида гангиб юрган эканмиз, шекилли?

— Рҳақ, тилингга эрк берма. Сенга қайси нимарсалар ёқмай қолди, айт, балки янглишаётгандирсан?

— Қанийди янглишаётган бўлсам. Бу қадар ёнмас эдим.

— Айт.

— Фид, сен менинг нечта болам борлигини биласанми? Йўқ. Бошқаларникини ҳам билмайсан. Мен ҳам шундай — хабарсизман. Чунки биз фақат хизмат юзасидан алоқа қиламиз. Бизга фақат бир нарса — юксалиш учун ишлаш, ишлаш учун юксалиш керак. Бурч, садоқат, меҳр деган тушунчалар — тараққиёт йўлидаги ғов... Фид, сен севиб уйланганмисан? Уйламай қўя қол. Ҳаммамиз компьютернинг маълумотларига қараб уйланганмиз. Биз юксалиш учун ишлашимиз, ишлаш учун юксалишимиз керак Фид, сайёрамиз хавф остида қолса, аҳволимиз нима кечади, ҳеч ўйлаганмисан?

— Уйламай-чи! Биз бу хавфни лаҳзада бартараф этамиз. Сен қудратимизга ҳам ишонмай қолдингми?

— Ишонаман. Аммо фазонинг қай бир нуқтасида биздан ўн карра қудратлироқ онгли жонзот бўлса-чи?

— Йўқ, бу фаразинг ноўрин. Энг олий онг фақат Тангда мавжуд. Биз — табиатни енгган ягона олий онг эгаларимиз.

— Сен ҳақсан. Аммо шундай фарз қилиб кўр. Агар хавф туғилса, биз ниҳоятда ожиз бўлиб қоламиз. Чунки бизнинг бир-биримизга қадримиз йўқ.

— Бор. Танг аҳолиси ўртасида энг яхши муносабат мавжуд.

— Сен энг яхши деб атаётган муносабат қуруқ, сохта.

¹ Электрон ҳисоблаш машинасининг биртури.

— Хиссиётга берилиш — ошиқча юк, Рҳақ.

— Мен фақат ана шу юкни кўтариб юришга мингдан-минг рози эдим.

— Рҳақ, руҳинг хасталанибди. Танг тарихини кавлаштириб юрганингадەқ буни сезиб эдим.

— Фид, энди тарихни очиш вақти етди.

— Йўқ, асло! Танг тарихини ўрганиш — тараққиёт йўлидаги асосий ғов. Тарих фақат махсус гуруҳ учун очиқ. Утган замондаги хатолар таҳлил қилиниб турилса, бас. Бошқалар фақат юксалишни ўйлаши керак. Орқада ҳеч нима йўқ!

— Фид, фикринг ўзгариб қолибди. Сен Лукннинг гапларини айтяпсан.

— Мен ўзимнинг гапларимни айтяпман. Мен — Лукнман!

Рҳақ сесканиб, кўзини юмиб очди. Дарҳақиқат, экрандаги Фид эмас, Лукн эди. Рҳақ жон ҳолатда экранни кафтлари билан тўсди. Тасвир йўқолди. У телба бир аҳволда ўрнидан туриб кўзларини уқалади. Эcran қорайиб турибди. Яна галлюцинация! Нима бу, ҳалокат белгисими? У бошини чангаллаб ўтирди. Кейин хаёлини жамламоқ учун кўзларини юмиб, столни беихтиёр черта бошлади. Назарида кўли оғирлашгандай, ҳаракат мушкуллашгандай туюлди. Кўзини шошиб очиб, бақириб юборай деди: бармоқлари бештадан бўлиб қолибди! Худди ерликларникидай бешта! У кўзларини маҳкам юмиб, кейин яна очди. Йўқ. Бармоқлари бешта эмас, тангликларникидай учта. Демак, яна галлюцинация. Асаблари панд беряпти. Қандай бўлмасин ухлаш керак. Йўқса манзилига етиб боролмаслиги мумкин.

Кема бир маромда учиб борар, Рҳақнинг асаблари эса тобора издан чиқар, нохуш баҳслар ўтида қовриларди. Кейинги кунлар ичи кўзига фақат Фид — Ерда ҳаёт борлигини башорат қилган донишманд Фид кўринади. Қандайдир ҳукм чиқаришга, уни ижро этишга ундайди.

Рҳақ Фид билан кўп жиҳатдан ҳамфикр эди. У галлюцинация домидан озод бўлган кезлари хаёлий баҳсларни эслаб ҳайратланди. Чунки Тангда Фид билан бирон бир муаммо устида бунчалик қаттиқ тортишмаган эди.

Танг фазогирлари жуда кўп юлдузларга бордилар. Лекин бирон тасида ҳам онгли мавжудот учратмадилар. Донишмандлар марказида эндигина таҳсилини тугатган Фид катталиги жиҳатидан ҳам, нури жиҳатидан ҳам ўзгалардан фарқ қилувчи юлдуз атрофида ҳаракат қилаётган нисбатан майда ва нурсиз тўққиз юлдузни кузата бошлаганида унга айтарли аҳамият беришмади. Бир томонда ўзини қоя деб ҳис қилувчи донишмандларнинг тахмини исботланмай турганда, бу «гўдак»нинг фаразларига ким ҳам эътибор қиларди? Фид мақсадга фақат иқтидор билан эмас, балки сабр-тоқат билан ҳам борилажагини яхши биларди. У ультрабинафша спектрометр ёрдамида ёрқин юлдузга яқинлик бўйича учинчи, катталикда эса бешинчи ўринда турувчи хира юлдуз атмосферасининг кимёвий таркибини аниқлаб, ундаги водород ва гелий миқдори Тангники каби эканини айтганда ҳам, хира юлдуз атмосферасида сув буғи мавжудлигини исбот этгандан кейин ҳам шуҳрат умидини қилмади. У ўзини донишманд санайдиган, «нима учун кундўзи ёруғ тунда қоронғи бўлади», деб бош қотириб юрадиган тоифалар қаторида навбат кутишга мажбур бўлди. Бу унинг иззат-нафсига тегса-да, сайёрада жорий бўлган қонунга тик боролмаслигини билиб, тоқат қилди. Тангда унинг кашфиётидан ҳайратланиб, биринчи бўлиб қутлаган кимса Рҳақ эди. У дўстининг тахминларига ишонар эди. Фаразларнинг исбот этилиши эса Рҳақ учун нур устига аъло нур бўлганди.

Биринчи фазогирлар Ерга сафар қилиб қайтишганда улар роса қувонишди. Фазогирлар иккинчи учишга тайёрланаётган вақтларида Рҳақ учинчи — энг муҳим сафарга ўзи боражагини ҳали билмасди. Мана, учинчи тадқиқот ҳам тугаяпти. Энди тўртинчисига ким бораркин?

Бу савол Ерда эканидаёқ Рҳақнинг кўнглига гулгула солган, ди-
лида, имкон бўлса, яна ўзим келардим, деган умид ҳам уйғонган эди.
Хаёлида кетма-кет давом этаётган асабий тортишувлардан кейин Рҳақ-
нинг Ерда яна қайтишга бўлган ишончи сўна борди. Бахтига Лукн уй-
ғонди-ю, бу азоблар, бир оз бўлса-да, барҳам тошди.

Рҳақ кеманинг Танг сатҳига оҳиста қўнишини ҳам сароб деб ўй-
лаб, аввалига узоқ вақт жойидан жилмай ўтирди. Ён атрофидаги тас-
вир ўзгармагач, туши эмас, ўнги эканига ишонч ҳосил қилиб ўрнидан
турди. Бироқ юра олмади. Оёқлари зилдай оғир эди. У мувозанатини
йўқотиб курси суянчигини ушлади-да, жойига қайта ўтирди. Асбоблар-
нинг ғувиллаши тингач, қулоғи шанғиллади. Қўзларини юмди. Тангга
ета олмай ё жинни бўламан, ё ўламан, деган ўй уни анча қийнарди.
Ниҳоят, Тангга етиб келди. Эс-ҳуши жойида. Саломатлиги ҳам ёмон
эмас. У бахтли тасодиф билан омон қолдимиз? Йўқ одамнинг шарпаси
қанчалар азобга солди. Фид-чи?

«Ҳозир мутахассислар кема эшигини очадилар. Улар орасида Фид
ҳам бормикин? Хаёлий чексиз баҳсларимизни эшитиб нима деркин?»

Тор дунё

Рҳақнинг асабларидаги ўзгариш дарҳол қайд этилиб, унинг до-
нишмандларга ҳисоб бериши кечиктирилди. У олиймақом оромгоҳга
жойлаштирилган бўлса-да, баттар сиқилди. Гарчи галлюцинация энди
таъқиб этмаса ҳам, хаёлий баҳсларига чек қўёлмади. Юраги қон бў-
либ кетди, кўнгли кенгликларни қўмсади. Кенглик... Қаерда бор? Ер-
да мавжуд эди.

Тангда икки кишига мўлжалланган учувчи ясси аппаратлар ихти-
ро қилинган, кўчаларга эҳтиёж қолмаган, натижада, бири-биридан
ўзишга бас бойлагандай кўкка бўй чўзган ойнаванд бинолар ораси
сўнги имконга қадар торайтирилган эди. Рҳақ ерда юрганида ана шу
аппаратларни кўп ўйларди. Баъзи пайтларда бу ясси учқичлар осмон-
ни худди заъфарон булут каби тўсиб олар, ана шунда ойнаванд бино
пойида турган киши ўзини ертўлага қамалиб қолгандай ҳис этарди.
Тангда ясси учқич билан бино томига қўниб, ичкарига юқоридан ту-
шишга кўниккан Рҳақ ердаги бир қаватли, олдий, содда биноларни кў-
риб дастлаб ажабланган эди. Энди билса, ўша бинолар кенгликка эрк
бериб турар экан. Тангда эса... бу шунчаки эскирган иборага айлан-
ган. Тангликлар бир-бирига елка тирагудай бўлиб турган баланд
уйларга кўникиб қолишган. Тор дунёга кўз ўрганган. Бироқ кўнгли
кўниколмайди.

Ҳозир ҳамма уйқуда. Рҳақ эса мижжа қоқмайди. У бир неча кун-
дан бери бедор. Ҳеч ким билан гаплашмайди. Ҳеч кимга дардини
айтолмайди.

Рҳақ, навбатчиларни уйғотиб юбормай деб, оёқ учиди юрганича
даҳлизга, ундан ҳовлига чиқди. Ҳаво дим. Пастак сим девордан ҳат-
лаб ўтгач, тўғрига қараб кетаверди. Қаерга бораётганини ўзи ҳам бил-
мас, кўнгли ҳозир фақат бир нарсани — кенгликни қўмсарди. Бундай
жойнинг Тангда йўқлигини билса ҳам, қалбидаги яширин илинжга
ишониб юриб борарди. Хаёли жиловсиз. Ўткиқод, ният, эзгулик — қо-
ра тамға остида. Бош кўтаришга ожиз. Сурур эса Тангни аллақачон
тарк этган; кимдир, қачондир бу хислатлар тараққиётга ҳалал беради
деб барчани ишонтирган, оқибатда сайёрадаги каттаю кичик фақат
тараққиётни ўйлаб яшашга кўника борган ва бу қонун тусига кириб
қолган эди.

Тонготарда Рҳақ мўъжаз боғ рўпарасидан чиқди. Аслида бу боғ эмас, катта бир ўрмоннинг омон қолган бўлаги. Табиатни енгган тангликлар марҳамат тариқасида, тўғрироғи, ёввойи табиатдан ёдгорлик сифатида ҳар ўрмондан мана шундай бўлақлар қолдирган эдилар. Рҳақ кенгликни шу ердан истаб топмоқчими?

Дунё тор. Бир қарич ҳам бўш ер йўқ. «Қаердадир кўнгилга таскин бера олувчи, худди Ермадайд кенглик бўлиши керак,— деб ўйларди у,— поёни уфққа тутшиб кетувчи кенгликсиз яшаш мумкин эмас... Алаҳсираяпманми?... Тентакман... Бедорлик кучини кўрсатяпти. Саробни орзу қиляпман...»

Рутубат босиб турган баланд биноларга қараб келавериб кўз толиқибди. Томоғи ҳам қуриган. Заура¹нинг сарғиш нурларида жилваланувчи бу шиша бинолар, унинг назарида, кенгликнинг сарҳади. Рўпарасидаги боғ — ўрмоннинг омон қолган бир бўлаги ҳам чегара. Кенглик ҳар томондан ўраб олинган. Сиқикда қолган. Кўнгил шу чегарани ёриб ўтишни истаydi.

Рҳақ дарахтзорга кирди. Аввал қуриб-қақшаб ётган сўқмоқдан, сўнг майса қопланган заҳкаш ердан юриб кетди. Сокинлик. Гўё шаҳарнинг асабини эговловчи шовқини жилвагар баланд бинолардан безиб шу дарахтзор томон оқади-ю, дастлабки майсаларга дуч келгач, зах ерга сингиб кетади. Ҳатто қушларнинг овози ҳам эшитилмайди. Дарвоқе, қушлар... Уларнинг номлари билан суратлари ҳам тарих саналиб, Тангнинг ёш авлодидан сир сақланади. Ҳимоясиз қушлар Танг атмосферасидаги кескин ўзгаришнинг дастлабки қурбонлари бўлишди. Лекин ҳеч ким бунга эътибор бермади. Ҳатто кислород миқдорининг камайиши ҳам тангликларни ташвишга сололмади. Ҳам яссилик, ҳам тикқалик бўйлаб юра олишга қодир, фақат юксалиш учун ишлаётган, ишлаш учун юксалаётган бу олий онг эгалари учун сунъий кислород кашф этиш қийин эканми? Ҳаво — сунъий, озуқа — сунъий. Ҳис-туйғулардан воз кечганлари учун муносабатлари ҳам сунъий. Фақат аъзолар, юрак росмана. Бироқ уларнинг ишлаши ҳам ғайритабиий...

Рҳақ тўхтаб атрофига зийраклик билан боқди.

Осудалик... Тангнинг бу бир парча ерида фақат осудалик ҳукмон: кенгликнинг эса чор атрофи сиқиб қўйилган; табиат замонга бўйсундирилган.

Дарахтларнинг тўрт қулоч баландликка қадар тик ўсган танаси, кескин ёйилган шохларида ҳаёт нишонаси сезилмайди — ҳаракат йўқ. Чўп устига омонат қўйилган ликопчани эслатувчи бу дарахтлар шамол билан курашишни, эгилиб, букилиб қаршилик кўрсатишни, оқибатда голиблик виқори билан қад ростлаб, савлат тўкиб туришни унутиб юборишган. Рҳақнинг назарида булар мўртроқ шишадан қилинган, чертиб юборсанг, шоху барглари дув тўкиладигандай.

Дарахтзор оралаши билан бирдан димоғига оромгоҳ ҳиди урилди. Дарахтзорда бундай бўй нима қилсин? Рҳақ бу ҳидни хотирасида олиб келган. Дам ўтмай бу ҳид дарахтзор иси билан қоришиб кетди. У бир дарахтга беҳол суянди. Барглар орасидан барча нарсаларга қизиқишсиз, бефарқ қарайдиган бўлиб қолган кимсалар мўралагандай бўлди. Уларнинг кўзлари бўм-бўш кенгликка қадалган. «Бемаъни гап! Бўш кенглик ҳеч ерда йўқ... Ҳатто ҳаёл ҳам банд. Тасаввур ҳам кенгликни унутган. Нимани изляяпман? Кенглик — балки ўлим чоҳидир? Шу чоҳ кенгликка олиб борар? Агар шундай бўлса, ҳаракатим бесамара. Мен изляяпман, ўлим эса мендан қочаяпти. Наҳот, қолган умрим беркинмачоқ билан ўтса? Ё Ердан олган таассуротларим аста-секин ювилиб кетармикин? Мен ҳам аввалгидай ҳиссиз, бераҳм, безътибор бўлиб қолармикинман?»

Бераҳмлик... Илгари бундай деб ўйламас эди. Авваллари жазога тортилаётганлар қисматига ачинмасди. Ҳатто ўғлига ҳам. У ўртоқлари

¹ Заура — Танг кўеши.

билан гуруҳ тузиб, тараққиётни изига қайтаришни хаёл қилди. Унинг кўп жиҳатдан ҳақ эканини биларди. Муддаосига етолмаслигини била туриб тўхтатмади. «Вақтимни аядимми? Ҳа, мен умримнинг ҳар нафасини тараққиёт, фақат тараққиёт учун сарф қилишни ўйлардим. Болалар ҳали ёш эди. Хатоларини тузатишларини билар эдимми? Ҳа, билардим. Уларни бир сўз билан олиб қолиш имкони бўла туриб, нимага қутқармадим? Худбин эдимми? Донишманд икир-чикирлар билан эмас, илм билан машғул бўлиши керак, деган «ғоя»га шунчалик қўл эканманми?! Ахир менинг қисматим ҳам бошқалар учун, ҳатто жазосини олган ўғлим учун икир-чикир масала бўлиши мумкин-ку? Нимага бунини фаҳламаган эдим? Нақадар жаҳолат! Тараққиёт ва жаҳолат! Мен ўтган йўлимга нима учун бу қадар кеч разм солдим? Агар Ерга бормаганимда, шу фикрлар хаёлимга келар эдимми?...»

Рҳақ бу саволга жавоб тополмади.

Дарахт панасидагилар Рҳақдан нигоҳ узмай туришибди. Улар Рҳақнинг дардли ўйларига бефарқлар. Қарашлари жонсиз, ҳаракатсиз. Кўзлари кенгликларни қамраб ололмайди. Улар аста-секин дарахтзорга сингиб кетдилар.

Рҳақ яна ичкарилади. Кафтдек ялангликка чиқиб тўхтади. Уртада катта харсанг. Бу атрофда бошқа тош йўқ. Илгари харсанг остидан сув қайнаб чиқарди; синиб тушган шох-шаббалар, кўкатларда қумурсқалар ўрмалаб юрарди. Энди сув қуриган. Қумурсқалар ҳам йўқ. Бошқа сувли, нам ерларни излаб кетишдимикин, ё қирилиб битишдимикин?...

У Ердаги булоқларни эслади. Қулоғи остида сувнинг шилдираши эшитилиб, энтикди. Бошни гув айланиб, ўтириб қолди. Бир зум кўзини юмди, очди. Энди барглар орасидан ерликлар қараб тургандай бўлди. Бу кўзларни кўргач, Рҳақнинг тўнғиб қолган қонлари юришиб кетгандай, бадани илиб, асаблари тиниққандай туюлди. Шу яқин ўртада бўлбул ҳам сайради. Рҳақ Тангда булбул бўлганми-йўқми, билмайди, лекин унинг овозини Ерда дастлаб эшитганда, юртида ҳам шундай қушча бўлишини жуда-жуда истаган эди... Барглар шитирлади. Гўё ерликлар кўзларини юмиб-очиб: «Қандай харобазорда юрибсан?» дея ҳайратланаётгандай бўлди. Рҳақ чуқур хўрсинди-да, кўзи беркилган булоққа қаради. Кейин бошини қўллари орасига олиб харсангга ўтирди. Кетгиси келди. Қаёққа боради? Яна ўша шиша қаср — оромгоҳами? Нонушта пайти яқинлашди. Шунга шошяптими? Очдан ўлмаслик учун овқатланиб, сўнгги нафасини кутиб ётишга ошиқяптими?

«Уф... дунё тор... жуда ҳам тор...»

Рҳақ изига қайтди. Дарахтзордан чиқиб, йўл четида турган кимсага кўзи тушди. Тўхтади. Дарахтзор томонга қараб турган киши эса юра бошлади. Фидми?

— Фид... — Рҳақнинг лаблари титраб кетди.

— Рҳақ! — Фид тез-тез юриб келиб ҳамрозини қучоқлаб олди.

— Фид...

— Гапирма, ҳаммасини биламан. Кундаликларингни ўқидим.

— Мен янглишибманми?

— Ҳозир бир нарса дейиш қийин.

— Ахир...

— Бехато фикрлашнинг нималигини биласанми? Мутлақо фикрламайдиганларгина хато қилишмайди.

— Фид, фақатгина сен шундай деб ўйлайсан. Аммо менинг кўрганларимни ҳатто сен ҳам тасаввур қила олмайсан.

— Тасаввур қилдим. Бошқалар ҳам кундаликларингни ўқиб, суратларингни кўришди. Лукнинг ҳисоботини ҳам эшитдик. Сен беҳад ҳиссиётга берилибсан. Шунинг учун ҳам таассуротларинг тарих тамғаси билан сир сақланади.

— Фид, ахир...

— Баҳслашма. Ҳозирча баъзилар Лукнинг фикрини ёқлаяпти. Ерда шом палласи бошланганига ишонапти.

Йўқ, Фид! Бўлмаган гап! Мен ҳали фикримни исбот қилиб бераман. Аввалги фазогирлар Ернинг турли нуқталарида турли даврларда уйғониш бўлган, фан бирмунча тараққий этган, кейин сўнган, деб тўғри фараз қилганлар. Биз фақат бир нуқтада бўлдик. Мен уларнинг уйғонишига аминман. Мен ёшлар билан кўп мулоқат қилдим. Уларда интилиш бор. Биз қайтар чоғимизда кучли портлаш содир қиладиган маънавий қудрат тўпланаётган эди. Мен сенга бир суҳбатни айтиб бераман. Улардаги тарих ёпиқ дарвоза эмас, демак, уйғонадилар.

Рҳақ Бухоронинг пастак ҳужраларидан бирида бўлган баҳсдан таъсирланиб, уни ёдига муҳрлаб олган, ҳозир шунини баён қила бошлади...

Табиб афанди

Рҳақ Ерга қадам қўйиши билан энг аввало одамларга яқинлашиш йўлини ўйлади. Тангда берилган талай тавсияномалардаги турли йўл-йўриқларни мутлақ қонун деб билмади. Чунки улар одамлар ҳаёти, феъл-атворини яхши ўрганмай туриб тузилганди. Линкосмофон ёрдамида Ергадаги йирик халқлар тилини ўрганган Рҳақ одамлар ичида юриб уларнинг қизиқишларига зеҳн солиб, табибликни танлади. Шундай йўл тутсагина, назарида, одамлар билан қалин алоқа боғлай оларди. Рҳақ ўйлаганча бўлиб чиқди. Тез орада унинг дўстлари кўпайди.

Лукн Рҳақнинг тутган йўлини ёқламай, тавсияномаларга суяниб, одамларни четдан кузатишни маъқул кўрди. Рҳақ бунинг номақбул йўл эканини билса ҳам, «қани кўрайлик-чи, нимага эришар экан», деб монелик билдирмади.

Халқ табобатини ўзлаштирган Рҳақ, ўзини турк элидан келган табиб, деб таништириб, Бухоронинг кунчиқар томонидаги даҳадан бир ҳужрани ижарага олди. У табобатда қўлланилаётган дори-дармонларнинг аксари бейфойда эканини билар, аммо Танг табобатининг йўллари қўллай олмас ҳам эди. Бу билан ўзини фош қилиб қўйиши мумкинлигини биларди. Қолаверса, ерликлар ҳаётига фаол аралашини қатъий таъқиқланган эди. Шундай бўлса-да, Рҳақ баъзан хасталарни беихтиёр равишда телепатия йўли билан даволаб юрар, кейин ҳиссиётга берилгани учун ўзини-ўзи лаънатларди. Хасталарнинг тез даво топиши изсиз кетмади. Бурни анчайин беўхшов, қулоғи эса аксинча кичик, кўзлари ботиқроқ, ранги оқ-сарикқа мойил, дам ҳаддан зиёд секин, дам сакрагудай бўлиб юрадиган Рҳақ «Табиб афанди» деган ном билан тез орада эл оғзига тушди. Оқибатда у Бухоро фуқоролари ичида анчайин янгича фикрлашлари билан ажралиб туривчи зиёли ёшларга яқинлашди. Бу ёшларнинг фикрлари турлича бўлса-да, мақсадлари бир эди. Уларни ҳозирча фақат шу мақсад бирлигигина ушлаб турар, келажакни кўра олиш хислатига эга бўлган Рҳақ вақти келиб бу яқдилликнинг дарз кетишини яхши биларди.

Уй эгаси — ўзини маърифатпарвар деб билувчи йигит — ҳужрасида йиғилганларида, баъзан Табиб афандини ҳам чорлашарди. Бир чеккада уларнинг суҳбатларини тингловчи Рҳақ баҳсларга қўшилмас, аммо қай бирининг ҳақ, қай бирининг ноҳақ эканини фаҳмлаб ўтирарди.

Жавзонинг аввалида даврага янги меҳмон қўшилди. Уни Сабоҳиддин деб таништирдилар. Буғдойранг, елкадор, соқол-мўйловли, симоби саллали бу муллаваччага Рҳақ дастлабки куниеқ эътибор қилди. Сабоҳиддин даврадагилардан фақат овозининг жарангигина эмас, кескинлиги, журъати, энг муҳими, эл учун астойдил қайғуриши билан ажралиб турарди. Зоҳиран бошқалар ҳам эл иши деб қайғурадилар. Аммо улардан ҳар бирининг дилида ўз манфаатини ўйлаши Рҳаққа ойдайд равшан эди.

Сабоҳиддин ё учинчи, ё тўртинчи келишида баҳс беҳосдан очиқ курашга ўтганди. Уша куни, барча шомга қолмай йиғилган бўлса-да,

уй эгасидан ҳануз дарак йўқ эди. Даврадагилар хавотирланиб, энди тарқалишга тутинганларида Шоазиз терга пишган ҳолда кириб келди.

— Узрлиман, афандилар, айбситманг,— деди у астойдил хижолат чекиб, ҳамма билан бир-бир қўл олишиб сўрашар экан.— Шундайин ажиб бир суҳбатга берилдимки, уни узишга сира журъат қилолмадим. Марҳамат, афандилар, ўтиринглар, ҳозир дастурхон тузайман.

Даврадагилар бунга ҳожат йўқлигини айтиб, эътироз билдиришса ҳам, дастурхон тузади. Қўли ишда, кечикиш боисини баён қилди:

— Писташиканон'да пича юмушим бор эди. У ердан ҳовуз лабига ўтиб бир пиёла чой ичай, деб бораётган эдим. Қарасам, Кўкалдошнинг шундай биқинида кишиларнинг ҳожатини чиқариб ўтирувчи мирза имлаб чақиряпти. Илгари бир-икки салом-алик қилиб эдим, юз ўгириб кетиш айб бўлар, деб ёнига бордим. «Мулла йигит, сизни бир сирдан огоҳ қилайми?» сўради. Ажабландим. Яна амир ҳақида иғво сўз айтиб, шўримни қуритмаса эди, деб ҳайиқдим ҳам. Атрофга қарасам, айғоқчи зоти йўқдай. Мирза хавотиримни сезди. «Сиз, зинҳор чўчиманг, айтадурганим яхши гап» деди. Айтинг, деб рўпарасидаги бўйрага чўқдим. «Тунов оқшомда бир йигит менга китоб келтириб эвазига пича ақча сўради. Қайнатасидан мерос экан. Ўзимнинг ақлим етмайди, деб ташлаб кетди. Уйга бориб бу китобни ўқидиму, ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ўзбекнинг донишманд алломалари бу қадар кўп деб сира ўйламагандим» деди мирза ёқа ушлаб. «Дунёвий илмларнинг аксарига ўша зоти табаррук алломалар пойдевор қўйиб кетганлар. Фақат буни элимиз дуруст идрок қилмайди», дедим. «Сиз каби мулла йигитлар бу юмушни бўйнига олса, ажиб савоб иш бўлар эди», деди у афсус билан. Кейин ал-Форобий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Беруний, Ибн Синодан тортиб Мирзо Улуғбекка қадар ўтган алломаларни бир-бир айтиб берди. Бу зоти табаррукларнинг номлари қаторида ҳали биз эшитмаган шундай алломалар бор эканки, тинглаб ҳайратга ботдим, афандилар. Сизнинг бунда кутиб ўтирганингиз ҳам хаёлимдан кўтарилибди. Мирзонинг сўзи тугагач, ўзимга келиб шошқич йўлга тушдим. Келакелгунимча элимиз бу зоти табаррукларнинг даҳосидан бебаҳра экан, бунга ким айбли, деб ўзимга-ўзим савол бердим. Кейин энг аввало амир тузуми айбли, деган тўхтамак келдим.

— Амир «алломалар мероси маҳв этилсин», деб олий фармон чиқарибдими? — деди Сабоҳиддин унинг сўзини бўлиб. Шоазиз бундай луқмани кутмагани учун жавобга тараддудланди. Даврабоши Салимхўжа унинг жонига ора кирди:

— Бундай фармон қоғозда бўлмаган тақдирда ҳам, амалда мавжуд, мулла, — деди у одатдагидай босиқ оҳангда.

— У ҳолда айбномани англаёлмай қолдим,— Сабоҳиддиннинг содадиллик билан айтган бу гапи Шоазизнинг ҳикоясини узиб, баҳснинг беҳос бошланишига сабаб бўлди.

— Амир тузумининг айбини билмоқ учун кўзни очиб атрофга зеҳн солмоқ кифоя. Сиз, мулла, таҳсилдан бўлак нарсаларни кўп ҳам эътиборга олмайсиз. Умид қиламизки, бу суҳбатлардан сўнг оқ-қорани аниқ ажрата бошлайсиз. Мен энди айбномамизни сизга шарҳлаб берай: алломалар меросидан баҳраманд бўлмоқ учун, энг аввало, янги мактаблар очмоқ зарур. Энг муҳими — мактабни дин назоратидан холи қилмоқ шарт.

— Демак, алломалар хазинасига ғайри йўл билан бормоқ керак экан-да? — деди Сабоҳиддин норози оҳангда.

— Йўқ,— деди Салимхўжа кулимсираб.— Ундай эмас. Агарчи янги мактаб яна ҳозирги муллалар қўлида қолар экан, дунёвий илмларга йўл очилмайди. Сиз каби муллаваччаларни ўрусияга, ҳатто инглизлар юртига таҳсил учун юбормоқ даркор. Мадрасаларда замонавий илмлар-

¹ Писта чақувчилар маҳалласи.

ни жорий этмоқ шарт. Шулар хусусида амир ўйламай ким бош қотирсин? Амир элнинг отасиман, дегани ҳолда юртнинг равнақи учун жонкуйдирмайди. Раиятнинг равнақи фақат илму-урфон билангина бўлади. Файзуллоҳўжанинг Петербургда таҳсил олиб қайтганини айтиб эдим. Уша зот падари бузургворларининг бутун ақчаларини шу хайрли ишга сарф этмоққа қарор берганлар.

— Ҳаммасини-я! — деди Шоазиз бу гапга ишонқирамай.

— Ҳа, ҳаммасини.

— Оталарининг ақчалари амирникидан ҳам кўп дейишарди.

— Амир, ақча бермаган тақдирда ҳам, йўлга ғов солмаса, гўрга эди.

— Амир ҳеч қачон мурсага келмайди, — деди Шоазиз асабий қўл силтаб. — Уни маҳв этиш керак, тамом!

— Ундан кейин-чи? — деди Сабоҳиддин уй эгасининг кескин гапидан таажжубга тушиб.

— Ундан кейинми? — Шоазиз, айғоқчи эмасмикин, бу муллавачча, деб иккиланди. Кейин Сабоҳиддинни Салимхўжа бошлаб келганини эслаб, фикрини яширмади. — Кейин жумҳурият барпо этамиз. Сармоя эгаларини ҳамнафас қиламиз. Шундагина юртимиз қад кўтаради.

— Сиз айтганча бўлса, қад кўтаролмайди, — деди Салимхўжа эътироз билдириб.

— Нима учун?

— Жумҳуриятни ким бошқаради?

— Биз каби зиёли аҳли билан катта сармоя эгалари. Айтайлик, Файзуллоҳўжа. Ахир бу ишга катта сармоя керак.

— Йўқ, Шоазиз афанди, амирни халқ маҳв этар экан, меҳнатни халқ қилар экан, демакки, халқ жумҳурияти барпо бўлиши керак. Файзуллоҳўжа ҳам шу фикрда.

— Халқ дедингизми? — Шоазиз истеҳзо билан жилмайди. — Эплай олмайди!

— Бекор гап. Сиз ҳозиргина тилга олган зоти табарруклар ҳам шу халқнинг фарзандлари эканини унутманг.

— Инчунин биз ҳам, сармоя эгалари ҳам.

— Тўғри. Аммо сармоя эгалари меҳнат аҳлига қайишмайди.

— Сизнингча халқ жумҳуриятини оддий одамлар бошқарадиларми? — деди Сабоҳиддин.

— Ҳа.

— Мен халқ деганда деҳқонни ҳам, ҳунармандни ҳам, ўғри, муттахамни ҳам тушунаман, — деди Шоазиз. — Одамлар орасида инсоф эгаси ҳам, худобезорлар ҳам бор. Жумҳурият тахтига инсофсизлар ўтирса, у ҳолда юртнинг аҳволи не кечади?

— Бундайларга халқ йўл бермайди. Ахир у оқ-қорани ажратади, кимни сайлаётганини билади-ку?

— Салим афанди, сиз саробни орзу қиляпсиз, — деди Шоазиз.

— Сиз-чи, бир жоҳилни иккинчиси билан алмаштирмоқчисиз, холос.

— Фикри ожизимча, амир маҳв этилган тақдирда, энг тўғри йўл ислом жумҳурияти барпо этмоқдир, — деди Сабоҳиддин. — Халқни фақат аҳли дингина тўғри йўлга сола олади. Фақат исломгина бандаларни бадкорлик, инсофсизлик, бузуқликдан асраб қола олади.

Сабоҳиддиннинг бу фикри ўтга мой сепгандек бўлди, Шоазиз билан Салимхўжа унга қарши баҳсга берилдилар. Ҳозиргина айри фикрда турганлар энди якдил бўлиб қолишди. Сабоҳиддин уларнинг фикру далилларини индамай эшитар, кейин қуръондан оятлар келтириб, ўз айтганини маъқулларди. Рҳақ баҳслашаётган ёшларга қулоқ солиб, Салимхўжа билан Сабоҳиддингина ўз маслағига чинакам содиқ эканини аниқлади. Шоазиз бугун гап талашаётган бўлса-да, эртага вазиятга қараб фикрдан қайтиши, халқ жумҳуриятини ҳам, ислом жумҳуриятини ҳам қўллаши мумкин эди. Рҳақ Тангликларга хос кейин бўладиган воқеаларни олдиндан сезиш хислати билан Салимхўжа тутган

йўлнинг тўғри эканини биларди. Ҳали Сабоҳиддиннинг ўз маслиги йўлида кўп азоб чекиши ҳам унга маълум эди. Машаққатлар Сабоҳиддинни йўлидан қайтара оладими, йўқми? Рҳақ фақат шуни айтишга ожиз эди.

Аксига олиб Сабоҳиддин кейинги баҳсларга келмади. Рҳақ муаммосига жавоб топиш учун уни мадрасага йўқлаб бориб суҳбат қурадиган бўлди. Рҳақнинг Сабоҳиддин билан қизиқаётганини сезган Лукн ўзбошимчалик билан унинг миясига биоток узатгич ўрнатди. Рҳақ буни билиб ғоят ғазабланди. Бироқ, дардини ичига ютиб, индамади. Чунки Тангда Лукннинг зиммасига шундай вазифа юкланган, у бундай қилишга ҳақли эди...

Рҳақ мана шу гапларни эслаб, Фидга барини бир-бир айтди. Фид уни диққат билан эшитди. Аммо жўяли бир фикр билдирмади. Эртага Олий донишмандлар маркази Рҳақнинг ҳисоботини эшитажанини маълум қилиб, уни оромгоҳга бошлади.

Бегоналар

Рҳақ Танга қайтар чоғида яқинлари билан кўришиш онларини, улар билан қандай муомала қилишни кўп ўйлаган эди. Шубҳасиз, ёрудўстларининг айримлари ҳаётдан кўз юмган, бошқаларнинг эса ёши улғайган, ҳаётини тажрибалари ошган, дунёқарашлари ҳам қисман (балки буткул) ўзгарган бўлади. Сирдош бегонага, ҳамфикр ғоявий мухолифга айланса ҳам ажаб эмас. Юртдан узоқларда юриш уни ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ҳолдан тойдирди. Лекин қоинотдаги вақт оқими Тангдаги сингари бўлмагани учун йилларнинг ўтгани, ёши улғайгани юзида акс этмади.

Тиббий кузатув муддати тугаб, ҳисоб бергач, у юртдошлари билан мулоқотда бўлди, кутилмаган воқеалар, гап-сўзларни эшитиб, дам қувонди, дам ғазабланди, дам ҳайратланди. Нима учундир бегонасирай бошлади. Хотини билан ҳам, очик гаплаша олмайди. Уғли насихатга қулоқ тутадиган ёшдан аллақачон ўтган. Ҳатто биринчи учрашувдаёқ отасининг таассуротларини эшитиб, уни кераксиз ҳиссиётга берилишда айбланишдан ҳам тоймади. Ҳеч нарсани билмаган ҳолда, сўраб-суриш-тирмай туриб, уни жамиятга зарар келтирувчи донишмандлар қаторида тилга олди. Ўз фарзандидан бундай айбномани эшитишни Рҳақ сира ўйламаган эди. Ешлар воқеага нисбатан ҳавоий баҳо беришар экан, хафа бўлиши керак эмас. Ахир ҳамма айб ўзларида — катта авлодда-ку?!

Хотини қарибди, юзларини ажин босибди. Айрилиқнинг ҳар йили чеҳрасига биттадан чизик тортган. Тез-тез хасталанади. Юрак безовта. Соғинч оташидан ажралиб чиққан ҳар бир хўрсиниш чўққа айланиб, юракка доғ бўлиб тушган. Хуллас, кампирга, айланаёзган хотинининг умри кипригига илиниб қолган эди.

Рҳақ уйига ҳам сиғмади. Суҳбатдош йўқ. Дардкаш йўқ. Хотини эса... Уни Ерга учмасдан илгари яхши кўрарди. Сафарнинг дастлабки кунлари у юртидан, хотини, фарзандидан узоқлашаётгани учун руҳан қийналди. Жисми сафарда бўлди, қалби Тангда қолди. У Ерга юртанида хотини, фарзандига талпиниб яшади. Етишди. Нимадан норози? Нима учун ҳамма, ҳатто хотини бегонага ўхшайди?

Уғли уйланибди. Аммо ҳалигача фарзанд кўрмабди. Рҳақ бундан таажжубланди.

— Мени невараларим ҳам кутиб олса керак, деб ўйловдим.— деди у онла давра қурган маҳалда.

— Нима демоқчи бўлаётганингизга тушундим,— деди ўғли Рҳақ.

қа сира ёқмайдыган бир оҳангда. — Сизни бeфaрзaндлигимиз қизиқтирса керaк?

— Ҳа, албатта. Турмуш қуришнинг маъноси...

— Сиз тез эскириш бoбидa фaлсафaнинг биринчи ўриндa турaжaгини унутибсиз, чоғи. Турмуш қуришнинг ҳеч қaндaй маъноси қолмaгaн ҳозир. Тaбиий зарурaт туфaйлигинa турмуш қурилади.

— Сен кaби «донишмaндлaр» тўқигaн фaлсафa эскириши мумкин, aммо ҳаёт фaлсафaси ундaй эмaс. Ҳаёт сўнмaслиги учун нaсл қолдирилади. Тушуняпсaнми, ҳаётнинг дaвом этиши учун! — Рҳaқ кейинги сўзлaрни чертиб-чертиб гaпирди. — Сeнинг гaплaринг — худбинлaр фaлсафaси!

Ўғил отaсини энди кўрaётгaндaй тикилиб қолди. Кўзлaр учрaшгaч, мийигидa кулди.

— Худбинлaр фaлсафaси, дeдингизми? Йўқ! — У ўрнидaн туриб, дeрaзa тoмoн юрди. Зaурaнинг ўтли тигини тўсувчи кўкиш пaрдaни кўтaрди. Хoнa ёришиб кeтди. Дeрaзaни ҳaм очди. — Бир қaрaнг, aтpоф қaндaй гўзaл! — дeди у пичинг арaлaш. — Зaурa сaҳийлик билaн нур сочaди. Тупрoқ унумдoр — қуригaн чўп тушсa, қaйтa кўкaрaди; тўйиб-тўйиб нaфaс олиш — қaндaй рoҳaт!

Рҳaқнинг хотини кўкpагини ушлaб йўтaлa бoшлaди. Ўғил дaрҳoл дeрaзaни ёпиб, пaрдaни туширди. Oнaси тинчлaнгaч, гaпини дaвом эттирди:

— Кўрдингизми? Яхши ҳaмки, бaхтимизгa oддий пaрдa билaн сунъий ҳaво бор... Мeн фaрзaндлaримгa шулaрни рaво кўришим керaкми? Улaр тугилиб қaнчa яшaйдилaр? Биз — ўзимиз қaнчa яшaймиз? Сунъий ҳaво, сунъий тaомлaр билaн янa нeчa йил ҳаёт кeчириш мумкин? Бeвaқт ўлим сoя тaшлaб тургaн бир пaйтдa фaрзaндни дунёгa кeлтириш — жинoят. Буни биз, янги aвлoд, тўғри тушуниб eтдик.

— Сиз. «янги aвлoд», ниҳoятдa тушкунликкa берилибсиз. Қурaшмoқдaн кeчинишни aфзaл билибсиз. Биз юксaлиш учун ишлaмoғимиз, ишлaш учун юксaлмoғимиз керaк! — Рҳaқ суймaйдигaн шиорини aйтиб юборгaни учун ўзидaн ўзи нaфрaтлaнди. Бирoқ, сир бoй бeрмaди.

— Қурaшмoқ... Қaндaй қурaшни нaзaрдa тутaпсиз? — дeди ўғил aсaбийлaшиб. — Қурaшдaн фoйдa бoрми? Биз энг бaхти қaрo aвлoдмиз. Бизгa қoқсуяк сaйёрaни рaво кўрaпсизлaр. Биз уни сaқлaб қoлa oлaмизми — йўқми, билмaймaн. Қолдиришгa арзирли мeрoсимиз бўлмaгaни учун ҳaм фaрзaнд кўришни истaмaймиз. Сизнинг худбинлик ҳaқидаги гaпингизни қуруқ сaфсaтaгa йўйишгa мaжбурмaн. Афв eтинг. Сиз узoқ вaқт бизнинг ҳaётдaн ажрaлиб яшaдингиз. Кўп нaрсaлaр ўзгaрди. Шулaрни ҳисoбгa олиб, бeҳудa бaҳслaшини бaс қилинг. Ўғил сифaтидa oғoҳлaнтириб қўйишим лoзим eди. Буни бaжардим.

Дaрҳaқиқaт, кўп нaрсaлaр ўзгaргaнди. Ҳaттoки oтa-ўғил ўртaсидaги муoмaлa ҳaм бoшқaчa. Рҳaқ буни дaрҳoл ҳaзм қилoлмaди.

Зaмбaрaкни тeпaликкa судрaб чиқиш мушкул. Aммо у бeҳoс қўйиб юборилсa, ҳеч тўхтaтиб бўлмaйди: йўлидa учрaгaн нaрсaни бoсиб-янчиб кeтaвeрaди. Тaнг тaрaққиёти худди шу зaмбaрaккa ўхшaйди. Яқиндaгинa бaрчa илм aҳли зaмбaрaкни юқоригa чиқaриш билaн бaнд eди. Бaрчa уни oддий тeпaликкa эмaс, бaлки oлий чўққигa кўтaришгa вa шу чўққидaн ўқ узиб, тaбиaт устидaн қoзонилгaн гaлaбaни тeзрoқ ницoнлaшгa oшиқди. Уқ узилди. Улaр зaмбaрaкнинг ўқ узгaнидa силкиниши, сўнг пaстгa қaрaб шўнғиб кeтиши мумкинлигини билaрдилaр. Aммо зaмбaрaк гилдираклaрини мaҳкaм тутиб турувчи сим арқoнлaргa ишoнгaн eдилaр. Афсуски, сим арқoн чиригaнди. Эндиги зaмбaрaк энг муқaддaс фaзилaтлaрни — сaмимий мeҳр-муҳaббaт, сaмимий ёр-дўстлик кaби фaқaт тирик жoнгa, oнгли мaвжудoтгa хoс ҳис-туйғулaрни бoсиб-янчиб бoрaрди...

Рҳaқдaги руҳий ўзгaришни сезгaн тиббиётчилaр уни дaрҳoл oрoм олиш учун дeнгиз сoҳилигa юбордилaр. Рҳaқ улaргa кўпaм қаршилик қилмaди. Eрдaги дeнгиз мaвжлaрини сoғингaн eди. Кўнглим сaл-пaл тaскин тoпaр. дeя умид қилди.

Денгиз соҳилидаги бу шаҳар кўриниши ҳам бошқалари каби со-
вуқ, жонсиз. Ойнаванд бинолар жунжикиб тургандай, шовқиндан эса
замин титраётгандай туюлади. Соҳил одатдагидай гавжум эмас. Ден-
гиз тўлқинлари аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай тарзда қир-
ғоққа бош қўяди. Катта-кичик харсангларга тўш уради. Аммо унинг
сирли шовуллаши Ердаги каби эшитилмайди. Шиддати сезилмайди.
Гўё заъфарон сув ўлаётгандай.

«Ўлаётгандай? Аляқачон ўлиб бўлган...— деб ўйлади Рҳақ ден-
гизга ҳорғин тикилар экан.— Бу сувда нима қолди? Қони сўриб олин-
ди. Сув эмас, кераксиз суюқликка айланди...»

Шаҳар соҳилга қадар бостириб келган. Қирғоқдаги баҳайбат ин-
шоотлар сувнинг «қони»ни сўриб олувчи канага ўхшайди. Беҳад катта
қувурлар аждаҳо сингари сувни хўплаб, шу иншоотларга юборади. Ўн-
лаб фильтр, магнит майдонлари, электр зарядлари сув таркибидаги те-
мир, туз, тиллани ажратиб олади-да, бошқа қувурлар орқали жонсиз
суюқликни денгизга қайтариб тўкади.

Рҳақ соҳилда узоқ туриб қолди. Қарашлари вазмин, Толиққан кўз-
ларини бир оз юмиб, Ердаги денгизлару дарёларни эсламоқчи бўлди.
Унинг кўз олдида осойишта, салобат билан оқувчи дарёлар, қўш кокил
бўлиб ажрашган, сўнг яна бирлашган ирмоқлар орасида дарахтларга
кўмилиб турган оролчалар, қоялар бағридан шиддат билан отилаётган
шаршаралар келди. Қуёш нурида товланаётган зумрад томчилар юзи-
га урилгандай бўлиб сесканди. Чуқур уф тортиб, қўлини орқасига қил-
ганча аста юра бошлади. Бир қулочли харсанг пойида сочилиб ётган
балиқ суяқларини кўриб энгашди. Кейин мавжланиб турган денгизга
қаради. «Ҳозир балиқ бормикин? Қолмагандир. Биз сунъий ҳавога кў-
никдик. Таркибида ҳеч вақо бўлмаган суюқликда балиқ яшай оларми-
кин?! Темир, туз, олтин... Жуда қимматга тушяпти бу ашёлар. Ҳали
уларни қайта эритиб, қайта миллиграммларга айлантириб сув таркиби-
га сингдириш лозим бўлар? Тараққиёт ёки ўлим! Икковидан бирини
танлашимиз керак. Ҳалокат тобора яқинлашаётган бўлса ҳам, ҳеч ким
тараққиётдан юз ўгиргиси келмайди.. Ўғлим ҳақ. Биз уларга қоқсуяк
сайёрани қолдиряпмиз. Ҳатто сувнинг ҳам қонини сўриб олдик...»

Денгиз азоб билан тўлғонади. Ожиз тўлқинлар Рҳақни лаънатла-
гандай бўлади. Денгизнинг алами бор. Қанча лаънатласа шунча оз...
У денгиздан кўз узиб, тез-тез юриб кетди. Шундан сўнг соҳилга сира
яқинлашмади.

Рҳақ Танг марказига қайтганида оқшом чўккан, аммо кундузги
жазираманинг нафаси сўнмаганди. Сайёранинг умуртқасини қирсилла-
тиб юборгудай бўлиб турган баланд бинолар печ каби ўзидан иссиқлик
чиқарарди. Тартибсиз, қарийб бир-бирига ёпиштириб қурилган баланд
иморатлар орасидан шамол ўтмайди. Бинолар дудли булутларни найза
сингари илиб олиб, тутиб тургандай. Рҳақ талаба эканида қайси бир
меъмор, шаҳарни ҳам энига, ҳам узунасига тўғри чизик бўйлаб кесиб
ўтувчи икки кенг кўча бўлиши зарур, шунда ҳаво алмашиниши яхши-
ланади, деган таклифни ўртага ташлаган эди. Бу гап барчага маъқул
келиб, таклифни амалга ошириш чоралари белгиланган, бироқ гап
гаплигича қолиб кетаверган эди. Ҳозир кўпчилик ўша таклифни эсла-
майди ҳам.

Рҳақ уйига қайтганда, кичик онла давра қуриб овқатланарди. У
хотинидан ҳол-аҳвол сўрагач, ювиниб келди-да, тўрга ўтирди. Ўғлига
қараб, руҳи тушкунлигини сизди.

— Нимага овқат ейишларингнинг мазаси йўқ. Уришиб қолмадинг-
ларми ишқилиб? — деди у ўртадаги нохушликни кўтариш учун.

— Уришиш учун сабаб бўлиши керак,— деди ўғил совуққонлик
билан.— Биз кўпдан бери бундай сабабга дуч келмаймиз.

— Шундай бўлгани маъқул.

— Нохушлигимизни тўғри пайқабсиз. Бугун Мек ўлди.

— Мек? Ким у?

— Эслашга уринманг. Сиз уни танимайсиз. У марҳум дўстимнинг ўғли эди.

— Нимага ўлибди? Қасал эканми?

— Овқатингизни енг, кейин айтиб бераман.

Рҳақ иштаҳаси бўлмаса ҳам, ўзини мажбур қилиб овқатланди. Оғзини сочиқ билан артиб, ўғлига, мен тайёрман, гапингни бошлайвер, дегандай қаради. Хотини билан келини ўрнидан туриб дастурхонни йиғиштиришди-да, қўшни хонага чиқиб кетишди. Хонада Рҳақ ўғли билан қолди.

— Мен Мекнинг отасини яхши билардим,— дея гап бошлади ўғил.— Биз бирга ишлардик. У эҳтиётсизлик қилиб оққон касалига учради. Айб ўзида: кирма деган жойга кирибди. Қасалини яшириб юрди. Уйланди. Кейин хотини ҳомиладор бўлди. Қувноқ эди... Туппа-тузук ишлаб юриб, бир кун... ўзини ўзи ўлдирди. Мурдани текшириб касалини аниқлашди. Улим ҳақ эканини билиб...

— Ожизлик!

— Йўқ, ожизлик эмас. У бари бир ўлар эди. Боласини кўриб ўлишни истамаган.

— Ана шунинг ўзи...

— Илтимос, баҳслашмайлик. Бари бир фикрларимиз бир ердан чиқмайди. Одатда ҳақиқатни юзага чиқариш учун баҳслашадилар. Мен бундай ҳақиқатни кўрмайман. Гапимнинг давомини эшитинг: хуллас, бола туғилди. Мен тез-тез Мекни йўқлаб борардим. Жуда нозик, касалванд бола бўлди. Аммо, зийрак, ақлли эди. Уқиш, ёзишни эрта ўрганди. Бир кун борсам, яна ётибди. Мени кўриб йиғлаб юборди. Нимага хафасан, деб сўрадим. «Қасал бўлганлар ўлар экан, мен кўп касал бўламан-ку, нима учун ўлмайман», дейди. «Қасалларнинг ҳаммаси ҳам ўлавермайди. Сеники тузаладиган касал», деб юпатишга ҳаракат қилдим. Овуниши қийин бўлди. «Менам ўлишни истайман. Улсам ҳамма йиғлайди, менга ачинади. Мени гапиради», дейди. Орзусини қаранг... Ниятига етди. Бугун жони узилди. Аммо ўлими учун ҳеч кимнинг қайғурмаслигини билмай кетди.

— Сен-чи? Сен қайғуриясан-ку?

— Қайғуришим керак эди. Аммо муҳит бунга йўл бермайди. Мен ҳар бир хужайраларим билан ишни, фақат ишни ўйлашим керак. Улганлар ўлаверади. Мурдаларни дафн гуруҳи биттадан кўмаверади. Ҳатто... вақти келиб онам... Ахир сиз ҳам онангизни дафн этишда бўлмагансиз-ку?!

— Гапни чалғитма. Бир гўдак учун масалани чувалаштириш шарт эмас.

— Мек ўлди. Уни сизнинг тараққиётингиз ўлдирди!

— Тараққиётни биз бошламаганмиз. Тўхтатиш ҳам қўлимиздан келмайди. Ҳадеб таъна қилаверма. Қўлингдан келса, ана, тараққиётга қарши курашиб кўр.

— Қўлингдан келса?.. Ҳм. Келмайди!.. Улимимни кутиб ўтиришдан ўзга ҳеч нима қўлимдан келмайди.

Рҳақ ҳозир ўғли билан гаплашиш бефойдалигини билиб, қўзғалди. Хотини ётган хонага кирди.

Хотини пинакка кетган экан, шарпа чиқармай изига қайтди. Уғли қаёққадир ғойиб бўлибди. Рҳақ нима қиларини билмай хона бўйлаб у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

Уғли рост гапларни айтди. Бироқ, Рҳақ ўзи истамаган ҳолда унга танбеҳ берди. Аслида Рҳақнинг ўзи ҳам шундай фикрларди. У жондилдан ўғлини қувватлагиси келарди, лекин оқибат деган тушунча фарзандни тергашга мажбур этарди. Рҳақ ўғлидаги яхши ҳисларнинг уйгоқ эканидан хурсанд ҳолда, унинг келажагини ўйлаб қайғуради. Таннинг маънавий юксалишида у ҳали-ҳамон ўзгариш кўргани йўқ, шу сабабли ҳам беҳад ташвишланарди.

Эртага ҳалиги гўдак дафн этилади. Аммо бу бола учун ҳеч ким нола чекмайди. Жонзотнинг қадри шунча... Ерда эса бутунлай бошқа

эди. Одамлар ҳатто марҳумнинг изидан қабрга киришга ҳам рози бўлиб қолардилар. Балки бу ортиқча туйғудир. Аммо, бари бир, куйиниш яхши... Рҳақ юмшоқ, пастак курсига ястаниб ўтириб, ерликларни эслади. Хаёлига биринчи бўлиб куюнчак, айни чоқда кескин, тўғри йўлни фаҳмлай олмасдан қийналаётган Сабоҳиддин келди.

Чорраҳада қолган мулла йигит

Рҳақ Лукни амир зиндонидан олиб чиққач, Сабоҳиддинни шаҳар дарвозаси ёнида сўнгги марта кўрди. Сабоҳиддин юртига — Фарғона водийсига кетганди. Ҳозир тақдири нима бўлди экан? Агар Лукн ўрнатган бионок узатгичлар ишлаб турган бўлса, маълумот келаётгандир. Аммо Рҳаққа буни билдиришармикин?

Сабоҳиддин Шоазизнинг хонадонига ўша баҳсдан кейин қадам босмай қўйганди. Мезон уча бошлаган паллада унинг қўққисдан кириб келганини кўриб, Рҳақ — Табиб афанди таажжубланди. Ушанда Сабоҳиддин бўлган гапни айтиб берди.

Хуфтон намозидан сўнг, ҳеч кутилмаганда мударрис Сабоҳиддинни йўқлатди. Унинг ҳужрасида Сабоҳиддин танимайдиган яна икки киши бор эди. Сабоҳиддин катта салла ўраб, заррин тўн кийган бу зотларга салом бериб, остонада таъзим билан туриб қолди.

— Берироқ келинг, ўғлим, тортинманг, келинг, ўтиринг, — деди ҳужра эгаси. Сўнг меҳмонларга қаради: — Мулла Сабоҳиддин деганимиз шу йигит.

— Боракалло, — деди тўладан келган меҳмон. — Ҳазратим сизнинг иқтидорингиз ва эътиқодингиз хусусида кўп мақтов гаплар айтдилар. Иншооллоҳ, бу эътиқодингиз охиратда инобатга олинур.

— Иншооллоҳ.

— Уғлим, ярангиз азоб бермай қўйдими? — деб сўради ҳужра эгаси. Аммо саволга жавоб кутмай, меҳмонларга қараб сўзлади: — Фалокатни қарангки, мулла Сабоҳиддин кўчада кетар чоғларида бошларига ғойибдан қиррали бир тош келиб тушибди. Хотирим чалғитмасам, бирон ўн кун шунинг азобини тортдилар. Худонинг раҳми келиб, мулла Сабоҳиддинга инсоф эгаси йўлиқибди. Ярани боғлаб, мадрасамизга узатиб қўйибди.

Бу гапни эшитиб, Сабоҳиддин хавотирланди. Чунки «инсоф эгаси»нинг минорага тик чиқиб тушганини у ўз кўзи билан кўрган эди. «Иблис» қўлидан шифо топганини бу олий зотлар билишсами... Йўқ, хайрият, суҳбат мавзуга қараганда, улар бундан огоҳ эмас кўринадилар. Ҳатто «иблис» ҳақида сўз юритилганда ҳам Сабоҳиддиннинг ярасига шама қилмадилар. Сабоҳиддин енгил тин олди. Бироқ, кутилмаганда бошқа бир зарбага дучор бўлди — меҳмонлардан бири чойни ичиб, пиёлани тўнтариб қўйгач, унга мурожаат қилди:

— Мулла Сабоҳиддин, бизни бир нарса таажжубга солди. Марғилон атрофидаги динсизлар орасида Жамолиддин деган аскарбоши бор эмиш. Уша сизнинг акангиз эмасми?

Савол кутилмаган бўлса-да, Сабоҳиддин гангимади. Хиёл бош эгиб, сўзловчига ҳурмат оҳангида жавоб берди:

— Тақсир, оллоҳнинг бандалари орасида аскарбошилар ҳам, Жамолиддин отлиқ одамлар ҳам кўп. Мен яқин орада уйдан хабар ололмадим. Акамнинг тақдири мен учун қоронғу.

— Сизни Новқатдан деб айтдилар. Падари бузурговорингизнинг исмлари Жалолиддин экан, шундайми?

— Ҳақ гап, тақсир.

— У ҳолда биз янглишмабмиз. Уша одам — сизнинг акангиз!

Гапга муддаррис аралашди:

— Тақсир, ҳар ким ўз гуноҳи учун тангри олдида ўзи жавоб беради. Акасининг айблари деб мулла Сабоҳиддинни ҳижолатга қўйиш инсофдан бўлмас.

— Асло, асло! Бизнинг бундай ниятимиз йўқ сира. Биз фақат фаразимизнинг ҳақ ё ноҳақлигини билмоқ истагида эдик. Мулла Сабоҳиддин акаларининг гуноҳлари учун мутлақо изза бўлмасинлар.

— Беш бармоқ баравар эмас. Бир пушти камардан турли фарзандлар бунёд бўлади. Мана, мулла Сабоҳиддин мўмин-қобил йигит эканлар. Биров, шу йигитнинг акаси одам ўлдириб сибир қилинган, деса, ишониб бўлмайди.

— Ё алҳазар! — Мударрис ёқа ушлади.— Мен бундан беҳабар эканман. Шу ростми, ўғлим?

— Йўқ.

— Инкор этияпсизми?

— Ҳа, тақсир. Акам қон тўккан эмаслар.

Устоз — шогирднинг сўзлашувига диққат билан қулоқ тутиб ўтирган меҳмонлардан бири истеҳзо билан жилмайди.

— У ҳолда Маъмур бойваччага ким пичоқ урган экан, ё сизми? — деди у.

— Тақсир, сиз мулла Сабоҳиддин билан фақат танишмоқ ниятида эдингиз?

— Ҳа, ҳа. Мулла Сабоҳиддин айтганингиздай қобил йигит эканлар. Бизнинг бошқа сўзимиз йўқ.

— Ўғлим, сиз бораверинг. Эртага бомдоддан сўнг ҳузуримга яна бир кирасиз.

Сабоҳиддин таъзим билан чиқди. У кутилмаган танишувнинг босини англай олмади. «Ажаб, мақсадлари фақат мен билан танишишим ё акам ҳақидаги фаразларини ойдинлаштиришим? Истаклари нима? «Маъмур бойваччани ким ўлдирган экан, ё сизми?! Нимага бундай деб сўради? Наҳот ўша воқеа улар учун ойдин бўлса? Қаердан билишсин? Ким айтиши мумкин? Отасими? Йўқ. Султонмуродхўжами? Йўқ... Ахир қуръонни ўпиб туриб қасам ичган-ку?! Ё сургун азоблари суяк-суягидан ўтиб кетган акам сирни очдими? Наҳот? Бўлмаса ким? Ҳақиқат шу уч кишидан бошқа ҳеч кимга аён эмас. Ҳатто Маъмур бойваччанинг ўзи ҳам асл қотили ким эканини билмай дунёдан кўз юмди. Орадан шунча йил ўтди. Дунё алғов-далғов бўлиб кетди. Шунанга пайтда Маъмур бойваччанинг ўлдирилиш воқеаси уларга нима учун керак бўлиб қолди? Ё, босган ҳар бир изингиздан боҳабармиз, дейишмоқчимиз? Ҳарҳолда бир сир бор. Бу сир бомдоддан сўнг очилса, ажаб эмас.»

Сабоҳиддин шу хаёллар оғушида қолди. Хужрасига гўё Маъмур бойвачча кириб олгандай, кўзига уйқу илиниши билан босинқираб туриб кетаверди... Бу сафар у хужрага гўшт кўтариб кирди. Гўштдаги қон томчилари ҳали қотмаган. Бойваччанинг бўғзи ҳам қон. «Ажаб,— ўйлади Сабоҳиддин,— бўғзи нимага қон? Пичоқни икки кураги ўртасига урган эдим-ку?» Маъмур бойвачча гўштни Сабоҳиддиннинг димоғига тутди. Сабоҳиддин калима келтирмоқчи бўлди. Лекин тили айланмади.

— Калиман шаҳодатингиз бефойда! — деди бойвачча.

— Нимага келдингиз, кетинг! — деди Сабоҳиддин.

— Мен сизга гўшт олиб келдим.

— Хом гўштнинг хосияти йўқ. Тезда кетинг!

— Мен ҳақиқатни билишим керак!

— Қандай ҳақиқат?

— Мени ким ўлдирди?

— ...

— Индамайсизми? Мени сиз ўлдиргансиз!

— ...

— Сиз номардсиз! Пичоқни орқадан келиб урдингиз. Юзма-юз келишга ботина олмадингиз!

— Мен ёш эдим...

— Ёш одам қўрқоқ бўлади, деб ким айтди?

— Аламим ичимда. Ҳар оқшом руҳингизга қуръон бағишлаяпман.
— Биламан... Аммо мени нима учун ўлдирдингиз? Сизга нима гуноҳ қилиб эдим?

— Сиз оиламиз номусини булғадингиз.

— Мен-а?

— Ҳа, сиз! Янгамни бузуқ йўлга бошладингиз.

— Худо шоҳид, мен бегуноҳман. Сожидани никоҳлаб олганман.

— Янгамга номаҳрам бўла туриб, у билан қўшилганингиз ростми?

— ...

— Индамаяпсизми? Демак, сизни ўлдириб савоб қилган эканман.

— Кўз сузган ғунажинни жазоламай, арқон узган буқачани қатл этиш шариатда савоб саналадими?

— Агар у буқача чинакам ҳайвон бўлса — гуноҳ. Аммо одам бўлса, ўлдириш — савоб.

— Мен сизга гўшт келтирдим. Олинг.

— Тез кетинг... Устимдан босманг! Кетинг деяпман!

— Мен сизни ёнимга чақираман...

Сабоҳиддиннинг нафаси бўғилди. Бақариб юборди. Ўз овозидан ўзи чўчиб, яна туриб кетди. Калима келтирди. Хумдан бир сиқим гуруч олиб ташқарига чиқди. Юлдузлар хира тортиб, уфқ бўзарай деб қолган эди. У гуручни оёқ босилмайдиган чеккароқ ерга сепди. Хужрасига қайтиб киришга юраги бетламади.

Бомдоддан сўнг яна мударрис хузурига йўл олди.

— Келинг, ўғлим, қани, ўлтиринг. Кечаги гапларни кўнглингизга олманг. Сизни хафа қилиш ниятлари йўқ эди... Руҳингиз чўкиброқ турибди... Ё чиндан...

— Йўқ, тақсир, уларнинг сўзлари заррача оғир ботмади. Руҳсизлигим боиси... шомда суҳбатга берилиб, уйқуни андак канда қилибмиз, чоғи...— Сабоҳиддин ирим қилиб кўрган тушини айтмади. Мударрис унинг ботиқ кўзларига қараб ёлгон гапираётганини англаса-да, сир бой бермади. Тасбеҳ ўгирганича дуо ўқиди.

— Ишқилиб, оллоҳ дардмандларнинг дардига даво бериб, шулар қаторида Султонмуродхўжани ҳам паноҳида асрасин,— деди бир оз овозини кўтариб.

— Эшон акамдан хабар борми?

— Ҳа. Эшон акангиз ўсал бўлиб ётган эмишлар. У киши сизни хузурларига чорляптилар. Биз кенгашиб, сизга изн беришни лозим топдик. Хатми кутубингиз яқин эди. Сизга илгарироқ фотиҳа берсак ҳам бўлади, деб қарор қилдик. Сиз худо ато этган қобилиятингиз билан муллаваччалардан ажралиб турардингиз. Оқ фотиҳамизга лойиқсиз. Волидайн¹ қучоғига бориб, ҳақ йўлдан қайтган одамларни инсофга келтириш билан машғул бўлишингиз вақти етди. Мен сизни шу хабардан огоҳ қилиб қўймоқчи эдим. Йўл ҳозирлигини кўраверинг. Ҳа, дарвоқе, кечаги зотлар, агар малол келмаса, сиздан бир дуойи салом бериб юбормоқчи эканлар. Ушал номани Марғилонга ташлаб ўтармиканлар, деган илинжда келишган экан.

— Нимага малол келсин? Бош устига, тақсир. Сизнинг ҳохишингиз мен учун амри вожиб.

— Боракалло, ўғлим. Энди боринг. Ўз юмушингиз билан банд бўлинг. Эрта-индин, балки, йўлга чиқарсиз.

Сабоҳиддин яна муаммолар чоғига тушди. Нима қиларини билмай гангиб қолди. Эшон чиндан ўсал бўлиб ётган бўлса, у етиб боргунча узилади. Шошқич жўнатилишга сабаб нима? Агар эшон чорлаётган бўлса, на илож? Боришга мажбур. Эшон олдида қарздор. Авваламбор Сабоҳиддинга алифни ўргатган одам шу эшон. Қолаверса, ўша мудҳиш кечада, Маъмур бойваччага пичоқ санчган онда воқеага шу эшон гувоҳ бўлган.

...Кўча кимсасиз ва қоронғи эди. Маъмур бойвачча хиргойи қилиб

¹ Ота-она.

борарди. Сабоҳиддин унга пичоқ урдию орқасига қараб қочди. Ун қадам юрмай бир одамга урилди. Бу одамнинг Султонмуродхўжа эканини кейинроқ билди. Бухорои шарифга келишига ҳам шу одам сабабчи. Шошилнч қайтиши ҳам хўжанинг истаги билан. Ишқилиб охири бахайр бўлсин...

Сабоҳиддин Табиб афандига кетиш сабабини мужмаллик билан айтиб, бошини қуйи солди. Шубҳасиз, у Маъмур бойвачча воқеасини яширди. Бироқ, одамлар фикрини ўқий оладиган Рҳақ учун бу воқеа қоронғилигича қолмади. Бундан буткул беҳабар бўлган Сабоҳиддин сафар вақти-соати ўзи кутгандан ҳам анча илгари келганини, тонгда Бухорони тарк этажагини билдирди. Афтидан, у Салимхўжани излаб келган, баҳонада Табиб афанди билан хўшлашмоқчи эди. Рҳақ буни сезиб, оқшомга қадар Салимхўжани дараклаб топажагини, сўнг биргаллашиб мадрасага ўтажагини айтди. Сабоҳиддин қуллуқ қилиб чиқиб кетгач, Рҳақ уйдаги буюмларни саранжомлади. Чунки у ҳам эртага Танг сари учини керак. Лукни мийорага тик чиқиб тушгач, уларнинг қайтишлари тезлашди. Рҳақ Лукни саҳро қўйнидаги мўъжаз кемага қўйиб келиб, ўзи Ердаги ишларни яқунлашга шошиларди. Бахтига кун оёқламай туриб уйига Салимхўжанинг ўзи кириб келди. Рҳақ унга бўлган воқеани қисқа баён этгач, Шоазизнинг келишини кутмай, икковлашиб Сабоҳиддин таҳсил кўраётган мадраса сари йўл олишди.

Сафар тадоригини кўраётган Сабоҳиддин хўжра эшиги оғзида Салимхўжа билан Табиб афандини кўриб ғоят қувонди. Салимхўжа билан Сабоҳиддиннинг олти йиллик қадрдонлиги бор. Бухоро тупроғига қадам босган чоқда орттирган биринчи ошнаси — шу Салимхўжа. Сабоҳиддин дастлаб жин кўчаларда гангиб, адашиб қолганида, Салимхўжа жонига ора кирган эди. Сабоҳиддин ҳийла бадавлат оилага мансуб бу мулла йигитнинг мадрасада эмас, Петербургда таҳсил олиб қайтганини кейинроқ билди. Уни баъзи замонавий илмлардан, юзаки тарзда бўлса-да, Салимхўжа огоҳ қилди. Аслида, Салимхўжа Сабоҳиддинни шунчаки эмас, балки илмнинг ўзагига қадар ошна этиши мумкин эди. Бироқ, Бухоро мадрасасининг талабаси «шайтон иси анқиб турган бу илмлар» ҳақида ҳатто сўз очилишини ҳам истамасди. Олти йил бадалида на у, на бу бир-бировининг ақидасини маъқуллади, аммо, тонготар суҳбатлардан воз кечмадилар. Ҳар бири ўзича тўғри деб ишонган ҳақиқат юзасидан тоза кўнгили, чуқур мулоҳаза билан фикр юритгани учун ҳам дўстлик иплари йиллар давомида узилмади. Салимхўжа уни бир неча бор «ёш бухороликлар» деб аталмиш гуруҳга хос йигитларнинг ҳам суҳбатига тортди. Аммо бу йигитларнинг аксари Сабоҳиддинга мақбул келмади. Чунки улар Салимхўжанинг буткул акси, чуқур мулоҳаза юритмай, жўшиб кетишар, ҳатто аҳли жоҳ, аҳли динга қарши сўз айтишдан ҳам қайтмас эдилар. Айтган сўзим — ҳожам, айтмаганим — қулим, деган ҳикматга амал қилувчи Сабоҳиддин тилни бесуюяк билувчилардан ўзини нари тутарди. Алалхусус, бу ҳам мадрасанинг тарбияси эди.

Бухоро аҳли ичида Сабоҳиддин учун ягона чин дўст ҳисобланган Салимхўжа такаллуф кутмаёқ ичкари кириб, бир қават якандоз устида чордана қурди. Рҳақ унинг ёнидан жой олди. Сабоҳиддин дўстининг келишига интиқ эди. Шу боис унинг чеҳрасига тундлик пардасини тортиб турган булут тарқаб, шодлик қуёши чарақлади. Меҳмон шарафига дастурхон тузашга чоғланганида Салимхўжа изн бермади. Билагидан тутиб, ёнидан жой кўрсатди. Сабоҳиддин пойгакроқда, меҳмонларга юзма-юз ўтирди.

Назаримда, хатми кутубга вақт бор эди. Қайтишга чоғланганингиздан хабар топиб, ажабландим? — дея Салимхўжа унга саволомуз тикилди. Сабоҳиддин бу қарашга дош беролмай, кўзини олиб қочди. Чунки у асл сабабини ўзи ҳам билмас эди. Шу боис жавобга тарадудланди.

— Султонмуродхўжанинг устозим эканларидан хабарингиз бор. Шу

киши оғриб қолибдилар. Бундай онда шогирд устоз қанотига кирмоғи лозим.

— Сабаб шугинами?

— Ҳа, шунинг ўзи.

— Хотирим фаромуш бўлмаса, сиздан илгарироқ ҳам толиби илмлардан бир қанчаси сабоқларини ниҳоясига етказмай оқ фотиҳа олиб кетган эдилар. Улар ҳам Фарғона вилоятига йўл олган эдилар, чамамда?

— Сўзингиз тўғри.

— Уларнинг ҳам устозлари хаста эканми?

— Бун мулоҳаза қилиб кўрмаган эдим... Айбга буюрманг, аммо хўшлашгани келганингиз ҳолда мени сўроққа тутишингизга ақлим етмай қолди.

— Узрлиман, мулла, айбситманг. Сизни сўроққа тутиш ниятим йўқ эди. Фақат бемаврид кетишингизни мулоҳаза қилиб, мен бўлакча хулосага келиб эдим.

— Қандай?

— Фарғона вилоятидаги афсусга лойиқ воқеалар ҳақида сиз билан кўп баҳс юритган эдик. Вилоятга қадалган икки кўздан бири сармоядорларники, яна бири ғайридин инглизники деганимда, фикримни бир қадар маъқуллаган эдингиз?

— Ҳали фикримни ўзгартирганимча йўқ.

— Баракалла. Ислому лашкарлари чин халоскор эмас, сарҳад ташқарисидаги бегоналар қўлида кўғирчоқ эканини ҳам маъқуллаб эдингиз?

— Бутунича эмас. Ислому лашкарлари ҳозирча уларга тобе. Кейин...

— Кейин ҳам шундай бўлади.

— Очиғини айтсам, фикрим ожизлик қилиб қоляпти.

— Сиз шу тобга қадар ўзганинг тузига нон ботирмагансиз. Меҳнат билан улғайгансиз. Меҳнат аҳлига қайишинг, дейман.

— Бундан бўлакчароқ ниятим ҳам йўқ. Мен бандаларнинг гуноҳини ҳақ-таолодан сўрайман.

— Гуноҳини сўрайсизу ғазоватга чорлаб, қонга белаёйсиз!

— Астағфируллоҳ! Бу гап қандай тилингиздан учди? Шу дамга қадар сира аччиқ гап айтмаган эдингиз?

— Айбситманг, мулла, сизга ҳақ йўлни кўрсатмоқ ниятида эдим.

— Ҳақ йўлни сиздан кўра... ҳақ йўлини ўзим ҳам фарқлайман.

— Билмайсиз, мулла. Сиз ҳозир кўзингиз юмуқ ҳолда чорраҳада турибсиз. Фикрим ожиз, деб ўзингиз айтдингиз. Мен сизнинг ислому лашкарлари томонга ўтиб, инглиз ҳарбийларининг кўғирчоғига айла-нишингиздан кўрқаман.

— Худо сақласин! Асти ундай эмас. Мен ислому лашкарлари сафи-га ҳам, шўролар томонига ҳам ўтмайман. Ниятим — фақат тоат-ибодат қилмоқ, юртга осойишталик, фароғат тиламоқ.

— Ниятингизга етинг. Аммо сўзларимни унутманг.

— Саҳармардонда Бухорони ташлаб чиқаман. Бундан буён, худо хоҳласа, яна кўришармиз. Бугунча дунё ишларини қўятуриб, баҳсга берилмайлик. Бошқа гаплардан гаплашайлик.

Салимхўжа маъқул ишорасини қилди. Онда-сонда Рҳақни ҳам суҳбатга чорлашди. Аммо сўз айланиб яна Фарғона вилоятига бориб тақалаверди. Салимхўжа Сабоҳиддиннинг икки ўт орасида қолиб азобланаётганини сезиб, суҳбатни бас қилди. Саҳарда яна келажани ай-тиб хайрлашди.

Сабоҳиддин уни бомдоддан сўнг анча кутди. Келавермагач, ноилуж йўлга чиқди. Жин кўчаларни оралаб бораётган Сабоҳиддиннинг юраги гўё узилиб тушди. Шаҳар дарвозасига етганда, Табиб афандини кўргандан кейин, чеҳраси бир оз ёришди. Аммо юзидаги ҳавотир кўлан-каси йўқолмади. Рҳақ Салимхўжанинг бу тун ҳибсга олинганини айт-

гач, Сабоҳиддин чўкиб, бирдан кичрайиб кетгандай бўлди. У хуржуни-ни ерга қўйди-да, шаҳар томонга юз бурди. Рҳақ унинг мақсадини англаб йўлини тўсди.

— Қаёққа? — деди у Сабоҳиддиннинг елкасидан ушлаб.— Борганингиз билан ўзлингиздан нима келади? Зиндонда бирга ўтириб баҳсларингизни давом эттирасизми... Орқага қайтишнинг хосияти йўқ. Сиз бораверинг. Салимхўжа ҳақида ўзимиз қайғурамыз...

Сабоҳиддин Табиб афандининг елкасига бош қўйиб туриб қолди. Кейин қўл олиб хайрлашди-да, беҳол юриб кетди...

Рҳақ алам пардасида бир-бир қадам ташлаб кетаётган Сабоҳиддинни, зеҳни билан ўзгалардан фарқланиб турувчи Салимхўжани эслаб, юраги эзилди. Аслида, ўшанда Салимхўжани зиндондан чиқариб, Сабоҳиддинни йўлдан қайтарса бўларкан. Ҳақиқатни эшитишса, бир оз саросимага берилсалар ҳам, ишонишарди. Уларнинг бошига яна қандай ташвишлар тушди экан? Рҳақ Ерда Танг кўрсатмаларини бузмай ишлагани учун яна бир афсусланди.

— Лукн минорага тик чиқиб тушгандан бери унинг қалбида ғамирлаётган норозилик очиқ галаёнга айланган эди. Тангга келгунга қадар ўзи билан ўзи пинҳона олишди. Кейин ўғли билан, Фид билан баҳслашди. «Қачон?», «Нимага?», «Шартми? «Зарур эмас!» «Ажаб...» Бир тана, бир юракка икки киши хўжайин. Ақл юракка, юрак ҳаракатга, ҳаракат сўзларга монанд эмас. Бири иккинчисини инкор этади. Бири бировига бўйсунмайди.

Рҳақ ана шундай оғир аҳволда эди.

Нима учундир уни ҳеч ким йўқламай қўйди. Бу муддаонинг ўзи бўлса-да, Рҳақ ҳайратлана бошлади. Айниқса, ҳозир уйга сиғмаган пайтда кимнингдир йўқлашини кутди. Аммо йўқлов бўлмади.

У эртасига нонуштадан сўнг Фиднинг ҳузурига йўл олди. Дўстининг хонасида бўғилиб баҳслашаётган Лукнни кўрди-ю, остонада тўхтаб қолди. Фид Рҳақни имо билан ичкарига таклиф қилди.

— Нимангизга кериласиз,— деди Лукн кириб келган Рҳаққа эътибор ҳам бермай.— Ўзингиз ҳам ҳали фойдали кашфиёт қилганингиз йўқ-ку?

Лукн асабийлашган сайин Фид ўзини хотиржам тутарди. Лукннинг сўнги сўзларидан ҳатто кулиб қўйди. Фиднинг қандай буюк кашфиёт эгаси экани каттаю-кичikka маълум бўлса-да, Лукн уни атайин камситиб жигига тегмоқчи эди. Лекин унинг отган ўқи мўлжалга тегмади — Фид асабийлашмади.

— Мен ерликларни бежиз саросимага солмаганим учун ҳам керилман,— деди у босиқлик билан.

— Мен бунинг зарарли эканини билмаган эдим.

— Сизнинг онгсизлигингиз ҳам шу.

— Ҳаётда хатолар учраб туради, буни унутманг.

— Ҳар нарсанинг чегараси борлигини сиз ҳам унутманг.

— Яхши, унутмасликка ҳаракат қиламан.— Лукн шундай деб ўзини босиб олиш учун чуқур нафас олди.— Энди бу гапларни қўйиб, муддаога ўтайлик.

— Мен қароримни ўзгартирмайман.

— Сиз мени...

— Ҳа. Лаёқатсиз деб биламан. Сиз бу ишга мутлақо нолайиқсиз!

Фид ўрнидан турди-да, дераза олдига бориб орқасини ўгириб туриб олди. Лукн унга нафратли қаради-да, чиқиб кетди. Фид шундан кейингина Рҳаққа ўғирилди.

— Кўрдингми? — деди у эшик томон ишора қилиб.— Темир сандиққа солиб кўмиб ташласанг ҳам, иложини топиб тешиб чиқаверади.

— Сендан нимани талаб қиляпти?

— Яна Ерга учмоқчи. Қўйиб берсанг энди Ерни алғов-далғов қилиб қайтади. Минора сиртида юргани учун ҳали жазоланади.

— Ерга яна училмоқчимми?

— Ҳа. Шу масалада сени чақирмоқчи эдим. Келганинг яхши бўлди. Энди Ерга жиддий тадқиқотлар бошлаш вақти етди. Сен билан Лукн тавсия этган икки хил маълумот бизни чалғитиб қўйди. Энди Ернинг олти нуқтасига якка-якка ҳолда юборамиз. Қадимда тараққиётти юксак бўлиб, оқибатда уйқуга берилган юртларни чуқур ўрганиш керак. Мен бу сафарга сенинг номзодингни ҳам киритдим. Тиббий синовдан ўта олармикинсан?

— Утаман, Фид, мен ҳали йигитдайман.

— Яхши. Лукн ўрнатиб қайтган узатгичларнинг айримлари маълумот юбормай қўйди. Балки у одамлар ўлгандир. Сабоҳиддин деган ерликни билармидинг?

— Бу сенга қаердан маълум бўлиб қолди?

Лукннинг ҳисоботидан. Хуллас, ўшандан келаётган маълумотлар чалқашиб кетди. Ерга борсанг, шу одамни топасан. Ўзгариш сабабини билишим зарур.

— Фид, ерликларнинг ҳаётини таҳлил қилиш учун аждодларимиз тарихини озгина бўлса ҳам билсам, зарар қилмасди.

— Шарт эмас. Сен кўрганларингни бизга маълум қилавер. Таҳлил этиш махсус гуруҳнинг иши.

— Фид, бир нарсани очиқ айт, тадқиқотлар тугагандан кейин Ерни тақдири нима бўлади?

— Очиғини ўзим ҳам билмайман. Аммо Тангнинг тақдирига бепарқ қараш мумкин эмас. Биз эртами-кечми табиатга яна қайта яқинлашишимиз шарт. Табиатдан узоқлашганимиз сайин ҳамма нарсадан ажралаймиз. Буни фақат сен эмас, бошқалар ҳам тушунади.

— Демак... биз бора-бора ерликлар ҳисобига яшашимиз керак эканда?

— Жуда унчалик эмас. Биз аввал уларга ёрдам берамиз. Уларнинг онг даражаси бизникидан паст.

— Балки юқоридир?

— Асабийлашма. Ўзингни бос. Агар Ерга яна боришни истасанг, саломатлигингни ўйла. Баҳс билан иш битмайди.

Рҳақ Фидга маслаҳати учун раҳмат айтиб, ўрнидан турди. Даҳлизга чиқиб, беҳос ўғлига дуч келди.

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — деди Рҳақ ҳайрон бўлиб.

— Сизни излаб келдим. Тезда уйга боринг. Онам йўқлаяптилар.

— Уйдан ҳозиргина келдим-ку?

— Тоблари қочди.

— Юр, бўлмаса.

— Мен тажрибахонадаги дўстимга бир оғиз гап айтаману орқангиздан етиб бораман.

Рҳақ шошганича уйга жўнади. Уғли, айтганидай, орқасидан етиб бормади. Рҳақ хотини ётган хонага кирди. Хотини пинакка кетган экан, чўчиб кўзини очди. Эрини кўриб, маъюс жилмайди.

— Тинчликми? — деди хаста овозда.

Рҳақ нима дейишни билмай иккиланди.

— Тинчлик... қиладиган ишим йўқ, зерикапман, — деди ниҳоят. — Ўзинг тузукмисан?

— Ҳа, бугун анча енгил тортиб турибман. Уғлингиз ҳозиргина кетди.

— Сенга бир нима дедими?

— Ҳеч... Ҳа, айтмоқчи, видеофонингизга бир нималарни ёзди шекилли?

Рҳақ хонасига кириб, видеофон тугмасини босди. Кафтдек экранда ўғлининг жиддий қиёфаси кўринди. У шошилмай, дона-дона қилиб гапира бошлади:

— Ҳар нарсанинг чеки чегараси бўлиши керак. Ҳиссиз сайёранинг умри қисқа. Ўтмишини рад этган ва унутган жамиятнинг келажаги ҳам йўқ. Биз норозилик сифатида бутун тўдамиз билан ўзимизни қур-

бон қиламиз. Тангда ҳис-туйғу, меҳр-оқибат кўз очади, деган умид билан ўламиз.— Уғли бир оз тин олди. Кейин овозини баландлатди.— Нима учун биз фақат юксалишни ва ишни ўйлашимиз керак? Биз авлодларга нимани мерос қилиб қолдирамиз? Ваҳшийликними?..

Гап тугаши билан тасвир йўқолди. Рҳақ гангиб, хотини ётган хонага чиқди.

— Нима дебди яна? — деди хотини хавотирланиб.

— Узининг ўша эски дарди...

У гапини тугатмай, дераза ойнаклари зириллаб, уй титраб кетди. Хотини ваҳима билан қичқириб юборди.

Рҳақ донишмандлар марказидаги асосий тажрибахона портлаганини, бу мудҳиш ишни амалга оширишда ўғли ҳам иштирок этиб, тўдаси билан бирга ҳалок бўлганини бир неча дақиқадан сўнг билди.

Орага қилич тушди

Уғлининг ўлимидан сўнг Рҳақ тамоман гангиб қолди. Асаблари бутунлай ишдан чиқаётганини англади. Ерга қилинажак сафардан умидини узди. Ана шу кезде яна Фид жонига ора кирди. Уни марказий асаб ҳужайраларини созловчи биотелекамерага жойлаштирди. Ана шу муолажадан сўнггина у ўзини қўлга олиб, тиббий кузатувдан ўтди. Фид Рҳақнинг илтимосларини бажаришга ҳаракат қилди. Ген камерасига ўрнатилган миянинг телепатия хусусиятини кучайтирувчи мослама қувватини оширишга эришди. Энди Рҳақ инсон қиёфасига кирганда бир неча ўн қадам наридаги одамнинг хаёлидаги гапларни ўқиб, унга фикран буйруқ ҳам бера оладиган бўлди. Ердан узатилган биоток оқимлари асосида тўпланган маълумот билан танишиш Рҳақни беҳад қувонтирди. Чунки бу маълумот Сабоҳиддиннинг кейинги ҳаракатларини баён этарди. Кеманинг махсус бўлмасидаги бу маълумотни Рҳақ фақат Ерга яқинлашар чоғидагина олиб ўқиши мумкин; чунки ерликнинг маънавий қиёфаси ҳақидаги маълумот тангликларга аён бўлмаслиги шартэди. Рҳақ, кема Танг сатҳидан кўтарилгач, ўз иши билан машғул бўлди. Кераксиз баҳсга берилмаслик учун ҳамроҳларининг суҳбатидан ўзини четга олди. Муддат етгач, биринчи бўлиб уйқу камерасига кирди. Тиниқиб улади. Галлюцинация бу сафар ҳукмини ўтказа олмади. Қуёш мажмуасига яқинлашганларида уйғонишди. Рҳақ шундагина Сабоҳиддин ҳақидаги маълумотлар билан танишишга тутинди.

* * *

Сабоҳиддин Рҳақ — Табиб афанди билан хайрлашгач, анча ерга-ча отини етаклаб борди. Шаҳар дарвозаси олдидаги бақирӣқ-чақирӣқлар эшитилмай қолгач, орқасига қаради. Ҳорғин одамдай чўкиб ётган деворларга бирпас маъюс тикилиб турди-да, отига минди. У, мударриснинг сабоғига амал қилиб, оташ аравага чиқмади, отлиқ ҳолда Кармана, Самарқанд, Хўжанд, Қўқондан ўтиб, Марғилонни қоралаб бораверди.

У Марғилонга яқинлашганида кун оғиб қолган эди. Гузардаги масжид имомига омонатни топширгач, шомга қадар Қизилқияга етиб олишни режа қилганди. Масжидга кириб ҳеч кимни учратмагач, гузарнинг нариги бетидаги катта толлар панасида чойхонага бориб ўтирди. Елкасига сочиқ ташлаган чойхоначи бир ликопчада ҳолва, иккинчисида майиз келтириб қўйдди.

— Меҳмон, чой қайнагунга қадар андак сабр қиладиларми?

— Ҳижолат бўлманг, шошаётган ерим йўқ. Фақат масжидда ҳеч ким кўринмаётганидан таажжубдаман.

— Э, меҳмон, янги гаплардан хабарлари йўқми ҳали?
 — Тинчликми, ишқилиб?
 — Бу тунда Ҳолиқберди тўрамнинг волидаи мукаррамларини қатл қилишибди. Тўрам пешинга етиб келдилар. Ҳозир ҳамма жанозада. Сабоҳиддин фотиҳа ўқиди. Чойхоначи унга қўшилди.
 — Қатл қилишибди, дедингизми?
 — Ҳа, қатл қилишибди.
 — Ҳимоясиз бир ожизада кимнинг қасди бор экан?
 — Буниси бизга қоронғи. Юзта оғиздан юз ўнта гап чиқяпти ҳозир. Қай бирига ишонишни ҳам билмай қолди киши. Чой қайнади шекилли, мен борай.

Сабоҳиддин жўмраги чегаланган чойнакдаги чойни бўшатай деганда от дупури эшитилди. Йўлнинг икки чеккасидаги қўшқатор толларнинг ишқом бўлиб чирмашган шохлари офтоб нурини ўтказмагани учун кўча бир оз қоронғироқ кўринарди. Отлиқлар гузарга яқинлашдилар. Олдинда икки суворий. «Шўролар шулар бўлса керак», деб ўйлади Сабоҳиддин. Икки суворийнинг орқасида қўқонарава. Аравага тўрт киши чандиб боғланган. Орқада яна ўнга яқин отлиқ аскар. Олдинда келаётган суворийларнинг бири Сабоҳиддиннинг кўзига иссиқ кўринди. Яхшироқ тикилиб қаради: акаси! Чойнакни қўйиб, отлиқларга пешвоз чиқди. Акасини чақирайми-чақирмайми, деб иккиланиб турганда, Жамолиддин узун тўн кийиб, салла ўраб олган укасини таниб, тизгинни тортди-да: «Сабоҳиддин, жигарим!», деб отдан сакраб тушди. Ака-ука бир-бирини бағрига босганича унсиз туриб қолди. Тил ўрнига бир-бирига жуда яқин келган икки юрак гаплашди:

«Соғ-омонмисан, укажоним, сени жуда соғиндим...»

«Худога шукр, омон қайтибсиз. Мени деб не азобларни елкангизга олдингиз. Акамнинг жонини омон сақла, яхши кунларда дийдор кўришайлик, деб ҳар намоздан сўнг оллоҳга ёлбордим. Минг қатла шукр. Оҳларим тангрига етиб борибди...»

Одатда узоқ айрилиқдан сўнг топишган аёллар йиғиларини яшира олмайдилар. Эркаклар эса овоз чиқармай кўришадилар. Чунки сўзга оғиз жуфтланса, йиғи талаб қалблар продадан устун келиши мумкин. Аламларини ҳам, дардлари, ҳасратларини ҳам ичга юта олиш қудратига эга бўлган эркакларнинг заифлигини бундай ҳолларда мижжалар орасидан сизиб чиққан кўзёшлари ошкор қилиб қўяди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

От пишқирди.

— Жамолиддинов, йўлдан қоляпмиз!

Ака-ука бир-бирини бағридан бўшатди.

— Саша, қара, укам келибди. Эсингдами, сенга у ҳақда гапирган эдим,— деди Жамолиддин ҳамроҳига қараб.

— Эсимда, эсимда. Жуда аъло иш бўлибди. Аммо ҳозир тўхташга фурсат йўқ. Қайтишда истаганингча кўришаверасан.

— Хўп, ҳозир. Сабоҳиддин, сен шу ерда тура тур. Мен тезда қайтаман.

— Узоққа кетяпсизми?

— Анавиларни Ҳолиқберди тўрага топширамузу қайтамузу.

— Улар кимлар?

— Тўранинг оналарини ўлдиришибди. Эшитгандирсан?

— Ҳа.

— Бўпти, укажон, мен келгунимча шу ердан жилма.

— Чойхонада бўлмасам, масжиддан топасиз.

Отлиқлар йўлга тушди. Сабоҳиддин жойига келди.

— Танишингизни учратдингиз шекилли, а, меҳмон?

— Танишим эмас, акам бўладилар. Олти йил кўришмаган эдик.

— Олти йил?! Тагин ҳам одам ҳижронга чидайди. Акангиз мардикорга кетган эдиларми?

— Йўқ, мардикорга олиш бошланмасдан бурунроқ сибир қилишган эди.

— А... а?

— Мен эсам Бухорои шарифга таҳсил олгани кетган эдим.

— Акангиз ўша даврларда ҳам оқпошшога қарши эканларда, а? Сабоҳиддин акасининг сургун қилиниш сабабини айтиб ўтирмай, ҳа, деб қўя қолди.

— Аравадагиларни қаерга олиб кетишяпти экан?

— Ҳолиқберди тўрага.

— Қотиллар шулар бўлмасин тагин?

— Ҳа, ўшалар экан.

— Ё алҳазар! Улар ҳам шўролардан-ку?

— Шўролар лейсизми?

— Ҳа-да! Иккитасини яхши танийман. Оббо ғаламислар-е, шўроларнинг номини сотиб, ниқобланиб юрган эканларда, а? Аммо ушлаб, тўрамга топширишлари дуруст бўлибди.

— Нимага?

— Қотилларни топширишмаса, қирғин бўлиши турган гап эди. Худога шукр, бегуноҳларнинг қони тўкилмайди энди.

Аср намози яқинлашгач, масжид атрофида одамлар кўринди. Сабоҳиддин имомни топиб, Бухорои шарифдан дуо олиб келганини айтди. Имом мактубни ўпиб, кўзига суртди-да ўқиб чиқди. Сўнг Бухородаги янгиликлар билан қизиқди. Амир лашкарларидан сўз очди. Кейин:

— Ётадурган ерингиз борми? — деб сўради.

— Акамнинг дийдорига тўйсам, деган ниятдаман.

— Бағоят тўғри фикр қилибсиз. Агар акангиз шайтон васвасасига тушган бўлса, у кишини тўғри йўлга солишга қудратингиз етади, деган умиддаман.

— Иншооллоҳ.

— Султонмуродхўжа, худога шукр, соғ-омонлар. Сиз уйга боришга ошиқмай, Ҳолиқберди тўрамнинг ҳузурларига борасиз.

— Сабаб?

— Бухородаги олий зотларнинг истаги шундай. Тўрамнинг ҳузурларида қандай юмуш билан банд бўлишингизни ўша ерда маълум қилдилар. Айтмоқчи, хизматдан бўйин товлаш хаёлингизга келмасин. Чунки... мактубда зикр этилишича, олий зотлар Маъмур бойваччанинг асл қотилини билар эканлар.

Бу гапни эшитиб, Сабоҳиддин имомга бургутқараш қилди.

— Билсалар нима қилибди? — деди зардасини яширмай.

— Улар ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолсин, мулланинг шаънига доғ тушмасин, деяптилар.

— Тақсир, Бухородаги олий зотларга мактуб битар бўлсангиз, икки оғиз сўзим бор, қистириб ўтинг. Айтингки, улар мен учун бўлак қайғуришмасин. Яна айтингки, мен гуноҳим учун фақат тангри олдида ҳисоб бераман. Бошқа ҳеч бир кимса гуноҳимни пеш қилиб мени қўрқита олмайди. Мулла Сабоҳиддин гуноҳидан чўчиб Ҳолиқберди тўрамнинг хизматига мажбур бўлади, десалар, қаттиқ янглишадилар.

— Мулла, эсингизни йиғинг.

— Сўзимни бўлмай эшитинг: мен — Муҳаммад Расулиллоҳ умматиданман. Жоним битта экан-ку, мингга бўлса ҳам ислом йўлига қурбон қилишдан қайтмайман. Шу сўзларимни ёзинг. Сабоҳиддинни гўдак фаҳмламасинлар. Шундай ниятлари бор экан, одамни гаранг қилмай, ўша ерда айтишса ҳам бўларди.

— Замон нотинч, иним, эҳтиёткорлик лозим. Ўнг қулоқ, сўл қулоқ билан эшитиб олинг: қаерда ваъз айтманг, ислом лашкарлари тилингиздан тушмасин. Эртага аср намозидан кейин тўрамнинг йиғитлари билан йўлга чиқасиз.

Шу билан суҳбатга якун ясалди. Сабоҳиддин яна чойхонага чиқди. Марғилон бағрида шабада югургилагач, йўл-йўл иштонининг почасини ҳимариб олган бўз яктакли ўспирин атрофга сув сепди. Ернинг тафти кўтарилди. Чойхона аста-секин гавжумлашди. Одамлар бугунги

дафн маросими ҳақида, юртнинг бесаранжомлиги тўғрисида суҳбатлашишар, гапга аралашмай жимгина ўтирган Сабоҳиддинга хавотир кўзи билан қараб қўйишарди. Сабоҳиддин чойнакни яримлатмай чойхоначи янгилаб келди.

— Зерикмаяпсизми, тақсир, бир жуфт қўшиққа тобингиз қалай, Рустам қори келганлар,— чойхоначи Сабоҳиддиндан жавоб кутмай, ўнг томондаги сўрида ўтирганларга қараб баланд овозда: «Қани, қори почча, бир эшитайлик», деди.

Атрофдан: «Ҳа, бир эшитайлик!», «Юракни қон қиладағонидан бўлсин!», «Эшитганлар муродига етсин!» деган овозлар келди. Тўрда ўтирган кўзлари юмуқ, чўтир юзли, тўладан келган киши ёнини пайпаслаб танбурни олди. Уни бахмал ғилофдан чиқариб созлади. Сўнг хазин куй янгради. Гўё танбур симлари эмас, ўтирганлар қалбида губор босган торлар чертилди. Барча, жумладан Сабоҳиддин ҳам, ажиб бир сирли ҳолат пардасига буркалди. Бугунги маросим ҳам, алғов-далғовлар ҳам унутилди. Гўё ҳеч ерда уруш-жанжал йўқ, гўё ҳеч ерда қон тўкилмапти, гўё ҳеч ким алам билан бошини тошга урмапти. Гўё дунёда ҳеч гап йўқ. Гўё оламда фақат шу сўлим чойхона мавжуд. Гўё ер юзига танбурдан таралаётган шу куйгина ҳукмрон. Йўқ, фақат куй эмас, ширали овозда айтилган қўшиқ ҳам бор. Ана, куй пастлаб қори қўшиқ айта бошлади:

Сенинг ишқингда, эй номехрибон,
Бехонумон бўлдум,
Демон бехонумон, овори икки жаҳон
бўлдум.
Лабинг гар бермаса бўса, нечун жон элта
олғайман,
Бу йўлдаким адам саҳросиға эмди равон
бўлдум...

Қўшиқ тугади. Орага жимлик чўкди. Тингловчилар ашула сеҳридан қутулиб, ижрочига олқиш айтишга улгурмай, иккинчи қўшиқ бошланди:

Қани Ширин била Лайлики, сендин ноз
ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ
ўргатсам...

Йўқ, дунёда фақат куй ва қўшиқ ҳукмрон эмас экан. Ашула ҳали авжга чиқмай отларнинг дупури эшитилди. Қўшиқ узилди. Юраклар эзгуликка қонмай қолди.

— Тўрам! — деди чойхоначи.— Тоққа чиқиб кетяптилар шекилли?

— Холиқберди тўра қайси бирлари? — сўради Сабоҳиддин.

— Ўзлари кўринмайдилар.

Гўё ердан қайнаб чиқаётгандай отлиқларнинг кети кўринмасди. Чойхонадагилар фотиҳа ўқиб, аста-секин тарқала бошлашди. Қори ҳам танбурни ғилофга солди.

— Одамларнинг тинчи бузилди?

— Тўрам шаҳардан кетсалар, осойишталик йўқолади, тақсир. Майда-чуйда қўрбошилар унинг кетишини кўтиб турадилар. Тўрам кетдиларми, талончилик бошланди, деяверинг.

— Шўролар талашмайдими?

— Бе, нимага талашсин. Ахир улар ҳам ўзимиздек меҳнат билан кун кўрадилар-ку... Тақсир, агар ётадиган ерингиз бўлмаса, шу сўрига жой қилиб берай.

Сабоҳиддин унга меҳрибончилиги учун раҳмат айтди. Чойхоначи эскироқ кўрпача, қаттиқ ёстиқ келтирди. Сабоҳиддин ёнбошлаб ётиб акасини эслади. Уша машъум кечада акаси билан бўлган сўнгги учрашуви кўз олдига келди...

... У Маъмур бойваччага пичоқ уриб тўғри уйига югурди. Бўза-

хўрликдан сармаст қайтган Жамолиддин эшик оғзида турган эди. Ҳансираган укасининг қўлидаги пичоқни кўриб ҳайратда қолди. Уни тез ичкарига олди.

— Нима гап?

— Бойваччани ўлдирдим!

— Нимага?

— Оиламиз номусини покладим!

— Тентак!— Жамолиддин шундай деб укасининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Сабоҳиддиннинг қўлидаги пичоқ ерга тушди. Ака-уканинг овозини эшитиб уйдан дадаси чиқди. Воқеани билгач, карахтланиб туриб қолди. Бу орада кўча томонда шарпа сезилди. Эшик тақиллади. Жалолиддин юрак ютиб эшикни очди. Рўпарада Султонмуродхўжани кўриб, саросимаси бир оз босилди. Султонмуродхўжа остона ҳатламай туриб бош суққанича ичкарига мўралади. Ҳовли ўртасида қотиб турган ака-укаларни кўриб, манзират кутмаёқ ичкарига кирди. Сабоҳиддиннинг яктагидан силтаб ўшқира кетди:

— Бу нима қилганинг, гумраҳ! Қайси иблиснинг васвасасига кирдинг, бадкирдор!

— Ҳай-ҳай, жон эшон, деворнинг ҳам қулоғи бор-а...— Жалолиддин унинг одатини яхши билгани учун ялинишга тушди. Султонмуродхўжа — ягона гувоҳ. Ота унинг оғзини ёпиш учун ҳамма нарсага рози эди. Эшон анчагача поклик ва ҳаромлик ҳақида ваъз ўқиди, ора-сира Сабоҳиддинни лаънатлаб ҳам қўйди. Ниҳоят «гуноҳга шерик бўлишга» кўнди.

— Мен сизни деб гуноҳга ботяпман, Жалолиддин. Сиздай олиҳиммат одам учун дўзах оташида куйишга ҳам тайёрман,— деди у охири, — аммо худо йўлига бир нима атамасангиз бўлмайди.

— Тилаганингизни бераман, жон эшон,— деди Жалолиддин ишнинг енгил кўчганидан қувониб.

— Атаганингиз-да...

— Йўқ, ўзингиз айтинг. Жонимни сўрасангиз ҳам бераман.

— Жонингиз ўзингизга, ана, болаларингизга буюрсин. Худо йўлига қорабайирингизни атасангиз, бас.

Жамолиддин бу гапни эшитиб титраб кетди.

— Бекор айтибсиз!— деди у эшонни еб қўйгудек бўлиб.

— Сен тек тур,— деди Жалолиддин уни нари итариб. Кейин эшонга юзланди:— Жон эшон, сиз отни нима қиласиз. Ахир улоқ чопмайсиз-ку?

— От менга эмас, худо йўлига. Оллоҳ кўнглимга шуни солди. Нима қилай?

Кейинги икки йил ичида бутун Уш, Андижону Марғилон атрофида Жамолиддиннинг қорабайири олдига тушадиган от топилмаётган эди. Қайси бир улоқда қорабайир кўриндимми, тамом, ман-ман деган чавандозлар ҳам совриндан умидларини узадиган бўлиб қолгандилар. Қорабайирнинг баҳоси кун сайин ошиб борар, қирғизлар у ёқда туриб, Тошкентнинг этагидаги қозоқлар ҳам харидор бўлиб келавериб, Жамолиддинни безор қилиб юборишганди. Султонмуродхўжа бунга яхши биларди. Шунинг учун ҳам «худо унинг кўнглига айнан шу қорабайирни солган» эди. Ўткир нафаси ёки зеҳни билан эмас, хаснслиги ва пасткашлиги билан ном чиқарган эшоннинг бу талаби Жамолиддинни бутунлай ҳушидан айирди.

— Ҳе, ўша кўнглимга урай сени...— деб ҳезланиб кела бошлади.

Отасининг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамади. Ҳали эсини йиғиштириб ололмаган Сабоҳиддин нима қиларини билмай жойида тек тураверди.

Эшон эса, Жамолиддиннинг вазоҳатидан кўрқиб, орқасига тисарилди. Бошини кесакига уриб олиб, салласини тушириб юборди. Жалолиддин эшикка кўндаланг туриб, ўғлининг йўлини тўсди.

— Жон болам, қўй, бу шахдингдан қайт. Укангни ўйла, жон болам, жувонмарг бўлмасин.

Жамолиддин шундагина ҳушига келди. Нима қилиб қўйди? Аччиқ

устида отига жон куйдириб, укасини ўйламапти-ку?! Бу расво эшон бир балони бошламаса эди.

— Чақиринг, олиб кетсин,— деди Жамолиддин бўғилиб. Ҳовли ўртасида мунғайиб турган укасига қарашга ботина олмади.

Жалолиддин эшоннинг изидан тушди. Аммо у қоронғи муъолишда кўздан ғойиб бўлган эди. Жалолиддин эшоннинг изини йўқотиб гаранг бўлиб турганда, Маъмур бойваччанинг кўчаси томонда унинг жаранг-лаган овози эшитилди:

— Айюҳаннос, мусулмонлар! Айюҳаннос! Бу қандай бедодлик! Жалолиддиннинг кенжаси Маъмур бойваччани ўлдириб қўйди!

Бўлар иш бўлган эди. Жалолиддин «ўғлимни қочириб юбораман», деган хаёлда уйига ошиқди. Ака-укалар ҳамон ҳовлида туришарди. Эшоннинг овозини улар ҳам эшитишган эди.

— Қоч, ўғлим, қоч, тоққа чиқиб кет! Фор томонга бор! Эрта-индин ўзим топаман сени,— деди Жалолиддин ҳаллослаб кириб.— Қорабайирга мин, етишолмайди.

— Ҳа, бўлақол,— деди Жамолиддин отасининг гапини маъқуллаб. Кейин отхона томонга юрдию дам ўтмай тўхтади. «Йўқ, қочиш фойдасиз», деди ўзича фикрлаб. Сўнг укасига яқинлашди.— Яктагингни еч.

— Нимага?

— Еч деяпман! — Жамолиддин унинг енгидан силтаб тортди. Сабоҳиддин гарангсиб қон сачраган яктагини ечиб акасига берди. Жамолиддин уни кийиб, ерда ётган пичоқни олди-да, «унингни ўчир» деб кўчага чиқди. Югуриб келаётган оломон уни кўриб тўхтади.

— Маъмур бойваччага ким қасд қилди? — деди олдинда машъала ушлаган йигит.

— Мен. Унинг қони билан номусимни покладим.

— Елғон гапирма, укангни чақир!

Одамлар аста бостириб кела бошлади.

— Яқинлашма! Келганингни чавақлайман! — деб ҳайқирди Жамолиддин.

Оломон тўхтади.

— Эшон бува қанилар? — деди ҳалиги йигит. Оломон орасидан Султонмуродхўжа чиқиб келди.— Қаранг, қотил шуми?

Эшон Жамолиддинга узоқ тикилиб қолди. «Укасини сақлаб қолмоқчимиз? Айни муддао. Ҳам ундан қутуламиз, ҳам укасини жиловлаб оламиз. Қариганимизда асқотади», деб ўйлади. Сўнг паст овозда:

— Ҳа, шу. Қоронғида кўзим алдабди. Ана, яктаги ҳам қон. Укаси эмас, шу ўлдирган,— деди.

— Қонга — қон! — деди йигит.

— Зинҳор! — деди эшон қўлини баланд кўтариб.— Зинҳор озор еткази кўрманг. Гуноҳи бўлса, оллоҳнинг ўзи жазолайди. Бандага озор бериб сиз ҳам гуноҳга ботманг. Шарият пешволари унинг айбига яраша жазо бергайлар. Зинҳор қўл теккизи кўрманглар!

Жамолиддинни маҳкамага бошлаб кетдилар. Сабоҳиддиннинг дарди ичида қолди...

Шундан бери неча марта ўрик гуллади, неча марта сел келди, дунё остин-устун бўлиб кетди — ўзгарди. Аммо оломон олдига тушиб бораётган акаси сира кўз ўнгидан кетмайди. Сабоҳиддин қилмишининг тўғри ё нотўғрилиги, акасининг не сабабдан азобларга рўпара бўлгани тўғрисида кўп ўйлади. Бироқ, калаванинг учини тополмади...

Узоқ йўл азоби таъсир қилиб Сабоҳиддиннинг кўзи энди илинган экан, отларнинг дупуридан чўчиб ўғонди.

— Тоза кутдингми? — деди Жамолиддин отдан тушар экан.— Хафа бўлма. Тўра бир оз суҳбатга тутиб қолди.

— Ҳолиқберди тўраими?

— Ҳа. У билан эски ошначилигим бор.

— Ҳолиқберди тўра билан-а?!

Жамолиддин кулди.

— Ҳа, Ҳолиқберди тўра билан. Мен ҳалиги Саша деганим. Ҳолиқберди — учқовимиз Сибирда бир ушоқни бўлиб еганмиз.

— Сибирда? Ҳолиқберди тўра сибир қилинган эканларми?

— Ҳолиқберди тўралардан бўлса ҳам, жангари экан. Приставни бир уриб жойлаб қўяқолибди. Қани, юр, борайлик энди.

— Қаерга?

— Казармага.

— Қаерга?

— Аскарлар ётадиган жойга.

— Кофиру мусулмон аралаш ётаверасизларми?

— Қўрқма, сен кофирларга аралашмайсан. Юравер, менинг уйим алоҳида.

Казарма Марғилоннинг кунчиқар томонида, Саъдуллахонбойнинг ёзлик кўрасида эди. Манзилга етгунларича ака-ука бир-бирларига даярли сўз қотмадилар. Сабоҳиддин фақат ота-онасининг саломатлигини сўради. Жамолиддин уйда икки ой олдин бўлган экан, тайин жавоб айтмади. Казармага келишгач, Жамолиддин дарҳол дастурхон ёзиб, чой-нон олиб келди. Ҳали Жамолиддин «Саша» деб таърифлаган аскарбоши кириб Сабоҳиддин билан илиқ омонлашди. Ўзбекча-русчани аралаштириб бўлса ҳам ҳол-аҳвол сўради. Кейин иши борлигини баҳона қилиб чиқиб кетди. Унинг самимий боқиши, беғубор кулиши Сабоҳиддинга ёқди. Бироқ унинг ғайридин эканлиги кўнглида уйғона бошлаган меҳрга йўл бермади. Саша чиқиб кетгач, ака-ука бир-бирига тикилиб, гапни нимадан бошлашни билмай қолишди. Афтидан, орадаги олти йиллик айрилиқ беиз кетмаган эди. Суҳбатлари дастлаб қисқа савол-жавобдан нари ўтмади.

— Сибир деганлари дўзахнинг ўзи эмиш, шу ростми? — деб сўради Сабоҳиддин. Аслида, «Сибирда юриб кўп азб чекдингизми?» деб сўрамоқчи эди. Дабдурустан шундай савол беришни ноўрин деб билиб, гапни айлантирди.

— Дўзах эмас, — деди Жамолиддин укасининг ниятини англаб, — дўзах бўлса кошки эди, жилла бўлмаса исиниб олардик. Жуда совуқ ерлар экан. Ёзининг ҳам тайини йўқ. Лекин одам ҳар нарсага чидар экан.

— Сиз Сибирда, мен бу ерда азобда қолдим, ака. Яктагимни ечиб берганим учун ҳали-ҳали армон қиламан.

— Бу гапларингни қўй, ука. Лойқа сувлар оқиб ўтиб бўлди. Энди покиза сувларни роҳат билан шимириш пайти келди.

— Ака, ўтган ишнинг тўғри ёки нотўғри эканини тангрининг ўзи баҳолайди. Лекин мен бир саволга жавоб тополмаяпман.

— Нимани сўрамоқчи бўлганингни билиб турибман. Сен не сабабдан қотилликни бўйнимга олганимни билмоқчисан, шундайми?

Сабоҳиддин тасдиқ ишорасини қилди.

— Сен Маъмур бойваччани менинг номусим учун ўлдирдинг. Менинг бепарволигимдан сендаги жангарилиқ устун келди. Бунинг учун ўзим жазо тортмоқлигим лозим эди.

— Мени аямадингизми?

Жамолиддин укасининг елкасидан қучди.

— Кел, энди бу ҳақда гаплашмайлик. Бу ишда сенинг айбинг йўқ. Эшон буванг, ҳаммаси худонинг иродаси, дейди-ку. Мана, соғ-омон дийдор кўришдик. Шунинг ўзи катта гап!

Акасининг пичинг билан худони тилга олиши Сабоҳиддиннинг ғашига тегди.

— Ака, шўроларнинг бари худобезор, бенамозларми?

— Ҳаммаси эмас.

— Имонлилари борми?

— Ҳаммаси имонли.

— Тушунмадим?

— Имон деганинг эътиқодни англатса, большевикларнинг ҳамма-

си эътиқодли. Фақат худога ишонишмайди. Уларнинг эътиқодлари ҳақиқатда:

— Худога ишонишмаса, охиратда...

— Улар охиратга ҳам ишонишмайди.

— Ё алҳазар! Одамда ишонч бўлмаса, ақлдан озади!

— Большевикларда ишонч йўқ, деб ким айтди сенга? Уларнинг ишончи сеникидан мустаҳкамроқ. Улар мавҳум нарсага эмас, ўз ғояларига, иродаларига, қилаётган ишларининг фойдали эканига ишонадилар. Сенларда эса бу ишонч йўқ. Сен ўз кучингга ишонасанми? Йўқ. Оллоҳдан марҳамат кутасан. Иродангга-чи? Йўқ. Тангрим берган тақдир, дейсан. Қилаётган ишининг фойда-зиёнини ҳам билмайсан. Охиратда худо ажратиб олади, деб жаврайверасан.

Сабоҳиддин акасига қараб анграйиб қолди. Унгими, тушими? Ўз акаси бу ё динсизларнинг динсизими? Унинг тили гапга қовушмади.

— Ҳа, оғзингга талқон солиб олдинг? Тўғри гапни тан олишга бари бир мажур бўласан.

— Жим қолганим ризо аломати эмас. Сиздан шундай гаплар чиққанига ақлим лол.

— Ҳаёт шунақа экан, ука. Азоб тортмагунча оқ-қорани танимай кўр бўлиб юриверар экансан. Сен ҳам кўзингни оч. Худога сиғиниб юриверма.

— Ака! Менга бундай гапларни айтманг! Одам яратганига сиғинмаса кимга сиғинади?!

— Ҳақиқатга сиғин, меҳнатга сиғин. Одамнинг бутун бахти ҳам, ҳаёти ҳам ҳақиқат билан ҳалол меҳнатда.

— Ака, демак, сиз ҳам...

— Ҳа, ишонмайман. Юз ўгирганман. Калима келтиравер. Яна айтаман: и ш о н м а й м а н. Тўғри, балки худо сен айтганча, чиндан ҳам бор бўлсин. Арши аълода сузиб, ердаги воқеаларни кузатаётган ҳам бўлсин. Лекин унда инсоф борми? Мукофотланиши керак бўлган одамни жазолайдиган, жазога лойиқ одамнинг бошини силайдиган худо кимга керак? Менгами? Йўқ. Сенгами? Сенга ҳам керак эмас. Лекин сен бунга тушунмайсан. Мадрасада кўзингга тупроқ сочиб кўр қилиб қўйишган. Ҳа. Юзингдаги икки кўзингда нур бор. Юрагингдаги кўзларинг эса ожиз. Қани айт-чи, қайси камбағалнинг фиғонига худо қулоқ тутди? Ҳар бир калималаринг кароматли, шафқатли, раҳмдил оллоҳ, деб бошланади. Хўш, биз худога нима ёзувдик? Қайси гуноҳларимиз эвазига бу азобларни бизга раво кўрди? Индамайсанми? Ҳа, жавоб бера олмайсан. Чунки мен ҳақман. Ҳозир миянг заҳарланган, буларни тушуниб етишинг қийин. Бора-бора менинг ҳақ эканимга имонинг комил бўлади. Биз камбағалларнинг косаси оқарсин, деб курашяпмиз. Сен ҳам камбағалнинг боласисан. Лекин сафимизга қўшилмайсан, бунга яхши биламан. Мен билан бирга бўл, деб ташвиқ ҳам қилмайман. Фақат икки қулоғингга қуйиб ол: босмачиларга қўшилма. Қўшилсанг, орамизга қилич тушган бўлади. Жангда отилган ўқ ака-укани ажратиб ўтирмайди.

— Ахир, ака...

— Гапим эсингдан чиқмасин. Сен бир вақтлар оиламиз номуси учун қайғурган эдинг. Жангари эдинг. Махсимчалик сенга ярашмайди.

Эшик тақиллаб аскар йигит кирди-да, Жамолиддинни командир чақираётганини айтди. Жамолиддин анчагача йўқ бўлиб кетди. Сабоҳиддинга қўйилган чой совуди. У буткул карахт бўлиб қолди. Акасининг кирганини ҳам сезмади.

— Афсус, укажон, тезда йўлга чиқишимиз керак экан.— У шундай деб аслаҳаларини тақа бошлади.— Уйга бориб дадамга, бувимга, синглимга салом айт. Мени соғ-омон юрибди, де. Қаттиқ гапларим кўнглингга оғир ботмасин. Эртами-кечми ҳақиқатни билиб олишинг керак. Ҳозир чайналадиган замон эмас. Шунинг учун дангал-дангал гапирдим-қўйдим.— У Сабоҳиддинни бағрига босиб хайрлашди.— Шу ерда дамингни ол. Навбатчи йигитларга тайинлаб қўйдим. Айтмоқчи,— Жа-

молиддин жилмайди,— чойдан ич, намозхон йигитлар дамлаган. Фақат уларнинг бошини гангитиб ўтирма.

Жамолиддин шу гапларни айтиб чиқиб кетди.

Сабоҳиддин ит азобида тонг оттирди. У калаванинг учини йўқотиб қўйган эди. Акаси, Саша, Ҳолиқберди тўра... Уччови қачондир ҳамна-фас бўлган экан. Энди бир-бировига ёв. Ёв бўла туриб борди-келди қи-лади. Ҳолиқберди тўра ислом йўлида шамшир кўтарган. Булар эса... Эртага у Ҳолиқберди тўра ҳузурда бўлади. Тўра, албатта, акасидан сўз очади. Қандай замон бўлди ўзи?... Сабоҳиддин кўзини юмди. Қў-йинларини ёнғоққа тўлдириб, кўча чангитиб юришларини эслади. Кун-дузи ака-ука бир бўлиб олиб бошқа кўча болалари билан ёнғоқ ўйна-шарди. Гоҳ ютиб, гоҳ ютқизиб, гоҳ яйрашиб, гоҳ муштлашиб қайтишар-ди. Жамолиддин укасини бошқалардан ҳимоя қилиб жиққа мушт бў-ларди. Жаҳли чиққанида эса Сабоҳиддинни ҳам аяб ўтирмасди. Оқшом чоғида икковлон ҳовлида ўйнашгудай бўлса, Сабоҳиддин ёнғоғини ют-қизиб қўйиб фирромлик қилар, кейин йиғлар, орага онаси тушгач, ён-ғоғини қайтариб олар, аммо қулоқ чўзмадан ҳам қуруқ қолмасди.

Сабоҳиддин шуларни эслаб энтикди. Қани эди, ҳозир акаси кириб келса-ю, қулоғини чўзиб, турғазиб: «Сен бу ишларга аралашма, китоб-давотингни кўтару мадрасангга жўна!» деса...

У шўроларнинг кучи нечоғли эканини билмайди. Аммо мақсадлари-дан хабари бор. Салимхўжа билан бу хусусда кўп баҳслашишган. Ака-сининг гапларига қараганда, Салимхўжа ҳаққа ўхшайди. Шундай бўл-гач, Сабоҳиддин акаси айтган йўлга сира киролмайди. У худонинг ға-забидан қўрқарди. Энди акасини ўйлаб алам чекади. Акаси йўлидан қайтадиган гўдак эмас. Янглиш сўқмоққа кирганини айтсанг, ҳам қуло-ғига илмайди. Аммо қачондир боши деворга бориб тегади. Бироқ худони ғазабга келтирган дамда ундан марҳамат кутиш қийин.

Сабоҳиддин шуларни ўйлаб тўлғонарди...



Рҳақ биоток оқимлари маълум қилган бу воқеанинг қуруқ баёни билангина танишди. У фақат Сабоҳиддиннинг акаси билан учрашгани ва айри-айри йўлда ажрашганларинигина билди. Воқеанинг асосий ба-ёни билан у кейинроқ, Сабоҳиддинни Кесганбел қишлоғидан топгач та-нишади. Ҳозирча у уйқудан уйғонган ҳамроҳлари билан Ерга тушиш учун тайёрланиши керак. Кўп ўтмай ясси кемадан олтита кичик кема-ча ажралиб, одам қиёфасига кирган тангликларни Ер сари олиб уча-ди. Рҳақнинг кемаси аввалгидай Қизилқум марказига қўнади. Унинг ихтиёрида Ер ҳисобича роппа-роса бир йил вақт бор. Шу бир йил ичида у Танг билан ҳам, Ернинг бўлак нуқталарига тушган ҳамроҳлари билан ҳам алоқа қилмай, мустақил иш кўриши мумкин. Марказнинг белги-лаган режаси шундай.

Рҳақ биринчи галда эски танишларини излаб топиши керак.

Девона

Рҳақ Бухоро деворига яқинлашгач, шаҳарнинг илгаригидай қўриқ-ланмаслигини сездди. Баъзилар узун чопон кийиб, соқол қўйган Рҳақ-қа ажабланиб қарашар, баъзилар эътибор бермай, индамасдан ўтиб кетишарди. Рҳақ одамларнинг юриш туришига қараб, кўп нарса ўз-гарганини сездди. Шунинг учун ҳеч ким билан ҳамсуҳбат бўлмай, ша-ҳар айланди. Бухоро сиртдан айтарли ўзгармаган эди. Лукн тик чиқиб тушган минора ҳам ўшандайлигича турибди. Шарафаси сал-пал емири-либди. Нимадир урилганга ўхшайди. Сабоҳиддин ўқиган мадрасадан файз кетган. Муллаваччалар кўринмайди. Хужраларга ямоқчилар жой-

лашипти. Ҳовуздаги сув анча тиниқлашибди. Атрофга ёғоч сўрилар қўйилган. Одамлар чой ичиб гурунглашиб ўтиришибди. Рҳақ уларга яқинлашиб, гурунгларига қулоқ тутди. Бухороликларнинг гап-сўзида аввалги нолиш, асабийлик оҳанги йўқ. Аксинча, улар ўзлари ҳақида эмас, Испаниянинг тақдири, финлар билан тузилган битим, Гитлернинг мақсадлари ҳақида, пахта, яна янги трактор хусусида суҳбат қуришарди. Бу гапларни эшитиб, Рҳақ Салимхўжани, унинг орзуларини эслади. Демак, Салимхўжа айтгандай бўлган! Рҳақ шундай кун келишини ўшандаёқ билган эди. Дарвоқе, Салимхўжа бормикин? Амир чангалдан омон чиқдимикан? Рҳақ ўрнидан туриб, Салимхўжа яшаган уйни қоралаб кетди. Шаҳарнинг кунботаридаги жинкўчага жойлашган болохонали уйга яқинлашиб, очиқ эшикдан ичкарига қаради. Торгина ҳовли болалар билан тўла. Рҳақ янглишдиммикин, деб ўйлаб орқасига тисарилди. Йўқ, ўша уй. Фақат эшик пештоқига лавҳа қоқилибди. «Бошланғич мактаб...»

У нима қилишини билмай турганда эшик оғзида кўзойнак таққан, тепа сочи тўкилган, думалоқдан келган бир киши кўрindi. Рўдапо чопон кийган, бурни беўхшов — катта, қулоқлари эса кичкина, букчайиброқ турган Рҳаққа бошдан оёқ разм солди. (Ердаги эски танишлар билан алоқани тиклаш учун у аввалги генетик код асосида одам қиёфасига кирган эди).

Рҳақ жавобга тараддудланди. Кейин муддаосини айтди.

— Уртоқ Асадовми? — кўзойнакли кишининг чеҳраси ёришди. — У кишини Москвадан сўрайсиз энди.

— Москвадан?

— Ҳа, — кўзойнакли киши овозида фахр сезилди. — Уртоқ Асадов ҳозир Москвада, Фанлар академиясида ишлайдилар. Хабарингиз йўқмиди?

— Кўпдан бери келмас эдим. Бу уй...

— Бу уйни инқилобдан кейиноқ болалар ихтиёрига берганлар. Дарҳақиқат, кўпдан бери келмаган экансиз. Бухорода қўнар бошпанангиз борми? Бўлмаса, меҳмонхонадан жой олиб берай?

— Қуллуқ, иним, ётар ерим бор.

Рҳақ шундай деб хайрлашди-да, Шоазизнинг уйига қараб юрди. Ҳовузга етмай, ўнгга бурилди. Эшик ичкаридан танбаланган экан, Шоазизнинг ўзи очди. У анча тўлишган, қорин қўйган, устида оқ кўйлак, оқ шим (Рҳақ шаҳарда юриб шу кийимнинг расм бўлганини сезган эди). Соқол-мўйловини эса қирдириб ташлаган эди. У «Табиб афанди»ни таниса ҳам, танимаганга олди.

— Қелинг, ота? — деди у Рҳаққа бошдан оёқ разм солгач.

— Сизни бир кўриб кетай деб эдим.

— Танайроқ турибман. Аммо кўзимга иссиқ кўриняпсиз?

— Мен... Табиб афандиман. Уйингизда турар эдим...

— Табиб афанди? — Шоазизнинг ранги бўзарди-ю, остона ҳатлаб кўчага чиқди. Атрофга олазарак қаради. — Нимага келдингиз? Сизни биров юбордим! Чучварани хом санашмасин. Бориб айтинг: мен сизни танайман. Сизлар билан хамтовоқ бўлмаганман. Амир замонида ҳам сизларни кўрарга кўзим йўқ эди, ҳа! Менинг эътиқодимни ҳеч ким буколмайди. Бориб айтинг сизни юборганларга! — Шоазиз шундай деб жазавага тушаёзди. Рҳақ бу гапларга эътибор қилмай унинг фикрларини ўқий бошлади. Шоазиз бунга сизди: — Менга бундай тикилманг. Жўнанг! Бу ерда қорангизни кўрмайин! — У, шундай деб ҳовлисига кирди-да, эшикни қаттиқ ёпди. Рҳақ эса турган еридан жилмади. У бир оннинг ўзида Шоазиз вужудида яширинган ҳақиқатни билиб олди. Рҳақ ўша дамлардаёқ Шоазизнинг эътиқодсиз эканини ўзича башорат қилган эди. Фикри яна тўғри чиқди.

Рҳақ бир неча кун Бухорода бўлиб ўзгаришларнинг барчасини фаҳмлаб олди. Бу юртда тараққиёт юз оча бошлаганини, Лукннинг бадбин башорати амалга ошмаганини билиб, кўнгли кўтарилди. Шундан кейингина Фарғона водийси сари йўл олди. Энди у «Табиб афан-

ди»нинг кунни тугаганини биларди. Шунинг учун кийимларини ўзгартириб олди. Одамларга яқин бўлиш учун яна табобатни танлади. Рҳақ пала-партиш узатилаётган биоток оқимига қараб Сабоҳиддиннинг қардалигини Ерга тушмаёқ аниқлаб қўйгани учун ҳам кўп адашмади.

У Фарғона водийсини қоралаб борар, ариқлар лабида чайқалиб турган терак, тоғларни кўрганда ҳам, шарқираб оқаётган сой бўйида дам олганда ҳам, булоқ сувидан симирганда ҳам, кенг далани кўриб кўзи қувонганида ҳам Тангни эсларди. «Ҳарҳолда Танг ҳам қачондир шундай бўлган», деб қўярди.

Рҳақ Кесганбелга бораверишдаги каттароқ қишлоққа келиб тўхтади. Ҳовуз атрофида бош эгиб турган мажнунтол соясидаги сўрига ўтирди. Шаҳарча кийинган, ўзбекка унча ўхшамайдиган бу одамни чойхоначи дарров сезиб, тоза кўрпача кўтарганича шошилиб келди. Кейин озода дастурхонда қанд-қурс ҳам пайдо бўлди.

Бир пайт кўчанинг нариги бетидаги пасқам бионинг эшиги шашт билан очилиб, этдор бир киши кўринди. Агар у: «Қўлингдан келса юрит-да, бу ишни!» деб бақирмаганида, Рҳақ унга эътибор ҳам бермаган бўларди. У фақат Рҳақнинг эмас, балки бошқаларнинг ҳам диққатини тортди. Эшикни қарсиллатиб ёпиб, этигининг қўнжиги қамчи билан уриб қўйди-да, чойхона томон юрди. Рҳақ унинг кўзларидан, юришидан жиззакироқ одам эканини сизди. Эtdор киши чойхонага яқинлашиб бепсандлик билан овозини кўтарди-да: «Қани, тоға, яхнадан олинг», деди.

— Ҳа, раис бува, бўғилиб чиқдингиз? — деб сўради чойхоначи унга катта сопол пиёлада яхна чой узатар экан.

— Э, бўғилмай бўлами! Бу занғарнинг китобида Кесганбел йўққа ўхшайди. Битта дўхтир бергиси келмайди. ТошМИдан одам келармиш, мен кутармишман. Гапини қаранг.

Чойхоначи бу гапни эшитиб, Рҳақни имлаб кўрсатди. Раис пиёла-ни унинг қўлига тутқазиб Рҳаққа яқинлашди.

— Меҳмон, сиз дўхтир эмасмисиз? — деди бу сафар бир оз юмшаб.

— Ҳа.

— Кесганбелга кетяпсизми?

— Топдингиз.

— Топмай-чи! ТошМИдан келяпсизми?

— Йўқ.

— Нимага энди Ахир ТошМИдан юборишмоқчи экан-ку?

— Балки у бошқа одамдир. Мен урушдан қайтпман. Карелияда ўпкамни совуққа олдирибман. Энди тоғли жойда ишлай деб келяпман.

— Дўхтирмисиз ахир?

— Ҳа. Ишонмасангиз синаб кўринг. Аммо ҳужжатларим йўқ. Йўлда ўғирлатиб қўйдим.

— Э, шуниси чатоқ экан... Ишқилиб урилганларданмасмисиз?

— Синаб, текшириб кўринг, деяпман-ку. Қани, қўлингизни беринг — Рҳақ унинг билагидан ушлаб кўзига қаради.— Томир уришига қараганда, қабзятдан озор чекасиз. Бошингиз ҳам оғриб туради. Ҳозир ҳам оғриқ қўзғаяпти.

— Тўғри! — раиснинг кўзлари чарақлаб кетди.— Тўппа-тўғри! Э, юринг, менга ҳеч қанақа ҳужжат-пужжат керакмас. Анавилардан рухсат сўраб ўтирмаймиз. Аммо... ҳеч ким билмасин, а?

Рҳақ жилмайиб, маъқул ишорасини қилди.

— Ҳужжатингиз бўлмаса, исмингиз бордир?

— Ҳа, бор. Исмин Мирзақажум. Мирзақажум Тўхтамирзаев.

— Бўпти, қишлоқчасига Мирзавой деяверамиз. Маъқулми, кетдик.

Рҳақ — Мирзавойнинг беулов эканини билган раис чойхонанинг орқа томонида боғлоғлиқ отлардан бирини етаклаб келди.

— Узимизнинг йигитларники, минаверинг. Улар арава-парава қилиб бораверишади,— деди.

Рҳақ ишнинг осон кўчганидан енгил тортиб отнинг жилловини олди.

Узангига оёқ тираб, эгарга қорнини берганича, бир амаллаб минди. Дастлаб Ерга келганда уч-тўрт бор от мингган бўлса-да, ҳали чавандозликнинг бисмиллосини ҳам ўрганмаган эди. Унинг беўхшов ҳаракатини кузатиб турган чойхоначи билан раис ўзаро кўз уриштириб жилмайиб қўйишди.

— Аслида эшакка минишингиз керак экан,— деди раис йўлга тушишгач.

— Нимага?

— Илгари от мингаганингиз шундай билиниб турибди. Маст одамга ўхшаб чайқалиб кетяпсиз. Йиқилиб тушишингиз ҳеч гапмас, эшакка минганингизда, йиқилгудай бўлсангиз, оёғингиз узун экан, ерга тираб туриб олардингиз. Эшак оёғингиз остидан ўтиб кетаверарди.

Раиснинг ҳазили маъқул келиб, Рҳақ кулди. Раис шунчаки эмас, балки ўртадаги ноқулайликни кўтариш учун ҳазил қилганини Рҳақ тушунди. Раис сергап эмас экан. Бу Рҳаққа қўл келиб, унга кўз тикканича яширин фикрларини ўқий бошлади. Бу одам бир оз тажанг, бир оз ўжар; қўполликдан ҳам кам ери йўқ. Аччиғи келганда отасини ҳам аямайдиган тоифадан. Мақтанишни хуш кўради. Колхозни анча бадавлат. Бундан мамнун ў. Колхозни яна ҳам бой қилишни истади. Шу ниятда колхознинг чўпини бировга олдирмайди. Оқибатда кўпнинг кўзизига ёмон кўринади. Аммо ўзи ҳам нафсини тийгани учун унга отилган тош натижасиз қайтиб тушаверади. Колхозга заифаати бор, деб ишонтирилса, Қуёшни Ерга олиб тушишга, агар зарарли эканига иқроп этилса, унинг юзига қора булут тортиришга тайёр одам. Ҳарҳолда фикри беқарор бундай раҳбардан қўрққулик. «Компьютерга ўхшаб кетаркан,— деб ўйлади Рҳақ ундан нигоҳини узмай,— Компьютер хотирасига сингдирилган ҳар бир ишни сўзсиз бажаради. Бу раис ҳам шундай. Колхозни бойитаман, деб одамларни хонавайрон қилиши ҳеч гапмас. Унга тўғри гапни тушунтириш қийин — ўжар. Айблаш ҳам мумкин эмас — нияти тоза. Ана шу нияти учун ҳам раисликка сайлаган бўлишса ажаб эмас. Афсуски, одамлар бир-бирларининг фикрларини ўқий олмайдилар. Йўқса, бу одамни (мақсадлари покиза, ўзи меҳнаткаш бўлса ҳам) сайлашмас эди. Колхозни сермулоҳаза, эртани кўпроқ ўйлайдиган, оғир-босиқ одамга топширган бўлишарди. Яна йўл қўйилаётган қанчадан қанча хато юз бермасди. Ажаб, онгли мавжудот учун арзимас бир иш — биоток оқимига асосланган ҳолда маълум масофада туриб бир-бирининг фикрини ўқий олмаслик, қанчалар даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин-а? Инсониятнинг мана шу арзимас кўринган ожизлигидан қанча одам фойдаланиши, сиртдан яхши кўришиб, разил ниятларини пинҳона амалга оширавериши ҳам мумкин.

Бухородан Фарғонага келгунга қадар Рҳақ кўп софдил одамларни учратди. Уларнинг гапларини эшитиб дили яйради. Салимхўжанинг башорати юз очганини ҳар қадамда кўрди. Одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб Тангдаги ҳиссиз, туйғусиз юртдошларини эслади. Мана бу раисни учратиб, яна Танг кўз олдига келди. У ерда ҳам ҳиссиз, туйғусиз кимсалар аввал кўп бўлмаган. Кейин томир ота борган. Ерда яхшилар билан бирга ёмонлар ҳам бор. Ёмонроқлари кам. Аммо кўпайиб кетармикан булар? Одамлар қора ниятларга барҳам бера олармиканлар?

Рҳақ шу ўйлар билан Кесганбелга етди. Баланд тоғнинг ёнбағрига жойлашган қишлоқда оқшомги бесаранжомлик: ўчоқ мўриларидан тутун кўтарилади, подадан қайтган бузоқлар елинга етишолмай бўзлайди. Оналар болаларни, болалар оталарни чақирган... Қишлоқнинг шу кўринишида, шу ҳаракатида ажиб бир покизалик, уйғоқлик бор эди. Рҳақ буни дарров сезди.

Икки туп баҳайбат чинорга ёндош солинган равонли чойхона олди сайхонлик, ўртага доира шаклида гулзор қилинган. Равонда ўтирган беш-олти чойхўр раис билан меҳмонни кўриб ўринларидан туришди.

— Ҳа, ўтирибсизларми?— деди раис уларнинг саломига алик олиб. Кейин овозини кўтариб: «Асқарали тоға!» деб чақирди.

Ичкаридан паст бўйли, чўтир юзли киши шошилиб чиқди.

— Мана, дўхтирни бошлаб келдим. Мен жон куйдирмасам, оғизларингга пашша қўндириб ўтираверасизлар. Ҳамма нарсага раис ба-логардон: Чой-пой қилиб, жойлаштиринг. Эртаманан ўзим хабар оламан. Ҳа, отни қантариб қўйинглар, эгаси олиб кетар.

Раис шундай деб Рҳақ билан хайрлашди-да, отини юқорига ўрлаган йўлга солди. Рҳақ ажабланиб туриб қолди. Меҳмоннинг хижолат-да турганини сезган Асқарали югуриб келиб кўришди-да, жиловни қўлдан олди.

— Хафа бўлмайсиз, меҳмон, раисимиз шунақалар, — деди. Бу орада равондагилар ҳам пастга тушиб Рҳақ билан омонлашдилар. Тирсак шаклидаги чойхонанинг кун чиқар томони шифохона экан. Рҳақ шу ерга жойлашди.

Эртасига, саҳар чоғи, чойхона биқинида ўтин ёраётган девонасифат одамни кўриб, Рҳақ бир сесканди: мўйловлари оқариб кетган бу одам Сабоҳиддин эди. Шундагина у биоток оқимларининг нима учун пала-партиш бўлиб қолганини англади.

Рҳақ кун бўйи чойхонада беиш ўтирди. Девона ҳам кунини шу чойхона атрофида ўтказаркан. Рҳақ одамлар эътиборини жалб қилмаслик учун унинг ҳаракатларини лоқайд кузатди, ҳатто сўраб-суриштирмади ҳам.

Орадан икки кун ўтмай раис кутаётган врач ҳам келиб қолди. Паст бўйли, этдор бу ёш йигит дарров Рҳақнинг диққатини тортди. Юзидан самимий нур ёғилиб турган бу йигит билан ҳамнафас яшашидан севинди. Узини Дилмурод деб таништирган бу йигит оиласи билан келгани учун Асқарали уларни ўзининг уйига жойлаштирди. Раис аввалига Дилмуроднинг ташрифидан норози бўлди. Чунки Рҳақ унинг дилига ўрнашган, энди бошқасини хушламас ҳам эди. Дилмуроднинг узоғи билан бир-бир ярим йилдан сўнг яна ТошМИ ихтиёрига қайтиб кетажагини билгач, унинг шу ерда ишлашига қаршилик билдирмади. «Кесган-белда иккита дўхтир бор экан», деган гап тарқалишини ўйлаб, керилиб ҳам қўйди.

Дилмурод келган куннинг эртасига Рҳақ Девонага яқинроқ келишга муваффақ бўлди. Тўғрироғи, бунга Дилмуроднинг қизи Умида шароит яратиб берди. Бу вақтда улар раиснинг қабулида эдилар, воқеани кейинроқ эшитдилар.

Уша тун жала қўйди. Тонгга бориб қора булутлар камбағалнинг кўрпасидай бўлиб қолди. Жалада шумшайган табиат гуноҳкорона сукут билан қуёшнинг кўтарилишини кутди. Уфқ ёришиши билан Кесган-бел уйғонди. Энг аввал гузарда жонланиш сезилди, Асқарали тараша ёриб самоварга ўт қўйди. Кейин сой бўйлаб юқорилаган яккатовон кўчада оқ эшак минган қария кўринди. Эшак лой сачратиб келиб, чойхона олдида тўхтади. Қария шошилмай тушиб, тош зинадан юқорига кўтарилди. Яктак кийиб, қўшбелбоғ боғлаган Асқарали уни қаршилаб, қуюқ сўрашди-да, ичкарига таклиф қилди. Қария унга миннатдорчилик билдириб, панжаралари тўқ яшил рангга бўялган энсиз сўрига ўтирди. Юзига фотиҳа тортиб, беллидаги чорсини ечди-да, дастурхон ўрнида ёйиб, яримта нонни ўртага қўйди.

Чой қайнаганда чойхона одамга тўлган эди. Тўплайганлар узоқ гурунғ қилиб ўтирмай, тез тарқашди. Гузар бир оз бўшаб қолди. Кейин, кун ёйилиши олдидан, яна гавжумлашди. Ана шу пайтда кечадан бери кўринмаётган Девона пайдо бўлди. Одамлар унга қараб қўйдилар-у, эътибор бермадилар. Бир маҳал катта қайрағоч атрофида ивирсиб юрган Девона бақирди. Барзанги йигит сўкинди. Кейин нота-ниш қизчанинг овози келди. Ҳамма шу томонга қаради:

— Урманг! — деди қизча алам билан. Сўнг ёнида турган кишининг енгидан тортди-да, унга нажот кўзи билан боқиб ёлборди: — Амаки, айтинг, урмасин!

Воқеани лоқайдлик билан кузатаётган киши қизчанинг боштини силаб қўйди. Аммо жойидан жилмади. Қизча атрофидаги одамларга бир-бир қараб чиқди. Баъзилар кулимсираб; баъзилар ачиниб, баъзи-

лар эса аччиқланиб турар, қийиқ кўзли йигит чанғалида азоб чекаётган мўйловли Девонага ёрдам беришни ҳеч ким ўйламасди.

Қизча бир зум довлараб турди. Охири чидаёлмай, югуриб бориб йигитнинг қўлларига ёпишди: «Урманг! Нимага урасиз!» деб қичқирди. Йигит жаҳл билан бир силтанган эди, қизча чалқанчасига йиқилди.

Шундан кейингина одамлар йигитнинг қўлларини қайириб олиб: «Эсинг борми, болада нима гуноҳ!» деб уни койиган бўлдилар.

Тўпланганлар Девонанинг айбсиз эканини яхши билардилар. Лекин унга ёрдам беришга одатланмаган эдилар. Девона ўрнидан туриб, атрофдагиларга қўрқув кўзи билан қараб, ғалати овоз чиқарди. Одамлар сергакланиб, яна ташланиб қолмасин, деган хавотирда орқага тисарилдилар. Аммо у ҳеч кимга тегмади. Аламли бақирди-да, юқорига — қабристон томонга югуриб кетди.

Қизча унинг изидан бир оз қараб турди. Кейин ҳали йиқилганида кўтариб олиб меҳрибонлик қилаётган аёлнинг қучоғидан юлқиниб чиқди-да, жабрдийданинг орқасидан чопди. Бироқ узоққа боролмади. Тутиб олишди.

— Кимнинг қизи экан, батликка ўхшамайди?— деди аёллардан бири уни кўтариб олиб.

— Янги дўхтиримизнинг боласи,— деди Асқарали шошилиб пастга тушар экан.

— Қайси бириники, кейин келганими?

— Ҳа, Дилмуродники. Бизникига тушишган. Сабохон, қизим, сен олиб бориб қўя қол,— деди Асқарали.

Кўҳликкина жувон маъқул ишорасини қилиб, қизчани кўтариб олдида, чойхона биқинидаги кўчага юрди.

Гузардан сал юқориқоқдаги, эски бўлса ҳам оқлаб қўйилган уй Асқаралиники эди. Аёл, бу уй яқинига йўлаш у ёқда турсин, узоқдан кўзи тушса ҳам кўнгли ғалати бўлиб кетар, бирров кириб чиқишга баҳона излаб юрарди. Бугун баҳона оёқ остидан чиқди. Шундан қувонибми, у қизчани ялаб-юлқаб ичкари кирди. У ҳовли ўртасида турган нотаниш жувонни кўриб, онаси шу бўлса керак, деган ўй билан унга яқинлашди.

— Эгачи, ширинчангиз гузарга ўйнаб чиққан экан...

— Вой ўлмасам, уйда ухлаб ётган эди-ку!— Жувон Сабохон билан сўрашишни ҳам унутиб, қизчасини ёлғондан койиди. Аёл она-болага бир оз кулимсираб қараб турди. Сўнг бўлган воқеани қисқача баён қилиб, ўзини таништиради-да, меҳмонни уйига таклиф этиб, орқасига қайтди. Унинг тўрдаги уй тарафга қараб-қараб қўйганини жувон сизди.

— Сен аралашиб нима қилардинг, ғиртмак, у жинни экан-кў,— деди она қизнинг шилинган тирсагини юва туриб.

— Ким?— деди қизча бурнини тортиб.

— Ким бўларди, ўша мўйловли киши-да.

— У жиннимас.

— Ҳа, бўпти. Жинни бўлмаса жиннимасдир. Сенам катталарнинг ишига аралашма. Айб бўлади.

— У жиннимас,— деди қизча ўжарлик билан,— яхши киши. Урган одам жинни.

— Бўлди, жоним, бўлди. Жиннимас, дедим-ку. Қани, юр, уйқинг чала бўлибди. Яна бир пас ухлаб ол.

Қизча шипга қоқилган гулли қоғозга тикилиб ётди. Гузардаги воқеа яна хаёлидан ўтди. У ўрнидан турди-да, дераза пардасини кўтариб, аста ташқарига қаради. Онаси кўринмади. Шундан сўнг эшикни очиб ҳовлига, ундан лип этиб кўчага чиқиб кетди.

Қизча келганда Девона ҳужраси ёнидаги харсанг устида маъюс ўтирарди. Аммо уни кўриши билан чеҳраси ёришди.

— Бурнингиз оғрияптими?— деди қизча унинг рўпарасига чўнқайиб. Девона жавоб ўрнига кулди, қизчанинг меҳрибонлигидан қувонди.

— Менинг манови ерим қонади,— деди қизча тирсагини кўрса-тиб.— Битта ҳам йиғламадим.

Девона титроқ бармоқлари билан унинг тирсагини силади.

— Опоқ, опоқ, оғримасин,— деди-да, яна кулди.

— Сиззи отингиз нима? Меники Умида.

— Умм... Ум... У—ми-да. Умида!— Девона шундай деб завқланиб кулди.

— Сиззики-чи?

Девона жим қолди. Уйга толди. Ҳалигача ҳеч ким унга бундай савол бермаган эди. У бошқалар каби ўзининг ҳам исми борлигини билмасди. Тўғрироғи, исмини аллақачон унутиб юборганди. У қизчага ҳайратланиб қаради-да, сўнг индамай ўрнидан туриб, ҳужраси томон юра кетди. Умида унинг бу қилиғига тушунмади. Ҳужранинг ғижирлаб очилган эшиги, Девона ичкари киргач, ўз-ўзидан тарақлаб ёпилди. Умида унинг орқасидан бориб эшикни итарди. Ичкари бир зум ёришди-ю, яна қоронғилашди. Туйнуқлардан найзасифат бўлиб тушиб турган нур ҳужрани ёритишга ожиз эди. Умида нимқоронғи уйчанинг ўртасида чўнқайиб ўтирган Девонага яқинлашди.

— Сизга нима бўлди, амаки?

Девона қимир этмади. Гапирмади ҳам.

...Умида келган куни зерикди. Эшик оғзидан туриб ўтган-кетганларга қаради. Қўшни болалар калта кўйлак кийган, сочи калта олинган, оппоққина бу қизга қараб кулиб қўйишди. Умида бегонасираб деворга суянганича тураверди. Болаларнинг биринчи бўлиб сўз бошлашларини кутди. Шу пайт муюлишдаги болалар югуриб қолишди. Кейин нариги кўчадан «Жинни! Жинни!» деган қийқириқлар эшитилди. Дам ўтмай болалар қуршовида ирғишлаб келаётган шоп мўйловли, сочи устара билан қирилган, бошланг, сарпойчан, қирра бурун Девона кўринди. Девона Умиданинг ёнидан ўтиб кетдию аммо тезда изига қайтди. Пўписа қилиб, чуғурлашаётган болаларни қувди-да, меҳмон қиз қаршисида чўнқайиб тиржайди. Болалар, шаҳарлик қиз ҳозир дод солиб уйига қочади, деб ўйлаб, Умидага тикилиб қолдилар. Умида аввалига бир оз кўрқди. Кейин ўзини мажбур қилиб жилмайди. Девона бундан қувониб қиқирлаб кулди-да, мўйловининг учларини тишлаб миёвлади. Умида унинг бу қилиғидан кулиб юборди. Қилиғи қизчага маъқул бўлганини англаган Девона ўрнидан турди-да, «Апаламза ал, ҳевамиза ҳам... Апаламза ал, ҳевамиза ҳам...» деб ўйнаб ирғишлай бошлади. Кейин гузар томонга юрди. Умида чуғурлашаётган болаларга қўшилиб, унинг изидан югурди. У янги орттирган ўртоқлари билан кун бўйи Девонани эрмаклаб юрди...

...Умида Девона ҳам бирон нарсадан хафа бўлар, деб сира ўйламаган эди. Шу сабаб унинг бу қилмишидан чўчиб орқасига тисарилди. Ташқарига чиқдию пастга югургилади.

Сой бўйида бир оз салқинлаб қайтган Ақида қизининг ғойиб бўлганини билиб ташвишдан ўзини қўйгани жой тополмай турган эди. Энди гузарга чиқиб суриштираман, деганда Умиданинг ўзи кўринди. Шу бўйи у кечга қадар бир қадам ҳам уйдан нари силжимади.

Шомда, ўртадан дастурхон йиғилиб, Умида ухлаб қолгач, Ақида эрига унинг бугунги қилмишини айтиб берди.

Дилмурод Умиданинг «жасорати»ни Сабохондан эшитган, шунинг учун хотинининг ҳаяжонли гапларини хотиржам тингларди.

— Мен уни ухлаяпти, деб бемалол юрсам, бир жувон мана ширинчангиз, деб кириб келди. Қандай чиқиб кетганини билмай қолибман.

— Қанақа жувон олиб келди?

Ақида, эрим шунчаки сўраяптими ё бир гап борми, дегандай Дилмуродга қаради. Кейин қошини сал чимирди-да:

— Кўхликкина, чиройликкина, сиз боп экан,— деб кесатди.

— Отини билмадингизми?— деди Дилмурод жилмайиб. У бир савол билан хотинининг қитиғига теккан, энди оловга жиндек мой сепмоқчи эди.

— Билдим. Ҳавохон дедими, Сабохонми, шунга ўхшаш. Кўчасини ҳам айтди. Янгангизга хабар қилсангиз келиб бирор ой супуриб турадилар.

— Шугинами?

— Яна нима керак эди?

— Менга салом айтмабди-да?

— Айтди. Соғиниб-соғиниб салом, деди.

— Мана бу бошқа гап. Сиз у билан яхшироқ танишиб олинг. Зерикмайсиз.

— Шунақа денг... Ўзингиз ҳам... мен кетгандан кейин зерикмасиз?

— Балки...

— Қачонла танишиб олдингиз?

— Кеча, келишимиз билан.

— Йўлингизга кўз тикиб ўтирган экан-да, бечора!

— Шунақа деса ҳам бўлади... Шифохонада ҳамширалик қилар экан.

— Бу ерга ҳам келиб турар энди. Ҳали сизни қидириб кўзлари кесак терувди.

— Кунда беш маҳал келмоқчи.

Ақида эрининг ҳазиллашаётганини ҳам, чиндан гапираётганини ҳам англамай бир нафас жим қолди.

— Нимага олти маҳал эмас, беш маҳал, деб сўрамайсизми?— деди Дилмурод муғомбирона жилмайиб.

— Қим билади, балки тўққиз маҳал келар?

— Йўқ, фақат беш маҳал.

— Ҳўш, нимага?

— Намоз ўқигани келади.

— Намоз?

— Ҳа... Этагимда намоз ўқийди.

— Намоз ўқишга бошқа жой қуриб кетибдими?

— Ҳа, қишлоқларида арзирли жойнамоз топилмас экан. «Сиз покизаликда фариштанинг ўзи экансиз», деб сиғиниб келмоқчи.

Ақиданинг чеҳраси ёришиб, эрига муштумини кўрсатиб, нозли пўписа қилди. Дилмурод хушсурат йигит бўлгани учун Ақида уни қаттиқ рашк қиларди. Рашкини пинҳона тутишга қанчалик уринмасин, аёлларга хос ожизлик уни кўпинча фош қилиб кўярди. Севишган эр-хотин учун озгина рашк ҳам даркор. Лекин у қуюшқондан чиқдими, тамом, ошга заҳар тушади, муҳаббат чинниси дарз кетади, ҳаловат бузилади. Дилмуродга Ақиданинг рашк қилиши ёқарди. Рашк аввало, кучли муҳаббат белгиси. Хотин эрни қизгандими, демак, қаттиқ севади... Эр учун яна нима керак? Ақиданинг биргалашиб келиши ҳам бежиз эмас-да!

...Рҳақ Дилмурод билан Ақидани дастлаб кўргандаёқ, уларнинг чеҳраларидаги паришонликни илғаган, бу ерга бесабаб келишмаганини сезган эди. Дилмурод билан суҳбатлашгач, унинг кўзларига боқиб бошига тушган ташвишдан огоҳ бўлди. Дилмурод «медицина техникумини тугаллаган» Мирзавойга дарров элакиша қолмади. Танишган чоғларида ота-онасини Кўршермат тигдан ўтказганини, ўзи етимхонада тарбия кўриб, сўнг ТошМИни тугаллаганини айтди. ТошМИда профессор Раззоқов деган донишманд олимнинг этагини тутгани, унинг қизига уйлангани, руҳий хасталарни даволашда янгилик яратмоқчи эканини эса яширди. Дилмуроднинг ички сирлари бошқалар учун ёпиқ эди. Аммо бу борада ҳеч қандай тўсиқ билмайдиган Рҳақ ўша танишган кунларидея профессор Раззоқовнинг тухматга учраб ҳибсга олингани, оқибатда илмий изланиш учун Дилмуроднинг имкониятлари қирқилгани, қайнотасининг яқинлари маслаҳатига кириб Ақида билан хўжа-кўрсинга ажрашгани, «йўл қўйган хатоларини ювиш учун энг узоқ қишлоққа оддий врач бўлиб келгани»ни билиб олди. Ёлғондан ажралишса ҳам, бу қилмишлари учун ич-этларини еб юришларини, бир-бирларига гоят меҳр-оқибатли эканликлари Рҳақни ҳаяжонга солди.

У ҳам уйланиб, хотини билан кўп йил бирга турди. Фарзанд кўрди. Аммо улар орасида ҳеч маҳал бундай муҳаббат бўлмаган. Эр-хотинни бир-бирига боғлаб турадиган меҳр ипи ҳам бунчалар пишиқ эмасди. Рҳақ Ерга аввал келганда ҳам, бу сафар ҳам хотинини кўп эсга оларди. Бироқ вужудида унга интилувчи, ошиқувчи қайноқ куч уйғонмасди. Рҳақ Дилмуродни ўз ўрнига қўйиб кўрди. Йўқ, бу йигит ҳеч қачон хаста хотинини ташлаб узоқ сафарга отланмасди. Ақидани-ку, айтмасам ҳам бўлади. «Ақалли уч-тўрт кун бирга турай», деб шундан шунга келибдими, демак, эрини беқиёс меҳр билан ардоқлар экан. Агар уларга Танг шароити яратиб берилса-чи? Вужудларидаги энг самимий туйғулар ўрнига «юксалиш учун ишлаш, ишлаш учун юксалиш керак, бошқа нарсаларни ўйлаш, ҳиссиётга берилиши — тараққиёт йўлидаги энг дахшатли ғов» деган тушунча сингдирилса-чи? У ҳолда Дилмурод хотини билан чинакамнига ажралашарди. Ақида эса бу ерларга келмасди. Умуман уларнинг Лукндан фарқи қолмасди.

Рҳақ Ердаги турмушни кузатиб, уйғониш фаслининг бошланганига амин бўлди. У одамлар онгидаги ўзгаришларни сезган, ҳаётнинг салбий кўринишлари, Шоазизга ўхшаган кишиларнинг зарба ейишларини ҳам билиб турарди. Бироқ унга қадар орадан йиллар ўтиши, одамлар шу вақт мобайнида зоҳиран гўзалликка ва тўкинликка эришиши, ботинан эса асабий ҳаётнинг тирноқлари орасида кўп дард чекишлари лозимлигини ҳам тушунарди. Билгани учун ҳам кўпроқ қайғурарди.

Дилмуроддан ажраладиган биоток оқими Рҳақни таажжубга солди. У дастлаб Салимхўжа билан Сабоҳиддинни кўрганда шу ҳолга тушган эди. Биоток оқимининг бу даражада кучли бўлиши ўша шахснинг олий идрок эгаси эканидан далолат беради. Салимхўжа буни амалда исбот этди. Идрокини ҳақ йўлга қарата олди. Аммо Сабоҳиддин бунга эришмади. Агар у адашмаганда, улуғ аллома бўлиши мумкин эди. Афсуски, муҳит оқими уни бошқа йўлга буриб юборди. Дилмурод Рҳаққа бутунлай бошқа олам бўлиб кўринди. Унинг ақл-фаросати, виждони, эътиқоди ҳақ йўлни ажрата билиши эътиборини тортди.

Рҳақ кўп нарсани билмайдиган киши бўлиб Дилмуродга яқин юришга аҳд қилди.

Туйғунинг уйғониши

Тоғда гўё тонг қушларни эмас, қушлар чуғур-чуғури билан тонгни уйғотгандай бўлади. Уфқ пича оқаргач, кунчиқарда ивирсиб юрган булутлар чеккаси қизарди. Кейин қип-қизил бўлиб қуёш кўринди. Ана шундай сеҳрли, латофатли онларни эшакнинг ҳанграши бузди. Аввал бетоқатроғи ўпкаси тўлиб астойдил ҳангради. Кейин қишлоқнинг ҳали у, ҳали бу еридан бирин-кетин «ҳасратдош»ларнинг овози келди. Юмуши борлар ўринларидан туриб ишларига кетдилар, бекорчилар эса, бир ғижиниб олиб кўрпани бошга тортдилар-да, уйқуши келган жойидан давом эттирдилар.

Кун ёришиши билан Асқаралининг уйда ҳам жонланиш сезилди. Ичкари уйдан аввал Асқаралининг овози келди. У хотинига нимадир тайинлаб, чойхонага чиқиб кетди.

Дилмуроднинг уйқуси ўчиб ўрнидан турди-да, ҳовли этагидаги сой бўйига тушди. Муздек ҳаводан вужуди энтикиб кетди. Ярим яланғоч бўлиб ювинди. Ўзини қушдек енгил сизди. Кайфияти ҳам кўтарилди. Катта харсангга суянганча қуёшнинг кўтарилишини кузатди.

«Қишлоқда ҳаёт осуда, шошилмай кечадиганга ўхшайди, — деб уйлади у. — Шаҳарда кун қисқадек туюлади. Арзимаган ишларни ҳам бажариб улгурмайсан. Табиатнинг бундай сеҳрини кузатиш эсга ҳам келмайди. Ёки одам шаҳарга кўникиб боргани сайин табиатдан узоқлашармикан? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир инсоннинг табиатдан узоқлашиши — ҳалокат билан баробар-ку? Агар бу ҳол юз берса, одамларнинг ўзаро муносабатларигача ўзгариб, Ернинг ҳаёти

қил устида бўлиб қолади-ку? Йўқ, одамлар бунга йўл қўймайдилар. Инсон табиатнинг фарзанди. Фарзанд она меҳридан узоқлашса, бу меҳрдан қонмаса, ваҳшийлашади. Инсон — табиатнинг энг онгли фарзанди — ўз онаси кўксига пичоқ қадамайди. Баъзи эркатойларга ўхшаб онасини хафа қилиб туриши мумкин. Лекин оқибатда эсини йиғштириб олиши аниқ!»

Сойнинг нариги бетидаги тупроқ кўпчиб ётган тор кўчада оёғига эски калиш кийган, тўқим урилмаган эшакка миниб олган подачи кўринди. У Дилмуродга кўзи тушиши билан қуллуқ қилиб салом берди. Дилмурод, гарчи сойнинг шовқини босиб кетса-да, овоз чиқариб алик олди. Подачи яна қуллуқ қилиб йўлида давом этди. Ҳовлида аёлларнинг овози эшитилгач, Дилмурод изига қайтди.

То нонушта қилишгунча кун ёйилди. Ҳали дастурхон йиғилмай туриб, Умида бурама қанддан иккитасини олди-да, этагига яширди. Асқаралининг хотини буни кўриб кулимсиради. Ақида эса уятдан ёниб кетай деб эрига қаради. Дилмурод «қани, кўрайлик-чи, нима қиларкин», дегандек бош ирғади. Умида эса, ҳаракатимни сезишмади, деб ўйлаб ўрнидан турди-да, кўча эшиги томон юрди. Шундагина Ақида ўзини тутиб туролмай ҳай-ҳайлади. Онасига эътибор бермай эшик оғзига бориб қолган Умидага аввал Дилмурод етиб келди.

— Қаерга бормоқчисан?— деб сўради у қизининг қўлидан ушлаб.

— Кўчага,— деди Умида айёрлик билан.

— Тўхта, бирга борамиз,— деди Дилмурод унинг ниятини пайқаб.

— Ўзим бораман,— деди Умида ўжарлик қилиб.

Дилмурод сергак тикилиб турган Ақидага бир қараб олди-да, қизининг қулоғига шивирлади:

— Аянг билиб қолса, уйга қамайди. Мен билан чиқсанг, айтган жойингга борамиз. Аянгга «дўхтирхонага борамиз», дегин.

Умида маъқул ишорасини қилиб, онасига қаради:

— Аяжон, мен дўхтирхонага борар эканман,— деди бидирлаб.

Ақида ота-боланинг ниятини англаб, норози қиёфада бош тебратди, аммо қаршилиқ билдирмади.

Рҳақ қўл ушлашиб келаётган ота-болани очиқ чеҳра билан қаршилаб, Умидани суйиб кўтарди. Ичкаридан Асқарали чиқиб, Дилмурод билан омонлашди.

Чойхонада ҳеч ким қолмагани учун бир чойнак чойни «майдалаб» гурунғ қилишди. Умида бу «сергап» одамлардан безиб, пастига тушди.

— Девонага қанд бермоқчи, бирга боришга ваъда қилувдим,— деди Дилмурод қизига қараб.

— Боланинг қалбидек покиза нарса йўқ бу дунёда,— деди Асқарали ўйчан қиёфада.— Девона кўнглида меҳр уйғотган-да, шунинг учун унга яхшилиқ қилмоқчи. Дўхтир иним, мени айтди дерсиз, худо хоҳласа, қизингиз улғайганда ҳам одамга меҳрибон бўлиб қолади.

— Айтганингиз келсин, Асқарали ака. Ахир, одамни одамга боғлаб турадиган нарса шу меҳр-оқибат-да.

— Шунақа-ю, аммо буни ҳаммамиз ҳам тушуниб етавермаймиз. Болалигимизда барча кўзимизга яхши бўлиб кўринади. Кейин бора-бора одамларни хилларга ажратамиз. Унисига эгиламиз, бунисини тепкилаймиз. Мана, шу Девонани қаранг. У ҳам худонинг бир бандаси. Айтган ишингизни қилади, бировга озор етказмайди. Лекин ётиб-туриши итдан хароб. Буни ҳаммамиз кўрамыз-у, парво қилмаймиз. Оқибат деган бунақа бўлмайди-да.

— Асқарали ака, Девонанинг ҳеч кими йўқми?

— Йўқ, Девона бу ерлик эмас.

— Қаердан келиб қолган?

— Дўхтир иним, буни ўзим ҳам тайин билмайман. Аммо бир одамга ўхшатаман. Босмачилар даврида Норхўжанинг қароргоҳида бир муллани кўрган эдим. Новқатлик эди, чамаси. Исми Сабоҳиддинмиди, ё бошқами, эслолмайман, аммо ўшанга ўхшатаман. Девона колхоз тузилмасдан илгари пайдо бўлган бу ерда. Кейин уни бир аёл излаб келди.

Назаримда, сингиси бўлса керак. Девона уни таниди, чамамда. Икковлашиб кетишди. Лекин йил ўтмай Девона яна қайтиб келди.

— Новқатдан дедингизми? Бу ердан узоқми?

— Ана шу тоғнинг орқасида,— Асқарали шундай деб рўпарада қорайиб турган тоғни кўрсатди.

— Биздан олдинги дўхтир уни тузатишга уннаб кўрмаганими?

— Бе, эси бутунларга оғриниб қарарди-ю, нима деяпсиз?— Асқарали кулимсиради.— Димоғи осмонда эди. Бекорга қарамасди. Одамлар ҳаммасига индамай келди-ю, аммо Фотма кампирнинг эчкисини олганда чидаб туролмади. Кампирни яра босган экан, денг, у занғар дори келтириб бераман, деб якка-ёлғиз кампирнинг эчкисини олибди. Думини тугиб юбордик. Мана энди сизлар келдиларингиз...

Бу гапни эшитиб, Дилмуроднинг бадани музлаб кетди. Назарида, Асқарали тагдор гапириб: «Ўзларинг ҳам одамларни ўша дўхтирдай шиларсизлар, а?» демоқчи бўларди. Дилмурод каловланиб ўрнидан турди. Қизининг кутаётганини баҳона қилиб пастга тушди. Рҳақ унга эргашди.

Девонанинг қаердан келганини кўпчилик билмас эди. Уни биринчи марта колхоз тузишдан анча илгари мазорбошида кулиб ўтирганини кўрдилар. Кейин у пастга тушди. Чойхона атрофида айланиб юрадиган бўлди. Аввалги гўрковдан қолган хужрада яшай бошлади. Унинг исми ҳам, кимлиги ҳам қишлоқдагилар учун қоронғи эди. Баъзан гўдраниб, баъзан кулиб, баъзан йиғлаб юрадиган бу кимсага ҳамма ўзича ном берган эди. Ким Девона, ким «Мўйлов жинни», ким «Мозор жинни» деб атарди. Болалар оддийгина қилиб «Жинни» деб чақирарди.

У одамларга сира тегмас эди. Чойхоначининг юмушини бажариб, нонини ҳалоллаб ерди. Чойхонадан бир неча марта жой қилиб беришса ҳам турмади. Мозорга чиқиб кетаверди.

Бир кун гўрков уни ёнига чақирди. Қўлига кетмон бериб «ковла», деди. Девона кетмонни кўрқибгина ушлади. Гўрковга хавотир кўзи билан қаради. Кейин титроқ қўллари билан кетмонни нари отиб юбордида, йиғламсираб орқасига тисарилди.

Ҳамманинг юмушини беминнат бажариб юрувчи Девона бир неча марта зўрласа ҳам гўрковнинг айтганини қилмади.

Атрофи шох-шабба билан ўралган қабристон қишлоқдан унча узоқ эмас. Икки тоғ орасидан шиддат билан оқиб чиқувчи катта сой қабристон этагидан ўтади. Девона яшайдиган хужра сойдан эллик қадамча баландда. Унинг бисотида кимдир раҳм қилиб берган (ёки аввалги гўрковдан қолган) эски кўрпагина бор. Хужрадан мазордаги ҳар бир қабр яққол кўриниб туради. Қуёш тоғ чўққилари ортига ўтиб, тошлар қорая бошлаган пайтда Девонанинг турар жойига келган кимсани ваҳима босади.

Тун... Сукунат... Уликлар маскани... Баргларнинг шивирлаши...
Танҳо Девона...

Девона эса ваҳимали тундан чўчимас эди.

Баъзан, чойхонада кўринмаган кезлари, у хужра ёнидаги харсангга чўнқайиб ўтирганича мазорга тикиларди. Худди муҳим бир нарсани ўйлаётгандек бўларди. У дафн маросимларига барча қатори — худди эси бутун одамдай қатнашарди. Тобут кўтарарди, етти қадам санаб юрарди, пичирлаб бир нарсалар дерди. Мозорга келгач, бир чеккада сукут сақлаб ўтириб, қуръон тиловат қилинишини кутарди. Маросим тутагач, ҳеч кимга эътибор қилмай хужрасига кириб кетарди. У фақат Хўжа пиённинг дафн маросимига қатнашмаган эди. Саҳарда чойхонага туша туриб дарахтга ўзини осиб қўйган Хўжа пиённи кўргану орқасига қайтиб икки кун хужрасидан чиқмай ётган эди.

Болалар Девона билан ўйнашни яхши кўришар, аммо ота-оналарнинг гапларига қулоқ солиб унга кўпам яқинлашишмасди. У болаларга пўписа қилганда, кўпинча мўйловини бураб, милисага бервора-

ман, деб гудранарди. Девона бу гапни баъзан катталарга ҳам айтарди. Кеча кўзлари қизариб турган йигитга шундай деди-ю, балога қолди...

Девона ҳужрасида кўринмади. Дилмурод эшикни ланг очиб, таги-га тош қистирди-да, ичкари кирди. Ҳужрада кўзга илинарли нарса йўқ эди. Бўйра устига ташланганича йиғилмаган кўрпанинг бош томонидаги сариқ бир нарса уларнинг диққатини тортди. Рҳақ энгашиб уни қўлига олди.

— Будёновками?— деди Дилмурод унга яқинлашиб.

— Ҳа... Кўп ҳам уринмаган...

— Бир пайтлар қизил аскар бўлганмикин?

— Асқарали ака, мулла эди, деяпти-ку?

Шу пайт ташқаридан кимнингдир шарпаси келди. Эшик оғзида Девона кўринди. Умида югуриб уни қаршилади. Қўлидаги бурама қандларни унга узатди.

— Олинг, сизга опкелдим.

Девона худди Умидани кўрмагандек, гапларни эшитмагандек тек қотиб турар, кўзини Дилмуроднинг қўлидаги қалпоқдан узмас эди. Умида ҳайрон бўлиб дадасига яқинлашди.

— Бу дадам, бу Мирзавой амаким, танимайсизми?

Девона яна индамади. Бир қадам, кейин яна бир қадам босди. «А... а... а!..» деганича қалпоқни юлқиб олди. Орқасига тисарилди. Боши кесакига урилди. Қалпоқни бағрига босганча ичкаридаги кишилардан кўз узмай йигирма қадамча чекинди. Сўнг харсангга ўтирди. Шунда ҳам нигоҳини улардан олмади.

— Кетайлик,— деди Рҳақ аста. Дилмурод бош ирғади.

— Манавини бермаймизми?— деди Умида катта одамларнинг «қилиғи»га тушунмай.

— Кейин, эртага келганимизда берарсан.

Улар пастга тушиб кетишди. Умида бир неча марта орқасига қаради: Девона тош устида қимирламай ўтирарди.

Нотаниш одамлар кўздан йўқолгач, у ҳужрасига кирди. Шошиб кўрпани кўтарди-да, қалпоқни унинг остига бостириб, устига ўтириб олди.

Улар Умидани уйга қўйиб келиб, шифохонага киришлари билан эшик аста очилди. Остонада аввал рўмолининг бир учини тишлаб олган озғин, рангпар аёл, кейин ўн икки ёшлар чамасидаги юмалоққина бола кириб келди. Аёл салом берди. Бола индамади. Кўзларини пирпиратиб, дам оқ халатини кийиб улгурмаган Дилмуродга, дам қўлини ювиб сочиққа артаётган Мирзавой — Рҳаққа қараб тураверди.

— Келинг, янга, нима гап, тинчликми?— деди Рҳақ аёлнинг саломига алик олгач.

— Бевақт келибмиз шекилли,— деди аёл ҳижолат тортиб.

— Жуда вақтида келдингиз. Хўш, нима бўлди, тобингиз қочдимми?

— Худого шукр, ўзим соғман. Манов жиянингиз... — аёл болага ишора қилди.

— Ие, полвон, бу қанақаси бўлди? Қани, бери кел-чи,— Рҳақ — Мирзавой боланинг пешанасини, кейин билак томирини ушлаб кўрди.— Иссиғи йўқ. Қани, қўйлагингни кўтар-чи, Дилмурод амакиси, бир эшитиб кўринг, полвонимизнинг қаери оғрияпти экан?

Дилмурод энди болага яқинлашган ҳам эдики, аёлнинг сўник овози эшитилди:

— Узи соғ. Ҳеч қаери оғримайди. Фақат... Фақат тилдан қолди.

— Тилдан қолди?! Нимага?

— Невлай, чора кўринглар, деб олиб келдим.

— Неча кундан бери гапиролмайди?

— Ўн кунмикин...

— Шу тобгача қаерда эдингиз?

— Ўтиб кетармикин, дебмиз-да.

— Чилёсин ўқитмадингларми?— деди Дилмурод кесатиб.

— Уқитдик, ҳаммасини қилиб кўрдик. Бўлмади,— деди аёл соддадиллик билан.

— Бола илгари қаттиқ касал бўлмаганмиди?

— Йўғ-а, болам бечоранинг боши ёстиққа тегмаган сира.

— Бирон нарсадан кўрқмадимми?

— Кўрқибди-да. Дадаси тўнларини дарахтга илганларича қолаверган экан. Аши ойдинда кўзига бошқача кўринибди.

— Шунга шунчами? Қани, тилингни чиқар-чи? Баракалла. Ҳеч хавотирли жойи йўқ. Мана, Тошкентдан келган амакиси бир пасда тузатиб қўяди. Қани, амакингга қараб қўй-чи, кўрдингми. Тошкентдаги энг катта дўхтир бу киши. «Профессор» деганларини эшитганмисан?— Бола бош ирғаб тасдиқ ишорасини қилди.— Шу амакинг профессор. Масковда ўқиб келган. Сендақалардан мингтасини тузатиб юборган. Укол ҳам қилмайди, дори ҳам ичирмайди. Сен кўрқма. Амакингнинг айтганини қил. Қани, Дилмуроджон, шу полвонни ҳам бир гапиртириб юборинг. Эвазига бир чиройли ашула айтиб беради. А, айтиб бера-санми?

Бола бош ирғади. Дилмурод Мирзавойнинг мақсадини тушунди. Мирзавой унинг мақтовини келтириш билан бола юрагида умид учқунини ёқиб қўйган эди. Дилмурод кеча гап устида профессор Раззоқовнинг иш усуллари ҳақида ҳикоя қилганда мана шундай воқеани ҳам айтган, Мирзавой ҳозир уни шу усулни қўллашга ундаётган эди. У таваккал қиялпими? Ахир Дилмурод сира бу ишга қўл урмаган-ку! Нима қилиш керак? Ғишт қолипдан кўчди. Энди томошани усталлик билан давом эттиришдан ўзга чора йўқ.

— Қани, мана бу ерга ўтиринг-чи. Тилингизни чиқаринг. Баракалла. Кўзларингизни ҳам кўриб қўяй-чи.— Дилмурод унинг мижжаларини қайирди. Сўнг бошини уқалаган бўлди.— Оғримаяптими?— Бола йўқ ишорасини қилди.— Тўрт марта ўтириб туринг. Яхши. Энди ётинг. Мирзавой ака, деразага парда қоқиш керак бўлиб қолди-ку?

То пардалар тушгунча Дилмурод боланинг қўл-оёқларига, бошига ишдан чиққан эски электрокардиографнинг симларини боғлади, сўнг фонендоскопни боланинг юрагига олиб бориб эшитгични унинг қулоғига тақиб қўйди.

— Юракнинг уришини эшитяпсиз-а? Ҳозир қоронғи бўлгач, асбобни бурайман. Кейин «Сананг!» дейман. Ичингизда еттигача санайсиз. Тушундингизми? Овоз чиқариб санаманг тагин. Кейин озгина дам олиб саккизгача, озгина сабр қилиб тўққизгача, сўнг ўнгача санаб, менга «Бўлди», дейсиз. Асбобни ўчиришим билан аянгизни чақирасиз. Хўпми?

Бола тасдиқ ишорасини қилиш пайтида овоз чиқарди. Дилмуроднинг ичига чироқ ёқилгандек бўлди. Хона қоронғилашди. «Сананг», деб буюрди Дилмурод. Сукунат чўкди. Дилмурод ҳам ўзича санади. Боланинг овози чиқиши керак. Жимлик. Бола қимирлади. Гапиролмаяпти. «Бў... д». Дилмурод ишламайдиган асбобнинг мурватларини шақиллатиб буради. Яна жимлик. «А... а...»

Дилмурод боланинг ёнига келди.

— Гапиролмаяпсизми? Кўрқманг. Тезда аянгизни чақиринг, бўлмаса симлар оёғингизга санчилади.— Дилмурод шундай деб унинг тиззасига аста игна санчди.— Чақиринг.— Бола яна «а... а» деб овоз чиқарди.— «Ая», деб чақиринг.— Тез бўлинг!— Дилмурод энди игнани қаттиқроқ санчди.— Тез бўлинг деяпман!

У яна игна санчаман деганда бола «Ая!», деб бақариб юборди.

Мирзавой пардаларни туширди. Аёл турган ерида ўзини тутолмай «Ая деган тилларингдан айланай», деб пиқиллаб йиғларди. Дилмурод симларни олди.

— Қани туринг-чи, отингиз нима?

— Ка... ка... ғим... ббеғди...

— Каримбердими? Баракалла. Ана, тилингиз чиқди. Энди кўрқмай гапиравринг.

— Дўхтир амакига нима дейиш керак?— деди Рҳақ-Мирзавой бо-
ланинг елкасига қоқиб.

— Ғ... ғғаҳ... мат.

— Ана энди аянгизга, юринг кетдик, деб айтинг.

Бола аясининг қўлидан ушлади.

— Ю... гинг, к... кет... дик.

— Ана, янга, Каримполвон соғайди. Энди ажина, ажина деб йўқ
нарсаларни тилга олиб болани қўрқитаверманглар. Кўпроқ гапирсин.
Тили юришиб кетади. Иккинчи ирим-сирим қилиб юрганларингни
эшитсам, дўхтирхонага яқинлаштирмайман. Тошкентдай жойдан сиз-
ларни деб катта дўхтир келиб ўтирибди-ю, сизлар чала муллага қўй
сўйиб зиёфатни бегона қилиб юрибсизлар.

— Вой, бир эмас, ўнта қўй сизлардан айлансин. Дадасига айта-
ман, поёндоз солиб кутиб оламиз.

— Энди бу ёғини қўя туринг. Бира тўла Каримполвоннинг тўйида
ҳисоб-китоб қиламиз.

Аёл қайта-қайта раҳмат айтиб чиқиб кетди. Дилмурод стулга ҳол-
сиз ўтирди.

Пичоқсиз сўйдингиз, ака. Юрагимни бир эшитиб кўринг: тўхтаб
қолди шекилли.

— Ҳаяжонландингизми?

— Яна сўрайсиз-а? Иш ўнгидан келмаса, нима деган одам бўлар-
дик. Яна «профессор», деб таништингиз-а!

— Бу усулни кеча ўзингиз мақтаган эдингиз-ку?

— Тўғри, мақтаганман. Лекин ҳали шакланмаганини ҳам айт-
ганман-ку. Беморни ҳеч бўлмаса бир-икки кун тайёрлаш керак эди.

— Узим қойил-мақом қилиб тайёрлаб бердим-ку. Ассистентларнинг
пири бўлсам ҳам арзир экан.

— Ишонгим келмаяпти. Бундай тажрибанинг ўндан биригина му-
ваффақиятли чиқиши мумкин эди.

— Таваккал ҳам қилиб туриш керак,— деди Рҳақ кулимсираб.
У баҳонада бир синаб олиш учун бу ишга Дилмуродни атайин ундаган
эди. Айни пайтда Дилмурод панд еб қолмасин, деб гипнозга шай турган,
бу усул фойда бермагани ҳолда боланинг миясига биотоклар оқимини
йўллаб тилга киритмоқчи эди. Рҳақ бу муолажадан сўнг Дилмуроднинг
обруйи ошажагини билар, зеро, унга худди шу керак эди.

Дилмуроднинг ҳаяжони босилмай туриб, хонага Асқарали кириб
келди. Рҳақ унинг чеҳрасига қараб бир оз саросимада эканини сезди.

— Дўхтир иним, сизларга юмуш чиқиб қолди,— деди у узун кур-
сига омонат ўтириб — менинг бир қиёматли ошнам бор. Исҳоқ буқоқ
деган одам. Унақа аскиячи, унақа қизиқчи етти иқлимда йўқ. Шу ош-
нам оғирлашиб қолибди. Ҳозир невараси айтиб кетди. Ўзингиз бир бо-
риб кўрасизми? Туновида Мирза иним дори-дармон қилиб берувдилар.
Биргалашиб борсанглар...

Ҳаялламай, йўлга чиқишди.

— Ошнангизнинг юраклари бақувват экан,— деди Рҳақ — Мирза-
вой сой устига солинган энсиз кўприкдан ўтаётиб.— Очигини айтсам,
мен ўша кунни узилсалар керак, деб ўйловдим.

— Э, бу одамни босмачи еган. Биз билан қочолмай қолганида ер-
тўлага қамаб, устидан сув бостиришган экан, занғарлар. Бўлмаса ка-
мида юз йил яшайдиган қувноқ одам эди,— деди Асқарали афсусла-
ниб.— Уларнинг аждодида саксон-тўқсондан кам яшаган одам бўлма-
ган. Отасини саксон еттида ерга қўйишган. Раҳматли полвон одам эди.
Пайғамбар ошини тортгандан кейин ҳам улоқ чопарди. Азроилнинг
чангалидан қутулиш мумкин эди-ю, аммо унинг чангалидан улоқни
ажратиб олиб бўлмасди. Ҳўкизни чертиб қулатадиган кучи бўлса ҳам
сира кураш тушмасди. Кейин сабабини билсам, йигитлик чоғида бир
полвонни эзиб, майиб қилиб қўйган экан. Шу-шу бировга озор бермай
ўтиб кетди раҳматли. Исҳоқ буқоқ ҳам отасига ўхшайди. Чивинга озор
етказганини билмайман.

— Дунёнинг ишлари қизиқ — деди Дилмурод Асқаралининг гапларини эшитиб.— Кучли одамларнинг бағри ҳам кенг бўлади. Катта полвонлар заифларни сира хафа қилмайди. Зиёлиларда ҳам шундай. Уткир истеъдод эгаси бошқаларга яхшилик қилиш учун ҳамиша вақт топади, бировга халақит бермайди, фақат қўллайди. Илм атрофида адашиб ўралашиб юрганлар эса бутун вақтини, кучини ўзини ақлли қилиб кўрсатиш учун чиранишга сарфлайди. Жимгина сарфласа ҳам майлига, бошқаларнинг асаби, тинчини бузиш ҳисобига кун кўради.

— Э, Дилмуродвой, бу ҳамма ерда бор касал.

— Олимларнинг кўпи одамдаги чап мия қобиғи асосий, ўнгдагисини унга ёрдамчи, мустақил фаолияти йўқ, одамнинг истеъдод даражасини ана шу чап мия белгилайди, дейишади. Назаримда, ёмон одамларнинг чап мияси кам шаклланган.

— Уларда чапи ҳам, ўнги ҳам шаклланмаган деяверинг,— Асқарали шундай деб қўл силтади.

Рҳақ Дилмуроднинг гапини эшитибоқ мақсадини аниқлади. Дилмурод одамларнинг чап мия қобиғига «доминант», ўнг қобиғига эса «субдоминант» деб сифат берилишига қарши эди. У, исботга кучи етмаса ҳам,, ўнг қобиқ оддий симметрия эмас, яъни, асосий ҳисобланадиган қобиққа бутунлай бўйсунмайди, унинг ўзига хос мустақил юмуши бор, деб ўйларди. Профессор Раззоқов Дилмуроднинг бу фикрини тўла қувватламаса-да, тажрибаларига ёрдам берарди. Умуман, одамларнинг хатти-ҳаракати, хасталикка чидами билан қобиқлар ҳақидаги ғоянинг номунаносиб экани ойдин бўлса-да, кўпчилик бундан кўз юмар, очиқ фикрлашдан чўчирди. Қолбуки бу ғоянинг ўзгариши кўп касалликларни даволашга йўл очиб берарди. Рҳақ Дилмуроднинг ҳаёлида яшириниб ётган бу тўғри фикрни ўқиб, яна бир бор хурсанд бўлди.

Қалин дарахтзор орасидан ўтиб кичик ялангликка чиқишди. Уртада пастак уй. Олди айвон. Уйнинг чап биқинида қийшиқ тандир. Баҳайбат ўрик шохлари ялангликка кўланка солиб турибди. Урикка боғланган эшак бошини эгганча қимир этмайди. Аҳён-аҳёнда думи билан хира пашшаларни ҳайдайди. Бу ҳам таъсир этмагач, орқа оёқлари билан депсинади. Охур атрофида уч-тўрт товуқ ўралашиб юрибди.

Исҳоқ ота айвонда, намат устига тўшалган кўрпада шифтга тикилганча ётарди. Кўзлари ботиқ, ёноқлари туртиб чиққан. Иягига муштдек буқоғи тиралиб турибди. Эт суякка ёпишган, қўлни қимирлатишга мажол йўқ. Отани елпиб ўтирган келини меҳмонларни кўриб, ўрнидан турди.

— Келдими?— деб сўради ота заиф товушда.

— Йўқ... Асқарали тоға билан меҳмонлар келишди.

— Дарров дастурхонга қаранг, қизим.

Асқарали дўстининг қўлини олиб ҳол сўради.

— Э, сўрама, у дунёга бир бориб бир қайтиб келяпман,— деди ота заиф овозда.

— Шу ётишингда у дунёга бориб келяпсанми, а? — деди Асқарали гапни ҳазилга буриб, унинг кўнглини кўтариш учун.— Балосан, буқоқ, балосан. Менга қара, у дунёда кимларни кўрдинг. Энангди кўрмадингми?

— Йўқ, сени энангди кўрдим.

— Нима деди, келиб турсин, демадими ишқилиб?

— Йўқ, индамади...— Исҳоқ ота тамшанди. Аммо сўзи чала қолмасин учун ўзини мажбур қилиб гапира бошлади.— Энанг жаннат билан дўзахнинг нақ ўртасида... у ёққа ўтганларнинг ҳам, бу ёққа ўтганларнинг ҳам юзини чекичлаб ўтирибди...

Асқаралининг чўтирлигига шама қилиб айтилган бу қочириқдан ҳамма мириқиб кулди. Исҳоқ отанинг ҳам рангига бир оз қон югуриб, жилмайди.

— Олдинг, буқоқ, олдинг. Ана, айтдим-ку бунақа аскиячи йўқ бу дунёда деб,— деди Асқарали ўзини кулгидан тиёлмай. Кейин ҳазил-

мутойибани давом эттиришга отанинг мажоли йўқлигини билиб, муд-
даога кўчди.

— Тошкентлик дўхтир ўғлинг, ота билан бир отамлашайлик, деб
бошлаб келди.

— Ҳа, меҳмон бошламаса, ўзингча келай ҳам демайсан. Невара-
ларинг омонми, ишқилиб. Ҳа, худо тўзим берсин. Меҳмонларни зерик-
тириб қўймайсанми?

— Меҳмонлар иш билан овора. Меҳмонлиги қолмади. Манави дўх-
тир ўғлинг: «Шунча йил юриб, Исҳоқ отаникидек бақувват юракни кўр-
магандим, ирода ҳам чакана эмас экан, оҳ-воҳ қилиб ётишлари нима-
си?» деяпти.

Исҳоқ ота жилмайишга ҳаракат қилиб Мирзавой — Рҳаққа қа-
ради.

— Мен, Исҳоқ отангизнинг дардлари бошқа томонда, Тошкентга
куёв қилмасангиз бўлмайди, дедим.

— Тегишасан-а?— деди ота. Унга Асқаралининг ҳазили маъқул
келган, юрагида яна аскияга майл уйғонган, лекин уни тилга чиқариш-
га энди қурби етмас эди.

— Қани, иним, куёв тўранинг юракларига яна бир қўл солиб кў-
ринг-чи, сизга нима дер экан,— деди Асқарали Дилмуродга қараб.

Ота кўрпа устида мажолсиз чўзилиб ётган ўнг қўлини салгина кў-
тарди:

— Керакмас.

Дилмурод савол назари билан Асқаралига қаради. Асқарали ҳеч
нарсга бўлмагандек гапни бошқа томонга бурди.

— Абдулҳай қани?

— Раисни йўқлаб кетди.

— Раисни нима қиларкан?

— Мен айттирдим. Икки оғиз сўзим бор.

— Э, бу ўжарга сўз хайф, овора бўлганингга арзимайди.

— Йўқ, айтиб кетишим керак. Насиҳат биздан лозим. Аммо сизлар
эҳтиёт бўлинглар, сопи ўзимиздан чиққан:»

Асқарали меҳмонларга қаради.

— Эшитганмисиз?

— Нимани?

— Соп ҳақидаги ривоятни.

— Йўқ.

— Буқоқ, дўхтир ўғилларинг бу ҳикматдан беҳабар экан, ай-
тиб бер.

— Узинг айтақол, оғзим қуруқшаб кетди.

Асқарали пиёладаги чойни отанинг оғзига тутди. У бир-икки ютим
ичиб тамшанди.

— Бир катта ўрмонда болта пайдо бўлиб, дарахтларни бирин-си-
рин қийрата бошлабди,— деди Асқарали пиёлани жойига қўятуриб.—
Дарахтлар кекса чинорнинг олдига маслаҳат сўраб келишибди. Болта
деганларинг нима, темирми, сўрабди Чинор. Ҳа, дейишибди дарахт-
лар. Дастаси-чи, дастаси ҳам темирми, дебди Чинор. Йўқ, дейишибди
дарахтлар, сопи оғочдан. Ие, сопи ўзимиздан экан-ку, энди додимизни
кимга айтамыз, деган экан Чинор.

— Халқ кўп донишманд-да. Бундай ҳикмат тушимга ҳам кирма-
ган эди,— деди Дилмурод ҳаяжонланиб.

Дарахтзор орасида икки кишининг шарпаси кўринди. Олдинда раис.
Орқароқда Абдулҳай.

Абдулҳай ариқ бўйидаги нам ерга оёғини тап-тап уриб этик чан-
гини қоққан бўлди.

— Келишдими?— сўради ота бошини буришга ҳаракат қилиб.

— Ҳа, келишди — жавоб берди Асқарали.

Салом-алиқдан сўнг ота раисга мурожаат қилди:

— Мамарайим, иним, ишинг кўп бўлса ҳам чақиртирдим, хафа
бўлма.

— Хафалиги борми, ўзим ҳам келаман, деб турувдим. Даланинг иши қайнаб кетди, биласиз-ку... Ўзингиз тузукмисиз, ишқилиб. Рангингиз дуруст, кўз тегмасин.

— Худо деб ётибмиз, иним. Сенга айтадиган гапим бор эди. Бўлмай эшит: Бир кишининг уч ўғли бўлган экан. Вақти-соати етганини сезган ота меросини кимга қолдиришни билмай боши қотибди. Кейин болаларини синаш учун уларни уч томонга юбориб: «Одамларга биттадан яхшилик қилиб қайтинглар», дебди. Каттаси билан ўртанчаси отанинг амрини бажариб тезда қайтибди. Бири ногирон кишининг, бири ожиз кишининг юмушини беминнат бажариб берибди. Аммо кенжадан дарак йўқмиш. У хийла ҳаяллаб қайтибди. Бунинг учун акаларидан дакки эшитиб ерга қарабди. Сўнг отасига ҳисоб берибди: «Дада, фалончини биласиз-а, ашаддий душманам, ҳар лаҳзада жонимни олиш учун пайт пойлайди. Отаси сизнинг душманингиз эди. Кетаётсам, аши тикка жарнинг ёқасида ухлаб ётибди. Бир ағдарилса, жарга қулаб ўладиган. Мен уни уйғотиб юбормаслик учун аста-секин суриб четга олиб қўйдим». Ушанда ота қувониб меросини кенжасига қолдирган экан... Асқарали, чойдан... Умринг узун бўлсин, ошнам... Қиссадан ҳисса шуки, боболаримиз энг разил душманингга ҳам яхшилигингни аяма, деган. Мен бу гапларни ўзим тўқиганим йўқ. Тоғангдан эшитганман. Ҳар жума намозидан кейин шунақа ибратли ваъз айтарди. Донишманд одам эди, баъзи ғаламислар сўзи билан бекорга қулоқ бўлиб кетди.

— Бизнинг уруғда унақа руҳонийлар бўлмаган, қулоқлар ҳам,— деди раис жаҳл билан.

— Аччиғинг чиқмасин. Тоғангдан нима учун тонаётганингни билиб турибман. Ҳали замон тинчиб кетади. Қариндош-уруғдан кечиш ярамайди.

— Қўйинг бу гапларни!

Асқарали: «Тек ўтир, раис!» деб туртиб қўйди. Мамарайимнинг шолғомсифат ялпоқ бурни оқариб, тарам-тарам пешонасида тер кўринди. Тумтайиб олди.

— Агар биронта одамга яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ҳеч бўлмаса, ёмонлик қилма. Бу ибратни ҳам тоғангдан эшитганман. У, балки, тоғанг эмасдир, балки сен айтгандай «халқ душмани» бўлгандир. Аммо ҳақ гапларни айтиб кетган. Шу ибратларга амал қилсанг, барака топардинг.

— Мен шу топгача ҳеч кимга ёмонликни раво кўрганим йўқ. Бўлса шу колхозга бўлсин, деб жонимни жабборга беряпман. Бирим икки бўлгани йўқ.

— Бировга яхшилик қиламан, дейсану, кўнглига озор бериб қўясан.

Мирзавой, Дилмурод, Абдулҳай одоб сақлаб, қарияларнинг суҳбатига қўшилмадилар.

— Мени суд қилишга чақирибсиз-да а?

— Йўқ,— деди Исҳоқ ота,— икки оғиз насиҳатим бор. Аслида, мен сени қарғашим лозим эди. Лекин бунинг фойдаси йўқ. Шамолда шилдираётган макканинг барглариими?

— Ҳа.

— Илгари макканинг ўрни нима эди?

— Боғ эди.

— Мен бу боғни йигирма йил парвариш қилган эдим. Тузалиб кетсам, анави, тепаликни ҳам боғ қиламан, деган эдим. Атти боғ қилиш Абдулҳайнинг чекига тушган экан. Барака топсин. Сендан илинжим шуки, иним, раис бўлсанг, одил раис бўл. Қўп билан кенгашиб иш юрит. Боғларни хазон қилма, уволи тутуди. Гуноҳи ўзингга урмаса, болаларингга уради.

— Боғингизни буздирган бўлсам, ташлаб қўйганим йўқ. Боғдан фойда кам колхозга. Макканинг фойдасини еб ётибмиз-ку!

→ Маккага бўлак жой қуриб кетган эдими?.. Қашғарга қочаётган

босмачилар ярадор шерикларини довонга ташлаб кетишган экан. Бечоралар нажот тополмай музлаб қолишибди. Тик қилиб қўйсанг, худди тирик одамга ўхшайди... Сен ҳам ўша мурдаларга ўхшаб қолма. Сиртида жон бор-у ичи ўлик одамлар халқнинг қарғишига қолади-я!..

Раис, газабдан бўғилса ҳам, ўзини тутди. Жон таслим қилар даражада ётган қария билан олишишга журъат этмади. Унинг бош эгиб ўтирганини кўрган Исҳоқ ота ҳам гапни калта қилди. Абдулхай отасининг имоси билан косаларда шўрва келтирди. Асқарали орада ҳеч қандай оғир гап ўтмагандай гурунгни бошлади. Раис ҳам сал очилиб, колхозга янги трактор ундирганини айтиб, мақтанди. Абдулхайнинг боғига оқсоқоллар ҳордиқ чиқарадиган шийпон қурдиражагини билдирди. Кейин отага сиҳатли тилаб чиқиб кетди.

Раис кетгач, Исҳоқ ота гапирмай кўзини бир очиб-бир юмиб, тамшаниб ётди. Шом қоронғиси тушганда Абдулхайни чақирди.

— Болам, омонатимни топширгудай бўлсам, боғингга қўй, боғингни қўриқлаб ётай девдим, эсингдами?

Абдулхай бош ирғади.

— Уйлаб қарасам, шайтоннинг гапига учган эканман. Ёлғиз ётишдан худо асрасин экан. Кўпнинг орасига қўявер. Раисга инсоф бериб, шийпон қурса, кўпнинг дуосини оласан.

Асқарали Мирзавой билан Дилмуродга рухсат берди. Аммо улар шу ерда қолиш истагини билдиришди.

Айвонга бир сидрадан кўрпача ташлаб ётдилар. Бироқ кўзлари ҳеч илинмади. Ой тиккага келганда от туёқларининг овози эшитилди. Отлиқлар қабристон томон ўтдилар. Дилмурод бир Асқаралига, бир Мирзавойга қаради-ю, тунги отлиқлар ҳақида сўрамади. Қабристонга қараб ётди. Тепаликда Девонанинг ҳужраси қорайиб турибди. Бир оздан сўнг қабристонда қора шарпалар кўринди. «Отлиқларми?» ўйлади Дилмурод. Яна Асқаралига қарадию сўрашга ботинмади. Отларнинг кишнаши эшитилди. Дам ўтмай қабристонда олов кўринди.

— Уйқунгиз келмаяптими?— сўради Асқарали унинг бедорлигини билиб.

— Қаранг, ўт ёқишяпти.

— Мозордами? Ҳа, Абдухолиқнинг уруғлари бўлса керак.

— Нимага бундай қилишяпти?

— Ирим-сирим-да. Бир оиладан кетма-кет одам ўлаверса, тунда қабрларга от соладилар. Оёғи ёзилмай қолган мурда одам чақирармиш. От унинг қабридан ошиб ўтолмас экан. Уша мурдани ё қиймалаб чопадилар, ё ёқадилар.

— Биз томонларда мурданинг оёғини узатиб қайта кўмишади. Бу ердагиси... даҳшат-ку!

— Даҳшат дейсизми? Йўқ, бу ота-боболаримиздан қолган одат.

— Шу билан ўлим тўхтайдими?

— Баъзан тўхтайди.

— Ахир, ўлимнинг кетма-кет келиши авлоддан авлодга ўтувчи касалликлар натижаси-ку?

— Буни биз тушунмаймиз, иним...— Асқарали шундай деб ёнбошга ўгирилди. Шу билан суҳбат ҳам тугади.

Гулхан анча вақтгача ёниб турди.

Исҳоқ отанинг жони тонгда узилди. Унинг қайтиш қилганини сезмай қолишди. Беозоргина жон берди...

Атрофи оқ мато билан ўралган тобут ердан узилди. Аёллар юзларини тимдалаб фарёд кўтардилар. Абдулхай лаҳадга тушиб отасини қўяётганида Асқарали тўнининг этагини очиб давра айланди. Одамлар бир сиқимдан тупроқ олиб, пичирлаб дуо ўқиб, куф-суфлаб, этакка ташлашди. Ҳаммадан чеккароқда ўтирган Девона ҳам тупроқ олди-ю, жойидан жилмади. Асқарали буни сезиб унга яқинлашди. Девона дуо ўқимаёқ бир кафт тупроқни этакка ташлади-да, унга қараб тиржайди.

Асқарали тўпланган тупроқни лаҳадга тўкди.

— Девонага борганинг нимаси эди?— деди гўрков норози оҳангда.

— У ҳам одам-ку...

Гўрков лаҳад оғзига гувала териб бўлгач, Исҳоқ отанинг яқинлари кетмонни қўлма-қўл олиб қабрга тупроқ тортишди.

Бу манзарани бир четда туриб кузатаётган Рҳақ ўйга толди: мана шу тумонат одам ичида Исҳоқ отанинг қариндошлари ҳам, етти ёт бегоналар ҳам бор. Тўғри, уларнинг барчаси кўзёш тўкиб бир хилда қайғуришмаяпти. Баъзилар отанинг қўлидан бир пиёла чой ичмаган, ҳамсуҳбат бўлмаган; салом-аликдан нарига ўтмаган. Аммо улар ҳам куюнишяпти — бир одам боласининг бу дунёни ташлаб кетганига ачи-нишяпти. Эрта-индин мана шу тупроқ тортаётганлардан бири — қарими, ёшми, бу ноаниқ — кўз юмса ҳам шу ҳол такрорланади. Одамлар унинг ўлиmidан куюнадилар. Мана, ҳатто Рҳақнинг ўзи ҳам ачиняпти. Ачиняпти? Қизиқ, ахир унда сира бундай ҳис уйғонмас эди-ку? Ҳатто ўғли учун ҳам бу қадар ачинмаган эди. Наҳот одамларнинг туйғулари унга ҳам ўтаётган бўлса?

Давоми бор.





Ойдин Ҳожиева

Ғўза гуллаганда

«Ғўза гулга кирган кун қувончимдан кўзимга
уйқу келмайди...» КПСС XXVI съезди делегати
Мавжуда Шарипова сўзи.

Боғлар тиргович сўраб ҳансираган ёз туни,
Ғўза гулидай нафис мавжирайди кўкда ой.
Бир қувонч ўғирламиш кўзидаги уйқуни,
Мавжуданинг хаёли мисоли Зарметонсой.

Ток сувига сочларин ювиб ўсган қиз эди,
Баҳор чақмоқларини севиб ўсган қиз эди.
Пахтахонада кўсак чувиб ўсган қиз эди,
Ўшанда тушганмиди қалбига пахта ишқи!

Гоҳо шеърлар тўқирди болаларча илҳомда,
Булбулдай ёд ўқирди устод Фафур Гуломдан,
Офтоб хирмонга шўнғиб кетганин кўрса шомда,
Ўшанда тушганмиди қалбига пахта ишқи!

Одамзод ўзи сезмай айланаркан устунга!
Чигит экиб дуч келди қатқалоққа, қуюнга,
Пайкал бошида йиғлаб, гоҳ ошкора суюнган
Чоғларда тушганмиди қалбига пахта ишқи!

Ер қаттиқ деганлари ҳазил эмас, чин экан,
Тупроқ шўр деганлари матал эмас, чин экан,
Лекин Инсон саботи меҳнатда метин экан!
Шу ҳикматдан тушдимиди қалбига пахта ишқи!

Кун нури аввал қалбда ийланар экан, билса,
Ҳар толага жон ипи бойланар экан, билса,
Шундан гуллар кўсакка айланар экан, билса,
Шу ҳайратдан тушдимиди қалбига пахта ишқи?

Куз келар. Пахтакорнинг пичоғи мой устина,
Хирмонлари ёйилар камалак-ёй устина,
Тўйлардан тушса чирой элга чирой устина,
Ўшанда тушганмиди қалбига пахта ишқи?

Тун ярмидан оғади. Сомон йўли балқади,
Яшил Ер чеккасига ғўза гулин тақади.

Деҳқон қиз кўзларига қувонч ёши қалқади:
Оқ сут билан сингиган қалбига пахта ишқи!

Шундай хаёл сурарди замин, дала, тун, шийпон,
Шундай хаёл сурарди Сангзор, Сиёб, Зарафшон,
Шундай хаёл сурарди Обидахон, Умрихон,
Бу Сизнинг хаёлингиз, қувончим, Ўзбекистон!

Сайёр

Украина ва Ўзбекистон¹

Арсенал

Арсенал —
оталар
азмига
хайкал!
Инқилоб ҳимоя этилган макон.
Уқ изи, ўқ изи,
қарамай қайга,
Ҳатто илма-тешик бу ерда осмон!
Кураш,
енгиш
дарсин шунда ўқидим,
Ўлсам-да елкам ҳеч тегмагай ерга.
Сизларга фарзандман,
У чоқ йўқ эдим —
Инсон айланганда ёниб кўмирга!
Оталар қайтмади.
Жовтенни асраб,
Дунёга ўрнатиб қўйдилар мангу...
Жасур оталарнинг ўйлари сачрар
Бугунга, замонга —
Ўчмас бир ёғду!
Ўчмайди
деворда,
заводда,
Ерда,
Ўчмайди оламда,
то абад ўчмас!
Тарихдан ўчмайди,
Ўчмас хотирдан!
Хотира — ҳаттоки ўққа ҳам ўчмас!
Раҳмат, азизларим,
Раҳмат, оталар...
Номингиз ҳамиша тилимда такбир.
Муқаддас йўлингиз —
йўлим аталар!
Сизга ҳайкал эрур — ўзи Октябрь!

¹ Шу номли туркумдан.

Эътиқод йўли

(Оқ шеър)

Кўркам кўча —
Гавжум
Крешчатик...
Киев шаҳрин юрак томири.
Ҳалқа мисол,
 ҳамма кўчалар
Унга тушиб келиб қўшилар.
Танадаги томирлар ҳам шу:
Қуйилади, ахир, юракка.
Крешчатик!
 Ажиб кўча бу,
Украинлар севишар уни.
У тарихий...
 Нақ ўн асрни
Боғлаб,
 жамлаб турар ўзида.
Чўнг дўстликка эътиқод қўйдим —
Аммо асло худога эмас!
Ўйим,
 орзум,
 муқаддас туйғум,
Инсонлигим —
 бутун борлигим —
Ҳаммасини атадим дўстга,
Қабул этгин —
 ўзбек ўғлингни;
Крешчатик,
 муқаддас йўлим,
Асрларнинг эътиқод йўли!

Қабристон

Қабристон,
 Ердаги осмонсан,
Юлдузлар порлайди — беш қирра!
Хотирда ёнасан беомон,
Хотирдан ўчмайсан сен сира!
Зулмат қоплар эди бу юлдузларсиз,
Шак-шубҳасиз, ёруғ жаҳонни!..
Қабристон —
 ошиқча дуру гавҳарсиз,
Эътиқоднинг
 ерлик буюк осмони!

Синфдошларим

Мен бугун қирқ йиллик масофадан туриб,
Сизни сўроқлайман, синфдошларим.
Бўлармикан бу дам ҳаммангизни кўриб,
Қора кўзларим менинг,
қаламқошларим.

Бизни бир синфга жамладию қисмат,
Лекин ҳар хил қилди тақдиримизни.
Орадан ўтса ҳам ярим аср фурсат,
Ҳамонки

қўмсаймиз бир-биримизни.
Ҳа, турли йўллардан кетдик ўшанда,
Не ҳайрат,

ҳаётнинг йўриғи эди;
Кўзларда ёш билан хайрлашдик шунда,
Балки йўриғимас, буйруғи эди.
Суйиб-суйиб қўмсайман ҳар бирингизни,
Ўша лазиз дамларни эслайсиз сиз ҳам,
Улкан бир дунёмиз бор эди бизнинг:
Майтадан —

Бўстонгача сарҳадсиз олам.
Бу — бир олам эди, чексиз эди гўё,
Аслини олганда, оддий бир қишлоқ.
Ҳаёт тўлқинлари мисоли бир дарё,
Бу — бир олам эди

ҳамиша уйғоқ.
Шу олам саҳнида эди ҳаммаси:
Бизнинг Бухоромиз,

Москвамиз ҳам.
Парижу Рим, Атлантика нафаси,
Гўёки барчаси шунда эди жам.
Уқув глобусин қўйиб ўртага,
Дунё тақдирини қилар эдик ҳал.
Ҳеч бир сиёсатдон, дониш эрса-да,
Тенг келолмас эди бизга у маҳал.
Биз алвон гулларга ўрамоқ бўлардик,
Дунёнинг олтита қитъасини ҳам.
Мурғак тасаввурда орзу қилардик,
Ер шарин қизилга бўясак шу дам,
Барча ёмонларни қувсак ер юзидан,
Фақат яхшиларга қолса бу дунё,
Ёмонни суғуриб отсак илдиздан,
Оламда яхшилар яшаса танҳо!...
Мен бугун қирқ йиллик масофадан туриб,
Сизни сўроқлайман, синфдошларим.
Бўлармикан бу дам ҳаммангизни кўриб,
Қора кўзларим менинг,

қаламқошларим!
Севгининг нелигин билмасак-да у чоқ,
Уни сезар эдик кўз қарашларда.
Ҳар қалай, рашк билан севар эдик бироқ,
У пинҳон дард эди кўнгил сўрашларда...
Мен бугун оловдек ловуллаб турган,

Оташ меҳр билан севаман сизни.
 Севаман, дўстларим,
 ўша сиз юрган,
 Менга таниш бўлган йўлларингизни.
 Шу йўлларда, ахир,
 Менинг илк шеърларим,
 Шодликларим менинг,
 менинг кўзёшларим.
 Сиз билан қувнашган, сирлашган ерларим,
 Йўқлик, камликларим, сабру бардошларим.
 Мен биламан,
 ҳар бирингиз ҳам
 Шу буюк Ватаннинг бир заррасисиз,
 Шу юртга меҳрибон,
 шу элга ҳамдам,
 Шу тансиқ ҳаётнинг бир қирраси — сиз!
 Ватан қайга деса,
 шу ерга кетдик,
 Изладик иқболнинг тамал тошини.
 Шу диёр, шу халқ дея жонни фидо этдик,
 Аямадик шодлигимиз, кўзимиз ёшини.
 Бугун менинг севинчларим — дарён азим,
 Қирқ йилдирки, елкамизда даврнинг юки.
 Ўзимизни аямадик, бўлганда лозим,
 Юз ёшда ҳам
 шу юк билан юрармиз балки!
 Атрофда — фарзандлар завқи, шукуҳи,
 Соҳиби хонадон — ота-онасиз,
 Невара, чевара...
 Келинлар гуруҳи,
 Боболар, момолар... тинмас, парвонасиз!
 Ва лекин,
 рости гап, мен учун ҳали ҳам,
 Ўша — ўн беш ёшли шаддод боласиз.
 Менинг қалбим аро,
 дўстларим, ҳар дам,
 Сиз бола эдингиз шундай қоласиз!
 Мен бугун қирқ йиллик масофадан туриб,
 Сизни сўроқлайман, синфдошларим.
 Бўлармикан бу дам ҳаммангизни кўриб,
 Қора кўзларим менинг,
 қаламқошларим?!

Ирина Роднинанинг севинч кўзёшлари

Лейк-Плэсид —
 дунёнинг ул чеккасида,
 Америка аталмиш
 Олис бир юртдир.
 Қизғин баҳс кетар
 ўша музлар ўлкасида,
 Ишқибоз бу оламнинг
 кўзлари тўртдир.
 Тоғлар ўнгирида,
 қор саҳнида кезар
 Олимпиаданинг қайноқ нафаси.
 Ёшлик,

Жасоратнинг кўксини безар
Сўнгсиз олқишларнинг
жарангдор саси.

Мағрибдир,
машриқдир...
Эллар нигоҳида —
Фахрий шоҳсупада —
Ирина намоён.

Музлар маликаси
тўлқинланар жуда,
Гулдурос оҳангда олқишлар жаҳон.
Шу дам,
Сарҳадларни солиб ҳайратга,
Улуғвор янграйди СССР Гимни.
Ҳар кимни еткизмас бундай шуҳратга,
Бахт қуши
Сийламас, ахир,
ҳар кимни!

Олимпиаданинг
баланд пештоқида,
Ҳилпираб турипти
Совет байроғи.

Ҳар сафар,
Бу байроқ юксалган чоғида,
Тўлқинланар

АҚШнинг яқин-йироғи!
Дунёнинг юрагида севинч уйғотиб,
Қадрдон Гимнимиз янграган сари,
Ирина сеҳр аро ўзини унутиб,
Шоҳсупада турар —

кўзда ёшлари.
Қадрдон Гимнимиз янграган сари
Қўшма Штатларни ларзага солгундай,
Пентагонда кўпларнинг титраб асаблари,
Тўлғанар,
Бир илон чақиб олгандай!
Оламки пайдодир,

қадимул айём,
Ҳаётий зарурат —
борди-келдилар.

Дунёни безагай ҳуҷумату эҳтиром,
Не тонг,
Аждодлар ҳам шундай қилдилар.
Лейк-Плэсиднинг
Баланд пештоқида,
Советлар байроғи турипти ҳилпираб.
Фахрий шоҳсупада,

олам нигоҳида,
Ирина намоён —
юлдуздек пирпираб!

Самарқанд.

Тўлепберген Қайипбергенов



Қорақалпоқчадан Ҳайдарали Ниёзов таржимаси.

РОМАН¹

10

Одатда район партия комитетининг бюро мажлисига кўриладиган масалаларга алоқаси бор бошлиқларгина таклиф қилинарди, бугунги мажлисга райондаги барча маҳкамаларнинг бошлиқлари чақиртирилди. Нисон Нажимовнинг бюро ўтказиш усулига ҳамма кўникиб кетган. У олдин бошлиқларнинг биттасини тикка турғазиб қўйиб, районда бугунги куннинг вазифалари нимадан иборатлиги ҳақида савол беради. Жавобга қаноатланса, давом этиб, қаноатланмаса, тўлдириш мақсадида гапириб кетади. Фақат эшитиш керак, гап қўшмаслик лозим.

Бугун кузги йиғим-теримга киришув масаласи диққат марказида турди.

Биринчи гапни ўзи бошлади.

Баҳор деҳқонни қай даражада шошилтирса, куз ундан беш баттарлиги, баҳорда кечиксанг ҳам, қопда қолгунча сафда қолсин, деб далага уруғ экса бўлавериши, оқибат натижа ёзнинг яхши келишига боғлиқ эканлиги, кузнинг орқаси қишлиги, табиатдан хайру эҳсон кутиш қийинлиги, тўсатдан осмон булутланиши, момагулдурак гулдураб, чақмоқ чақса, яшин ҳамманинг бошига тушгандай қўшимча ташвиш орттириши, чунки ёғингарчилик куни терилган пахтани қабул пунктлари олмаслиги, шолিপоялардан тракторлар юролмай қолиши, энг ёмони, шולי похолини йиқитиб кетиши, ундан сўнг фожиа юз бериши, яъни узун, нимжон поя қайта тиккая олмаслиги, пишган бошоқлар ботқоққа ётиб нобуд бўлиши, полиз экинларининг тақдири ҳам бундан яхши бўлмаслиги тўғрисида узоқ гапирди. Қор ёғиб қолгудек бўлса, ёз бўйи қилинган меҳнатга куйиб қолиш мумкинлиги, ҳосилнинг баракаси учиши, иш ҳам унмаслигини билимдонлик билан огоҳлантирди. Ҳаммани судралмай чаққон ҳаракат қилишга чақирди, шаҳар ва район марказининг меҳнаткашлари деҳқонларга ёрдам беришга тайёр туришларини, мактаб-

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

ларда ўқиш тезлатилган программа асосида олиб борилиши кераклигини таъкидлади. Гапининг охирида:

— Хуллас, районда яшайдиган ҳар бир одам энг камида бир ярим ой ўзини деҳқон ҳис қилсин,— деди.

У бундай фикрларнинг аксарият қисмига хулоса ҳам чиқармоқда эди, аммо хулосаси киришга айланиб кетганини кўриб, тингловчилар энди мажлисининг тугашини кутишди. Лекин мажлис ҳали-бери тугайдиган эмас.

Нисон Нажимович бюро қатнашчиларини бирма-бир кўзи билан чақиб чиқиб, Яхшиликқа келганда тўхтаб, унга тикилди-да, овозини кўтариб, зарда қилди:

— Айтингчи, олдинги директорнинг номини кир латтага ўраб кўрсатишни қачон тўхтатасиз?

Давлатов саволга тушунмаганлигини англатиш учун елкасини қисди. Нажимов яна бир парда юқори кўтарилди:

— Тилингиз йўқми сизда, ўртоқ Давлатов? Нима, толқон еганмисиз?

У район статистика бошқармаси бошлиғига зарда қилди:

— Райстат, тур ўрнингдан! «Янгилик» совхози экин майдонини қанчага кўпайтириб ҳисобга киритишни илтимос қилди?

Райстатнинг бошлиғи семиз келинчак ҳандалакдай келадиган бўқоғининг терларини четларига гажим тикилган қизил дастрўмоли билан артиб туриб жавоб қилди.

— Пахта, шоли экинлари бўйича йигирма-ўттиз процент кўпайтиришни сўради, сабзавот-полиэ экинлари бўйича қирқ беш процент кам!

— Шу тўғрими, ўртоқ Давлатов?

— Тўғри!

— Демак, ҳар гектарга олинадиган центнер бўйича олдинги совхозни масхара қилибгина қолмай, районни орқага тортишни ҳам ўйладингизми? Биз сиздан бундай лодонликни кутмаган эдик, ўртоқ янги директор!

— Ортиқ экилган гектарлар* припискага кетадими? — деди район газетасининг муҳаррири.

Райком секретарининг гапини бўлиб, унга берилган кинояомуз саволдан Шержоновнинг жаҳли чиқиб кетди-да, ўрнидан учиб турди.

— Нисон Нажимович, мумкинми? — деди секретарга қараб ялтоқлик билан.

— Гапиринг! — деб Нажимов шошилмай ўрнига ўтирди.

— Ўртоқ Нажимов, ўртоқ бюро аъзолари,— деди Шержонов даб-дабали қиёфада.— Бу ерда ўтирган айрим ўртоқлар ўйламай-нетмай «приписка» деган сўзни айтиб юборишди. Бу яхши эмас. Эсингиздами, бундан бир неча йил бурун «приписка» деган мақола бўйича қўшни район партия комитетининг биринчи секретари жавобгарликка тортилди. Энди ўша машъум мақола билан ҳурматли Нисон Нажимовнинг асабига тегмоқчи. Менга қолса, районнинг ҳеч бир хўжалигида приписка йўқ. «Янгилик» совхозида ҳам бўлган эмас. Бироқ экиш планини тезроқ бажариш учун шошилиш натижасида қизиқиб кетиб, ортиқча экиб юборилган ерлар бор. Қадрли Нисон Нажимович, бошида айтгандай, баҳорда деҳқон ерга уруғ қадашга ошиқади. Шу пайтда ҳеч ким орқасига қараб, неча гектар экдим деб, экин майдонларини ўлчаб ўтирмайди, ўлчашга вақти йўқ, қўли тегмайди!

— Бу жонли далил эмасми, жиноят устида қўлга тушиш деб яна нимани айтилади? — деди кимдир, орқадан. Нажимов унинг кимлигини билгиси келиб, хона ичини назардан ўтказиб чиқди — топмади. Шержонов, бу гапларнинг унга гўё алоқаси йўқдек, беларво давом этди.

— Биринчи секретарни камситишга, сўзини бўлишга уриниш районнинг бирлигини, одамларнинг ҳамжиҳатлигини бузишга уринишдан бошқа нарса эмас,— деди тирноқ ичидан кир қидириб. Унинг овозида ғазаб-нафрат оҳанглари яққол сезилиб турарди. Бу ғаразли гапга коммунистлардан кимдир чидолмади.

— Бу ерда гап биринчи секретарни камситиш, унинг гапини бўлиш устида ҳам эмас. Гап кўп ерга экин экиб, шундан бир қисми юзасидан план бажаришнинг нотўғрилиги устида кетяпти!

Шержонов яна ўзини гўлликка солди. У гўё бу гапни эшитмади, давом этиб, анча бекорчи гапларни вайсагач, редакторга ўзини кўрсатиб қўйгиси келиб, ўзича мақол ишлатди:

— Ақли йўқнинг шумлиги йўқ, шумлиги йўқ бошдан ақл чиқмайди. Булар маънодош сўзлар. Ана кўрдингизми, биз ҳам биларканмизми ўша грамматикани?

— Биларкансиз.

У яна газета редакторига қаради. Кўнглида уни райком секретари-га орқа қилиб ер чиздирмоқчи, кимдир, нималар учундир ундан ўч олмақчи, бу билан коммунистлар орасида ўзини кўрсатиб қўймоқчи эди.

— Ўртоқ редактор!— деди у таънаомиз оҳангда,— ҳар бир гапни ўйлаб гапириш керак!— Кейин у бир оз паст тушиб, насиҳатга ўтди.— Ҳаммамиз Нисон Нажимовичнинг асабига тегишни мақсад қилиб олаверсак, бу — районнинг оғиздай уйиган бирлигини бузишга интилиш бўлур эди.— Шержонов энди редактордан бошқа нарсани бутунлай унутди. Назарида, гапириши учун ундан бўлак объект ҳам қолмаганди гўё.

— Ўртоқ редактор,— деди у, хиралик билан,— сиз менинча, гоят ақлли, таниқли йигитсиз, ҳа! Шундай бўлатуриб қишлоқлардан газетага ёзадиган мухбирлар кам деб нолийсиз. Ҳа. Нотўғри нолинасиз! Ҳар ёққа ариза ёзадиган одамлардан кўра, кўпроқ далада ишлайдиганлар керак бизга. Ҳа. Ҳар томонга аризавозлик қилиб хат ёзган Асановнинг ҳоли нима бўлгани эсингиздами? «Бизнинг совхозимизда приписка бор, терим пайтида пахтани тайёрлаш пунктига сотиб олиб топшириш фактлари учрайди» деб ёзиб, тухматчилик қилгани учун партиядан чиқарилди. Жазога тортилди. Ана сизга ғаламисликнинг, аризавозликнинг оқибати. Ҳа. Буюк Карл Маркс, «Одамни меҳнат яратади» деб таълим беради. Газетанинг куни кечаги сониди яна муҳаббат ҳақида шеър босилган. Одамлар бир марта уйланганидан сўнг муҳаббат тамом эмасми? Ё газетангиз район бўйдоқларининг органими? Пахта ҳақида, меҳнат ҳақида, партия ҳақида шеър босинглар. Баъзи мухбирларингиз ўз районимизда тузатиш мумкин бўлган нарсани область, республика газеталарига ёзади. Кўпчилиги ғирт ёлғон гаплар тагин. Ўзингиз ҳам мухбирларингизга ўхшайсиз, ўртоқ редактор. Бўлмаса, бултур бир килограмм қанднинг баҳосига 10 тийиндан қўшиб сотди, деб бизнинг совхозимизнинг Завмагини фельетон қилиб, шунча шов-шув гапларга сабаб бўлармидингиз?

Нисон Нажимович ёнида ётган район газетасининг боғламини кўтарди-да, у ҳам редакторга эдрайди.

— Кейинги пайтларда мендан рухсатсиз мақолалар босадиган бўлиб қолдинг. Шу учун ҳам газетанг ёмон чиқади. Мана, манави газеталарингда одам қизиқиб ўқийдиган бирон дуруст материал йўқ. Ростдан ҳам пўконингдан ел ўтмаган экан. Фельетонни тўхтат, десам ўчакишасан.— У район радио тармоқлари бошлиғига қаради. Ўзича редакторнинг танбеҳини бериб қўйиш учун коммунистлар орасида район радио бошлиғини мақтаб, миннатдорлик билдиришни лозим топди.

— Ўртоқ радио ташкилотчи, тур ўрнингдан. Сен маладессан! Сенга ҳар кунги эшиттиришнинг йўл-йўриғини ким бериб турибди.

— Ўзингиз, ҳурматли Нисон Нажимович!

— Утиринглар! Давом эт, ўртоқ Шержонов!

— Районда савдо ишига РайПО раиси дуруст қарамайди. Менга унинг комплекцияси ёқмайди, физкультура билан шуғуллансин ёки овқатни камроқ есин! — деди у томдан тараша тушгандек қилиб. Шержоновнинг бу гапидан кейин Нажимов РайПО раисига қаради-да, уни тикка турғизиб қўйиб, сўроққа тутди. Йиғим-терим пайтида қайси дўкон қандай ишлашини аниқлаб, «Янгилек»нинг Завмаги тўғрисида ижобий гаплар айтиб, гапнинг мавзуини район маориф мудирига қаратди.

— Уртоқ зав. РайОНО, қадди-қоматингиз келишган ҳурматли раҳбарсиз,— деди у.— Уртоқ Шержонов сизни танқид қилмади. Мен танқид қиламан. Сиз, ҳар йили мактаб ўқувчиларининг билими пастлашиб кетяпти, деб нолинасиз. Бу гапларни тўхтатинг. Бу йил баҳор оғир келди, сув кам, керак пайтида етишмади... Мактаб ўқувчиларининг ёрдами кўп керак. Ана район шифохонасининг бош врачини кўриб турибман, мийиғида қулиб ўтирибди. Ишонаман, у албатта, районнинг патриоти; шунинг учун бутун медицина ходимларини йиғим-теримга тўла сафарбар қилади.

— Уртоқ Нисон Нажимов,— деб Шержонов яна ўрнидан турди.— Менинг эшитишимга қараганда, касаллар, кундузи, врачларнинг тугал пайтида кўпроқ ўлади. Демак, қўйчи кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади. Ҳа! Шунинг учун шифохонада бир-икки навбатчидан бўлак врачларни йиғим-теримга чиқариш фойдали.

Залда у ер-бу ердан сийраккина кулги кўтарилди.

— Уртоқ Нажимов,— деб Шержонов яна гапириб кетди.— Маданият бўлимининг бошлиғига эслатиш керак, кутубхоначилар китобларини далага олиб бориб, дала шийпонига териб қўйсин-да, ўзлари пахта теришсин. Йиғим-теримда ҳеч ким китоб ўқимайди. Халқ театрининг артистлари ашулани қишда айтганлари ҳам кифоя. Қисқаси, районнинг шаъни учун бутун тадбир, ақл ва имконият ишга солинсин!

— Ақл халқ манфаати учун ишлатилса ақл, шахсий манфаат учун ишлатилса фирромлик,— деди Давлатов.— Бундан буён йиғим-теримда фирромлик ишлатилмасин.

Шержоновнинг кичкина кўзлари баттар қисилиб, бурнининг учи терлаб, бирдан ўрнига чўкди. Нажимов қайтадан ўрнидан турди.

— Уртоқ Давлатов, сиз баҳслашишни яхши кўрар экансиз. Йиғим-терим ўз йўлига бамисоли фронт, кўп гапни ёқтирмайди. Қани, Мамутов, ўрнингдан тур! Нима учун менинг кўрсатмамни бажармай, совхозда комиссия туздиларинг?

— Мен директорлик ҳуқуқимдан фойдаландим,— дея Давлатов ўрнидан турди.— Комиссия бюро қарори билан эмас, директорнинг буйруғи билан тузилди ва бутун жараёни шахсан ўзим кузатдим.

— Энди сизнинг бизга нима арзингиз бор?— деди Нажимов унга. бир оз шаштидан тушиб, ювошланган тур билан.

— Нисон Нажимович, йиғим-терим агрегатларининг ремонтини тугаллашга эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Сизнинг ёрдамингиз керак!

— Эшикни очишданоқ ичкарига йиғлаб кирманг, ўртоқ директор, ўзингиз топасиз! Хўш, қани, сиз нега ўзбошимчалик билан иш қиласиз?

— Қандай иш?

— Орол проблемасига нега бизсиз аралашасиз?

— Бу иш бугунги куннинг талаби бўйича совхоз коммунистларининг қўллаб-қувватлаши билан қилинди.

— Коммунистларнинг қўллаб-қувватлаши қонун эканлигини эътироф этасиз-а?

— Албатта,— деди Давлатов.

— Менга совхознинг ўнта бригадирдан олтитаси, уларнинг олти табелчиси, ҳурматли Шержонов, Завмаг ва бошқа ўртоқларнинг ёзиб, қўл қўйган хати тушди, пўлат сандиғимда турибди. Сизнинг устингиздан! Коммунистларнинг кўпчилиги қувватламаган «Танобчилар комиссиясини» нега тузиб, нега ўзингизча ишга солдингиз?

— Ҳозиргина тушунтирдим, Нисон Нажимович! Бу ишда директорнинг буйруғи роль ўйнади.

— Сиздек директорни кўрмаганман,— деб Нажимов ёқтирмаган кайфиятда мушти тугилган қўли билан ҳавони кесди.— Шоирларнинг тили билан айтганда, элга муҳаббат ўчоқ бошидан бошланади. Районга патриот бўлиш учун совхозингга, областга патриот бўлиш учун районга патриот бўлиш керак. Сизда эса патриотнинг бундай белгиси кўринмайди,— деб бош бармоғининг учини кўрсатди Нажимов.

Давлатов директорлик лавозимига келганидан буён у ҳақда Шержоновдан кўп эшитган, ўзи билан ора-сира учрашувларидан ҳам маза топмас эди. Уларга қўшимча бугунги ҳаракатлари, гаплари сабр косасини тўлдириб юборди.

— Ўртоқ Нажимов,— деди ўрнidan аста туриб.— Патриотликни бошқалардан эмас, олдин ўзингиздан излашингиз лозим эканлигини англаб турибман. «Янгилик» совхозини ҳалокат ёқасига олиб келиб қўяёзган одам ўзингизга ўхшайди.

— Ҳа, ўртоқ Давлатов! — деди Нисон Нажимович, бирдан қизишиб кетиб.— Қурултойда Шержоновни танқид қилиб, ўрнини эгаллаган эдингиз, энди менга оғиз солмоқчимисиз? Утиринг! Бу гаплардан кўра совхознинг бу йилги давлат планларини бажариш тўғрисида ўйланг! Бошлиқнинг қадр-қимматини, патриотлигини, сиз айтгандек, баланд-парвоз қуруқ гаплар эмас, планларнинг бажарилиш процентлари белгилайди. Ўртоқлар! — деб Нисон Нажимович овоз пардасини бир оз пайсатирди.— Ўртоқлар, эндиги бош вазифа йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаш,— деб киришда айтганларини қайта такрорлаб, бюро аъзоларидан бошқаларнинг тарқашига рухсат берди.

Қайтишда Давлатов машинасига ўтирди.

Рулни ўзи бошқараётган Мамутов, директорнинг кўнглига қараб машинасини текис ҳайдашга ва ўзлигидан бир оғиз ортиқ сўз айтмасликка тиришди.

— Менинг у билан келишиб кетишим қийинга ўхшайди,— деди райондан чиққандан буён унсиз келаётган Давлатов, совхоз территориясига кирганларида, узоқ ўйларини хулосалаб.

— Сиз эҳтиёт қисмлар сўраганингизда ўртоқ Нажимовнинг нима учун рад қилганининг маъносини айттайми? У ортиқча таклифни ёқтирмайди. Ҳар ким ҳар томондан аралаша берса, районни бошқариш анархияга айланади, деган ўз фалсафаси бор. Шунинг учун ҳар кимдан илтимосини, керакли нарсасини ёлғиз ўзига бориб, кабинетда айтишини талаб қилади. Гувоҳ бўлмаслиги керак. Ана, шундан кейин у мажлисларда бошқаларнинг кўз олдида муҳтож нарсангиз тўғрисида савол берса, «хурматли Нисон Нажимович, районда ўзингизга номаълум нима бор» дейсиз. Шундан кейин, у бошини чайқаб кулади. «Мана кўрдингизми, ҳаммангизнинг оғзингизга мен чайнаб солиб қўймасам, ўзларинг ҳеч бало қилолмайсизлар», деб ўзингиз унга овлоқда айтганларингизни такрорлайди. Шундай қилиб, ҳатто бюрони тўхтатиб, тегишли жойларга зудлик билан қўнғироқ қилади.

— Ғалати патриот-а?

— Районда вазият мана шу, дўстим. Совхозда янги қурилиш бошлаш ниятинг бўлса, ўз қулоғига айт. Келаси йиғилишда у «ҳой Давлатов, сен совхозда бундай қурилиш бошла!» деб билағонлик қилмаганида ҳам ёрдам бермаса менга айт. Райондаги ҳамма бошлиқлар унинг мана шу характерини тушуниб қолишган. Ахир гап ишингни битиришда эмасми?

Давлатов ўзини эшитмаганликка олди. Улар яна жим бўлиб қолишди. Бундай пайтда ҳар икки томонга ҳам қийин. Бири иккинчиси ҳақида хаёлга чўмади. Ҳозир улар ўз олдиларига хаёл суришади. Давлатов Нажимов тўғрисида, Мамутов Давлатов тўғрисида...

Яхшилик чарчаб, кўп хаёл сурганидан боши лўқиллаб оғриб келса, уйда ҳайратда қоладиган байрам тантанаси. Стол устида учта вазада уч хил гулдаста. Унда гладиолус ҳам, хилма-хил атиргуллар ҳам, чиннигуллар ҳам бор, ял-ял ёниб, товланиб турибди. Бундай гулларни совхоз бу ёқда турсин, район марказидан ҳам топиш қийин. Қаердан олиб келишган? Нима учун?

— Яхшилик, бугун қизимиз Ойлархоннинг туғилган куни! — деди Светлана ошхонадан чиқиб.

Оппоқ пахтадек шоҳи кўйлак устидан пахта кўрагидай қўнғир ранг костюм кийиб олган саккиз яшар қизи Ойлар капалакдай учиб, ичка-

ри уйдан чиқди. Яхшилик уни қўлларидан ушлаб кўтарди, пешанасидан, кўзларидан ўпти.

— Кечир, қизим, ишларим кўплигидан туғилган кунингни ҳам унутиб қўйибман.

— Раҳмат Завмагга! — деди Светлана.— У билар экан. Манови гулларни атайлаб Тошкентдан олдириб келибди. Ана, Яхшилик, сенинг бу совхозга қадрли бошлиқ эканлигингга ҳозир ишондим. Молодец!

У нима қилишини билмай, бир фурсат ўйланиб турди-да, қизини қучоқлаган ҳолда ошхонага кирди. Светлана газ плитанинг бир ўчоғида бутун бир туя товуқ қовуриб, иккинчисида палов дамлаб, учинчисида чой қайнатаётганди. Эрининг яна тонгланганини сезиб, мийиғида кулди.

— Буни ҳам Завмаг олиб келди, Яхшилик. Ойларга ирим деб бир қўчқорнинг қулоғини тишлатди. Кўриб келақол, товуқхона олдида бойлоғли турибди.

— Унинг саҳийлигини билмас эдим.

Эрининг кесатиб жўрттага шундай деганини Светлана тушунмай, Завмагни мақташда давом этди.

— Билсанг, бунинг ҳаммаси сенга чинакам ҳурмат! «Кўчиб келганингизда совға бера олмадик, қизингизнинг туғилган куниде сиз ҳам қувониб қолинг» деб менга узук олиб келди.

Светлана уйлик халатининг олдинги чўнтагидан қутича чиқариб, эрига берди.— Мана, кўр. Бриллиант кўзли олтин узук.

Яхшилик қутичани қўлига ушламай, бир қия назар солиб бирдан ачинди:

— Эҳ, нима бало қилиб қўйдинг, ахир? Бундай узукни бир-икки мингнинг нарёқ, берёғига бермайди.

— Мен қаёқдан билай? Ювелир магазинга бош суқиб кўрибманми? Совға дегандан кейин олавердим. Совганинг нархини сўраш уятку, ахир!

— Ҳзи қаёқда?

— Камтаргина кўринди. Эркаксиз уйда кўп ўралашиб ўтиришга андиша қилди, шекилли, кетди. Овқат ҳам пишди, ҳозир қўнғироқ қил, келсин.

— Йўқ, Света. Унинг матоҳларини қайтариш керак. Ифлос одам.

— Йўқ, Яхшилик, мен одам танисам, шу совхозда сени қаттиқ ҳурмат қиладиган иккита бўлса, биттаси, агар битта бўлса худди унинг ўзгинаси шу.— У телефонда Завмагнинг уй телефон номерини терди-да, «алло» деган товушни эшитиб, трубкани ушлатди. Ҳзинг гаплаш.

Яхшилик унинг қўлидан трубкани юлиб олди-да, ўрнига қўйиб қўйди.

Светлана жаҳл билан қайтадан қўнғироқ қилди.

— Яхшилик ҳам келди. Завмаг, етиб келинг, овқат ҳам тайёр бўлди,— деди.

Яхшилик тез-тез кийинаверди.

— У билан ўзинг базми-жамшид қураарсан! Ҳзинг маишат қиларсан!

Светлананинг кўзларига ёш қуйилди. «Етимликдаги етишмовчиликларимни энди унутганимда шундай қилдингми? Менга узукнинг кераги йўқ!»

У газўчоқдан чойгумни олиб, унинг ўрнига узукли қутичани ташлади.

Яхшилик унинг нима қилаётгани билан иши бўлмай, уйдан бошини олиб чиқиб кетди.

Улар эр-хотин бўлганларидан буён бундай қаттиқ аразлашмаган эдилар, бирини бири қайтармади, тўхтата олмади.

Саккиз яшар Ойлар бўйинга ҳўб ярашган чиройли кийимларини қайтадан кўриш учун катта тошойна олдида ўзида йўқ қувонч билан илжайиб ўйнаб турарди.

Шарифа Орол экспедициясидан келганидан буён уйида. Кичик-кичик дафтарларига шошилинч ёзган кузатишларини кўздан кечириб, хулосалаштириш билан банд. Навбатдаги экспедиция Қорақум каналига бўлади, шунга қадар хулосаларини кўчириб, экспедиция раҳбарига топшириш лозим.

Отаси кизига халақит бермаслик учун чошгоҳда уйдан чиқиб кетади. Лекин олисга бормади. Эшиги олдида ётган қайиққа ўтириб, кўзойнагини тақиб олади-да, газета, журнал ўқийди. «Яхшиям озгина саводи бор» дейди ичида Шарифа.

Кейинги кунлари у ўзига улфат топиб олди. У кўрпачасини қўлтиқлаб қайиққа ўтириши билан қўшни подъезддан ўзи тенги, қордай оппоқ белкуракдек соқоли кўкрагини ёпган нуруний бир қария ёнига келади. Унинг эргаштириб юрадиган майда-чуйда набиралари қариялар суҳбатни бошлашлари билан қайиқнинг бир бурчида ўзларига ўйин топиб оладилар, уларга бошқа қўшнилarning болалари келиб қўшиладилар.

Шарифа кечки овқатнинг ғамида ошхонага кириб, деразанинг иккала қанотини очди. Қайиқ худди ўша деразанинг тагида эди. Қариялар чақчақлашиб ўтиришганини кўрди. Гўштни тўғраб қозонга солди-да, «Қизиқ, бу қариялар ҳар куни нимани гаплашишар экан?» деган хаёл билан дераза олдига курси қўйиб ўтирди.

— Сиз ҳам урушда «Сталин учун олға!» деб қичқирдингизми? — деди қўшни қария.

— Мен кўпинча ўз тилимда «Орол учун!» деб бақирар эдим. Бошқаларга «дохий учун» дегандай эшитилармиди, билмайман, ҳар қалай ҳеч ким менга дакки бермасди.

— Нуржон, кечирасиз, мен саломатлигим заифлиги сабаб бўлиб урушга боролмадим. Бироқ бигта жўрамнинг урушдан келиб мақтанганини ҳеч унута олмайман! У ярадор ҳам бўлмасдан соппа-соғ келди. «Сен қандай қилиб омон келдинг?» деб эдим, «сўрама, жўра— деди.— Урушда ўқ уст-устига зув-зув қилиб келиб туради, эпчиллик билан бундай чап бераман, ундай чап бераман. Бир куни генерал Рокоссовский сиртдан кузатиб турган экан, «ҳа, молодец, чаққон қорақалпоқ!» деб елкамга қоқди», дейди. Болаларим маршал Жуковнинг портретини деворга осиб қўйиб эди. «Мана бу киши ўша Рокоссовский-ку» деб жўрттага деворга қараб эдим, у ўрнидан туриб, «ҳа, Рокоссовский дўстим, раҳмат сенга!» деб Жуковнинг портретини пешонасидан силади.

Нуржон қария ичаги узулгудай қотиб-қотиб кулди. Шарифа ҳам уларга эшиттирмаслик учун оғзини кафти билан ёпиб пиқ-пиқ кулди.

— Айтмоқчи, қизингиз Орол экспедициясидан нима янгилик олиб келди? — деди қўшни қария, бир муддат жимликдан кейин.

— Ўзингизга маълумки, Орол қуриб бормоқда.

— У маълум-ку, бўлмаса сиз билан биз Оролни ташлаб шаҳарга кўчармидик!

— Одамнинг ишонгиси келмайдиган битта янгилик айтиб келди. Биз турадиган ўша қишлоғимиз тагидан денгиз ичига қараб тортилиб, ўрни қум бўлиб қолган экан, ундан қуюн билан тузли қум учиб, саккиз чақирим масофагача сепилибди.

— Нега одам ишонмайдиган дейсиз? «Известия» газетасидан бундай хабар ўқидим. Каспий денгизи бўйларидан кўтарилган чанг-тўзон ўзи билан туз кристалларини кўтариб олиб кетиб, бир неча юз километрлик олис Татаристондаги юқори вольтли симларга ёпишган ва электр линияларига зарар етказган. Орол қуриса, пошнангдан қумга аралашиб кўтарилган туз атрофидаги ерларни ишдан чиқаради, деган гапларга мен ишонаман!

— Мен қизимга ишонаман!

— Қизингизни одамлар мақташади. Яхши олима дейишади.

— Биз Оролда балиқ кұпайса, буні Амурдә олиб келади, деб юраверган эканмиз. Аму Оролга тоғ жинсларининг зарраларини олиб келар экан, ҳозир ер ости бойликларининг дунёда энг камёб турларини топаётган олимлар билан ҳам учрашибди.

— Ҳа, ҳозир илм дегани ўсиб кетди,— деди қўшни қария танглайини тақиллатиб.— Яқиндагина деҳқонлар «биз ойдинда ер ҳайдардик» деб мақтанишар эди, энди бўлса, «ой устида ер қазииш ишлари олиб бордик» деб одамзод мақтанади.

— Шарифа! Ҳой Шарифа!— деб чақирди қария юқорига қараб. Қиз гапга қулоқ солиб ўтирганини сездирмаслик учун бир муддат индамай туриб, кейин деразадан бошини чиқариб овоз берди:

— Дада, мен бу ердаман!

— Одам ўз умрида ўрта ҳисобда неча тонна сув ичади дегандинг?

— Етмиш беш тонна!

Бу жавобга иккала қария ҳам кулиб юборишди.

— Бўлди, қизим,— деди Нуржон қария юқорига қараб.

Шарифа қозоннинг қопқоғини очиб, шўрванинг тузини кўрди-да, яна жойига ўтирди.

— Астафируллоҳ! — деди қўшни қария кулгисини босиб.— Сиз билан мен қанчадан сув ичдик экан-а? Энди бир ҳўплам сув ҳисобли бўлиб қолган бўлса нима қиламиз?

— Кўниш керак,— деди Нуржон қария.

Қўшни қария набиралари чўллаганда бериш учун битта чойнакка қайнаган сув тўлдириб олиб келиб қўярди, ногоҳ тўкилиб кетганини кўриб, ёнбошига урди.

— Ол-а, шу етмай турган эди, менинг ваҳимамдан қўрқиб тўкилди-ёв.

Иккала қария яна кулишди.

— Рост, сувни тежаш керак,— деди Нуржон қария.— Бир стакан сув одам умрини бир неча йилга чўзадиган пайтлари ҳам бўлади. Маршал Жуковни Рокоссовский билан адаштириб юрган жўрангизга ўхшатиб, мақтанди демасангиз, мен сизга ўз кўзим билан кўрган воқеани айтиб берардим.

— Мақтанишдан ҳеч ким холи эмас, айтаверинг.

— Бу воқеа Улуғ Ватан уруши пайтида бир кичик тепалик учун шиддатли жангдан сўнг содир бўлди. Теналикдан душманни қувиб «ура!»лаб бораётсак, мен сакраб ўтган окопда бир немис офицери қонсираб «сув-сув» деб ётибди. Немислар сувни нима дейишларини ўганиб олган эдим. Ярадор бўлиб, қонсираган пайтда, одамнинг оғзи қурийдди, сув ичгиси келади. Раҳмим келиб, таққа тўхтадим. У мени кўриши билан оғзи тўла олтин тишларининг ҳаммасини қўпориб (суғурма тишлар экан) менга ташлади-да, устма-уст қон туплаб, сув сўради. Кўнгим эриб кетди. Флягимни бердим. У гўлқ-гўлқ қилиб ичиб, қора терга тушди-да, икки оёғимни қучоқлаб олиб, ботинкамни ўпаберса бўладими! Баттар раҳмим келди. Бир амаллаб ўрнидан тургазиб, командиримга олиб бордим. У шунда ўз ўртоқлари сув бермай қочиб кетганидан нолиб, менинг ярим фляга сувим учун бизларга қўшилди, душманга биз билан бирга қарши жангларда қатнашди.

— Бунга ишонаман.

Шарифа ўзгаларнинг гапларига қулоқ солишни одобсизлик деб билладиганлардан эди. Бу эсига тушиб, ўрнидан туриб кетаётган эди, қўшни қариянинг:

— Нуржон, «Янгилик» совхозига, сенинг укангнинг ўрнига бўлган директорни танийсанми?— деганини эшитиб, яна тўхтади.

— Йўқ,— деб жавоб қилди Нуржон қария.

— Ғайратлига ўхшайди. Райкомнинг бугунги бюроси тез тамомланишига сабабчи бўлипти. Қизим айтиб келди.

— Қизингиз райкомда ишлайдими?

— Модалар ательесининг бошлиғи. Ўзи ёшлигидан чеварликка

қизиқар эди, ҳозирги райкомга ёқиб қолган. Афсуски, куёв болам лашанг, бўш. Хотинига шоферлик қилишни аранг эплаштиради.

Шарифа мийиғида кулиб қўйди, деразаларни аста ёлаётиб, қарияларнинг олдида Эржон Шержоновнинг тўхтаганини кўрди-да, ўзини сал ичкарига тортди.

Орадан кўп ўтмай, йўлакдан ўпир-дўпир оёқ товушлари эшитилди, отаси гапириб кириб келди.

— Укажоним-эй, сен нега бунчалик манмансан? Ахир сени бўшатган одам бизнинг қўшнимиз — қария эмас-ку? Мен билан саломлашиб, у билан нега сўрашмадинг? Ҳеч бўлмаганда ёши катталигини сийласанг бўларди!

— Қўйинг, оғажон,— деди Шержонов сал эркаланқираб.— Катта ёшдагиларни кўрсак эгилаверамизми? Совхозда бундай қарияларнинг ўзлари менга салом беришади, директорликдан бўшасам ҳам саломларини ўзгартирганлари йўқ. Урнимни ҳам қайтариб оламан ҳали.

— Кексаларга берган саломинг сен омонатга топширган қиёмат қарз. Ўзинг қариган чоғингда сендан ёши кичиклар қайтаради.

— Қўйинг-чи, оға, бунақа сафсатанинг миллионини биламан. Ҳа, Шарифа, нега ёмон кўз билан қараб турибсан?

— Эржон, кўнглингни сал кенг қил, захрингни сочаверма кўрган кимга, сени биз бўшатиб юбормаганмиз!

— Бўшаганимни нега юзимга солаберасиз? Яшин кўпинча баланд дарахтга тушади.

Шарифа индамай унинг ўтириши учун курси қўйиб берди.

— Жуда чарчадим,— деди Шержонов, пешонасининг терини артиб.— Райкомнинг дачасидан келяпман. Анча ичкилик бўлди. Сабаби, бугун Нажимов ёмон дакки еди. Менинг ўрнимга бўлган Давлатов танбеҳини берди. Бу ҳам менинг бахтим. У менинг қадримни билмай, Давлатовнинг директор бўлишига розилик берган эди.

Қизи уни ёқтирмаганини кўрган қария ўртадаги ноқулай вазиятни текислаш мақсадида:

— Эржон, бизлар янги колхоз қурган йили Эржонов деган янги бошлиқнинг «этик тақсимлаш» мажлиси эсингдами? — деди.

Шержонов энсаса қотиб, эсидан чиқариб қўйганини баҳона қилди.

Нуржон қария қизини ошхонадан чақариб, Шарифа, келиб ўтир, сен ҳам эшит,— деди.

Қария ҳикояни бошлаш олдидан илжайиб кулиб қўйди, унга қизи ҳам қўшилишиб кулди, иниси ҳам сал илжайди.

— Эржонов деган колхоз бошлиғи бир кун ҳаммани чақариб, йиғилиш қилди. Келдик. «Ўртоқлар, кун тартибда этик тақсимоти масаласи» деди.

Шержонов негадир ҳайкалдай қотиб қолди.

— «Ҳа, ўртоқлар, колхозга этиклар олиб келинди», деди бошлиқ. «Яхши бўлибди» деди ҳамма. «Мен, масалан, сизларнинг бошлиғингизман, эртадан то кечгача тинмай юрганим-юрган. Мен бир жуфтини кийсам арзийди-ку» деди у. «Албатта» деди ҳамма. «Унда қўл кўтаринглар!» деди. Ҳамма қўл кўтарди. «Менинг катта ўғлим ҳам колхозга аъзо. Кечқурун ликбезга қатнайди. Бунинг устига, уйнинг ўтин-чўпи ҳам унинг гарданида. Шунинг учун унга ҳам бир жуфт этик берсак, нима дейсизлар?» «Берилсин! Берилсин!» деди ҳамма. «Унда қўл кўтаринглар!» деди. Ҳамма қўл кўтарди. «Ўртоқлар, шу билан этик тақсимлашга бағишланган мажлис тамом, этиклар тугади», деб бошлиқ йиғилишни ёпди.

Шарифа ичак-силласи қуригунча кулди. Қария илжайди. Аламзада Шержоновнинг кулгидан икки елкаси силкинди.

— Ана, Эржон,— деди қария.— Сенинг бўшатилишингда ҳам шунга ўхшаш бирон нарса сабаб бўлгандир.

— Мен ҳаққимда ҳам афсона кўп, бироқ ундай эмас. Одам ўзини яхши билади-ку, ахир. Менда гуноҳ йўқ.

Шарифа унга ер остидан бир қараб қўйиб, раҳми келди, лекин гап

қўшмади. Бу орада телефон жиринглаб, Шарифанинг ўзи кўтарди. Яхшилиқ Давлатов қўнғироқ қилиб, уйининг адресини сўради. Қиз унинг овозини аниқ таниб, ичидан офтоб чиқиб кетган бўлса-да, анча совуқ-қонлилик билан.

— Эшиги олдида қайиқ ётган уй,— деб трубкани қўйиб қўйди.

Шержонов унинг кимлигини сўрашни мўлжаллаб турди-да, кейин аҳдидан қайтди. Андиша қилди.

— Нуржон оға,— деди у ғоят мулойимлик билан. — Мен сизни уйга олиб кетгани келдим. Кенг қишлоққа ўрганган одамга шаҳарнинг ҳавоси етмайди. Бизникига бориб, икки-уч кун меҳмон бўлиб, яйраб келинг.

Унинг гапларига, чиройига қараганда жигари учун астойдил жони ачиётгани аниқ эди, шафқат туйғулари уйғонди.

— Хабарингиз бор, оға, олти қизим бор. Олтови олти миллат йиғитига турмушга чиқди. Шунча жойда фақат Фарида икковимиз қолдик.

Нуржон қария укасига раҳми келиб, индамасдан кийинаверди.

— Шарифа, сен ҳам бора қол, қизим,— деди Шержонов ниҳоятда мулойим тортиб.

Шарифа унинг кўнглидаги ғарзини сезмади, бунини хаёлига ҳам келтирмади.

— Экспедиция материалларини ўрганиб чиқишимга бир кун вақтим қолиб эди, оға.

— Майли, ишингни битказавер. Қўлинг бўшагандан кейин қўнғироқ қил, машина юбораман,— деди кетишга отланиб Шержонов.

Қўшни қария билан қайиқ устида ўтириб гаплашиб келсагина чиройи очиладиган, бўлмаса уйга сиғмай хўрсиниб танининг носоғлигидан нолийдиган отаси ҳозир ҳар қачонгидан ҳам яйраб кетганди. Бундан Шарифа ҳам севинди, ошхонада гўшт пишай деб қолганини айтган эди. Икки ака-ука энди тўхтагиси келмади.

— Тайёр овқатдан юз ўғирмайлик,— деб қария ошхонага кириб, қозоннинг қопқоғини очди, бир қошиқ шўрва олиб, лабини теккизди. Шержонов ҳам худди шундай қилди.

Бадфеъл Шержоновнинг бу ҳаракати ҳам уларга ёқди.

Қайтадан бирлашган икки ака-укани кузатиб, уйига кирганида, Шарифа кенг далада йўлсиз қолган йўловчидек ўзини ёлғиз ҳис қилиб, умидвор кўзларини телефонга тикди. «Сал юмшоқроқ жавоб қилишим керак эди» деди пичирлаб.

У хонасига кириб, доира кўзгуни қайта артиб, орқасидаги суратга қайтадан тикилди, хатни қайта ўқиди. Укинч билан бошини чайқади-да, суратли томонини орқасига айлантириб, кўзгу томонида ўз аксини кўрди.

Ун бир йил ўтди. Унинг уйланганини эшитдинг, шунда ҳам кутасан, фарзанд кўрганини эшитдинг, шунда ҳам умидингни узолмайсан... Нотўғри! Тенгдошларинг аллақачон турмуш қуришиб, уйли-жойли бўлиб кетишди. Энди ё хотини ўлган, ё хотини билан ажралишган одамгина келади сенга! Эҳ, Шарифа, ёшлигингда ақлли эдинг, севадиган одамнингни топгандинг. Яхшилар ҳаммага керак. Уни ўғирлашди, сендан ўғирлаб кетишди.

Кейинги сўзлари қулоғига эшитилиб, дик этиб туриб кетди.

Лодон Шарифа, нима қилмоқчисан? Аҳил бир оилани бузмоқчимисан? Ораларидаги норасиданинг кўз ёшлари сени тугади-ку!

Эшик тақиллади. Бамайлихотир бориб очди.

— Бевақт келдимми? — деди останада турган Яхшилиқ, қизнинг каловланқираб қолганини кўриб.

Шарифа индамай уни ичкарига киритиб, бўй-бастига разм солди.

— Ташвишли кўринасиз?

— Отанг қаёқда?

— Нисон Нажимович билан айтишиб қолибсиз деб эшитдим. Орол муаммосини ёқлаб, совхоз парткоми номидан ёзган хатингиз юзасидан

бўлса, ҳам еманг. Қувватлаганингизни академик Александров маъқулади, менга ҳам ёқди. Бу соҳада бирга ишлашамиз. Бошқа нима керак?

— Ёлғиз, уруш инвалиди дадам бор деган эдингиз, у қаёқда?

— Ҳозиргина Эржон оға уйига олиб кетди.

Яхшилик ўзини бир оз эркин тутиб, олдинга юрди-да, Шержонов ўтирган курсига ўтирди.

Шарифа ошхонага кирганича чиқмай, пишиб турган гўшти ликопчага кўтарди, чой учун қўйган сувини қайнатди, чой дамлади, бир йўла қозон-товоқларини саранжом-саришталаб, ошхонадан чиқди.

Чой қайнаганча ўтган вақт Яхшиликқа чеки йўқ мангулик туюлди.

Шарифага келиш сабабини айтишни ҳам унутгандек эди. Асосий мақсади Светланага аччиқ қилганини айтиб, сирлашмоқчи эди, бундай қилмади. Чунки у излаб келган суянадиган устун, кенглик, одамгарчилик бу уйдан топилгандай, ўзининг кимлиги у ёқда турсин, Шарифа билан икковидан бўлак олам борлигини кам-кам унута бошлади... Жони роҳатланиб уйқу элитаётган пайтда, гўзал Шарифа овқат олиб кириб келиши уни қайта жонлантирди, девор ташқарисида нима синоат-у, қандай одамлар борлиги бутунлай эсидан чиқди.

— Шарифа,— деди ўзини янада эркинроқ ва дадилроқ тутишга тиришиб.— Шунча йил бу кўзгуни сақлаб келиб, ўзимни нега қабул қилгингиз келмайди?

— Одамда чарчаш деган туйғу борлигини биласизми? Чарчадим.

Шарифа кўзлари пардаланиб, йиқилиб тушай-йиқилиб тушай деб тургандай эди, унинг ҳолатини Яхшилик тушуниб, ўрнидан турди-да, суяб, ёнидаги диванга ўтқазди.

Шарифа нозик қўллари билан унинг сочларини силади.

— Нега келдингиз?!

Қизнинг айриқча нозик, ҳорғин товуши қулоғига ёқибгина қолмай, вужудини жўштириб юборди.

— Ун бир йил кутдим шу кунни! — деди қиз яна ҳам алоҳида ноз билан.— Оч эмасмисан?

Яхшилик бошини чайқади.

— Энгаш жоним, соғинганман, ўпай!

Яхшилик секингина энгашиб, қизнинг энди очилиб келаётган қизил гулдай гунча лабларига қайноқ лабларини босди. Кучли, чидамли Шарифанинг кўнгли эриб, ўзининг ихтиёрини бора-бора йўқотди-да, унинг оғушига сингиб кетди.

□

Тун ярмига қараб оғиб қолганида, Шарифа ўзига келиб, ўрнидан учиб турди.

— Вой, Яхшилик, менга нима бўлди?!

Яхшилик гапирмади.

Қиз деразадан ташқарига кўз ташлаб «ГАЗ-69» машинасини кўрди.

— Яхшилик, сиз машинада келибмидингиз?

— Ҳа.

— Шоферингизни шунча куттиришга уялмадингизми?

— Сендай фариштани ўн бир йил куттирган одам кимни аяйди.

Шарифа унинг бўйнидан қучоқлаб, юз-кўзидан то ховри босилгунча ўпди-да, кийимларини олиб бера бошлади.

— Туринг, энди, Яхшилик, сизнинг ёвузлигингизга фақат мен чидайман ва кечираман. Уят бўлади, кетинг! Ҳозир кетинг! Светлана ҳам кутиб ўтирган бўлса керак, қизингиз Ойлар ҳам отасини соғиниб ўтиргандир.

Яхшилик қимирламади. Шарифа унинг қўлидан тортиб, дивандан турғазди-да, апил-тапил ўзи кийинтира бошлади.

— Тез бўлинг, Яхшилик! Уғрининг вақти тугади! Хафа бўлди деб ўйламанг, мен сиздай ўғрига қойилман!

Яхшилиқ кийина туриб қизни қучиб ўпди:

— Сендан хурсандман, Шарифа!

Шарифа уни ўз ҳолига қўймай итармалаб, эшиккача олиб борди.

— Қувлади дема, жоним. Шоирлар одам ёстуқнинг яримталигидан бошқа яримталиқка кўнмаслигини таърифлашади. Мен сен учун шундай яримта бахтга, ярим кечаларга ҳам розиман!

У Яхшилиқнинг гапиришига фурсат бермай, эшикни очди. Унинг ҳамон кетгиси келмаётганини сезиб, қўлидан етаклади-да, йўлагининг эшигидан кузатди.

— Яхшилиқ, ёш бола эмассиз, кетинг! Бузуқ бўлиб кўзларга тушишга ҳаққингиз йўқ. Сиздан бир совхознинг халқи ибрат олади, ёш оилалар сиздан ўрнак олишади. Элни бузманг, мени кечиринг. Кетинг, жоним, тезроқ кетинг! Мен энди Қорақум каналини текширгани бир ойга кетамаң.

Яхшилиқ индамай машинаси томон бурилди. Қиз унинг яғринидан итариб, юришини тезлатди-да, изига қайтиб, уйига кириб кетди.

12

Шержонов нима учун ҳаловатидан айрилганлигининг сабаби ёлғиз ўзига маълум. Кимга, қандай гапирса-да, юрагида бир тугуни бор. Уни Нисон Нажимовичга ҳам очмайди. Унга фақат Давлатов керак, унинг очилиб-ёзилиши, унинг сири керак. Шундагина шу тугун ечилади. Бутун ғам-ташвиш, ўй-хаёл мана шу ҳақда, шунини деб хаёл суради, тунлари ухламай тўлғанади.

Агар унинг қўлига ҳақиқатни ушлатиб қўйилса, эгаси билан қўшиб, ўтга ташлаб юборишга виждони йўл қўярмикан? Унчалик тош-юраларга ўхшамайди, унда Яхшилиқнинг оти доим ловуллаб ёниши лозим. Ловуллайди. Бошқалар қатори мен ҳам алангасига исинармиканман? Исиниш оз, шу аланганинг мой қуювчиси бўлиши керак. Ким ҳозир мой қуювчи?.. Совхозда бундай одам борми? Нисон Нажимович билан очиқ гаплашиш керакмикан? Йўқ, у ўзига кўзгудан яланғоч кўрингандай бўлиб қолган-ку. Унга ишониб бўлмайди. У шундай тугуриқсиз, амалпараст, шуҳратпарастки, ўзининг номига боғлиқ районнинг айби бир одамни қурбон қилиш билан ёпилишига ишонса, албатта, уни қувватлайди. Қандай бўлди? Жувонмарг бўлгур Давлатов билан эскидан бир-биримизга шахсиятимиз йўқ, ота-бобо томонидан ҳам таниш-билишимиз. Нега изимдан қолмайди. Жўрттага панд бериб юрганмикан? Нажимов ҳам ичидан пишган!... Мен билган Нажимов ундай бегайинлардан эмас. Ҳар балони Давлатовнинг ўзи бошлаб юрибди. Нима гина-қудрати бор экан? О, аҳмоқ Шарифа, айтганига кўнмай, совлатли, баобрў амакисини мот қилсам, у ялинади, деган ўйда бўлмасин? Бунда жиндак рстлик борга ўхшайди. У чиройли, билимдон қиз, ўтган гал Орол бўйида иккаласи битта машинага чиқди. Орқаларидан борганимда, машинасининг панасида қучоқлашиб турганга ўхшовди. Тўхта, тўхта... Тошкентда ўқиб юганида отаси билан уйга келди... Шунда Фарида унинг кўзгусининг орқасида Яхшилиқ деган йигитнинг суратини, хатини кўрганини айтган эди...

Оҳ, умр! Телва-тескари ишларинг учун жавоб беришдан ортиқ зулминг борми? Нима бўлса ҳам қийин! Шарифа ҳали кўп ишлар кўрсатса керак. У совхоз учун, Давлатов у тадқиқ қилиб юрган Орол ва сув муаммоси учун фидойига айланиб бормоқда. Икковининг ишлари бир от юганининг икки жилови. Баробар тортилса, от қайилмай чопади. Шунинг учун ҳам у совхоз номидан Орол ва сув муаммосини маъқуллаб хат ёзди. Бу муаммога аралаштириш билан у ютиб чиқади. Ўлканинг озиб-тўзувини, сувсиз қолишини ким қувватлайди? Шу учун ҳам совхознинг бутун коммунистлари уни ёмон кўришларига қарамасдан, таклифини бир оғиздан маъқуллашди. Обком секретари ҳам шу ғоянинг тарафдори. Артезиан қудуғи бошида икковининг қўлларини икки қўлига қисиб туриб, областни гуллаштириш учун назарийчи билан амалиётчи-

нинг ўзаро мақсадларини яқинлаштиришни насиҳат қилгани бежиз эмас».

Шержоновнинг ўйлай-ўйлай топган ақли — акаси билан борди-келди муносабатларини қайта мустақкамлашга олиб келди. Унга Шари-фа керак ҳали.

...Нуржон қария укаси билан унинг уйига бирга келиб, бутун рўз-ғор-тирикчилиги, мол-матоҳлари билан танишиб чиққандан кейин унга жуда нозик савол берди.

— Эржон, шунча бойликни қаердан йиғиб улгурдинг? Ёки олти қизингга ҳам қалин олдингми?

Саволнинг иккинчи бўлими Эржоннинг ҳам, хотини Фариданинг ҳам мушуқлини осон қилди.

— Туғиб, катта қилиб, шунча ўқитиб, қизларни аллакимларга қу-руқдан-қуруқ етаклатиб юбориб, жинни бўлибмизми? — деди Фарида.

— Мен ҳам аҳмоқ эмасман,— деди Шержонов,— ўзларидан туш-ган пулга ўзларининг хоналарини эсдалик — музей қилдим. Ҳар бир одам ўзига хотира ўрнатилишига етадиган пулни тўплаб қолдириши лозим!

Қарияга жавоб ёқмади, шунда ҳам тортишмади. Бирон кимса уларнинг бойлиги тўғрисида сўраса бундай жавоб бериш эр-хотиннинг хаёлларига ҳам келмаган эди. Унинг терговга ўхшаган саволи учун хафа бўлишнинг ўрнига хушқўнгиллилик билан хизмат қилиб, катта уйга бир ўзига қалин қилиб ўрин солиб берди. Эртасига уни совхознинг ҳурматли одамлари билан таништириш нияти борлигини эслатиб, ро-зилигини олди.

Нуржон қария урушда олган орден-медалларга ёқаси тўла мовий ранг костюмини ўзи ётадиган каравот тепасидаги кийим илгичга олиб, ҳар кунни бир марта чўткалаб қўйиши бўлмаса, уни киймас эди. Кеча, инисиникига кетаётганида, қизи уни зўрлаб, шу пиджагини кийдириб жўнатганди. Совхознинг энг ҳурматли одамлари олдида шу костюми билан ўтириш унга фахрли туюлиб, қизининг ақлли маслаҳати учун ичидан унга миннатдорчилик изҳор этди.

Кечқурун энг биринчи бўлиб Завмаг йўқлаб келди. У негадир ҳурматли меҳмонга ўхшамай, столни бошқатдан тузашга киришди. Баъзи нарсаларнинг жойини ўзгартирди, бир неча ликопчани олиб қў-йиб, янгилари билан алмаштирди.

Чор бурчак шаклида буюртма қилиб ишлатилган катта стол усти-га терилган хилма-хил таомларга қараганда, йигирмага яқин одам ча-қирса керак деб ўйлаган қария олтига стулни кўриб ҳайрон бўлди. Лекин индамади. Иниси кўрсатган фахрий ўринга чиқди. Қолган ҳур-матли меҳмони келмай қолса-я, деган гумон билан соатига қайта-қайта қараб типирчилаб юрган Шержонов акасининг олдида қувонч билан «келди» деди-да, ташқарига ҳовлиқиб югуриб кетди. Кўп ҳаялла-май, у Яхшилиқ Давлатовни хотини Светлана билан бошлаб кириб, тўрда ўтирган қария билан таништирди.

Яхшилиқ қария билан қўл қисишиб кўришар экан, кўкрагидаги ор-ден, медалларидан кўз узолмай қолганини кўрган Қария:

— Кўп нарсаларни унутдим, бироқ уруш туфайли ўртага тушган айрилиқ, сарсон-саргардонликдан кейин юртимга қайтиб, элга ора-лаган биринчи куним Қумтепадан битта оч етим бола олдимга югуриб тушиб, қўлини чўзганида, нарса соладиган қопчигимдан ярим буханка нон топилганига севиниб кетганим эсимда.

— Ота, армиядан қайтиб келаётиб «Ойлар кампирнинг қуми»да бир оч етим болага ярим буханка нон берган одам сиз эдингизми? — деди Яхшилиқ Нуржон оғага меҳр билан тикилиб.— Раҳмат сизга! Уша ярим буханка нонингиз мени ҳаётга йўллаган, жонимга ора кирган. Гоҳо сизни хаёлан излар эдим. Қаранг-а, ҳаётда тасодифий воқеалар бўлиб турар экан.

— Ҳозир у пайтдаги келбатим йўқ, қандай қилиб танидинг?

— Ушанда сиз шу костюмни кийиб, иккита «Шухрат» орденингиз-

ни медаллар билан қатор тақиб келаётган эдингиз, ҳали ўзгартирмаб-
сиз, ўшанда қандоқ бўлса ҳозир ҳам шундоқ турибди!

— Уйга қайтаётганимда балиқчи эканлигим эсимга тушиб, денгиз-
ранг бўлгани учун шу костюмни сотиб олиб, орден-медалларни турига,
даражасига қараб тақиб олган эдим.

Ҳаммалари кулишди.

Остонани ярим ҳатлаб турган Завмагнинг кулгиси кўксов сигир-
нинг йўталидай жонсиз эшитилди. Яхшилиқ унга томон ўгирилди-ю,
бирдан кайфи учиб кетди. Қария билан суҳбати тугалланмай, Свет-
лана билан ўртасида битта бўш стулни қолдириб ўтирди. Светлана хо-
мушлигини сездирмасликка тиришиб, бўш стулга сурилиб, эрининг ёни-
га ўтирди.

Яхшилиқнинг ҳар бир ҳаракатини кўзлари билан суратга олиб
турган Шержонов Завмагга қараб сиртидан тиржайса-да, «кет, кўрин-
ма», деган ишорат билдириб, кўксига қўйилган қўлининг бармоғини
қайта-қайта эгди.

Яхшилиқ ўзини хурсанд кўрсатишга қанча уринмасин, барча ҳара-
катлари ясама, сохталиги билиниб турарди. Бунга фақат Нуржон қария
сезмади. У Яхшилиқ билан апоқ-чапоқ сўрашиб, танишиб, ўтмишни
хотирлади:

— Отанг яхши мухбир эди, бизнинг овулга бориб, мен тўғримда га-
зетага ҳам ёзганди. Уша мақоласини кўз қорачиғидек эҳтиётлаб, сан-
диқнинг тагида сақлаб қўйипман. Туз-насиб бўлиб уйга борсанг кўр-
сатаман,— деди-да, унинг ишларига муваффақиятлар тилади. Кўп
одамлар у ҳақда яхши фикрда эканлигини айтди, инисини ҳам ҳатлаб
кетмай, ўрнини ёшларга бўшатиб бериб, яна нон-туз билан зиёфат қи-
лаётганини айтиб, уни ҳам олқишлади.

Столда энг камёб коньякларнинг турлари бор эди. Яхшилиқ улар-
нинг ҳеч қайсисига эътибор бермай, ароққа қўл узатиб, биттасини очди.

— Нуржон ота, сиз учун бир рюмка ичишга тўғри келади.

Қария ичмаса-да, унинг кўнгли учун, чойли пиёласи билан чўқиш-
тирди. Шержонов билан Фарида ўзларига француз коньягидан қўйиб,
Светлананинг «ичмайман» деганига қарамасдан унинг олдидаги рюмка-
ни тўлдирди.

Ҳеч ким рюмкасини тўла ичмади.

Зиёфат жуда совуқ бошланди.

Нуржон қария бундай бой дастурхоннинг шароитига ўрганмаган-
лиги учунми, унча ёзилиб ўтиролмади, чарчаганини, тўрдаги уйда оз-
гина дам олмоқчи эканлигини айтиб эди, Фарида жой қилиб бериш учун
турди. Шержонов уни суяб олиб кетди.

— Сен кечаги лаш-лушларни Завмагга нега қайтармадинг? — де-
ди Яхшилиқ Светланага.

Улар кеча аразлашиб қолганларидан буён гаплашмай, бугун со-
биқ директор чақиргани учун биттасининг келмай қолишини ноқулай
ҳисоблаб, бирга чиқишган эди.

— У ҳам эркак одам-ку, аёл кишининг муродига кўнармиди? —
деди Светлана.

— Олиб бориб беришинг керак эди.

— Узугини жаҳл устида оловга ташлаган эдим, қутиси ёнди, узуги
патир-путур қилиб эриб кетди, ахлатга ташладим. Қўчқор кечаси
ечилиб, итлар қувиб кетибди, изламадим...

Бировнинг уйида яна ғижиллашиб уришиш ноўрин. Завмагни
ўзи уйга чақириб, қизи Ойларга олиб келган кийим-кечакларини қайта-
риб бергани билан муддао битмайди. Ундай қилсанг, «бриллиант узугимни
қўшиб қайтар, қўчқоримни етаклат» деса нима дейди? «Узугинг
ўтда ёнди, бриллиант эмас экан? деёлмайди. «Бриллиант бўлганида
олар эдинг» деган гап чиқади...

Яхшилиқнинг бутун вужуди ўртаниб, хотинининг қулоқ-чаккасига
тортиб юборгиси келса-да, ўзини зўр-базўр тутди.

Меҳмоннинг машқи пастлигига Шержоновнинг кўнгли ҳижил бў-

либ, столга қайта ўтирди-да, қадаҳларни тўлдирди. Кейин бамайлихотир гап бошлади.

— Яхшилик иним, бизлар бир отадан икки ўғилмиз. Менинг олти-та қизим бор. Олтови ҳам ўз тенгини топиб кетди. Мени «Интернационал ота», Фаридани «интернационал она» деса ҳам бўлаверади. Бир қизим украинга, бир қизим молдаванга, биттаси арманига, биттаси осетинга яна бири ўзбекка турмушга чиқди,— деб у хотинига бурилди.— Мен бештасини айтдимми?

— Олтинчиси татарга,— деди Фариди.

— Ҳа, татарга. Манави янганг, «Мен сенга тегиб, татарнинг олти-та қизи бўлиши мумкин бўлган бир оиласига зомин бўлдим», деб биттасини ўзининг уфалик татарларидан бирига берди. Турмушдан нолийдиган ерим йўқ, қизларим жуда ақлли, ҳаммаси ҳам олий маълумот олди. Хат орқали ўзаро келишиб, ҳар йили ёзда бир ой отпускасидани ҳаммаси бизникида ўтказди. Набиралар ҳам бор. Бу йил келишмади. Кўнглингга келмасин-у, мени ишдан бўшагани учун хафа бўлиб юрибди, кўнглига меҳмон сифадими? деган андишада бўлишса керак. Хафа эмасмиз, деб хат ёзсак, отпускарлари тугаб қолибди.

— Қисқароқ қилиб гапирсанг бўларди,— деди Фариди.

— Хуллас бизнинг уйимизни кичкина СССР деса бўлаверади. Чунки фарзандларимиз СССР бўйлаб тарқалган. Улуғ рус тили ниҳоятда бой, қулай тил, унда худди ўз она тилимиздек сўйлашамиз. Баъзилар, одамзоднинг бирлашиши учун дунёда ҳар хил миллатларнинг мавжудлиги халақит беради, дейишади. Менингча, бу нотўғри.

Шержонов гапни чўзиб юборгани ҳам майли-я, китобий иборалар билан меҳмонларини зериктириб қўйди, Яхшиликнинг ёнида ўтирган Светлана кафти билан оғзини тўсиб, хомуза тортди. Шержонов буни кўрмаганга олди.

— Бироқ,— деди у,— бамаъни гап гапираётганига шубҳа қилмай, — ҳар йили улар йиғилишганида калламга бир ўй келади, ҳеч кимга айта олмайман. Сўнгги гап келишганида куёв болаларимга айтиб эдим, ўзаро тортишиб, миямни қоқиб қўлимга беришди.

Фарида қадаҳдан бўш қўли билан унинг кифтига туртди.

— Ҳозир,— деди-ю, лекин бамайлихотир давом этди.— Аммо бу ўй ўзинга ўхшаган ақлли ёш бошлиқнинг оғзидан чиққанида, балким қулоқ осишармиди.

Яхшилик унинг муддаоси нималигини тушунолмаи гаранг эди, назарида ўша «муддаосига» яқинлашиб қолгандай туюлиб, диққат қилиброқ қулоқ берди.

— Сен қандай ўйлайсан, Света келин? — деди Шержонов.

Эри билан ўртасида бўлиб ўтган аччиқ-аразни қандай қилиб ўртдан кўтариб юбориш, Завмаг билан гаплашиб, бутун ҳодисани қандай қилиб бости-бости қилиш тўғрисида ўйга чўмиб ўтирган Светлана ўйқудан уйғонгандек чўчиб тушди.

— Гапингни тўла айтмай, нимани сўраяпсан, сен ўзинг? — деди хотини.— Қани, директор қайним, ичайлик. Сизларнинг қизингиз учун! Бахтли бўлсин!— Фариди ҳеч кимни кутиб ўтирмай, лиқ эткизиб ичиб юборди-да, Светланага ҳам зўрлаб, ёлғиз фарзанди учун ичкизди. Шержонов ўрнидан туриб Яхшиликнинг рюмкасига рюмкасини уриштириб, оғзига тўнкарди. Яхшилик безрайиб ўтира олмади, ичди.

— Менинг айтмоқчи бўлаётган гапим мана бундай эди,— деди Шержонов стол тўла овқатга тегмай, муштини ҳидлаб.— Ҳозир дунё нотинч бўлиб қолган. Бирлаштирувчи йўл топиш бош вазифа. Бу иш фақат бизнинг Коммунистик партиянинг қўлидан келади. Менингча, шундай бир кодекс ўйлаб топиш керакки, у барчага бир хил ахлоқий тарбия берсин... Гапнинг пўскаллеси, жаҳон одамларига бир хил тушунча, бир хил одоб-ахлоқ ўргатадиган ўқув қуролини яратиш керак. Ёзма адабиётни ҳар миллат ўзича аллақандай тошнинг нақшидан, папирусдан, ер остида миллион йиллаб чириб ётган темир-терсакнинг ёзувидан излайдиган бўлмасин. Ёки сўнгги асрларда қайта кўчирилган

китобларни бундан палон аср бурун ёзилган деб ҳар миллатга миллий ёзма адабиётини нарироқ суриб, асрларнинг чуқур қаъридан излашга имкон берилмасин, энг осони, ёзма адабиётнинг манбаи Инжил билан Қуръон ёки Қуръон билан Инжил деб қўя қолиш керак. Бу икки китоб асрлар бўйи халқларни алдаб келаётган бўлса ҳам, ҳар қайсиси ўз ўқувчиларини бир хил ахлоқ-одобга бўйсундирди. Энди уларнинг фойдали томонларини бирлаштириб, битта китоб қиладиган вақт ҳам етди. Дастлабки пайтлари «манави Инжилдан, мана буниси Қуръондан» деб изоҳ берса ҳам зарари йўқ. Халқлар ҳозир саводли. Инжилнинг ҳам Қуръоннинг ҳам фойдасиз томонларини ўзлариёқ ўчириб ташлашади.

— Бир вақтлари менинг бошимга ҳам шунга ўхшаш фикр келган эди,— деди Светлана, суҳбатга жуда берилиб кетиб.— Менингча, аввало бадий адабиёт бўйича дунёда Марказий дарслик тузиб олиш керак. Унга бутун одамзодга қарашли оғзаки адабиёт намуналарини киритиб, орқасидан Гомерни, Шекспирни, Лев Толстойни тиркаш лозим. Ҳар бир миллат ўз вакилларини шу Марказий дарсликка қўшимча материал сифатида ўрганса бўлади.

Ичкаридан Нуржон қария чиқиб келди.

— Кексаларни кечирасизлар-да,— деди у жойига ўтириб.— Яхшилик, ҳали қизимабсизлар-ку, болам?

— Жуда яхши ўтирдик, ота. Энди турсак деган хаёлимиз ҳам йўқ эмас.

Завмаг ошхонадан қўйнинг пишган калласини кўтариб чиқиб келди. Светлананинг чиройи очилиб кетди, Яхшилик, аксинча, пастга қарамасликка тиришди.

— Қаллани отанинг олдиларига қўйинг.

Завмаг иккиланиб уй эгасига қараган эди, у ўзини кўрмаганга олиб, қадаҳларга қуя бошлади. Қария каллани удум бўйича тақсимлаб, қўлини, мойли бармоқларини ялади-да, ўзи емай, лаганни бир четга суриб қўйди. Унғ ҳеч ким палон-тулон демади.

— Яхшилик Давлатович,— деди Завмаг, анқовсираб.— Бизда маъмурий органлар ёмон ишлайди-ёв. Худойберган оғанинг ўлими сабаби номаълумлигича қолавермаса керак? Бироқ Америкада президентнинг ҳам ўлими номаълум қолаверади-я! Бизда ҳақиқат, поклик, тўғрилиқ ҳукм суради.

— Тост айт! — деди Шержонов унга.

— Мен Нуржон оғанинг ҳали узоқ яшаши учун, қизини узатиб набирасини ўпиб эркалаши учун, ҳурматли меҳмонларимизнинг ўтган куни саккиз ёшга тўлган ойдаи сулув, ниҳоятда чаққон, одамгарчилиги баланд, оқила, Ойлар исмли қизларининг бахтли бўлиши учун ичман!

Яхшилик билан Светлана рюмкаларини лабларига ҳам яқинлаштиришмади.

— Раҳмат, Эржон Шержонович,— деди Давлатов, қўлларини артиб.— Энди бизларга рухсат, турайлик.

Фарида эшигига парда тортилган уйдан қоғозга ўраб боғланган совға олиб чиқиб, биттасини Светлананинг, иккинчисини Яхшиликнинг, учинчисини Нуржон отанинг олдига қўйди.

Яхшилик олдидаги совғани Нуржон отанинг олдига сурди.

— Ота, буни мен олиб кетмасам уй эгалари хафа бўлишади. Сизга менинг совғам бўлсин!

— Йўқ, йўқ! — деди Фарида.— У қайнағамга сиғмайди. Бу сизга, инглизларники, сизнинг размерингиз!

Яхшилик совғанинг ўрамини ёздирмасдан унга Светлананикени ҳам қўшиб Фаридага тутди.

— Қўй сўйиб, иззат қилиб хизмат этганингиз учун миннатдормиз! Бизни олди деб ҳисоблайсиз. Булар энди биздан ўзларингизга совға!

Улар уй эгаларининг ёлборишлари, тушунтиришларига ҳам қарамай, эшикка қараб юришди.

Бу орада Давлатовнинг ўткир кўзлари тўрдаги хоналардан битта-сига ўтиб бораётган Далабой Султоновни таниб қолди, лекин тўхтамади.



Улар Шержоновикидан тотув эр-хотинга ўхшаб чиққан бўлишса ҳам, уйларига худди бир-бирини танимайдиган одамлардай бўлиб кириб боришди. Ёлғиз ўзи телевизорга тикилиб ўтирган қизи Ойлар аввал онасининг олдига кирди, у ердан югуриб чиқиб, индамай кириб бораётган дадасининг орқасидан тўнғиллади:

— Феодал папа!

Яхшилик унинг гапига парво қилмай уйига кириб, ечинмасдан каравотига чўзилди.

Уйлигини кийиб, қўлида альбом, Светлана кирди, чироқни ёқди-да, унинг каравоти четига омонатгина ўтирди. Эр-хотин ўртасида сал тушунмовчилик пайдо бўлиб қолса, иккови ана шу альбомни варақлашар эди. Альбомда уларнинг турмуш қургунга қадар бир-бирларига ёзган хатлари тикилган, суратлари ёпиштирилганди.

Светлана альбомни эрининг кўкратига қўйиб, билмай қилиб қўйган ишлари учун кечирим сўради.

Яхшилик унга ўгирилиб қаради, кўкрагидаги альбомни ушламади ҳам, тепага қараб ётаверди.

— Энди Завмагга нима деймиз? «Узугинг бриллиант эмас экан, шунинг учун ўтга ташлаб юборилди» деймизми? «Қўчқоринг сузагон экан, ўзи қочиб кетди» деймизми? Яхши, қўчқор ҳеч гап эмас, сотиб олиб берсак бўлади. Лекин узук-чи! Асл бриллиант олиб бериш керак. Ундай пул йўқ-ку, бизда босиб қўйган.

Светлананинг кўзларида ёш ҳалқаланди.

Яхшиликнинг унга раҳми келди, лекин бир нарса деб юпатишга эркаклик иззат-нафси йўл қўймай, тескари ўтирилди-да, кўкрагидаги альбомни олиб қоқ ўртасини очди.

«Кўндуз қуёшим, оқшомда ойим, Света! Сени жонимдан ортиқ севаман. Мен учун сен кўзларимнинг қорачиғидай азизсан. Менинг оламга қараб, уни кўрадиган ойнагимсан! Бутун жаҳонни фақат сен орқалигина кўраман...».

«Яхшилик! Мени жонингдан ортиқ севишингга ишонаман. Бироқ кўзларингнинг қорачиғи бўлишни хоҳламайман. Ер юзида нечта одам бўлса, дунёга баҳо берувчи шунча турли кўз бор. Менга сенинг ўз кўзларинг ёқади, дунёга сенинг ўз баҳонг ёқади, дунёда ҳеч такрорланмас одам бўлиб яшашинг ёқади. Бир вақтлари бир нарсага икковимиз икки хил қараб қоламиз, деб қўрқма. Битгамизнинг қандай кўришимизни иккинчимиз тўғри тушунишимиз — ҳаётимиз учун шу кифоя...»

Яхшилик яна бир саҳифани очди.

...«Ёруғ юлдузим Света! Мендан анча ёшсан, шунда ҳам мендан ақллисан! Бу дунёда иккинчи марта яшаётган онадай фаросатлигинг, ҳаёт ҳақидаги фалсафий тушунчаларинг ғоят теран... Ёқади. Бир-биримизни йиғлатмайлик, шунга мен ишонаман. Мабодо янглишиб зеҳнимизни койитгудек бўлса, сени эмас, ўзимни айблайман. Чунки сен менинг зеҳнимга ноҳақ тегмайсан!...»

«Света! Ростини айтсам, саккиз ёшимдан кейин меҳрга ёлчиган эмасман. Ўзимга тўйиниб овқат ҳам емаганман. Севганингга ишондим. Бу дунёдан кўз юмганча сени кўз қорачиғим деб биламан. Икки етим бир оила қурайлик. Тенгдошларинг қатори қимматбаҳо кийимларинг йўқлигига ўксинасан. Уксима! Менинг ҳам устимдаги кийимимдан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Келажакимга ишонаман! Сен ўз тенгдошларинг ичидан энг бахтли хотин бўласан. Ҳали сени шундай кийинтирайки, кўрганларнинг оғзи очилиб қолсин, сен менинг бахтимсан, сен менинг одамларнинг яхши томонларини кўрсатадиган кўз нуриман!»

Эшик тақиллади. Светлана индамай ўрнидан туриб чиққан эди, Фарида экан. Қўлида қоғозга ўроғлик иккита нарса.

— Света,— деди у шивирлаб.— Сизларга одамларнинг кўз олдида сарпа ёпиб, уятга қолдирибмиз. Совхозда янги одамларсиз, бир томони, ёшсизлар ҳали. Буларни ол. Сенга уч кўйлақлик материал бор. Уч жуфт туфли, учови ҳам импортний.

Светлана уни ёқтирмай:

— Керак эмас, опа,— деди. Унинг қайтиб кириб кетмоқчи бўлганини сезган Фарида даб-дурустан ялинишга ўтди:

— Айланай, синглим, Эржон оғанг директор бўлганида мен сендан ҳам ёш келинчак эдим. Эл олиб келган нарсани олмасам, ёмон бўлишини мен ҳам кейин тушундим. Шу йўл билан халққа яқинлашасизлар-да, ахир. Эржон оғанг бундан кейин Яхшилиқ билан дўстлашиб кетади. Ўзинг биласан, эркакларни биз, аёллар йўлга солишимиз, бир-бирига яқинлаштиришимиз керак.

Светлананинг кўнглини эритолмаганини сезган Фарида аста-аста қистай бошлади:

— Ол, синглим. Бу халқимизнинг қадимги одати. Эрларимизнинг миллий удумларини қувватламасанг, халқ бизни масхара қилади. Рост, шундай, синглим. Қорақалпоқлар меҳмон худодан бир ёш кичик, дейди. Олмасанг, бизнинг ўчоғимизга худо тупурган бўлади. Илойим бир умр бахтли бўлинглар. Яхшилиқнинг мартабаси ошаверсин, қизларингиз Ойларнинг орзу-ҳавасларини кўринглар.

Хаёл суриб, нима қилишини билмай, пастга қараб турган Светлана бир оз юмшаб, бошини кўтарди.

— Майли, Фарида опа, менга атаганингизни олсам ола қолай. Яхшилиққа атаганингизни олиб кетаберинг, у эшитса баттар ғазабланади.

— Уникини ҳам олавер, орадан икки-уч ой ўтгандан кейин ўзинг сотиб олган бўлиб кийдиарсан. Хотинларда эркакларидан зиёд бир буклам сир юриши керак-ку, ахир. Сен Нисон Нажимовнинг хотинидан камчилик еринг борми? У ҳатто материалларнинг рангига, сифатига қараб довлашади-ю!

— Фарида опа, Яхшилиққа тегишлисини қайтиб олиб кетаверинг. Ололмайман, олсам яна уришади.

— Майли, сақлаб қўяман.

Светлана ошхонадаги ойнанинг олдига бориб, қоғознинг ичини очди, ҳар бир кўйлақликни бўйнига бир-бир ташлаб, жилмайиб турди-да, дарҳол йиғиштириб, тумбочкага тикди.

У ўзининг очкўзлиги билан уч турли импортний кўйлақ эмас, эрининг доғсиз юзига яна уч турли импорт қора бўёқ чаплаётганини фаҳмламай, унинг олдига кириб, каравотининг четига қайта ўтириб, қалин сочларини бармоқлари билан таради.

— Кечир, жоним, етимликдан, етишмовчиликдан эндигина қутулиб келаётибмиз-ку, ахир!

Бу унинг эрини биринчи марта алдаб, ундан сир яшириши эди. Пешанасида мунчоқ-мунчоқ тер томчилади.

Яхшилиқ унга альбомни қайтариб берди-да, ечиниб қайтадан ётиш учун бошини кўтарди.

13

Яхшилиқ Давлатов йиғим-теримга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрганига қарамай, ҳали чала ишлари кўпга ўхшар, ўз ишидан ўзи қаноатланмасди. Нега экани фақат ўзига аён.

Унинг унча кайфияти бўлмай азонда Мамутовнинг кабинетига кирган эди, у бир неча ёш механизаторлар билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Директорни кўриб, механизаторлар бараварига ўринларидан туришди. Мамутов ҳам турди.

— Утираверинглар!— деб Давлатов Султоннинг қўлини қисиб юқорига ўтди.

— Уртоқларнинг ҳаммаси ҳам кейинги янгиликлардан хурсанд,— деб хабар берди Мамутов.

Партком секретарининг нима ҳақда гапираётганини директор олдин тушуниб олсин дедими:

— Экинзорлар тўғри ўлчанди,— деди Султон.— Бизлар олдин ишлов бериш пайтида қанча кўп ишласак ҳам, камайтириб ёзилар эди.

— Нега?— деди директор.

— Сифатсиз деб қисқартириларди,— деб жавоб берди Шамшот.

— Ҳар қалай баҳона топиларди,— деб ғўлдиради яна биттаси.— Энди қанча ерга ишлов берсак, шу ёзилади.

Яхшиликнинг кўнгли бир оз кўтарилиб, Мамутовга мамнунлик билан қаради.

— Яхшилик Давлатович,— деди партком секретари.— Йигим-терим ишларини ёғингарчиликка қолдирмаслик учун социалистик мажбуриятлар тайёрлаямиз.

— Яхши, муваффақиятлар тилайман,— деб директор ўрнидан турди.— Мен ҳам шу масала юзасидан маслаҳатлашгани келган эдим.

У эшикни ташқаридан ёпгунича механизаторлар яна ўринларидан туришди.



Давлатовнинг кабинетида Шержонов билан иккита нотаниш одам кутиб ўтирарди. Биттаси — мўйловдор, новча, ўсиқ сочлари жингалак-ланган чиройли йигит, иккинчиси — сарғишдан келган чағир кўзли, қотма — ориқ. Шержонов ҳар кунгига қараганда эркин ва хўжайинга ўхшаброқ бемалол ўтирибди. Давлатов улар билан саломлашиб тўрға, ўз ўрнига ўтиб ўтирди.

— Яхшилик Давлатович,— деди Шержонов — кечикишни ўрганиб келяпсиз. Бу йигитлар Тошкентдан, лойиҳалаш институтидан. Йил бошида келишиб, совхознинг янги марказини лойиҳалашга келишиб кетишган эди. Азаматлар ишни битиришибди.

Мўйловдор, сочи жингалак йигит Давлатовнинг қўлига карнай қилиб ўралган қоғозни тутқазди. У қоғозни қўлига олди-да, ўровини ёзиб стол устига қўйди.

Яхшилик бундай қурилиш лойиҳаларини тузишда кўп иштирок этган, ўзи ҳам чизганди. Шунинг учун чизмаларга тушуниши унчалик қийин бўлмади.

— Демак, совхоз ишчиларининг уйи шаҳарликларнинг уйларига ўхшар экан,— деди у чизмалардан кўзини олмай.

— Албатта,— деди Шержонов, лойиҳачилар учун жавоб бериб.— Шаҳар билан қишлоқ ўртасида фарқ бўлмаслиги лозим.

— Шундай,— деди сарғиш, чағир кўзли йигит,— Эржон Шержонович ўз вақтида шундай маслаҳат берган.

— Бахтга қарши, кўп нарса унутилибди,— деди Давлатов, лойиҳадан ҳамон бошини кўтармай.

Лойиҳачилар уни ўраб олишди. Шержонов Давлатовга олайди:

— Масалан?

Яхшиликнинг икки кўзи ҳали лойиҳада эди, ўша ҳолатини бузмай Шержоновнинг «масалани»га жавоб қилди:

— Бу лойиҳа бўйича ҳар бир хўжаликка қолдирилган томорқа ўша оиланинг машинаси учун гараж қуришга зўрға етади.

— Нима, сенингча, деҳқонлар помешчикка айлануви керакми? — деди Шержонов жаҳл билан.

— Олти-етти сотих ер деҳқонга кўплик қилмайди ва уни помешчикка ҳам айлантиролмайди,— деди Яхшилик қатъий қилиб.— Агар қийин бўлмаса, ўртоқлар, ҳар бир оиланинг молхонаси бўлишини назарда тутинглар! Совхоз марказида уй ҳайвонларининг подаси ўтадиган кенг йўл бўлиши керак. Йўл атрофи чанг тутадиган қатор теракзордан иборат бўлсин. Бундан ташқари, ҳар бир оиланинг икки-уч сотих иссиқхонаси бўлишини ҳам ҳисобга олинглар!

— Бу қўшимча ҳақ тўлашни талаб этади,— деди мўйловдор йигит.

— Социализмда меҳнат ўз баҳосини топади,— деб Яхшилиқ мийнида кулди-да, лойиҳани қайта карнай қилиб ўради.

Шержоновнинг юзидан қон қочиб, титраб кетди, назарида уни еб юборадиган баҳайбат кимсага айланди. Лойиҳачилар вазиятга тушуниб, маслаҳатлашиб олишгандан сўнг яна кўришишларини айтиб, чиқиб кетишди.

— Менинг ишимни бузиш касалингни ташла, бола. Бу нима қилганинг? — деди Шержонов, жиртак отиб.

— Қишлоқдагиларнинг уй-жойларини кўрганда шаҳарликлар кўчиб келишга ишқибоз бўлиб қолишлари лозим.

— Тушунмадим.

— Сабзавот, мева ва полиз экинлари маҳсулотлари учун деҳқонни дўконга югуртириш шарт эмас. Хонадонда сигир бўлса, сут, қатиқ сотиб оладиган битта оила камайибгина қолмай, шаҳарга сут сотадиган битта оила ортади.

— Давлат ерини талон-торож этишга ким йўл қўяди?

— Ҳеч ким. Аммо бу хатолик ортиқча центнер учун баҳорги экиш пайтида йўл қўйилган хатолик олдида ҳеч гап эмас.

Шержоновнинг юзи кўкариб, ўрнидан сакраб туриб кетди.

— Сен, Давлатов, муз остидан оққан сувга ўхшайсан, ичингда нима борлигини билиб бўлмайди! Бунақада кўп хатоларга йўл қўясан.

— Ҳозирча йўқ-ку!

— Яхши ишлаган бошлиққина хатоликнинг нима эканини тушунади. Ноҳақликни сезишинг учун ҳам ўзинг ҳақ бўлишинг шарт!

Яхшилиқ баҳслашиб ўтирмай столи устида очик ётган бугунги почтани индамай кўра бошлади.

— Ҳали гўрсан, Давлатов! Бу дунёда яшаш икки нарсадан иборат. Биринчиси, дўстлар билан яшаш. Иккинчиси, дўст орттиришдан тама қилиб яшаш. Сенда иккови ҳам йўқ. Кеча бизнинг уйда мулойим эдинг, қачондан бери сени овқатга тўйдириб яхши сўз кутамиз.

Яхшилиқ бошини кўтариб унга ғазаб билан шундай назар ташладики, Шержонов киришга тешик тополмай, эшик томон йўрғалаб қолди.

— Пес одам экансиз! — деди Яхшилиқ жаҳлига чидамай.— Меҳмонга чақириб, берганини миннат қилган одамни биринчи кўриб туришим.

Шержонов селкиллаб кулди.

Яхшилиқ жаҳл устида қаттиқ гап айтиб юборганини тушунди, би-роқ айтилган гап — отилган ўқ, қайтариб бўлмайди.

— Давлатов,— деди Шержонов, эшикда бир лаҳза тўхтаб.— Мен жуда сабр-тоқатлиман. Агар менинг ичимдаги снаряд ёрилса, осмонга учиб кетасан!

У чиқиб кетиши билан планлаштириш бўлими бошлиғи гапириб кириб келди.

— Яхшилиқ Давлатович, сиз берган рақамларни яхшилаб ҳисоблаб чиқдим. Чорвачиликда бир гектар яйлов бир юз саксон сўмлик даромад беради, бир бош сигирни асраш учун бир ярим гектар ер керак.

Ҳамон жаҳлини босолмай, ҳансираб тиккайиб турган Яхшилиқ секин-аста креслосига чўкиб ўтирди.

— Юсуф Абдуллаевич, яна ёзиб олинг. Бутун шолিপояларни иккинчи марта текислаб экишнинг харажатларини планлаштиринг. Ҳажми кичкина далаларни трактор ҳар йили ҳар томонга айланиб ҳайдай оладиган даражада кенгайтириш харажатларини ҳам ҳисоблаб чиқинг.

— Ортиқча харажат.

— Ҳисоблайверинг. Бизда ер рельефи бошқача, экин майдонлари иккинчи йили текисланса, ҳосил ҳозиргисидан бир ярим, икки баробар кўпаяди. Агар ер кенг бўлиб, трактор ҳар тарафлама ҳайдаса, экин майдони тез-тез алмашлашни талаб этмайди, демак бунда ҳам кўп иқтисод мавжуд. Айтмоқчи, келаси йилги пахта майдонини озайтириб, шолини кўпайтириш планини тузиш керак.

— Оҳоо,— деди Юсуф Абдуллаевич ҳайратланиб.— Бу мутлақо мумкин эмас. Юқоридагилар тасдиқламайди.

— Менга тайёрлаб бераверинг, тегишли ерларга ўзим олиб бораман. Бизнинг ер шароитимизда пахта гектаридан ўн икки-ўн беш центнердан ортиқ ҳосил бермайди. Бунинг устига бир бригадада ўрта ҳисобда юз гектар ер бўлса, у ўн-ўн беш бўлтак бўлади, оралари қочик сув йўллари олисдан айланади.

— Совхозимиз пахтадан зарар кўргани билан, унинг бир тоннасини қайта ишлашдан мамлакат катта фойда олади.

— Бизда камайтирилган пахта майдонини шарқий районларга ўтказиб, уларнинг шоли экинларини оламиз. Шунда шарқий районлар учун ҳам фойда, биз учун ҳам. Ҳар гектар экинзоримиз совхозимиз учун илгаригидай беш юз-саккиз юз сўм даромад эмас, бир минг уч юз-бир минг беш юз сўм даромад беради. Бизда ҳар бир киши икки-уч гектардан ортиқ ерни уддалаштирмайди.

Юсуф Абдуллаевич директор айтган рақамларни ёзиб олиб, бир оз ўйланиб ўтирди-да:

— Шундай қилсак, ариқ қазишдан ҳам кўп иқтисод бўлар эди,— деди кўзойнақларини алмаштириб.— Аввало юқоридагилар билан ўйлашиб олсангиз, тузган планимизни яна қайта тузиб юрмасдик.

— Қайта тузмайсиз. Керак бўлса бухгалтериядан ёрдамчилар қўшиб бердираман.

Юсуф Абдуллаевич бўлими уддалашини айтиб чиқиб кетаётганида секретарь қиз телеграмма олиб кирди.

— Ошиғич!— деди у телеграммани директорнинг олдига қўйиб.— Яхшилиқ ўқиди.

«Учинчи квартал учун сут топширишни нега секинлатяпсиз. Бир ҳафта ичида план бажарилсин, рапорт кутаман. Нажимов».

У телеграммага энгашганича бошини кўтармади: кварталнинг икки ойида ўттиз фоизга зўрға етган план бир ҳафтада қандай бажарилади? Яширин сут ҳовузимиз борми? Бор сигирлар соғилмоқда, ҳатто ишчиларнинг хусусий молларидан ҳам олишга рухсат этилди...

Телефон жиринглади.

— Яхшилиқ Давлатович!— Нажимовнинг сал ингичкадан келган заифона овози ғазабнок эшитилди.— Телеграммани олдингми?

— Олдим!

— Сут топширишни нега кучайтирмайсан? Нега. Нега, ахир?! Яхшиям Шержонов гўшт топшириш йиллик планини ярим йилда бажариб қўйгани. Бугунги аҳволда сен бу муҳим соҳа бўйича районнинг юзини ерга қаратар эдинг. Биласанми, халққа гўшт керак, сут керак, қатиқ, қаймоқ мой керак. Сут топширишни тезлатиш учун совхоз партия комитетининг бюро аъзоларидан тўла фойдаланиш лозим. Ўзинг билмансанг, билганлардан ўрган. Бу ишни Шержоновга топшир!

— У сабзавотда...

— Бутун бир совхозни чорак аср давомида бошқариб келган одам бугунга келиб, сабзавот билан сутни бажаришни уддалай олмас эканми? Райкомнинг айтганини қил. Бир ҳафтанинг ичида рапорт бўлмаса, партбилет билан жавоб берасан!

Нисон Нажимов унинг арзи-ҳолини эшитгиси келмай, трубкани қўйиб қўйди.

Яхшилиқнинг пешонаси жиққа терлаб секретари орқали Шержонови чақиртиргиси келиб турди-да, ўзи чиқди. Даҳлизда у механизаторларнинг орасида партком секретари билан турган экан.

— Битирдингизларми?— деб сўради директор уларга яқинлашиб.

— Битирдик, ҳаммаси ҳам янги мажбуриятга қўл қўйди,— деди мамнунлик билан Мамутов.

Яхшилиқ телеграммани Шержоновга тутқизди. У ўқиб кўриб, ҳалиги жаҳлини унутган вазмин қиёфада директорга қаради.

— Бу соҳани ҳам гарданингизга оласиз,— деди директор.

— Сабзавот, полиз экинлари нима бўлади?

— Нисон Нажимовнинг илтимоси.

— Майли,— деди Шержонов энди иккиланмай.— Буларни таший-диганларни ўзим белгилайман.

Яхшилик уни маъқуллаб бошини олдинга қараб силкиди-да, тўпирлашиб чиқиб бораётган ёш механизаторларнинг ҳар бири билан қўл қисишиб, муваффақиятлар тилаб, кабинетига қайтди. Орқасидан Шержонов кирди. Унинг юзида ташвиш излари йўқолган, чиройи очик, ҳатто хушчақчақ эди.

— Яхшилик, иним,— деди у жуда мўлоимлик билан директорнинг рўпарасидаги юмшоқ креслога чўкиб ўтираркан.— Кейинги пайтда салга қизишиб кетадиган бўлиб қолдим. Кечир. Ишчанликда, ҳалолликда беминнатсан. Ўз онанг муштини олисан силтаса ҳам, қаттиқ урмайди. Нажимов ҳам шундай йигит, қаттиқ койийди-ю, лекин жазолашга келганда шафқат қилади. Шу районда бирон хонадоннинг бошига хафалик келса, у хафа. Ҳа. Жаҳл устида оғзимдан чиқиб кетгани бўлмаса, менинг ичимда сенга қарши снаряд у ёқда турсин, ақалли жиндак ғараз ҳам йўқ. Сенга фақат яхшиликни ўйлайман, сен ҳам менга яхшиликни ўйлайсан, сабаби — отинг Яхшилик.

Шержонов ҳалигача бундай қилиб кечирим сўраб, ювошланмаган эди, «довул олдидаги сокинлик бўлмасин», деган хаёлга борса ҳам, бундай ёмон хаёл бошига келгани учун ичидан ўзини ўзи айблаб, жилмайиб унга қулоқ тутди.

— Кеча сизларни кузатганимдан кейин туни билан киприк қоқмай, сен тўғрингда, Орол ҳақида кўп ўйладим. Олдин Орол ҳақида. Оролнинг аҳволи ёмон. Тошкент, Москва ва бошқа шаҳарларга совға қилиб олиб борилса манзур бўладиган сувон балиқ йўқ бўлиб кетишга келди. Аму суви камайиб кетганига Қорақум канали сабаб бўлганлиги сўзсиз. Қорақум канали тўғонини бойлатишни Марказий Комитет олдида масала қилиб қўй. Шарифанинг Александров деган одам билан ҳамкорликда ёзган мақоласини ўқидим кеча. Қорақум каналининг кўп суви қумга бефойда сингиб кетаётган экан. Шу масалани сен кўтарсанг, обрў-эътиборинг ортар эди. Урта Осиё ва Қозоғистон у ёқда турсин, бутун СССРда шуҳрат қозонардинг! Ҳа! Ўз вақтида мен ҳам масала кўтарганман. Унда Бош Туркман канали деган оти бор эди. Тўғони бизнинг территорияда эди. У пайтда Сталин бор эди, шунда ҳам қўрқмай айтган эдим. Шахсга сиғинишнинг нима эканлигини ўзинг биласан-ку... Сенга шуҳрат олиб берадиган иккинчи нарса, кечаги мен айтган масала, яъни Инжил билан Қуръонни бирлаштириб бир китоб қилиш масаласи. Бу масалани Нажимовга айтмоқчи эдим, у ўта хушёр коммунист. Ўзим кўтариб чиқай десам, ёшим ўтиб кетди. Қариганда соз ўрганиб, ўлганимда чаламанми? Учинчи маслаҳатим фақат ўзингга тегишли. Сен Шарқ кишисан! Ҳа. Ишчан, ақлли отага сирлашадиган ўғил керак. Ўғил сен улгурмаган ишингни давом эттиради. Қизга ишонма, қиз бола бировнинг хасми, бизникига бориб кўрдинг-ку, ўзинг. Чолу кампир сўппайиб қолдик. Ақллисан, ёшсан, билимдонсан. Ўзинг биласан, халқимизнинг сони озлиги учун қўрқинч йўқ. Улуғ оила СССРнинг кичик бир фарзандимиз, яъни, ўз эрки ўзида бир оиламиз. Шу туфайли бахтлимиз; сабаби, бизни ҳеч ким куткиламайди, камситмайди. Шундай бўлса-да, Шарқ кишисига ўғил керак, ўғил!

Яхшилик қанча куч билан ўзини тўхтатишга тиришса-да, ички ҳаяжонларини босишга ожизлик қилди. Қовоғи осилиб, қизишиб гапирди:

— Сизда каллангизга сиғмайдиган ортиқча ақл кўпга ўхшайди, бироқ ҳаммаси ифлос булоқдан чиқаётган сувга ўхшайди. Сиз ўртоқ Нажимовни ҳам ҳимоя қилиб, ҳамма вақт яхши кўриб гапирасиз, лекин ўз ақлингизга ўзингиз ишонмайсиз. Нажимовни чинакам яхши кўрмай мақтайсиз. Булар сизга нега керак бўлиб қолди?

У Яхшиликнинг бетига тикка қаролмай, дами ичига тушиб кетгандай бир муддат индамай турди-да:

— Мен топириқларингни бажаргани кетдим, иним. Бош инженер-

га ўзинг эслатиб қўй, хоҳлаган аравакашларни ва шоферларни берсин,— деди. У Яхшилиқда шубҳа пайдо бўлганини сезди.— Амалдан бўшаман экан, бўшасанг, кўнасан. Олдин ҳар бир гапингга «лаббай!» деб юрганлар қаршилиқ қилса, ичинг куяр экан. Шунинг учун иккинчи илтимосим — соғувчилар учун кассадан пул олишга рухсат бер, сут соғувчиларга олдиндан аванс берсанг рағбат билан ишлайди.

— Яхши.



Яхшилиқ Давлатов тушликка келса, Светлана шовла қилиб, энди лаганга сузаётган экан. У эрталаб азонда район марказидаги колхоз бозоридан керакли майда-чуйда олиб келаман деган эди, улгурганига ҳайрон қолди, бироқ сўрамади.

Светлана эрини эрталабкидан бирмунча юмшагандай ҳис қилиб, ёнига бориб елкама-елка ўтирди.

— Бугун Ойлар икковимиз бозорда бир ажойиб нарсага дуч келдик,— деди у, лагандаги шовлани қошиқнинг орқаси билан ёйиб.— Катта тўрхалтани сабзи, пиёз, картошкага тўлдириб бозордан чиқиб бораётиб, катта сават кўтарган бир киши бизга келиб туртилиб кетди.

— Мастми? — деди Яхшилиқ бепарволик билан.

— Хаёл суриб келаётган бўлса керак.

— Ёзувчи ёки бирон бир илмий ходимдир-да?

— Ёзувчи билан илмий ходимлардан бошқалар хаёл суриб юрмайдими? Мен ҳам хаёл суриб келаётгандим.

— Яхшиям икковларинг машина бўлмагансизлар,— деди Яхшилиқ совуққина қилиб.

— Машинанинг авариясидан кам бўлмади, буям,— деди Светлана кулиб.— Менинг тўрхалтам қўлимдан чиқиб кетиб, картошкам тўкилди. У сабзи олиб келаётган экан, савати қўлидан тушиб, ичидагиси сочилиб кетди. Қарасам, у менинг картошкаларимни териб, ўзининг саватига соляпти. Шундай кейин Ойлар икковимиз унинг сабзиларини териб тўрхалтамизга солавердик.

— Мамамдан мен кўп тердим,— деди қизи.— Анов киши менга ўқрайиб қараса-да, тера бердим.

Яхшилиқ қизининг бошини силади.

— Қандай қилиб бунчалик вақтли қайтиб келишга улгурдиларинг?

— Автобус бекатига келган заҳоти орқамиздан Завмаг етиб олди.

— Ҳам олиб бориб, ҳам олиб келиб қўйгандир? — деди Яхшилиқ қўлини артиб.

— Шубҳами?

— Света, икковимиз ҳам етиммиз, ҳамма нарсага ўзимиз етишдик, шундай эмасми?

— Шундай.

— Шундай бўлса ортиқча дунё йиғишга интилишнинг нима кераги бор? Тирикчилигимизни ўтказиб туришга қурбимиз келиб турибди, касал бўлсак, бюллетень беришади. Ойлар ҳам сен билан мендек ўз кунини ўзи кўради. Ўҳҳ, Света, сен менинг ёруғ оламга қарайдиган кўзларимга қорачиқ эдинг, унга «гул» тушира бошладинг.

— Яна ўша гапни қўзгадинг.

— Мен Завмагнинг нима олиб келганини бўйнимга олиб, парткомга ариза бериш ниятида юрибман. Коммунистлар билиб қўйишсин. Ҳар ким ўз виждонига доғ туширмаслиги лозим.

— Ҳозир қонун бўйича пора берган ҳам, олган ҳам тенг жазоланади. Завмаг учун мени ҳам қаматмоқчимисан?

Яхшилиқ оғир хўрсинди.

Светлана гапирмади, ўрнидан туриб кетди.

Яхшилиқ қизнинг пешонасидан ўпди-да, орқасидан астагина тўрдаги хонага итариб, пиёладаги совуб қолган чойни симирди. Чиқиб кетаётиб, ошхонада кўзларида ёш ғилқиллаб, қозон-товоқ юваётган хо-

тинини кўрди-да, меҳри товланиб елкасидан қучди. Унинг танаси қирмирламай қолди. У ташқарида шоферини ўн минут чамаси кутди. Одатда Райимбой эртароқ келар эди, кечикиб қолганидан уялиб, ер остидан директорга кўз ташлаб, кўнгли эрталабқидан жароҳатли кўринди кўзига. Шунинг учун кечирим сўраш ҳам ярани тирнагандай бўлишини туйди.

— Фермага! — деди у, машинага ўтириши билан.

Шофер ора-сира олдинги кичкина ойнадан директорнинг авзоига қараб-қараб қўяди. Ҳамон қовоғи солиқ. Ҳаво етмай бўғилган каби нафасини жуда чўзиб оларди. Юрак сиқилиш касалига мубтало бўлмаганмикан?

Тоза ҳаводан нафас олсин деган хаёл билан у олдинги ўнг томон эшигининг ойнасини туширди.

— Райимбой, нечта фарзандинг бор?

— Тўртта.

— Нечтаси ўғил, нечтаси қиз?

— Теппа-тенг, — деди у фахрланиб.

— Бахтли экансан!

Райимбойнинг тушунчасида совхозда Давлатовдан бахтли одам йўқ эди. Ҳамма салом беради, ҳамма маслаҳат сўрайди. У хоҳлаган одамига яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қила олади.

Бахт ҳар кимнинг тушунчасига кўра ҳар хил. Ўзини бахтли ҳисоблайдиган одам бўлмаса керак. У нега бугун шоферининг болалари билан қизиқсиниб қолди экан? Тушуниш қийин. Тушунмаганингдан кейин юпатадиган тасалли бериш ҳам осон эмас.

Яна жимлик чўкди орага.

Яхшиликнинг юрак-бағри ўбдан ачишиб борарди...

14

Куз кирди. Энди ҳар бир очиқ кун ғанимат. Фойдаланиб улгуриш керак, бўлмаса деҳқоннинг тўққиз ойлик меҳнати куяди — пешана тери тўкиб етиштирилган ҳосил ёмғир, қор остида қолади. Бунинг устига кейинги йилларда табиат ҳам ўзгара бошлади. Шунинг учун Амударёнинг қуйисида яшовчи ҳар бир инсон кузда ўзини энг камида бир ой пахтакор, шоликор деб ҳисоблайди. Олий ва махсус ўқув юртларида, мактабларнинг юқори синфларида ўқув машғулотлари бир ойга тўхтайдди. Сабзавот ҳамда полиз экинларининг ҳосилини йиғиштириб олишга ҳам ёрдам берилади.

Туғилган ўлкасининг бундай шароитини жуда яхши биладиган Шарифа Қорақум канали бўйлаб ўтказилган экспедициядан жуда шошилинч қайтди, қари, мажруҳ отаси учун ошиқди.

Бу ёруғ оламда ёлғизликдан оғир нима бор? Умрингдаги ўкинчларининг ҳаммаси кўз олдинга эласлаб, елкангдан босади, ўкинчлар мулойим юк эмас, оғирлигига чидасанг ҳам, юрагингга қадалган тиканакларига чидолмайсан. Ким билсин, қизи билан бирга туриш учун район марказига кўчиб келган қария янги ўкинчларнинг қуршовидами? Ҳали шаҳар ҳаётини ҳам яхши билмайди. Газўчоқдан фойдаланишнинг борди-келдисини ҳам тузук ўрганиб олмаган. Телевизорни штепселга тикаётган пайтда розетка ишлаяптими деб бармоғини теккизадиган одатини зўрға тарк эттирган эди, эсидан чиқариб қўймаганмикан? Ё деразаларнинг форточкасини ёпиб қўйишни эсидан чиқариб, елвизакда шамоллаб қолмаган бўлсин-да, ишқилиб. Қариган заиф танага ҳар бало ёпишади. Агар бирон ҳодиса бўлса, ёрдам берадиган ҳеч меҳрибон йўқ.

Ёнидаги қўни-қўшнилари ҳам пахтакорларга ё шоликорларга ёрдамга кетиб қолган бўлса...

Яхшилик хабар олдимикан?

Қария укасининг уйига борганида, у билан қандай танишганлигини айтган эди. Ақалли шу одамгарчилиги учун ора-сира бир келишни,

жилла курса телефон қилишни унутмаган бўлса, яхши бўларди-я! Қария зерикмасди, у бетобланиб қолса, шифохонага ўзи олиб бориб ётқизарди.

Мана шу ўйлар Шарифанинг кўнглини безовта қилиб, уйига жуда шошиб етиб келди. Келса, ҳаммаси жойида, отаси уй олдидаги қайиқ ичига кўрпача тўшаб, офтобрўяда қўшни чол билан суҳбатлашиб ўтирибди.

Урта Осиёдаги энг иссиқ ер — Қорақум бўйлаб экспедициядан қайтиб келган Шарифа қуёшда кўйиб қоп-қора бўлиб кетган эди. Қариялар, то уларнинг олдига бориб салом бермагунича, уни танишмади.

Ота билан қизининг соғинчли учрашувларини кузатиб туриб, кўнгли бўшашиб кетган қўшни қария Шарифани жуда яхши кўриб қолди.

— Раҳмат, қизим! — деди у. — Отани шундай ҳурмат қилиш керак. Энди шу ернинг ўзида менинг икки-уч саволимга жавоб бер, уйингга шундан кейин чиқиб кетарсан.

Иккита қариянинг ўртасида титилиб кетган эски журналлар, газеталар сочилиб ётарди. Шарифа жилмайиб кулди.

— Ота, сиз жуда кўп нарса ўқийсиз, жавоб бера олсам, майли сўранг.

— Қорақум канали туркманларнинг минг-минг йиллик орзу-армони эди, ҳозир кайфиятлари қалай?

— Қорақумни ёриб сув олиб борган Совет ҳукуматидан миннатдор бўлмаган одам йўқ.

— Йўқ нарса бирдан кўп бўлиб кетса, қадрини йўқотадиган ҳоллар бўлади. Мана бу ётган газеталардан Қорақум каналида секундига олтмиш беш-етмиш куб метр сув қумга сингади ва буғланади, деган хабар ўқиган эдим.

— Бу олдинги йиллардаги рақамлар. Ҳозир секундига қирқ-эллик куб метр сув бекорга кетяпти. Қумларнинг ораларида майда кўллар, ботқоқликлар пайдо бўлган.

— Унда сув олишга олдиндан яхши тайёргарлик кўрилмаган.

— Академик Александров ҳам шу фикрни айтди. У, агар Урта Осиёга Сибирь дарёларининг сувини олиб келиш учун иш бошланса, сувни қабул қилиш учун тайёргарлик ҳам бирга бошлаб юборилиши керак, деди.

— Оролга ҳозир қанча сув қўйилиб турибди, қизим?

— Оролга қўйилиб турган сувнинг миқдори ҳар йили буғланадиган сувнинг миқдоридан ўттиз-қирқ фоиз кам.

— Раҳмат, қизим. Энди боравер.

— Юринг, отахон, Гўна Урганчдан кунжутмой олиб келдим, палов қилиб бераман.

— Балли-е, кунжитмой чиқараётган ўша туркманларга, уларга мингдан-минг раҳмат! Яқинда набираларим болабоқчага жойлашган эди, уларни олиб кела қолай, кейин кирарман.

Ота-бола уйларига чиққандан кейин ҳам бир-бирларига тўйишмай қайта-қайта ҳол-аҳвол сўрашди.

— Ҳайтовур, унча зерикиб қолмадингизми, ота? Эржон оға келиб турдимми?

— Яхшилиқ Давлатов яхши йигит экан, сен йўқ пайтингда уч марта кўнғироқ қилди, — деди қария.

Шарифа худди мана шу хабарни эшитмоқчи эди, отасини қучоқлаб ўпиб олгиси келди.

— Ота, кунжитмой паловига яна кимни чақирсак экан?

— Эржон билан Яхшилиқни чақирсак ҳам бўларди, лекин улар бир-бирларини яхши кўришмас экан. Одам қадрини биладиган Яхшилиқ кела қолсин.

— Унда ўзингиз чақиринг, ота, — деб Шарифа кийимларини алмаштириб, ювиниб, ошхонага кириб кетди. Бу орада ён томондаги оқ телефон аппарати жиринглаб қолди. Шарифанинг юраги ногоҳ уриб кетди, «Яхшилиқмикан?» деган умидда трубкани кўтарган заҳоти аёл кишининг овози эшитилди:

— Шарифа Шержоновна,— деди у.— Бу Нисон Нажимовнинг қа-
булхонасидан. Сиз билан у танҳо гаплашмоқчи эди, шошилинич ишлар
чиқиб қолиб, совхозларга кетди. Менга тайинлаб кетган гапларини
сизга етказмоқчиман. Ўзи деб тушунинг.

Шарифанинг юраги ҳовлиқинқираб, кўзларига тушган сочларини
бир қўли билан юқорига силаб қўйди.

— Шарифа Шержоновна, экспедиция муваффақиятли тугалланган
бўлиши керак, Орол бўйида кўрганданоқ сизнинг эрудициянгизга, кам-
тарлигингизга обком секретари катта баҳо бериб кетибди. Районимиз
марказидан сиздек истеъдодли, ғайратли, билимдон илмий ходимга уй
бергани учун Нажимов хурсанд бўлган. Район меҳнаткашларининг тақ-
дирига тегишли энг оғир юмушлари билан банд бўлиб ишлайвериш
баъзан одамни дўст-ёрларидан жудо қилар экан, ҳурматли Нажимов
сиз билан тез-тез учрашиб ё бўлмаса телефонда гаплашиб туришга си-
ра фурсат топмайди. Шуни эслатиб қўй, дедилар менга.

— Айтиб қўясиз, нияти учун раҳмат. Ундай ишбоши одамга гоҳ-
гоҳ ўзимиз салом бериб туришимиз керак.

Одамлар билан ишлашнинг ўзи бўлмайди. «Ҳар ким ўзига хон,
кўланкаси майдон», шоирларнинг сўзи билан айтганда, ҳар бир одам
ўз олдига бир сирли олам! деб тушунади у.

— Одамларнинг ҳолидан хабар олиб туришини айтмайсизми. Бу-
ни ҳар ким ҳам уддасидан чиқавермайди.

— Ростдан ҳам шундай. Ҳозирги лавозимига боғлиқ, ўлароқ рес-
публика партия Марказий Комитетида унга «ҳар бир одам бу дунёнинг
кўз қорачиғи, олам ўзига ҳам, бошқаларга ҳам шу кўз билан қарай-
ди, шу кўзнинг ҳар бири учун партия жавобгар» деган экан. Бу ғоят-
да яхши баҳо деб, райондаги ҳар бир кишини кўзининг қорачиғи деб
билади. Унча-мунча енгил-елпи хатолар учун ҳеч кимни жазоламайди.
ГАИ ходимларига, майда-чуйда авариялар учун хусусий машина эга-
ларини овора-сарсон қилаверманглар, деб қаттиқ тайинлаб қўйибди.
Районда қарор топтирилган бундай тартибларга илмий ходимларнинг
қарашлари қандай эканлигини сўра, деган эди.

— Мен бу ишларга унча эътибор қилмаган эканман.

— Ҳа, биологсиз-да, шунинг учун қизиқадиган ишингиз бошқача.
Ҳурматли Нажимовичнинг иши социологлар билан экономистларнинг
тадқиқот объекти. Тарихчилар шуғуллансалар, районда жуда кўп янги-
ликлар юзага келтирилганини дарҳол пайқар эдилар.

— Албатта,— деди Шарифа, гаплашишни ёқтирмаса ҳам.

— Айтмоқчи, Шарифа Шержоновна, одам қанча тер тўкиб меҳнат
қилса, шунча яхши дам олиши шарт. У сизни шундай ҳордиқ чиқариш-
га чақирмоқчи эди, лекин бўйдоқлигингизни ўйлаб, бунга ўзига эп кўр-
мади, ноқулай деди. Сезиб турибман, сиз замонавий қизлардансиз. Ни-
ма дейсиз, денгиз томонларга бир бориб, шамоллаб келасизми?

— Керак эмас.

— Хайр, синглим, уйингизга Яхшилиқ Давлатов келгудек бўлса,
райкомга қўнғироқ қилинг, яхшими?

— Агар келса.

— Келишини Нажимов сизларни Орол бўйида самолётдан кўрган-
дан кейин билиб қолган.

Шарифа нима дейишни билмай лол бўлиб, қўлидан трубка тушиб
кетди.

Унга энди уйнинг ҳавоси бузилгандек туйилиб, деразаларни очиб
юборди. Ташқарида ипакдек майин шабада эсарди. Кўксини тўлдириб-
тўлдириб нафас олди. «Бу ким бўлди?»

Қизини соғиниб, ҳамон дийдорига тўймай, четдан кузатиб турган
қария унинг авзоида аллақандай хафалик содир бўлганини уқиб, кўн-
глини кўтариш учун сабзи тўғрашга киришди.

Шарифанинг диққати ошиб кетса-да, яримжон отаси олдида хафа-
лигини кўрсатмасликка тиришар эди, дарҳол ўзини қўлга олиб, ошни
бошлаш учун қозонга жувоз мой қуйди.

— Нуржон! — деб чақириб келди қўшни қария. — Қрандан сув ичиб, дўкондан тайёр балиқ сотиб оладиган ҳозирги ёшлар Амунинг ҳам, Оролнинг ҳам қадрини билишмаса керак деб қўрқар эдим, сенинг қизинг ҳозирги ёшларнинг биттаси-ку, ахир. Ишқилиб кўз тегмасин!

Нуржон қариянинг кўнгли кўтарилиб кетди, унга мулозамат кўрсатиб, тўрға кўрпача солди.

— Ота-боболаримиз, қариндош-уруғларимиз Оролдан бир умр миннатдор ва қарздор! — деди қўшни қария, юқорига чиқиб ўтираётиб. Шунинг учун невараларимга, мен ўлсам, жасадимни Оролга ташланглар деб тайинлаб қўйипман. Шунча одамларни тўйдириб, балиқларнинг авлоди ҳеч бўлмаса бир одамнинг лошини еб тўйсин!

— Қаёқдаги гапларни топасиз, — деб Нуржон оқсоқол кулди. — Сал сабр қилиб туринг, телефонда Яхшилиқ Давлатовни уйга таклиф қилиб олай.

— «Янгилик» совхозининг директорими? Чақир, бир гурунглашиб ўтирайлик. Бугун газетада область бўйича сут топширишнинг бориши ҳақидаги маълумот чиққан эди, у ҳам планни юз қилиб тўлдирибди. Кечагина район газетаси уни пахта, шולי топшириш бўйича энг орқанда, деб танқид қилган эди.

Чойнак кўтариб Шарифа кириб келди.

— Қизалоғим, эзма қўшнига учраган эканмиз, деб хафа бўлма. Бизнинг уйда на газетага, на китобга қизиқадиган банда бор. Ательенинг директори уйга келса, майда-чуйда чит-газмол, модалар ҳақидаги гапдан оғзи бўшамайди, эри бўлса, машинасини мақташдан нари ўтмайди. Уйда саводли мен, невараларимни боғчага қўйиб келганимдан кейин қиладиган ишим йўқ. Кўп ўқисанг кўп сўроқлар ҳам пайдо бўлавераркан.

— Сўрайверинг, ота.

— Битта илмий ходимнинг ёзганига қараганда, одамзод бизнинг мелодимиз бошида 230 миллион, мингинчи йили 305 миллион, 1800 йилда 952 миллион, 1900 йилда бир миллиард 656 миллион, ҳозир эса тўрт миллиардан ошган экан. 2000 йилда инсоният олти миллиарддан ошади. Шунча одамга озиқ-овқат учун экин экиш керак, экин экиш учун эса ер керак. Шунинг учун Орол денгизининг ўрнини экин майдонига айлантириш лозим, дебди. Шу фикр тўғрими?

— Асло тўғри эмас, ота! Орол қуриса, ўн икки миллион гектардан зиёд экин майдони ва чорва яйловидан маҳрум бўламиз.

— Ҳа, ақлингга балли, қизим, Орол денгизи қуримасин! Оролда сувнинг кўклиги Эгей денгизига ўхшар экан. Қомусдан ўқидим.

— Тўғри, Орол ўзига хос денгиз, ота. Ёзи тропикага ўхшаш, сояда қирқ-қирқ беш даража иссиқ бўлади, қиши салкам қутб қишидек.

— Бахтли бўл, қизим!

Нуржон оқсоқол телефонда гаплашиб бўлиб, бир соатга қолмай Яхшилиқ Давлатов келишини хабар қилди.

Шарифа ўзидаги қувончни сездириб қўймаслик учун ошхонага кириб, ошга уннади.

15

Бу йил куз Яхшилиқ учун имтиҳон кузи. Буни у яхши билади. Тинмай ҳаракат қилади. Эрталаб барвақт туради, кеч ётади. Далаларда етиштирилган ҳосил нобуд қилинмай йиғиштириб олиниб, давлатга топширилиши лозим.

Экин турининг кўплигига ўзи сабабчи. Энди ҳар гектардан унадиган центнернинг миқдори кам бўлгани билан, ялпи ҳосил бўйича план бажарилиши шарт. Шунда олдинги бошлиқларнинг ҳисоби қандайлиги аниқланади.

Йиғим-теримни тезлатишнинг бош омили механизаторларда. Шу тўғриси уларни моддий рағбатлантириш бўйича директорнинг буйруғи ҳам чиқди. Партком мажлиси илғор механизаторларни партия аъзоллигига номзодликка биринчи навбатда қабул этиш ҳақида қарор қилди.

Бундан ташқари, ҳар механизаторнинг ўз устига олган мажбурияти бор. Мана шуларга қарамасдан, ҳеч бир чора-тадбир иш бермаётгандай совхозда ишлар ўлда-жўлда, ҳар ким ўз олдига иш тутган, бошбошдоқлик ҳукм сурарди.

Бунинг сабаби нимадан экан? Ҳар йили терим маҳфазида район бўйича энг илғорлар қаторида номи чиқадиган механизаторлар ҳам бу йил орқадан жилмаяпти. Сиртдан қараганда ҳаммаси ҳам ўлиб-тирилиб ишлаётганга ўхшайди-ю, лекин кундалик ўсиш кўтарилмайди. Ҳар йили кунига беш-олти тоннадан пахта терадиган механизаторлар энди икки-уч тоннадан оширолмаёпти? Директор ҳайрон. Айрим механизаторлардан сўрайди. Улар жавоб бериш ўрнига қовоқларини уюб жўнаб қолишади ёки ўзларини эшитмаганликка солишади. Нима учун? Бу саволга партком секретари ҳам қаноатланарли, жўяли жавоб бераолмайди.

Район партия комитетидан кеча яна телефонограмма олинди. Кундалик ўсишнинг пастлиги учун совхоз партком секретари, директори энг охирги марта огоҳлантирилибди, уч кун муддат ичида мавсум бошидан буён йўл қўйиб келинаётган оқсашга барҳам берилмаса, директор билан партком секретари, ишчилар комитетининг раисига қўшиб, бригада бошлиқларининг барчаси бюрога чақиртирилиши, айбдорга энг сўнгги чора кўрилиши эслатилибди.

Партком райкомнинг бу телефонограммасини ҳам зудлик билан партком бюросида муҳокама қилиб, тегишли тадбирлар белгилади: энг асосий тадбир — ҳар бир бюро аъзоси икки-уч бригадада бўлиб, бутун меҳнат ресурсларини йиғим-теримни тезлатишга қаратишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Давлатов бригадаларга чиқиб кетиш учун соат азонги бешда идорага келса, партком секретари ўрнида ўтирган экан.

— Мамутов, бу қанақаси, шу ерда тунаб қолмадингми?— деди Давлатов кулиб.

— Сендан сал эртaroқ келдим, дўстим. Далада югур-югур билан юрган пайтда баъзи бир аризалар, ахборотлар қаралмай қолади. Улгуришим керак.

— Светлана икковимизнинг аризамизни унутма.

— Кечир, Яхшилиқ, мен кўп ўйладим. Завмаг ниҳоятда иғвогар одам. Тухматчи. У айбни бўйнига олиши у ёқда турсин, директор билан хотини бирлашиб, менга тухмад ёғдирыпти, деб ариза бермаган ери қолмайди. Ҳамма босқичларга танда қўйиб югуради. Бунга у олдиндан тайёрланиб, Светлананинг соддадиллигидан фойдаланган. Агар у ўшанда, «мана бу узугинг сохта бриллиант» деганда ҳам бирон нима ўйлаб топар эди. Узук чинакам бриллиант бўлиб, уни қайтарганда ҳам «бундай нарса берганим йўқ, ўзларингиз тухмат қилипсизлар» деб тонар эди. Қизингга атаб олиб борган кўк қўчқорни оқшомда итларга қувлатган ўзи бўлса ажаб эмас. Эсини таниганидан буён чўпонлик билан кун ўтказиб келаётган, мол танийдиган иккита пенсионер қарияга излатдим, ўзим ҳам кўз-қулоқ бўлдим. Унақа қўчқор ҳеч қаерда йўқ. Шержоновицнинг уйида акаси Нуржон оқсоқол билан сенинг ҳурматингга сўйилган қўчқор ўша бўлса, мендан кўрма. Терисини Ширкатдан олишни топширдим, шунда аниғини биламиз.

Давлатов иягини ушлаб, партком секретарининг иш услубига мамнунлик билан жилмайди.

— Сен энди Завмагнинг устидан тушган мана бу аризани ўқиб кўр. Шошиб турибмиз-ку, ўзим ўқиб қўя қолай. «Уртоқ партком аъзолари, мен яқинда туш кўрдим. Тушимда ўлиб қолибман. У дунёда дўзах билан беҳиштда бўлиш учун тирикликда содир қилган гуноҳинг билан савобингни ўлчайдиган торозибон турар экан. Савоб ишларим оғир чиқиб, мен беҳиштга кирадиган бўлдим. Администратордан беҳиштнинг калитини сўрасам, «Ҳозир бўш хона йўқ» дейди. «Нега?» десам, «Сизнинг қишлоғингиздаги завмаг эгаллаб қўйипти, ҳатто қариндош-уруғлари учун ҳам банд қилиб қўйган» деди...»

Яхшилик пиқ этиб кулиб қўйди.

— Завмагни қақриб ўшани ўқитсам, нима деди денг: «Бўхтон! Мен ҳали беҳиштни банд қилганим йўқ, туҳматчи жавобгарликка тортилсин!» деб шовқин кўтарди! Кабинетдан зўрға ҳайдаб чиқардим. Айтмоқчи, аризани, парткомнинг бюро аъзоси Шержоновнинг кўзича ўқиган эди. Шержонов: «мен худосизлар ташкилотидан иш бошлаган одамман. Ҳозир худо изловчилар бош кўтариб қолмоқда, бу аризанинг эгасини жазолаш керак» деб қанча миямни қотирди десанг!

Яхшилик афсусланиб бошини чайқади:

— Бизда жиноят қонунларининг айрим моддалари бўйича бериладиган жазо анча бўш, дўстим! Бўлмаса, Шержоновнинг ҳар бир хонасидаги қимматбаҳо буюмларнинг ўзи кўп нарсадан далолат бериб турибди. У биргина маошнинг ўзи билан уйларини бундай жиҳозлай олмайди. Хотини ҳеч қаерда ишламайди. Ҳозирги замонда ҳар битта қизнинг қанча кийим-кечак талаб қилади? У олти қизни катта қилган, ўқитган!

— Шубҳа билан гуноҳкор қилиш қийин, ўғрилик устида тутилмаган ўғри ўғри эмас. Бунинг устига, пора берган ҳам жиноятчи. Ҳеч ким бўйнига олмайди.

— Рост. Ҳозирча икковимиз ҳал қила олмаймиз, мен кетдим, — деди Давлатов.

— Сут топшириш плани-ку, бажарилди, сут-мой заводидан сут қабул қилингани тўғрисидаги ҳужжатлар келиб тушдимми?

— Сабзавот, полиз экинлари бўйича ҳам план бажарилди, тегишли маҳсулотларни қабул қилиб олиб, ҳатто реализация қилган савдо бўлимидан ҳисобимизга пул келиб тушганини бухгалтер куни кечагина айтди.

— Яхши, бригадаларга тарқалишайлик.

— Мен бундай план бажаришларига энди ҳеч ишонмайман! — деди Давлатов. — Сабзавот ва полиз экинларининг миқдори пландан сал кам қирқ фоиз оз эди. Икки ой сут бермаган сигирларнинг елини ўн беш кун ичида қандай қилиб булоққа айланиб қолди экан?

Мамутов мийиғида кулди.

— Ҳаммаси ҳужжат билан расмийлаштирилган бўлса, ўзингни ўзинг фош қилишинг қийин. Кетдик.

Яхшилик тўғри Холбой Жамоловнинг бригадасига келди.

Пахта териш машиналари ҳали ишга тушмаган, механизатор Султон Худойберганов тракторининг тагига кўрпача тўшаб ухлаб ётибди.

— Султончик! — деди директор унга энгашиб.

Султоннинг уйқуси қуш уйқу эди, чўчиб кўзини очди-да, ёнида ётган калитни олиб, битта мурватни бурай бошлади.

— Султончик, сенда қашқирлик мижози устунми, ё қуён мижози устунми?

— Менинг чўпон тоғам бор. Қашқир подага човут қилса, касалини, майибини олиб кетармиш. Мен ундай қашқир бўлишни хоҳламайман.

Яхшилик унинг товонидан қитиқлади. Султон ўрnidан сакраб турди.

— Ҳа, мен сизни бригадирми десам! Кечирасиз. Бригадир билан чиқишолмай қолганмиз.

— Нега?

— Бу йил бригадир жуда хасислашиб кетган. Бултур бир бункерни неча килограммга ёзса, бу йил ўшанинг ярмиси ҳам йўқ.

— Нима учун?

— Сиз рухсат бермаётганга ўхшайсиз.

Яхшиликнинг ҳайратдан оғзи очилиб қолди.

— Унга ўчакишиб бир бункеримни ўлчатгандим, чиндан ҳам бу йил пахта енгил, ғози йўқ. Шу сабабли план тўлиши қийин бўляпти. Ростини айтганда, бу йил аҳвол қийин. Пул шу ойда мой заводга сут, шаҳарга сабзавот, қовун-тарвуз ташиганларда кўп бўлди.

— Улар кимлар?

— Ведомостларни ўзингиз тасдиқлайсиз, нега билмайсиз?— деди Султон таажжубланиб.— Масалан, бизнинг Шамшодимизни олайлик. Олдинги директор билан ўн беш кун юрди-да, уч ойлик маошини ишлаб олди.

Яхшиликнинг кўнглида шубҳа пайдо бўлган бўлса-да, нарёғини суриштиравермай, мажбуриятни қачон бажариши билан қизиқди. Султон Худойберганов кўзларини ерга қадаб, бир оз ўйлаб тургач, ҳали бажаришдан умиди узилмаганини айтди.

— Султон, бажарасан! — деди бригадир Холбой Жамолов уларнинг олдига яқин келиб, директор билан бамайлихотир саломлашиб.— Директор аванс бергизса сўзсиз бажарасан. Уртоқ Давлатов,— деб тракторчини унутиб, директор билан яккама-якка қолгиси келганини билдириб, сал секинроқ гапирди.— Ёшимиз тенг, шунинг учун сансираб гапирсам бўлар?

— Албатта.

— Жаҳлинг чиқмаса, менга кейин тирғалиб юрмасанг, очиқчасига гаплашамиз.

— Келишдик.

— Ҳар қандай коллективда бошлиққа обрў керак. Уртоқ Шержонов, райкомга бюро аъзоси эди, яқиндан бери бюро аъзолиги бошқа совхоз директорига кетди. Бунинг устига йиғим-теримда орқадамиз. Бир мен эмас, ҳамма уялиб юрибди. Бу боришда совхоз тугаши мумкин. Одамларда кайфият йўқ. Нима учун? Директоримиз ишнинг кўзини билмайди. Билса, бугундан бошлабоқ кундалик ўсишни кўпайтириб, олдинга тушиб олса бўлади. Мана шу айтганларимга, кўрдингми, оғзинг очилиб, анг-танг бўлиб қолдинг.

— Нима қилишим керак?

— Эртадан кейинги кун райкомда бюро бўладиганга ўхшайди, унга ҳаммамиз чақиртирилганмиз. Бу кўрқинчли. Ўзинг биласан, Нисон Нажимович жуда баджаҳл одам. Қўлига бир тушсанг аяб ўтирмайди. Шунинг учун мен эртага кундалик ўсишни кўпайтирай, беш минг сўм ёздириб бер.

— Қандай қилиб?

— Терилган пахта бор. Сенга аччиқ қилиб, ҳар кунги теримнинг ярмисинигина топширгизиб юрган эдим.

Султоннинг кўзлари олайиб кетди.

— Сенинг ҳам ҳар бункерингнинг салмоғини камайтириб ёзиб юриб эдим,— деди бригадир, уни тинчитиш мақсадида.

— Ана, директор оға,— деди Султон севиниб.— Ҳайтовур бир балоси бор деб юрувдим-а, ўзим ҳам.

Яхшиликнинг кўнгли кўтарилди. Терилган пахта қаерда, деб сўраш ўрнига ҳозир пул нимага зарур бўлиб қолгани билан қизиқсинди.

— Нимага бўларди? — деб ҳайрон бўлди бригадир.— Ҳар килограмм пахта учун ўн тийин тўланади. Мен теримчиларга муштимни кўрсатаманми? Султонларга ҳам пул тўланиши лозим. Бу катта стимул.

— Социализмнинг принципи бўйича ишладикми, пул талаб қиламиз,— деди Султон.

— Яхшилик Давлатович, ана ўринбосарингиз Шержонов келяпти. У келгандан кейин унутиб қўясан, кассирга қоғоз ёзиб бер.

— Ведомость қани?

— Табелчимда тайёр.

Яхшилик ўйланиб ўтирмай хат ёзиб, бригадирга тутқизаётган пайтда Шержонов етиб келди.

— Яхшилик Давлатович,— деди у машинасидан тушмай, олдинги эшигини очиб.— Рапортимни эшитинг. Менга топширилган ишларингиз беш! Эртага райкомнинг бюросида сабзавот ва полиз маҳсулотларини топшириш бўйича танқид эшитмайсиз. Мана бу ҳужжатларга имзонингиз керак.

Яхшилик у узатган қоғозларни олиб, папкасига солди. Шержонов-

нинг киприклари қоқилмай, кичкина юмалоқ кўзлари бақрайиб қолди.

— Туппа-тузук одам бошлиқлик лавозимига кўтарилса, бир қарасанг қашқир, бир қарасанг тулки қиёфасига кириши қийин эмас экан-да. Ақалли раҳмат ҳам айтмайсанми?

Яхшилик аччиқланди.

— Узингизнинг айбингизни бошқалардан изламанг.

Шержонов мана шу важоҳатида тортиша берса, оқибати яхши бўлмаслигини фаҳмлаб, шоферининг елкасидан туртиб, машинасини орқага бурғизди.

Яхшилик Оролбоевнинг бригадасига келганида, у ҳар вақтдагидек баланд қирғоқ тепасида шоли ўриб-йиғаетган комбайнларнинг ишини тепадан кузатиб турар эди. Директорнинг машинаси бурни остига бориб тўхтаганидагина ўгирилиб қаради.

— Дўстим, анави иккинчи марта текисланган бўлиқ далаларнинг ҳосилини алоҳида йиғишни унутмадингми?

— Унутмадим.

Яхшилик бригадир билан тепаликдан тушиб ўша бўлиқ далага боришди. Урилган пояларни тўплаб бораётган комбайннинг изидан юриб дасталарни кўтариб кўриб, юраги шув этиб кетди. Дастандаги дон ер қони бўлиб тўкилиб ётарди. У буни кўриб, бригадирга гинали қараб қўйди-да, комбайнчининг орқасидан қичқириб тўхтатди.

— Ҳай, жўра, кўзларинг борми?

Комбайнчи тормоз ричагини босиб, ерга тушди.

— Уртоқ директор, ҳалиям менга раҳмат айтинг. Агар усталик билан ҳайдамаганимда бундан ҳам кўп дон нобуд бўлар эди.

Уни бригадир ҳам қувватлади.

— Тўғри айтяпти.

Директор ҳайрон бўлиб, бўйини қисди.

— Уртоқ директор,— деди механизатор.— Бу комбайн шолига мосланган эмас, паст бўйли буғдой ўришга мосланган. Узингиз кўриб турибсиз, шолининг похоли бир, бир ярим метрга етади.

Яхшилик комбайнчининг далилига эътироз билдирилмади.

— Ҳар гектарга неча центнер уруғ сепилади? — деб сўради бригадирга қараб.

— Уч центнер.

— Демак, мана бу тўкилишга қараганда, ҳар бир гектарда тўққиз-ўн центнер шоли қолиб кетяпти.

— Агар нобуд қилинмаса, бунақа майдоннинг ҳар гектаридан олтамиш центнер олиш ҳеч гап эмас,— деди бригадир.— Похолга қаранг, бўйини узунлигини. Бизнинг еримиз шолининг ери аслида.

Совхозда пахта билан шоли экишнинг қайси бири фойдалилиги юзасидан директорнинг шаклланиб келаётган тушунчаси яна битта фикр билан бойиди, лекин очик ҳеч нима демади.

Бошлиқларнинг индамаслигига ҳам, эзмалигига ҳам ўрганиб кетган Оролбоев ундан кескин жавоб талаб қилмай, комбайннинг изида ўйчан бораётган директордан орқада қолмай юраверди.

— Область партия комитетининг секретари менга унинг шоликорлик бўйича сводкасини кўрсатган эди. Сизнинг ўн гектарда ўтказган тажрибангизни барча шоли майдонида амалга ошириб, шолини ўриб-йиғиб оладиган комбайнларни махсус ишлаб чиқариш зарурлигини тегишли органларга тушунтирсак, бизнинг совхозимиз жаҳон рекордини қўяди.

Оролбоев директорнинг бу гапини қувватлабгина қолмай, яна ҳам янги фикрлар бериб, баҳорда чучук сув озайган тақдирда коллектор сувларини аралаштириб суғориш мумкинлигини айтди.

— Шундай, Яхшилик Давлатович,— деб ишонтирди у бошқа бригадага ўтиб кетаётганида.— Сувнинг составида 0,10—0,15 фоиз туз бўлса-да, қисталанг пайтида шолини бир марта суғорсанг ҳеч зарар қилмайди. Бу йил баҳорда мен шундай қилдим.

Бу янгилик унинг совхозни тўла шолчилиikka ихтисослаштириш ҳақидаги фикрини яна бир бор тасдиқлади:

Мотоциклъ билан совхоз марказидан шошилинч келаётган Холбой Жамоловни таниб, терилган пахтаси қаердалигини сўрамагани, бориб кўрмагани эсига тушиб, шоферига машинани тезроқ ҳайдашни эслатган эди ҳамки, ГАИ машинаси яқинлаб келиб сигнал берди.

— О-о-о, ўртоқлар, ўз совхозимиз территориясида ҳам машинани сизларсиз буролмайми? — деди директор кулиб.

Рулда ўтирган ГАИ ходими машинадан тушиб келиб, саломлашди-да, айтадиган янгилиги борлигини эслатди.

Зийрак Райимбой машинасини бир четга қўйиб, наридаги шўразор томон кетди.

— Худойберган акани машинасида уриб кетган одам топилди.

— Мен сизларни энди унутиб юборишди-ёв дегандим.

— У қамоқдан чиқиб, озодликда юрган шофер экан. Темир йўл вокзалидан кўшни совхозга юк олиб келаётганида, магазинга ароқ олиш учун қайрилганида Завмаг илтимос қилибди. Пул берибди. Бахтга қарши, ўша пайтда шўрлик Худойберган оға дўконда экан, таништирибди ҳам!

— Ғоят ҳайратда қоларли факт.

— Завмагни қамашимиз керак.

Яхшилик ўйланиб турди-да:

— Бўйнига қўйиш қийин бўлар,— деди.

— Ҳозир ўртоқ Мамутовни ҳам кўрдим. У ҳам, сизникига ўхшаш фикр билдирди. «Лекин Завмаг коммунист, шофер бўйнида қамоқ жазоси бор одам», деб қўйди. Менимча, шофер ёлғон гапирмади.

— Жинояти бўйнига қўйилса қамашингизга қаршилигим йўқ.

Участка милиционери энди кўп ҳаялламай, машинасига бурилди.

Яхшилик Холбой Жамоловнинг бригадасига бориш ниятини унутиб, шоферидан тўғри Шамшодникига ҳайдашни илтимос қилди.

Турқ-таровати отасига ҳам, акаси Султонга ҳам ўхшамайдиган алпқомат Шамшод аравасидан қовун тушираётган эди, даб-дурустдан келиб қолган директорни кўриб довдираганидан саломлашишни унутиб, пешанасининг терини артди.

— Мазалироқ қовунинг бўлса егани келяпман,— деди Яхшилик уни уялтирмай.

Шамшод севиниб аравадан тушди-да, уйдан янги кўрпача олиб чиқиб, араванинг соясига тўшади. Директорнинг хоҳлаганини сўйиш учун уч хил қовун олиб келиб қўйди.

— Биласиз, бунақа қовун бизнинг совхозимизда йўқ,— деди у илжайиб. Биз бу қовунни колхоз бозоридаги битта дўкондан сотиб олдик.

«Ундай бўлса, план қандай қилиб бажарилди?» деса, унинг бирдан ер-чизиб қоладиган тури сезилди. Шунинг учун ҳали Шержонов олиб келган қоғозларни чиқариб, ҳар қайсисига бир тикилиб ўзи тушуниб олди-да, унга узатди.

— Бунга қара, дўкончининг имзоси йўқ.

Шамшод қоғозга олисданоқ назар солиб, бирдан қизишиб деди:

— Оббо тулки-ей! Дўконини очмасдан туриб, планини уч юз фоиз бажарди, бунга ҳам тахаммил қилмай, совхоздан яна тамаси борга ўхшайди. Бермаслик керак. У бизга «сабзавот, қовун-тарвуз қабул қилиб олдим» деб ҳужжат берган эди. Қўл қўймаптими-а, муттаҳам! Биласизми, Шержонов унга пул берди. У нақд пулни ўша куни банкка топшириб, планини бажарди. Кўрдингизми, еб тўймас лаънатини!

— Пул етдими?

— Учма-уч етди-да, турди. Колхоз бозорида қовун-тарвуз, сабзавот ларекдагига қараганда икки, икки ярим баравар қиммат, бизлар бозорда пуллаб, бутун пулни битта дангаса дўкончига топширдик. У-дўконини очмасданоқ планини икки юз фоиз бажарди. Мукофот ҳам олади. Шундай бўлса-да, қўл қўймайман деб туриб олганига қара! Ҳали унга...

— Мана бу қоғозда нега сени дўконга ўн беш марта келди, деб ёзган?

— Шундай қилмасак, ким ишонади? Сиз менга ўн беш марта учун пул тўламасангиз, алдамчига айланасиз. Чунки шунча юкни етти-саккиз марта ташиди, десангиз ким ишонади? Ҳеч ким!

Яхшилик тишининг сувини сўриб, егиси келмаса ҳам яна битта қо-вунни сўйди. Шамшоднинг эртакнамо рост гаплари унинг ичини кеми-риб, елкасидан оғир юк бўлиб босди. Қаддини кўтариб ўрнидан турол-май анча ўтириб қолди.

Шамшод директорнинг олдинги директорга ўхшаб қўйнинг калла-сини емай кетмайдиган нияти бор экан, деган хаёлга бориб, сўйиш учун кўрасидан кўзи олиб чиқаётган эди, у бирдан ўрнидан турди-да, хайр-лашмай машинасига ўтирди.

16

Область партия комитетининг секретари қатнашганлиги учун рай-он партия комитетининг навбатдаги бюроси худди белгиланган вақт-да, эрта билан соат ўнда бошланди. Ҳар гал ўзи очиб, ўз хоҳиши бў-йича ёпадиган Нисон Нажимов бюрони очиш юзасидан бюро аъзолари-нинг розилигини сўради. Бари бир биринчи сўз ўзиники бўлди. Район давлатга пахта, шоли, чорва маҳсулотлари ва турли деҳқончилик маҳ-сулотларини топшириш бўйича район статистика бошқармасининг эр-талабки сводкасини ўқиди.

— Мана, эшитдингиз, ўртоқлар,— деди иложи борица қисқа сўз-лашга уриниб.— Районни «Янгилек» совхози орқага тортмоқда. Ўзла-рингизга маълум, бу совхоз ҳар йил карвонбоши бўларди, бу йилчи? Олдин директори ўртоқ Давлатовдан эшитайлик.

— Айрим янги бошлиқлар, одатда, биринчи йили планни бажар-масликка тиришадилар,— деди бюро аъзоларидан бири.— Сабаби, у йилни ўзи бошламаган-да!

Оқ қубадан келган юзига ранг бериб ярашадиган кийимларни тан-лаб кийиб, ҳамма вақт қоматини сарвдек тик тутиб юрадиган обком секретари ҳолатини бузмади, ҳеч кимга гап қўшмай бамайлихотир ўтир-ди.

— Ўртоқ бюро аъзолари, ўртоқ область партия комитетининг сек-ретари,— деб бошлади Яхшилик.— Пахта ва шоли топшириш план-лари бажарилмаётганининг сабаблари кўпчилик ўртоқларга мен айт-масам ҳам маълум... Иқтисодий жиҳатдан олға жилиш учун орқага ке-тиш ҳам бўлиб туради. Мен бизнинг совхозимиз мисолида ўлкамиз-нинг кўп иқтисодий имкониятларини кўриб турибман. Амударёнинг ғар-бий ерлари Оролга қадар бир-бирига ўхшайди, пахта ўсимлиги учун эмас, шоли экинни учун мос. Пахтани қайта ишлашдан тушадиган фой-дани ҳисобга олган пайтда ҳам, еримизнинг рельефи, йил сайин ўзга-ришга юз тутаётган ҳаво шароити хўжалик вазибаларига бошқача кўз билан қараб, ишни бошқача ташкил этишни тақозо этади. Бизда пахта-боп ерлар онда-сонда учрайди, ўн-ўн беш гектардан ошмайди. Унга сув йўллари тортиб келиш, техниканинг биринчисидан иккинчисига ўтказишнинг ўзи кўп харажат талаб қилади. Ҳар бир куб метр сув йигирма беш-ўттиз тийин фойда беришини кўриб, била туриб, бундай узоқ сув йўлларидан, қанча сув ерга сингишидан, қанчаси бекорга бу-ғланиб кетишидан кўз юмиб бўлмайди. Шоли учун қулай бўлган беш минг гектарлаб ер топилади, бунинг устига, ҳар бир одам йигирма-йигирма беш гектар шоли удалаш имконига эга. Бу, албатта, давлат-га ҳам, деҳқонга ҳам баб-баравар фойда. Пахтада эса бизнинг шароитимизда бундай имконият йўқ. Шунинг учун биргина бизнинг совхозимизни эмас, ғарбий районларнинг ҳаммасидаги пахта экинларини жа-нубий районларга ўтказиб, уларнинг шоли экинларини ғарбий район-ларга бериб, областнинг ғарбий зонасини шоликорликка айлантириш

керак, деган хулосага келдим. Бизда Оролбоев деган бригадир ўн гектар ерда ўзича тажриба ўтказди. Буни ҳамма экин майдонида қўлаш қийин эмас. Шунда яқин йилларда бизнинг зона шоликорликда ҳар гектаридан олинадиган ҳосил бўйича жаҳон рекордини қўяди, бу соҳадаги олдинги мамлакатлар — Япония, Америка, Испаниядан ўзиб кетади.

— Ғарбнинг шунча кўп ерини ўзлаштириш қийин, — деди унинг сўзларига маҳлиё бўлиб кетган бюро аъзоларидан бири.

— Ҳа, осон эмас. Темир йўлдан узоқмиз. Шунинг учун ҳозирдан эътиборни Ғарбий зонага қаратиб, энг камида икки юз километр узунликда темир йўл ўтказиш ишини қўлга олиш керак. Ҳозирги темир йўл вокзалидан бизнинг районимизгача машинада юк ташиш учун икки йил сарфланадиган маблағга бутун Орол зонасига темир йўл ўтказиш мумкин. Мен ҳисоблаб чиқдим.

Обком секретарининг чиройи очилиб кетди:

— Демак, халқимизнинг, эртага тўядиган бўлсанг, бугунча очлигинга чида, деган донолигини қўлланма қилиб олишни таклиф этмоқчисиз. Афсуски, беш йиллик планлар тузилиб, тасдиқланиб кетган-да!

— 1947 йили, халқимиз урушдан кейин ҳали қаддини бутунлай тиклаб олишга улгурмаган бир пайтда Чоржўйдан Хўжайлигача ҳашар йўли билан темир йўл ўтказган эдик-ку.

Обком секретари мийғида кулди. Бу гап унга ёққан эди. Яхшиликнинг кўнгли кўтарилди.

— Бу билан бир вақтда шоликор агрономларни ва механизаторларни тайёрлашни қўлга олиш керак.

— Ўртоқ Давлатов, — деди Нажимов, жаҳл аралаш амирона товуш билан. — Яна, яхши ташаббусларингиз устида таъбингизни тирриқ қилиш ноқулай. Лекин жуда эзма кўринасиз. Қисқа гапиринг, совхоз районининг оёғидан орқага тортаверадими ёки бас қиладими?

— Бас қилишининг йўлларини айтяпман.

— Бугунги гапни гапиринг!

— Бугун деганнинг ўзи эртанги кун, ўртоқ Нажимов! Эртасиз бугунги кун йўқ, кечаги кунсиз ҳам бугун йўқ!

— Бундай сафсатани кейин гаплашамиз, эзма директор. Ҳамма ишлар учун Шержонова гуноҳни ағдариб, келаси йили олға чопиб кетамиз димоқчимсиз? Шержоновдан ибрат олиш керак, ундан ўрганишингиз лозим. У ўзининг эски обрўси билан сизга зарар қилмасин деб райкомнинг бюро аъзолигидан ҳам чиқардик. Энди айтганингга лаббай деб юргани йўқми? Чорвачиликка қара дегансан, сут топшириш квартал планинг ўн беш кунда юз бўлди, сабзавот ва полиз экинларига қара дегансан, директор бўлишинг билан унинг айбини излаб экин миқдорини қирқ-эллик фоиз қисқартириб кўрсатганига қарамасдан, район бўйича биринчи бажарди. Шунда ҳам сенга Шержонов ёмон.

— Шержонов ҳамма ишга «хўжа кўрсин» қабалида аралашади, оқибати нима бўлади — бу ёғи билан иши бўлмайди.

— Битта ерда чорак аср ишласанг, сен ҳам «хўжа кўрсин»га ишлайдиган бўласан! — деди бригадир Далабой Султонов.

— Йўқ, ўртоқлар! — деди Давлатов. — Ҳеч кимнинг ҳеч қачон «хўжа кўрсин» қабалида ишлашга ҳаққи йўқ. Яна айтадиган битта гапим — олимларни қўллаш масаласи. Илмга сарфланган бир сўм охирида жуда кўп сўм бўлиб қайтиб келади. Мен Ўрта Осиёга Сибирь дарёларининг сувини олиб келиш масаласини эслатмоқчи эдим бу билан.

— Бас, Давлатов, мавҳум фикрларни, жумбоқ гапларни қўяйлик! План бўладими, йўқми? — деди Нисон Нажимович секретарь қиз ҳозиргина олдига олиб келиб қўйган қоғозга энгашди. — Мана, бригада-лар бўйича маълумот. Кеча сенинг совхозингдан Холбой Жамоловнинг бригадаси бир кунда ўн икки фоиз пахта топширган. Резервлар бор эканми? Бор. Тажриба борми? Бор. Утиринг ва ушбу тажрибани кенг қулоч ёйдиринг!

Яхшилиқ нима дейишини билмай, хуноби ошиб, ўз ўрнига қараб юрди.

— «Янгилик» совхозининг азаматлари,— деди Нисон Нажимов бир оз шиддатли овоз билан.— Мен яқинда битта олимнинг китобини ўқидим. Ҳалига қадар она тупроғимизда ўсадиган ўсимликларнинг кўп турларини яхши билмаслигимизга ҳайрон қолдим. Бизда моялиш деган ўсимлик бор экан. Унинг молга озуқа бўлиш хусусиятидан ташқари қалин қор ё ёмғирнинг остидан тортиб ола солиб ўтга ташласанг, гугуртдай лов этиб ёнади, қўға деган ўсимлик бўлса, ҳайвон зоти оғзига олмаслигидан ташқари, қанча қуришиб оловга солсанг ҳам ёнмай, гулхан ўрнига тутун биқситиб тура беради. Табиатдаги хусусият ўша ернинг одамларида ҳам бўлса керак. Ҳаммангизнинг номингиздан директор сўзлади. Шунинг ўзи кифоя. Лойиҳа бўйича Давлатов ва Мамутов ўртоқларга қаттиқ оғоҳлантириш эълон қилинган. Шу тасдиқ этилади! Маълумки, ўртоқлар? — деб бюро аъзоларига бир назар ташлади-да, давом этди.— Ҳозир ҳар бир дақиқа ганимат, ғайрат кўрсатинглар! Эндиги масала бўйича пахта тозалаш заводининг коллективи кирсин!

— Яхшилиқ Давлатович! — деди обком секретари.— Бюродан кейин менга учрашиб кетсангиз.

[Охири келгуси сонда].

ИДФ



Амирқул Пўлканов

Йиллар

Болалик экан-да, патефонни қўйиб,
Тунлари мусиқа тинглардик.
Гўё ўзимизча шоир бўлиб кетиб,
Дунёни қўшиқ, деб англардик.

Тўрттами-бештами қартадан
Ўйноқироқ эди фақат биттаси.
Бизнинг севганимиз нуқул ўша эди,
Халқ қўшиғи эди қолган тўрттаси.

Фақат шу тўрт қартани қўярди онам,
Укамлар ўйнарди қувлашиб.
Опам билан иккаламиз нуқул
Шўхроғидан бўлсин, дердик чувлашиб.

Синиқ жилмаярди бошимизни силаб,
Аммо уришмасди онамиз.
«Чоргоҳ» у «Наво»нинг жаранггоси билан
Тўлиб турар эди хонамиз.

Энди онамиз йўқ...
Бизлар улғайиб,
Қўп нарсанинг кўрдик тусини.
Мен ҳам энди ўша қарталарнинг
Танлайман энг қадимгисини.

То муҳаббат бор экан...

У ишқ дардин шаробдай ичди,
Сенга шеърлар ўқиди ёддан.
То муҳаббат бор экан, ҳеч ким
Бефарқ бўлиб ўтмас ҳаётдан.

Сирларингдан воқифдир онанг,
Гарчи ўзинг сирингни ёйдинг.
Ҳавас қилиб сўрса дугонанг,
Қишлоқи йигит-да, деб қўйдинг.

Бу қандай гап?
Бу қандай қилиқ?
Танангга бир ўйлаб олдингми?
Йигитнинг пок ишқидан кулиб,
Сен шаҳарлик бўлиб қолдингми?!

Унга ошиқ қалб берган тақдир,
Сени ўйлаб ўтади куни.
Сени топиб келганда охир,
Кўкрагидан итарма уни!

Айтмас эдинг бу гапни, тақдир
Нималигин яхши билсайдинг,
Сен ҳам шундай яшасайдинг бир,
Сен ҳам шундай сева олсайдинг.

Бу чиройинг сўнар ҳадемай,
Манглайингда ажин тўзийди...
Сен йигитнинг бошига чиқмай,
Бошингда кўтарсанг арзийди.



Саноғи йўқ ўтгувчи куннинг,
Эслайсанми мени ҳам, жоним?
Тушларимга кирасан менинг,
Тушларимга кирар армоним.

Гоҳ билмайман: қандай бўлар бахт?
Гоҳ ёқамдан олар ҳамият.
Қушдек учиб ўтиб борар вақт,
Юрагимда фақат бир ният:

Ер ва осмон туташиб кетган,
Ой ҳам катта кўринган ерда
Иккаламиз тутиб бир маскан,
Узоқ йиллар яшасак бирга.

Шунда таскин топиб бегумон,
Рўёга ҳам кўнгил бермасман...
Сен ёнимда бўлсанг бас, ишон,
Ухламасман, туш ҳам кўрмасман.

Номутаносиблик

Гоҳ тўйларда йиғлару азада кулар,
Ўғит ҳам берар у юз ёшли чолдек.
Бу менга жуда ҳам эриш туюлар,
Эркак либосини кийган аёлдек.

Поездаги диалог

— Дўстим, бунча тақилламаса,
Том битди-ку, ахир, қулоғим?
— Тақиллаган поезд эмас, йўқ,
Тақиллаган... менинг томоғим.

Тасалли

Мен хаёл сураман боғда ўтириб,
Жажжи қизчаларим чопиб ўйнайди.
Ишлар қанотини кўксимга уриб,
Ширин хотиралар гиж-гиж қайнайди.

Эслайман: қишлоқдан шаҳарга келиб,
Иштихон беролмай чиққан маҳали,
Мени бир гўдакдек ўртага олиб,
Таниш-билишларим берган тасалли.

Бариси ўтаркан, қаддимни тутдим,
Ишонч куртакларин кўнгил ундирди.
Бир эзгу оромни топганда қалбим,
Муҳаббат оташин яна ёндирди.

У олис хилқатдек туюлди менга,
Гарчи мен сарҳадин кўрмасдим ҳали.
Мен унинг куйида оҳлар урганда,
Ошиқ жўраларим берди тасалли.

Тубсиз уммон экан ҳаёт дегани,
Гар чўксанг оёқдан тортар баттарроқ.
Гоҳида ундан ҳам топмайсан маъни,
Гоҳида ғамидан шодлиги кўпроқ.

Чорасиз эрсанг-да, қолсанг-да ҳориб,
Бир эзгу ниятинг бўлса ақалли,
Ҳар қандай ширин сўз, меҳрдан ортиқ
Туюлиб кетаркан тасалли.

Аҳмад Тошхўжаев

Ёз кунлари

Ёз кунлари эртакдай узун,
Ҳаво очиқ. Осмон тозадир.
Хаёлларинг тинмайди бир зум,
Орзуларинг қанот ёзади...

Булоқларда ювасан юзни,
Кенг кўринар кўзингга олам!
Ёз кунлари, нечундир, ўзни
Қушдай енгил ҳис қилар одам...

Саховатли туюлар дунё,
Ишкомларда шарбат тўладир.
Бундай пайтлар, наздинда, гўё —
Уғлинг ҳам тез катта бўлади!

Юрган саринг, кенгаяр уфқ,
Боғ-роғларнинг кўринмас чеки...
Тўғри, қишга хусуматим йўқ,
Ёз кунларин севаман лекин!

Хазон фасли ҳали нарида,
Ҳаво очиқ. Тозадир осмон!
Гўё ёруғ ёз кунларида
Бахтингни ҳам топасан осон...

Тоғ шамоли

Сой шовуллаб оқади пастда,
Тун... Осмонда тўлин ой кезар.
Шитирлатиб барглари, аста
Салқин оқшом шамоли эсар...

Зилол сувлар — қолдирмас ғубор,
Бунда гуллар — руҳимга нажот...
Бир зум дилни эркалар баҳор,
Бир зум мангу туюлар ҳаёт!

Аёз тушар,
Бошлар эртагин,
Уранаман кўрпага секин.
Ҳаётбахш тоғ шамоли тагин
Юзларимни силайди бетин...

Уйғонаман ҳарир тонгларда,
Йўқ, дунёга келаман қайта.
Сой сингари,
Хуш оҳангларда
Кўнгул ҳаёт қўшигин айтар!..

Навоий вафотидан сўнг...

Бойқаро юзини тарк этмас қайғу,
Ғам булути босмиш икки кўзини...
Дунё ишларига этак қоқди-ю,
Майхона қаърига урди ўзини.

Адоват кучайди оғалар аро,
Тож-тахтни емирди ўзаро жанглар.
Ўз-ўзидан Беҳзод суратларида
Юзага қалқиди... заъфарон ранглар!



Ернинг тортиш кучи ҳамма жойда тенг,
Бунга шак келтириб бўлмайди мутлоқ.
Хоҳ музлик, хоҳ тоғлик, хоҳ бўлсин ўтлоқ —
Ернинг тортиш кучи ҳамма жойда тенг!

Нима бошлаб келди мени бу ёққа?
Мен бунинг боисин билмасман зинҳор.
Сен қаерда бўлсанг,
Шу жойда, дилдор,
Ернинг тортиш кучи ўхшар кўпроққа...

Мен вақт қадрини яхши биламан,
 Биламан, қайтмэйди ҳар бир ўтган дам...
 — Кўриша олмаймиз эрта сиз билан, —
 Дединг-у, қўл силкиб, йўл олдинг, эркам!
 Вақтнинг шитобидан дил йиғлар бесас,
 Ғамгин қаршилайман ҳар сафар тунни.
 «Эрта кўришмаймиз!»
 Яшагим келмас
 Олтидан ҳам қиммат
 Эртанги кунни...

Дўстимга

Ногаҳон йўқолди дил ҳаловати,
 Бу маҳзун чоғмикан? Илҳом ҳолати?
 Бўлгандек ҳар ненинг вақти-соати,
 Эҳтимол, шу шеърнинг етди навбати.

...У дам ташқарида ёғар эди қор,
 Олис эди мавҳум омаддай баҳор...
 Лекин ҳис этардим қалбимда шарор,
 Балки, бунга боис дўст муҳаббати?

Ёзмишда йўқ экан муҳаббат, шуҳрат,
 Мени кўп ҳолларда ўкситди қисмат,
 Дўстлик борасида сийлади фақат —
 Бу ҳам бир имдоди, битта шафқати.

Ҳасрат туманида қолсанг бенаво,
 Баъзан тор кўринса кўзингга дунё,
 Шикаста руҳингга бахш этар зиё
 Дўстинг қўнғироғи, ташрифи, хати...

Гоҳ арғумоқ миниб,
 Гоҳи пиёда,
 Сайр этиб ўтяпман мен ҳам дунёда.
 Ҳеч нима топмадим дўстдан зиёда,
 Сен бўлдинг тақдирнинг хуш саҳовати.

Йиллар ёшлигингни тортиб оларкан;
 «Ким эрта кетаркан? Ким кеч қоларкан?!»
 Бот-бот шу ўйларни дилга соларкан —
 Вақт учқурлиги, замон шиддати.

Бир зум тиним билмай елади даврон,
 У бизни қаерга элтар — бу аён,
 Икки қалб дўстлиги олдида, ишон,
 Абасдир, ҳаттоки, фано даҳшати!..





Мирзакалон Исмоилий

Тар назф деса...

Кекса афгон ҳикояти

Ҳақ йўлга чорласа муқаддас ватан,
Ғар бўлса барча эл бир жону бир тан,
Чиқариб ҳаммаси бир ёқадан бош
Пуф деса йиқилур ҳатто тоғу тош.

Афгон халқ нақли.

Палатада мазам қочиб ётувдим, ғилдиракли каравотда бир оғир касални олиб кириб қолишди. Хаста беҳушмиди ё дарди оғир, жойига ётқизиб кетишгандан кейин ҳам алла маҳалгача қимир этмай ётди. Фақат оғир-оғир нафас олар, қандайдир хириллаган товуш чиқарар эди. Кўзлари ярим очиқ, лекин киприклари қимир этмайди. Мен ўз жойимда унга разм солиб ётибман. Бир маҳал бемор, алланарса эсига тушиб кетган одамдай, қўққисдан бошини кўтарди-ю, вой-войлаб яна ётиб олди. Нимага бундай бўлди — билмадим. Ҳол сўрай, жонига ора кирай деса, ўзим ҳам бир аҳволдаман. Шундай бўлса ҳам бир амаллаб:

— Нима бўлди, биродар? — деб сўрадим.

У, саволимни уқмадим, жавоб қилмади. Шунинг устига доктор кириб, тўғри ўша бемор ёнига келди. Кейин жуда эҳтиёткорлик билан унинг устига энгашиб, аста сўради:

— Нима бўлди, қаерингиз оғрийди, отахон?

Хаста кўчада кетаётганда бирдан боши айланиб йиқилиб тушганини айтди. Айтганда ҳам жуда қийналиб, сўзларини бўлиб-бўлиб айтди.

— Ундай бўлса, тўғри кўчадан олиб келишибди-да?

— Ҳа.

— Уйдагилар беҳабар, денг?

— Ҳа.

— Хўп, ўзимиз хабар қилиб қўямиз. Телефон борми?

— Бор.

Доктор беморнинг уй телефонини ёзиб олиб, энди қон босимини

ўлчашга киришди. Кейин хастанинг кўзларини у ёқ-бу ёққа қаратиб роса текширди, тиззаларига болғача урди, кўкрагини очиб, юрак дукурага қулоқ солди. Яна алла нималар қилди-ю, лекин ҳеч бирини ё яхши, ё ёмон демади. Айтган гапи шу бўлди:

— Дарднинг кучайиш йўлини тўсадиган ва уни тузатадиган тадбир-чоралар — биздан, шу тадбир-чораларга тўла-тўкис амал қилиш — бемордан, яъни сиздан. Хўпми, отахон?

Доктор шундай деди-ю, бошқа касалларни ҳам кўриб, чиқиб кетди. Энди хаста қўшнимдан ҳол сўраш, иложи бўлса гапга солиш имкони туғилган эди. Лекин одатимда йўқ бир журъатсизлик бунга йўл қўймади. Иккаламиз, уришиб қолган одамлардек, яна индашмай ётавердик. Хуллас, орадан қанча вақт ўтди — бунисини билмайман-у, бир маҳал қўшним мен томонга ўгирилиб алланима демоққа чоғланганини сезиб қолдим. Мен ҳам бир ёнбошимни босиб, ўгирилдим. У зўрға кўзларини очди. Шўрлик тортаётган дард азоби чўзинчоқ юзи-ю сўлғин кўзларидан шундоққина кўриниб турарди. Кўзларидан нур кетган, юзлари заъфарон, «ўхў» деса жони чиқиб кетадиган бир аҳволда. Ўзи ҳам жуда озиб кетибди. У менга бир-икки қаради-ю, яна кўзларини юмиб олди. Мен унга энди бемалол қарай олар эдим. Разм солдим: оппоқ оқариб кетган бароқ қошлари солиқ қовоқлари устидан ошиб ўтиб, пастки киприklarини ҳам босиб кетибди. Бурни ўртамиёна, лаблари дўрдоқ, оғзи рисоладан чиқиб кетган — катта, бўйини эса ҳаддан ташқари ингичка — қилми, дейсиз.

Палата эшиги силлиқ очилди-ю, хаёлим қочди. Ялт этиб эшик томон қарадим: у ерда юрагимдан маскан топган озод Афғонистоннинг озод ўғилларидан бири турарди.

— Келинг, Абдуманнонжон, келинг, азизим, — дедим суюниб.

У ўзига ярашган ёқимли бир жилмайиш билан мен томон кела бошлади. Чеҳрасидаги меҳр офтоби мени ёндираман, дейди — ичим ҳароратга, юзим нурга тўлиб кетди. Уни дарҳол ёнимдаги бўш стулга таклиф қилдим. Афғонистоннинг Маймана вилоятидан Тошкентга ўқигани келган бу афғон ўзбеги ажиб бир мулозамат билан ҳол сўради:

— Қалай, хўшмисиз, домулло? Бугун ташқарида кўрмадик...

Дарҳақиқат, бугун тобим унча келишмаганидан ташқарига чиқмаган эдим. Шуни айтдим.

— Энди хўшмисиз, домулло?

— Шукр, тузукман. Ҳа, дарвоқе, Саидназархон қалайлар, тузукмилар?

— Худога шукр, тузуклар.

— Ўзингиз-чи?

Абдуманнонхон ёқимлигина қилиб жилмайди.

— Э-э, мени сўраманг, домулло. Мен, афғон ўзбеклари айтгандай, отдекман.

Бир оз кулишиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирганимиздан кейин Абдуманнонхон хайр-хўшлашиб чиқиб кетди. Мен аста жойимга чўзилдим. Лекин бошим ёстиққа етмай, қўшнимнинг нимжон овозини эшитиб, яна қаддимни кўтардим. У: «Абдуманнон ким, тожикми, тили ғалатироқ», деди. Дарҳақиқат, Абдуманнон шеvasида аранг сезиладиган бир ғалатилик бор эди.

— Йўқ, ўзбек. Фақат афғон ўзбеги, — дедим.

Қўшним жонлангандай бўлди.

— Ҳа, ўзим шунақадир деб ўйловдим-а!

— Нимага?

— Нимага бўларди? Гапидан сезилиб турибди — афғон боласи.

— Қаердан биласиз, Афғонистонда бўлганимисиз?

— Бўлганмиз.

Шу бир оғиз сўздан кейин у яна жим бўлиб қолди. Мен ҳам қўйиб бердим. Лекин гапирмай, гапиролмай ётган бир хастанинг афғон йигитини кўргандан кейин жонланиб кетгани мени ўйлатиб қўйди.

Нимага бунақа бўлди, деб ўзимдан сўрайман-у, жавоб тополмайман. У эса ҳамон жим. Қўшним шу қилиғи билан менга бир жумбоққа ўхшаб туйила бошлади. Тўғри-да, энди одамга ўхшаб ёрилса, ичидагини билсам, қўлимдан келса ёрдам қилсам, дейман. Йўқ, у ҳамон жим.

Бу орада кечки овқат ҳам ўтди. У ҳеч нима демади. Бир оз тамадди қилинг, десам ҳам кўнмади. Ҳассамни энди қўлимга олиб ташқарига чиқиб кетаман деб. турувдимки, у ўзидан ўзи гапириб қолди. Юзида унга ҳеч ярашмаган бегона бир табассум бор эди.

— Келинг, биродар, бир танишиб қўяйлик, — деди.

— Жоним билан, тақсир! Танишишга нима етсин, — дедим қўшнимнинг ёрилганига қувониб. Дарров ўзимни таништирдим. У киши: «Ҳа, ўзимиз қатори одам экансиз», дегандай қилиб, калласини сараклаб қўйди. Лекин нима учундир ўзини таништиришга шошмади. Бирикки ўнтаб, ичида алланарсалар деди. Овози чиқмагани учун гапини уқмадим. Кейин, бирон ери қаттиқ оғриётувдими ё айтмоқчи бўлган гапи оғирмиди, қаттиқ ижирғанди. Шу тариқа яна ўртага сукунат чўкди.

— Бугун анча тузуксиз, оқсоқол! — дедим кўнглини кўтариш учун.

— Тузукдекман, шукр... Лекигин...

— Тузукман, деяверинг, тақсир тузук бўлиб кетасиз.

— Айтганингиз келсин!

— Келади, тақсир, келади, кўнглингиз тўқ бўлаверсин.

Умид одамни не қўйларга солмайди. Тузалиб кетишга умид тугилди шекилли, бирдан чеҳраси очилиб, ўзидан ўзи гапга тушди:

— Ҳалиги... ҳаҳ, эсим қурсин! Қариганингдан кейин эс ҳам кирди-чиқди бўлиб қолар экан. Сизга шу топда бир нарса айтаман деб турувдим, қаранг-а, хаёлимдан кўтарилибди! Шошманг-шошманг, топдим. Кеча ўзингизни таништирдигиз-а? Ҳа, баракалла, таништирдигиз. Энди мени ҳам таниб қўйинг. Мен асл афғонистонликман. Маймана вилоятида Андхўй деган шаҳар бор. Мен ана ўша жаннатмакон шаҳарданман. Сиз ўзингизни Андижоннинг Булоқбоши деган қишлоғиданман дедингиз. Шундоғми?

— Ҳа, тақсир! Шундай ажойиб қишлоқ булоқларидан сув ичиб катта бўлганман. Булоқбошининг Отбозори деган даҳасида униб ўсганман.

— Мен сизнинг ўша Булоқбошингизда ҳам бўлганман.

— О, бундай гўзал қишлоқ оламда йўқ! Исмига яраша жисмида. Дунёда булоқдек тоза, булоқдек покиза нарса борми, тақсир! Яна шундай тоза, ана шундай пок булоқ бошида турган қишлоғ-а! Унинг одамларини, Жўра полвон сингарни доврўғи дoston полвонларни айтмайсизми?

Қишлоғимдан гап кетганда ҳамиша вужудимни қамрайдиган фахр, бахт-муҳаббат туйғуси мени ўз бағрига олади. Мен ичимга сиғмай азиз Булоқбошим мадҳини ўқир, энг нозик, энг самимий сўзлар билан мақтовини тўқир эдим.

— Ҳа, ҳозир шунақа, — деди қўшним аста бошини кўтариб. — Мен борган маҳалларда... Э, қўйинг, мен айтмай, сиз куйманг. У вақтлар босмачилар ваҳшатидан ҳайрон бўлиб, култепага айланиб қолган бир хароба эди.

Босмачи деганини эшитиб ҳайрон бўлдим. Менга «Босмачилар сафида борганимда» дегандай бўлиб эшитилди. Ярқ этиб юзига қарадим. У хотиржам эди.

— Ҳа, ҳа, ажабланманг! Мен қишлоғингизга меҳмон бўлиб эмас, босмачи бўлиб борганман.

Мен нест бўлиб қолдим. Кўзларим чаноғидан чиқиб, олайиб кетди чамамда. Узоқ ўтмишнинг даҳшатли ваҳшати кўз ўнгимга келди. У далғовли кунларда мен кўча чангитиб юрган ёш бола эдим.

Босмачилар келганда қочадиган жой тополмай ўзимизни ҳар ёққа урар, биримиз хандаққа, биримиз зовурга ташлаб, кўпчилигимиз томларга қочиб чиқиб нажот излар эдик. Босмачилар дастидан вайрон бўлмаган қишлоқ, босмачилар ваҳшатидан қурбон бўлмаган гуноҳсизлар қолмаган эди. Мана, тупроқ чангитиб юрган хор-зор болалик чоғларим ўтиб, ёшим ҳам етмишга етиб қолган касалванд кунимда шу одамнинг бир оғиз сўзи билан ўша ёмон кунлар яна кўз олдимга келди. Хотира даҳшати юрагимга чанг солиб тургани устига хайрият афғон студентлари кириб қолишди. Ўзимни босиб, уларни одатдагича ширин сўз билан кутиб олдим:

— Э, келинлар, азизларим! Келинг, Саидназархон! Келинг, Абдуманнонхон!

— Хўшмисиз, домулло!— деб дарров Саидназархон ҳол сўради. Кейин қўшнимга юзланди. — Сиз қалайсиз, отахон?

— Раҳмат, болаларим, минг раҳмат, тузукман, — деди қўшним, ётган еридан андак қўзғалиб. Кейин, йигитлар ўтиришгач, юзига фотиҳа тортиб қолиб кетган гапини давом эттирди. — Асли отим Саид аъзамхон бўлса ҳам, таниш-билишларим Саид ака дейишади. Отам раҳматликларнинг исм-шарифлари Саидрасулхон. Кўриб турибсизлар, худо бизга хонлик тахтини бермаган бўлса ҳам, хафа бўлишмасин, деб отларимизга хон сўзини тиркаб қўйишибди. Шунисига ҳам шукр. Буёқларга эса босмачилик сабаб бўлиб келиб қолганман.

Афғон йигитлар чеҳрасида мароқ ўти чақнаб кетди. Мен ҳам ўзимни ушлаёлмай, келиб қолиш сабабларини айтиб беришларини рад қилиб бўлмайдиган бир ўтинч билан сўрадим. У киши рад қилмадилар-у пайсалга солдилар:

— Ҳозир эмас, мавруди келади — айтиб бераман. Ўшанда ҳам сизга эмас, манави қоракўз афғон болаларига, булар орқали ҳамма афғон халқига айтиб бераман. Зора гапимнинг мағзини чақиб, ўзларига нафли бир хулоса чиқариб олишса, — деди чол анча тетикланиб.

Ана шундан кейин биз Саид ака ваъда қилган «мавруд»ни кута бошладик. Учи чиқарилган қизиқ нарса ҳамма вақт одамларни бе-сабр қилиб қўяди. Биз ҳам Саид аканинг оғзини эрта-кеч пойлар эдик. Шу тариқа орадан ропца-роса йигирма кун ўтди. Саид акадан ун чиқмайди — ҳамон жим. Ахир бир кун сабр косам тўлиб: «Ҳо бирдаги гапингизни айтмадингиз-ку, тақсир!» — десам, аввалига талмовсираб турди, кейин эсига тушди шекилли: «Ҳа-я, Булоқбошингизга борганимни эшитасиз-да? Айтаман, эсимда, фақат бир оз ўнгланиб олай, кейин», деди.

Демак, айтадиган гапини ҳозир соғлиғи кўтармайди. Демак, бошидан ўтган, кўрган-билганларини яна бир бор айтиш, эслаш — ўша даҳшатли дамларни яна бир бор бошдан кечиришдек оғир, даҳшат экан-да! Шу боисдан индамай келаётган экан-да! Аввал Саид ака ваъда қилган «мавруд»ни кутган бўлсак, энди «бир оз ўнгланиб олиши»ни кута бошладик. Хайрият, бизни интизор қилган у кун ҳам келди. Саид ака анча тетиклашиб қолгач, бизни касалхона боғига таклиф этди. Азим дарахтлар салқинидаги бу оромижон даргоҳ дардларга даводек. Ҳар ер-ҳар ерга атлас кўрпачалар, момиқ ёстиқлар билан андозланган темир каравотлар қўйилибди. Каравот ўртасида оппоқ дастурхон ёпиғлиқ ихчамгина хонтахта. Саид ака пар ёстиқдан бирини биқинига тортиб ёнбошлади. Кейин, афғон йигитларидан кўра кўпроқ менга тегизиб, таъкидлади:

— Тарки одат амри маҳол, дейишади. Камина ҳам шу қусурдан ҳоли эмас. Гаприб турганимда луқма ташлашса, гапимни йўқотиб қўяман. Хўпми?

Биз, албатта, хўп дедик. Шундан кейин ҳам Саид ака ўзини бо-зорга солаётгандек анча тамшаниб ўтирди. Кейин оғир хўрсиниб гап бошлади:

— Ҳар қандай қишлоқда битта-иккита бой, савдогар, амалдор

бўлади. Бизнинг Андхўйимиз ҳам бою боёнлардан ҳоли эмас эди. Теварак-атрофимиздаги энг обод, энг ҳосилдор боғу чаман ерлар Зуннунбой деган бир юхо қўлида эди. Менинг отам раҳматлик ҳам, амакиларим ҳам, борингки, ўзим ҳам ўша балохўр қўлида коранда бўлиб ишлардик. Умримиз йўқчиликда ўтди-я! Бир маҳал дув-дув гап тарқалиб қолди-ю! Нимамаймиш денг! Туркистонда кофирлар бош кўтарганмиш! Дини ислом оёқ ости қилинганмиш! Туркистонни босиб, энди буёққа — Афғонистонга ҳам келаётган эмиш! Мусулмонларни битта қўймай қириб ташлаётганмиш! Тезроқ бу балойи азим йўлини тўсмасак, эртага бу ёққа келиб, бизни ҳам қириб ташлашармиш!» деган ваҳимали гаплар тарқалди. Уламолар, бойлар фуқарони тўплаб: «Кимда-ким худони деса, исломни деса, кофирлар оёғи остида қул бўлиб ўтмайин деса — банияти жиҳод, отлансин! Мана от, мана пул, мана қилич, мана туфанг!» дейишди. Мен, от берамиз, дейишганини эшитиб, шошиб қолдим. Ана холос, бир тийин устида етти юмаланадиган бойларки от, пул, туфанг ваъда қилишаётган бўлса, аҳвол чиндан ҳам чатоқ экан-да! Бу ғазавот эди. Ғазавот эса ўлиш, ўлдириш деган сўз. Нима қилай: борайми-йўқми? Лекин мени ўлимдан ҳам зўроқ нарса қизиқтирарди. Бу — от! Етти пушти от кўрмай ўтган бир камбағал текин отдан воз кечганми ҳеч? Йўқ, мен ҳеч кечмайман отдан!

Шу ернинг ўзида қўлимга туфанг, тагимга от, чўнтагимга пул беришди. Кимлар берди дейсизми? Кимлар бўларди?! Уша Зуннунбой, қози калон, мингбоши, булар орқасида гиз-гизлаб турган инглиз пулислари-да! Қайдам, камбағаллик алами бўлдимиз ё нодонлик қадами, юзта йигитга қўшилиб, босмачилар дастидан фиғони кўкка чиқаётган ситамдийда қўшни мамлакатга, яъни мазлум Туркистонга босмачи тўпчиғида кириб бордим. Оҳ, қани энди ўша маҳал шу ярамаслигининг маъносига тушунган бўлсам! Мен тагимда гижинглаб турган отга-ю, қўлимда ярқираб турган милтиққа маҳлиё бўлиб, қилаётган ишимнинг қабиҳлигини ўйламабман...

Шу ерга келганда Саид ака чуқур хўрсиниб, уҳ тортиб қўйди. Пушаймондан йни ёнаётган эди шекилли, ўзини босиб олиш учун бир неча дақиқа жим ўтирди. Биз ҳам Саид ака чекаётган изтиробга шерикдек, эзгин эдик. Бир маҳал Саид ака бошини аста кўтариб, ҳикоясини давом эттирди.

— У маҳаллар ўлгудек нодон эканмиз. Инқилоб душманлари бизларни йўлдан уриш учун: «Кофирлар эрта-индин бизнинг юртимизга ҳам бостириб келишади! Ана ундан кейин уй-жойингдан, хонадонингдан айриласан! Эсинг борида юхолар йўлини тўс, калласини кес! Акс ҳолда кофирлар ҳамма нарсангни тортиб олади, ҳатто хотинларинг ҳам, емак-ичмак ҳам ўртада бўлади. Болалар оталари кимлигини билишмайди. Ҳой, мусулмонлар, кўзларингни оч!» деб аюҳаннос солишса, биз гўллар ишонибмиз-да! Одам боласи бир иш қилишдан олдин у ишнинг оқибатини яхшилаб ўйлаб, кейин бир қарорга келиши керак эди-ку! Яхшилаб ўйлаб, одамга ярашган бир инсоф билан иш тутганимизда, ўзимизга ўхшаш жаҳолатдан, зулм-истибдоддан қон қусиб ётган қўшни мамлакат халқи устига душманлар тутқазган қуролни кўтариб борармидик! Йўқ, албатта! Аксинча, бошқа бегуноҳларга қазиган чуқурларига у ғаламисларнинг ўзларини қулатиш, берган қуроллари билан уларнинг ўзларини қийратиш керак эди. Афсус, минг афсус, у маҳаллар бунга ақлим етмаган. Хайр, бўлар иш бўлди. Дастлаб, қилаётган ишларимнинг маъносига бормай гўл бўлиб юравердим. Йўқ, хайрият, бир кун келиб кўзим очилди. Кеч бўлса ҳам, ҳар қалай очилди-да. Шунисигаям шукр!

Саид ака шу ерда бир нимадан миннатдор бўлган одамдек чеҳрасига ҳушнудлик нури югурди. Лекин бу ҳушнудлик узоқ бормади. Унинг ўрнини яна дилхунлик аломати олди.

— Биз Шўро ерига ҳозирги Туркманистоннинг Карки деган шаҳри яқинидан ўтдик. У ер аллақачон босмачилар қўлида экан. Кўп

турмай у ердан Бухоро томон юриш қилдик. Ур-йиқит, ўлдир, куй-дир, ўт қўй, тала билан банд бўлдик. Саргардонликнинг энг даҳшатлиси ана ўша ердан бошланди. На вақтида овқат бор ва на ҳаловат. Жонимдан тўйиб кетдим. Хор-зор бўлсам ҳам ўзимнинг Афғонистонимда этагимни босиб ўтирсам бўлмас эканми, деб пушаймонлик ўтида ёнаман. Гоҳи маҳаллар куфурга кетиб: «биронта дайди ўқ келиб тегса-ю, бу дўзах азобидан қутулсам!» деб худога нола қиламан. Қўлимизда инглиз туфанги, тагимизда бой тўпичоғи, чўнтагимизда яна инглиз стрелниги-ю, аҳволимиз ит ётиш — мирза туриш! Ҳаммамиз қип-қизил ўғри, талончи, босмачи, ўт қўювчимиз. Хайр, ўзимиз расво бўлишга бўлдик, лекин халққа етказётган жабру жафоларимиз гуноҳи кимга? Бошқалар буюргани билан қилаётган ўзимиз бўлганимиздан кейин ҳамма гуноҳ бизнинг гарданамизда. Бешафқат ўлдирилган гуноҳсиз қари-қартанглар, ёш-яланглар, мурғак болалар қони ҳам ўлдир, кес, тала деб бизни юборганлар бўйнидагина эмас, бу ваҳшиёна буйруққа кўр-кўронасига амал қилган биз нодонларнинг бўйнидаги кечирилмас гуноҳ! Э, лаънат, минг лаънат, бунақа таши ялтироғу, ичи қалтироқ ислом ҳомийлигига! Афғон бойининг отига, инглиз тўрасининг қутқусига, инқилоб душманларининг ифвосига лаққа тушганим бир марта алам қилса, беғуноҳ одамларни ўлдириб, уй-жойларини ёндириб, хонавайрон қилиб келаётганлар қаторида бадном бўлиб юрганим минг марта алам қила бошлади. Босмачи лаънатларни кўришга кўзим, ёруғ дунёда бош кўтариб юришга юзим қолмади! Бу орада Туркистоннинг жуда ичкарасига кириб, бояқиш халққа етказётган жабру зулми билан қора ном чиқарган итвачча Кўршермат, Эргаш, Холхўжа сингари каллакесарларнинг тўпига келиб қўшилдик. Бу каллакесарларнинг қайсиниси кўпроқ баттарин эди, бунисини айтиб беролмайман — ҳаммаси ҳам бир-биридан баттар, ҳаммаси ҳам бечора халқ бошига битган бало эди. Хўжаобод, Булоқбоши, Ширмонбулоқ, Аравон, Асака, Андижон, Уш атрофида изғишиб юрган оч бўрилар эди бу дўзахилар!

Саид ака ҳозир бизнинг кунларда эмас, яна босмачилар галаси давр сурган ёмон кунларда экандек ёниб кетди. Ичидан ҳаяжон дуди гупириб чиқарди. Ҳатто ёнбошлаб ётган еридан туриб ўтириб ҳам олди. Ҳаяжони зўридан вужуди қалтирарди. Ўзини босиш учунми, кетма-кет икки пиёла чой ҳам ичди. Ана шундагина бир оз ўзига келди. Биз эсак, писандамизга риюя қилиб, чурқ этмай ўтирар эдик. Саид ака бўшаган пиёласини хонтахта устига қўйиб, яна гапини аста давом эттирди:

— Боя айтдим, босмачиликка қўшилган дастлабки кунларимда қилаётган номаъқулчилигимнинг фарқига унча бормас эдим. Кейин кунлар ўтган сайин, ваҳшийлар даҳшатини кўра-кўра кўзим очилаборди-ю, ўзимни зоғлар галасига қўшилиб қолган бебахт кабутарга ўхшатадиган бўлдим. Назаримда, ичимда бир нарса бош кўтариб, нуқул мени қораларди. «Бир бечора халқ ўз душманлари дастидан қон қақшаб ётса-ю, сенлар яна бу бечоралар устига бостириб кириб, дардига дард, аламига алам қўшсанг, ўлдирсанг, ёндирсанг! Бу қанақа виждонсизлик! Ахир сенлар ўлдирётган бечора чоллар орасида отангга ўхшаганлари, муштипар кампирлар орасида онангга ўхшаганлари бор-а!» деб таъна қилаётгандек бўларди. Айниқса Холхўжа қўрбошининг йиртқичлиги жонимни ҳалқумимга келтирди. Ушлик машҳур маърифатпарвар Мирза Фозил ҳожини сўйдирганда сабр косам тўлди. Ичимда босиб бўлмайдиган бир ғалаён турди. Халқ бу шум хабарни эшитиб, дув-дув йиғлади. Лекин у лаънати қонхўрга қарши қўл кўтаролмади. Аслида Мирза Фозил ҳожи нима гуноҳ қилибдики, қонхўр қўрбоши у бояқишнинг калласини олдиради? Қаранг, ҳожи камбағал халқни ҳақ йўлга чорлаб, босмачиларни қоралаган. Бу гап Холхўжанинг қулоғига етди-ю, туттириб келиб, сўроқ қилди. Ҳожи ҳеч тап тортмасдан кўнглидаги гапни очиқ айтди: «Сен ўғрисан, одамхўрсан, босмачисан, қилмишинг бечора халқни талаш,

уй-жойнга ўт қўйиш, молини талаш!» деди. «Сен дини исломни ҳимоя қилаяпман, кофирларга ўлат келтиряпман, деб кекирдагингни чўзасан-у, аслида сен худо урган бир қиморбозсан, тўнғизсан! Минг лаънат сенга!» деди. Мен ҳам ўша ерда эдим, ҳамма гапни эшитиб ўтирдим. Ҳожи халқ манфаати йўлида ҳеч кимдан, ҳеч нимадан қўрқмайдиган кўп довиюрак одам экан! Айтар гапини айтиб бўлгандан кейин Холхўжанинг юзига туфлаётгандек қилиб қичқирди:

— Халқни тинч қўй, ўғри!

Холхўжа бунақа лаънатларни эшита-эшита бети қотиб қолган эканми, заррача парво қилмади. Бошини хиёл кўтариб ҳожига қаради-ю:

— Тагин қанақа вайсағинг бор? Гапир, қўрқма, — деди.

— Сатқан одам кет! Гапни уққанга гапирадилар. Сен одамминдингни, гап уқсанг! Сен одаммассан! Ҳайвонсан! Қонхўр йиртқичсан! Холхўжа шунча ҳақоратдан кейин ҳам бақириб-ўқирмади, фақат нарироқда қон ҳидини сезиб қўл қовуштириб турган жаллодига мўйлов қилди:

— Обор, эллиқбоши қилиб қўй!

Босмачилар таъбирида бу ибора «каласини ол» дегани эканини ҳожи тушумасмиди ё эл-юрт душмани олдида ўзини ерга уришни муносиб кўрмадими, ўлимдан қўрқмай, дадил турди. Шундай қилиб, маърифатпарварлиги билан, халқ табобатидан камёб ишлари билан жафокаш юртдошларига, айниқса бева-бечоралар жонига оро бўлиб келган бир улуғ инсон босмачи қўлида қурбон бўлди.

Саид аканинг сўнгги сўзлари йиғи аралаш чиқди. Тўртгаламиз мисоли мотам сукутда жим бўлиб қолдик. Ҳеч биримизнинг гапиришга, бош кўтариб бир-биримизга қарашга мажолимиз йўқ эди. Кўз ўнгимизда Мирза Фозил ҳожининг табаррук қони тирқираб оқарди.

Алла маҳалдан кейин Саид ака ўлимтик товуш билан сўзини давом эттирди.

— Мен босмачилар галасида юриб кўп ўлимларни, бегуноҳ ўлдирилганларни кўрувдим-у, лекин Ҳожи ота қатлига чидаб туролмадим. Ўз умрини жафокаш халқига тикиб, ҳаётининг маъносини шунда деб билган инсон ўлими катта фожиа бўлар экан. Қўйингчи, катта ҳам, кичик ҳам йиғлади-да! Мен нима, Афғонистондан чалғиб келиб қолган битта босмачи йигитман. Мен ҳам йиғладим-да. Хоҳ ишонинглар, хоҳ ишонманглар, раҳматликнинг ҳовури чиқиб, тирқираб оқиб турган табаррук қони мана олтмиш йилдан кейин ҳам шу топда оқаётгандек кўз ўнгимда!

Орага яна эзгин сукунат тушди. Саид ака кўзларини юмиб, хаёлгами, изтиробгами берилиб кетди. Орадан анча фурсат ўтказиб, Абдуманнонхон пиёлага янги чой қўйиб узатди:

— Чой ичинг, отахон.

Саид ака чиндан ҳам изтироб қаърида экан шекилли, чой таклиф қилган овозни эшитиб, чўчиб тушди. Дарров кўзларини очиб пиёлани олди, ундан бир-икки хўплаб яна бошини солинтириб олди. Кўзларини юмиб олиб нималарнидир ўйлар, ичида қандайдир кураш кетяпти-ю, шуни ҳал қилиш йўлини излар эди, гўё. Бир маҳал бошини дадил кўтарди-ю, кўзларини баралла очиб:

— Келинглар, яхшиси лаънати босмачилардан қандай қутулганимни айтиб берай, — деди. Кейин катта ҳикоясининг бу фаслига ўтди:

— Одам боласи шаънига иснод, жуда катта иснод ҳисобланган Ўшдаги мудҳиш қатл эсимга тушса, нимага ўшанда юрагим ёрилиб кетмаган экан-а, деб ҳайрон бўламан. Хўп, юрагим-ку, ёрилмапти, бу менинг омадим, хўп, қўлимда инглиз милтиғи бор эди-ю! Нимага шу милтиқ билан лаънати қўрбошини отиб ташламадим?! Нимага отиб ташламадим-а?! Жавоб битта — у маҳаллар каллакесарлар муҳитида кўзим кўр бўлиб, оқ қоранинг фарқига бормаидиган басир бўлиб қолган бўлсам керак-да! Сизлар гапимни эшитиб, топган баҳонасини



қара, ўзини оқламоқчи, деб ўйларсизлар. Йўқ, бундай қора ўтмишни оқлайдиган баҳона йўқ дунёда. Бу умрбод ювилмайдиган доғ, ҳа, катта доғ! Шўро ҳукумати олижаноблик қилиб гуноҳимни кечган бўлса ҳамки, мен ўзим кечганим йўқ. Кечолмайман ҳам! Нима учун кечолмайман? Шунинг учунки, тавқи лаънат қорани юзимга ўзим сурттирдим. Мен бойнинг отига, ғаламисларнинг пулига учмасам, ўша қабоҳатга яқин юрмасам юзим ёруғ, дилим форуғ бўларди. Халқимизда матал бор-а: «Қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг балоси юқар», дейди. Бу қоранг ўчкур қорани ювиш учун кейин кўп хизмат қилдим-у, лекин бари бир, виждоним ҳалиям азобда!

«Бутун умрингизни виждон азобида қўйиб, қабиҳлар орасида бадном бўлиб ўтказгунча юртингизга қайтиб кетсангиз бўлмасмиди?» дерсиз. Тўғри, қочиб кетсам бўларди. Ихтиёр ўзимда бўлса-ю билган ишимни қилардим-а! Ўзимизнинг каттақонимиз бор эди. У қўярмиди кетишимга. Бундан ташқари, бутун вужудимни оловдек ёндириб турган бошқа бир истак йўлимни тўсди. Бу — қасос истаги эди! Бўйи бир қарич, соқоли минг қарич понсодимиз бўлар эди. Одам ўлдирмаса туролмасди ўлакса! Бир куни намозшом пайтида шўро ташвиқотчисини тутиб келишди. Ўлакса уни роса исканжага олиб тергов қилди. У деса бу деди, бу деса у деди, хуллас, ўлдириш пайига тушиб қолди. Бу қилиғи совуқ ўлжасини отмай, нуқул тоғ учуримидан жарга қулатиб ўлдиришни яхши кўрарди. Тавба, ўқни аярмиди ё қийналиб ўлсин дермиди — билмайман. Ҳалиги бояқишни ҳам бир

маҳал учиримга қараб судраб қолди-ю! У ҳам дарров бўйнини тутиб берадиган анойилардан эмас экан, йўл четида турган каттакон харсангга ёпишиб олди. Понсод уринди, бўлмади — судраёлмади. Кўк терга пишиб, ҳолдан тойди. Мен дарров олдинга чиқиб: «Хўжайин, менга қўйиб беринг, мен судрай», дедим. У дарров кўнақолди. Мен пайт пойлаб туриб йигитга бир кўзимни қисиб қўйдим. Хўшёр йигит экан, ишорамга дарров тушунди. Энди бояғидай тураниб олмай, қаршилигини анча бўшаштирди. Олдинда понсод борди, ўртада ташвиқотчи, орқада мен бордим. Мўлжалга етай деганимизда нима ҳам бўлди-ю, понсод тошга қоқилиб, йиқилиб кетди. «Воҳ!» дедим ичимда қувониб. Ахир мен саргайиб кутган лаҳза келган эди-да! Югуриб бордим-у, турғизиб қўймоқчи бўлган кишидек, понсодни икки биқинидан маҳкам ушлаб даст кўтардим-да, ёнгинамдаги жарга зарб билан улоқтирдим. У дод деганича қулаб кетди. Неча вақтлардан бери мени зимдан эзиб келаётган виждон азоби заптани бир оз бўшаштиргандек бўлди. Суюнганимдан ўзимни тугулмай овозимнинг бори ча қичқирдим. Овозим тўлқини оғир тоғни ларзага келтирди. Бир неча лаҳзагача акс садо давом этиб, баланд тоғни, мусаффо ҳавони бахт шодиёнасига тўлдирди. Йигит ванг бўлиб менга тикилиб турарди. Назаримда, нима учун мени эмас, уни учиримга улоқтирди, деб ўйлар, ўзининг ҳам улоқтирилишини кутиб ваҳм еяр эди. Менга худди шундай туюлгани учун қўлимдаги инглиз туфангини жарга улоқтириб, у томон югурдим. Нест бўлиб турган йигитни келиб маҳкам кучоқладим. Нуқул: «Халоскорим! Халоскорим!» деб ёпишар, юзкўзларидан ўпишга интилар эдим. Бу қилиғимдан кейин у ўзини бутунлай йўқотиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, унинг ваҳмида мантиқ бор эди. Ахир ўлим сиртмоғида турган у эди-ку. Агар у аниқ ўлимдан қутулиб қолган бўлса, менинг шарофатим билан қутулган. Шу учун халоскор у эмас, мен бўлишим керак. Аммо бу воқеа тагидаги маънога у тушунмас, тушуна ҳам олмас эди. Мен буни ётиғи билан тушунтирдим. «Ҳозиргина лаънати понсодимизни жарга улоқтирдим — кўрдингиз. Лекин нимага улоқтирдим — бунисини билмайсиз. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, юздан ортиқ беғуноҳнинг ёстиғини қурутди бу лаънати. Унинг қўлида қурбон бўлганларнинг биронтасида қилчалик гуноҳ бўлса нон урсин! Бундай қонхўрнинг одамзод орасида юришининг ўзи, яъни орамизда юришига қўйиб беришнинг ўзи биз учун, одамзод учун катта иснод. Бунақа расвои жаҳонни кўрган жойида ўлдирганнинг гуноҳи бўлмайди, савобга қолади. Шу ишни мен қиламан деган орзуда эдим. Мана шу эзгу орзуимга сиз сабаб эришдингиз. Шу боисдан ҳам сиз менинг халоскоримсиз!» дедим.

Ташвиқотчининг қони қочиб, бўзрайиб кетган юзига қизиллик югурди. Кейин, зум ўтмай, жилмайди.

— Бундан чиқди, сиз мени қутқаздингиз деб қувонсам, мен ҳам сизни қутқазибман-да? Ана холос! — у шундай деди-ю, дадил келиб мени кучоқлади. Нафасидан уфуриб турган ўтли ҳарорат, севинчи ичига сиғмаган бахтли одам оғзидан чиқадиган пойма-пой сўзлар унинг чинакам бахтиёр эканига жонли далил эди.

— Мен ҳам сиз билан кетаман, гап битта, — дедим дадил туриб. — Хоҳласангиз банди қилиб олиб кетинг, хоҳласангиз ҳамроҳ қилиб. Унисига ҳам, бунисига ҳам розиман. Саргардонлик жонимга тегар бўлса тегиб бўлди! Манови ерга келди! — дедим бўғзимга қўлим билан ишора қилиб.

У иккиланмасдан гапимга ишонди. Босмачиларнинг куни битганини охири нафаслари ҳалқумларига келиб қолганини у яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам юзимга бир жилмайиб боқди-ю, юр, кетдик, деди. Йўлакай бир-биримизга навбат бермай сўзлашиб кетдик. Одамни қувонч шунақа сергап қилиб қўяр эканми, жуда кўп гапирдим. У ҳам мандан қарздор бўлиб қолмади. Қимлигини, қаерлик эканини айтди. Асли андижонлик Мадамин хўжа деган йигит экан. Отаси тараққийпарвар зиёлилардан экан, ўзим ҳали бўйдоқман, дей-

ди. Ёши йигирма иккидамиш. Ақли бутун, анча доно йигит экан. Оғзидан беўрин гап чиқмайди. Қаранг, халқ тўғрисида, халқ тортиб келаётган жабру жафо тўғрисида шундай гап қилдики, шундоғла оғзим очилди-қолди. «Халқ, халқ деймиз-у, кўпимиз бу сўз тагидаги маънога унча эътибор қилмаймиз,— деди.— Аслида халқ — сиз-у биздан, ота-оналаримиздан, ака-укаларимиздан, опа-сингилларимиздан, қариндош-уруғларимиздан, ошна-оғайниларимиздан, қисқаси сиз-у бизга ўхшаган одамлардан иборат бир йиғинди холос, — деди. Шунинг учун одам боласи топадиган шахсий бахт халқ бахти орқали топилгандагина умри боқий бахт бўлади! — деди. — Сизлар бўлсаларингиз шу азизу мўътабар халққа қирон келтириб юрибсизлар! Бас энди бечора халққа шунча жабр қилганларингиз!»— деди ғазоби қайнаб.

— Тўғри айтасиз, бас қилиш керак! Мана мен сизнинг шарофатингиз билан бас қилдим. Мени каттаконларингиз олдига бошлаб боринг. Тавба-тазаруғимни қилай, маъзур кўришса — хайр; йўқ, гуноҳингни кечирмаймиз дейишса, майли, жазоимни беришсин — бунга ҳам розиман. Халқимизда гап бору: «Эгилган бошни қилич кесмас», деган. Менки бошимни эгиб боряпман, шўролар жудайла бошимни кесивормас, — дедим.

— Йўқ, нимага бошингизни кесар экан? Бошингиз ўзингизга буюрсин. Шўролар ҳукуматининг: «Босмачилар билан алоқасини узиб, Шўролар томонга ўтган одамлар жазоланмасин», дейилган қарори бор. Шунақа, асти, қўрқманг, — деди.

— Гап қўрқишда эмас, биродар. Мен ҳозир сизга нимаки деган ё деяётган бўлсам, бу гаплар шу топда миямга келган гаплар эмас. Кейинги вақтларда кўзим очилиб, хато йўлда эканимни англай бошлаганим оқибатида кўнглимда йиғилиб қолган гапларни айтаяпман. Шунақа, биродар, мени икки оғиз тарғибот билан дарров ўзгартириб олдим, деб ўйламанг. Сиз фақат ярамга малҳам бўляпсиз. Ҳар ким яхшилик қилса ҳам, ёмонлик қилса ҳам, энг аввал ўзига қилади. Яхшиликнинг шарофати ҳам, ёмонликнинг касофати ҳам, энг аввал, ўзига тегади. Мен сизнинг халқингизга ёмонлик қилдим босмачи бўлиб келиб; сиз менга яхшилик қилинг, мени бирга олиб кетиб. Мен агар хоҳласам, Афғонистонга шу ердан йўл топиб кетаман — Қашқар узоқ эмас бу ердан. Лекин унда мен сабил жонимни деб босмачиликдан воз кечган бўламан. Йўқ, ундоғ эмас. Мен босмачилар қаторида юриб гуноҳсизларни ўлдирдимми-ўлдирмадимми, бари бир, улар билан бир косадан ош ичдимми, бўлди — мен ҳам баб-баравар жавобгарман. Иш бундоғ бўлгандан кейин индамасдан тўрига чиқиб олмай, пастда туриб хизмат қилишим, лаънати босмачилар уруғи қуригунча сизлар сафингизда туриб-курашишим керак. Ҳа, танамда жон бор экан, курашишим, гуноҳимни шу йўл билан, фақат шу йўл билан ювишим керак. — Шундай дедим-у, кулимсираб сўрадим: — Шундай қилсам бўлармиқин?

Ҳақиқатан ҳам, менинг бу гапларим ҳозир кўнглимга келган ё уни чалғитиш учун ўйлаб чиқарган гапларим эмас, кўп вақтлардан бери кўнглимда йиғилиб қолган виждон тавбаси эди. У дарров қароримни қувватлади:

— Гапингизга юз фоиз қўшиламан. Гуноҳ қилган киши «кечира-сиз» деган бир оғиз қуруқ сўз билан гуноҳидан фориг бўлиб кетолмайди — бу мумкин эмас. Гуноҳдан қутулишнинг бирдан-бир йўли ўша сиз айтган иш билан, хизмат билан ювиш.

— Ҳа, баракалла. Мен ҳам худди шундоғ деб ўйлайман. Ҳа-да, одам боласи энг аввал ақл майлига, виждон амрига қулоқ солса, номаъқулчилик қилиб қўйиб, менга ўхшаб эзилиб юрмайди. Жони ширинлик қияпти, деб ўйлаб юрманг тагин. Тўғри, ҳамманинг жони ўзига ширин. Эл қатори меники ҳам. Лекин одам боласи ширин туйилган жони учун эмас, виждони учун, ножўя иш қилиб қўйиб виждонини азобда қолдирмаслик учун ҳақ йўлдан бориши керак экан.

Мен буни англамабман. Шунақа, Мадаминжон, мен ахир бир кун қўлга тушиб ўлим жазосига йўлиқшимдан қўрқаётганим учун эмас, йўқ-йўқ, ҳечам бунинг учун эмас, адашганимни англаганим, ёмон йўлга кириб қолганимдан астойдил пушаймонда эканим учун сизларнинг катталарингиз олдига тавба қилиб бораман. Сиз олиб кетсангиз ҳам бораман, ташлаб кетсангиз ҳам бораман. Мен учун бўлак йўл йўқ! Етар билмай босган тикан заҳрини шунчалар ютиш!

У мени каттагина бир қишлоққа бошлаб келиб, терговхонага олиб кирди. Бу жонивор «уй» шунчалар харобки, гуваладан урилган деворининг бир неча жойи тешик, чирик қамиш осилиб ётган шипи ҳам бир неча еридан тешик, одам эмас, мол турган жойнинг ўзи. Бошқа дурустроқ уй топилмаган бўлса керакки, шу харобани тергов идораси қилишибди. Мен бу гапларни ҳозирги кунимиз назаридан қараб гапиряпман. У маҳал бунинг фарқига борибман дейсизми! Хуллас, у мени даҳлизда қолдириб, ўзи ичкари хонага кириб кетди. У ерда камми бир чойнак чой қайнагунча ўтирди. Кейин эшикдан имлаб, мени ичкари олиб кирди. Рўпарада, шалағи чиққан стол орқасида элликлардан ошган хушрўй бир киши ўтирибди. Қўлимни кўксимга қўйиб салом бердим. У калласини аста қимирлатиб алик олган бўлди.

— Мана шу йигит. Ўзлари билан бир гаплашиб кўрасиз-да, ўртоқ начальник, — деб Мадаминжон чиқиб кетди.

Начальник оғир-босиқ, салобатли одам экан. Ҳар бир сўзи, назаримда, ҳам тарозида тортилиб, ҳам газда ўлчаниб чиққандек бир меъёрда.

— Босмачи қаерда пайдо бўлмасин, масалан, Термиздами, Бухородами, Фарғона водийсидами, бари бир, қиладиган иши битта — босқинчилик. Улар халқ бошига битган бало! Лекин ҳар қанча бало бўлганда ҳам эртами-кечми уруғи қуритиладиган заминсиз, илдизи чирик бало! Авваломбор, Шўроларнинг қаҳрамон қизил аскарлари, қолаверса, тинчликпарвар Шўро халқи у босқинчиларни қутуртириб қўймайди. Ҳаммаси бир ёқадан бош чиқариб, эрта-индин кўнпая-кун қилади босмачи аблаҳларни! Мана сиз, эсингизни топиб, бизга тавба-тазарру билан келибсиз. Раҳмат. Аммо сиз тавба қилиб келган биринчи босмачи эмассиз. Сиздан олдин ҳам мингталаб келиб тавба қилишди. Яхши-да! Бундоғ ўйлаб қараганда, сиз ва сизга ўхшаган нодонлар бою боёнларнинг, чет эл жаҳонгирлари-ю, тескари ҳаракатчиларнинг қутқусига қўрбон бўлган авом одамлар. Халқнинг асл душманлари сизлар эмас, сизларни шу бало чоҳига итарганлар. Ана ўшаларга хушёр бўлмоқ керак!

Терговчи худди кўнглимдаги гапларни айтди. Тўғри-да, ўзинг асрлар бўйи бойлар, зодагонлар зулмидан эзилиб келган бир бечора халқнинг фарзанди бўлсанг-у, бояқиш халқнинг не-не машаққатлар билан озод бўлиб, кифтига энди афтоб тега бошлаганда, қўлда қурол билан ҳуррияти йўлини тўссанг! Яна қандай қурол билан денг?! Халқнинг душмани тутқазган ифлос қурол билан-а! Бу қанақаси бўлди?! Бундай гумроҳликка бориш учун одамда калла эмас, қовоқ бўлиши керак! Ҳа, қовоқ!!

Терговчи биз йўл қўйган хатоларни таҳлил қилиб, шундай деди:

— Сизларнинг бу қилмишларингиз, яъни бизнинг юртимизга босмачи бўлиб келганингиз катта жиноят. Жиноят бўлганда ҳам унча-мунча жиноятлардан эмас, энг қаттиғи, энг ашаддийси! Лекин жиноятга кўра-била туриб бориш бошқая, чалғиб бориш бошқа. Жазо ҳам шунга қараб бўлади. Сиз чалғиғанлардансиз. Бунинг устига, сизнинг мушқулингизни осонлаштирадиган бошқа имтиёз ҳам бор. Шўролар ҳукумати босмачилар уя қурган жойларда янги хушхабар эълон қилди: «Кимда-ким босмачиликдан чиқиб, уй-уйига қайтса, ундай одамларнинг гуноҳи кечирилади», деди. Бизнинг ҳукуратимиз ваъдасида қаттиқ туради. Сиз ўз ихтиёрингиз билан босмачиликни ташлаб келибсиз, баракалла, сизни қамаш йўқ, озадсиз. Хоҳласангиз юртингизга, Афғонистонга қайтинг — йўл очиқ, бемалол, ҳатто чега-

рагача ўзимиз элиб қўямиз. Мабодо бошқа тилагингиз бўлса, айта-веринг, қонун доирасида унга ҳам розимиз.

— Е тавба! Мен бу беозор юртга шунча хиёнат қилсаму, яна гуноҳимдан ўтиб туришса! Бу қандай олижаноблик! Шунчалик ҳам хотамтойлик бўладими, а? Хоҳласанг уйингга кет, дейишяпти-я! Э воҳ, менда, мен қурумсоқда бу олижаноблик эвазига нима бор? Сўққа бошим-у ўлакса жонимдан бошқа ҳеч нима! Хор-қалбимга қувонч сиғмадими, хўнграб йиғлаб юбордим. Терговчи ҳам, майли йиғлаб олсин, кўнгли ёзилади, деб ўйлади шекилли, индамай ишини қилаверди. Бир маҳал ўзимга келиб, дадил дедим:

— Йўқ, ҳозирча юртимга кетмайман. Қайтиш учун гуноҳларимни ювишга арзигулик бирон иш қилишим керак ҳали бу ерда.

Терговчи бу қароримни эшитиб таажжубда қолди.

— Яъни? — деди юзимга тикилиб.

— Ахир одам боласи гуноҳлардан ҳоли эмас-ку. Ана шундай пайтда: «Кечирасиз, билмай қилиб қўйибман», деса ҳамма гуноҳидан фориг бўлиб кетадими? Йўқ, менинг фаҳмимча, ҳар қандай гуноҳни қуруқ сўз билан эмас, иш билан, амалда ювиш керак. Шунинг учун ҳам мен сизларнинг олдингидаги гуноҳимни қўлимда қурол билан босмачиларга қарши кураш майдонида ювишим керак. Менинг учун бошқа йўл йўқ. Агар сўзимга, онтимга ишонсаларингиз менга қурол беринглар — очиқ майдонда курашай. Йўқ, гапимга ишонмасаларингиз буюрган ишларингизни қилай.

Терговчи ўйланиб қолди. Чамамда, нима иш буюрсак экан, деб ўйлаган бўлса керак. Бир неча дақиқа индамай ўтиргандан кейин юзимга гамгин боқиб деди:

— Одамзод жаҳолатдан жуда кўп жафо кўриб келади. Босмачилар шундай-да! Мен ўйлайман, ҳатто ишонаман ҳам, агар улар кўзлари очилса, яъни масалан, қилаётган ёвузликлари худо олдида ҳам, бандаси олдида ҳам катта гуноҳ эканлигини тушунса, аминман, чалғиб кириб қолган кўчасида бир зум ҳам қолишмайди.

— Йўқ-йўқ, қолишмайди! Ўзлари зўрға туришибди сузилиб қолган ипдай узиламан деб. Олдиларига борсаму, юрларинг десам, ўлай агар, олдимга тушиб келишади. Ҳа, келишади — имоним комил, — деб эдим, терговчи жилмайиб: «Ҳа, шундай қилайлик», деди. Шундай қилдик. Мен афғон босмачилари олдига қайтиб бориб, тушунтириш-тарғиб қилиш ишларини бошлаб юбордим. Уларнинг ўзлари босмачилик саргардонлиги жонларига тегиб юрган эмасмиди денг, гала-гала бўлиб шўролар томонига ўтаверишди. Лекин бу ёруғ кунга етишимиз осон бўлмади. Шўро кишилари ҳам, Афғонистондан келганлар ҳам қурбонларсиз қутулишмади босмачилик балосидан. Биз Афғонистондан юз суворий бир тўп билан бостириб келган бўлсак, шунча нодондан атиги ўн учта инсон қолди.

Сайд ака шу гапдан кейин узоқ жим бўлиб қолди. Абдуманнон-хон чой қуйиб узатди. У пиёлани олиб, ичидаги чойга тикилиб қолди. Мен бу сафар гап қотмаймиз деган писандамизни бузиб:

— Кейин нима бўлди, оқсоқол? — дедим.

— Кейинми? Кейин ким уйига, ким хоҳлаган томонига кетди. Мен азиз Афғонистонимга босмачи деган тавқи лаънат ном билан қайтишни хоҳламадим. Бу қора доғни шу ерда қолиб ювиш, виждон азобига шу ерда хотима бериш керак эди. Шу тилагимни айтдим. Мени Тошкентга келиб, ишчилар факультетига жойлаб қўйишди. У ерда менга ётоқхона, китоб-дафтар, қалам-қоғоз беришди, борингки, тирикчилигимга ҳам моюна билан қарашиб туришди. Бир-иккита кўлига китоб олиб ўқимаган одамнинг дарров ўқиб кетиши осон бўлмас экан. Аввалига роса қийналдим, кейин хайрият, ишим юришиб кетди. Тақдир экан, шу ерда ўзим билан ўқиб юрган бир тошкентлик қизга уйландим. Қайнатам ўқимйшли киши эди. Мени яхши парвариш қилди. Ишчилар факультетини битирганимдан кейин мени институтга киритиб қўйди, яхшигина ердан иш топиб берди. Яхши одам-

ларнинг садағаси кетсанг арзийди. Қайнатам шарофати билан олий мактабни ҳам битириб олдим. Бу йиллар орасида ўзимиздан кўпайиб, тиниб-тинчиб қолдик. Мана ҳозир уч ўғилу уч қизим бор. Тўнғичим Сабоҳиддин ҳозир бир илмий текшириш институтида профессор, ўртанчаси Омониллохон каттакон бир заводда бош инженер, кенжам Мадаминхон пахтанинг янги, тезпишар навини яратиб, шуҳрат топган олимлардан. Иккита қизим табобат доктори, учинчиси эса муаллима — олий мактабда ўқитади. Невараларимни айтмайсизми — бир-биридан ширин. Худо бирон бандасини жуда-жуда бахтиёр қилса, ўша бандаси мен бўлсам керак. Ҳа худди менинг ўзим. Мана, аллақачон саксонни уриб қўйибману ҳали руҳим тетик — ишлагим, одамларга, халққа наф келтиргим келади. Қайдам, халқ, ватан дарди билан яшаган одам қаримайди, кучдан қолмайди шекилли-да.

Мен самимий миннатдорлик, шукроналик билан Саид аканинг ажин босган кекса юзига сўйиб тикилдим. Олижаноб чолларга хос бир саҳоват нури ёғилиб турарди бу юздан. У киши калласини бир сараклаб, сўзига сўз улаб кетди:

— Кейинги вақтларда босмачилик даври кўз ўнгимдан тез-тез ўтадиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, албатта. Олтмиш йил илгари Шўролар ерида қутурган ғала-ғовурлар мана ҳозир, Афғонистон бою-боёнлар зулмидан энди озод бўлиб, кифтига ҳуррият офтоби тушганда, айнан такрорланаяпти. У вақтлар Афғонистонда инглиз босқинчилари бош бўлиб шўроларга қарши қутқу кўзғатган бўлса, ҳозир Америка ҳарбийлари хитой зиндалари-ю Покистон иғвогарлари бир ёқадан бош чиқариб Афғонистонда тажовуз ўтини ёқиб юбордилар. Мен ўз халқимни яхши биламан, у ҳеч маҳал босқинчиларга, иғвогарларга, сотқинларга бўйин эгмайди. Ўша маҳал инглиз тўраси бизга уқтирган, қулоғимизга қўрғошин қилиб қуйган ваҳшийлик ҳали-ҳали эсимда: «Ўлгинг келмаса — ўлди! Ҳеч кимни аяма — болаларни ҳам, қарияларни ҳам аяма! Йўлингда гов бўлганки бор — ўлди! Уйларига ўт қўй, мактабларини ғорат қил, ёндир, куйди!» деган эди лаънати йиртқичлар. Худди шу нарсалар ҳозир Афғонистонда ҳам бўляпти. Мактаблар ёндирилиб, болалар, масъум гўдаклар ўлдириляпти! Афғонистонимда душманлар ёндирган қатл ўти менинг қалбимда ҳам ёнаёпти. Илло, Афғонистон менинг жонимда, ҳар қатра қонимда. Ахир у менинг ота юртим, киндигим қони тўкилган муқаддас тупроғим! Шу учун Афғонистон баданига санчилган кичкина зирапча ҳам менинг жонимни оғритади. Шу учун Афғонистонга борсам, унинг шу оғир кунда жонига оро кирсам дейману, соғлигим қурмагур йўлимни тўсиб турибди-да! Лекин, бахтимдан айланай, мана, қошимда иккита афғон йигити ўтирибди. Азиз Афғонистонимнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам, бутун келажаги ҳам шулар қатори ёшлар қўлида. Дўстларим, жондан азиз авлодим, азиз Афғонистонимизни ҳур-озод сақлаб қоламиз, десангиз, албатта, сақлаб қоласиз. Йўқ, бепарво бўлиб ғафлатда қолсаларингиз жафокаш афғон халқи яна ғурбатда-да! Шуни яхши билинглар, дўстларим, агар халқ бир ёқадан бош чиқариб пуф десачи — бутун бошли тоғ ҳам қулаб тушади! Фақат бўш келмаслик, душманни ҳоли-жонига қўймай қириш, қувиш керак! Шонли Савр инқилоби ҳали чақалоқ ёшида бўлса ҳамки, ўзининг қанчалик кучли, қанчалик тадбирли эканини кўрсатади. Демократик Афғонистонда саводсизликни тугатиш тўғарақлари, мактаблар очилди, санъат ва маданият уйлари иш бошлаб юборди; заводлар, фабрикалар, саноат корхоналари қурилди. Пахса ё гувала деворли қоронғи, зах кулбаларда умрлари хун бўлиб ўтган афғон заҳматкашлари янги, ихчам хонадонларга кўчиб киришяпти. Буларнинг ҳаммаси Афғонистоннинг чинакам озодлик йўлига, мустақиллик йўлига, яратиш йўлига, тараққиёт йўлига тушиб олганидан жонли далиллардир. Бу — Савр инқилоби буюк ғалабаларга имкон йўли очиб берганидан далолатдир. Ҳақиқатан ҳам, улуғ Ленин айтганларидек, қўлга киритилган ғалабаларни сақлаб қола олган инқилобгина — инқилоб!

Савр инқилобининг ғалабаларини сақлаб қолиш — Афғонистон меҳнат-кашларнинг муқаддас бурчи. Ишончим комил, афғон халқи, унинг ишчи-деҳқон зиёлилари, Афғонистон Демократик партияси раҳбарлигида Савр инқилоби ғалабаларини сақлаб қолиш билангина қаноатланиб қолмай, уни, яъни қўлга киритилган ғалабаларни кун сайин, ой сайин орттириб бориб, жонажон Афғонистонимизни саноати бой, зироати бой, маданияти бой — гуллаб-яшнаган ҳур-озод мамлакатга айлантиради. Менинг бунга имоним комил, илло бу ҳал қилувчи курашда демократик Афғонистон ёлғиз эмас, унинг Совет Иттифоқи каби содиқ дўсти бор, социалистик мамлакатлар ва адолатпарвар инсоният каби беғараз хомийлари бор...



Эртасига Саид ака касалхонадан тузалиб чиқиб кетдилар. Орадан бирор ой чамаси ўтказиб, уйларига йўқлаб борсам, мен афғон халқим пинжида бўлай, унинг бахтига чанг солаётган лаънати босмачиларни қириб ташлашда мен ҳам ҳиссамни қўшай, деб Афғонистонга жўнаб кетибдилар. Шу хушхабарни эшитдим, яқинда Саид аканинг ўзлари ўқиб берган бир шеър эсимга тушиб кетди. Афғон шоири Ориф Усмон қаламига мансуб бу шеърнинг бир тўртлигида шундай дейилган эди:

Жаҳонда энг аъло жоваҳирдурсан.
Улардан минг қайта сен афзалдурсан.
Номардга ҳеч қачон бўйнингни эгма,
Мавжудот тожисан, азизсан, хурсанд!

1981 йил, январь.





Уни дастлаб учратганда Алижон омадсизгина бир сураткашнинг шогирди эди, холос. Уша кун устози дўкон қаршисидаги магазинчининг ётиб қолган отасини суратга олгани кетганди. Тулука томли кичкина ва қоронғи дўкон ичи дим эди. Уста кетиши биланоқ Алижон ташқарига чиқиб, икки тол ўртасига ўрнатилган ўриндикда муқоваси йиртилиб кетган эски «Муштум»ни ҳафсаласизлик билан варақлаб ўтирарди. Шу пайт оқ-сарикдан келган дуркунгина бир қиз дўкон олдига илиб қўйилган сурат намуналарини бирпас томоша қилди-да, шахдам одимлаб ичкарига кириб кетди. Алижон унинг ортидан борди. Ичкаридаги суратларни томоша қилаётган қиз унга бир қараб қўйди-ю, индамади. Йигит ўзининг кимлигини билдириш учун пойгакда турган стулни юқорироққа суриб қўйди, зарурат бўлмаса ҳам стол тортмаларини очиб-ёпиб, яна қизга қаради.

— Уста йўқми? — деди қиз ниҳоят йигитга қайрилиб.

— Суратга тушасизми? — сўради Алижон.

— Тушардим-да.

— Тушсангиз олаверамиз, хўш, қайси кўриниш ёқади?

— Ҳеч қайси, — деди қиз йигитга қараб.

Алижон бу гапдан довдираб қолмади, бироқ тиззалари қалтираётганини сизди. Қизнинг кўзларида қандайдир сеҳр бор эди.

— Сизга қанақаси керак? — деди яна бўшашиброқ.

— Менгами? — қиз яна сурат намуналарини кўздан кечира бошлади ва бирдан сўраб қолди. — Сиз шу суратчининг шогирдимисиз?

— Ҳа.

— Эсиз.

Йигит ҳайрон бўлди.

— Шунақа сурат олиш учун шогирд тушиш шарт эканми? — деди қиз яна.

— Онасининг қорнидан нақд суратчи бўлиб тушганларга шарт эмас-у, биздақаларга шарт, — деди жаҳли чиқиб Алижон.

Қиз шундай бир қарадики, йигит кўзини яширгани жой тополмай қолди. Нимагадир қўрслигидан биринчи марта уялиб кетди.

— Қора бўлсангиз ҳам жаҳлингиз бурнизи учида тураркан.

— Жаҳлим чиқаётгани йўқ, — деди йигит яна бўшашиб, — бор гапни айтяпман-да.

— Галатийкансиз, бир пасда ловуллаб ёниб, бир пасда ўчаркансиз.

— Ўзингиз ҳам бир қўлингизда бензин-у, бир қўлингизда ўт сочиб турибсиз-да.

— Бу ерда умрингиз бекорга ўтмабди, устозингиз гапга чечанга ўхшайди.

— Сиз аввал суратга тушинг, иннайкейин устозимга ҳам, ўзимга ҳам баҳо беринг.

— Биласизми, менга бунақа бошдан оёқ олинган, ҳайкалдай жонсиз суратлар ёқмайди.

— Портрет олишдан осони борми? — деди йигит дадилланиб ва шошиб ён дафтарининг қатидан бир даста сурат чиқарди. Бу машҳур кино артистларининг портретлари эди. — Танланг, қайси бири ёқади?

Қиз суратдаги артистларнинг кўпини танир, уларнинг номини ёддан билар, қайси кинода қайси ролни ўйнаганини завқланиб гапирар эди.

— Мана шунақа қилиб тушира оласизми? — деди у елкаси оша қия ерга қараб турган сариқ сочли актриса суратини кўрсатиб.

— Тушириш чепуха, гап шунақа қилиб тура олишда, қани юрингчи.

У қизни тоғ тасвири туширилган картина олдига бошлаб келди. Картинани оқ парда билан тўсди. Эшик пардаларини ҳам тушириб, чироқларни ёқди. Ўртага стул келтириб, қизга ўтиришни таклиф этди.

— Йўқ, — деди қиз, — шундоқ туравераман.

— Нега энди?

— Ўтирганда одам нимагадир бўшашиб, шалпайиб қолади.

— Бўшашган танангиз суратга тушмайди-ку, бошингизни дадил тутиб турсангиз бас.

— Гап шундаки, бўшашган танада дадил бош бўлмайди.

— Ажойиб фикр.

— Ҳеч кузатганмисиз, одам ҳаяжонланганида, қайғурганида, газабланса ё ғайрати келса, ўрнидан туриб кетади. Қўлиздаги суратда кулиб турган қиз ҳеч қачон ўтирган бўлиши мумкин эмас. Вой, анови болани, нима қилдингиз?

Алижон пайтдан фойдаланиб, қизни суратга тушириб улгурган эди.

— Ажойиб иш бўлди-да, ноёб сурат чиқади! — деди у мамнун ҳолда қафтларини бир-бирига ишқаб, — энди мана бундоқ туринг, — у қизнинг елкасидан ушлаб объективга ёнбош турғазди, сўнг бошини чап томонга қаратди, — ҳўш. кўп эмас, юз грамм жилмайиб юборасиз.

— Бўлмайди, — деди қиз, — бунақада сурат сунъий чиқади.

— Исмингиз нима? — сўради йигит.

— Феруза.

— Оҳ... менинг Ферузам!

— Нима?!

— Зўр! — деди йигит. — Ажойиб сурат чиқади.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Орадан анча йиллар ўтди. Бу орада Алижон жуда кўп сурат олди. Лекин ўша — биринчи сурат ижодининг гултожи бўлиб қолди. Бу давр ичида ташкил қилинган фотоқўرғазмаларда у бир неча бор совриндор ўринларни эгаллади, мукофотлар, диплом ва ёрлиқлар олди. Лекин буларнинг ҳаммаси «Оҳ... менинг Ферузам» номли сурат олдида ҳеч гап эмасди.

Феруза ўшанда бир неча дақиқа ичида Алижонни бутунлай ўзгартириб юборди, у қасб сифатида ҳавас қўйган суратчиликка энди санъаткор сифатида ёндашадиган, изланадиган, ишидан завқ қидирадиган бўлиб қолди. Энг муҳими, Феруза энди чиндан ҳам унинг Феруза-

си. Қиз институтни битирадиган йили уларнинг тўйи бўлди. Тўйдан кейиноқ Алижон шаҳар четроғидан кўримсизгина дўкон олди. Ошна-оғайнилари, таниш-билишлари купайган сари унинг ишлари ҳам юришиб кетди. Кўп ўтмай шаҳар марказидаги бадий суратхонага мудир бўлди. Данғиллама уй солди. Сўнг область газетасига фотомухбир бўлиб ишга жойлашди.

Буларда таглик-тахтлик Ферузанинг роли катта эди, албатта. Фотомухбирлик баъзилар назарида унча катта иш бўлмаса ҳам, Ферузанинг фикрича шунчаки, оддий иш ҳам эмас. Бу ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ. Бу ишда ҳам таниш-билиш, обрў-эътибор ва ниҳоят, бойлик орттирса бўлади.

— Менга қаранг, — деб қолди бир кун Феруза, — бир одамни беш-олти хил кўринишда суратга оласиз, улардан биттаси газетада босилади, тўғрими?

— Тўғри.

— Қолганлари-чи, агар уларни эгасига берсангиз, қанчалик хурсанд бўлишини биласизми?

— Эй,— ҳафсаласиз қўл силтади Алижон,— бунингсиз ҳам ташвишларим тўлиб-тошиб ётибди. Агар суратларни эшикма-эшик ташийдиган бўлсам, биласизми...

— Биладан, жоним, бу жуда беақл иш бўларди.

— Хўш, нима демоқчисиз?

— Нима кўп, конверт кўп. Ошган суратларни унга соласиз-да, адресини ёзиб, тортмага ташлаб қўяверасиз. Уша район, ўша хўжалikka йўлим тушганда ўзим олиб бориб донасини эллик тийиндан...

— Ҳай, ҳай, паёт кетманг жоним бу обрўйиззи бир пул қилади-я!

— Бўлмаса, бир сўмдан?

— Аслида бир сўмга ҳам арзон, бу ўзи бебаҳо эсдалик, лекин эсдаликни пулга сотиш уят, уни совға қилиш керак.

— Хўш-хўш?

— Вассалом.

— Сув текинга-я?

— Балки бировга сув текинга кетса, бошқа биров ўн баробар қилиб қайтарар. Гап бунда эмас, бировнинг суратини, унга қўшиб ўз меҳнатиззи ёқиб юборишнинг ўзи увол.

— Ақлингизга қуллуқ, менинг беҳисоб ҳазинам!

— Дўстларизга бўлган бу ҳурмат-эътибориз ўзизга албатта меҳру шафқат бўлиб қайтади, жоним!

Шундай қилиб бойлик ҳам, танишлар ҳам, ташвишлар ҳам кўпайиб борарди.

Бугун Алижон жуда кўп ишлади. Лекин бари унумсиз. Эрталаб, ит қувгандай иккита мактабга бориб, сўнгги қўнғироқдан сурат олди. Санъат фестивали қатнашчиларини қаршилаш учун аэропортга чиқди. Шофёр жиянига кеча шағал тайинлаган эди. ГАИ ходими гувоҳномасини олиб қўйибди. Бориб ГАИ бошлиғини тополмади. Эртага, албатта, учраш керак. Ишга келса, масъул котибнинг фигони фалакда. Эртага Халқаро болалар куни, битта этюд, қишлоқ болалар боғчасидан фоторепортаж керак дейди. Айтишга осон. «Чиқ» этса бас, тайёр бўлади деб ўйлашади-да. Аравасига тушгандан кейин ашуласини айтмай иложинг қанча. У Каттасойдан жуда ҳориб, кеч қайтди. Уйда Феруза йўқ экан. Қизи Наргиза чой қўйди. Энди ечинаётганда телефон жиринглаб қолди. Қосим. Ажойиб йигит-да! Тонг саҳарда шаҳарга кетаётган экан. Аэропортга элтиб қўйиши керак. Йўқ деса уят. Ёғоч керакми, цемент керакми... доим ўшанга югуради.

— Чой қайнадими, қизим?

— Қўк чой дамлайми?

— Ҳа, аччиқ бўлсин, аянг келмадими?

— Телефон қилди, педсовет бўларкан.

— Ана холос, қозон ҳам ўзимизга қопти-да!

Кимдир кўчадан уни чақириб қолди. Чиқса, Алим қора турибди. Маҳалланинг уч жойида Алим бор. Бири бу. Иккинчисини Алим партизан дейишади. Йўғон, мўйловдор киши. Яна бири Алим кесак. Жуда хасис одам. Лекин буниси бошқача. Агар маҳаллада фақат битта Алим бўлганда ҳам бари бир уни қора деб айтишлари табиий эди. Йўқ, фақат қора бўлгани учун эмас, бу унинг ичи қоралигига ишора.

— Эй, келинг, Алим ака, бормисиз, кўринмайсиз?

— Ҳа, энди, фақир киши панада деганларидек, кўринган маҳалда кимсан фалончи эдик, аммо-локин қариганда пуф сассиқ бўлиб чеккага чиқиб қолдик.

— Йўғ-э, унчалик эмас, ичкарига кирайлик.

— Бу кўнғироқ ишламайди дейман-а, босиб қўйиб, ана чиқади, мана чиқади, деб тураман-тураман, шарпа йўқ. Бор-э деб, эскичасига қилиб чақирвордик, аммо-локин узр, а!

— Ҳечқиси йўқ, уч-тўрт янгиладим, яна бузилиб қолибди. Қўл тегмайди. Сизнинг эса кўнғироғингиз зўр, — деди Алижон. — Қани, ичкарига кирайлик.

— Раҳмат. Шу денг, холисонилло иш билан келувдим. Аммо-локин жиндай вақтингизни оламан-да, майлими?

— Майли-майли.

— Қўшнимни биласиз, Абдусаттор. Қурилишда шопир бўлиб ишлайди. Аммо-локин машинани вориллатиб уйига кунига тўрт-беш келади. Ҳар келганда семонми, қумми, гишми, баломи-баттарми ташлаб ўтаверади. Баъзан, шунча ишлаб нима бўлдим, деб, кўзларимни чиппа юмиб оламан. Аммо-локин қулоқ қурғур динг, машина «вор» этиши билан биров миямга жиқ-жиқ бигиз санчаверади. Нервим ўйнаб, туриб кетаман...

Алижон гавда оғирлигини у оёғидан бу оёғига олиб, унинг гапларини хушламай тингларди.

— Энди денг, бир замонлар жиндай ери биз томонга ўтиб қолган эди, — давом этди Алим қора. — Бир-икки йил кўкат босиб бекор ётди. Кейин мен уёқ-буёғини текислаб, бостирма солдириб қўйдим. Энди денг, орадан шунча йил ўтиб, бостирмангни бузасан, ўзимиз уй соламиз, деб ўтирибди. Ҳой бола, ундоқ эмас, бундоқ, ёшлик қилма, қиёматлик қўшнимиз, бу ерни тортвоган эмасман, отанг ўзи кечворган, деб кўрдим. Йўқ, гап уқмайди. Ўйлаб-ўйлаб сизга келдим. Биламан, у билан битта кўчада катта бўлгансиз, ошна-оғайнисизлар, аммо-локин сиз газетхонада ишлайсиз, тўғрими, ошна-оғайни деб, ҳақ йўлдан чиқмайсиз.

— Албатта, — бетоқат бўлиб турган Алижон уни маъқуллади. — Лекин бу ишларга менинг унча ақлим етмайди. Ҳужжатларни олиб архитектурага чиққан маъқулмикин ё бирорта юристга учраб йўл-йўриқ сўраш керакмикин, ҳайрон бўлиб қолдим.

— Шундоқ қилса ҳам бўларди, бир кўнглим ОБХССга борай дедим, эски танишлардан йўқ эмас. Аммо-локин қиёматли қўшнимиз, деб роя қилдим. Ишхонасига учраб, тизгинини торттириб қўйсам ҳам бўларди, аввал сизга бир учрайчи, ҳар қалай оқ-қорани танийди, бир томони ошнаси, балки насихат қилиб яхшилиқ билан йўлга солар, деб ўйладим.

— Майли, — деди Алижон тезроқ қутулиш учун, — бир гаплашиб кўрай.

— Шундоқ қилинг, «ҳой ошна, олдин ўзингга боқ, кейин ногора қоқ, аммо-локин ўзинг ҳам жа рисоладаги одаммасан, яна ҳашагинг очилиб, шарманданг чиқмасин», деб кўзини очиб қўйинг.

— Хўп, майли, ҳаракат қиламан.

— Шундоқ бўлсин, хўп, мен борай, аммо-локин озгина вақтингизни олдим, узр-а?

— Ҳечқиси йўқ, ичкарига ҳам кирмадингиз.

— Раҳмат, бошқа гал, аммо-локин кўнғироқни ўнглашиб қўйинг, катта-кичик кеп туради.

— Хўп-хўп.

Алижон тиззаларини силаб туриб сўкинди, кейин шиппагини судраб, уйга кириб кетди. Мажнунтол остидаги чорпояга якандозлар солиниб, пар болишлар қўйилган, атроф супурилиб, сувлар сепилган эди. Саранжом-саришталикда онасининг удумини олган ўн уч яшар Наргиза пешбанд тақиб, ўчоқ бошида куймаланиб юрарди.

— Чой дамладингми, қизим? — деди Алижон ҳорғин товуш билан.

— Совуб бўлди-ю, бошқа дамлайми?

— Беравер, укаларинг қани?

— Кўчада ўйнашяпти, — деди у чой келтириб. — Чақирайми?

Шу пайт телефон жиринглаб, Наргиза югуриб кетди.

— Ким? — сўради Алижон қизи қайтиб чиққанда.

— Мунира аям, шанба куни бешик тўйи қилишяптийкан.

Мунира — аммаёсининг келини. Индинга шанба. Совғага бир нима олиш керак. Магазинда коляска бормикин?

Феруза кеч, ниҳоятда ҳориган ва очиққан ҳолда келди.

— Ҳаво айниган, шамол бўляпти, ёмғир ёғса тарновдан тушган сув яна тўғри уй тагига киради, пайновни тўғирлаб ҳам қўймадиз.

— Эй, вақт қани шунга, югур-югур, бундоқ атрофинга қайрилиб қаролмайсан киши.

— Ҳафсала бўлса ярим соатлик иш, ҳозир қилсайиз ҳам бўлади.

— Лаборатория кўзимга зиндондай кўриниб, киргани юрак бетламай турибди. Номерга бир арава сурат беришим керак.

— Айтгандай, сўнгги қўнғироққа келмадийиз-у?

— Бошқа мактабга жўнатишди. Сизлардан кўп чиқаётганмиш.

— Дарров кўрина қопти-да, ҳа, эсимдан чиқаёзибди. Директори-миз илтимос қилувди, онаси оғирмиш, Акромжондан сўрасак, «Кокарбакслаза» топиб берармикин, деб.

— Сўраб кўрамыз-да.

— Вой, ҳозир телефон қила қолинг, жа хурсанд бўлади-да.

— Ошна-оғайнинг йўқ бўлса ҳам бир бало, — деди ўрнидан ҳорғин кўзгалиб Алижон. — Кўп бўлса ҳам бир бало...

— Унақа деманг, эртагай-ла, пичанга чиқ, дейди, орқасидан пахта, жонимизга оро кириб қолар.

— Сизнинг жонингиз деб бизнинг жонимиз қийналиб кетаркан-да.

— Жон қийналмаса жонона қайда, жоним.

Телефон жавоб бермагач, Алижон худди сув остига шўнғиётган кишидай чуқур-чуқур нафас олиб, лаборатория эшиги олдига борди.

— Мен ижодимга, зиндонимга кириб кетдим.

Туни билан чақмоқ-момақалди роқ бўлиб, ёмғир қуйиб чиқди. Тун яримдан оғганда репортаждан кўнгли тўлмаб асабийлашиб, уйқуга ётган Алижон тонг ғира-ширада кетма-кет жиринглаган телефон овозидан уйғониб кетди. У ижирғаниб базўр ўрнидан турди.

— Одам ҳам шунақа қаттиқ ухлайдими? — трубкадан Қосимнинг овози келди.

— Самолёт учармикин?

— Ҳайронман. Ҳар қалай бораверсакми дейман.

— Телефон қилиб кўрсак-чи?

— Ҳа-я, боятдан бери шу эсимга келмабди, аниқлаб телефон қиламан, шай бўлиб тур, хўпми?

Қисқа-қисқа гудок эшитилди. Шунда Алижон телефон трубкасини маҳкам қисиб, унга жирканиб қаради.

— Тўйиб кетдим, — деди у ва жаҳл билан трубкани жойига қўйди. Паришонхотир юриб айвон четига келди-ю, баттар асаби бузилди. Шамол бўлганидан айвон ичига ёмғир урган, остонада қолган шиппак жиққа ҳўл эди. Шу пайт яна телефон жиринглаб қолди.

— Жавоб бермаяпти, — деди Қосим, — нима қилдик, бораверамизми?

— Ҳайронман.

— Тез кел бўлмасам, хўпми?

— Хўп.

Уйқусизлик эзиб ташлаган, бунинг устига руҳи сўнган Алижон ўзини узоқ ётган касалдай ёмон ҳис этар, шунга қарамай дўсти учун шошилишга мажбур эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳаракатлари ноаниқ чиқар, бу эса асабини баттар бузарди. У ювиниб, кийиниб, то машинани тор дарвозадан кўчага олиб чиққунча анча вақт ўтиб кетди. Кўчада Қосим кўринмасди.

— Кетди,— деди деразадан қараб турган хотини.

Алижоннинг нимагадир хўрлиги келди. «Ахир шундай қилиши мумкин экан-ку, унингсиз ҳам аэропортга етиб олиши мумкин экан-ку, а? Нега бир-биримизга осилиб оламиз, бир-биримизни аяш ўрнига елкасига чиқиб миниб оламиз. Ҳар қайсиси ўз манфаатини кўзлаган икки дўстининг душмандан нима фарқи бор...» У ичида нимадир узилиб кетганини, вужуди бўшашиб, шалвираб қолганини ҳис этди. Машина ҳам аста ўрnidан кўзгалди. Эндигина уйғона бошлаган шаҳар ҳамон ёмғир остида эриниб ётар, тим қора ялтироқ асфальт йўлдан «шир-шир» овоз чиқариб машиналар ўтиб турарди.

Автобус бекатида кимдир қўл кўтарди. Таниш башара. У тўхташ-тўхтамаслик ҳақида бир қарорга келгунча қон-қонига сингиб кетган кўнякма ўз кучини кўрсатди. Оёқлари ўз-ўзидан ишга тушиб, йўл четига ўтиб тўхтади. «Носир ака-ку, — Алижон машина томон шошилмай салмоқлаб қадам ташлаб келаётган ўрта яшар кишини таниди,— яхшиям тўхтатганим».

— Салом алайкум, — деди эшикни очиб Носир ака, — пастгами?

— Утиринг, — деди кўришгани қўл узатиб Алижон, — ишгами?

— Э, саҳарлаб иш нима қилади, холамникига.

— Тинчликми?

— Қишда поччам оламдан ўтмаганди, бугун шунинг бир маросими боракан.

— Э, ҳа, яхши эсимга солдингиз. Мен ҳам амакимникига боришим керак.

— Ҳеч кўринмайсиз? — сўради сигарет тутатиб Носир ака. — Тунов кунни Ферузахонимни кўргандим. Сўрасам командировкада дедилар.

— Ҳа, Лайлакка боргандим, — деди Алижон, кейин ўз-ўзидан жирканган бир аҳволда ижирғаниб давом этди. — Шу денг, Ферузанинг жияни бу йил мактабни битиряпти. Базада ишлайдиган акаси бор-ку, ўшанинг ўғли. У битиряпти-ю, институтга кириш ташвиши менинг бошимда.

— Қайси факультетга экан?

— Бари бир. Номии ўқиш бўлса бас, қутулсак бўлди-да.

— Ҳм, майли. Маслаҳатлашиб айтарсизлар, ҳаракат қиламиз.

— Яна бир акахонлик қилинг.

— Ие келибди-да!

— Қайси?

— Артист-да. Афишаларни осиб ташлашибди-ку.

— Ҳа, ўтган кунни келган.

— Билет йўқдир.

— Қирсангиз топамиз.

— Менга қолса-ку, бари бир. Аянгиз билиб қолса, нақ бошни ёради.

— Ундай бўлса, кечга яқин тайёр бўлиб туринглар, ўзим олиб келиб, жойлаб қўяман.

— Жуда эркалиниб кетмаймизми?

— Олинг-а, худди бегоналарга ўхшайсиз-а?

Алижон ўзининг бегона эмаслигини исботлаш учун маросим бўлаётган хонадонга Носир ака билан бирга киришга мажбур бўлди. Кейин амакисиникига йўл олди. Яхшиям келгани, уни кўриб севиниб кетишди. Ҳозир новвойга нон буюртиришган экан, шунга кетган бола

қайтиб келмай, кўзлари тешилиб қараб туришганмиш. Алижон дарров машинага ўтириб, гузар бошидаги новвой дўконига қараб йўл олди. Дўкон тўполон. Пастаккина бўйли думалоқ киши ранглари, ўчиб кетган новвойга қўлини пахса қилиб қичқиряпти:

— Дўкон отангдан қолган меросмики, хоҳлаган одамингга нон сотсанг! Худойига экан-у, худога бўлганда ҳам мендан кейин берасан, билдингми?

Эллик ёшлардан ошган, озгин, новча, сержаҳл Назир новвойнинг лаблари гезариб кетган, бурун катаклари пир-пир учарди. Шу пайт тандирдан чиқаётган куюк ҳидини сезган шогирд бола уста дастасидан маҳкам қисиб турган кўрага қўл узатди-ю, портлаш юз берди. Уста шогирд болани нарироқ суриб ташлаб, бақалоқ киши томон юрди.

— Ҳе, сендақа зўпидинни!— сўкинди у кўрани боши устида айлантириб томга отаркан, — зўр бўлсанг, кўранг билан тандирингни оласан-да, ё жонимни оласанми-а?

Алижон югуриб бориб депсиниб келаётган новвойни ушлади. Кимдир бақалоқ кишини кўчага судради.

— Қорнинг тўйиб қопти-да, — эшикдан чиқаётиб қичқирди пака-на киши,— ҳали шошмай тур...

— Э, менга деса осмонни ташавормийсанми?..

Новвой сўкинар, тандирда нон куяр, шогирд бола томга чиққани ҳам, устага бир сўз айтгани ҳам қўрқар эди. Алижон бу аҳволда ҳали-бери нон ёпилмаслигига ақли етди-да, тез-тез юриб ташқарига чиқиб кетди. Машинада бозор томон йўл олди...

Алижон ҳориган, асабий бир ҳолда ишга кечикиб етиб келди. Столи устида турли хил қоғоз, суратларга тўлиб кетган масъул котиб унинг саломига алик ҳам олмай, номер суратларини сўради. Телефонда гаплаша туриб суратларни тез-тез кўздан кечирди-да, трубкани зарб билан жойига ташлади:

— Бўлмайди, булардан репортаж чиқмайди!— Шундай дея масъул котиб ғарам бўлиб сочилиб ётган суратларни стол четига, Алижон томонга суриб қўйди.

— Тўғри, репортаж чиқмай қолди, лекин бир-иккита яроқлисини фотолавҳа қилиб берсак бўлмасмикин?

— Редакторга чиқинг, — котиб номер материалига шошиб қўл қўйиб, курьер қизга узатди, — теришга. Қайтишда Ҳурбоевни чақириб тушинг. Нега қараб турибсиз? — деди у трубкани олиб номер тераркан, Алижонга кўз қирини ташлаб. — Менда репортаж деб планлаштирилган, тушундингизми?

— Тушуниб турибман, бироқ...

— Чиқмаган киннанинг худди ўзисиз, — деди у Алижонга қайрилиб, суратларга қўл чўзаркан, — қани, беринг-чи?

У суратларни тез-тез кўздан кечириб, ниҳоят иккитасини танлаб олди.

— Тағхатини дурустроқ ёзинг, хўпми? — деди у жиринглаётган телефон трубкасини кўтариб. — Ҳа мен, шу ерда... Соат ўн бўлди-ку... Хўп, айтаман,— котиб трубкани қўйиб Алижонга юзланди.— Ярим соатда Қарвонкўлда бўласиз. Турмуш маданияти бўйича семинар ўтаркан, тез жўнанг!

Алижон руҳсиз, хазин бир аҳволда деразадан ташқарига қаради. Ёмғир тинган бўлса ҳам, ҳали ҳаво очилиб кетмаган, еру осмон бир хил, бўз рангда эди. У паст кайфиятда хонадан чиқиб, қоронғи лабораторияга кирди. Чироқ ҳам ёқмай, ўзини креслога ташлади.

— Чарчадим, — деди у овоз чиқариб, шу он нимагадир кўз олдига узун дастали кўрани боши узра айлантириб томга отган новвой келди. — Йўқ, ишдан эмас, яшашдан чарчадим чоғи. Таниш-билишлар, югур-югурлар, илтимослар, бачкана муносабатлар толдирди мени. Мана энди асосий иш куним бошланган айни паллада ишдан чиқиб турибман. Чек қўйиш керак, бунақа бемаъни яшашга барҳам бериш керак...

У аппаратларини йиғиштириб, икки елкасига осди, чиқаётиб йўлакда жиянига дуч келди.

— Ҳа, келдингми, — деди у нохушгина, ҳозир зудлик билан Карвонкўлга кетяпман, келибоқ тўғри ГАЙга бораман, хўпми?

— Икки кундан бери бекор юрибман, ишга қўймапти...

— Бугун албатта тўғирлаймиз. Агар кеч қайтсам тўғри уйига бораман, сен кетавер.— Ландовур!— сўкинди у машинага ўтираётиб.— Бошимни қотирмаган сен қолувдинг.

Йўлнинг ярмига етмай машина мотори ўчди. Бензин тугаган эди. «Сотаман! —ғижинди машинадан. тушиб, эшикни зарб билан ёпаркан Алижон,— машина ҳам, учиб юриш ҳам жонимга тегди. Тинчгина пиёда яшайман». У пластмасса челақни йўл четига қўйиб, сигарета тутатди. Янги кўк «Москвич» ҳам, жигарранг «Жигули» ҳам тўхтамай ўтиб кетди. «Бир челақ сийлов бензин деб кимгадир тобе бўлиб яшашни истамайман». Анча ўтиб кетиб, чийиллаб тўхтаган қип-қизил люкс «Жигули» унинг хаёлини бузди. Қиз боладай чиройли, мебель магазинида ишлайдиган юшоққина бу йигитни Алижон яхши танир, лекин исмини билмасди. Афтидан, у ҳам Алижонни муҳбир сифатида танир, кўчаларда дуч келганда қуюқ сўрашар, исмини билмаганиданми ёки ўзича ҳурмат қилганиданми «домла» деб атарди.

— Танимай ўтиб кетишимга оз қолибди, — деди у машинадан тушиб, Алижонга икки қўлини чўзиб яқинлашаркан. — Саломатмисиз, домла.

Алижон хушламайроқ паришонхотир сўрашди.

— Бензин тугаб қолди, бемалол бўлса, бир челақ сотинг, — Алижон айтишга айтди-ю, лекин ўзига ҳам «сотинг» сўзи уят сўздай эриш туюлди.

— Сотамиз-да, домла, — деди ҳазилга олиб сотувчи йигит, — аммо айтиб қўяй, пақири уч сўм, майлими?

— Ҳазили йўқ, — деди ўз-ўзидан ҳижолат чекиб Алижон, — пул олмасангиз, кераги йўқ.

— Пул бўлади-ю, олмас эканмизми, бу ёғидан хотиржам бўлинг, домла.

Сотувчи йигит чаққон ҳаракат қилиб барча ишни ўзи бир зумда битирди, қўлини латтага артаётиб, кулиб қўшиб қўйди:

— Хизмат ҳаққини ҳам қўшиб берадиган бўлдингиз энди.

— Раҳмат,— деди Алижон.

Сотувчи йигит унинг қақасига зор эмаслигини, пул узатса бу бачканалик унга ҳақорат бўлиб туюлишини яхши биларди Алижон. Бироқ арзимаган бир челақ бензин учун унга тобе бўлиб қолишни ҳам хоҳламасди. Тобе бўлмаган тақдирда ҳам шу бир челақ бензин қачон, қаерда бўлмасин унга дуч келганда илжайиб қарашга мажбур этарди. Бир кун келиб қандайдир можаро тепасида ҳақми, ноҳақми унинг ёнини олиш Алижон учун шарафли бурч бўлиб қоларди. У кўп йиллар шундай яшади ва ниҳоят бугун шундай яшашдан тўйди. Унга ўз манфаати учун яширин бўлган ҳеч қандай мурувват керак эмас. Ундан ҳам ҳеч ким бундай мурувват кутмасин.

— Хафа бўлманг-у, — деди у ниҳоят пул узатиб, — шундай қилишга мажбурман. Шундай қилсак, иккала мизга ҳам яхши бўлади.

— Унақа эмасда, — деди йигит, — унинг ҳазиллашмаётганини эндигина сезиб, — ўзи мени танияпсизми, домла?

— Танияпман-у, бироқ...

— Мен ҳам сизни таниб тўхтадим, бензинфуруш эмасман, мен сизни одам десам...

Алижон эшикнинг зарб билан ёпилиши, машинанинг ўт олиши ва унинг ўрнидан сапчиб қўзғалишидан ҳайдовчининг қай даражада жаҳли чиққани, нима деб сўкинганини ўзича тахмин қилди-ю, баттар асабийлашди. Вақт зиқ, унинг эса ишлари кўп эди. Ҳозир энг муҳими семинарга етиб бориши керак.

— Ҳеч қаёққа бормайман, — деди у машинага ўтириб, — бу аҳ-

волда бир кор-ҳол юз бериши аниқ. Орқага қайтаман. Ариза ёзаманда, бўшайман. Йўқ, айб ўзимда,— фикридан қайтди у,— ишга қўшдан чиққан ҳўкиздай ҳориб абжағим чиқиб судралиб келаман. Мени толдирган, бездирган иш эмас, бемаъни, менга даҳлсиз бўлган ташвишлар, манфаатимга тобелик, шундан келиб чиқадиган бачкана муносабатлар-у, майда-чуйда нарсалар орқасидан югуриб юриш. Буларнинг ҳаммасига чек қўйиш кўрпага қараб оёқ узатиш, имконият даражасида яшаш керак. Назир новвой ҳақ эмас, аслида анови бақалоқ ҳақ. Назир новвой ҳам қандайдир худойига эмас, аввало одамларга хизмат қилиши кераклигини яхши билади, лекин лаънати манфаат уни ўша кезде нодон ва жоҳил қилиб қўйган. Тарозининг бир палласида ўз манфаати бор экан, ҳеч қачон тарозибон ҳалол ва одил бўлолмади. Ҳали ўтга, ҳали сувга бошлайдиган манфаатга қул бўлиб яшашни бас қилиш керак.

Бироқ бу осон эмасди. Манфаатдорлик ўргимчак каби унинг умрини кўзга кўринмас тўрлар билан ўраб ташлаганди. У қай томонга ўзини олиб қочмасин, бари бир шу тўрга ўралашиб, ҳам ачинарли, ҳам кулгили аҳволга тушарди.

Унинг бахтига семинар кечроқ бошланди. Дастлаб қишлоқ марказида қурилган янги клубнинг очилиш маросими бўлди. Кейин семинар қатнашчилари кенг, озода кўчалар бўйлаб шийпонларга, болалар боғчаларига боришди. Кечга яқин ҳамма янги очилган клубга тўпланди. Бу ерда семинар ишига яқун ясалар, кейин қишлоқ ҳаваскор ёшлари ижросида концерт қўйиларди. Мухбирлик вазифасини асосан бажаргани, бунинг устига иккала касета ҳам тўлган бўлишига қарамай, Алижон кета олмасди. Зарурат бўлса-бўлмаса, у ўзининг шу ердалигини кўрсатиш, қолаверса, бу йиғинга тантанали тус бериш учун дам президиумни, дам зални суратга олиб туриши керак. Лекин апаратни қуруқ чақиллатган билан сурат чиқмайди. Қолаверса, бу сурат ҳеч кимга керак ҳам эмас. Бирдан эрталаб Носир акага берган ваъдаси ёдига тушиб қолди. «Хотини таннозгина нарса, — ранги ўчиб ўйлади у, — ярим кун пардозини қилиб, не умидлар билан кўчага қараб ўтирса-ю, Алижон бормаса, ана томоша-ю, мана томоша. Ҳали вақт бор, етиб борса бўлади. Жўнаш керак. Қолаверса, иш вақти аллақачон тугади, вазифамни асосан бажардим. Бунинг устига чарчадим, бошим оғрияпти, ахир мен кўрғазма қуроли эмасман, одамман, плён-касиз сурат олишдек майнавозчиликка тоқатим йўқ». Юқори тезликда учиб бораётган зангори «Жигули» кўча муюлишида ҳар қандай кишини сескантирадиган даражада чийиллаган овоз чиқариб, аранг бурилди. Йўл четигаги ўриндиқда машина пойлаб ўтирган кишилардан бири кўкрагига туфлаб сўкинди:

— Учиб ўл-э, пианиста!

Машина ҳамон учиб борар, рулда ўтирган Алижон фақат бир нарсани — қош-кўзини бўяб, кўчага қараб ўтирган танноз хотинни кўрар, тезроқ етиб боришни ўйларди. «Етишга етаман, — дерди у ишонч билан, — лекин жойлаш имкони бўлармикин? Имкон топиш керак. Бу охиригиси. Кейин ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳеч нарсани ваъда қилмайман. Тинчгина, фақат ўз имкониятим даражасида яшайман. Ким институтга кирмоқчи экан, марҳамат, кираверсин, ким театрга бормоқчи экан, катта йўл. Мен институт ректори ҳам, театрнинг директори ҳам эмасман. ГАИга ҳам, архитектура институтига ҳам, дорихонага ҳам, бешик тўйига ҳам — ҳеч қаерга бормаيمان, ҳеч қаерга». У кўкрагига томган қонни кўриб кўрқиб кетди. Бу яна нимаси? Э-ҳа, бурни қонабди-да. Бош оғриғи бекорга эмас экан. Қон босими кўтарилибди. Сувга етиш билан тўхташ керак. Рўмолчаси қани? Епирай! Анави МАЗ мунча ўртадан юрмаса, ўнга, яна ўнгроқ, яна... Машина бирдан қаттиқ силкиниб, олдинги гилдирак кўтарилиб кетди. Алижон бор кучи билан тормозни тепди...


...У уч кундан кейин кўзини очди. Эндигина кўтарилаётган тонг қуёши катта ва қип-қизил бўлиб кўринди унга. Урик шоҳида қушлар

чуғурлашар, очиқ деразадан офтоб тафти келиб турган илиқ ҳаво гуркираб кирарди. У тўйиб, чуқур нафас олмоқчи бўлди-ю, бутун жисмида даҳшатли оғриқ сизди. Унинг қўллари қимирламас, оёғи осиб қўйилган, боши, бўйни, елкалари дока билан ўраб ташланганди. Бироқ унинг азоб чўккан нурсиз кўзлари алланечук хотиржам боқарди. Усиз, унинг ташвишларисиз, таниш-билишлар, югуриб-елишларсиз ҳам қуёш чарақлаб турар, қушлар сайрашар, ҳаёт ўз йўлида бир маромда давом этарди. Гўё бутун вужудини оғриқ эмас, лаззатли бир ором қамраб олгандай руҳи энгил эди унинг.

Шу пайт эшикдан Феруза кирди-ю, эрининг ниҳоят кўз очганини кўриб севиниб кетди. У тинимсиз йиғлар ва сўзларди. У уч кундан бери йиғлайвериб, адойи-тамом бўлганмиш, барча таниш-билишларга хабар берганмиш, марказдан машҳур травматолог ҳам келаётганмиш, бу кунлар унут бўлиб кетармиш...

— Бошингиз омон бўлса бас, — дерди у, — қон кўп кетибди, ўртоқларингизга раҳмат, ҳаммаси билагини шимариб туришди, қон эмас, жон берворишди. Врачлар ҳам парвона бўлиб кетишди. Ҳаммасидан қарздормиз. Бу яхшиликларини ўла-ўлгунча унутмаймиз...

Алижон оғриқ азобиданми ё мажруҳ елкасига юкланаётган қарздорлик юки салмоғининг ошиб бораётганиданми инграб юборди. У қаери оғриётганини билмас, фақат кўзлари тобора хиралашиб борарди...



РАСМ

Эллик ёшлардаги хушсурат, хушқомат бу одамни маҳалладошлари унчалик ёқтиришмайди, унинг худбинлиги, молу мулкка ҳирс қўйганидан нафратланишади. Шунга қарамай, олдига келиб туришади, «хўжайин» деб, илтимос қилишади. Ахир, ташвиш кимда йўқ?! Бировга гишт, кимгадир кўмир зарур бўлиб қолади, баъзиларнинг безори ўглини судда ҳимоя қилиш керак, яна биров машина ололмай ҳалак...

Ҳатто қишлоқ хўжалигигача аралашади бу одам. Шаҳарга туташ колхознинг бир донгдор бригадири унга йил давомида мева, сабзавот юбориб туради. Пишиқчилик пайтида ўзи ҳам келади: маҳсулотни топширишда қийинчилик бўлаётганидан нолийди. Шунда «хўжайин» бригада маҳсулотларини навбат куттирмай орқа эшикдан киритишга кўмаклашади ёки алоҳида вагон олиб беради.

Мен ҳам бу одам билан тез-тез юзма-юз бўлиб тураман. Мағрурлиги, нописандлигини жиним ёқтирмайди, суҳбатимиз унчалик қовушмайди, шунда ҳам келиб туришга мажбурман. Келишдан муддаом эса... ҳозирча сир...

Бу даргоҳга ўтган йили бўш хона излаб келган эдим. Менга пешвоз чиққан хушбичимгина уй бекаси жуда ширин муомала билан дарвоза устидаги уйча бўшлигини, аммо ижарага қўйиш-қўймаслик эрининг ихтиёрида эканлигини, хўжайин эса кечқурун келишини маълум қилди. Бека, айтган пайтда келиб, бу одам билан учрашдим. Ушанда у менга бошдан-оёқ разм солиб, қаерданлигимни, ўқишимни суриштирди. Мен ургутлик эканлигимни, юрфакда таълим олишимни айтдим.

— Ўзи ургутликлар қонунчи бўлишади, — деди у негадир. Бир оз ўйлаб тургандан кейин эса хонани менга бериши мумкинлигини, аммо пулини олдиндан тўлашимни шарт қилиб қўйди. Суҳбатимиз якунида товушини пасайтириб деди:

— Аммо қиз-пиз олиб келинса, маст бўлинса, хафалашиб қоламиз-а.

Мен бу талабга розилигимнинг ифодаси сифатида бошимни ҳам қилиб туравердим.

Кўчиб келганимга бирор ҳафта бўлган эди чамаси. Кечқурун хонамга кириб кетаётганимда хивичдан тўқилган креслода, ток остида ўтирган хўжайин мени чойга таклиф қилиб қолди. Ночор, унинг олдига бордим. Майкачан ўтирган хўжайиннинг чап кўкрагига каттагина қилиб чизилган расмга кўзим тушиб, нохушлигим баттар ошди. Баданига турли татуировкалар, расмлар туширилган кишиларни табиатан ёқтирмасдим.

Салом бериб, хўжайиннинг рўпарасидан жой олдим. У ҳол-аҳвол

сўраб ўтирмасдан чой узатди. Пиёлани қўлга олаётиб, унинг кўкрагидаги расмга беихтиёр назар ташладим. Балоғат ёшидаги соҳибжамолнинг зўр ҳафса́ла билан чизилган расми ярми майка остида қолганди. Лекин майка тўрлари йирик-йирик бўлганлиги учун унинг бутун борлигини кузатиш мумкин эди. Қиз бошини осиелик жувонларга хос тангиб олган бўлса-да, қирра бурни, катта-катта кўзлари ва яна алланималари европача эди. Кўкраги жуда бўлиқ бўлиб, сийнабанди кўриниб турар, унинг устидан эса аллақандай енгил мато ташлаб олганди. Назармда у ҳозиргина чўмилишдан чиққан ҳолатда эди. Қизнинг боши бир оз пастга солинтириб чизилганди, билинар-билинмас табассумида ғуссами, истеҳзоми яширинганди. Хўжайиннинг бадани соғлом, оппоқ бўлгани учун расм бағоят беғубор чиққан, унинг таранг ва оппоқ юзи, баданига қараб тўймасди киши,

— Уқиш қачон тамом бўлади? — бирдан сўраб қолди хўжайин.

— Келаси йил.

Мен хушимни йиғиб бошимни кўтардим.

— Яхши. Кейин ҳаётларинг тузук бўлиб кетади. Ҳозир суд, прокурор, терговчиларнинг пичоғи мой устида.

У адлия одамлари орасида порахўрлик авж олаётганини гапиргач, ота-онамни суриштириб қолди. Улар тамакикорлик қилишларини айтганимдан кейин давом этди:

— Ҳозир тамакига давлат яхши ҳақ тўлайди: пахтакордан ҳам, сабзавоткордан ҳам тамакикорнинг даромади тузук.

У районимизда пулдор одамлар кўплигини айтгач, Гена исмли бадавлат кишини суриштириб қолди. Мен танимаслигимни айтдим.

— Жуда ҳам уддабурро одам. Бир неча йил Москвадаги ресторанларга ҳам директорлик қилган. Бундай одамларни таниб қўйиш керак...

Унинг ўғитларига қулоқ солган киши бўлиб, яна кўкрагига назар ташладим ва бу расм оддий ҳаваскорнинг эмас, балки улкан санъаткорнинг иши, ноёб санъат асари эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Расм учун чап сийнасининг усти, юрак атрофи танлангани бежиз эмасди. Тикилиб қараганда, юрак урган сайин қизнинг узун киприклари, бўлиқ ва оппоқ кўкси тебраниб кетар, бу ҳол кишини беихтиёр ҳаяжонга соларди. Қўлларини бир-бирига чалиштириб ўтирган бу соҳибжамолнинг бармоқлари шунчалик оппоқ ва нафис эдики, таърифга сўз ожизлик киларди.

Хўжайин туришга чоғланди ва негадир, деканимизнинг фамилиясини суриштириб қолди. Мен чўчиб, сал довдираб жавоб бердим.

— Танийман,— деди у,— агар бирор ишқал чиқиб қолса, менга айтилсин, хўнми?

Мен миннатдорчилик билдирдим. Хўжайин ўрnidан туриб мириқиб, керишиб олгач уйига кириб кетди. Унинг баданидаги соҳибжамол эса ўша ондан эътиборан бутун борлиги билан хаёлимга кўчди ва қалбимга муҳрланиб қолди. Сўнг, кечаю кундуз ўша нозли нигоҳлар менга тинчлик бермайдиган бўлди. Ажиб бир туйғу оғушида эртасиеқ тезроқ кеч бўлиб, хўжайиннинг келишини ва ечиниб чиқишини кута бошладим. Хонамга қамалиб, унинг йўлига кўз тикиб ўтирдим. У ўша кунни анча кеч қайтди, бунинг устига кайфи баланд эди. Эрини маст кўрган бека саросималаниб, унга сув тайёрлади, туфлисини ечишга кўмаклашди.

— Биласанми, худо хотинларни нима учун яратган, — лаблари тамшаниб қайта-қайта савол берарди у хотинига.

— Биламан, биламан — эркакларнинг эрмаги учун, — ўргатилгандек жавоб қайтарарди хотини.

Аёл эрини уйга олиб кирди, хўжайин кимнидир болохонадор қилиб сўкди, сўнг ҳамма нарса жимиб қолди.

Эртаси, индини ҳам у креслода ўтирмади, фақат учинчи кунни чиқди. Эгнида катта кўк халат борлиги учун кўкраги ҳам берк эди. Халатини ечиб қўяр, деган умидда бирор соатлар уни кузатдим, лекин

интизор бўлиб кутишларим беҳуда кетди. Якшанба куни хўжайин ишга бормади. Мен ҳам ҳеч қаёққа чиқмай, унинг майкачан бўлишини пойладим. Бахтга қарши яна донгдор бригадир кириб келди ва хўжайинга илтимос қилишга тушди:

— Фақат помидор қолди: икки кун турса бари эзилиб кетади. Борамизу келамиз.

Улар чиқиб кетишди ва тушдан кейин ширакайф қайтишди. Ток остидан жой ҳозирлашди. Ҳар қалай энди хўжайин майкачан бўлиб қолди. Мен ҳаяжонланиб пастга тушдим.

— Ҳа; студент,— қарши олди хўжайин,— ўқишлар жойидами?

Миннатдорчилик билдириб, дастурхон тузашга кўмаклашдим. Ичкаридан чой, мева олиб чиқдим. Бу ишимдан, айниқса бека жуда қувонди. Сўнг унинг таклифи билан столнинг бир чеккасидан жой олдим ва ташна нигоҳларимни қадрдон расмга қададим. Ҳаво иссиғидан бўлса керак, қизнинг яноқларида реза-реза тер ялтирарди ва бу ҳол ҳам соҳибжамолнинг бетакрор чиройига хол бўлиб тушганди. Умрим давомида кўрган жамики полотнолар, портретлар, ҳайкаллар ва санъатнинг инсон қиёфасини акс эттирувчи бошқа турларидан фарқли ўлароқ бу расм жонли эди: у қизарар, терлар, оппоқ кўкси юракка ҳамоҳанг тебранарди.

Бригадир нуқул бу йил ҳосил мўл бўлганини, биринчи секретарнинг ўзи уни мақтаганини, барча ҳосилни топшириб олса, мажбуриятни бажаришини гапирар, расмга эса ўгирилиб ҳам қарамасди. Шундай сеҳрли, жозибали расм бир зум бўлса ҳам унинг диққатини тортмаётгани мени таажжубга соларди. Хўжайин ҳам бригадирнинг гапига одоб юзасидан қулоқ солиб, аслида бошқа нарсаларни ўйлаб ўтирганини англаб олиш қийин эмасди.

— Топшириш масаласида парво қилманг,— далда берган бўлди хўжайин,— шу ерда бор эканмиз, ҳосилингиз ерда қолмайди.

Гаплари қовушмаганлиги учун бўлса керак, бригадир кетиш тараддудига тушди. Хўжайин уни дарвозагача кузатиб қайтди ва тагин креслодан жой олди. Мен расмни кузатиб турганимда у хотинини чақириб қолди.

— Қарзни келтирдими? — сўради хотини қаршисида пайдо бўлиши билан.

— Ким?

— Уканг!

— Йўқ! Кейинроқ берар. Хотинини Ленинградга олиб кетди, бу ерда даволаб бўлмасмиш.

— Нодон! Ризқи бут бўлса, Самарқандми, Ленинградми — нима фарқи бор?!

Аёл мендан ҳижолат тортди, эри яна бирор ножўя гапни айтиб юборишидан чўчиб, мавзунини бошқа томонга бурмоқчи бўлди.

— Уғлингиз аттестатини олибди. Бутун синфлари билан ҳунар-техника билим юртига киришармиш, бўёқчи бўлармиш. Узиниям ҳаваси баланд, укамнинг айвонини жуда бошлаб бўяб берди.

— Қалланг ишлайдими?! — хотинининг гапини кесиб ўдағайлади хўжайин,— келиб-келиб мальяр бўладими?! Бошқа иш қуриб кетганми?! Менинг, мендай бир одамнинг ўғли одамларнинг айвонини бўяб юрадими?! Товба-ей!

Аёл яна саросималанди.

— Билмасам, кейин сиртдан ўқийман, деяпти,— давом этди сўник товушда.

— Бекор айтибди! Савдо институтига киради. Мен домлалар билан гаплашиб қўйганман! Шу системада ишлайди! Гап тамом!

Хўжайин норози оҳангда алланима деб ўрнидан турди. Мен расмни яна бир бор кўриб қолиш илинжида, унинг кўкрагига кўз ташладим: бу гал унинг ёноғидаги жажжигина ҳолга кўзим тушди. Хол бўёқ билан қилинмаган — табиий эди. Шунинг ўзи ҳам менга илиқ бир туйғу бахш этди ва ҳозиргина бузилган кайфиятим яхшиланди.

Шундан кейин орадан ўн кунлар чамаси вақт ўтиб кетди; менинг ширин умидларим, орзиқиб кутишларим сароб бўлди. Шу соҳибжамол сабаб бўлиб, бу оиллага қаттиқ боғланиб қолдим. Айниқса бека мени жуда қадрлар, худди ўғлидай эъозларди. Мен ҳам унинг ҳар бир гапини бажо қилардим. Унинг маслаҳати билан маҳалладаги бир тўйга бордим. Ёрдамлашиш керак экан. Тўйхонада чой ташиб юрганимда ноҳосдан хўжайин келиб қолди. Уч-тўрт баковул пешвоз чиқиб, тўрдан жой кўрсатди. Сўнг алоҳида дастурхон ёзиб, ноз-неъмат келтиришди. У анча ўтирди, кайф қилди ва чиқиб кетиши ҳамона ҳалиги одамлар гийбатга тушиб кетдилар:

— Маст бўлди, муттаҳам!

— Текини бўлса ичади, зулук!

— Буни одам қилиб юрган — хотини. Бўлмаса, аллақачон пиянис-та бўлиб балои-азимга ўраларди.

— Хотиннинг қадрига етармиди?!

Уларнинг гапидан менга кўп нарсалар аён бўлди. Хўжайиннинг биринчи хотини эрини кўп йиллар кутган. У эса ўша ёқдан хотин олиб келган. Ҳозирги хотини эса учинчиси экан. Хўжайин уруш йиллари асир тушиб, немисларга ошпазлик қилгани, кейин келиб ҳужжат тўғри-лаб олгани, орадаги одам бўлиб ҳаммани аҳмоқ қилиб юрганини тап тортмай гапиришди.

— Бари бир, маҳаллага шунақа одам ҳам керак, — шу ҳақдаги суҳбатни яқунлади уларнинг кексароғи, — ёрдами тегиб туради.

Бошқалар ҳам унга қўшилдилар.

Тўйдан қайтсам, хўжайин креслода майкачан ўтирибди. Беҳад қувониб, ўша томонга бурилдим.

— Хўш, студент, ишлар жойидами, тўйга борилдими?

— Ҳа.

— Кўрилдими: бари менга думини ликиллатади. Лекин қўллари-дан келса, шу бугун маҳалладан кўчириб юборишади. Кўришолмайди, нокаслар.

Мен унинг гапларига қулоқ тутган бўлиб, расмга қарадим ва қизни кўришим билан юрагим гупиллаб ура бошлади. Вожаб! Унинг бутун вужуди, айниқса, пастга қараган нигоҳлари қандайдир мавҳум туйғулар ҳақида тўлиб-тошиб гапираётгандай эди. Унинг вужудидан айна пайтдаги ҳолатидан шоҳ қўлида азоб чекаётган соҳибжамол ёки жохил эр қўлига тушиб қолган ночор жувон надоматларини уқиб олиш қийин эмас. У билан суҳбатлашгим, юзлари, пешоналарини силаб жуда эзгу, ширин сўзлар билан далда бергим, овутгим келди. Шундан кейин ҳам ҳар бир кўрганда, бу маликанинг янги-янги жозибаларини кашф этадиган ва бундан беҳад роҳатланадиган бўлдим. Кўнглимни ундан совутиш, хаёлларимни тинч қўйиш учун ҳарчанд уринмай, бунинг урдасидан чиқолмасдим.

Куз келди. Хўжайин энди майкачан чиқмайдиган бўлиб қолди. Ёнгинамда юрган соҳибжамол қизни кўришдан маҳрум эдим. У фақат тушларимга кирар ва мен шунга ҳам шукр қилардим. Лоақал унга ўхшаш қизларни учратиб ташналигимни қондириш илинжида кўча-куйда кўп кунлар тентираб юрдим, лекин унга ўхшашини учратолмасдим.

Бахтга қарши, бу йил иссиқ кунлар кечикди. Хўжайин май ойининг охирларига бориб, менга илтифот кўрсатди. Уни биринчи бор майкачан кўрганимда ҳаяжондан бармоқларимгача титраб кетди. Яқинига етиб бормасданоқ расмга тикилдим. Хўжайин мендаги паришон-хотирликни сизди шекилли, эгилиб кўкрагига қаради, сўнг ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Менга раҳми келгандай ачиниbroқ қаради. Шундан кейин хўжайин деярли ҳар кунни майкачан чиқадиган бўлди. Мен бу ҳолдан қувониб, бекага, хўжайинга кўпроқ хизмат қилишга интилардим. Ўша кунни у кўчадан жуда мамнун қайтганди. Бекага коньяк ва овқат келтиришни тайинлаб, менга меҳрибонлик қилди. Келажакда ёрдам бериш ниятида эканлигини қайта-қайта айтди.

Мен вазиятдан фойдаланиб, гапни унинг кўкрагидаги расмга бурдим. Хўжайин қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Билганман, студент, билганман, шу расм ёқиб қолганини. Шунинг учун ҳам нуқул майкачан чиқяпман.

У тагин кулди. Қадаҳларга ичимлик қуйиб бирини менга узатди.

— Олинсин, студент, олинсин, мана бу қиз учун олинсин. Кейин расмнинг тарихини айтиб бераман.

Энди унинг қўлини қайтаролмадим. У ичимликдан қулт этиб ютди-ю, давом этди:

— Бу расм Белоруссиядан ёдгорлик. Концлагердан.

Қизиқишим ошиб, унга яқинлашдим, бутун вужудим қулоққа айланди.

— Бир рассом билан бирга бўлиб қолгандик. Билмадим: итальянмиди; яҳудиймиди... Бир куни бизникилар яқинлашиб келаётгани, фашистлар шунинг учун ҳам бизни ё отиб ташлаши ёки Германияга ҳайдаб кетиши ҳақида гап тарқалди. Шу гап тарқалгандан кейин мен билан бир баракда ётадиган ўша рассом нозик илтимоси борлигини айтиб қолди. Мен мойил бўлгач, кўкрагимга расм чизиши учун кўнишимни сўради. «Ўттиз йилдан бери унинг сиймосини хаёлимда олиб юрибман, фақат йўқ дема», — деб ялинди.

— Эртага ўляпмиз-у, расм чизишга бало борми?!

— Йўқ, биз ўлмаймиз! Бу расм эса керак бўлади, — деди у ишонч билан.

Кечқурун унинг таклифига кўниб чалқанча ётдим. У бўёқли қалам билан бир неча бор қайтадан чизди, икки-уч соатлар уннади. Кейин эса игнани тушга ботириб, санчиб чиқди. Оғриди. Ҳақиқатан ҳам эртаси бизни отишга олиб чиқишди. Бир маҳал саф олдида юриб турган офицер бир-икки қадам ўтиб кетди-да, яна орқага қайтиб, кўкрагимдаги расмга тикилиб қолди. Кейин шерикларини ҳам чақирди. Улар анча вақт шу расм ҳақида суҳбатлашдилар. Сўнг ўша офицер мени сафдан чиқариб юборди.

— Қолганларни нима қилишди, — шошиб сўрадим.

— Отиб ташлашди!

— Рассомни ҳамми?

— Ҳа!

— Афсус!

Орага бир лаҳзалик сукунат чўкди. Уни мен буздим.

— Номи, фамилиясини биласизми?

— Рассомними? Йўқ! У билан атиги бирор ҳафта бирга бўлгандик. Расмни чизиб бўлиб жуда қувонганди, шўрлик. Кейин ўша офицер бу расмни яхши кўриб қолди. Мени Германияга ҳам олиб кетмоқчи бўлди, бир амаллаб қутулдим. Расмнинг зўрлигини ўшандаёқ сезгандим.

У тин олди, сигарета тутатди.

— Шундан кейин ўпкам шамоллаб, госпиталда ётдим. Даволовчи врач шу расмни яхши кўриб қолса бўладими?! Ҳар куни бошимга келиб, расмга тикилиб ўтиради. Соғлиғим яхши бўлса ҳам, йўқ ҳали тоза тузалмадинг дейди. Кейин билсам, тузалганимдан кейин ҳам жавоб бермай юрган экан. Бир ҳамшира билан соз бўлиб қолдик, ёрдам берди, икковлашиб қочдик. Бу ерда кундошлар келишолмади: хотинимиз нобуд бўлди, униси чиқиб кетди. Кейин шу аелимизга уйландик.

У қадаҳини яна тўлдирди, менинг рюккамни ҳам қўлимга тутқазди.

— Давай, студент, ичамиз!

Мен ҳақиқатан ҳам сира ичмаган эдим. Жаҳлданми, аламданми коньякни бир кўтаришда ютиб юбордим. Коньяк борган жойигача ичимни ловуллашиб кетди. Негадир йиғлагим келарди. Хонамга қайтиб, ўзимни каравотга ташладим...

Янги номлар

Абдурахмон Акбаров

Соат кўнғироғи

Чанг босса гар чеҳра-ойнасин,
Меҳр билан қўярлар артиб.
Сўнг бурарлар қулоқларидан,
Бўлсин дея доимо «тартиб».
Кун-тун тинмай юргизиб қўйиб,
Ўзи ором оларкан инсон,
«Одам, бунча бепарвосан?» — деб,
Соат ҳар тонг кўтарар исён!

Ҳолат

Кўзларинг кўзимга айтар бир қўшиқ,
Бир тотли қўшиққи, бир менга аён.
Кўксимга бош қўяр ишонч ва севинч,
Қучоғига олар сени ҳаяжон...

Осмон деразадан жилмайиб боқар;
Юлдузлар жонсарақ бўлишиб бу чоқ,
Кўзларинг куйлаган ширин қўшиққа
Тераклар ортидан тутарлар қулоқ...

Эртак

Жонгинам, истасанг, шеър ўқиб берай,
Истасанг, куй чалиб, айтайин қўшиқ.
Тингласанг, айтайин қизиқ бир эртак:
Бир йигит бир қизга эканин интиқ.
Тингласанг, сўзлайин ўша йигитнинг
Мактублар битганин маъшуқасига:
«Азизам, гапим бор, бир сафар чиққин,
Хирмон четидаги тол орқасига...»
Айтайми, гўзал ҳам изтироб чекиб,
Жавоб битмоқ учун кўп уннаганин.

Бир сатр ёзолмай жим қолган пайтлар,
Тиззасида Ой тунаганин...
Қўнглингни ёритса эртагим агар
Ва мени йўймасанг бир бетамизга,
Шуни ҳам айтардим: ўша йигит-қиз,
Ухшашлигин фақат иккаламизга!

Н-қисм.

Эргашали Абдуллаев

Бойчечак

Кўкда авжга чиқар булут ўйини,
Оқ ёмғир исини туяр далалар.
Эшик олдида-чи, бу пайт суюниб,
«Бойчечак» айтади қувноқ болалар.

Совға берайлик деб куйманар қизчам,
Меҳмон қилайлик, деб бирам шошади.
Тезроқ чиқинг, дея шўх болалар ҳам
Қўшиқни кўтариб ҳазиллашади.

Меҳрибон бекамиз шошиб қоларлар,
Хонадан хонага паришон кириб.
Чақирмоқда, ахир, дилбар болалар,
Елпиғич товоқни чиқсин тўлдириб!

Узим ҳам ўйланиб қоламан хиёл,
Нима совға қилсак бўлишаркин шод?
Фидойи умримиз уларга иқбол,
Улар — биз ишонган келажак ҳаёт.

Майли, болам, ёзгин тўкин дастурхон,
Бекам, совғаларни мўл қилинг, майли.
Бизнинг бахтимиз бу қувноқ оломон,
Шаъни, саодати бизлар туфайли.

Ерни тавоф қилиб яшамоқ, зотан,
Ёруғ тақдир эрур бизларга бугун —
Баҳордан, қўшиқдан яралган Ватан
Толе гулшанидир болалар учун.

Ишончмиз, армонмиз дунё қалбида,
Собит йўллар дилга илҳом соларлар, —
Қушлардек чуғурлаб, эшик олдида
Бойчечак айтаркан бахтли болалар!

Саида Зуннунова

Билмам қай кун — кузми, баҳорми,
Қалбда сездим тошқин анҳорни,
Куйга солдим диёрни, ёрни,
Мана шундай бошланди бу шеър.

Сездим, тунлар блмай уйқуни,
Булбуларга ошно туйғуни,
Сўйлаб бердим гулларга уни...
Мана шундай бошланди бу шеър.

Бўстон бўлди ёр ўтган кўча,
Келса ногоҳ ҳижронли кеча,
Фигон чекдим неча ва неча,
Мана шундай бошланди бу шеър.

Равон чиқмай қийнаса байтим,
Ешлик ўтган боғларга қайтдим,
Мажнунтолга бир сирни айтдим,
Мана шундай бошланди бу шеър.

Ошкор этдим қувонч-дардим мен,
Гоҳ панд едим, гоҳ мақталдим мен,
Юракларга йўл ахтардим мен,
Мана шундай бошланди бу шеър.

Хуллас, бўлиб бетараф ва жим,
Жабҳалардан четда қолмадим,
Қоғоз гулдек яшай олмадим,
Мана шундай бошланди бу шеър.

Қизимга

Сен ҳали уйқуда — кетаман,
Келаман — сен тагин уйқуда.
Нохундек меҳр изҳор этаман,
Ороминг бузмай деб қўрқувда.
Бари бир қалбга нур тўлади,
Тонглардай ёришар ўйларим;
Сочларинг қоп-қора бўлади
Ва гулдек етилар бўйларинг.
Ушанда биласан, гоҳида
Мен нечун тажанг ва жангари?
Яшарман, оҳ, тинчлик чоғида
Бўғзимда урушнинг чангали!
Юрсак-да, ёз кўйлак оғир деб,
Қиш эса кийсак-да қаватлаб,
Ҳаётни бут қилинг охир, деб,
Қуршовга олади даъватлар!
Тўғри, биз яшаймиз асабий,
Тўғри, биз мукамал шахс эмас —
Бу қадим синоат — Ер каби,
Бу кеча бошланган баҳс эмас.
Кўнглимга санчилар дард бўлиб,
Қисилар кўкрагим қафаси —
Қайдадир хўрланиб, қувилиб,
Энтикар баҳорнинг нафаси!
Розимиз шу турфа иқболдан
Қувониб, ҳайқириб, чекиб оҳ.
Бизларга насибдир, ҳарҳолда,
Баҳорнинг номидан яшамоқ.

Тилагим баҳордир сенга ҳам,
Қизгинам, шунчалар суюксан.
Баҳорга ишонсанг — мукаррам,
Баҳорни ёқласанг — буюксан!..

Фарғона.

Учқун

Интилиш

Интилиш мезони ҳар хилдир, ажаб,
Ҳар кимни ҳар ёққа бошлаб кетар у.
Қимнидир чўққилар томон етаклаб,
Қимнидир чўлларга ташлаб кетар у.
Бировлар интилар ишқ гулзорига,
Муҳаббат, вафодан мадор, куч олиб.
Бировлар қўл урар ҳасад торига,
Қимнинг йўлин тўсиб, кимдан ўч олиб.
Интилиб, интилиб, одамлар бари
Қўл қўяр интилиш ёзган ҳукмга.
Интилиш одил бир ҳакам сингари
Одамларни бўлар икки туркумга.
Бир туркум интилар одамийликка,
Бирин—йироқлашар одамийликдан.

Учқун уйғур поэзиясига ўзига хос жўшқин овоз билан кириб келди. Унинг «Тошдаги гул», «Сўқмоқлар», «Ҳаёт кўнғироғи» номли китобларига кирган кўпчилик шеърларида бу хусусиятлар яққол кўзга ташланади.

Учқун шеърини гулдастасини тайёр гулзордан эмас, чўққиларда унган анвойи гуллардан саралаб тузади. Унинг асосий тематикаси — инсон. Инсонни улуғлаш учун тоғларни, булутларни, дарёларни, қушларни сўзлатади. Тоғларнинг буюклигини, гулларнинг нозиклигини, қушларнинг нағмасини, совет кишилариининг меҳнат жасоратларини ўзига хос овоз билан тараннум этади, эзгуликни, гўзалликни улуғлайди.

Табиат шоирларга ажойиб — сезгир ва сахий юрак берган. У инсоннинг дарди, ташвиши билан тирик. Инсон учун куюна оладиган шоиргина халқнинг юрагидан ўрин олади. Шу нуқтаи назардан қараганда Учқуннинг дostonлари ҳам уйғур китобхонларининг муҳаббатига сазовор бўлди. Унинг «Сўнгги дақиқада», «Ер овози», «Ленин сурати» каби лиро-эпик дostonлари ва ўнлаб балладалари уйғур поэзиясига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Шоир ижодиётида халқлар дўстлиги темаси алоҳида ўрин тутди. У она-Ватани Шарқий Туркистон халқларининг фожиаларини қанчалик ички дард билан куйласа, совет дeёридаги халқларнинг бахтли ҳаётини шунчалик жўшқин ҳарорат билан мадҳ этади. Бу борада унинг ўзбек халқига, уйғур ва ўзбек халқининг дўстлигига бағишланган шеърлари алоҳида ажралиб туради.

Учқун ҳамон ижодий изланишда. У ўз устида қунт билан ишлаш баробарида ўзбек шоирларининг асарларини уйғур китобхонларига таништириш борасида ҳам самарали меҳнат қилмоқда. Қуйидаги шеърини гулдаста шоирнинг энг яхши лирик шеърларидан жамланди.

Мурод ҲАМРОЕВ,

**СССР Педагогика Фанлари Академиясининг мухбир аъзоси,
Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати.**

Ният

Орзу, хаёл билан туғилар инсон,
Инсон туғилади нияти билан.
Ниятинг—йўлдошинг, дерлар ҳар қачон,
Нияти билан ул олға интилар.
Бировлар кимнидир йиқитмоқ истар,
Бировлар суяйди йиқилганларни.
Бир ният—кимгадир қадалган ханжар,
Бир ният—қалқондек асрар жонларни.

Инсон гоҳо улуғ, гоҳо эса пасткаш,
Гоҳо жарга интилар, гоҳо уфққа.
Уни тили, миллати, ирқи эмас,
Нияти бўлади икки қутбга.



Ўқиб кўриб шеъримни дўстим,
Яша, деди, боплабсан роса.
Хижолатда мен кулиб қўйдим,
У ўзича қилди хулоса.
Душманимга ўқитган эдим,
Нафратини яширмади ҳам.
Майли энди, нима ҳам дердим,
Ахир у ҳам мустақил одам.
Кўз югуртиб нотаниш биров
Деди: —Шеърлар ёзма беҳуда
Биз-ку шоир эмасмиз, бироқ
Шеър шеърдай бўлса яхши-да.
Душманимдан ранжимадим ҳам,
Кўнглим қолди дўстимдан аммо.
Рост гапини айтмаган одам
Қилармиди одамга вафо?!
Деманг, шоир мақтовга муҳтож,
Ёки мойил мақтанишларга.
Биз муҳтожмиз холис ва мумтоз
Тўғри сўзли нотанишларга.

Ташналик

Сени оғушимда кўриб турсам-да,
Меҳру вафойингдан эриб турсам-да,
Мудом зорингман,
Қонмас менинг ташналикларим.
Висолни изларлар ҳижрон онда,
Мен висол кўзлайман висол комида.
Интизорингман,
Қонмас менинг ташналикларим.
Ҳаёт менга кулиб боқса-да мудом,
Гуллар атрофимга тўлса-да бу дам,
Гул хумориман,
Қонмас гулга ташналикларим.

Аслида ҳаёт бу—ташналик демак,
Покиза ҳисларга ошнолик, демак.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА таржималари.



Саид Аҳмад

ХАЗОНСИЗ БОҒ

Қиш чилласида яшнаб, гулга пурканган, мевалар ғарқ пишган
боққа кириб қолган кишининг ҳайратомуз ўйлари

Бу ёр қиш чилласида яшнаган ажиб бир водий эди. Худди каттакон театрнинг томоша залидек иккита хонада инсон ақлини лол қолдирадиган боғ яшнаб турибди. Тут барг ёзаяпти, узум гуллаяпти, бизнинг иқлимда мутлақо ҳосил бермайдиган банан меваси шира йиғаяпти; гуллар-гуллар, ранг-баранг, димоқни яйратадиган қандайдир хушбўй атир ҳиди аниқийди. Гўё эртақ оламига тушиб қолгандек бўласиз.

Ташқарида қор бўралайди. Бунда ғунча гул очади. Тарновлар бўйнига сумалаклар осилган аёз, бунда дарахтлар меваларини кўтаролмай беллари қайишиб қисирлайди. Одамлар пўстинга ўралиб, оғизларидан ҳовур чиқариб юрганларида бунда асаларилар гулдан гулга кўнади.

Бу боғда айни пайтда ҳам баҳор, ҳам ёз, ҳам тўкин куз.

Бу боғнинг соҳиби Зайниддин ака билан кўп йиллардан бери қадрдонлик қиламан. Айниқса, қиш чилласида, совуқ изғиринлар эсган пайтларда ундан хабар олгани Яланғоч қишлоғига атайин бораман. Ҳар гал борганимда, албатта, ақлни лол қолдирадиган бир мўъжизага дуч келаман.

Бу одам билан урушдан кейин, тахминан қирқ саккизинчи йилларда танишган эдим, бутун республика бўйлаб цитрус экинлари ташвиқ қилинаётган, деярли ҳамма колхоз ва совхозлар траншеяда лимон ўстириш пайига тушган кезлар эди.

Тайёргарликсиз, илмий базасиз, цитрус агротехикасини билмай туриб бошланган иш охирига етказилмай қолиб кетди. Гуржистон-у Абхазиядан келтирилган лимон кўчатлари ҳосил бермай, колхозлар зарар кўрдилар. Кўп хўжаликларда траншеядаги минг-минглаб кўчатлар кўмиб ташланган эди.

Ана ўшанда ёш боғбон Зайниддин Фэҳриддинов: «шу лимонлардан наҳотки ҳосил олиб бўлмайди, иқлимга мослаштириш мумкин эмасмикин», деган бир ўй билан ўша «дарди бедаво» кўчатлардан ўнтасини Ленин номли колхоз теплицасига экади. Бу кўчатлар етти хил нав бўлиб, биронтаси Урта Осиё иқлимига мос келмасди. Аммо улар орасида Меер номли лимон нави теплицада ўзини эркин сеза бошлади. Гуллаши ҳам, ҳосил тугиши ҳам дадил эди.

Изланиш, албатта, бирон самара беришини Зайниддин яхши биларди. Шу пайтгача мамлакатимиздаги лимон ватани бўлмиш Грузияда ҳам, бошқа Кавказ республикаларида ҳам лимон кўчати уруғдан ўстирилиб, пайванд қилинарди. Аммо Зайниддин: «қаламча усулида ўстириб бўлмасмикин» деган ўй билан ҳосил шоҳларидан қалам-

ча қўйиб кўрди. Кутилмаган воқеа юз берди. Жўякларга санчилган қаламчалар кўкарибгина қолмай, шу йилнинг ўзида ҳам гуллаб, ҳам учтўрттадан ҳосил тутди. Шу пайтгача колхоз ва совхоз траншеяларида ўсган лимонлар каптар тухумича катталиқда ҳосил берарди. Зайниддин танлаб олган Меер кўчати теплица шароитида 50—60 грамм ҳосил берган бўлса, қаламча усулида ўстирилгани 100 граммга яқин оғирликда лимон бера бошлаган эди. Ана шундан кейин Зайниддин бошқа нав кўчатларни чиқариб ташлади. Унинг назарида, хашаки навлар Меер билан чангланиб, ҳосилни майдалаштираётганга ўхшарди.

Яланғоч қишлоғи кўп ажойиб миришкорлар ватани. Бу ерда машҳур соҳибкор Ризамат ота, ажойиб селекционер Сайфиддин Эшонхонновлар инсон ақлини лол қолдирадиган тажрибалар ўтказишган. Зайниддин ака шу устозлар маслаҳатига муҳтож эди. Лимонлар авжи гулга кириб, битта-яримта данакдек-данакдек яшил ғўра туккан пайтда ўша икки устозни теплицага бошлаб келди.

Икки устоз ёш селекционернинг ишларидан ниҳоятда хурсанд бўлишди. Шунда Зайниддин лимонларни йириклаштириш ниятида эканини айтди. Ризамат ота фақат чатиштириш йўли билан йириклаштириш мумкинлигини тушунтирди. Чунки унинг ўзи ҳам қанчадан-қанча йирик донли узум навларини ана шу йўл билан яратган эди.

Ана шундан кейин Зайниддин Фахриддинов Тбилисидан «Янги Грузия» навли кўчат олдириб келди-ю уни Меер билан чатиштирди. Бирдан кутилмаган воқеа юз берди. Бир йилга қолмай икки навнинг чангланишидан ҳосил бўлган кўчатда ҳар бири тўрт юз-беш юз граммли лимонлар пайдо бўла бошлади. Зайниддин янги кўчатни худди баҳорда ипак қуртига каллакланган тундек яланғоч қилиб, новдаларни жўякларга ўтқаза бошлади. Чангланган кўчат шох берди дегунча яна каллаклаб қаламча ола берди. Бир йил ичида юзга яқин қаламча қўйди. Баъзи қаламчалар ўша йилнинг ўзида бир-иккитадан, бошқалари келаси йили тўрт-бештадан ҳосил бера бошлади. У шу йўл билан теплицанинг икки-уч хонасида янги «Ф—1» навли лимон кўчатларига эга бўлди.

Орадан уч йил ўтмай «Ф—1» лимони ҳар тупда беш юздан етти юзгача ҳосил тута бошлади. Лимонларнинг салмоғи олти юз граммгача етди.

Ўзбек селекционери етиштирган янги лимон ҳаммани қизиқтириб қолди. Бу лимон шифобахшлиги билан, кислотага бойлиги билан аввалги лимонлардан кескин фарқ қиларди. Ундан ташқари бўйи ҳам унча баланд бўлмай, шоти қўймай ҳосилни териш мумкин, бир гектар майдонга 1000 туп кўчат жойлаштира бўларди.

Ўзбекистон ҳукумати Фахриддин яратган навни Ўрта Осиёнинг иқлимий шароитига мос деб топди ва республиканинг бошқа хўжалиқларига тавсия қилди. Энди узоқ-яқин областлардан кўчат сўраб, маслаҳат сўраб келадиган одамлар кўпайиб қолди.

Айниқса, янги лимон нави ҳақида матбуотда босилган кичкинагина хабар баҳона бўлиб бутун Совет Иттифоқидаги лимон ишқибозларидан Фахриддинов номига хатлар кела бошлади. Зайниддин ака куни билан лимонларга ишлов берар, тунни тонгга улаб, хатларга жавоб ёзарди.

«Ўзбекистон» нашриёти унга лимон етиштиришдаги ўз тажрибаларини бир китобча қилиб ёзишни топширди. Бу айти муддао бўлди. Чунки ҳар хатга жавоб ёзганда бир китобга сиғмайдиган тажрибаларни минг марталаб қайта-қайта ёзар эди. Энди у хатга жавоб тариқасида китоб жўнатадиган бўлди.

Изланган одам, албатта, янгилик яратади. Бу орада Фахриддинов яна янги бир нав лимон ижод қилди.

«Янги грузин» нави билан «Янги афон» навини чатиштирганда ҳар бири 600 граммдан икки килогача келадиган ҳандалакдек лимон вужудга келди. Бу лимон улуг Лениннинг 100 йиллик юбилеи арафасида яратилган эди. Фахриддинов «Юбилейний» деб ном берди.

Тиниб-тинчимаган миришкор изланишдан тўхтамади. Тинимсиз тажрибалар янги-янги самаралар бера бошлади. Энди у ўзи яратган «Ф—1» навидан ҳам юқори, сервитамин, залворли «Ф—2» навини ижод қилди.

Бу нав унга жуда катта шуҳрат келтирди. Ҳатто Грузия селекционерлари ҳам унга юқори баҳо бериб, кўчат сўраб, одам юбора бошладилар. Бугунги кунда Тбилиси қишлоқ хўжалиги институти тажриба хўжалигига, Грузия ботаника боғи теплицаси ҳамда республика ботаника боғларига бундан ўн йил олдин олиб кетилган 100 туп кўчат кўпайтирилиб, қардош республиканинг қатор хўжаликларида шиғил ҳосил тугяпти.

Ҳозир мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги 152 теплица хўжалигида Зайниддин ака етиштирган тўқсон минг лимон кўчати тонна-тонналаб ҳосил беряпти.

Краснодар ўлкасининг Архипо-Осиповск районидаги «Плодовый» совхозда 2600 кўчат шиғил ҳосилга кирди.

Айниқса, «Юбилейний» лимони йил бўйи конвейер усулида ҳосил бераверади. Битта шохнинг ўзида ҳам гул, ҳам ғўра, ҳам етилиб пишган лимон бўлади. Бир ёқдан гуллаб, бир ёқдан ҳосил бераверади. Унинг яна бир афзаллиги шуки, бир гектар ердаги учёшга етган кўчатлар ўттиз тоннагача ҳосил беради.

Бутуниттифоқ саралаш комиссияси Фахриддиновга «Ф—1» ва «Ф—2» навли лимонлари учун тўрт марта биринчи даражали аттестат берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитетининг топшириғига биноан Фахриддинов лимонарийсини кенгайтириб, 50 гектарга етказиш ва уни республика лимончилик базасига айлантириш ҳаракати бошланди.

Унта кўчатдан бошланган кичкинагина лимонхона 1979 йилга келиб 21 гектарга етди. Бир йиллик лимон ҳосили юз тоннадан ошиб кетди. 1981 йилда эса 2 миллион 480 минг дона лимон узиб олинди. Иттифоқ ва республика лимончилик хўжаликларига бир йилда 20 минг туп кўчат жўнатиладиган бўлди. Булардан ташқари Фахриддинов тажрибаларини оммалаштирадиган алоҳида мактаб очиш тараддуди бошланиб кетди.

Зайниддин ака тиниб-тинчимас одам. У янги-янги лимон навлари яратиш иштиёқи билан яшайди. У яқинда апельсин билан мандариннинг янги навларини яратди. Бу навлар ширасининг ўткирлиги, ҳосилининг катталиги, серсув ва хуштамлиги билан шу кунгача биз истеъмол қиладиган апельсин билан мандаринлардан афзаллик қилади.

Энди навбат ана шу апельсин билан мандаринлардан минг-минглаб кўчатлар тайёрлашга келди.

Ташқарида қор бўралайди. Хоналарда саратон жазирамаси ҳукмдор. Унда оддий деҳқон боласи, бутун умрини янги нав лимонлар яратишга бағишлаган Зайниддин ака кўчатлар тагида хаёлчан кезади.

Бу одам ҳалол меҳнати билан бутун Иттифоққа ном таратди. Унинг кўксини Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари безаб турибди. Унга республикада хизмат кўрсатган агроном деган ардоқли унвон берилган.

Илмий даражаси бўлмаётган туриб, илмга катта ҳисса қўшган бу халқ селекционерининг яратувчанлик меҳнатини қадрлаб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси унга «Фахрий академик» унвонини берди.

Унинг меҳнатда қорайган қўлларига қарайман. Бу қўллар ерганимайки қадаса, кўкариб барг ёзади, шиғил ҳосил тугади. Унинг қўллари оддий қўллар эмас, сеҳргар қўллар эди.

Бу йил баҳор жуда инжиқ келди. Ҳаво бирдан исиб кетди. Офтоб чарақлаб бир кунда шошқалоқ ўрикларни гуллатиб юборди. Асаларилар ғўнғиллаб қолишди. Шафтоли навдалари анор донасидек қип-қи-

зил ғунча тугди. Бугун эрта күз очаман деб турипти. Деворларнинг кунгай тарафидан чумоли ўрмалаб қолди...

Бундай яшнаган баҳор кунларида ҳар қандай деҳқону боғбоннинг товони қичийди. Кетмонини, гулқайчисини кўтариб далага чиқиб кетади. Зайниддин ҳам тинч ётолмади. Авжи гулга кирган лимонларини офтоб иссиғидан баҳраманд қилмоқчи бўлди. Ишқомлар устидаги ёпқичларни олиб, димиққан лимон тупларини офтобга солди. Ҳаво ўша кунни жуда бўлиб берди. Мартнинг охириги икки-уч кунни уриб ёққан қор осмон бетигадаги ғуборларни силкитиб юборгандек эди. Йўқ, бу табиатнинг деҳқонни ғафлатга соладиган, уни уйқуда босадиган нотанти ўйинлардан бири эди. Зайниддин ҳам алданди. Бир гектар лимонхона устидаги ёпқичлар олиб ташланди. Офтоб нурида, баҳор шаббодасида ниҳоллар яйраб қадларини ростлаб асаларилар билан тиллашардилар. Кечаси ҳам илиқ, танни яйратадиган шаббода эсиб турди. Юлдузлар чамани осмонни безади. Аллақайда алданган бақанинг ҳам овози эшитилиб қолди. Демак эртага ҳаво яна яхши бўлади. Зайниддин ажиб бир ҳаловот билан уйқуга бош қўйди.

Эрталаб ҳам ҳаво яхши эди. Нима жин урдию осмон бетига қўрғошиндек оғир бир парча булут пайдо бўлди. Шамол ҳам бесаранжом эса бошлади. Ана шу шамол узоқлардан булутни бошлаб келди-да, этни жунжитадиган ёқимсиз изғирин эсиб қолди. Қор учқунлай бошлади. Аввалига мошдек келадиган қор йириклашиб кетди. Осмон ҳам, яқин орадаги дов-дарахт ҳам кўринмай кетди. Ҳар қорки донаси муболағасиз тухумдек келарди.

Лайлак қор авжга чиқди.

Зайниддиннинг ичини ари талади. Бир гектар лимонхонанинг ҳар тупида ўн ўнбештадан чойнакдек келадиган лимонларни қор оғирлиги билан навдалари кўтаролмай қолди. Беллари майишиб ерга ётиб қола бошлади. Совуқ ҳам заптига олган эди.

Зайниддин печга ўт қалашга буюрди. Минг-минглаб лимон дарахтлари орасидан ўтган қувурлардан иссиқ сув оқабошлади. Ҳали боғбонлик тарихида кўрилмаган иш бўлаётганди.

Очиқ далани печ ёқиб иситиб бўлармиди? Бўларкан. Зайниддин бунга ишонади. Мана қор бўралаб ёғиб турипти. Аммо иссиқ сув қувурлари ўтган жойлардаги лимонлар устига ёққан қорлар дам ўтмай эриб кетяпти. Ҳатто ўша жойлардан буғ ҳам кўтариляпти.

Қор узоқ ёрмади. Бир икки соатда жами лимонларни ерга эгиб устига оппоқ кўрпа ёпиб кетди. Шамол ҳам заптидан тушди. Сон-саноксиз лимон туплари орасидан бурқсиб буғ сузиб юрарди. Зайниддин эркин нафас олди. Энди лимонлар офатдан қутулган эди. Сузиб юрган буғлар лимонни кўриқлаб бағрига илиқлик пуркаб юрганга ўхшарди.

Бироқ... Бироқ кечга яқин яна изғирин бошланди. Кечаси билан танни жунжитиб, боғбонлар уйқусини қочириб, совуқ тили билан куртак ёзган дарахтлар навдасини ялаб чиқди. Ер бетига пиёз пўстидек юпқа муз пайдо бўлди. Йўллардаги кўлмаклар устидан ўтган машиналар сал тормоз берса сирганиб кетадиган даражага келди. Аммо лимонзорлардан ҳамон буғ кўтариларди.

Эрталаб яна офтоб чарақлаб чиқди. Тарновлар бўйнига осилган сумалаклар чакиллаб томди. Ҳурпайган мусичалар кўлмаклар устини қоплаган юпқа муз пардасини чўқилаб сув ичабошлашди.

Деҳқону боғбонларни безовта қилган бешинчи апрель совуқлари офтобнинг бир зарби билан аллақайларга бош олиб кетганди.

Зайниддин Фахриддинов қаддини ростлаётган лимонлар орасидан энгашиб юрар экан хандалакдек-хандалакдек лимонларни аста кафти билан кўтариб кўрарди. Дарахт учларидаги янги куртаклар, ғунчалар бужмайипти, халос.

Зайниддин этигига илашган лойларни водопровод крани олдига келиб ювди-да, шийпон олдидаги скамейкага ўтирди. Бу ердан бутун лимонзор кафтда тургандек кўринарди.

Уйқусизлик, бедорлик уни анча карахт қилганди. У сабри чида-

май яна ўрнидан турди. Қишки боғ нима бўлди экан. Ҳар қалай бу боғнинг устида ёпинчиғи бор-ку. Бари бир хабар олиб қўйиши керак. Эшикни очиб тахта зиналарни аста босиб пастга тушабошлади. Тепадаги плёнкаларни шамол учириб кетибди. Кўп жойларини қор оғирлиги зўр келиб йиртиб юборипти. Лекин бирон ниҳол зарар кўрмапти.

Алвон ранг гулларнинг иси, хилма-хил меваларнинг товланиши бир зумда соҳибкорнинг танидаги чарчоқликни, кўзидаги уйқу карахтлигини тарқатиб юборди. Қўл чўзиб бир иккита шотутдан узиб еган бўлди. Хоки анжирдан биронта қолганмикин деб барглар орасини тимискилаган бўлди. Тополмади. Энгашиб келинчак гулни бир селпиди. «Гули хаё» деб аталмиш бу уятчан гиёҳ қўл тегиши билан ерга ётиб олди.

«Юбилейний» деб аталмиш ҳар бири катта хандалакка тенг келадиган лимон юқори шохидан узилиб то пастга тушгунча икки учтасини туртиб туширди. Бетон йўлкада думалаб тўхтади. Пленка йиртиғидан кечаси иссиқ бошпана қидириб кирган бир жуфт чумчуқ чиқиб кетишга жой излаб ўзини ҳар ёнга урар, яна орқага қайтиб барглар орасига кириб кетарди. Шотут орасидан бояги чумчуқларнинг хўрак топганидан шодон чирқиллаши бошланди. Зайниддин илжайиб қўйди. Майли еганингча е, ризқинг шу ерга сочилган экан, деб шивирлади.

У қишки боғдан қайтиб чиққанда лимонарий ишчилари, мутахассислари ёнбошлаб қолган шохларга тиргак қўйишар, совуқ олган олманини текшириб юришарди.

Бош директор Зайниддин Фахриддинов шийпон олдида туриб бемаҳал ёққан қор, эсган совуқ изғирин келтирган зарарларни дилида хомчўт қиларди.

Унинг ҳисобича йигирма бир гектар лимонхонанинг бир гектарида атиги беш процент зарар кўрган холос.

Эртадан, ер нами сал сингиши билан ҳамма лимонларга шарбат беришини мўлжаллаб қўйди. Шарбат лимонни минг бир дарддан халос қилади. Ана шунга зўр бериш керак. Ахир лимон тупларининг учларидаги нозик янги навдачаларни совуқ бужмайтирибди. Албатта ўша навдачаларда қанчадан-қанча гунча бор эди. Аммо бир ёмоннинг бир яхшилиғи ҳам бор, деганларидек, уч новданинг бужмайиши чеканка вазифасини ўташи ҳам бор. Энди пастки шохларга кўпроқ куч келади. Ҳосили қайнайди. Бу гапларни гўза эккан, гўзани чеканка қилган пахтакор билади. Лимон ҳам худди шунақа.

Бош директор Фахриддинов очигини айтганда кеча ниҳоятда оғир изтиробда қолганди. Егани ичига тушмади, кўзига уйқу илинмади. Ширин-шакар невараларининг хархашаси ҳам қулоғига ёқмади. Нималар деди, болаларига қаттиқ-қурум гапириб, дилини оғритдими, ўзи қандоқ юрди, қандоқ турди, билмасди.

Бундай изтиробга тушишига жуда катта сабаб бор эди.

Мартнинг йигирма учинчи куни доврўғи бутун Иттифоққа таралган ажойиб соҳибкор лимончи Зайниддин Фахриддиновнинг цитрусчилик соҳасида эришган беқиёс ютуқлари билан танишиш учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев келиб лимонзорларни айланди. Селекционер Фахриддинов яратган янги нав лимонларни кўриб таҳсинлар ўқиди. Ёмби олтиндек ҳосилини кўтаролмай энгашган лимон тупларини завқ билан томоша қилди.

Ҳар бири икки килоча келадиган «Юбилейний» лимонини қўлига олиб завқланиб кетди. Лимон гулларининг муаттар ҳидига тўлган хоналарда тўйиб-тўйиб нафас олди. Ун минг дондан ортиқ лимон пишиб турган хонага ҳайрат билан боқди. Охири Леонид Ильич Фахриддиновнинг қўлини қисиб, «Сизнинг бу хайрли ишингизга муваффақиятлар тилайман», деб айтди.

Зайниддин ака бу йил СССР 60 йиллиги шарафига 200 тонна лимон етиштириб бермоқчи эканини энди азиз Леонид Ильичнинг лимонхонага келишлари муносабати билан яна йигирма тонна қўшимча ли-

мон етиштириб беришини айтганда ўртоқ Брежнев яна бир бор унинг ишларига муваффақиятлар тилади.

Зайниддинни 5 апрелда ногихон ёққан қор, изғиринлар пайтида ваъдамнинг устидан чиқолмай қолсам нима бўлади, Леонид Ильич олдида юзим шувит бўлиб қолмасмикин, деган бир андиша безовта қилган эди. Йўқ, у сўзининг устидан чиқади. Бунинг учун тиним билмай ишлаш керак. Зайниддин фарзандларини ёнига олиб лимонзордан бери келмай қўйди. Кечасию кундузи лимонларни парвариш қилди. Ғўдакдек авайлаб атрофида парвона бўлди.

Орадан ўн беш кун ўтгандан кейин совуқ олган лимонлар тамомила ўзини ўнглаб олди. Янгитдан ҳосил шохлари чиқди. Куртаклар қўйди, янги ғунчалар ғуж-ғуж бўлиб навдани безади. «Юбилейний» лимони эса бир чеккадан пишяпти, бир чеккадан гуллаяпти, ғўралари пиёладек бўлиб қоляпти.

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз фақат лимончиликдагина эмас, сабзавотнинг турли хилларини етиштиришда ҳам республика сабзавоткор, боғдор колхозлар орасида алоҳида кўзга кўриниб туради. Бу колхоз пойтахт области ҳамда шаҳар меҳнаткашларини йил давомида ҳўл мева билан узлуксиз таъминлаб туради.

Ёлғиз теплица атрофидаги брак ҳисобланган 100 гектар ташландиқ ернинг ўзидан колхоз бу йил 3600 тонна сабзавот беради. Лимонхона ишчиларининг ўзи лимондан ташқари 14 минг тонна сабзавот, эртаги картошканинг ўзидан 750 тонна етиштириб беради.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Убайдулла Самиғов етакчи бўлган колхоз коммунистлари ўртоқ Брежневга берган тантанали ваъдаларини шараф билан бажариш учун колхоз аҳлига намуна бўлмоқдалар.

Яқинда Тошкент область қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидовнинг лимончи Фахридинов тўғрисида айтган гаплари ниҳоятда қувончлидир.

КПСС Марказий Комитети ажойиб селекционер Зайниддин Фахридиновнинг лимончиликдаги тажрибаларини ва у етиштирган серҳосил навларни барча қардош республикаларда ҳам қўллашга тавсия қилди. Эндиликда Фахридинов лимонлари қардошларимиз дастурхонини ҳам безайди.

Халқ ичидан етишиб чиққан, оддий, камтар ўзбек боғбони учун бу буюк шарафдир.

Ҳозир Зайниддин ака олтмиш ёшда. Аммо у қайноқ меҳнат, ижод, изланиш оғушида ёшлардек бардам. Шу кунларда у янги, сервитами, хуштам, шифобахш «Ф—5» лимонини яратди. Мутахассисларнинг анализлари шуни кўрсатяптики «Ф—5» лимонини медицинада кенг қўллаш мумкин. Айниқса у операциядан чиққан беморлар учун, қон босими ошган хасталар учун ниҳоятда фойдалидир.

Аёз чирсиллаган қиш чилласида пўстинга ўралиб йўлга тушинг. Тошкентнинг айланма йўли ёқасида бир боғ бор. Шунга бир дамгина кириб ўтинг.

Ташқарида қор бўралайди. Бунда шотут пишиб ётибди. Томлар бўғотида сумалаклар осилиб турипти. Бунда атир гул ҳид таратяпти. Боғларда узумлар кўрпа ёпишиб ухляяпти. Бунда ҳусайнилар гулдан чиқиб, ғўра тугяпти. Дала-дашт оппоқ қор кўрпасида. Бунда юз минглаб сап-сариқ лимонлар пишиб шохларини эгяпти. Сиз уйда банкани очиб шафтоли компоти ичяпсиз. Бунда шафтоли ранг тортиб ширага тўляпти...

Инсон қўллари, инсон зеҳни нималарга қодирлигини билгингиз келса Зайниддин аканинг боғига қиш кунлари бир қадам ранжида қилинг!

Бундай боғ фақат афсоналарда бўлиши мумкин!

МОҲИЯТ

«Тошкент тракторсозларининг шонли коллективи билан учрашганимдан хурсандман.

Сизнинг заводингиз — ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, техника тараққиёти ва коллективни социал ривожлантиришдан иборат кўп қиррали масалаларни муваффақиятли ҳал этаётган Совет Ўзбекистони машинасозлигининг энг яхши корхоналаридан биридир.

Трактор заводи аҳил коллективининг — пахтани етиштириш ва йиғиб-териб олишни комплекс механизациялаш учун кураш пешқадамининг роли бениҳоя каттадир.

Азиз ўртоқлар, Сизларга партия XXVI съезди қарорларини бажаришда, янги-янги марраларни эгаллашингизда катта меҳнат муваффақиятлари, сиҳат-саломатлик ва кўпдан-кўп қувонч тилайман.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

(Корхона Фахрий меҳмонлари китобиغا 1982 йил, 23 март куни ёзилган истакдан)

Муҳаммаджон мойли қўлларини латта билан артаркан, нигоҳи гўё «узр, мени зарур иш кутиб турувди» дегандек бўлар, қаергадир, нимагадир шошарди.

— Кечирасиз,— деди у ниҳоят илтимос оҳангида,— агар суҳбатимиз ҳозир бўлса ўн-ўн беш минутдан ошмаса, ё ишдан кейин...

— Ҳаяжонда юрибди,— деди завод директори Ирис Харасович Мусин у чиқиб кетгач.— Юбилей шарафига янги мажбурият олган. Шаҳримиз саноат корхоналари коллективлари бошлаган ажойиб ташаббуснинг издошларидан бири. Сўзи устидан чиқиш учун ҳар бир дақиқани тежаб ишлатишга интиляпти, талабчан, ҳалол...

Директор баҳосини эшитиб ўтирибман-у, «қудратли машиналар ишлаб чиқараётган бу корхона ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишим учун заводни боягидек бир айланиб чиқишимнинг ўзи кифоя қилмас экан», дея кўнглимдан ўтказдим, одамлар, илғорлар ҳақида билишим кераклигини сездим.

Ирис Харасович мени тушунди. Ўрнидан туриб бориб хона деразасини ланг очиб юборди. Кўкламнинг сўлим шабадаси дилларни қитқлаб, ажиб ҳузур бағишлади, эрта май гулларининг муаттар ҳидини димоққа урди. Директор заводнинг кенг ҳовлисига, улуғвор корпусларга назар ташларкан, сўз бошлади.

— Бундан йигирма бир йил олдин корхона ўрнида «Ташавтомаш» заводи бўлган. У асосан пахтачилик тракторлари учун турли хил деталлар тайёрлаган. Владимир шаҳридан ғаллачиликка мўлжалланган тракторларни бу ерга келтириб, пахта далаларида ишлаши учун мослаштиришган. Чунки улар ҳаракат қилганда ғўза қатор ораларида бемалол юриб, ўсимликка зарар келтирмаслиги керак эди.

Муҳаммаджон Туропов заводга ўша кезларда келган. Ўзи асли фарғоналик. Кетмончиликдан бошқа нарсани билмагани учун дастлаб уни заводга оддий ишчиликка қабул қилишган.

Орадан йиллар ўтди. «Ташавтомаш» Тошкент трактор заводига айланди. Корхона ўз кучи билан пахтачилик тракторлари чиқара бошлади. Дастлабки тракторларда Туроповнинг ҳам баҳоли-қудрат улуши бор. Кўплаб ғилдираклар унинг қадоқли қўлларидан, синчков нигоҳларидан ўтган.

Муҳаммаджон билан — майлига кўра — смена тугагандан сўнг учрашдик. Серқатнов катта кўча ёқасидаги йўл-йўл қилиб бўялган скамейкаларнинг бирида ёнма-ён ўтириб гурунглашяпмиз.

— Ишчилар ҳаётида хилма-хил воқеалар бўлиб туради,— дейди у ўйчан, жиддий тарзда,— гоҳида биз ишларни «шахсий», «ижтимоий» деб ажратамиз. Менимча бир коллективдаги ҳаёт учун ҳамма жавобгар. Ҳеч ким ижтимоий иш деб ўртоғига «шахсий ишингни четга сур» дейишга ҳаққи йўқ. Ҳар бир одамга эътибор билан қарашга тўғри келади. Биз шунга одатланганмиз...

Унинг бу сўзлари менга ишчи Валерий Матициннинг у ҳақда қилган ҳикоясини эслатди.

— Гапнинг рости, Муҳаммаджон ака иш кўзини биледи, бошқача қилиб айтсак, «деловой!» Каттага-катта, кичикка-кичик. Шунинг учун биз ёшлар у кишини бошқаларга қараганда кўпроқ ҳурмат қиламиз. Цехимиз қолақликка тушиб қолганда маъмурият уни бизга «командировка» қилди. Биз дастлаб «кешиб қолади» деб ўйлагандик. Лекин у кетмади. Янги жой, янги касб қийинчиликларидан чўчимди. Янги ташаббуслар билан майдонга чиқиб, барчани зарбдор меҳнатга чорлади.

Бир кун у цехни айланар экан, ёш ишчи Саиднинг анчадан буён ишга келмаётганини пайқаб қолди.

— Нега?— сўради у кўпчиликдан.— Тинчлик эканми? Охири кунларда кайфияти дурустмиди? Ишга иштиёқи яхши эди чоғи...

Ҳеч ким жавоб бермади. Ҳатто у билан юрадиган тенгдошлари ҳам елка қисиб қўяқолди.

Бригадир ёш ишчининг оиласи билан алоқа боғлашга қарор қилди. Унинг уйида бўлиб, бир пиёла чой устида гурунглашди. Маълум бўлишича, корхонада Саиднинг разрядини оширишга ошириб, маошини ҳар галгидек шогирд ҳисобида берилаётганлигини аниқлади. Саид бундан хафа бўлиб, ишга чиқмай қўйган экан.

Туропов бухгалтерияда бўлди. Маълум бўлдики, Саидга разряд берилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар қаердадир тўхтаб қолибди.

— Ука, деди Туропов шогирди елкасига қоқиб,— мана ҳақингни ҳам ундирдик. Лекин сен ҳозир менинг гапимга қулоқ сол. Айтайлик, шитоб билан оқаётган сувнинг йўлига бирор тўсиқ қўяйлик. Шунда сув тезлигини, ҳаракатини ўзгартирадими? Ўзгартиради! Қирғоқда ёки сув остида бирор ўзгариш бўладими? Бўлади! Хўш, сенинг ишга чиқмай қолишингни нима деб баҳоласа бўлади? Бошқалар корхонам — иккинчи уйим деб жон куйдирсалар-у, сен арзмаган нарсадан хафа бўлиб, дардингни бировларга айтмай ишга чиқмай юрсанг... Сен неча кун иш қолдирган бўлсанг, дастгоҳинг ҳам ҳувиллаб турди...

— Мени хафа қилишди.

— Хўш, коллективда нима айб? Дастгоҳларда нима айб? Сен бу ҳақда бизга айтмадинг-ку? Биз эса сендан хавотир олдик. Чунки ҳаммамиз сен учун жавобгармиз. Сен эса буни тушунмадинг, тушунишни балки истамайсан...

— Истайман, Муҳаммаджон ака!— ҳаяжон билан гапирди Саид.

Мана шунинг учун Матицин айтганидек, ёшлар уни «бошқаларга қараганда кўпроқ ҳурмат» қилади.

Уй суриб қолганимни кўрган Муҳаммаджон нимадир сўрамоқчи бўлди. Лекин мен уни сўзида давом этаверишга ишора қилдим.

— Олти йилча олдин асбобсозлик цехига бир йигитни ишга олмақчи бўлдик. (Ўзр, номини айтмайман, чунки у ҳозир корхонамизнинг илғор ишчиси, фақат феъли сал ўзгарган. Тезда хафа бўлиб қолади). Ушанда у адашмасам ўн олти ёшда эди. Кўпчиликка камгап, тундроқ бўлиб кўринди. Ҳатто тенгқур дўстлари ҳам аввалига тушунмай юришди. Бир кун милициядан хабар келса бўладими? «Б... Р... Заводдан аккумулятор ўғирлаб қўлга тушди. Ўртоқлик судида ёки корхона мураббийлар кенгашида кўриб чиқишларингизни сўраймиз...»

Маъмурият ҳам, партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ҳам, мураббийлар кенгаши ҳам — ҳаммаси корхонага кечагина келган ёш ишчининг ҳулқ-атвори билан қизиқиб қолишди: «Судга берсак, ҳали ёш, жувонмарг бўлиб кетади...» дейишди раҳбарлар.

Мураббийлар кенгашида мен қатнаша олмадим. Лекин кимдир «яхшиси бунн Туроповга берайлик, одам қилади. У жуда уста, ёшлар билан тиллашиб кетади» дебди.

Хуллас, йигит ишда қолди. Кейин секин билсам, ҳаёт йўли анча чигаллашган экан. Тақдир уни ота-онасидан жуда барвақт айриб, болалар уйига «ташлабди». Ота ғамхўрлиги, она меҳрини кўрмаган, ҳатто қаерда туғилганини ҳам аниқ эслай олмаган ўсмирнинг бадқовоқ, одамови бўлиб қолиши табиий, ахир. Бунинг устига уни гулдек ёшида ўғирликда айблаб, судга бериб юборсак нима бўларди? Ҳаётга эндигина мустақил қадам ташлаётган йигитга кимдир оталик қилиши керак эди-да. Бу вазифани коллектив ўз зиммасига олган.

Шу ўринда Муҳаммаджон камтарлик қилиб, «коллектив» деб қўя-қолди. Аслида ўсмир тарбияси билан коллектив топшириғига кўра шахсан унинг ўзи шуғулланди.

У ҳар куни янги шогирди ҳаётида, хулқида юз бераётган ўзгаришлар билан қизиқиб борди. Китоб ўқияптими, кино кўряптими, дўстлари ким?— ҳаммасини кузатди. Дастлабки пайтларда у ўзини ўнглаб олгунга қадар завод касаба союзи комитети билан бамаслаҳат моддий ёрдам уюштирди. Ишдан бўш пайтларида ҳаёт, турмуш сўқмоқлари ҳақида фикр алмашди, ўз ҳаётидаги айрим «сўқмоқлар», «равон» йўллар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берадиган бўлди.

Бир куни чой устида қайсидир китобдан ўқиган шингил лавҳасини сўзлаб берди.

Афлотундан сўрашибди:

— Қандай одамни иродали, сабр-қаноатли деб айтса бўлади?

Афлотун жавоб берибди:

— Тўрт оёқли от ҳам қоқилади. Демак икки оёқли одамнинг қоқилиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Лекин ўзини тезда ўнглаб олган киши иродали бўлади.

Ўсмир гап йўналишини тушунди. Устози айтган лавҳа таъсир қилдими, қизаргандек бўлди. Анча вақт жим қолди. Пиёлада совиб қолган сўнгги ҳўплам чойни қўлга олди-ю, ичмасдан жойига қўйди.

— Бўпти!— деди у устозига дадил боқиб.— Ишонинг. Менинг номаъқул қилиғим мана шу пиёлада қолган совуқ чойдек бугундан бошлаб қолиб кетгани бўлсин.

Муҳаммаджон яна бир ўспириннинг ҳам қалбига қўл солганди. Йигит кўп ўтмай асбобсоз слесарь разрядини олди. Кейин ҳарбий хизматга ҳам бориб келди. Хизматдан сўнг яна корхонага қайтди. Турдош касб — фрезерчиликни эгаллади. Йиғинларда уқувли тракторсозлар қатори тилга тушди.

— Боя гапимни «шахсий», «ижтимоий» деган сўзлардан бошлаганимнинг боисини энди англагандирсиз,— кулибгина гапирди Муҳаммаджон.— Чунки ҳар бир шахс учун ҳамма жавобгар, ҳамма масъул бўлганидек, уларнинг шахсий иши ҳам маълум маънода ижтимоий моҳиятга эга бўлади...

Суҳбатимиз адоғига етиб, изимга қайтар эканман, йўл-йўлакай у сўзлаб берган бошқа тафсилотлар ҳам хотиримда қайтадан жонлана бошлади.

....Шу йилнинг баҳори эди. Партиянинг олий анжумани — XXVI съезд делегати Муҳаммаджон Туропов ўзи туғилиб ўсган қишлоғига борди. Ҳамқишлоқлари уни уйма-уй олиб юриб, меҳмон қилишди. Съезд, корхонаси, ўз ишлари ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўрашди.

— Съездда бизнинг заводимиз ҳақида алоҳида гапирилди,— фахрланди у.— Энди буёғи зўр бўлади. Янги трактор ишлаб чиқарамиз. Юз от кучига эга...

— Муҳаммаджон,— деди ҳамқишлоқларидан бири ширингина қилиб маҳаллий шевада,— сен айтган тракторларнинг чиндан ҳам баҳоси йўқ. Илгариги кез омочнинг ишини ҳозир бир трактор эплайди, қўяди. Лекин шундоқ тезкор асримизда бундан ҳам созроқ, «пўлат от» лар

яратса бўлмайдими? Ой, Марс, Зухро юлдузигача учиб чиқиб келяп-миз-у, лекин тракторларнинг кабинасига келсак, у қадар такомилига етмаган кўринади.

— Масалан?— деди Муҳаммаджон суҳбатдошининг ўринли эъти-розини диққат билан тингларкан.

— Масалан-ми? Улкамизнинг об-ҳавосини биласан. Ёзда қайнай-ди, қишда айнайди. Тракторларнинг кабинасида ҳам шу ҳол.

— Сенга қолса тракторингга «Жигули»нинг салонини ўрнатиб бер-са-а?— уларнинг гапини ҳазилга йўймоқчи бўлди даврада ўтирганлар-дан бири. Муҳаммаджон гапнинг жиддий эканлигини билдириш увун ҳазил қилган кишига «гап қўшманг», дегандек қараш қилди. Суҳбатдо-ши сўзида давом этди.

— Й-ўқ, «Жигули»нинг салони бўлмасаям юк машинасининг ка-бинасига ўхшаса яхши бўларди. Ёзда совитиш, қишда иситиш жиҳоз-лари ўрнатилса деймиз. Чанг-чунгдан, заҳарли химикатлардан муҳо-фаза қилувчи қурилмалар бўлишини истардик. Кабина ичида шовқин-дан қулоқлар батанг. Силкитгани-силкитган. Кечга бориб ерда ҳам ўз-ўзингдан қалтираб кетаверасан. Қолаверса, ишчи органларида ҳам унча-мунча қусурлари бор.

Муҳаммаджон унинг сўзини маъқуллади. Сўнгра боя айтган юз от кучига эга «пўлат от»и ҳақида гапирди.

— Ҳа демай, уни далаларда кўрасиз. Корхонамизнинг янги қув-ватлари тўла ишга тушиши билан «С—100» ҳам «туғилади». Бир чиқ-са бўлди, у ёғи конвейер. Ана унга қайноқ ёз ҳам, қаҳратон қиш ҳам писандмас. Герметик жиҳозлар ўрнатилади. Шовқин, чанг-чунг, хими-кат таъсир қилмайди. Тракторчи бўлар-бўлмасга безовта бўлиб эги-либ-букилавермайди.

— Сен ўзи заводда нима иш қиласан?— сўзини бўлди кексароқ бир киши.

— Олдинги ғилдиракнинг айрисимон қисмини тайёрлайман.

— У-ҳўў,— деди бошқа бир қишлоқдоши, афтидан тракторчи бўл-са керак, Муҳаммаджон айтган қисмнинг оғирлигини чамалаб айтиб берди,— 40 килоча келади.— Кейин меҳмонга юзланиб сўради:— уни ҳар гал ўзларинг кўтариб олиб қўясанларми?

— Ҳа!— деди Муҳаммаджон аввалига, кейин гуноҳқорона қўшиб қўйди.— Шу соҳада ҳам озроқ оқсаганмиз. Инженерлар биз ишлаёт-ган жараёни ҳали механизациялаштирганларича йўқ, юк эса анча оғир, ҳар бирини кунда ками билан уч-тўрт марта у ердан бу ерга кў-тариб олиб қўйишимизга тўғри келади.

— Бир киши ўз сменасида шундай қисмдан неча донасини тайёр-ласа бўлади? Масалан ўзинг?

— План бўйича 65—68 та тайёрлашим керак, лекин мен 95—100 тагача етказяпман...

— Кўрдингми?— деди Муҳаммаджонга дастлабки суҳбатдоши.— Бундан чиқди, заводларингнинг ўзида ҳам унча-мунча муаммолар бор экан-у, ҳали-ку трактор... Агар сен тайёрлаётган 35—40 килолик 95—100 дона маҳсулотнинг ҳар бирини смена орасида уч-тўрт мартадан жойдан-жойга кўтариб олиб, кўтариб қўйсанг, бир иш кунингда сал-кам 12 тонна юк кўтаришингга тўғри келаркан-да?

—Ваҳ, фил бўлиб кет-е!—ҳаяжонланиб кетди бир мўйсафид.— Жонингга тўзим берсин!— Ҳаммаси кулишди.

Муҳаммаджон муқим далада яшаб, далада ишлаётган, ноз-неъмат яратаётган меҳмондўст, дилкаш, танги қишлоқдошларининг техникани бу қадар яхши билишларига, ҳисоб-китобини пухта чиқариб, моҳияти-ни чуқур тушунишга интилишларига қойил қолиб, тан берди, хурсанд бўлди.

Ҳар бир сўзнинг, ҳар бир ишнинг моҳияти, салмоғи бўлади, албат-та. У хоҳ шахсий бўлсин, хоҳ ижтимоий—ўз моҳиятига, салмоғига эга. Борди-ю, ўша сўз, ўша иш ижодий изланишлар самараси бўлса, у ҳолда шахсийлик чегарасидан чиқиб, ижтимоийлик касб этади. Иж-

тимойлик тусини олган салмоқли ишлар эса моҳият эътибори билан залворли бўлади.

Муҳаммаджон цех бўйлаб юрарди. Қараса, бир ишчи бехосдан тўхтаб қолган дастгоҳи ёнида куймаланиб, асабий ҳолда дастгоҳ «ка-салига диагноз» излаяпти. Бошқа бир ишчи «планимни бажариб бўл-дим» деб хотиржам ўтирибди. Рост-да планини тўлдирди, ойлиги тайёр, яна нима керак?

Бу манзара Муҳаммаджоннинг қалбида қутилмаган истак туғдир-ди. Қорхона партия йиғилишида «ҳар бир ишчи ўз участкасидаги тур-дош касблардан лоақал бирортасини эгаллаб олсин» деган таклиф би-лан чиқди.

Яна бир мисол. Илгари цехда трактор деталларидан бирини бара-варига ҳам силлиқлашар, ҳам пармалашар эди. Одатда бу ҳолни кўп-чилик яхши, қулай йўл ҳисобларди. Туропов диққат билан кузатиб, де-талларни алоҳида-алоҳида қайта ишлаш керак деган таклиф киритди. Пировардида, янги усул корхонага 30 минг сўм фойда берди.

Мана булар ижтимоийлик тусини олган шахсий ишлар самараси эди. Еки медалнинг иккинчи томони бўлганидек, шахсий ишнинг иж-тимоий моҳияти эди.

Шу йилнинг 23 март куни кундуз соат икки. Завод аҳли бу дамни бир умр эслаб, сеvimли корхоналари шонли тарихига абадий битиб қўяди. Чор атроф байрам либосида. Баҳор ёмғири иморатларни ювиб ўтган, энди кўкариб келаётган дов-дарахтлар орасида қизил байроқлар, байрамона қирмизи шиорлар ял-ял товланиб турибди... Смена ҳам ало-ҳида бир вазиятда бошланди, бугунги иш ҳам ўзгача юришиб кетди: тракторсозлар энг азиз меҳмонларни кутишмоқда.

Меҳмонлар заводнинг бош хиёбонидан ўтиб, йиғув цехи томон йўл олди, улкан корпус олдида майдонда Ўзбекистоннинг энг катта маши-насозлик корхоналари — Трактор ва «Ташсельмаш» заводлари ишлаб чиқараётган машина-механизмларининг кўргазмаси ташкил этилган. Леонид Ильич Брежнев ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар экспонатлар билан танишдилар.

Ирис Харасович бу ердан йилига деҳқонларга пахтачилик учун мўлжалланган қатор оралари 60X90 сантиметр бўлган салкам 30 минг-та трактор, шунингдек, шатакчи тракторлар жўнатилаётганлиги ҳақи-да сўзлаб берди.

— Тошкент трактори, — деди у фаҳр билан, — ўзи юрар шоссе бў-либ ҳам хизмат қилади. Пахтачилик машинасозлигининг улкан кор-хоналаридан бири — «Ташсельмаш» унга ҳар хил марқадаги пахта териш машиналарини ўрнатмоқда. Бу ерда кўргазмада оддий ва ин-гичка толали пахтани ҳамда уруғлик пахтани териш учун, кенг ва тор қатор оралари учун, икки ва тўрт қаторда айни бир вақтда ишлаш учун, бир йўла икки жараёни — пахтани териш ва уни бирламчи то-залашдан ўтказиш учун мўлжалланган агрегатлар бор. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун мўлжалланган прицеplarни ҳам трактор заводи ишлаб чиқармоқда.

Қорхона директорининг энг олий меҳмон — Леонид Ильич Бреж-нев олдида бурро-бурро сўзлаши Муҳаммаджонни тўлқинлантириб юборди. У фараҳли қисларга тўла, ажиб бир кайфият билан энтикиб қўйди, ён атрофига қаради, ўнг томонида эгнида коржома, кекса элек-трик Улуғ Ватан уруши ветерани Алексей Симонов, Ленин ордени ка-валери созловчи Маҳкам Тешабоев, чап томонда ўзининг собиқ шо-гирди, илғор фрезерчи Василий Нехорошев, КПСС XXV съезди деле-гати Анна Федюшина, шунингдек, Сергей Егоров, Александр Ильин... ҳаммаси ўзи каби донгдор, ташаббускор, ветеран тракторсозлар. Ай-римлари ўзи сингари завод партия комитетига, Куйбишев район пар-тия комитетига аъзо қилиб сайланган пешқадам ишчилар, рационали-заторлар. Қорхона мурабийлар кенгаши аъзолари, коммунистик меҳ-нат зарбдорларидир.

Хаёлида завод йилномасининг саҳифалари бир-бир варақлангандек бўлди.

14 июль, 1969 йил. Корхона пахтачиликка мослаштирилган тракторлар ишлаб чиқариш юзасидан масъулиятли топшириқ олди. Бўлажак трактор Т—28 Х—4 деб ном олди.

Пахтачиликка мослаштирилган тракторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун қизғин сафарбарлик бошланди. Бу — моҳияти эътибори билан масъулиятли иш эди. Корхонани бутунлай бошқатдан ташкил қилиш, янги цехлар бунёд этиш, ускуналар ўрнатиш, тракторлар ишлаб чиқаришни эплайдиган кадрлар тайёрлаш талаб қилинарди.

2 апрель 1970 йил. Шу куни корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари партия ва ҳукумат топшириғини қамоли садоқат ва матонат билан адо этгани ҳақида ғалаба рапорти берди: «Т—28 Х—4» маркали дастлабки Тошкент трактори корхона йиғув цехи бош конвейеридан тушди. Ярим йил мобайнида бундай машиналардан ўн мингтаси ишлаб чиқарилди.

Тошкент тамғаси босилган тракторлар Урта Осиё, Қозоғистон, Озарбайжон республикаларида харидоргир бўлиб қолди. Кейинги беш йил мобайнида завод коллективи бундай тракторлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. Машиналарнинг конструкцияси такомиллаштирилди, сифати яхшиланиб борди, чидамлилиги ортди, бошқарув системалари мукамаллаштирилди.

10 март, 1975 йил. Корхонада катта тантана. Тошкент тракторининг юз мингинчи нусхаси бош конвейердан тушганлигига бағишланган кўп кишилик митинг бўлди. Юз минг! Бу миқдорий ўлчовгина эмас, моҳият эътибори билан завод коллективи меҳнати сифатини баҳолашга арзигулик рақам!

Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида мамлакатда юз минг дона трактор бўлишини орзу қилганида, хорижий сиёсатдонлар бунчалик юксалишимизни хаёлларига сиғдиролмагандилар.

Бутун мамлакатда эмас, республикамизнинг биргина корхонасида қисқа муддат ичида юз минг дона трактор ишлаб чиқарилди! Завод коллективи пахтачиликни юксалтиришга самаралироқ ҳисса қўшиш учун бутун куч ва имкониятларини сафарбар қилмоқда. Бунинг янги конструкциядаги машиналарни яратиш учун олиб борилаётган кураш жараёнида ҳам кўриш мумкин.

Дарвоқе, пахтачилигимизнинг юксалиши ишчи билан деҳқон ҳамкорлигининг самараларини яхлитлигича ифодалаб турибди. Бунинг ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг Совет ҳокимияти йилларида машина механизмлари билан таъминланиши даражасидан ҳам билиш мумкин. 1924 йилда республикамиз далаларида Америка Қўшма Штатларидан олтин баҳосида харид қилинган 30 донегина «Форзон» трактори ишлатиларди. Ҳозирги вақтда республикамиз қишлоқ хўжалигида 200 мингдан зиёд трактор бўлса, не ажаб! Яна ўн минглаб автомашиналар, сеялкалар, кўрак чувиш машиналари ва бошқа хил агрегатлар мавжуд. Қишлоқ хўжалигимизда қўлланилаётган машиналарнинг умумий қуввати бугунги кунда 14 миллион от кучи билан ўлчанади. 50 йил аввал деҳқон от-ҳўкизни қишлоқ хўжалиги учун ҳал қилувчи восита деб ҳисобларди, омоч унинг ҳамроҳи эди. Бугунги кунда пахтакорнинг меҳнатини ишчи тайёрлаган машина-ускуналар енгиллаштириб турганлиги жуда катта юксалиш ифодасидир.

Мамлакатдаги барча пахтакор республикаларни замонавий техника билан таъминловчи корхона партия ленинча миллий сиёсати тантанасининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Владимир, Минск ва мамлакатдаги бошқа кўпгина шаҳарларнинг тракторсозлари заводнинг бунёдга келишида, унинг лойиҳадаги қувватга эришувида, маҳсулотнинг энг янги турларини ўзлаштириб олишида қардошларча ёрдам бердилар. Белоруссиялик конструкторлар ва технологлар қуввати оширилган «МТЗ—80Х» тракторлари ишлаб чиқаришни йўлга қў-

йишга салмоқли ҳисса қўшдилар, бу тракторлар ғўзани парвариш қилиш ва йиғиб-териб олишнинг барча босқичларида деҳқонларнинг меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини бермоқда.

Уртоқ Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездида сўзлаган нутқида баён этилган қонда ва хулосаларни тракторсозлар завқ-шавқ билан қабул қилдилар. Завод меҳнатни ташкил этишнинг «ягона наряд»и каби илғор системани биринчилардан бўлиб жорий эта бошлади ва бу ҳол ишлаб чиқаришга дарҳол баракали таъсир кўрсатди, кўпгина кишиларни бошқа жуда муҳим ишлар учун бўшатишга, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

—Тракторсозлар, азиз Леонид Ильич,— Ирис Харасовичнинг жарангдор овозидан Муҳаммаджон ҳушёр тортди, бутун вужуди билан тўлиб-тошиб гапираётган директор сўзларига қулоқ тутди.— Сизга ваъда бериб айтадиларки, корхона коллективи ўтган йил яқунларига кўра Бутуниттфоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлари учун мукофотланган Қизил байроқни шараф билан кўтариб бораверади. Ҳозир завод реконструкция қилинмоқда, қуввати юз от кучига эга бўлган, вентиляция қилинадиган, герметик кабина билан жиҳозланган янги машинани чиқаришга ҳозирлик кўрмоқда. Деҳқонлар бу тракторни сабрсизлик билан кутмоқдалар, машинасозлар ҳам уни иложи борича кўпроқ етказиб бериш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар.

Гулдурос қарсақлар янгради. Муҳаммаджоннинг наздида, қарсақлар овози ғўё шу тоб еру кўкни қоплагандек бўлди. Хаёл уни яна бир зум ўз измига олди... Бир вақтлар не машаққатлар билан пудлаб пахта етиштирган деҳқон бугун 6 миллион тонналик маррани забт этди! Энди эса у янги-янги марраларга етиш ҳаракатига тушди. Пахтачиликдаги бу ривожланиш деҳқонга ялпи ғамхўрлик шарофати, механизация хосияти, ишчи билан деҳқон ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги неъмат эмасми? Бу — қудратли экономикамиз жабҳасида буюк юксалишлар моҳиятининг ифодаси эмасми?

— Самара нечоғлиқ салмоқли, залворли бўлса, моҳият ҳам шунга яраша бўлади,— ажиб бир фахр, фараҳ, ғурур билан пичирлаб қўйди Муҳаммаджон.

Намоз САЪДУЛЛАЕВ.





Шомил Алядин

МАРМАР ЗИНАЛАР

ҲИКОЯ

Ирода ҳали ҳам ўша-ўша... чаққон, ҳаракатчан. Кеча Миландан келди, бугун эса география жамиятида лекцияси бор. Қирқ дақиқадан кейин кетади. Бир ойлик ҳижрон тугаганди. Энди озгина бўлса-да усиз уйда қолиш мен учун жуда оғир эди. Иродага соғинч ва маъюслик аралаш боқаман. У ҳали ҳам гўзал. Ерга қараб, киприklarининг узунлиги кўриниб турган пайтда, айниқса жозибали. Худди ёшлигидаги сингари, боққанимни сезиб, қизаради, лекин индамайди. Хонада жимлик ҳукмрон. Ирода жимликни ёқтирмайди. «Юрагим сиқилиб кетади», дейди.

— Қизиқ, — дейди у мулойим жилмаяркан. — Мемуарларни фақат... Сенга нима десам экан, фақат истеъфодаги генераллар ёзади деб ўйлардим. Ҳатто, инженерлар ҳам бундан мустасно эмас эканлар.

Мен нимага шама қилганини тушундим. Ирода бир оз сукут сақлаб, сўнг савол берди:

— Хўш буни қандай тушуниш керак? Кексалик аломатими?

— Қим билсин, — дедим кифтларимни қисиб.

— Паришонхотир бўлиб қолибсан... — Ирода шарт ўрнидан турди-да, қўшни хонага чиқиб кетди. Таажжубланиб жавоб бериб улгурмасимданоқ, у қайтиб кирди. Эскириб сарғайиб кетган бир даста қоғозни тиззаларим устига қўйди.

— Буларни қаердан топдинг?

Атоқли ёзувчи Шомил Алядин [Шомил Сеитович Алядинов] етмиш ёшга тўлди. У 1912 йилда Қримда, Ой-Петри яқинидаги Махулдур қишлоғида туғилган. У бадий ижод билан жуда ёшлигидан шуғуллана бошлайди. Биринчи шеъри ўн беш ёшида Қримдаги «Ёш қувват» газетасида, биринчи тўплами «Замин кулар» эса йигирма ёшида босилиб чиққан. 1940 йилда Шомил Алядиннинг «Ҳаёт» деб номланган сайланма асарлари чоп қилинган.

Шомил Алядин ҳарбий хизматни қизил казаклар сафида ўтказади. Улуғ Ватан уруши йиллари Шимолий Кавказ frontiда отлиқ қисмларда взвод, эскадрон ва рота командири сифатида жангларда қатнашади. Шомил аканинг ҳаёти республикамиз билан чамбарчас боғлиқдир. 1934—1935 йиллардаёқ Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг йўлланмаси билан Чирчиқ шаҳри қурилишига боради, йирик

— Токчадан... Энциклопедия томлари орасида ётган экан. — Ирода кулимсираб жавоб берди. — Уттиз йил. Катта давр. Шундай эмасми?

Қоғозларни титкилай бошладим. Ирода юзларимнинг ифодасини уқиш учун кўзини узмай қараб турарди.

— Новороссийск воқеаси ёдингдами? — деди у секин.

Мен ўша воқеани эслаб жим қолдим. Узоқдан соатнинг данғиллаб бонг урган товуши эшитилди.

— Вой! Мен кетишим керак! — Ирода шошилиб ўрнидан турдида, плашчини кия солиб йўлакка отилди.

Уни кузатиш учун ўрнимдан қўзғалаётганимни кўриб, мени тўхтатди.

— Ҳожати йўқ! Троллейбус яқин. Ўзим.

Тиззаларим устидаги қоғозларга ўйчан тикилганча, хотиралар оғушида ёлғиз қолдим. Ҳар саҳифада кишиларнинг отлари, на фақат отлари, кишиларнинг тақдирлари... Карим, Турғунбой, Николай Кандиба, Валя... Ҳайҳот! Ҳайҳот! Валя Синицкая! Энди улар йўқ. Вислада ҳалок бўлганлар. Христофор Дураниди дегани ҳам бор эди. Ҳозир Армавирида бир ўзи яшайди.

Бу воқеа анча илгари, Чирчиқда рўй берган эди.

I

Эшик олдига келиб резина этикларимга ёпишган лойни тозаладим. Баракнинг эшигини очмоқчи бўлиб тутқичга қўл узатгандим, орқадан комендант Турангонинг бўғиқ товуши эшитилди.

— Тезда, Воҳид Саматовичнинг олдига кир!.. — деди у менга. — Эрталабдан бери сени қидиради.

— Нечук?

— Билмайман. Бўлақол!

— Кийимларимни алмаштирай, кейин...

Туранго рози бўлмади. Хаддан зиёд узун ва ориқ бўлган бу одам кийимнинг яхши, ёмонини фарқ қилмайди. Ўзи доимо узун шинелда юради.

— Менимча, сени у зиёфатга олиб бориш учун қидираётган бўлмаса керак, — деди у. Туранго гапираркан, оғзидан чиққан сигарет тутуни димоғимга урилди, бўғилиб йўтала бошладим. Туранго бунга парво қилмади. — Мана шу кийимингда ҳам қабул қилаверади.

Иложим қанча! Унга бўйсуниб, ҳовлидаги кўлмак сувни кечиб, ошхона ҳовлисидан ўтиб, бош идорага кирдим. Нимқоронғи йўлакдан бориб бошлиқнинг эшигига яқинлашаётган маҳалимда ичкаридан чиқаётган асабий гапларни эшитиб тўхтадим.

— Кандиба, фақат Кандиба! — деб бақирарди Бош узелнинг раҳбари Турсунов. — Бу иш бошқасининг қўлидан келмайди.

— Йўқ, Бекиров, — деб унга эътироз билдирди инженер Жўраев. — Жавдат сўзининг устидан чиқадиган одам. Ўзи қизил казакларда хизмат қилган.

— Кандиба — Тинч океани матроси! — бўш келмасди Турсунов. — Жаҳонгашта. Маркиз оролларида яшаган.

саноат корхоналарини бунёд этишда фаол қатнашиб, экскаваторчи бўлиб ишлайди. Унинг «Агар севсанг» ва «Шамолда солланган чироқлар» романлари, шунингдек, қатор ҳикоя ва очерклари Ўзбекистон ишчилар синфи ҳаётига бағишлангандир. Езувчи «Агар севсанг» романида ўттизинчи йилларда Чирчиқ электр-кимё комбинати қурувчиларининг шижоатли меҳнатларини ёритган бўлса, «Шамолда солланган чироқлар» романи ўзбекистонлик кончилар ҳаётидан ҳикоя қилади.

Шомил Алядин татар адабиётининг йирик намояндаси. Бугунги кунда унинг кўпдан-кўп шоғирдлари адабиётнинг турли жанрларида самарали меҳнат қилмоқда.

Адибнинг юбилейи муносабати билан эътиборингизга ҳавола қилинаётган куйидаги ҳикояси республикамизда тўнғич саноат гигантлари бунёд бўлган биринчи беш йилликлар давридан олиб ёзилган.

— Яшаса нима қипти? Миясида... фақат Маргарита. Унинг дастидан Ботумида ўзини осмоқчи ҳам бўлган. Бекиров эса, бошқача жиддий.

Ўзинг ҳақингда зиддиятли фикрлар эшитиш одамга ёқмас экан. Шарт эшикни очдим. Мунозара тўхтади. Жўраев ўрнидан туриб хона ичида бўш турган ягона стулга мени таклиф этди.

— Муҳим иш бор, Жавдат! — деди Воҳид Саматович — Фикримча, буни фақат сен уддалай оласан.

«Мен?! Бояги эътирозлар-чи?» — деб таажжубландим ичимда.

— Бош узелда минглаб одам бор... — дедим Турсуновга, — уларнинг ичида энг жонбози мен бўлиб чиқдимми?

— Масала фақат жонбозликда эмас. — Турсунов ўрнидан турди. Тамаки халтасини ковлаштираркан, қўшимча қилди. — Йўқ, гап фақат жонбозликда эмас.

— Бўлмаса нимада?

— Майли, гапни чўзмасдан пўскаласини айтганда, Новоросийскака бориб келишинг зарур. Тушундингми? У ерда, портда, кранлар... Америкадан келтирилган кранлар ётипти... Давлатимиз пул сарф қилган, тушундингми? Кранларни эса қор босиб ётипти. Уларни буёққа олиб келиш керак.

— Мен... бир ўзимми?

— Йўқ. Инженер Мансуров билан бирга, — деди Турсунов. — Қолган гап ортиқча. Ҳаммасига ўзинг тушунасан. Бутун қобилиятингни ишга солишингга тўғри келади.

Масаланинг моҳиятини дарҳол англаган бўлиб, бошимни икки карра силқидим. Аслида эса, бу вазифани қандай бажариш керак — ҳали ўзим ҳам билмасдим.

— Москвада кўп айланишиб қолманглар! — деди Жўраев елкамга қоқиб. — Катта шаҳар. Пулни яхши кўради. Новоросийскака эса, мен ҳам борганман. Драглайнларни биласан-ку? Ушаларни келтиргандим. Ҳа?! Сизларга битта маслаҳатим — портда дарҳол комсомол ячейкасининг котибига учрашинглар, ёрдам қилишсин. Масалани қатъий қўйинглар. Қўрқманглар! Тушундингми? «Совет шарқидаги илк гигантни крансиз қолдиришга ҳаққингиз йўқ...» деган маънода гапиринглар.

Мен яна бош силқидим. Лекин бу сафар масала анча равшанлашган эди.

— Йўл харажатларингизга ажрагилган пул кассирда, — деди Турсунов. У столнинг тортмасини очиб, ичидан яримта газета олди. Газетага тикилиб турди-да, бир чеккасидан озгина йиртиб олиб, тамаки ўради. Кейин ўт олдириб, хонанинг у бошидан-бу бошига бориб келди. — Поезд кечаси кетади. Ҳужжатларингиз Мансуровда.

Гап тамом бўлганини тушундим. Хайрлашиб ташқарига чиқдим. Мансуровни қидириб топиб, қаерда ва қачон кўришмоғимиз ҳақида келишиб олишим керак эди. Аксига олиб Мансуров уйда йўқ экан. Эшиги олдида ўйнаб юрган ўғли, онасининг ҳам уйда йўқлигини, Искандарга кетганини бижиллаб тушунтирди. Идорага қайтишга мажбур бўлдим.

Турсуновнинг секретари мени кўриб, бирдан тутоқиб кетди.

— Сен нима қилиб юрибсан? — деб бақирди у. — Нега бу ерда ўралашиб юрибсан? Бориб лаш-лушингни йиғиштирсангчи?

— Йиғиштирадиган нарсам йўқ. Тайёрман. Мансуровни қидириб юрибман...

— Мансуровнинг ғамини емай қўяқол. Ўзингни бил! Баракка бориб кут. Оқ чўлоқдан «Форд» келса сизларни Тошкентга олиб бориб қўяди.

Мен кетдим. Баракка бордиму каравотга ўзимни ташлаб, ухлаб қолибман. Кечаси кескин, ингичка товушдан уйғондим. Тепамда эгнига пахталик шим, бошига қизил аскарча каска кийган, лаби тиртиқ бир киши турарди.

— Машина ошхонанинг олдида турипти, — деди у ўнг қўлидаги

брезент қўлқопларини бошим устида силкитиб. Қўлқоплар мой ва қумга тоза тўйинган экан кўзларимга тушиб, ачитиб юборди. Мен шошиб ўрнимдан турдим.

— Баракка яқин келолмадим, — деди у киши, — ҳаммаёқ балчиқ... Сен тез чиқ. Яна паромга кечикиб ўтирмайлик.

Мен ечинмай ётган эдим. Шинелини елкамга ташладим-да, рюкзакни олиб, шофёрнинг кетидан югурдим. Машинанинг эшиги очиқ эди. Орқа ўриндиқнинг нариги бурчагида ўтирган одам мени кўриб, бир қимирлаб қўйди.

— Манавини олинг, Абдулла Содиқович! — деб рюкзакни унинг тиззасига ташладим.

«Форд» виғиллаб жойдан қўзғалди-да, нотекис тош йўлдан чайқала-чайқала кета бошлади. Ун беш минутлардан кейин биз дарё бўйига етиб келдик. Машина паромга ўтиб олгандан кейингина, уйқум тарқалди. «Хужжатларни унутмадингизми?» деб сўраш ниятида ҳамроҳимга ўгирилдим... Қоронғида икки қадрдон кўз порлаб менга қараб турарди.

— Ирода?! — деб бақириб юбордим. — Сизмисиз?

— Мен. Хўш, бунчалик ҳаяжонланишнинг нима ҳожати бор? — У оёқларим устига гурс этиб рюкзагимни ташлади. — Олинг! Мен сизнинг малайингиз эмасман!

— Кечирасиз, — дедим мен ҳамон гап нимадалигини тушунмай, — Мансуров қани?

Ирода кафти билан оғзимни тўсди.

II

Орадан икки кеча ва бир кун ўтгач, поезд Ғазали чўллари ичида тақир-туқир қилиб кетаётган пайтда Ирода уйқусизликдан қовоқларини базўр очиб кулимсиради.

— Мансуровга жавоб берилмади, — деди секингина. — Оқ чўлоқдан Қалтанов телефон қилди. Мансуровнинг ўрнига мен жўнашимга тўғри келди. Торизо шундай деган экан. У-буни баҳона қилмоқчи бўлдим. Лекин эплолмадим.

Мен кулимсирадим. Ирода буни бошқача тушунди шекилли, қошлари чимирилди. «Нимага суюнпсиз?» деган маънода уқдим.

— Мансуров бахтли экан, — дедим мен. — Новороссийскда нима иш қилишимиздан хабарингиз борми?

— Йўқ! — деди Ирода бошини сарак-сарак қилиб. — Лекин фавқулодда бир иш қилмасак керак, деб ўйлайман.

— Ҳамма гап шундаки, бу фавқулодда иш.

— Боринг, шундай ҳам бўла қолсин. — Ирода елкаларини бир учириб қўйди. — Мен боришни истамадим, ўзлари мажбур қилишди.

— Нега боришни истамадингиз? — бу мен учун ғоят мароқли савол эди. — Қўрқингизми?

— Ҳа!

— Нимадан?

Ирода деразага ўгирилди. Чеки-чегараси йўқ саҳрога хийла вақт қараб турди. Узоқда, саксовуллар орасида туя карвони кетмоқда эди.

— Сиздан қўрқдим, — деди Ирода юзимга қарамай.

— Мен шунақа қўрқинчлиманми?

— Йўқ, — деди у юзини стол устига энгаштириб, кафтлари билан беркитаркан. Хийла сукунатдан сўнг унинг елкалари силкинаётганини сездим. Йиғлармиди, кулармиди, билиб бўлмасди.

— Қўрқинчли эмассиз. Ҳамма бало шунда-да! — деди у ўша туришида хазин товуш билан.

Гўё жисму жонимга олов сели ёпирилгандай бўлди.

— Ирода! — дедим шивирлаб. — Мени... мени севасизми?

У билинар-билинмас бош силкиди.

— Севаман! — деди жуда секин. Лекин мен унинг сўзларини эшитдим.

Тепадаги қаватда чалқанча тушиб ётган қора соқолли киши ёп-бошига ўгирилди. Тахталар гижирлаб кетди. Ирода довдираб бурчакка қисилди.

— Секин гапиринг! Эшитишяпти!

— Эшитишса эшитишар... — дедим мен. — Бари бир бахтни яшириб бўлмайди.

Ирода кулимсираб, гапимни тасдиқлагандек бош силкиди. Шу пайт хотирамга Элпида келди. Батумидаги қиз. У билан севги ҳақида қилган баҳсларимиз... Мен Тошкентдан Ялтага кетатуриб, Батумига тушган эдим. Кема кетиб қолган эди. Нима қилардим? Кейингисини кутишдан бошқа иложим йўқ. Меҳмонхонадан жой олиб, денгиз бўйига сайр қилгани тушдим. Соҳилда ўзимга ўхшаган ёшлар қум устида ётиб, юнонча қўшиқлар куйлашарди. Улар билан танишиб олдим. Айниқса, Элпида Дураниди деган юнон қиз билан яқин бўлиб қолдик. Кемани кутиб юрган кунларимда Элпида билан шаҳар кезардик, сайр қилардик. Кабулетига ҳам бориб келдик. Бир куни денгизда қайиқда сайр қилиб юрганимизда, Элпида бирдан кўзларимга тик қараб туриб, «мени севасанми?» деб сўради. Мен «албатта!» деган маънода бош силкидим. «Қасам ич!» деди у. «Мана шу мовий денгиз ҳаққи, кўм-кўк осмон ҳаққи қасам ич! Кўзларингнинг нури ҳаққи қасам ич!» деб ёлворди у менинг жим турганимни кўриб. «Нима кераги бор буларни», дедим кўрқиб кетиб. «Бу қанақа севги?» Аммо Элпида кўрқмади. У менинг олдимда тоғлар, дарёлар, ҳаттоки, кўкдаги оппоқ булутларга имон келтириб, ўз севгисининг ростлигига қасам ичди.

Кейин кема келди. Мен Ялтага кетдим. Уч йилдан кейин Чирчиқда толе мени Элпиданинг акаси Христофор Дураниди билан кўриштирди. У Иродага Элпида ҳақида нималардир деган шекилли, Ирода мен билан ярим йилча гаплашмай юрди.

Ҳозир Ирода хаёлимдан ўтганларини дарров билиб олди, деб ўйладим. Йўқ... Билолмади. Дудоқларида табассум сезилди. Бодомқовоқ кўзлари менга ишонч ва муҳаббат ила боқмоқда эди.

— Ҳақиқатан ҳам кўрқиб кетдим! — деди у такрор. — Тушуня-сизми? Командировкамиз бир ойдан зиёд чўзилади. Чирчиққа қайтиб борганда одамлар ҳар хил гаплар чиқариши мумкин?

— Фақат шуми? — дедим мен таажжубланиб. — Шундан кўрқингизми?

— Ҳа! — деди қиз менга ҳайрон бўлиб қараркан. — Нима, озми?

— Одамлар нима деса деяверишмайдимми?!

Лекин бу гапларим уни тинчлантормади. Аксинча, Ирода ҳаяжонланиб кетди.

— Йўқ, йўқ! — деди у. — Сиз бир нарсани тушунишни истамай-сиз. Таасуфки, бир сиз эмас, ҳамма эркаклар шунақа.

Мен қўлимни унинг елкасига қўйдим-да, эгилиб кўзларига қарадим.

— Новороссийскака бирга кетаётганимиздан жуда хурсандман, — дедим секин, — Чирчиқдаги «Форли қоя» эсингиздами: Мен унга тез-тез чиқиб турардим. Сизни... Сизнинг ажойиб табассумингизни, чеҳрангизни кўргим келарди.

— Ишда кўрардингиз! — деди Ирода нозли аччиқ билан. — Икки кечаю бир кундирки, купедамиз.

— Қалтановга минг-минг ташаккур, — дедим хурсандлик билан. — Агар Мансуровни қолдириш ҳақида буйруқ бермаганда, мен бу кўзларга боқиб тўйиб олмаган бўлардим.

— Ҳозир тўйдингизми? — деди Ирода таажжубланиб. — Дарров-а! Мен фикримни тўғри ифодалай олмаганимни сездим. Қиз эса бундан инжиганди.

— Бу гапларни қўйинг, Жавдат, — деди у тушкун аҳволда. Кейин хаёлга шўнғиди. — Новороссийскака бориб вазифани бажара олмасак-а?

— Сизми?— дедим мен Ироданинг ўз куч ва қобилиятларига ишонмай қўйганига ҳайрон бўлиб.— Бўлиши мумкин эмас!

— Мен боя сизга нима дедим? «Сизни севаман» дедимми? — қиз чуқур уҳ тортди. — Аёл кишининг бундай дейишга ҳаққи йўқ. Шарқоналикка тўғри келмайди.

— Шундан хафа бўлаяпсизми?

Ирода жим турди-да, кейин кутилмаганда кескин жавоб берди:

— Ҳеч ҳам... тўғрисиң айтсам, хурсандман. Иккимизнинг ҳам ёшимиз йигирма учда. Ажойиб, а! Шундай эмасми?

— Ҳақиқатан ҳам ҳаёт мураккаб, — дедим мен. — Уни баъзан тушунтириш қийин.

III

Олти кун ва етти кеча деганда поезд пойтахтга келиб етди. Москвада ҳали қиш, йўллар, томлар — ҳаммаси қор остида эди.

Поезддан тушиб, Қозон вокзали олдидаги майдонга чиқдик. Енимиздан автомобиллар ғизиллаб ўтади, трамвайлар гурсиллашади. Йўл чеккаларида оқ пешбанд тутган, оёқларига пийма кийган кишилар қалпоқларини кўзларига бостириб олиб қор курайдилар. Ирода атрофга анграйганча, завқланиб турарди. Мен унинг енгидан тортдим.

— Юринг кетайлик, ҳали тунаш учун жой топишимиз керак. Метрога ҳам тушамиз.

— Метро? Нима, у ишга тушганми?

— Албатта-да,— дедим худди аниқ биладигандек. Лекин ичимда шубҳаландим. Бир йил аввал Москвадан ўтиб кетганимда, метро эшикларининг оғзи тахталар билан беркитиб ташланган, ер остида нима бўлаётганини эса ҳеч ким билмасди. Аммо, бир йил орасида мамлакатда қанчадан-қанча ўзгаришлар бўлиб кетди?..

Мармар зиналардан пастга тушдик... Чироқлар нурида чароғон бўлиб кетган вестибюлдан ўтиб, перронга чиқдик. Метро... йигирманчи аср мўъжизаси! Деворлардаги ўйма нақшларга, ҳайкаллар билан безалган бўлинмаларга ҳайрат ичра боқиб, бир оз сайр қилдик. Поездлар кетма-кет келиб-кейтиб турарди. Биз иккинчи қаватга кўтарилдик. У ердан туриб пастдаги одамларни, уларнинг шошилиб кетишларини томоша қилдик. Ниҳоят, роса ҳориб-чарчаб, қайси тарафга кетаётганимизни билмай поездга чиқдик.

Кечки пайт катта кўприк орқасидаги, тор кўчадаги қизил ғиштдан қурилган меҳмонхонадан жой топдик. Меҳмонхонанинг номи «Балчиқ» деб аталарди. Афтидан бу ном татарлардан қолган бўлса керак. Меҳмонхонанинг йўлагидagi столда биқирлаб самовар қайнаб турар, истаганча чой ичиш мумкин эди.

Эрталаб Иродага сим қоқдим. У ҳаяжонланиб бижирлаб кетди: — Яхши жойлашдим, бирам ажойиб... Унинг устига танишим билан бирга тушиб қолдим.

— Қанақа таниш? — деб сўрадим юрагимга ғулғула тушиб.

Ирода шарақлаб кулиб юборди:

— Институтдаги курсдошим... Нина!

Унинг бу жавобини эшитгандан кейин ғулғулам босилди.

Ирода трубкани қулоғидан олиб, Нина биланми ёки бошқаси биланми гаплашиб олди-да, мендан сўради:

— Нима қиляпсиз ҳозир, Жавдат?

— Сиз билан гаплашиб турибман.

Ирода яна шарақлаб кулди:

— Йўқ, мен ростини сўраяпман?

— Мен ҳам ростини айтаяпман.— Шундай деб, бир оз жим турдим-да:— Нима эди? Хизмат борми?— деб сўрадим.

— Хизматингиз нимаси? Расмиятчиликни қўйинг, — деди Ирода бир оз жиддийлашиб. — Чирчиқда буйруқ беришим мумкин эди. Бу ерда шусиз кун кечирайлик!

— Мумкин эмас! — дедим мен.

— Нега?

— Хўжайин, хизматкор бор ерда буйруқсиз яшаб бўлмайди. Агар сизнинг ўрнингизга Мансуров келганда борми, шу пайтгача менга жуда кўп иш буюрган бўларди. «Вокзал навбатчисига сим қоқ!», «Ромэн»га билет топ!» Ва ҳоказо ва ҳоказо... Аммо у келмади. Ўрнига сиз келдингиз. У ҳам инженер. Сиз ҳам инженер. Нима фарқи бор? Буюринг!

— Шунақами? — деди жаҳл билан Ирода. — Фарқи йўқ, а?!

Трубка шарақ этиб қўйилди. Қисқа гудоклар эшитилди.

Орадан беш минут ўтказиб, яна сим қоқдим. Трубкани ҳеч ким олмади. Бир соатдан кейин телефон қилгандим, яна натижа ўша-ўша бўлди.

Хонамдан чиқдим. Тор йўлқанинг нариги бошигача секин юриб бордим. Кейин орқага қайтарканман, Ироданинг эшиги олдида беихтиёр тўхтаб қолдим. Қўлим ўз-ўзидан кўтарилиб, эшикни тақиллатдим. Жавоб бўлмагач, эшикни аста қиялатдим. Ирода каравотида кўзларини деразага тикканча ётарди. Секин ичкари кирдим. Лекин қадам товушларим ҳарҳолда эшитилган бўлиши керак. Эшитилмаслиги мумкин эмасди.

— Хафа бўлдингизми, Ирода?

Хийлагина кутдим. Жавоб йўқ. Кейин қулоқларимга унинг титроқ овози келди.

— Қўйинг, керакмас!

— Бу нима деган гап? Сафарда ҳам шунақа бўладими?

Мен Ироданинг елкаларидан ушлаб турғиздим. Қўярда-қўймай пальтосини кийгиздим. Бунақа қилаверса, мен ҳам хафа бўлиб қолишим мумкинлигини англадим.

Биз ресторанга тушдик. Ирода таомномани олиб, узоқ вақт овқат танлади. Кейин қовурилган сазан балиқ буюрди. Менинг эса иштаҳам бўғилган, ҳеч нарса егим келмасди.

— Озгинадан «Ойданэл» ичайлик, илтимос, — дедим.

— Йўқ, — деб чўрт кесди Ирода. — Истасангиз ўзингиз ичинг!

Унинг кўзларида қандайдир бегоналик сезилар, гўёки қаршисида ўтирган одам мен эмасдим.

— Сиз мавҳумликни ёқтирмайсиз, — дедим мен. — Ҳамма нарсанинг аниқ бўлгани яхши. Тўғрими?

— Эҳтимол.

— Шунақа экан, ё кулинг, ё бўлмаса...

— Ё бўлмаса йиғланг, демоқчимсиз... Шундайми? Билиб қўйинг, иккинчисини қилиш менинг учун қийин эмас.

— Йўқ, йўқ, унақа бўлса қўйинг, — эътироз билдирдим мен. — Кўз ёшига ҳеч тоқатим йўқ.

Эртасига телефон қилганимда Ироданинг хурсанд овози эшитилди:

IV

— Хонамизга келинг, — деди у ва бир сониядан кейин илова қилди: — Ун минут ўтказиб келинг.

Ун минут ўтказишни нима кераги бор? Нега энди ҳозир эмас?..

Сабрим етганча кутдим-да, сўнг кечагидек коридорга чиқиб, секин ўша томонга юрдим. Ироданинг эшиги очиқ эди.

— Кираверинг, — деди Ирода. Сўнг шубҳаланиб сўради. — Нима, дарров ўн минут ўтдимиз?

Ироданинг нима учун бундай деганини дарров англаб ололмадим.

— Соатим йўқ, — дедим унга. Қанча вақт ўтганини кимдан суриштирдим шу пайтда?

— Тўғри қилибсиз, Жавдат! — у кулимсиради. — Вақтни сўрашнинг кераги йўқ, жоним! Ҳеч бир нарсани суриштирманг!

У бирдан ўзини каравотга ташлади-да, юзини ёстиққа яшириб, ичидан йиғлаб юборди.

Мен шошиб қолдим. Уни юпатмоқчи бўлиб бир нарсалар дедим. Нималар деганимни билмайман. Тўғриси айтганда, у сўзларимни тингламасди ҳам. Мен қўлларимни орқага қўйиб хонанинг у бошидан бу бошига юра бошладим. Ниҳоят Ирода ўрнидан туриб ўтирди.

— Ҳазалкентга борганимиз эсингиздами? — деб сўради у бир оздан кейин. — Тик жарликлар? Туянинг бўйнидаги қўнғироқ... Шуларни ҳеч эслайсизми, Жавдат? Мен ўша кеча уйга кеч қайтдим. Эрталаб-гача мижжа қоқмадим. Сўнг иккимиз Айиқ Бурунга кетдик. Мен сиздан Тасаллидан сув олишга борган қизни сўрадим. Икковингиз бир-бирингизни севар экансизлар. Яхшиямки, ёшларингиз ўн учда экан...

— Сафияни айтаяпсизми? — сўрадим мен. — У бечора кўзани базўр кўтарарди. Жуссаси шунчалик кичкина эди. Кейин ўсиб кетди...

— Элпидачи?

— Яна Элпидами? — дедим мен қизишиброқ. — у Батумида қолган.

— Албатта-да, — Ирода ўзини кулимсирашга мажбур этди. — Бири Батумида, бири Бодомликда. Ғалати одамсиз сиз, Жавдат!

Ироданинг шубҳаланишларидан қизишдим. Алам билан:

— Тасаллига борган қиз ўлди, — дедим.

Билмадим, овозимми ёки гапимми Ироданинг гина-кудуратларига чек қўйди. У ўрнидан шарт туриб, юзини деворга ўгирди-да, кўз ёшларини арта бошлади.

Биз қор босган Москвани сайр қилгани чиқдик. Неглинкадаги универмага, Петровкадаги пассажага, «Болалар дунёси»га кирдик. Ироданинг назаридан ҳеч бир нарса четда қолмади. Хамёнимда командировка учун берилган пулдан бошқаси бўлмагани учун, мен кўп нарсага қизиқмасдим. Ирода ўзига шляпа, онасига рўмол олди. Бир бўлимда сотувчининг қулоғига энгашиб, пичирлаб, ниманидир сўради. Сотувчи аёл бош ирғаб, қаердандир болалар костюмчасини чиқарди. Ирода энди пулни тўламоқчи бўлиб турганда, менинг ҳайрон қолганимни кўрди-да, қип-қизариб кетиб, костюмча олишдан воз кечди.

Шаҳар узра шом туша бошлаган пайтда биз Қизил майдонга чиқдик. Оппоқ, лекин қўрғошиндек оғир туюлувчи қор ёғмоқда эди.

— Ирода, биз энг муқаддас жойни зиёрат қилишимиз керак.

— Муқаддас? — сўради Ирода тушунмай...

Майдонда одамларнинг узун оқими аста силжирди. Мен тартибни кузатувчи ҳарбий кишининг олдига бордим. «Биз Чирчиқдан келдик, — дедим унга. — Тянь-Шань этақларидаги буюк қурилишдан... Тушуняпсизми? Илтимос қиламиз!»

Ҳарбий киши, албатта, руҳсат бермаслиги мумкин эди. Қоида ҳамма учун бир хил. Аммо у бир оз ўйлаб турди-да, «Бўпти, боринглар!» деб, одамлар орасига текиб қўйди.

Мақбарага яқинлашдик. Дарвоза ёнида каска кийган икки қизил аскар турарди. Олтмиш дақиқа! Сўнг уларнинг ўрнини бошқа икки аскар олади-да, яна олтмиш дақиқа қотиб, соқчилик қилишади.

Мақбара орқасида, Кремль деворларининг остида навқирон те-раклар шамолда чайқалишар, гоҳ-ногоҳ улар устидаги қор ерга тўкиларди. Биз пастга эндик. Юзларимизга илиқ ҳаво урилди. Мармар зиналар бизни ҳамон пастга элтарди. Бир оздан сўнг кичкина майдончага чиқдик. Унг тарафга бурилдик... Сўнг яна зиналар, яна одимлар.

Ниҳоят, Ильич қаршисидамиз. Эски дунёга қарши курашган, бизларни қулликдан озод қилган одам. Дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатини қурган одам. Нақадар улўғвор ва буюк инсон зиёратидамиз!

Бу инсон ҳақида... дунёдаги ҳар бир киши учун яқин ва меҳрибон Ленин ҳақида ўқиган ва кўрган нарсаларимни эсга соламан. Ильич вафот этган куни Алексей Максимович Горькийнинг айтган сўзлари ёдимга тушади. «Шундай одамлар борки, уларнинг аҳамиятини инсон тилида таърифлаш мумкин эмас. Афсуски, Россия тарихи бунақалардан холи. Ғарбий Европада улар бор. Мисол учун Христофор Колумб.

Буюк Петр Россия учун шундай инсон ҳисобланади. Владимир Ильич эса фақат Россия учун эмас, бутун ер юзи учун қимматли одамдир».

Союзлар уйидаги Колонна зали хотирамга келди. Ильичнинг тобути устида пальмалар. Фахрий қоровулда ёш Будённий ва бошқа сардорлар саф тортганлар. Марҳумнинг бошида Надежда Константиновна турибди, ўз дўсти ва умр йўлдоши билан видолашмоқда.

Кейин кўз ўнгимда олисдаги Бодомлик пайдо бўлди. Ой-петри ёнидаги тоғлар ва қоялар орасида қолиб кетган бу қишлоқчамга ўша совуқ январь ойида ўн олти кеча-кундуз тинимсиз қор ёққан эди. Аччиғи тез ва жасур одам бўлган отам кооперативдан қайтиб келиб, курси устига ўтирди. Бу унинг доимий жойи эди. У агар олтмиш йил умр кўрган бўлса, ана шу давр мобайнида бу тартибни ҳеч ким бузмаганди, унинг жойига биров ўтирмаганди.

Шу ҳолда у жуда узоқ ўтирди. Анчадан кейингина унинг кўзида ёш борлигини сездим. Бутун умрини қўлида болта билан Бойка тоғларида кечирган, даралар ва жарларда тахлика ва ожизлик билан курашиб яшаган бу одам чидай олмади.

— Ҳой, сизга нима бўлди? — сўради ташвишга тушган онам Мунтиҳа. — Нега қўлингиз бўш қайтиб келдингиз?

— Кўргилик, хотин, кўргилик, — деб жавоб берди отам, кўзларидаги ёшни сидириб. — Давлат бошимиз вафот қилипти...

...Кимдир тирсагимга туртилди.

— Тўхтаманг! Юринг олдинга!

Биз мрамор зиналардан юқори кўтарила бошладик. Ниҳоят майдонга ҳам қайтиб чиқдик. Бу ерда аввалгидек майда қор ёғмоқда, атроф чароғон, тантанали эди. Ҳозиргина, шиша остида, яшил костюмда ётган буюк инсонни кўришдан пайдо бўлган ҳаяжонлари таъсирида одамлар аста-секин тарқалмоқда эдилар...

Меҳмонхонада бизни Нина кутиб турарди. У Большой театрга иккита билет олиб қўйган экан.

— Ирода икковинглар борақолинглар! — дедим унга.

— Йўқ, — эътироз билдирди у. — Мен Москвада кўп бўламан. Сизлар боринглар.

Мен ҳаяжонда эдим. Кунимиз жиддий таассуротларга тўла ҳолда ўтганди. Театрга борадиган бўлсам, кўрган-кечирганларим ҳақидаги таассуротларим тарқалиб кетишини ўйлаб, қўрқаётган эдим.

Йўқ, ўйлаганимдек бўлмади. Биз «Мадам Беттерфляй»ни эшитиб чиқиб, севги ва садоқат туйғуларига чулганганча меҳмонхонага қайтдик. Ирода бу кечани қандай ўтказганини билмайман-у, мен эрталабгача ухламадим. Уй ўйладим...

Эрталаб Новороссийска жўнадик. У ерда, портда, кранлар қор остида ётарди. Уларни Чирчиққа олиб кетиш керак эди.

Кимдир эшик қоқди. Бу — Ирода. Қалитни олишни унутипти шекилли. Уйда ҳали ҳеч ким ухламаганини билиб, бири бўлмаса бошқаси очади деб ишонган-да.

— Ҳали ҳам ўқиб ўтирибсанми? — деб сўради у.

— Йўқ, ўйлаяпман, — дедим мен. Ўрнимдан туриб, плашчани олдим-да, илгакка илдим. — Биласанми, ўттиз йил илгари сен билан «Чио-Чио-Сан»ни кўрган эканмиз. Эсимдан чиқиб кетган экан.

— Менинг эса ёдимда, — деди Ирода. — Миландалигимда ачинарли хабар эшитгандим. Хисаки Ояма ибодатхонадаги ёнғинда ҳалок бўлган экан.

— Хисаки Ояма? У ким?

— Япон дипломатининг рафиқаси. Ун тўрт яшар япон қизининг тарихини илк марта Пуччинига ўша ҳикоя қилиб берган. Кул ичидан олтин соат топилди. Соатни унга Пуччини совға қилган экан.

Бу қайғули воқеанинг ичига чуқур киришни истамасдим.

— Лекция қандай ўтди? — деб сўрадим.

Ирода кулимсиради. Мени тушунди...

АДАБИЁТ ТАРИХИНИНГ БИЛИМДОНИ

АДАБИЁТШУНОС БОТИР ВАЛИХҲУЖАЕВ 60 ЕШГА ТҮЛДИ

Кейинги йилларда адабиётшунослик илми ҳам тез суръатлар билан ўсмоқда. У ўзбек совет адабиёти масалаларини ёришиш билан бирга адабий меросимизни марксистик методология асосида тадқиқ қилиш соҳасида жиддий ютуқларга эришди. Бу муваффақиятларни қўлга киритишга бошқа муаллифлар сингари истеъдодли олим Ботир Валихўжаев ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Таниқли олим ўзбек ва қардош халқлар адабий меросининг энг ноёб дурдоналарини излаб топиш, ўрганиш ва оммалаштириш ишида ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилди.

Олимда адабиёт илмига ҳавас эрта туғилди. У ёшлигиданоқ отаси — шарқ адабиётининг катта билимдони, Хилъат тахаллуси билан шеърлар ёзган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Набирахўжа Валихўжаевнинг маслаҳат ва суҳбатларидан баҳра топди, шеърга, адабиётга қизиқди. Ботир Валихўжаев 1948 йилда Самарқанд Давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. Студентлигидаёқ республика матбуотида кўрина бошлаган Ботир эътиборини ўзбек классик адабиётининг ҳали ўрганилмаган муҳим проблемалари ўзига тортди. Ўзбек адабиёти кафедраси қошидаги аспирантурада (1953—1956) таълим олар экан, у академик Воҳид Абдуллаев раҳбарлигида ўзбек адабий-танқидий қарашларининг шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичларини ўрганишга киришди.

Ўзбек, форс-тожик, араб ва бошқа тиллардаги адабий манбалар ҳамда шарқ адабиётининг улкан вакиллари ижодини чуқур ўрганиш натижасида, муаллиф ўзбек адабий-танқидий қарашларининг пайдо бўлиш тарихи тараққиёт босқичлари ҳақида жиддий илмий кузатишлар олиб борди ва кандидатлик ишини муваффақиятли ёқлади. Шунингдек кейинги йилларда олим ўз билими ва меҳр кўрини ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, юқори малакали филолог кадрлар тайёрлашга сарфлади. Айни пайтда илмий фаолиятни тарк этмади. У ўзбек эпик кўрини ёш авлоднинг тараққиёти масалаларини ўрганишга киришди. Ўзбек эпик поэзиясининг шарқ халқлари эпик поэзияси силсиласида тутган ўрни, мавзу йўналиши ва ғоявий мазмуни, образлар системаси ва бадий хусусиятларини синчковлик билан тадқиқ этди ва жиддий илмий-назарий хулосаларга келди. Унинг 1968 йилда филология фанлари

доктори илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилган «Ўзбек эпик поэзияси тараққиёти тарихидан» номли илмий иши ўзбек адабиётшунослигига қўшилган салмоқли ҳисса сифатида баҳоланди. Ботир Валихўжаев билим доираси ва илмий назари кенг, диди ва завқи баланд тадқиқотчидир. У, биринчи галда ўзбек классик адабиётининг пухта билимдони сифатида бу адабиётнинг муҳим назарий масалалари ва турли сиймолари ижодини тадқиқ қилади, ўзбек адабиётшунослигида эришилган муваффақият ва ютуқларни янги далиллар ва илмий хулосалар билан бойитади. Хусусан, у докторлик ишида ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб, ўзбек поэмачилигининг XIX асрдаги тараққиёт даражасини текширишга интилади, бадий таржима ва назира анъаналари, традиция ва новаторлик проблемаларини ҳали илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган ёки кам ўрганилган шоирларнинг эпик мероси орқали чуқур ёритади.

Профессор Ботир Валихўжаев навоийшунос олим сифатида ҳам ҳурмат ва эътибор қозонган. Унинг кўплаб изланишларида бу улкан сиймо ижодиётининг хилма-хил қирралари синчковлик билан кузатилади. Айниқса, «Ўзбек эпик поэзияси тараққиёти тарихидан» (1974) номли монографиясида Алишер Навоий анъаналарининг ўзбек классик адабиётида давом эттирилиши ва ривожлантирилиши билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар янги материаллар асосида ёритилган. Хусусан, классик адабиётимиздаги поэмачиликнинг шаклланиши ва асрлар оша ривожланиши Навоий ижоди билан мустаҳкам боғлиқлиги чуқур исботланган.

Умуман олганда, Ботир Валихўжаев изланишларида Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ бўлган ранг-баранг мавзулар муҳим ўринни эгаллайди ва юқори илмий савияда ёритади. «Хамса»чилик анъанасининг баъзи хусусиятлари ҳақида», «Навоий лирикасининг ўрганилиши», «Шоирнинг дўсти», «Навоий ва Шайхимбек Суҳайлий», «Алишер Навоий ўқиган жой», «Навоий ва Амир Шоҳий», «Навоийнинг муътабар дастхат девони» каби мақолалар ана шундан далолат беради. Уларда оригинал фикрлар ва кўпчиликка маълум бўлмаган янги фактлар кўп. Масалан, охириги икки мақолада буюк шоиримизнинг ўз кўли билан ёзилган девони топилгани ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

Ботир Валихўжаев ўзбек классик ада-

биёти билан бир қаторда, тожик адабиётининг ҳам кўзга кўринган тадқиқотчиларидан ҳисобланади. Унинг Рудакий, Низомий Арузий, Сайфи Бухорий, Амир Шохий, Ҳаёлий, Бисотий, Малехо, Мутрибий, Ҳасанхожа Нисорий, Возех, Садриддин Айний, Мирзо Турсунзода, Абулқосим Лоҳутий каби шоирлар ижодига бағишланган илмий мақолалари, ўзбек ва тожик адабий алоқаларининг адабиётларимиз тараққиётидаги ролини белгилашга бағишланган асарлари шу жумладандир.

Ботир Валихўжаев илмий жамоатчилик юқори баҳолаган «Ўзбек адабиёти тарихи» беш томлик академик нашрининг етакчи муаллифларидан бири. Бу асарнинг «XVI асрда Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий ва маданий-адабий ҳаёт», «Заҳириддин Муҳаммад Бобир», «XIX асрда тазки-

ранавислик», «Мирий дostonлари» каби боблари мазкур олим қаламига мансуб. Тадқиқотчи турли энциклопедияларда ҳам кўплаб мақолалар билан фаол қатнашган. Олим ўзбек ва қардош халқлар адабиётининг муҳим масалаларига бағишланган юздан ортиқ илмий асарлар, илмий — оммабоп мақолалар, бир қанча монографияларнинг авторидир.

Ҳозир Ботир Валихўжаев умрининг айна серҳосил, сербарака даври.

Унинг илмий ва ижодий режалари кўп. Шу эзгу ниятларини амалга оширишда унга соғ-саломатлик ва муваффақиятлар тилаймиз.

**Н. ШУКУРОВ,
С. МИРЗАЕВ,
С. ҲАЛИМОВ.**

ТАЛАНТ ШУНДАЙ УЧҚУНЛАНАДИ

ЖУРНАЛИСТ ВА АДИБ РАСУЛ РАҲМОНОВ 50 ЕШГА ТЎЛДИ

Журналист «ҳозирги замон тарихи»ни, мамлакатимизда коммунистик жамият учун кураш тарихини ёрита бориши даркор. «Замон тарихини ёзиш»дай коллектив ишда фаол қатнашаётган таниқли журналист ва адилларимиздан бири — Ўзбекистон телевиденниси ва радиоси Давлат комитети раисининг ўринбосари Расул Раҳмоновдир.

Ўзбек совет матбуотининг эллингичи йиллар авлодига мансуб бўлмиш Расул Раҳмоновнинг таржимайи ҳоли лўндагина. У 1932 йили Тошкентнинг Ачобод маҳалласида хат танинган, китоб кўрган Абдураҳмон аканинг хонадоида дунёга келди.

«Ота касби — почтальонлик ўқиш давридаёқ мени халқ орасига олиб кирди. Эсимда, отам касал бўлганларида газета-журналларни дарсдан кейин эгаларига етказиб берардим. Газеталарни йўл-йўлакай ўқиб борардим. Матбуотга, газетачиликка бўлган қизиқишим ана шундай уйғона бошлади».

Шу тариқа газета унинг кундалик эҳтиёжига айланди.


ТАСС хабарлари... Ўзбек шоирларининг тўйхатлари... Махсус муҳбирларнинг мақолалари... Абдулла Қаҳҳор фельетонлари... Саид Аҳмад ҳикоялари... Олимларнинг илмий мунозаралари... Йўлдош Шамшаров очерклари... Ҳабиб Нуъмон лавҳалари... Адабий ўйлар... Театр тақризлари... Сўнги почталар... Матбуот обзорлари... Далалардан дараклар... Фантехника янгиликлари...

Буларнинг ҳаммаси бўлажак ижодкор учун ғаройиб ва сеҳрли, кучли ва жозибадор эди. У беихтиёр матбуот руҳи, дарси, санъати билан яшай бошлади.

Расул Раҳмоновнинг Тошкент Давлат университетидеги студентлик йиллари тинимсиз изланишлар, шеърий машқлар, қоғоз қоралашлар, хабар ишлашлар билан тўла.

Ҳамма эзгулик ва гўзалликнинг онаси — меҳнат эканлигини у ана шу даргоҳда чуқур англади. Шунинг учун бўлса керакки, меҳнат фаолиятида омма учун фойдали, чинакам маънавий ҳаёт билан яшашга интилди, бошланган ишни чала қолдирмади, ҳаётни икир-чикирларигача ўрганишга одатланди.

Журналистика йўли уни 1954 йилда «Қизил Ўзбекистон» («Совет Ўзбекистони») даргоҳига олиб келди. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, партия матбуоти Расул Раҳмонов учун «иккинчи дорилфунун» вазифасини ўтади. У дастлаб адабий ходим, кейинчалик масъул секретарь ўринбосари, совет қурилиши, фан, мактаб ва олий ўқув юртлири, партия турмуши бўлимла-



ри мудирди бўлиб ишлаш жараёнида журналистиканинг сиру асрорларини пухта ўрганди.

Республикамиз партия ташкилотининг бош органи «Совет Ўзбекистони» газетасининг кўп саҳифалари халқимиз тарихининг шонли йилномалари, унутилмас саналари билан омухта бўлиб кетган. Газета саҳифаларида чоп этилган бош мақолалар орасида замон даъватларидай мағрур жаранглаганлари оз эмас.

Одатда бош мақолани газета байроғи, дейдилар. Чиндан ҳам у газетанинг сиёсий қиёфасини белгилайди. Расул Раҳмоновнинг «Совет Ўзбекистони» саҳифаларида босилган «Комсомолга ленинча ғамхўрлик» (1969 йил, 17 май), «Жанговар ёрдамчи» (1965 йил, 16 апрель) сарлавҳали бош мақолалари худди шу юксак талабга мувофиқ, мустақкам партиявий позициядан туриб публицистик руҳ билан ёзилган. Улар масалани атрофлича қамраб олиши ва чуқур талқин этиши, ҳаётга жуда яқин туриши ва аниқ вазифа қўйиши билан ажралиб туради.

Расул Раҳмоновнинг ранг-баранг мавзулардаги мақолалари, фелъетонлари, репортажлари билан танишиб чиқилса, уларнинг ҳужжатларга бойлиги, фактлар таҳлилининг теранлиги, тасвирнинг образли ва ифодалилиги ўқувчида ёқимли таассурот қолдиради.

Совет журналисти ўз мавқеига кўра тарбиячидир. У етилган фикри, айтилган сўзи билан кишиларнинг онги ва хулқида ўзгариш, уларни руҳан мусаффо қилади ва ҳаётни муносиб тарзда ўтказишга рағбатлантиради. Шунинг учун ҳам Расул Раҳмоновнинг ижодига коммунистик тарбия масалалари кенг ўрин эгаллагани, изчил талқин этилгани қонуний бир ҳол.

Расул Раҳмонов ёзган материаллар ўткинчи воқеа ва ҳодисалар қайди эмас, балки коммунистик тарбия туб масалаларининг, мураккаб проблемаларининг жиддий ва эҳтиросли талқинидир. Бу жиҳатдан муаллифнинг «Қиз ҳам фарзанд-ку!» мақоласи ва «Оқпадар философ» фелъетони диққатга сазовор.

«Қиз ҳам фарзанд-ку» мақоласи ижтимоий иллатга қарши айбномадай жаранглайди. У нуқул қиз туғасан, менга меросхўр керак деб, умр йўлдошига дашном берган, зуғум қилган, зулм ўтказган қолок, чиркин шахс ҳақида. Унинг ҳар бир аччиқ-қуруқ гапидан, қалбаки табассумидан, айёрона қарашидан худбинлик заҳари чакиллаб томиб турганга ўхшайди.

Муаллиф воқеанинг ичига киришдан аввал ўз олдига «Еш она қалбига соя солган табассум ўғриси ким?» деган сўроқни қўяди. Шундан кейин воқеа Муазамнинг касалхонага келиши билан бошланиб кетади. Незъматнинг жирканч қиёфаси, ярамас дунёси тасвирдан-тасвирга ўтган сари кенгроқ ва чуқурроқ очила боради.

Расул Раҳмонов мақола охирида ўз мулоҳазаларини умумлаштириб, таъкидлаганлардан жиддий хулоса чиқаради, одамларни хушёр бўлишга, бидъатга ўрналиб қолганларга қарши курашга ундайди:

«Фикримизча, жамиятимизга, мусаффо ҳаётимизга доғ туширадиган ҳар қандай эскилик сарқитларига, ярамас шахсларга

нисбатан курашни яна ҳам кескинроқ, яна ҳам уюшқоқлик билан олиб бориш керак. Бунда корхона ва муассасаларнинг партия ва касаба союз ташкилотлари, суд, прокуратура органлари билан бир қаторда кенг жамоатчиликнинг ҳам ҳиссаси катта бўлсин».

Расул Раҳмоновнинг қатор публицистик мақолаларида эскилик сарқитларига ўт очилган. Бу, бежиз эмас, албатта. Эскилик жуда яшовчандир. У узлуксиз курашсиз, ғоявий ҳужумкорликсиз, ўз-ўзидан қуриб, йўқ бўлиб кетмайди. У авлоддан-авлодга, онгдан-онгга ўтадиган нарса. Шунинг учун бўлса керак, Расул Раҳмонов янгиликнинг эскилик устидан ғалаба қозониши масаласини ҳеч қачон назардан қочирмайди: бидъатни жон-жаҳди билан ёмон кўради ва порлоқ ҳаётимизга ярашадиган янги аънаналарни, олижаноб одатларни қизгин қўллаб-қувватлайди.

Ирмоқлар дарёга айланганидек, тажрибалар тўпланиб санъат бўлиши табиий.

Катта йўл ингичка сўқмоқдан бошланади. Бу фикр Расул Раҳмонов ижодига ҳам тааллуқлидир. Оддий хабар ёзишдан бошланган изланишлар уни эллигинчи йилларнинг охирилари ва олтиншинчи йилларнинг бошларида бадий публицистика ва очерк жанрида ўз кучини синаб кўришга даъват этди.

Очерк ҳаётимизни безаб турувчи, илғор, яхши одамларнинг мактовни деб ўйлашди баъзилар. Тўғри, бундай одамларни ҳар қанча мақтасак арзийди, аммо очеркнинг вазифаси бундан кенгроқ. Ана шу тоифадаги одамларни ижтимоий ва маънавий ҳаётимизнинг қайси муаммолари ташвишга, ҳаяжонга солади? Улар ҳаёт муаммоларини ҳал этиш учун нималар қилишяпти? Ҳатто мақтов — очерк қаҳрамони ҳам ана шу муаммолардан ташвишланиб, ҳаяжонланмаса, уларни ҳал этиш учун жон қойитмаса, машаққат чекмаса, у яхши одам бўлолмайди.

Расул Раҳмонов ҳам ажойиб одамлар ҳақида очерк ёзар экан, уларнинг тақдирига ҳаёт муаммолари қанчалик таъсир кўрсатилганлиги ва ўз навбатида бу қаҳрамонлар турмуш проблемаларининг туғилиши ва ечилишига қанчалик алоқадор эканлигини ёритишга интилади. Ижодкорнинг «Қалб кўшиғи» номли китобига қуйидагича муқаддима илова қилинган:

«Нима учун баъзи қишлоқ ёшлари ям-яшил даладарни қўйиб, шаҳарга ошиқадилар?

Бу саволга кўпинча бундай жавоб беришади:

— Қишлоқда яхши клуб, кинотеатр йўқ, ёшлар зерикиб қолишяпти.

Бир қараганда бу гапда жон бор. Лекин кўп колхозларда ажойиб клуб, маданият саройлари мавжуд. Аммо қачон қарасангиз бўш. Демак, бундан ҳам муҳимроқ сабаби бўлиши керак...»

Мазкур китобдаги «Чиннисознинг туғилиши» очерки бундай бошланади:

«Баланд тоғ ёнбағрида — кўм-кўк ўтлар қучоғида чалқанча ётардик. Ҳамроҳим геолог Абдурашид Абдумавлонов кўндан кўзини узмай гап бошлади:

— Кўндан бери бир муаммо миямдан чиқмайди. Қадимий хитой ёзувларида чинни — баҳор осмонидек ложувард, ойнадек

шаффоф, қоғоздек юпка, танбурдек жарангдор, кўл юзидай силлиқ бўлиши керак, дейилган экан. Бизда ҳам шу таърифга монанд чинни чиқарса бўлади. Рўпарангиздаги тоғларда маъданларнинг ҳаммаси топилади...»

Шундан сўнг муаллиф чинни заводидаги ишларни, муаммоларни тасвирлашга ўтади. У ердаги кўли гул, қалби гўзал одамларнинг меҳнати ҳақида ҳикоя қилади.

Расул Раҳмоновнинг «Бири бирига устоз» номли китобига кирган очеркларидида замондошимиз қиёфасини белгилайдиган энг яхши фазилатлар мадҳ этилган.

Тўпламга киритилган «Бири бирига устоз» очеркидан олинган «дақиқалар ортида — ҳаёт» ибораси мазкур тўпламга эпиграф вазифасини ўташи мумкин. Чунки муаллиф қайси соҳа кишиси фаолиятини қаламга олмасин, унинг умри салмоғини жамият манфаатларига хизмати билан ўлчашга ҳаракат қилади, ҳар бир дақиқа инсон маънавий камоли учун катта аҳамиятга молик эканлигини тадқиқ этишга интилади.

«Зиё таратади» очеркида муаллиф медицина фанлари доктори, кўз касалликлари бўйича йирик мутахассис, профессор Муҳаммадҷон Комиловнинг қиёфасини яратиш учун унинг катта мақсад йўлида ёшлик дамларидан бошлаб кўп заҳмат чеккани, мутахассислик сир-асрорини эгаллаш учун тинмай излангани, оилавий муносабатлари, ҳамкасблар билан мулоқотлари, беморларга меҳр-шафқати тасвири воситасида ижобий ниятига эришади.

Расул Раҳмоновнинг «Бири бирига устоз» очерклар тўпламида халқлар дўстлиги мавзуси етакчи ўринда туради. Турли миллат вакиллари ўртасида социалистик воқелик юзага келтирган биродарлик алоқалари «Зиё таратади»да М. Комилов билан В. Архангельский, «Қодир» очеркида Р. Раҳмонов билан А. Благовешченский, «Шогирд»да Сиддиқий билан унинг шогирди Г. Александров орасидаги муносабатларда ўзининг конкрет ифодасини топган. Шу хусусият ижодкорнинг кўпгина очеркларидида белгилувчи фазилат бўлиб кўзга ташланади.

«Бири бирига устоз», «Вафо» очерклари ҳам фидойи шифокорларимизнинг ҳаётидан баҳс юритади, зотан кишилар умрини узайтиришдек шарафли касб эгалари ўзгаларга бахт насиб этиш билан ўзлари ҳам ҳурмат-муҳаббатга сазовор бўлмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, жарроҳ Носир Хўжаев ҳақида, муаллиф: «унинг уруш йилларида қилган операцияларини кўшиб ҳисоблаганда ҳаммаси 12 мингтадан ортади. Бу — ўн икки

минг ҳаёт, бу — ўн икки минг қудратли, яратувчи куч демак», деб ёзар экан, бунинг самимийлигига шубҳа қолмайди, чунки қаҳрамон фаолиятининг ҳаққоний тасвири шундай хулосани асослайди. Юқоридида қайд этилганидек, совет кишининг маънавий камоли жамият манфаатларига қанчалар сидқидилдан хизмат этиши билан белгиланади. Шундай экан, очерк қаҳрамони қиёфасининг тасвирини гавдалантиришда фактларни қалаштириб ташлаш ҳам мумкиндек туюлади. Лекин бу йўл асарнинг умрини қисқартиради, унинг бадиий таъсир кучини заифлаштиради. Бундай усулдан қочиб йўлини тутган очерклар интилиши диққатга сазовордир. Расул Раҳмоновнинг «Вафо» очерки бу жиҳатдан эътиборга молик.

...Янгигина турмуш қурган икки ёш бир-бирига ҳурмат ва иззатда. Бирок, Нафисанинг дилхасталиги унинг ўзига ҳаёт фароғатини суришга имкон бермаганидек, «эрта-ю кеч ётгани-ётган. На уйга қарайди, на жойга...» каби таъна дашномлар осудалигини ўғирлайди. «Ота-онамни кига олиб бориб кўйинг», дея эри Омонга илтижолар қилади. Лекин Омон Фаёзовнинг Нафисага меҳри чексиз. Ҳар дақиқада унинг ҳаётга муҳаббатини алангалатишга интилади. Ҳатто операция столга ётишга ҳам розилик бергиси йўқ, чунки йигит қалби пинҳоний дард исқанжасида. Нафисанинг ҳам Омон райига қарши боргиси келмайди, чунки уни севади. Ниҳоят юрагини операция қилдиришга рози бўлади. Моҳир жарроҳ тиғидан шифо топган Нафиса ҳаёт кучоғига қайтади.

Асарда саксондан ортиқ беморнинг юрагини муваффақиятли операция қилган Василий Косьмичнинг номи ахборот тартибига айтиб ўтилган. Лекин ана шундай тасвир туфайли муаллиф уни шарафлашга, дақиқаларда инсон умрини узайтираётган замондошимиз фаолиятининг қирраларини очишга муваффақ бўлган. Бу, албатта, ижодий изланиш самараси.

Расул Раҳмонов ижодидан қишлоқ хўжалигининг илғор соҳибкорлари, ҳар хил миллат вакиллари ўртасидаги интернационал дўстлик алоқалари, турли соҳа кишилари орасидаги устоз ва шогирдлик муносабатлари, баҳс-мунозаралардан яралган янгиларнинг ижтимоий салмоғи ва бошқа муҳим мавзуларни ифода этган очерклар ўрин олган. Улар коммунистик идеалларни сидқидилдан реалликка айлантираётган замондошларимиз мадҳиясига бағишлангани ва ўқиши ёзилгани билан ҳам диққат-эътиборга моликдир.

**Воҳид ЗОҲИДОВ,
Маҳкам МАҲМУДОВ.**

КАМОЛОТ САРИ

ОЛИМЖОН ХОЛДОР 50 ЁШДА


Олимжон Холдор иқтидорли ижодкорлардан. Унга бу бахтни она-Ватани севиш туйғуси, она диёрнинг гўзалликларидан завқланиш, меҳнат аҳлини ҳурмат қилиш ҳисси берган. У ўз ҳаёт йўлини ўстоз Миртемир таъкидлаганларидек, «чин шоирлик, чин маънодаги шеърятнинг йўлига улади».

Олимжоннинг илк шеърий тўплами «Арғувон тагида» босилиб чиққанига кўп йиллар бўлди. У ана шу биринчи китоби билан ўз шеърхонларини топа олган ижодкор. Мана бугун шоир 50 ёшда. Энди халқимиз уни лирик шоир, ўзига хос балладалар, дostonлар ижодкори, драматург, кўшиқчи шоир ва ажойиб ташкилотчи сифатида танийди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом сўзи билан айтадиган бўлсак «адабий гурунгларида Андижон ҳақида гап кетса, Олимжоннинг номи ўз-ўзидан суҳбат даврасига кириб келаверади. Халқ орасида унинг обрў-эътибори катта».

Олимжон Хўжаобод районининг Кулла қишлоғида туғилган. Унинг болалиги ҳар баҳор бағрини лолалар қоплайдиган адирлар оғушидаги гўзал Куллада ўтди. Унинг шеърга ихлос қўйиши она қишлоқ кучоғидан бошланди. Урта мактабни тугатиб педбилим юртида ўқиди. Сўнг Фарғона педагогика институтида таҳсил кўрди. Институтни тугатгач, мактабда ўқитувчилик қилди. Ҳарбий хизматни тамомлаб келгандан кейин, журналистик фаолияти бошланди. Ҳаёт билан яқиндан танишди. Шеърий машқларида мавҳумлик эмас, ҳаётийлик етакчи мотивга айлана борди. Асарларида халқона талқин ўз ифодасини топди.

Ижодий изланишлар самарасини кўрсатди. Шоирнинг ўндан ортиқ китоблари чоп этилди. «Андижон сулуви» (1968), «Кафтдаги тупроқ» (1970), «Ошиқона» (1972), «Андижон баҳори» (1974), «Лирика» (1975), «Восьмое небо Андижана» (1976), «Субҳидам кўшиғи» (1978), «Блики» (1979), «Кумуш коса» (1980), «Тўёна-тўёна» (1982) шулар жумласидандир. Бу китобларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан оқсоқол адибимиз Комил Яшин айтганидек, «шоир ижодида янги бир зинани ташкил этади». Тўпламлардаги шеърлар, баллада ва дostonларда советлар диёрининг гўзаллиги ва бунёдкор кишиларимиз мадҳ этилади.

Қишлоғим менинг учун муқаддас, улуғ
Ватан,



Шу Ватани куйламоқ — муродимга
етганим, —
деб, ғурур билан ўз муқаддас туйғуларини шеърхон билан ўртоқлашади.

Шоир асарларининг яна бир хусусияти шундаки, улар ўз миллий заминига эга. Бу ҳолат «Мен Андижонман», «Субҳидам кўшиқлари», «Келажакдан бир садо», «Гулчирой», «Кумуш коса», «Бурч» каби дostonларида ёрқин кўринади. «Кумуш коса» поэмасининг Ўзбекистон Ленинчи комсомоли Марказий Комитети ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи томонидан эълон қилинган конкурсда биринчи мукофотга сазовор бўлганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Шоир бу асарида коммунизмнинг актив қурувчилари — совет ёшлари образини яратди.

Биз ажойиб шоир, драматург Олимжон Холдорни эллик ёши билан қутлар эканмиз, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий камолот тилаймиз. Ҳамиша умр йўлингиз шуълаларга тўлиб турсин деймиз.

Эътибор ОХУНОВА,

Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофотининг лауреати.

ҲАЁТБАХШ КУЛГИ ЙЎЛИДА

ОЛИМ ҚҶҶОРБЕКОВ 50 ЁШДА

Кулги — жаҳондаги етти хазинанинг бири. У бор ерда киши юрагидан ғам-койиш кетади, чехраларда табассум ғунчалайди. Табиатида кулги ҳисси бўлмаган инсон бениҳоя қашшоқ ва бахтсиз инсондир. Унинг ҳаёти доимо бефайз ва ғариб. Киши характеридаги бу ҳис шунчаки хушчақчақлик, хушнудлик уйғотиш учунгина мавжуд бўлмай, ижтимоий ҳаётдаги чиркин, ярамас нарсаларни, шахслар турмушидаги нуқсон ва камчиликларни фош қилувчи ва масхараловчи, шунинг баробарида, янгилик ва яхшиликка хизмат қилса, у ҳамиша эъзозланиб, қадрланиб, бемисл таъсир кучига эга бўлган азрўй — азалдан.

Бадий адабиётнинг бу тури ёзувчидан алоҳида таланти ва иқтидор талаб этадиганлиги билан бошқа жанрлардан тубдан фарқ қилади. Бу сирадаги асарларда ҳаёт бор жозибаси, мураккабликлари билан акс эттирилмайди, балки турмушнинг маълум бир соҳасидаги, маълум бир қисмидаги воқеа ва ҳодисаларга фақат салбий муносабат билдирилади. Шу билан бирга қаламга олинган нуқсон қабарик линза орқали кўрилган манзарадек, бўрттирилиб тасвирланади. Бошқача қилиб айтганда, бадий адабиётнинг бу жанрида ёзувчи бамисоли «қораловчи» сифатида кўзга

ташланади. Бироқ бу «қораловчи»нинг гап-сўзларига ўқувчида ҳайрихоҳлик уйғонади. Шунинг баробарида, китобхон онгида — тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар, шахсларга параллел равишда, тасавуридаги барча ёруғ воқеа-ҳодисалар, ижобий шахслар образи жонланади. Натигада ёзувчи ва китобхон орасидаги муносабат жараёнида воқелик актив таҳлил этилади.

Шоир Олим Қўчқорбеков ҳам адабиётнинг бу оғир соҳасида, ҳаётбахш кулги йўлида хизмат қилиб, ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери муваффақият билан қалам тебратмоқда. У 1932 йил Тошкент шаҳри яқинидаги Қатортол қишлоғида дунёга келди. Унинг биринчи шеъри 1948 йилда «Ленин учқуни» газетасида босилган. Илк китоби «Шеър ва масаллар» (1956) у Урта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ)нинг филология факультетида ўқиб юрган чоғларида нашр этилган. Шундан кейин унинг «Уйларим ва куйларим» (1960), «Сирли кўм» (1965), «Биринчи сорт бўйдоқ» (1969), «Қайсар бузоқча» (1971), «Бўз қалъали соҳибкор» (1975), «Кўнгил мезони» (1976) каби ўн бешдан ортиқ шеърий ва насрий китоблари чоп қилинди. Улардан жой олган асарларда шоир замонамизнинг ёруғ томонларини тараннум этди, турмушимизда учраб турадиган баъзи бир камчиликларни аёвсиз фош қилди. Шунингдек, кишиларимизнинг бой маънавий қиёфасини акс эттирди, совет болаларининг бахтиёр ҳаёти ҳақида сўзлади. Шоир кейинги йилларда йирик насрий асарларга ҳам қўл уриб, «Лўли бола» (1978) ва «Инқироз» (1981) қиссаларини ўқувчиларга тақдим айлади.

Олим Қўчқорбеков ҳажвий ҳикоялар ва интермедиялар ҳам ёзиб туради. Унинг бу жанрдаги кўплаб асарлари Ўзбекистон зангори экранининг миниатюралар театри репертуаридан муносиб ўрин олган.

У ижод қилиш билан бирга, вақтли матбуот органларида ҳам кўп йиллардан бери самарали хизмат қилиб келмоқда. Шоир «Сирдарё ҳақиқати» газетаси редакциясида, ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетида, 1957 йилдан бери эса халқимизнинг севимли журнали — «Муштум»да ишламоқда. 1973 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди.

Олим Қўчқорбековни эллик ёши билан қизғин муборакбод этамиз, унга узок умр, сихат-саломатлик тилаймиз.



ЛАҒМОНЧИ

Хўрандалар кўпайишган кун,
Хамир чўзар Рўзимбой охун.
Кеча эса мўлжалдан ошиқ
Туз солибди икки-уч қошиқ.
Татиб кўрса, овқат шўр чунон,
Бош қотирмай, сув қўшди обдон.
Шўр йўқолди — суюқ ҳар қалай,
Ҳамёнга ҳам фойдаси талай.

Шўр асарни суюлтирсанг-чи,
Ортгай албат китобхон ранжи.

ПЛАН БЎЙИЧА

Баҳор келиб, қизиди ҳаво,
Уй иситиш тўхтамас аммо.
Терлаб кетиб, қашладим чакка,
Сўнг югурдим билмоққа ЖЭҚка.
— Иситишни кучайтиб пича,
Ишляпмиз план бўйича,
— Қишда нега исимас бундай?
— Ёқилғини тежардик унда.
Чидайсиз-да энди, биродар,
Бажарилсин план бир қадар.
Кейин бўлиб уйингиз салқин,
Бир яйрайсиз чиллага яқин!

Ҳаётга мос келмаса план,
Нафи йўқ минг бажарган билан!



РЕВОЛЮЦИЯ САБАБЧИСИ

ЖАН ЖАК РУССО ТУГИЛГАНИГА 270 ЙИЛ ТУЛДИ

Франциянинг инсонпарвар, маърифатпарвар ёзувчилари ҳақида гап кетганда Жан Жак Руссонинг номи биринчи навбатда тилга олинади. У 1712 йил 28 июнда Женева шаҳрида соатсоз оиласида туғилган. Ғудаклигидаёқ онасидан ажралган Руссо ни ўз ҳолига ташлаб қўйишади. 10 ёшлар чамасида уни отаси ҳам ташлаб кетади. Руссо учун ниҳоятда қийин кунлар бошланади. Қишлоқ руҳонийси ихтиёрида қолган бола хўрланишлар ва оғир меҳнатдан эзилади. 16 ёшли ўспирин ўз бахти учун курашишга бел боғлайди. Оч қолмаслик учун дунё кезиб, ҳар соҳага уриниб кўради. Шу даврдаги буюк олимлардан бири бўлган Вольтерга яқинлашган Руссо ўз кучини бадий адабиётда ҳам синаб кўради.

Бу даврда Францияда табақаланиш кучайган, юқори, куйи табақага бўлинган жамият олдидаги жиддий муаммолар кўпчиликини ўйлашга мажбур этган эди.

Инсон ақлини барча соҳаларда намоён қилиш, турли касблар ва фанларга доир энциклопедиялар яратиш замон талабига айланган эди. Шунинг учун маърифатпарварларни «энциклопедистлар» деб, зулм-

га қарши, фикр эркинлиги учун кўрашган ҳуқуқшунос, адабиётшунос, ёзувчиларни эса кинояли равишда «файласуфлар» деб аташар эди.

Руссо ана шулар жумласига киради. Франция маърифатпарварларининг ҳеч бири юқори табақа вакилларини Руссочалик ёмон кўрган ва фош этган эмас. Шунинг учун ҳам Руссо бутун умрини очликда, камбағалликда, саргардонликда ўтказди.

Руссо кўпгина фалсафий асарлар яратиб, оддий халқ фаровонлиги учун курашишга ўз ҳиссасини қўшади. Унинг асарларида ёритилган инқилобий фикрлар бизнинг давримизга қадар ўз нуфузини йўқотгани йўқ. У жамиятдаги тенгсизликка қарши очиқ-ойдин қарши чикди. Давлатни бошқаришда инсонпарварликни биринчи ўринга қўяди ва одил тузумга эришиш ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини асарларида батафсил ёритиб беради.

Жумладан, «Фан ва санъатлар ҳақида мулоҳазалар» (1750) асарида адиб «халқларнинг тенгсизлиги ва эксплуатацияга асосланган ўша давр цивилизациясини» танқид қилади ва уни «табiiй ҳолатга», «...ҳамма тенг ва озод бўлган даврга» қарама-қарши қўяди. Руссо тасаввурича, табиатга яқин идеал жамият, патриархал республикада барча граждaнлар тенг ҳуқуқли бўлиб, ўзлари бевосита турли қонунлар қабул қила оладилар.

Шу масала бўйича адиб Вольтердан кинояли хат олади: «Ҳали ҳеч ким одамни ҳайвондан инсонга айлантириш учун, шунчалик кўп меҳнат сарф қилган эмас. Сизнинг китобингизни ўқиганда, тўрт оёқлаб юриб кетгинг келади. Лекин афсуски, мен мана 60 йилдирик, бундай юришдан чиққанман, шунинг учун ҳам энди менга у ҳолга қайтиш қийин. Бундай лаззатни мен бунга лойиқроқ кишиларга тақдим этаман», — деб ёзади у.

Руссо тарихни идеалистик тарзда тушунар эди. У маърифатпарварлар орасида ижтимоий тараққиётдаги зиддиятларни тушуниши, ҳар қандай ижтимоий тенгсизликка қарши мурасасизлиги билан ажралиб туради. Руссо тенгсизлиkning асоси хусусий мулкчиликда деб билади. Унинг фикрлари кейинчалик утопик социализм гояларининг ривожланишига маълум даражада туртки беради.



«Агар эркинлик халқдан зўравонлик йўли билан тортиб олинган экан, халқ ҳам уни ўзига шу йўл билан қайтариб олиши керак... халқ ҳокимиятни бошқариши, ҳокимият, у қандай бўлишидан қатъи назар, фақат халқ буйруғига бўйсунуши керак», — деб ёзади у. Руссо республика ҳақидаги қарашларини илгари сурар экан, ҳар қандай шахс бунда меҳнати билан, қобилиятига яраша коллектив олдидан ўз мавқеини эгаллаши зарурлигини таъкидлайди. Буюк классиклар Руссонинг революцион — демократик ғояларига юксак баҳо берадилар.

Руссо француз сентиментализмининг йирик намоёндаси ҳисобланади. У «Юлия ёки янги Элоиза» (1761), «Эмиль ёки тарбия ҳақида» (1762), «Изҳори дил» (1766—69) каби асарлар яратади. Романларининг кўпчилиги даврни, муҳитни танқид қилганлиги учун ҳукмдорлар томонидан куйдирилади.

Руссо христиан дини ақидаларини халқ устидан зўравонлик қилувчи уруш оловини ёқувчи, ўлдириш, янчиш, азобланишни тарғиб қилувчи дин сифатида фош қилиб ташлайди. Руссо табиатни «ягона китоб» деб билиб унга сажда қилишга қақиради. Бола тарбиясини ҳам табиат билан чамбарчас алоқада олиб боришга қақиради. «Эмиль ёки тарбия ҳақида» асарида Руссо бола тарбиясини секин-аста ҳар томонлама ривожлантириб бориш ғоясини асослаб беради.

Мактублардан иборат «Юлия ёки янги Элоиза» романи эса XVII аср ҳаётига тааллуқли бўлиб, унда икки ёшнинг бири-бирига бўлган муносабатлари кенг ёритилади.

Икки ёшнинг бахтли бўла олмаслиги ҳам Руссо адолатсиз жамият айбдор деб билади. Адиб асар қаҳрамонлари тақдири орқали давр руҳини сингдира боради, ўз

фикрларини Юлия ва Сен-Пре тилидан гапиреди. Сен-Пре образида Руссо ўз идеалини кўради ва инсонларни қандай кўриш ҳақидаги орзуларини қаҳрамон тилидан батафсил баён қилади.

Руссонинг энг катта асарларидан бири «Изҳори дил» автопортрет тарихида ёзилган бўлиб, унда муаллифнинг 1765 йилгача бўлган ҳаёти тўла акс этган.

Руссо ўз лирик романларида оддий халқ ҳаёти ҳақида жуда кам гапиреди. Фалсафий трактатларида эса бунинг акси, асар негизда халқнинг ҳар томонлама эзилиш сабабларини очиб бериш вазифаси туради. Дунёдаги барча етишмовчиликлар сабабини эса Руссо сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тенгсизликда деб билади. Бу тенгсизлик эса, инсонлар ўзи учун маълум ерни ажратиб олиб, «бу меники» деган кундан бошланганлигини таъкидлайди. «...Шу даврда бирорта инсон чиқиб, чегарани олиб ташлаб, ер ноз-неъматлари барчаники, ернинг ўзи эса ҳаммага тегишли деганда, қанчадан-қанча кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди», — деб ёзади у.

Руссо асарларида «Инсон табиатан меҳрибон, у разил жамиятдагина яшаб, разилга айланади», — деган фикр изчил равишда илгари сурилади. Машҳур давлат арбобларидан бири Руссо «революция сабабчиси» деб атаган эди. Руссонинг ғоявий, илмий, адабий-бадий мероси урушга, тенгсизликка, жаҳолатга қарши қурол сифатида прогрессив инсоният қўлидаги абадий сўнмас машъалалардан бири сифатида ардоқлаб келинмоқда. Унинг китоблари улуғ инсонлар яратиб қолдирган бебаҳо асарлар қаторида барҳаёт яшайди.

Розия МАМАЖОНОВА,
ТошДУ аспиранти.



Иброҳим Ғафуров

ДОСТОН УСТУНИ

Инсон ноёб, эҳтиросга тўлиқ ҳодиса. Ҳар бир одам дунёга келиб такрорланмас тақдир, такрорланмас йўл билан яшайди. Ҳеч бир инсон ҳаёти ҳеч қачон текис, тўғри, бир равиш, бир маромдаги йўлдан бормайди. Табиатда чўллар кўллар билан, ўрмонлар чексиз қорлик, музлик сайхонлар билан, водийлар тоғлар-тошлар билан, қуруқликлар беҳудуд океанлар билан алмашгандай ва кундуз қоронғу тун билан, булутли бадқовоқ кунлар чороғон, мунаввар офтоб билан ўрин талашгандай, ерни яшартиргувчи ва поклагувчи шамоллар сукунатлар билан тинимсиз олишгандай ва сукунатлар ичидан ҳаёт нафасини яратгандай инсон боласи ҳам курашлар, тўқнашувлар, яхшиликнинг ғалабаси, ёмонликларнинг йетиши ичида вояга етади. Онадан баркамол бўлиб туғилган одам йўқ. Одам одамлар ичида, ҳаёт тўлқинлари бағрида ўсади, тоғларга чиқади, тоғлардан тушади, яна бошқа чўққиларга тирмашади, ҳар дамда янги бир дам билан яшайди. Ҳар бир инсон ноёб бўлгани, ҳар кимсанинг тақдири тугал ўзгача бўлгани, тақдирлар бир-бирига ўхшамагани учун ҳам заминда яшаш доимо лаззатли, доимо ғаройиб, доимо сирлидир.

Шуларни назарда тутганда ва шулардан кўз юммаганда, инсон ҳар доим ва ҳар қачон — поэма, деган хулосага келиш мумкин.

Ҳа, инсон—поэма. Инсон ўз юксаклиги ва такрорланмаслиги, абадият ва ўткинчилик ичида яшаш, яратиши бугундан эртага яхши ҳаёт қолдиришга интилиши билан ноёбдир. Ноёб бўлгани учун ҳам поэмадир.

Инсонни шундай кўтаринки тушуниш ва тасаввур қилишдан, шундай тушунча ва тасаввурот орқали пайдо бўладиган муҳаббатдан санъат, шеърят туғилади.

Бугунги достончиликка мана шундай кўтаринки бир нуқтаи назардан қараб кўрамиз.

Биз фикр юритмоқчи бўлган достонларнинг ҳаммаси яхши ният билан ёзилган. Яхши ният билан китобхонга ҳавола этилган.

Уларнинг ҳаммаси сюжетли достонлар. Ҳеч бўлмаганда сюжетнинг парчалари, элементлари бор. Бундан бир неча ўн йиллар муқаддам достон сюжетли бўлиши керакми, йўқми, достонда ўзи сюжет қандай бўлиши лозим деган баҳслар бўлиб ўтган эди. Бир битимга келинмаган, бир битимга келишнинг ўрни ҳам йўқ эди. Чунки муаммо шу тарзда қўйилганда, баҳс катта ижодий самара бермаслиги аниқ эди.

Поэманинг устуни — инсон, унинг катта, ибратли тақдирлари. Шу тақдирларда акс этадиган тарих. Тақдир эса — ранг-баранг воқеаларнинг жами. Шундай бўлгач, воқеасиз қандай асар бўлиши мумкин. Муаммони бошқачароқ тарзда қўйган яхши эмасми? Достонларда инсон характерлари бўлиши керакми? Характер инсон табиатининг мағзи. Характер инсон феъл-этворининг маъноси, мазмуни. Шундай экан, достон инсон характерининг тасвирисиз мавжуд эмас. Афсуски, биз бу ҳақда жуда кам сўзлашадиган, жуда кам тортинмайдиган бўлиб қолдик. Ваҳоланки, бадий характер яратиш масаласи муҳокамаларимизнинг бошида туриши, ҳеч қачон кун тартибидан тушмаслиги зарур.

Биринчи қўйилган саволимизга ижобий жавоб устида келишган бўлсак, унда қонуний тарзда иккинчи савол ўртага чиқади.

Замонавий достонларда характерлар тўқнашуви яратилиши керакми, йўқми?

Бу савол ҳозир жуда ҳам актуал бадий маъно касб этиб турибди.

Зотан, мана шундай гўё оддийга ўхшаб турган саволга қандай жавоб беришимиз — замонавий достонга бўлган бадий қарашларимизни белгилаб беради.

Достон асосида характерларнинг тўқнашувлари ётиши шарт. Бу талаб янги эмас. У достончиликнинг неча минг йиллик традицияларидан келиб чиқади. Лекин бу эски талаб ҳар кун, ҳар бир даврда янги талабдай эшитилади. Чунки шу талаб рўёбга чиқмаган, бадий тажассумини топмаган ҳамма ҳолларда достон мадорсиз, ичи ғовак, одамларнинг достон ўқиш ҳавасини буткул қайтарадиган бир зерикарли узундан узоқ ҳодисага айланади. Достон ўзининг эпик сюжет, эпик характер ярата олиш

маҳорати жиҳатидан доимо прозанинг роман, қисса сингари жанрлари билан мусобақалашиб келган. Сўзларнинг юксак маънодаги таъсирчанлиги, эмоционал қудрати, шеъринг синтез қобилияти билан ўтган асрларда ҳатто етакчи мавқеда турган, роман ҳамда қисса каби бугунги кунда беҳад ўқишли жанрларнинг фавқулодда тараққиётига хизмат қилган.

Усмон Азимовнинг «Қуёшли олам» деб аталган достони асосида ижтимоий типларнинг тўқнашувлари ётади. Достон романтик йўналишда ёзилган. Персонажлар номсиз. Улар шахсий характер белгиларига кўра эмас, ижтимоий қиёфаси билан кўзга ташланади. Муаллиф уларни Шоир, Қиз, Талаба, Устоз, Хавфли одам, Порахўр, Хушомадгўй, Қофиябоз, Шайтон деб атайди. Персонажлар ўз ижтимоий мансубиятларига кўра, шунинг мазмунига кўра ҳаракат қиладилар. Шоир, Қиз, Талаба, Устоз — оламни шоирона тасаввур этадилар, шоирона тушуннадилар. Шоирнинг тушига қуёш сари талпинган ва унга интилиб сира етолмаган болакай киради. Қуёш болакайга «асрлар виждонини» бермоқчи бўлади («Асрлар виждони») — жуда мавҳум тушунча Унинг нималиги маълум эмас. Гарчи шу шоирнинг тушида рўй бераётган гап бўлса-да, лекин биз учун очилмай чала қолади. Болакай билан қуёш ўртасида шундай бир галати суҳбат ўтади:

Унинг бу гапидан қуёш жилмайди
Ва сўнгра ишора қилди ўтлоққа:
«Бу нима?»

«Бу қўшиқ» — деди болакай.

Қуёш нигоҳини тикди фалакка:
«Бу нима?»

«Бу — қўшиқ!» — деди болакай.

«Жумлаи жаҳончи?» — сўради қуёш,

«Қўшиқ! Қўшиқ!» — деди ёчиб болакай...

«Қуёшли олам» достонининг ижобий персонажлари коинотни, жумла жаҳонни мана шундай бир бутун қўшиқ ҳолида шоирона тасаввур қиладилар. Лекин қуёшга интилиб, қуёшдан камол топиб яшовчилар қаторида бошқача тоифадаги кимсалар ҳам бор. Улар Хавфли одам, Бепарво, Мансабпараст, Хушомадгўй қиёфасида кўринадилар. Уларда номлари кўрсатиб турган иллатлар синтезлашган. Иллатнинг қуюқ, характерли белгиларини акс эттирадилар. Улар гарчи ҳар турли кўринишларга эга бўлсалар-да, лекин руҳий дунёлари бир тусда пуч ва аянчли. Улар молпараст одамлар. Нарсаларнинг қули бўлиб қолганлар. Мансабпарастлик, хушомадгўйликнинг асосида молпарастлик туради. Улар ҳамма нарсени бойлик, қимматбаҳо нарсалар ҳал қилади деб тушунадилар. Ҳатто улардан бири Хавфли одам қуёшни сотиб олиш қасдига тушади. Молдунёнинг кучига у шу қадар ишонади. Унинг назарида бойлик бўлса, ҳамма нарсени қилиш мумкин. Шоир маънавий-руҳий қашшоқлик одамни шу қадар разолатга олиб бориши мумкинлигини яхши оचाди. Қуёшни сотиб олишга уринган бу Хавфли одам Андрей Вознесенскийнинг «Оза» поэмасидаги Экспериментчи деган персонажни эслатади. Бу экспериментчи ер юзидан поэзияни йўқотиш ва заминни қоқ иккига ажратиб ташлаш фикри билан яшайди. Ер куррасини иккига бўлиб ташлаш билан ҳам қаноатланмайди. У ернинг иккига бўлинган лалаларини бир-бирига тухум пўчоғидек жойламоқчи бўлади. «Рост, инсониятнинг ярми нобуд бўлиб кетади, лекин унинг омон қолган иккинчи ярми эксперименти кўриб кўзлари қувонади!» — дейди у. Қуёшни сотиб олишга интилиш, ерни иккига бўлиб ташлаш — булар ўта такаббурликдан, нарсаларга фавқулодда сиғинишдан келиб чиқадиган разолатнинг оқибатларидир.

Усмон Азимов драматик достонда шартлилик ва символикадан усталик билан фойдаланади. Шу усуллар асосида мазмунни қуюқ ва ҳаяжонли қилиб ифодалашга муяссар бўлади. Замонавий достонларда шартлилик ва символикадан фойдаланиш кенг урф бўлмоқда. Бу усулдан айниқса, шоир Рамз Бобожон ўз достонларида кўп фойдаланади. Шартлилик ҳаётини таъсирчан қилиб беришнинг бир усули. Унинг асосида аслида муболағадор ва хаёлий-фантастик фикрлаш ётади. Лекин бу усул суистеъмол қилинган ҳолларда у асар тўқимасини ҳаддан ташқари сохталаштириб юбориши, ҳақиқатни очиш ўрнига уни беҳад чигаллаштириб, хиралаштириб қўйиши мумкин. Усмон Азимовнинг драматик достонида Шоир қуёшни сотиб олувчилар зўғумидан қутқариш учун кўкларга парвоз қилади. Гарчи бу тамомила шартли бир заминда рўй бераётган бўлса-да, олдинда бу воқеа бадий далилланмаганлиги учун ишонч уйғотмайди. Шоир фақат даҳанаки жангга ярайдиган, разолатга қарши қуруқ қўл билан курашишга отланган эзароқ резонёрга ўхшаб кетади. Асарнинг хулосаси энгил-елпи қурилгандай таассурот қолдиради. Шоир қуёшни сотиб олмоқчи бўлаётганларини эшитганда, бирдан тутатиб кетади ва шундай монолог айтади:

Қуёш кўр қилгурлар...

Ҳатто қуёшни —

Сотиб оламан денг?.. Орзунгиз бекор!

Қуёш нури турсин, бир сиқим нурин

Кафтингизда тутмай умрингиз ўтар.

Сизга-ку маслаҳат бермоқчи ҳаром.

Аммо билиб қўйинг қуёш йўлини...

Мана шу тупроқни, Ватанни севинг,

Жонингиздан кечинг керак бўлганда,

Узингизни эмас, бировни ўйланг,

Қулишни ўрганинг биров кулганда,

Биров «оҳ» урганда, қийналинг, йиғланг!
Машина-ю гилам баҳосинимас,
Олис келажакнинг дарду қайғусин
Онангиз исмидай ўйинг юракка!
Шунда қуёш ўзи чиқару пешвоз,
Пойингизга тўкар порлоқ вужудин...
Аммо бу кўп оғир... Кўксимни ёринг,
Бир юрак кўринар...

Қоврилиб кетган!
Сиз бўлса... Кетаман... Йўлимни тўсманг!

Шундай насиҳатомуз эзмалик билан молпарастрларга, бойлик бандаларига қарши курашиб бўлармикин. Бунинг устига уларга насиҳат «ҳаром»лигини билиб туриб яна насиҳат қилиш унчалик ақлдан эмас-ку! Сўз ортиқчалигини англаб туриб ҳам яна эзмалик қилмоқ — қаҳрамоннинг дидига ва ақлий қобилиятларига кўз ўнгимизда ишонсизлик кўзгатади. Табиийки ўрни ва меъёри топиб айтилмаган сўз кулги бўлади, кўзлангандан тескари натижа беради. Шоирнинг бошқа монологуларига ҳам шунга ўхшаш пала-партишлик сезилиб туради. Лекин ҳозир гап бунда эмас. Шоирнинг йўлини ҳеч ким тўсаётгани йўқ. Лекин аллақандай эффект учун бўлса керак, «йўлимни тўсманг!»— дейди. Бундан ташқари нечун у дарҳол жанг майдонини ташлаб кетмоқда. Тўртта насиҳат билан наҳот кураш тўтаган бўлса?! Бу ҳаракат кураш майдонига пассивликдан бошқа нарса эмас. Шундай пассивлик натижасида Шоирнинг кейинги хатти-ҳаракатлари ҳам етарли ишонтирмай қўяди.

Шоир Амирқул Пўлканнинг «Отахонларим» дostonида ҳам шунга ўхшаш ҳодисани кузатиш мумкин. Икки меҳнат ветерани, колхоз ташкил этишда фаол иштирок этган қария шаҳарга қурултоёга келдилар. Уларни шаҳарда муҳтирликка ўқийётган талаба кутиб олди. Шаҳар айлантирди. Меҳнат қаҳрамони бўлган бу чоллар айниқса, ўғирлик ва қаллобликни ёмон кўрадилар. Ўғирлик ва каззобликка қарши даргазаб сўзлар айтадилар. Улар кўп нарсалардан норози бўладилар. Кўп нарсалар уларга ёқмайди. Айниқса, ҳозирги ёшларга жуда салбий кўз билан қарайдилар. Ўз ўтмишларини беҳад яхши кўрадилар. Ўз ўтмишлари ҳақида сўзлаганда, «минг ёниб, минг ўчардик», «олов эдик», «учар эдик» деганга ўхшаш сўзларни кўп ишлатадилар: «Чин, ҳақиқий чавандозлар у вақтларда кўп эди. Мановдақи лапашанглор орамизда йўқ эди», деб шўрлик талабани чандийдилар. Қодир Полвон Сарвини отга ўнгариб олиб қочиб уйланганлиги билан мақтанади. Булар бадиий жиҳатдан дуруст асосланмаганлиги учун салбий таассурот қолдиради. Натижада ижобий деб талқин этилаётган қаҳрамонлар эзмароқ кимсаларга ўхшаб кетадилар. Дostonда бир эпизод бор. Воқеа далада рўй беради. Раис, партком, райондан келган вакил ғўза баргини тўктиришни талаб қиладилар. Қодир Полвон рози бўлмайди. Ҳали вақт бор, дейди. Шунинг билан боғлиқ равишда анча сўзлар қораланади, анча саҳифалар ишғол этилади. Ҳамма ноҳақ иш-ни талаб қилади. Фақат дoston қаҳрамони ҳақ бўлиб чиқади. Бир одамни ақлли, ватанпарвар қилиб кўрсатиш учун бошқаларни аҳмоққа чиқариш, қолоқ қилиб тасвирлаш шартми? Бу ҳаёт ҳақиқатига қанчалар тўғри келаркин?

Султон Акбарийнинг «Кўкан Шўро» дostonи ёрқин истиқболга эга бўлган инсон тақдири ҳақида ҳикоя қилиш мақсади билан ёзилган. Шоирнинг мақсади жуда оригинал. У Ғафур Ғулом яратган Кўкан образига янгидан мурожат қилади. Кўканнинг ўттиз учинчи йилдан кейинги тақдирига назар ташлайди. Уни адабий қаҳрамоннинг тақдири қандай бўлганлиги жуда қизиқтиради. Дostonнинг биринчи боби Ғафур Ғуломга, иккинчи боби Кўкан тақдирини ёритишга бағишланади. Улкан совет шоири ўз шогирдига васият қилади. Кўкан шундай қолиб кетмасин. Унинг қолган ҳаётини сен ёзиб битарсан. Чунки Кўкан коммунизм иши учун ҳам керак. Акбарий Ғафур Ғуломдан йўл-йўриқ, топшириқ олади. Бунда биз Ғафур Ғуломни чин устоз қиёфасида кўрамай. Акбарий шоирдан қай вазиятда, қандай топшириқ олганлигини жуда жонли тасвирлайди. Ғафур Ғуломнинг характерини, унинг сўзлаш тарзи, бағри кенглиги, тамтамлиги, виқори, салобати, улуғ назар инсон эканлигини ишонарли ва жозибатор чизади. Шайхзода, Собир Абдулла, Саид Аҳмад, Шукрулло, Юсуф Шомансур, Абдулла Орипов сингари санъаткорлар Ғафур Ғуломнинг давр воқелигида, социализм қуриш тарихида жуда чуқур из қолдирган сиймосини жозиб қирралари билан тасвирлаганлар. Уларнинг асарларида Ғафур Ғулом ўзбек социалистик миллий характерининг ўткир қирраларини ўзида мужассамлаштирган, замон маърифати ва маданиятининг илғор намоянаси, ўсиб келаётган авлодга ота бўлган шоир каби гавдалантирилган. Акбарийнинг дostonидаги Ғафур Ғулом ҳам теран миллий хусусиятлари билан ажралиб туради. Акбарий Ғафур Ғулом сиймсининг халқчил томонларини очиб кўрсатишга алоҳида урғу беради. Ғафур Ғулом Акбарийга беш насиҳат қилади. Бу беш насиҳат қанчалар Ғафур Ғуломга хос. Қанчалар унинг донишманд закий сиймосига ярашади.

Дostonнинг иккинчи бобида Акбарий Кўкан таржимаи ҳолининг давомини очади. Кўкан энди етмишларга борган мўйсифид. У даврнинг илғор кишиларидан бири бўлиб етишган. Урушда иштирок этган. Урушдан бир қўлсиз қайтиб, колхозни кўтаришда фаол қатнашган. Унинг кўкраклари нишонларга тўла. Ҳозир у қишлоқ советининг раиси. Акбарий Кўкани ҳар нарсага давлат нуқтан назардан қарайдиган киши сифатида тасвирлайди. Кўкан ҳар бир масалага давлат кишиси каби ёндашади. Акбарий тасвиридаги Кўкан тажрибакор, доно, ҳаётни яхши биладиган инсон. Улуғ Ғафур Ғулом юрагининг қонидан дунёга келган, социализмга қийинчилик билан кириб келиб, сўнг унинг онгли фидокор деҳқонига айланган Кўкан ўз сиймосида бутун та-

рихимизнинг катта бўлагини акс эттиради. Фафур Ғулом қанчалик халқчил бўлса, Кўкан ҳам шунчалар халқчил, халқ кишиси. Кўкан образи Фафур Ғулом шахсининг улуғвор томонларини бўрттириб туради. Бу ўринда улкан шоир яратган образ шу шоир характерига тугилган кўзгу каби қаралиши ҳам мумкин. Улар бир-бирларига шу қадар уйғундирлар. Акбарий Кўкан ҳаётининг давомини чизаркан, зиддиятлардан, тўқнашувлардан қочади, Кўкан характерини таърифлар ва тавсифларда яхши гавдалантиради-ю, уни янада қизиқроқ қилиши мумкин бўлган ҳаётий коллизиялардан ўзини тияди. Текис ижобий сиймо яратади. Шундан образ схема асосда қурилганга ўхшаб қолади.

Акбарий дostonни Фафур Ғулом усули билан ёзади. Халқчил кишиларни халқчил усул билан гавдалантиради. Дoston сўзга, оз ишлатиладиган сўзларга жуда бой. Шоир ўша сўзларга янгидан жон бағишламоқчи, тирилтирмоқчи, истеъмомга олиб кирмоқчи бўлади. Лекин истеъмомдан чиққан сўзларни шу қадар кўп қўллайдики, дostonни ўқиш ва қабул қилиш жуда қийинлашади. Тинмасдан луғатга қарашга тўғри келади. Ҳатто Фозил шоир тили Акбарий тилидан нақадар соддароқ, ҳатто беш юз йил илгари яшаган Бобир тили соддароқ.

Бобир, ўзунгни ўргата кўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

Мени доим мана шу «мунча қилиб» бениҳоя ҳайратга солади. Уз шоироналиги, соддалиги, баркамол халқчиллиги билан тўлқинлантиради. Бизнинг замондош шоиримиз эса стилизацияга берилиб кетиб, усулни бутунлай архаиклаштириб, замон китобхонидан йироқлаштираётганлиги, ўз асарига ўзи тўсқинлик қилаётганлигини сезмайди. Акбарий муҳбир дўстлари билан Кўканин кўргани Чустга отланар эканлар, поездда иттифоқо Кўканиннинг жияни билан учрашиб қолади. Кўканиннинг жияни буларни артист бўлишса керак, деб тахмин қилади. Бу ерда шундай тасвир келади.

«Қизиқ артист экансизлар», деб қўйди сўнг,
Мавриди бор, чоғи келиб қолганди унг,
Гапни айлантириб ташлаш, сўзни ямаш,—
Калла деган хумчага бир фикр қамаш.
— Йўғ-ей,— дедим,— бизлар бўлак тоифадан,
Масаланми, шоир деган заифадан...
Жўрамизнинг икки бети ловуллади,
Гўё ички аъзолари шовуллади...

Сўзлардан ҳам ички аъзонинг шундай ғаройиб шовуллаши эшитилиб туради. Булар, албатта, стилизациянинг «гуллари»дир. Шоир икки катта эпик романга етадиган луғатий бойлиқни битта кичик дostonга сиғдирмоқчи бўлади. Натижада усул чок-чокидан тириллаб сўкила бошлайди.

Барот Бойқобилов катта-катта дostonлар ёзмоқда. У юртга, коммунизм қурувчиларига мадҳия айтишни севадиган шоир. Шундай шоир бўлиб эл-юртга танилган. Барот Бойқобилов ўз ифтихори ҳақида ёзишни яхши кўради. Унинг қалами социалистик Ватанга фахрия ва қасида айтмоқликдан илҳом ва ғайрат олади. Унинг индивидуал шоирона услуби шеърятга мана шундай мақсадлар билан ёндошмоғи ва муносабатда бўлмоғидан туғилгандир. Барот Бойқобиловнинг «Табаррук тупроқ» деб аталган дostonи ҳам унинг олдинги дostonларига ҳамоҳанг, уларнинг йўллари, мотивларини давом эттиради ва тўлдиради. «Табаррук тупроқ»нинг ғоявий йўналиши ва мазмунни қуйидаги сатрларда очилади:

Мозийнинг қадрига етмаган башар
Элу юрт олдида бўлмай жавобгар.
Аждодлар меросин улуғлаган жон
Келажак боғида яшар бeармон.
Буюклар олдида кимки эгса бош
Ўзи ҳам уларга бўлгуси сафдош.
Кимки шавкат қўшса эл шавкатига
Мангу фарзанд бўлур мамлакатига.
Улуғ аждодларга топинган инсон
Эл аро қадрини топув бeгумон...
Шу сабаб Регистон қисмати бугун
Оташин юракда кўзғатди тўлқин.

Шоир Регистонни таъмир қилиш воқеаларини кўтаринки, авж пардадаги сўзлар билан тасвирлайди. Тасвирда қасида усулини танлайди. Утмиш обидаларга, уларни яратган меъморлар ва санъаткорларга, уларнинг ақл-заковатларига таҳсинлар ўқийди. Халқ тарихи ва санъаткорлигининг ўлмас хотираларини қадрлаган, уларни кўз қорачиғидек асраш, келажак насларга авайлаб, етказиш фикри-ёди билан яшаган ва ҳаракат қилган замонамиз илғор кишилари шарафига фахрия битади. Дoston тўқимаси ичига ўз лирик хаёлларини, умрининг лавҳаларини кртади. Бу дoston шоирнинг Самарқандга муҳаббатидан туғилган. Асар бошдан-оёқ шу муҳаббатнинг васфидир. Васф йўлини танлаган шоирнинг сўзлари, албатта, жуда серпардоз ва серҳашамдир. Серпардозлик деганда, хусусан, Барот Бойқобиловнинг асарларида баъзан кўзга ташланиб қоладиган маълум гапларга жило югуртириб айтиш ҳолларини тушунамиз. Барот Бойқобиловнинг шеъри шундан халос бўлса, у бир туслиликдан халос бўларди.

Рамз Бобожоннинг «Минг бир турна» дostonи Хиросиманинг аянчли ёдномаси. Шоир Японияда бўлганида Хиросима унга жуда қаттиқ таъсир қилган, шу оғир таас-

суротлар сирқираб шеърга айланган. Бу асарни урушларга, атом ваҳшатларига, инсониятни қора ваҳима ҳамда авасасаларга солишга уринувчиларга қарши ёзилганлиги равшан. «Минг бир турна»нинг мазмунини, сюжети чизиқларини айтиб бериш қийин. Бунда мунтазам сюжет эмас, унинг жараҳатга ўхшаган парчалари ҳаракат қилади. Бу парчалар шоирнинг онгида оғриқ тариқасида уйғонган суратлардир. Достон ҳиссий нидо асосига қурилган. Нидо сўзларда, нидо — оҳангларда, нидо — усулларда! Ҳақиқатан ҳам бу асар разолат олдиде лол, тили гапга келмаган одамнинг онгида қолган парчалардан тўқилгандир. Узуқ-юлуқ тасаввурлар, ғалати таассуротлар — бу даҳшатга инсоният иккинчи бора ҳеч қачон йўл бермаслиги керак, деган ғоя атрофида бирлашади. Шоирнинг нидоси умумлашма тусга киради.

Рамз Бобожоннинг иккинчи янги достони «Юсуф ва Зулайҳо, ёки оға-инилар адовети» бой сюжет йўлларига эга. Юсуф ва Зулайҳо қиссаси инсоният ўз онгли тарихида яратган ошиқона достонларнинг энг ноёблари ва энг нодирларидандир. Бундай бениҳоя теран мазмун ва теран қурилишга эга бўлган қиссалар бармоқ билан санарлидир. Юсуф ва Зулайҳо қиссаси асосида жаҳон адабиётида турли даврларда кўп асарлар яратилган. Шулардан XI аср алломаси Ансорийнинг насрий романи, Дехлавий, Жомий ва Дурбекнинг йирик достонлари, Нозим Ҳикмат ва Томас Маннинг асарлари жуда машҳурдир. Янги давр адабиётида бу қисса шоир Рамз Бобожонни достон яратишга илҳомлантирган.

Шоир қиссанинг асосий қаҳрамонлари ва асосий сюжет қурилишини сақлайди. Мағриб шоҳи Таймуснинг саройи. Таймуснинг ёлғиз қизи гўзал Зулайҳо. Саройдан совчилар ва элчиларнинг кети аримаган. Достон бошланган чоғда ўн олти ёшга тўлган Зулайҳонинг юрагини номаълум дард кемиради. Лекин бу ғамнинг сабабини билмайди. Шоир эса буни севги ташналиги билан изоҳлагандай бўлади. Миср Азизи Зулайҳога лутфан шайдо. У совчилар, совға-саломлар йўллаган. Зулайҳо ўз ихтиёрини подшо отасига топширган. Зулайҳо совчилардан сўнг туш кўради. Тушида тенгсиз ҳуснга эга йигит пайдо бўлади. Қиз тушдан сўнг қарорини йўқотади. Худди шу пайтнинг ўзида саҳрода пода ҳайдаб юрган Юсуфнинг тушига Зулайҳо киради. Лекин Юсуф билан Зулайҳо Мисрда Азиз даргоҳи остонасида бир-бирларини кўришга муяссар бўладилар. Зулайҳо ўз ишқи билан Азизнинг қули бўлган Юсуфни қаттиқ таъқиб қилади. Юсуф эса ўзини хиёнатдан, Азизга nonқўрликдан тияди. Поклик унинг эътиқодига айланган. Рашк ўтида тинимсиз қоврилган Азиз овда ҳалок бўлади. Лекин Юсуф ҳамон ўз қарорида қатъий. Эркинликка чиққан Зулайҳонинг домангерликларини рад қилади. Аламга чиқолмаган маъшуқа Юсуфни эл ўртасида шарманда қилади. Юсуф зиндонга тушади. Зулайҳо ўз отаси Таймуснинг юртига қайтади. Қари фиръавн ўлиб ёш фиръавн бир туш баҳонасида Юсуфни банддан озод қилади. Юсуфнинг фиръавн тушига берган таъбири аён бўлади ва у фиръавннинг энг ишончли одамига айланади. Оғир очлик, қаҳатчилик йиллари акаларидан ҳам ўч олади, ҳам уларни очарчиликдан қутқаради. Шундай гўзал достонлар турган чоғда, Рамз Бобожон нима мақсада бу қиссага қўл уради, деган бир савол туғилиши мумкин. Буни Рамз Бобожоннинг ўзи андек тушунтириб ўтади:

Эски мавзуларда янги муаммо
Ҳал бўлса ажабмас,
зотан кўнгил тўқ!
Аруздан чекиндим, бармоққа ўтдим
Маснавий қўл келмай қолди...
бепарво—
Қофия кечикса,
кутмай иш тутдим,
Оқ шеър жонимга киргандай оро!..

Лекин шоир «эски мавзуларда янги муаммо ҳал қилишга» катта ваъда бериб бизни жуда қувонтиради-ю, қисса сюжети ичига кирган сари бу улуғ сюжет уни қаттиқ исканжага олади ва шу исканжадан қутулолмай ўз ваъдасини унутади. «Янги муаммо» бизга қоронғу бўлиб қолади. Сиз бу муаммони ҳидириб жуда катта достоннинг ичига қайта-қайта кирасиз. Лекин муаммонинг фалсафий учини тополмай қийналасиз. Эски сюжетдан шоир қандай янги концепция яратганлигини билолмайсиз. Балки «янги муаммо» деганда шоир қисса воқеасига киритган ўзгартишларини назарда тутар? Агар шундай бўлса, сюжетга киритилган ўзгаришлар ҳаммаси жуда равшан. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳақиқи ҳам анча баҳслар олиб бориш мумкин. Барча ўзгаришларга тўхталмаганда ҳам, жилла курса, биттасини кўриб ўтайлик. Ансорийнинг насрий романида қандай билмадим, лекин Жомий ва Дурбекнинг ўта ҳассослик ва буюк аҳтирос билан яратилган асарларида Зулайҳо ўз ишқи билан якто, ўз ишқи билан бениҳоя улуғ, ўз ишқи билан Юсуфдан бошқа ҳаммани асиру мубтало қиладиган гўзал қиз сифатида кўринади. Бундай ишқни табиат, инсон даҳоси аёллардан фақат Зулайҳога ва эркаклардан ёлғиз Мажнунга ато этган. Бу ишқ ўз поёнсизлигида шу даражага етганки, ҳақимлар бетоб Зулайҳони ҳаётга қайтариш учун унинг томиридан қон чиқарганларида, қон ерга тўкилиб хатга айланган. Зулайҳонинг қони ерга тўкилганда у «Юсуф, Юсуф» деб ёзилиб қолган эди. Юсуф ишқи Зулайҳога мана шу қадар сингган. Унинг юрагида қон эмас, Юсуф номи айланади, унинг юрагини қон эмас, мубтало ишқ тирик тутати. Зулайҳо Юсуфни беҳад, бениҳоя эъзозлайди. Ҳатто аламдан уни зиндон қилган чоғида ҳам, улуғ ҳурматини заррача оз этмайди. Балки ишқи ва эъзозни янада ортади.

Рамз Бобожон эса Зулайҳони бутунлай бошқача талқин қилади. Зулайҳо достон-

да ишқнинг эмас, қора ҳирсининг қули бўлиб қолган. Ҳирсининг қули бўлиб қолганидан нияти амалга ошмагач, Юсуфни қаттиқ ҳақорат қилишга тушади. Уни «тентак», «таги-паст», «бебахра маҳлуқ» деб қарғайди. Юсуфни ерга уриш пайида бўлади:

ЮСУФ

Ҳаддим борми сизга қиё боқмоққа?

ЗУЛАЙҲО

Ҳаддим борми эмиш?!

Ўзинг биласан,

Ижозат берсам ҳам муҳрлангандай

Ғафлат кўрпасини нега отмайсан?

Рухсоримга тўйиб боқмайсан нега,

Қалб деганинг тошми, кесакми, нима?

Зулайҳо мана шундай бўралаб қарганиб турганда, гўзаллик қайда қолади дейсиз. Муаллиф Зулайҳо муҳаббатини «енгил муҳаббат» деб атади. Шу тариқа Зулайҳо муҳаббатининг энг буюк, энг жозиб оҳанрабои йўқолади. Қадим гўзал қисса ўз сюжетининг энг улуғ қиррасини йўқотганидан янги талқин бизни ўзига тортмайди, ишонтирмайди, юрагимизда акс садо уйғотмайди. Ислоҳ бадийий жиҳатдан ўзини оқламайди. Бунга ўхшаш жуда кўп фактлар борки, уларнинг бари қадим гўзал баркамол сюжетлар асосида асар яратиш беҳад оғир ва ниҳоятда масъулиятли эканлигини кўрсатади. Улуғ сюжетларга улуғ талқин ва улуғ ислоҳлар керак бўлади. Навоийнинг тайёр сюжетларга шундай муносабатда бўлгани адабиёtimиз тарихидан яхши маълум.

Жуманиёз Жабборов ёзган «Муҳаббат наққоши» достонининг воқеаси ҳам узоқ ўтмишдан олинган. Оламга машҳур меъмор Аҳмад Бухорийнинг икки шогирди бор. Уларнинг ҳар икковлари ҳам устоднинг ёлғиз қизи Зулфизарни севиб қолганлар. Шогирдларнинг бири Зайниддин муаллиф тасвирида жуда истеъдодли наққош. Устод унинг тақдирига катта умид билан қарайди. Шогирднинг иккинчиси Самандбек устод фикрини кўр-кўрона такрорлашга ўрганиб қолган. Унинг устозидан жиндек ўпкаси ҳам йўқ эмас. Назарида устоз бутун меҳри муҳаббатини Зайниддинга бериб, уни, Самандбекни эътибордан соқит қилиб қўйгандек туюлади.

Нуксонга мисолдир унинг машқлари,

Етукка — Зайниддин ишидир тимсол.

Бунда ноҳақлик бор, адоват, ғазаб,

Устод адолатни унутган тамом.

Йўқ! Тоқат тоқ энди, тоқай йўлимда

Зайниддин бўлғувси ўтиб бўлмас ғов!..

Самандбек бағрида тутаган бу адоват ва кин олови Зулфизар Зайниддинга кўнгил бергани маълум бўлганда, қора дудга айланади. У қандай бўлмасин ўч олишни кўнглига тугади. Бу орада Зайниддиннинг шуҳрати оламга таралиб, уни Самарқандга таклиф қиладилар. Зайниддин Амир Темурнинг Шоҳизинда комплексида олиб борган қурилишларида иштирок этади. Зайниддин ўз санъаткорлиги ва ғайрати билан кўзга ташланади. Кўп йўлмай улуғ бинолар битиб, Зайниддин шох саройидаги олий баэмга таклиф этилади. Баногоҳ баэм ўртасида Бухоро савти янграб ўртага гўзал бир раққоса тушади. Раққоса Зайниддинга жуда таниш бўлиб туюлади. Бу чиндан ҳам Зайниддин аҳду паймон билан Бухорога ташлаб келган Зулфизар эди. Қизни Самандбек қандайдир йўл билан кўлга киритиб, уни шох саройига чўриликка сотган ва ўзи ҳам машҳур аёнлар қаторидан ўрин олган эди. Зулфизар баэмдан олдин заҳар ичган эди. У Зайниддиннинг кўз ўнгида жон беради. Зайниддин зор-зор йиғлаб қолади. «Шундай яқун топди буюк муҳаббат, Бир лаҳза ярқ этиб гўё йўқолди. Лекин нақшлар аро қон-ла битик хат: «Амали Зайниддин» деган ном қолди», деб тугалланади достон. Шоир бунда турлича кайфият ва қарашлардаги инсон характерларининг тўқнашувлари ҳамда шу тўқнашувлар асосида уларнинг ўзига хосликларини очиб имкониятига эга бўлгандай кўринади. Лекин у афсуски тўқнашувларни изчил ва чуқур ҳаётини асосга қўрмайди. Муаллиф воқеа тақдим этаётган конфликтдан етарли фойдаланмайди. Натижада қаҳрамонлар тақдири ғалати қисматнинг ўйинчоғи каби ҳал этилади. Воқеа жуда ҳам ихчам ва ўткир, кескин ҳаракатга эга бўлган баллада воқеаси каби таассурот қолдиради.

Евтушенконинг «Сантьяго кабутари» шеърини қиссаси инсон характерини ҳаётнинг ўткир зиддиятлари ичида, шу зиддиятлар заминида туғилган ички драмаларда тасвирлашнинг жуда ёрқин намунаси бўла олади. Достон қаҳрамони Энрике жуда кучли руҳий конфликтларни бошидан кечиради. Ота-она ўртасидаги келишмовчиликлар унинг ички дунёсида оғир жароҳатлар қолдиради. Энрике санъатга, эркин яшашга интилади. Лекин унинг интилишлари тинимсиз суратда атрофдагиларнинг тушунмаслиги билан тўқнашади. Онаси уни тушунмайди. Отаси тушунмайди. Энрикени икки аёл севади. Лекин севиб туриб ҳам, улар Энрикени тушунмайдилар. Уларнинг ҳар бири Энрикени бошқача тасаввур қилади. Энрике уларга ёлгон сўзлашга мажбур бўлади. Лекин унинг ёлгонлари тажрибали аёллар томонидан тезда фош этилади. Энрике улар оралигида иккиланиб яшайди. Лекин аёллар ўзлари севган киши иккиланиб яшашини ҳеч қачон истаган эмаслар. Уларнинг ҳар икковлари ҳам Энрикени ташлаб кетадилар. Революция кунларида Энрикени сен уртоғингни сотдинг, деб айблайдилар.

Шу тухмат туфайли у икки энг яқин дўстидан айрилади. У санъат бўйича таълим оларкан, санъатда бутунлай қарама-қарши фикр йўналишига амал қиладиган устозларга дуч келади. Улар Энрикени ўз йўлларига оғдиришга ҳаракат қиладилар. Энрикени бир-бирларидан қизғанадилар. Ва ниҳоят Энрике учун оғир бир пайда ундан батамом юз ўгирадилар. Энрике ота билан она ўртасида талаш. Отаси ундан келмайсан, хабар олмайсан, деб ранжийди. Онаси эса уни отасининг олдига юбормасликка, турли баҳоналар тўкиб чиқаришга уринади. Энрике мана шундай талашлар, тортишувлар ўртасида қолади. Ва яқинларининг азобга қўйиб яшамоқ — шафқатсизлик деган хулосага келади. Ва ўзини меҳмонхона қаватидан ташлаб ҳалок қилади.

Энрикени ҳалокатга олиб келган ҳодисалар ички даҳшатли драматизми билан ҳайратга солади. Иккига ажралган ота-она, иккига ажралган севги, иккига ажралган устозлар, иккига ажралган дўстлар, иккига ажралган дунё... Энрикениннг ҳаётга, яхшиликка, санъатга ташна қалби мана шу иккига ажралган дунёнинг худди марказида туради. Евтушенко иккига ажралиш даҳшатини умумзамин миқёсига кўтаради. Унинг инсон учун даҳшатли илдизларини катта шижоат билан рўй-рост очиб ташлайди. Характерлар мана шундай қудратли ҳаётий тўқнашувлар, конфликтлар, ранг-баранг коллизияларнинг ҳаракати ичида очилганда, асар жуда кучли таъсир доирасига эга бўлади. Замондошларни инсонпарварликнинг ўлмас идеаллари йўлида тарбиялашга зўр ҳиссасини қўшади.

Достон даврининг катта муаммоларини кўтариб чиқиши, социалистик воқелигимизнинг ҳаққоний ойнаси бўлоладиган инсон характерлари ва уларнинг ранг-баранг тақдирларини тўлақонли бадияят билан гавдалантириб бериши зарур. Халқнинг қизиқишлари ва маънавий талабларидан йироқ турадиган асарлар билан келажакка кириб бориш мушкул. Қилинган тахлиллардан қонуний бир савол туғилади? Нима учун сўнги йилларда яратилаётган асар достонларда характерлар ва уларнинг тўқнашувлари йўқ? Нима учун муаллифлар достон устунларини тутиб турадиган конфликтли ҳолларни, тўғрироғи ҳаётий конфликтларни акс эттиришдан ўзларини олиб қочадиган бўлиб қолдилар? Ҳарҳолда юқорида кўриб ўтганимиз барча достонлар, айниқса, худди мана шу жиҳати, яъни конфликтлар, коллизиялардан атай четланиши билан ажралиб туради.

Наҳотки бизнинг шу қадар ранг-баранг, беҳад бой, ҳаёт ва ҳаракат чексиз даражада қайнаб ётган турмушимизда эндиликда ҳеч қандай конфликтлар қолмаган бўлса? Назаримда бундай дейишга ҳеч қайсимизда ҳеч қандай асос бўлмаса керак. «Коммунист», «Известия», «Литературная газета» сингари кунда севиб ўқиладиган нашрларимизда қанчадан қанча долзарб ахлоқий, маданий, маиший турмуш, ижтимоий ҳаёт масалалари ўткир тарзда кўтариб чиқилмоқда. Жамиятимизнинг изчил тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳодисалар, иллатлар, нуқсонлар рўй-рост очиб ташланмоқда. Газеталар ўз чиқишларининг юксак даражада таъсирли бўлишига, амалий натижалар беришга қаттиқ интилмоқдалар. Инсон муносабатларидаги мураккабликлар, драмалар билан тўлиқ ҳодисалар дадил кўтариб чиқилмоқда. «Комсомольская правда»нинг ёшлар ахлоқий-маънавий ҳаётини ёритишдаги дадиллиги, ўткир масалалардан ўзини олиб қочмаслиги, ёш авлоднинг қизиқишларига бағрини кенг очаётгани ўрнатқилишига арзийдиган намуналардир. Ҳаётда жуда кўп янгиликлар жорий бўлмоқда. Янги одамлар етишмоқда. Улар ўртасида янги, илгаригилардан фарқланадиган муносабатлар пайдо бўлмоқда. Шундай қайноқ ва жўшқин муҳитда ҳаракат қиладиган достоннавис муаллифларимиз бу кенг спектрли ҳодисалардан узоқ туришлари ажабланарлидир. Достонларнинг мавзулари бугунги жўшқин муҳитдан анча йироқ. Муаллифлар замонавий ҳаёт ва унинг драматик муаммолари ичига чуқур кириб бормаяптилар. Замонамиз кишининг ёрқин образларини гавдалантириш устида жиддий бош қотирмаяптилар. Мана шуларга кўра бугун ёзиладиган достонларнинг аксариятини ўқиш жуда қийин. Уларни ўқиш жуда кўп меҳнатзадалик билан боғланиб кетади. Достон воқеаларга, характерларга ва агарда булар нима учундир бўлмаган тақдирда жилла курс қудратли фикрларга бойлиги билан замондошларнинг эътиборини тортмаса, бошқа нимаси билан қизиқиш уйғотади? Агар шулар бўлмаган тақдирда унда достон нима учун ёзилади? Нима учун уларга қимматбаҳо қоғоз саҳифалари ажратилади? Достон шаклларга бой, таъсир жиҳатдан тенгсиз қудрат ва ранг-барангликка эга бўлган жанр. Бундай ранг-баранглик ҳатто романларда ҳам йўқ. Шундай экан, унинг бундан кейинги тақдирини ва тараққиёти жуда чуқур ўйлатмоғи, фикр юритишга, баҳслар олиб боришга чорламоғи зарур.

Ҳам ғазалчилик ва ҳам улуғ достончиликнинг отаси бўлган Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг ёзилиши тарихи ҳақида бизга ғаройиб маълумотлар қолдирган. У достон бошларида тарих саҳифаларини тинимсиз ахтаргани, янгилик қидиргани ҳақида ажойиб сўзлар ёзади. Шундай изланишлар чоғида баногоҳ унинг қулоғига мўъжаз сас эшитилади:

Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.
Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улуққа майли беандоза бўлғай.
Йўқ эрса, назм қилгонни халойиқ
Мукаррар айламоқ сендин не лойиқ.
Хуш эрмас эл сўнинча рахш сурмак,
Йўликим, эл югурмиштур, югурмак.
Биравким бир чаманда сойир эрди,

Нечаким гул очилгон кўрди, терди.
Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бул бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп...

Бу сўзлар ҳамон дoston учун ҳам, лирика учун ҳам беҳад долзарб, беҳад зарур сўзлардир. Уларда яратишнинг асл маъноси ва туганмас завқлари бениҳоя теран очиб берилгандир. Навоий насллари шу сўзларга муносиб асарлар билан чиқмоқлари вожиб.

Собир Мирвалиев

АДАБИЙ ТАНҚИД МАСЪУЛИЯТИ

КПССнинг тарихий XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларидан кейин ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ва республикаимиз ҳаётида жуда катта ўсиш, ривожланиш бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу жумладан, маданий-адабий ҳаётимизда ҳам воқеа бўларли силжишлар кечмоқда. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид ҳақида» чиқарган қарорининг ўн йиллиги ҳамда «Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида» 1932 йилда чиқарган қарорининг 50 йиллиги муносабати билан адабий танқидчилик жиддий ишларни амалга ошираётганлигини алоҳида қайд этмай бўлмайди. Шунингдек, бу йилларда республикаимиз Ёзувчилари ўзининг VIII съездини, СССР Ёзувчилари эса VII съездини ўтказиб, КПСС XXVI съезди кўрсатмаларидан келиб чиқадиган янги вазифаларни белгилаб олдилар. Бу режалар СССР ташкил толганининг 60 йиллиги муносабати билан янгидан янада зўр илҳом билан амалга ошмоқда.

Бундан аёнки, адабиётимиз, қолаверса адабий танқид равнақиға таъсир кўрсатаётган сиёсий-ижтимоий ва ҳаётий омиллар тобора сермазмунлик касб этмоқда. Шулардан бири ва энг муҳими партия раҳбарлиги ва раҳнамолиги масаласидир. Буни биз кундалик ҳаётимизда ва бутун адабиётимиз тараққиётида конкрет ҳолда ҳар бир талантга кўрсатаётган ғамхўрликда сезиб турибмиз. Шундай шароитда биз адабий танқид вакиллари, ғоявий фронт кишилари зиммасига юклатиладиган масъулият, бурч ва вазифалар салмоғи янада ортиб бораётганлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид ҳақида»ги қароридан сўнг бутун адабиётимиз ва унинг адабий танқидчилиги ана шу масъулият ҳиссини чуқур англагани ҳолда янги кўтарилиш сари бораётганлиги аниқ. «Танқидчиликимиз, — деган эди Георгий Марков мамлакатимиз ёзувчиларининг VII съездиға қилган ҳисоботида, — фақат адабиётда эмас, жамият маънавий ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам фаоллашди, обрўси ошди. Адабиётнинг таркибий қисми сифатида ўрни кенгайиб, аҳволи мустаҳкамланди, бадий ижодда ўйнайдиган роли кўтарилди».

«Совет Ўзбекистони» газетаси ўзининг «Адабиётимизнинг юксак ғоявийлиги учун» деган бош мақоласи билан чиқиб, адабиётимизға партиявий раҳнамоликнинг янги бир намунасини кўрсатди. Хусусан, адабиётимизнинг сўнгги йиллардаги беқиёс ютуқлари, ғоявий чуқур, бадий юксак асарларнинг сиёсий-ижтимоий, бадий-эстетик аҳамиятини ўқтиргани ҳолда ҳали бу соҳада баъзан бўлса-да, жиддий хато ва камчиликларға йўл қўйилаётганлиги чуқур партиявий позициядан туриб очиб ташланди. Айниқса, халқаро воқеалар кескинлашган, замон нотинч ва суронли ҳозирги даврда, бунинг устиға ғоявий душманларимиз юзсизларча, очикдан-очик, туҳмат ва бўҳтон йўлиға ўтиб олаётган бир шароитда адабиётимизнинг ғоявий софлиги, активлиги ва жанговарлик руҳини янада ҳам ошириш вазифаларининг илгари сурилиши беҳиз эмас. «Дарҳақиқат, қаламқаш дўстлар, — деган эди Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Сарвар Азимов СССР Ёзувчиларининг VII съездида сўзлаган нутқида, — биз бундан кейин ҳам ғоясизлик, дунёқарашдаги бефарқлик, аниқ синфий баҳо беришдан чекинишлик кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб боришимиз шарт».

Бинобарин, гап яна ва яна бадий асарларимизнинг ғоявий-бадий қиммати ошриш ва шу йўсинда баҳолаш масаласига келиб тақалмоқда. Бунда сўзсиз адабий танқидчиликнинг роли, унинг маънавий софлиги ва ҳалоллиги, ростгўйлиги ва партиявийлиги масаласи муҳим роль ўйнайди.

Биргина «Шарқ юлдузи» журналнинг ўтган йилги сонларида «Танқид ва адабиётшунослик» рубрикаси остида чиққан мақолаларнинг сони юзтаға яқиндир. Агар буларға юбилар, портрет, тақризларни қўшилса журналнинг ҳар бир сонда ўртача саккиз-ўнтадан мақола босилганлиги маълум бўлади. Бу, айни чоғда, баъзи танқид-

чиларнинг журнал адабий танқидий мақолаларга кам ўрин бераётир, деган даъволарнинг ноўринлигини ҳам кўрсатади. Буларга алоҳида нашр этилган мақолалар тўпламлари ҳамда «Гулистон», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Адабий мерос», «Йилдиз», «Звезда Востока» каби журналлар, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока» сингари газеталардаги мақолалар қўшилса, ҳамда ўзбек адабиётшуносу ва танқидчиларнинг марказий матбуотларда чиққан мақолалари ҳам олинса, адабий танқид ҳақида катта ва салмоқли библиографик каталог ҳосил бўлади. Албатта бу мақолаларнинг ҳаммаси ҳам сифат жиҳатдан ҳамisha талаблар даражасида деб бўлмайди. Биз ўтган йилги ютуқларимиз ҳақида гапирар эканмиз, бир қатор танқидчи ва адабиётшуносларимиз партия ва ҳукуматимизнинг турли мукофотларига ҳамда юксак фахрий унвонлари, фахрий ёрликлари билан мукофотланганликларини ҳам мамнуният билан қайд этишни истардик. Жумладан, адабиётшунослардан Умарали Норматов, Салоҳиддин Мамажоновларга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони, Асил Рашидовга «Ўзбек кинесаларида меҳнат тасвири» монографияси учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг берилиши ҳаммамизни қувонтиради. Утган йилги адабий танқид маҳсулини кўздан кечирар эканмиз, партия ва давлат арбоби, улкан адиб Шароф Рашидов асарлари беш томлигининг тўртинчи томи бевосита адабий-танқидий мақолалардан тузилганлигини алоҳида қайд этишни истардик. Мазкур томи ўқир эканмиз, унда муаллиф катта ва билимдон назарийчи, марксча-ленинча эстетика тарғиботчиси, адабий алоқалар ва ўзаро таъсир муаммоларини ҳал этишда йирик мутахассис сифатида майдонга чиқади.

«Социалистик реализмнинг қудратли манбаи», «Қалб даъвати билан», «Ақл-заковатимиз, истеъдодимиз ва меҳнатимиз — халққа, партияга!», «Бадий ва ғоявий юксаклик сари», «Замонавийлик адабиёт ва санъатнинг қалиби» каби бир қатор мақолаларида социалистик реализм методининг мазмуни ва моҳияти, бадийлик ва ғоявийлик бирлиги, адабиётнинг партиявийлиги, интернационал пафоси ҳамда қон-қардошлик туйғулари ҳақида чуқур назарий фикрлар юритади ва асосли хулосалар чиқаради. «Адабиёт ва замон» тўпламининг ўтган йилги нашри ҳам Шароф Рашидовнинг «Қудратли ҳаракат» номи мақоласи билан бошланади. Унда муаллиф ҳаётдагидек адабиётда ҳам катта ғоявий-бадий кўтарилиш бўлаётганлигини, Осиё, Африка ва Латин Америкаси қитъаларидаги халқларнинг маънавий оламидаги қудратли ҳаракатни қиёсий таҳлил этади.

Шуни ҳам мамнуният билан қайд этиш керакки, мазкур тўплам ҳар йилгидан пухта, теран фикрли мақолалардан ташкил топган. Унда юқорида қайд этилган мақола билан бирликда Ҳамид Фулом, Чингиз Айтматов, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов, Улмас Умарбеков, Тўлепберген Қайноқбергенов каби етук адибларнинг адабий танқидий қарашлари ҳам ўз аксини топган. Шу жиҳатдан Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби санъаткорларнинг ҳам адиб, ҳам адабий танқидчи, олим сифатида фикр юритиш анъанасининг янгидан қанот ёзаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Фақат қувонтиради эмас, балки ёзувчи билан танқидчи ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамфикрлик муносабатларининг тобора чуқурлашувига хизмат қилади.

Шунингдек, «Адабиёт ва замон» тўпламида академик Воҳид Зоҳидов ва Ҳафиз Абдусаматов, Лаиз Қанонов, Салоҳиддин Мамажонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Пирнат Шермуҳамедов, Норбой Худойбергенов каби забардаст танқидчиларнинг кўп жиҳатдан манзур бўларли мақолалари ўрин олган. Мазкур мақолалар ёзилиш савиясидан ташқари мавзу ва масалаларнинг ранг-баранглиги, тарихий-назарий характери билан ҳам диққатни тортади. Лекин шу билан бирга баъзи мақолалардаги фикрлар бир ёқлама эканлиги ёки қўйилган масалани ҳал этишга қодир эмаслигини ҳам айтиш керак. Мисол тарзида Саъдулла Аҳмаднинг «Эзгулик палласи» деб аталган мақоласини келтириш мумкин. Мақолада аслида жуда муҳим масала — анъана ва новаторлик масаласи кўтарилгани ҳолда у бир ёқлама, юзаки ҳал этилади. Муаллиф Асқад Мухтор ижоди қолиб, Лев Толстой ижодини таҳлил этишга киришиб кетади. Қиёсий ўрганиш яхши, аммо уни синтез тарзда ифодалашгина мақсадга мувофиқ бўлади.

Утган йилги адабий танқид асарлари ҳақида гап борганда ёзувчи ва олим Сарвар Азимовнинг бир қатор анжуман ва йиғилишлардаги суҳбат ҳамда матбуотда босилиб чиққан мақолаларидаги чуқур партиявий руҳ, активлик ва ҳужумкорликка бўлган даъват, қон-қардошлик туйғусини мустаҳкамлашга чорловчи пафосни алоҳида қайд этишни истардик. Оқсоқол танқидчимиз Воҳид Зоҳидовнинг бу борадаги фаолияти ҳаммамизга намуна бўлмоғи керак, деб ўйлаймиз. Воҳид Зоҳидовнинг мақолаларини ўқир эканмиз адабий таҳлил мантиқининг кучига, этикасига ва материал доирасининг кенг ва мазмундорлигига тан берамиз. Баъзан, домланинг ёшлар ижодига аралашувига, уларга оқ йул тилашига айрим ўртқлар эътироз билдиришади. Бизнинг эса қани эди, ҳамма катта, тажрибали устозлар ҳам шундай бағри кенглик, сажоват ва мардлик йўлидан борсалар, дегимиз келади. Чунки, ёшларга ғамхўрлик ва талабчанликни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бинобарин, ўтган йили Лаиз Қанонов «Сайланма» асарларининг биринчи томи, Салоҳиддин Мамажоновнинг «Сайланмаси», Маҳмудали Юнусовнинг «Ҳаёт нафаси», Асил Рашидовнинг «Сўнмас юлдузлар», Умарали Норматов ва Ортықбой Абдуллаевнинг «Ижоднинг қўш қаноти», Иброҳим Ғафуровнинг «Прозанинг шоири», Норбой Худойбергеновнинг «Виждон даъвати», Муҳаммадали Қўшмоқовнинг «Бахшилар хазинаси», Ёқуб Яқвалхўжаевнинг «Мунаққиднинг биринчи китоби» сериясидаги «Журъат ва истеъдод» ҳамда Ботир Норбоевнинг «Истеъдод, эътиқод, замон» каби бир қатор тўпламлари ва монографик тадқиқотлари эълон қилинди.

Тўғри, бундай тўпламларнинг ҳар бирининг ўзига хос фазилатлари мавжуд. Шу билан бирга уларни айрим нуқсон ва камчиликлардан, баҳсли ўйинлардан ҳам холи деб бўлмайди. Умумий салмоғи жиҳатдан анча эътиборга лойиқ бўлган Маҳмудали Юнусовнинг «Ҳаёт нафаси» тўпламидаги «Адабий танқиднинг тили ҳақида ўйлар» номли умуман сермазун мақоласида ҳам баҳсли ўринлар бордек туюлади. Айниқса, бу кейинги йилларда бутуниттифоқ адабиётшунослиги ва танқидчилигининг изчил аънасига айланиб қолган ёзувчи билан танқидчи ўртасидаги суҳбат, баҳсларнинг ҳаммаси ҳам бирдек камситилишида кўзга ташланади. «Бироқ, афсуски,— деб ёзади автор,— танқидчилардан биронтаси (улар ўндан ортиқ,— таъкид бизники С. М.) ёзувчини жиддий, гоят зарур мунозарага чақирмади» (32-бет). Назаримизда бу ўринда муаллифнинг ҳамма танқидчининг баробар айблашдан ташқари, масалани шу тарзда қўйишининг ўзи ҳам ўринсиздек кўринади. Чунки ёзувчи билан танқидчининг ҳар бир суҳбати, диалог албатта баҳсли бўлиши шарт эмас. Айни чоғда баҳсли бўлиши ҳам фойдадан холи эмас. Бу конкрет кўрилаётган мавзу, масалага боғлиқ, деб ўйлаймиз.

Адабий танқидчилигимизда гоҳи сўз билан иш бирлигининг бузилиш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Гап бу ерда адабий танқидчилик касби билан унинг маънавий қиёфаси ўртасидаги мутаносиблик ҳақида борапти. Шундай ҳолат авваллари кўпроқ адабиётшунос дўстимиз Норбой Худойбергенов мақолаларида, фаолиятида кўринар эди. Аммо унинг Назир Сафаров ҳақидаги «Виждон даъвати» китоби энди танқидчининг тили билан дили бир бўлиб бораётганлигидан тўла далолат беради.

Маълумки, Назир Сафаров ҳақида анча кўп ва хўп ёзилган. Аммо Норбой Худойбергеновнинг мазкур асари ўзига хос бир қатор фазилатлари, хулосалари билан фарқланиб туради. Мана шу яхши хислат (у доимо ҳамма учун зарур) танқидчиқа обрў келтиради. Бундай фазилат ёш танқидчилардан Муҳаммадали Қўшмоқов мақолаларида, хусусан «Бахшилар хазинаси» китобида ҳам кўзга ташланади. Мен ёш танқидчи О. Абдуллаев мақолаларида ҳам шундай ҳалолликни кўраман. Ботир Норбоевнинг «Истеъдод, эътиқод, замон» тўпламида ҳам бундай сифатлар бор. Айниқса, тўпламдаги «Шароит шиддати ва инсон руҳияти» мақоласида бу хил хусусиятлар кўзга яққол ташланади. Бироқ, ёш танқидчининг бошқа мақолаларида ана шу хусусиятлар етакчи эмасдек кўринади. Унинг баъзи мақолалари бир ёқлама бўлса, айримлари баҳсли, баъзиларида эса яроқсиз ўринлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, «Холислик ва ҳалоллик» мақоласида муаллиф танқидчининг маънавий қиёфаси ҳақида гапиришга киришгани ҳолда, фақат бир ёқлама йўл тутиши, умумий жараёнда ажратган ҳолда фактларга мурожаат этиши кузатилган самарани бермайди. Яъни унда Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафидинов, Пирмат Шермуҳамедов, Иброҳим Ғафуров, Маҳкам Маҳмудов каби танқидчилар ижодига хос хусусиятларни очиш, умумлаштириш орқали адабий танқид этикасига хос умум сифатларни кўрсатмоқчи бўлади. Ният яхши, мақсад аниқ. Лекин шунинг ўзи кузатилган мақсадга олиб бора оладими?.. Биз юқоридagi мунаққидларнинг биронтасини камситмаганимиз ҳолда нега улар қаторида Воҳид Зоҳидов, Ҳомил Ёқубов, Ҳафиз Абдусаматов, Лазиз Қюмов, Салоҳиддин Мамажонов, Бердиали Имомов, Маҳмудали Юнусов, Умарали Норматов, Нуриддин Шукуров каби адабий танқидий жараёнда салмоқли ўрин тутиб келаётган актив танқидчилар асарлари таҳлил объектига омухта бўлмайди, деган саволни бергимиз келади.

Кейинги йилларда бундай камчилик айрим ёшлар ва хатто тажрибали танқидчилар томонидан ҳам давом эттириб келинаётганлиги кишини ажаблантиради. Бу эса бир танқидчига иккинчисини қарама-қарши қўйишдан иборат хавфли йўлнинг олдини олишга даъват этмоғи керак. Бундай ҳол «Мунаққиднинг биринчи китоби» сериясида чоп этилган Маҳмуд Саъдий сингари ёшлар ижодида ҳам, тажрибали танқидчи Норбой Худойбергеновнинг «Совет Ўзбекистони» (1982 йил, январь) газетасида КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид ҳақида»ги қарорининг ўн йиллиги муносабати билан босилган мақоласида ҳам, унинг «Вопросы литературы» (1981 йил, 12-сон) журналинда босилган мақоласида ҳам сезилади. Бунинг устига кейинги мақолада мунаққиднинг адабий танқидчилигимиздаги ютуқлардан кўра камчиликларни бўрттириб кўрсатишга майли кўпроқ сезилиши кишини таажжублантиради.

Бундай бир ёқламалик, юзакилик ва умумийлик КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид ҳақида»ги қарорининг ўн йиллигига бағишлаб ёзилган кўпгина мақолаларга ҳам хосдир. Уларда ана шу қарорнинг республикамиз танқидчилиги мисолидаги конкрет ифодаси назарий, тарихий, амалий натижалари етарли умумлаштирилмайди.

Танқидчилигимиз кейинги йилларда эришган ютуқлар ҳамда унинг сифати тўғрисида гап кетганда Иброҳим Ғафуровнинг Саид Аҳмад ижодига бағишланган «Прозанинг шоири» китобини элоҳида тилга олишни хоҳлардим. Чунки, ундаги чуқур, ҳалол илмий фикр юритиш билан мантиқ бирлиги муаллифга муваффақият келтирганлигини қайд этмоқ лозим. Энг муҳими китобда Саид Аҳмаднинг ижодий эволюцияси, адабиётимиз тараққиётидаги роли ва ўрни ишонарли далилланади.

Умарали Норматов, Ортиқбой Абдуллаев ва Маҳкам Маҳмудов асарларида ҳам бир қатор муҳим фазилатлар, ардоқлашга арзийдиган хулосалар бор.

Кейинги йилларда эълон қилинган Сайдулла Мирзаевнинг «Ғоявийлик байроғи» китоби, ҳамда коллектив муаллифлар томонидан чоп этилган «Ҳамза ҳақида тадиқотлар», «Ўзбек совет болалар адабиёти ва замонавийлик» тўпламининг иккинчи китоби, Мажид Ҳасановнинг «Айний чамани» каби яна бир қатор асарларни ҳам тилга олиш мумкин. Аммо очиқ айтиш керакки, тилга олинган китобларнинг ҳаммаси ҳам бирдек пухта, адабий танқидий ҳаётимизда сезиларли из қолдиради, деб айтиш қийин. Чунки, уларнинг айримларида эскича талқин усули, тавсиф, баён йўсини кўзга ташлана-

ди. Кўпгина тўпламлардаги мақолаларнинг баъзилари анча олдин ёзилгани ҳолда ҳозирги кун талаби билан қайта кўриб чиқилмаганлиги ҳам сезилиб туради.

Аммо асосий камчиликлар шулардан иборат эмас, албатта. Назаримизда ва умуман адабий танқидчилик ривож топиб, танқидчи савияси, маҳорати кўтарилаётгани ва ўнлаб, юзлаб мақолалар, китоблар нашр этилаётгани билан ҳали бу соҳада фундаментал монографик тадқиқотлар деярли кам яратилганлиги кишини ташвишга солади. Чунки, фақат мақолалар ва тўпламлар билангина адабиётимиз тарихини, назариясини, проблемаларини ҳал этиб бўлмайди.

Назаримизда, «Шарқ юлдузи», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Гулистон» каби журналлар, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Совет Ўзбекистони» сингари газеталарнинг адабий танқид соҳасидаги бош ва биринчи ўзбаси КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда адабиётнинг ўйнайдиган асосий ва муҳим роли масаласига қаратилганлиги билан диққатни ўзига жалб этади. Шу боисдан ҳам мазкур матбуот саҳифаларида партиянинг адабиётга, адабий танқидга ғамхўрлиги ва раҳнамолиги, йўналтувчи маёқ сифатидаги роли кўпчилик мақолалар мундарижасини ташкил этади. Хусусан, Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар»и муносабати билан эълон қилинган мақолалар алоҳида эътиборга лойиқдир. Улкан адиб Шароф Рашидов асарларининг Москвада нашр этилган беш томлиги муносабати билан эълон қилинган мақолалар ҳам ранг-баранг, ўзига хос ва такрорланмасдир. Шунингдек, Иззат Султон ва бошқаларнинг «Совет Иттифоқидаги туркий халқлар адабиёти ва фольклорини ўрганишнинг аҳоли ва вазифалари» деган мақоласи, шоира Зулфиянинг шеърятимизнинг ёш бўғини ҳақидаги кузатишлари, ҳамда адабиётшунос Пирмат Шермухамедовнинг «Романчиликнинг кенг уфқлари» номли мақоласи алоҳида эътиборни тортади. Энг муҳими, бу мақолалар бутуниттифоқ мақсадлари руҳида ёзилган бўлиб, улар кўтарган масаласининг аниқлиги ва ҳаётийлиги, аргументларга бойлиги билан фарқланиб туради. Бу хилдаги проблематик мақолалар деярли ҳамма журнал ва газеталарда учраши кишини қувонтиради. Бундай яхши ва ижодий кўтарилиш «Адабий мерос» тўпламига ҳам кўчаётганлиги сезилмоқда. Аиниқса мазкур тўпладан совет адабиёти намояндалари меросини ўрганишга бағишланган мақолаларнинг кенг ўрин олаётганлигини таъкидлаш лозим. Лекин бу «Адабий мерос» бутунлай ўз қиёфасини белгилаб олди, дегани эмас. Бунинг учун ҳали ижодий изланишни, унинг савиясини яна ҳам кўтаришни тақозо этади. Бунга ҳар бир ёзувчи, ҳар бир танқидчи фаол ҳисса қўшмоғи лозим. Худди шундай ҳол «Гулистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» саҳифаларида ҳам кўзга ташланади. «Гулистон» журналининг муаллифлар сафи кенгайиб, мазмуни ва мундарижаси бойиб бормоқда. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эса, бошқачароқ манзара кўзга ташланмоқда. Ҳали газета ўз имкониятини тўлатқис ишга соломлаётганлиги, катта ва кенг авторлар доирасига чиқиб улгурмаганлиги сезилмоқда. Лекин суюкли газетамизнинг қиёфаси, мазмуни, ундаги адабий танқидий мақолаларнинг савияси тобора теранлашиб ва сермазмун бўлиб бормоқда. Хусусан, унда босилган Умарали Норматовнинг ҳозирги ҳикоячиликка бағишланган «Ҳикоячиликдаги мўъжизалар», Иброҳим Ғафуровнинг «Қалбнинг адабий доираси» (Темур Пўлатовнинг «Бухоролик қайсарнинг саргузаштлари» романи ҳақида), Ортиқбой Абдуллаевнинг «Таҳлилнинг кенг қамрови», Саъдулла Караматов билан «Вопросы литературы» журналининг бош муҳаррири Мстислав Козьмининг «Ижобий қаҳрамон қандай бўлиши керак?», Лазиз Қаюмовнинг «Ҳамиша халқ билан», Озод Шарафидиновнинг «Ботирларнинг умри боқий», Норбой Худойбергеновнинг «Теранлик» каби мақолалари ҳамда поэзияга оид баҳс материаллари ушбу газета муваффақиятларини белгилайди, десак хато бўлмас. Шу баҳонада «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг ҳақида ҳам баъзи бир эътироз ва истаклар билдириш ўринлидир. Негаки, журналнинг кейинги сонларини аввалги йилларда чиққан сонлари билан қиёсланса, адабиётшунос ва танқидчилик масалалари кам ёритилганлиги кўзга ташланади. Ҳатто баъзи сонларида адабиётшуносликка оид бир ёки иккитагина мақола берилади, холос (Албатта, илмий ахборотларни ҳисобга олмаганда). Унинг муаллифлари доираси ҳам аввал анча кенг бўлиб, ёзувчи минбари, ёзувчи билан танқидчи баҳслари мунтазам берилиб борилар эди. Журналнинг ўз қиёфасини топиб олиши ва мазмунан чуқурлашиб боришига ишонамиз.

Драматургия проблемалари бўйича Воҳид Зоҳидов, Ҳафиз Абдусаматов, Бердиали Имомов, Баҳодир Ғуломов, Эркин Умаров каби танқидчи ва адабиётшуносларнинг чиқишлари таҳсинга лойиқ бўлса ҳам, ҳали бу соҳада жиддий, ҳақ этилмаган муаммолар ўз ечимини кутаётганлиги сир эмас, албатта. Бу бир томондан оригинал драматургия асарлари кам ёзилаётганлиги ёки саҳнага етарли чиқмаётганлигига боғлиқ бўлса керак. Шу билан бирга «Бой ила хизматчи», «Алишер Навоий», «Ҳамза», «Қонли сароб», «Ҳуррият» каби ўзбек драматургиясининг ноёб намуналарини қайта, янгича талқини ҳақида ҳам ўйлаш даври келганга ўхшайди.

Адабий танқидчилигимиз ҳосили орасида мунозара, баҳс характеридаги мақолалар ҳам анчадир. Бу борада биргина мисол келтираемиз. Очил Тоғаев «Тасвир ва мурда» («Шарқ юлдузи», № 11) номли мақоласида ёзувчи Шукр Холмирзаевнинг «Сўнги бекат» романи бўйича фикр юритган ҳамкасби Умарали Норматов билан баҳсга киришади. Бизнинг назаримизда Очил Тоғаев ҳамма масалада бўлмаса ҳам Ухтам ва Насиба муносабатларида оид қарашларида ҳақли деб ўйлаймиз.

Адабий танқидчилик олдида ҳали кўп жиддий масалалар турганини дангал тан олиш лозим. Хусусан, ўзбек совет адабиёти тарихининг кўп томлигини қайта, тўлдирилган ҳолда тайёрлаш адабиёт назарияси ва танқидчилиги тажрибаларини яхлитлаштириш, социалистик реализм методининг ҳозирги жараёни ва унда жанрлар, услублар ранг-баранглигининг роли, уларнинг сиёсий-илмий, бадий-эстетик моҳияти,

ижобий қахрамон яратиш проблемаси, адабиётимиз тарихини янгича даврлаштириш масаласи, танқидчининг маънавий-ижтимоий қиёфасидаги узвийлик, адабий тил нормалари, ёш бўйига юклатиладиган бурч ва масъулият, адабиётимиз ютуқларини тарғиб этиш, ғоявий душманларимизга қарши изчил кураш олиб бориш каби ўнлаб муаммолар турибдики, бунинг учун мавжуд кучларни бирлаштирмасдан туриб, мақсадлар бирлигини ҳурмат этмасдан туриб, ижобий натижага эришиш қийин. Айниқса, адабий танқиддаги сиёсий пафос, унинг активлиги, ҳужумкорлиги масаласи ҳозирги халқаро воқеалар чигаллашган даврда яна ҳам актуал бўлиб қолмоқда. Шунингдек, «Фан — тозаликни талаб этади» деган масалага ҳам алоҳида эътибор жалб этилаётгани бежиз эмас. Чунки, агар фан халқ ва партия манфаати йўлига хизмат этишга қаратилган бўлса, у доимо шу манфаат нуқтаи назаридан актив ва ҳужумкор бўлмоғи, аини чоғда ҳар қандай иллатлардан тоза, мусаффо бўлмоғи талаб этилади. Гап айланиб, яна адабий танқиддаги ҳалоллик, ҳаққонийлик, мардлик ва бағри кенглик масаласига келиб тақалади. Шундай йўл тутилгандагина адабиёт ва адабий танқиднинг маънавий бутунлигини сақлаган бўламиз.

Хуллас, «Янги марраларга чиқиб олаётган адабий танқидчилик,— дейилади СССР Ёзувчилари VII съезди резолюциясида,— умуман ижодий жараённи бутун жўшқинлиги ва ғоят мураккаблиги билан бирга янада активроқ қамраб олиши, адабиётнинг ривожига собитқадамлик билан таъсир қилиши керак.

Танқидчилик коммунистик партиявийлик ва халқчилликнинг ленинча принципларига муттасил амал қилиб, ўз фаолияти учун масъулиятни доимо ошириши, адабий ҳодисаларни баҳолашда аниқ синфий мезонларга амал қилиши, адабиётдаги бракка, бадийй ночорликка, ғоясизлик, дунёқарашдаги чалкашликларга қарши қатъиян курашиши лозим.

Шундагина адабий танқид жамият олдидаги, халқ ва партия олдидаги ўз бурчини адо этган ҳисобланади. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд, фақат сидқидилдан, фидойилик ва ҳалоллик билан ишлаб, ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб фикр юритсак-кина кўзланган марраларни забт этиш мумкин бўлади.

Охунжон Собиров

ШОИР ИЖОДИНИНГ САРЧАШМАСИ

Тўра СУЛАЙМОН ижоди ҳақида чизгилар

Нафосат оламининг бир томони меҳнаткаш халқ оғзаки ижодиётига бориб туташади. Инсон ақл-заковатининг беэа-воллиги, хаёлот уфқининг кенглиги ва теранлигига назар ташласак, табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ибтидоий қарашдан тортиб, синфий курашнинг залворли тўлқинларигача бўлган воқеалар халқнинг бадийй тафаккур меваларида сўнмас из қолдирганини кўрамиз. Чинакам ҳаётий заминда ота-боболаримиз томонидан қалб кўри, зеҳни, тажрибаси, билими ва донолиги билан яратилган сўз санъатининг ибтидоси — оғзаки бадийй асарлар меҳнаткаш халқнинг кўнгил маҳзанида асрлар бўйи сайқал топиб бизгача етиб келди; уларни замонлар оша кўз қорачиғидай асраб келган дostonчилар, ўланчилар, эртакчилар, қиссахонолар, ҳофизлар, гўяндалар, латифагўй ижодкорлар бўлди. Тўра Сулаймон ана шу халқ санъаткорларига бевосита дахлдор шоир. У болаликдан дўмбирани минг оҳангда янградиб дoston куйлаган, тўй-маъракаларга файз кўшган элда ҳур-

мати азиз ва мақтовли бахшиларни, ўланчи, кўшиқчиларни кўп кўрган, кўп тинлаган. Ижодкор ана шу халқ оғзаки ижодиёти қозонида қайнади. Айни чоқда у бадийй адабиётнинг ибратли намуналаридан сабоқ олди. Шоирнинг «Истар кўнгил», «Мен қайга борар бўлсам», «Сирдарё кўшиқлари», «Илтижо», «Интизор» каби шеъррий тўпламлари мана шу икки мавжли дарёнинг кўшилишидан бунёдга келгандир. Тўра Сулаймон халқ ижодининг шунчаки ихлосманди эмас, балки уни жонкуяр тўпловчилардан ҳам. У 1950—1965 йиллар давомида мунтазам равишда халқ ижодкорларини кўплаб аниқлади, улардан ажойиб термалар, кўшиқлар ёзиб олиб матбуотда эълон қилди. «Келтирар» шеърда айтганидек, «Қадимдан тўй тилакли Омон оқин», Мамат бахши, Усмон шоирлар билан биргаликда ижодий ҳамкорлик қилиб, талай серзавқ термалар тўқиди.

Шоир халқ ижодиёти чаманзорларида барқ уриб турган турфа гуллардан болари мисоли тўйиб эмиб, ўз ижод йўлини то-

рини, маънавий оламини, жўшқин қалб ҳароратларини халқ шеърини кўзгусида кўриб уларни ўзига хос усулда куйлаб келмоқда. Тасодифий эмаски, халқ шеърининг кўркем намуналари ҳисобланмиш лапар, алёр, терма, ашула, ялла, нома ёзиш, ўланларнинг хилма-хил гулдас-таси Тўра Сулаймон ижодида янгича мазмун билан йўғрилган ҳолда барқ уриб турибди («Тоғ қизлари», «Қўшиқ қайдан келади», «Болдизим», «Самарқанд таъриф»). Ижодкор асарларининг шаклий ранго-ранглиги ҳам диққатга сазовор. Шоир халқ шеърининг шакл ва мазмундаги мутаносиблиги, равонлиги, оҳангдорлиги, ипақдек майинлиги ва пишиқлигини асарлар маъзига сингдира билди: лекин улардан нусха кўчирмади, қуруқ тақлид қилмади; давр нафасини, халқимизнинг бой маънавий оламини, совет кишиларига хос янгича коммунистик эътиқод ва ахлоқнинг таъсир кучини, бу орқали социалистик тузумнинг моҳиятини реалистик тарзда тасвир этмоқда. Бунда шоир халқ оғзаки ижодининг илғор анъаналарига таянган ҳолда иш кўради. Тўра Сулаймоннинг дoston ва қўшиқларида халқимизнинг энг яхши анъаналари ва урф-одатлари социалистик замонамизда ҳам қанчалик ардоқли экани, бу урф-одатлар янгича турмуш шароитида янги ижтимоий муносабатлар, тенглик, эрк ва бахтиёрликни ифодаловчи хулқ-атвор, коммунистик ахлоқ қоидалари билан чаতিшиб кетгани ишонарли кўрсатилган. Бир мисол «Қорасоч» дostonининг қаҳрамони Қорасоч эри урушга кетган, қирқ кўтон қўйли чорвадор қолхозда ферма мудирли бўлиб ишлайди. «Бошда Қорасочга мудирлик малолдаги туюлиб юрди, бундан чўпонлик қилганим маъқул эди, деб қошқовоғи уюлиб юрди. Оқибат, арғамчиға қил-қувват, одамзотга — эл қувват, деб тетик тутиб руҳини, кўрсатиб ҳимматини, кўп ишонган кўл билиб, кўл билиб иқбол билиб, баъзи чўпонларнинг таъзирини бериб юрди; минган отингдан сени, зурриёт-зотингдан сени, деб бежон сўз қотувчи бесиёқларни тап билан қотириб юрди». Дostonда шоир тўкиган терма, алла, келин салом, лапар, мақол, маталлар одамларнинг янгича удумларини, фикр-ўйларини, руҳий оламини, маънавий гўзаллигини ифодалашга хизмат қилиб турибди.

Шоир халқ шеърини хос параллелизмларни топқирлик билан қўллаб, шу куннинг муҳим ижтимоий масалаларини реалистик ёритишга интилади: социалистик жамиятимизнинг таянчи, қудрати ҳисобланмиш, юртимизни яшнаётган ишчи ва деҳқонлар синфининг дўстлигини, ҳамкорлигини кўз ва қошга қиёс қилади, боғу баҳорга менгаздай, гоҳ «мунг билмас, завол билмас элда азиз қўш торга» ўхшатади. «Шоирликни элга ҳаётбахш этиб, дилга туташиб оққан» Зарафшонё Сирдарёга тенг кўрганида Тўра Сулаймон жуда ҳақли. Ижодкорнинг шеърларидан замондошларнинг қалб ҳарорати, эзгу ниятлари ва интилишларини, маънавий поклигини ҳис этиш жараёнида кўнгил ойнаси равшан тортгандек бўлади. Сувчи қиз кўрган хайрли туши таъбирини Сирдарёдан сўрабди, гўё тоғ лочини баланд чўққи сари интилаётган қизнинг хизматига ўзини чоғлаб, парвона бўлиб турганмиш. Шеърда

табиат тасвири, тонг сирлари билан севги саодати ўртасида шоир ажиб ҳамоҳангликни топади. Садоқат ва бахтиёрликнинг шундай кўринишлари ифода этилган «Сулув» шеъринида севинчдан яйраган ошиқ-маъшуқанинг руҳий олами, орзуманд кунларга ошиқлиги ва дил талпинишлари шундоқ англанади:

Сирга айтиб сирини, ўз ишига қиз кетди.
Дарё бўйин тарк этиб, мисоли кундуз

кетди.

Пахтазорга сулув сув тараш билан банд
эди.

Ҳар кўсак, ҳар шонага жон, дили пайванд
эди.

Мен ҳамон хилватдаман, лек кўзларим
сувчида

Шарм-ҳаёси билан жонимни олғучида...

Шеърини нутқнинг равон оқими, қофияларнинг тўлаллиги ва мусиқийлиги, ички жарангдорлик, мантқиқий ўхшатмалар, руҳий кечинмалар ларзаси шеърнинг ҳиссий таъсирчанлигини оширишга йўналтирилган.

Тўра Сулаймоннинг дидактик мазмундаги шеърлари ҳам талайгина. Бадиий дидактикнинг мумтоз намуналарини яратишда шоир инсоний хусусиятларни бири-бирига қарама-қарши қўйиш усулини кўпроқ қўллайди: номард ва нокаслик, номуссизлик ва худбинлик, бўҳтон ва ғийбат, мансабпарастлик ва шуҳратпарастлик иллатларини шафқатсиз қоралаган шоир яхшилик, самимийлик, дўстлик, тўғрилиқ, виждоний поклик фазилатларини улуғлайди. Умрнинг беҳуда ўтган дақиқаларига дил-дилдан куйнади («Ўтмоқдадир», «Айирма», «Билингай»).

Кейинги йилларда Тўра Сулаймоннинг ижтимоий ҳаётга тобора актив аралашуви натижасида ижод уфқи кенгайиб, мавзулари ранг-баранг бўлиб бормоқда. Буни унинг сатирик шеърлари ва ҳажвияларидан жамланган «Алҳазар», ҳикоя, очерк, публицистикасида ташкил топган «Тўйбоши» тўпламларидан ҳам сезиш мумкин. Тўра Сулаймоннинг ҳажвий асарларида севгига, оилага, фарзандлик бурчига садоқат кўрсатмай умуман ҳаётга энгил-елпи қарайдиган, инсонийлик шаънига доғ туширадиган айрим энгилтак ёшларнинг қилмишлари танқид қилинади. Шоир халқ сўзлашув тилининг бой имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиб, кишилар характерида учрайдиган қусурларни деталлар воситасида очади. Шоюсуфнинг хатна тўй қилганида («Сен сўрама, мен айтмай» шеъри) зиқналик билан узоқ йиллар молдунё тўплаганини «тузоқ қўйиб тўйинга» деб ифодаласа, бор-йўғини бир кунда совуриб «қисобини билмаган ҳаменидан айриллар» деган халқ ҳикматида айтилган ачинарли аҳволга тушиб қолганини, афсунадомат билан баён этади: «мол топгунча ҳисоб топ», «сирти ялтироқ, ичи қалтироқ», «ҳолин билмаган ҳалак, тутилар ёмғир, дўлга».


Тўра Сулаймоннинг ҳамма шеърлари бир хил юқори савияда эмас. Унинг «Бир сенга сизингайман» деган мазмунан бўш шеъри тўпламдан-тўпламга кўчиб юради.

«Сандиқ» типидagi айрим шеърларида эса фикрий ноаниқлик учрайди. Бундан ташқари у кўз-қош, баҳор-қиш, дарё ми-

сол каби тасвир воситаларини керагидан ортиқ ишлатади; ёки «Еруғ юлдуздан салом» шеърида ўзи айтмоқчи эзмалик қилади, баён чўзилиб кетган. «Жаҳонгашта» ва «Қорасоч» дostonларида эса халқ дostonларига мос тасвирлаш йўлларини меъеридан кўп қўллаш натижасида баъзи етакчи образлар хиралашгандай, воқеалар ривожидида изчиллик етишмагандай туюлади, бундай ҳолат мазкур асарларнинг композицион яхлитлигига путур етказгандай таассурот қолдиради. Шуниси қувонарлики, бу хил камчиликлар шоирнинг «Интизор», «Ҳамқишлоқларим» тўпламла-

рида бартараф этилган. Айниқса, унинг Ўзбекистонда босмачиларга қарши кураш йилларининг довжорак қаҳрамони Чучук момо Бозорбоевага бағишланган «Илтижо қилган билан...» асарини балладанинг яхши намунаси дейиш мумкин. Шундай қилиб, Тўра Сулаймон нафосатга бой, бадий баркамол, серзавқ асарлари билан адабиётимизга ҳисса қўшиб келмоқда.

Шоир ҳозир ижоднинг авж палласида. У янги-янги гулдаста шеърлар, дostonу балладалар, очерку лавҳалар яратиб китобхонларни ҳушнуд этиши, шубҳасиз.





ИЖОД ҚАДРИ

М. Муҳамедов. Асарлар. 2 жилдлик. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1981.

Кекса ёзувчимиз Мумтоз Муҳамедовнинг икки жилдлик сайланма асарлари ўқувчилар қўлига теғди. Тўпладан адибнинг қарийб ярим асрлик ижодий йўли давомида яратган турли жанрдаги асарлари ўрин олган. Бу икки жилдликда шеър ва хотиралар ҳам, ҳикоя ва очерклар ҳам, ҳажвиялар, қиссалар ва роман ҳам бор. Шунга кўра бу китоб воситасида ёзувчи босиб ўтган йўлнинг кўп хусусиятларини, қувончли онлари-ю, айрим муаммоларини кузатиш мумкин. Таниқли адибимиз Раҳмат Файзий икки жилдликка ёзган сўзбошисида китобхонларни Мумтоз Муҳамедовнинг таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти билан қисқача таништириб ўтади ҳамда адибга нисбатан ҳурмату эҳтиромини ўқувчига ҳам сингдиришга муваффақ бўлади.

Икки жилдликнинг қурилиши ва у адиб ижодини қай даражада қамраб олганлиги ҳақида гап кетганда, аввало, шуни айтиш зарурки, бу китобларда Мумтоз Муҳамедов фаолиятининг бир қирраси, яъни драматургия соҳасидаги изланишлари бутунлай эътибордан четда қолдирилган.

Агар муаллифнинг 1929 йил ЎзССР халқ артисти Бобо Хўжаев томонидан саҳналаштирилиб, Тошкент Эски шаҳар «Муслмон бинокор усталари жаҳияти» клубида намойиш этилган халқаро мавзудаги «Бизда ва уларда», 1931 йили ЎзССР халқ артисти Сайфи Олимов Ишчи ёшлар Давлат театрида қўйган таълим-тарбия мавзудида ёзилган «Биринчи гудок», 1935 йили Ёш томошабинлар театрида ЎзССР халқ артисти Жавод Обидов саҳналаштирган «Ўрмон ва қоллон», шунингдек, «Замона хотини» сингари пьесаларидан ақалли биронтаси икки жилдликка киритилганда ҳам, адиб ижоди ҳақидаги тасаввуримиз тўлиқроқ ва мукамалроқ бўлур эди.

Шунга қарамай, мазкур икки жилдлик Мумтоз Муҳамедов ижодининг кўп жиҳатлари, қирралари ҳақида муайян тасаввур беради. Жумладан, икки жилдликдаги хотиралардан биз Мумтоз Муҳамедовнинг Абдулла Қодирий, Ойбек, Зиё Саид, Ғафур Ғулом ва Мақсуд Шайхзода сингари ҳас-

сос санъаткорлар билан кўп суҳбатда бўлганини, улар билан ҳамкорлик қилганлигини ҳамда таъсирланганлигини англаб оламиз. Бу ёзувчилар ҳақидаги хотиралар икки жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Биринчидан мазкур хотиралар юқорида санаб ўтилган адибларнинг ижодий қиёфасига хос айрим белгиларни кўз олдимишга келтиришга ёрдам беради. Иккинчидан, эса, улар Мумтоз Муҳамедовнинг устозлардан қандай таъсирланганлигини ва шунинг натижасида қандай ўзгаришлар содир бўлганлигини пайқаб олишга имкон туғдиради. Шунга кўра, Ойбек ҳақидаги «Қалб меҳри» деб номланган хотира, аynиқса, диққатга сазовор. Мазкур хотирадан биз Ойбек ижодининг икки муҳим эстетик принциплари яққол англаб оламиз. Аён бўлишича, «Маориф ва ўқитғувчи» журналида Мумтоз Муҳамедовнинг «Гулсара» деган шеъри босилган ва Ойбек ундаги қуйидаги мисраларга эътибор қилган:

Гулсарам, гўзлари қоп-қора гўздир,
Ҳар замон гўржорим табассум

дярим...

Ойбек шу мисраларни ўқий туриб, бадий асар тили юзасидан ўзининг ниҳоятда ибратли қуйидаги эстетик принциплари баён қилган: «Қалай билан жезнинг ўртасидаги буқалама бир гап бўлибди! Озор шеvasида шеър ёзиш яхши лекин... шу тилни мукамал билмай туриб бадий нарса ёзиш, бу жуда мушқил иш!» (1-жилд, 238-бет).

Мазкур хотирадан Ойбекнинг бадий асарда инсон психологиясини қандай тасвирлаш ҳақидаги эстетик принциплари ҳам равшан намойён бўлади. Чунончи, концертда Гулсара деган қизнинг ашула айтиб, рақс тушганини кўра туриб, Ойбек бу хусусда шундай дейди: «Қўшиқни эшитдингизми! Бу муосир ўлкамиздаги шарқ аёлларининг нидоси!.. Сиз эса ўз шеърингизда Гулсараларнинг қоп-қора кўзларини ва илиқ табассум зангуларини кўриб таъриф ва тавсиф этибсиз. Ҳолбуки, шоирнинг вазифаси қаламга олган кишининг қора-оқлигини ўхшатиш билангина чегараланмайди. Мана, ҳозирги эшитган қўшигимиз одамларнинг икки дунёсини очибилишдан келиб чиқиши керак!» (1-жилд, 239-бет).

Хотира муаллифига нисбатан танқидий оҳангда айтилган шундай сўзлар билан танишар эканмиз; Ойбек бадий ижодидаги дастлабки қадамлариданоқ қимматли эстетик принциплар билан қуролланганини англаймиз. Мана шу ва бошқа хотиралар Мумтоз Муҳамедовнинг мазкур жанр намуналарида ҳам бўлар-бўлмас гапларни айтавермасдан, устозлар ҳақидаги жиддий фикрларни, қимматли эсдаликларини жонлантиришга интилганлигидан далолат беради. Унинг хотирларида кўп-лаб атоқли ёзувчиларимизнинг улуғвор инсоний фазилатлари, гўзал хислатлари, ижодий жасоратлари жонланади. Хусусан, улар туфайли китобхон Фафур Фуломнинг кишиларга ғамхўрлигини, Мақсуд Шайхзода-нинг самимийлигини, Султон Жўра ва Фулом Фафуровларнинг қаҳрамонликка тўла сўнги дамларини, Мирзакалон Исмоилийнинг жанг майдонларидаги жасурликларини кўз олдига келтиради. Бундан ташқари ўқувчи мазкур фазилатлар катта ҳаёт йўли давомида Мумтоз Муҳамедовнинг ўз шахсига сингиб борганлигини ҳам сезади.

Мумтоз Муҳамедовнинг мазкур асарлар тўплами унинг ижод йўли теп-текис ва сип-силқиб бўлмаганлигидан, бу йўлда ёзувчи кўп қийинчиликлар-у машаққатларга ҳам учраганлигидан гувоҳлик беради. Бундай хулоса чиқаришга муаллифнинг тўпلامга кирган шеърлари кўпроқ асос бўлади. Мазкур шеърларнинг кўпчилиги, асосан, шоирнинг машқлари бўлиб, унинг бу соҳада анча изланишлари бошидан кечирганлигини исботлайди. Шу билан бирга бу шеърлар муаллифнинг изланишдан чарчамаганлигини тасдиқлайди.

Тўпلامдаги айрим шеърлар унинг лирика воситасида замон руҳини ҳозиржавоблик билан ифодалашга уринганлигини, баъзан муваффақиятли образлар ҳам топганлигини кўрсатади.

Мазкур сайланма асарлар Мумтоз Муҳамедовнинг ўз ижодида қайси ҳаётий проблемаларга кўпроқ эътибор берганлигини, яъни асарларининг мавзу доирасини, етакчи ғоявий-тематик йўналишини англаб олиш имконини беради. Тўпلامдан биз ёзувчи ижодида фашизмга қарши курашдаги халқимиз қаҳрамонлиги ва уруш оқибатларини тугатишдаги фидойчилиги асосий мавзу эканлигига амин бўламиз. Тўпلامдаги бир гуруҳ очерклар, «Лочинлар қиссаси», «Юлдузлар хиёбони» қиссалари ва «Жанггоҳ» романи буни яққол кўрсатади. Чунончи, «Лочинлар қиссаси» ва «Жанггоҳ» асарларида кўз ўнгимизда Улуғ Ватан урушининг кўп-лаб даҳшатли манзаралари, фашизмга қарши курашдаги ўзбек кишиларининг мардлиги, жасорати ғалабамизни ғаминлаган омилардан бири бўлган совет халқлари дўстлигининг ҳаяжонли лавҳалари намоён бўлади. «Юлдузлар хиёбони» қиссасида эса, урушдан кейинги тикланиш йилларининг қийинчиликлари ва уларни бартараф этишдаги кишиларимиз меҳнати, жасорати ҳамда ахлоқидagi ўзгаришлар юзага чиқади. Шу билан бирга мазкур асарлар муҳим масалаларни талқин этишда ёзувчи ижодидаги заифликларнинг ва адабиётимиз тараққиётида бир вақтлар мавжуд бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг излари

қолганлигини ҳам кўрсатади. Хусусан, уларнинг деярли барчасида композицион тарқоқлик, бадий далиллашнинг заифлиги, қаҳрамонлар психологизмининг саёзлиги, услубининг бирмунча сайқал топмаганлиги сезилади. «Юлдузлар хиёбони» қиссасида эса, булардан ташқари, қаламга олинган ҳаётий зиддиятларнинг бир мунча юзакилиги, айрим қарама-қаршиликлар асар бошида анча ўткир қўйилса-да, кейин сусая бориши, уларнинг ечими баъзан ғайритабиий ва жўн бўлиб қолганлиги сезилади. Хусусан, асардаги бош қаҳрамон Ҳакимжон билан Булутбой орасидаги зидликлар, Булутбойнинг Зухра опага қарши ҳаракатлари, очикдан-очик зарарли ишлар қилиши ва осонгина енгилиши фикримизнинг далили бўла олади. Демак, «Юлдузлар хиёбони» қиссасида конфликтсизлик «назария»сининг излари қолганлиги яққол кўринади.

Тўпلامдаги асарлар Мумтоз Муҳамедовнинг фақат ўз ижодидаги бош мавзу билангина чекланиб қолмасдан, даврнинг, ҳаётнинг бошқа кўп масалаларига, муаммоларига ҳам эътибор берганлигини кўрсатади. Жумладан, унинг ҳикоя ва очеркларида кишиларимизнинг меҳнатдаги, чўлларни ўзлаштиришдаги қаҳрамонликлари, янги ахлоқий муносабатлари улуғланса, ҳажвияларида турмушдаги айрим иллатлар фож этилади. Хусусан, «Жиззах саховати», «Аҳди борнинг бахти бор» сингари асарларида икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носировнинг колхозчилик ҳаракатидаги улуғвор роли фактлар асосида кўрсатилса, «Гавҳар», «Тасодиф» ҳикояларида оилавий, ахлоқий муносабатларнинг янги қирралари енгий юмор воситасида рўёбга чиқарилади. «Кўча хандон», «Хирмонда ҳозир...», «Таъмагир», «Мулзам» сингари асарларда эса, ҳаётдаги кўзбўямачилик, лаганбардорлик, мунофиқлик, порахўрлик, ичкиликбозлик иллатлари сатира воситалари ёрдамида кулги остига олинади. Демак, юқоридаги каби асарлар фақат ёзувчи ижодининг мавзулар кўламинигина эмас, балки услубининг ўзига хослигини, рангбаранг қирраларини ўрганишга ҳам йўл очади.

Ниҳоят, икки жилдлик маълум даражада ёзувчининг ижод лабораториясига киришга, унинг айрим сирларини, жараёнларини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Бунинг сабаби, шундаки, Мумтоз Муҳамедовнинг илгарилари нашр этилган кўп-лаб асарлари бу тўпلامга анчагина қайта ишланиб, мукаммаллаштириб киритилган. Жумладан, ёзувчининг авваллари «Қаҳрамон изидан» деб аталиб келинган асари тўпلامга «Лочинлар қиссаси» номи остида берилган. Унинг илгари «Кичик гарнизон» номи билан танилган повести эса, икки жилдликдан «Жанггоҳ» сарлавҳаси остида романга айлантирилган ҳолда жой олган. Агар мана шу романи «Кичик гарнизон» повести билан солиштирсак, ёзувчининг асар устида жиддий меҳнат қилгани аён бўлади. «Жанггоҳ» романида айрим қаҳрамонларнинг исмлари, хатти-ҳаракатлари, нутқлари кўп жиҳатдан ўзгартirilганлигидан ташқари анчагина янги боблар, воқеалар, персонажлар учрайди ва улар аксериат ҳолларда муаллифнинг мақсадида

хизмат қилади. Масалан, повестдагидан фарқли ҳолда романнинг бошида асар қаҳрамони Султоналининг фашистлар қўлида қийналиши воқеаси берилади ва бу эпизод китобхонда сюжетнинг кейинги оқимига қизиқиш уйғотади ҳамда тасвирига таъсирчанлик бахш этади. Худди шундай мақсадга хизмат қиладиган воқеалар романда яна анчагина бўлиб, улар асар сюжетининг повестдагига нисбатан бирмунча мукаммаллаштирилганидан далолат беради. Ўз навбатида бу ҳол ёзувчининг ижодий меҳнатидан қониқмаётганлигини, бадий юксаклик йўлида тинимсиз заҳмат чекаётганлигини ва муваффақиятларга эришаётганлигини ҳам исботлайди. Шу билан бирга бу ҳол бадий ижодда чинакам кашфиётларга эришиш ниҳоятда қийинлигини ҳам тасдиқлайди, чунки «Жанггоҳ» романи «Кичик гарнизон» повестига нисбатан анча мукаммаллашган бўлса-да, ҳали ҳам унда композицион парокандалик, ортикча воқеалар, ўринсиз тафсилотлар ва ҳатто ноқерак персонажлар бор. Чунончи, ўрмончилик бўйича мутахассис бўлган Султоналининг ёзувчилик билан шуғулланиш тафсилотлари, Галянинг душман қўлида қолиб кетиши, Тамаранинг фашистлар қўмондонини операция қилиши эпизодлари, Норчучук, Мирдадаев, Мадаминов ва Ханжар сингари персонажлар ҳамда улар билан боғлиқ кўп воқеалар асарда деярли бутунлай ортикча бўлиб кўринади.

Булардан қатъи назар «Жанггоҳ» романининг «Кичик гарнизон» повестига нисбатан анча мукаммал чиққанлиги муаллифнинг тиним билмас заҳматкашлигини, меҳ-

натсеварлигини, бадий ижодга фидойилигини ва садоқатини яққол исботлайди. Ёзувчининг бу фазилатларига суюнган ҳолда бир тилак билдиришни истардик. Мумтоз Муҳамедов 30-йилларда ўша даврнинг актуал жабҳаси, адабиётнинг бош мавзуи колхоз ҳаётидан олиб «Чаман» номли роман ёзган ва у асар ёзувчи Абдулла Қодирий тахририда нашрга тайёрланган ҳамда ўнтача боби «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1937) журналида эълон қилинган. Афсуски, ҳозирга қадар роман тўлиқ ҳолда нашр этилгани йўқ. Шунга кўра, меҳнатсевар ёзувчимиз Мумтоз Муҳамедов ўша романига қайта қўл урса ва мукаммаллаштириб нашр эттирса, балки адиб ижоди бир яхши асар билан бойирди.

Айтганларимиздан аён бўладикки, Мумтоз Муҳамедовнинг икки жилдлик асарлар тўплами нашр этилиши ёзувчи ижоди ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, адабиёт майдонидаги йўлининг хусусиятларини, ижодий лабораториясининг, меҳнатининг айрим қирраларини, услубининг ўзига хос томонларини англаб олишимизга йўл очади. Ниҳоят, ёзувчининг 70 йиллиги юбилейи муносабати билан нашр этилган бу икки жилдлик адибнинг бутун онгли умрини заҳмат тўла меҳнатга сўз санъатига бағишланганлигини, бизнинг мамлакатимизда ёзувчи фаолиятининг, бадий ижоднинг қиймати ва қадри ғоятда баланд эканлигини яна бир қарра яққол исботлайди.

Санжар СОДИҚ,
филология фанлари кандидати.

ҚИММАТЛИ АСАР

КОНОНОВ А. Н. Грамматика языка тюркских рунических памятников VII—IX в. Издательство «Наука», Ленинградское отделение, 1980.

Туркий халқларнинг ўтмишда яратилган маданий ёдгорликлари ҳар хил ёзувларда битилган бўлиб, булардан қадимгиси **рун ёзувидаги обидалар**.

Рун ёзувидаги қадимги туркий обидаларнинг дастлабки намуналари ва кўпчилиги Енисей ва Ўрхун дарёлари соҳилларидан топилганлиги учун улар Енисей ёдгорликлари ва Ўрхун ёдгорликлари деб аталади. Улар кўпинча умумий ном билан **Ўрхун — Енисей ёдгорликлари** деб юритилади. Туркшунослик илмида бу манбалар «рун ёзувидаги туркий ёдгорликлар», «қадимги туркий ёдгорликлар», «Мўғулистондаги қадимги туркий ёдгорликлар», «Қадимги ўғуз тили ёдгорликлари», «Ўрхун — турк тили ёдгорликлари», «кўк турк тили ёдгорликлари» каби номлар билан ҳам аталади. Ушбу манбаларни номлашда бундай ҳар хилликлар юзага келишининг сабаби тадқиқотчиларнинг ҳар хил мезонларга асосланишидир: баъзилар бу манбалар топилган жой номларини, баъзилар уларнинг тил ху-

сусиятларини, бошқалар ёзув тартибини асос қилиб олганлар.

Рун ёзувидаги қадимги туркий обидаларнинг йириклари ва муҳимлари Ўрхун ёдгорликлари номи билан аталувчи матнлар бўлиб, булар шимолий Мўғулистон территориясидан — Ўрхун, Селенга, Унген дарёлари соҳиллари ва уларга туташ жойлардан топилган. Булар VII аср охири ва VIII асрнинг биринчи ярмига оид бўлиб, турк ҳоқонлари, давлат арбоблари, ҳарбий саркардаларнинг қабрига ўрнатилган тошларга ўйиб ёзилган обидалардир.

Ўрхун ёдгорликларида турк ҳоқонлиги территориясида яшаган халқлар ва қабила-ларнинг ҳаёти, тарихий қисмати, ёдгорлик қўйилган шахснинг мамлакатни мустақамлаш ва ички душманларга қарши курашлардаги хизматлари, ташқи душманлар билан бўлган жанглардаги қаҳрамонликлари, ўша даврдаги муҳим тарихий воқеалар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Енисей ёдгорликлари номи билан аталувчи рун ёзувидаги қадимги туркий ёдгорликлар асосан Енисей дарёсининг юқори оқимидаги жойлардан — Тува

АССР, Хакас автоном области, Красноярск областининг Минусинск районидан топилган. Булар нисбатан кичик матнлар бўлиб, (жами юздан ортиқ) қабр тошларига, қоя тошларга, олтин ва кумуш идишларга, тангаларга, ҳар хил металл ва сопол буюмларга битилган ёзувлардир.

Енисей ёдгорликларининг яратилган даври маълум эмас. У ҳақда тадқиқотчилар томонидан ҳар хил фикрлар айтилган. Баъзиларнинг тахмин қилишича, булар Урхун ёдгорликларидан олдин, яъни V—VI асрларда яратилган. Баъзиларнинг фикрича, Енисей ёдгорликларининг дастлабкилари VII аср охири ва VIII аср бошларига оид, яъни булар Урхун ёдгорликлари билан деярли бир вақтда яратилган. Кейинги вақтларда бир қатор тадқиқотчилар рун ёзувидаги туркий обидаларнинг ёзув ва имло хусусиятларини қиёсий ўрганиш асосида Енисей ёдгорликларининг яратилган даври IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрга тўғри келади, деган хулосага келганлар.

Урхун-Енисей ёдгорликларининг ҳозирги туркий халқлар ва тилларга муносабати масаласида ҳам ҳар хил қарашлар бор. Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи Урхун ёдгорликлари, қадимги ўғузлар, яъни ўғуз гуруҳидаги туркий халқларнинг аجدодлари томонидан яратилган десалар, бошқалари бу обидалар ҳозирги туркий халқларнинг ҳаммаси учун муштаракдир, деган фикрни айтадилар. Енисей ёдгорликларини баъзилар қадимги қирғизларга мансуб десалар, баъзилар хакас зодагонлари шарафига қўйилган ёдгорликлар деб ҳисоблайдилар.

Ёзув, имло, грамматик ва лексик жиҳатдан Урхун ва Енисей ёзувлари ўртасида маълум фарқлар бор. Бу ҳол тадқиқотчилар томонидан аниқланган ва қайд қилинган.

Урхун-Енисей ёдгорликлари сирасидаги туркий ёзувлар Шарқий Туркистон, Урта Осиё, Шимолий Кавказ, Венгриядан ҳам топилган.

Шарқий Туркистондан топилган, ёзувларнинг бир қисми Турфондаги¹ қадимий биноларнинг деворларига, бошқалари қоғозга битилган бўлиб, булар, тадқиқотчиларнинг фикрича, IX—X асрларга оид. Қоғоздаги битикларнинг энг каттаси «Ирқ битиг» («Таббирнома») деб аталиб (ҳажми юз саҳифага яқин), бунда турмушнинг турли-туман лавҳалари тасвирланади, таъбир қилинади. Яхшилик, эзгулик, тўғрилик, ҳалоллик, ҳаққонийлик ҳақида гапирилади.

Урта Осиёга оид ёзувларнинг асосий қисми Қирғизистоннинг Талас водийсидан топилган бўлиб, булар, одатда, Талас ёдгорликлари деб аталади. Шу жойлардан арча ёғочига битилган ёзувлар ҳам топилган. Талас ёдгорликлари, тадқиқотчиларнинг қайд қилишларича, ёзуви ва тил хусусиятларига кўра Енисей ёдгорликларига ўхшайди. Рун ёзувидаги туркий ёдгорликлар Урта Осиёнинг Фарғона водийсидан (асосан Қува районидан) ҳам топилган бўлиб, булар сопол идишлар ва металл буюмларга битилган кичик-кичик ёзувлардан иборат.

Шимолий Кавказ ва Венгриядан топилган туркий рун ёзувлари ҳар хил идиш ва буюмларга битилган сўзлар ёки сўз бирикмаларидан иборат. Бундай кичик ҳажмдаги ёзувлар Олтой ўлкаси, Лена дарёси соҳиллари ва Байкал кўли қирғоқларидан ҳам топилган. Урхун-Енисей ёдгорликлари туркий халқларнинг қадимги тил ва адабиёти, тарихи ва этнографиясини ўрганиши соҳасида қимматли манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам булар кўндан бери олимлар диққатини жалб қилиб келмоқда ва атрофлича ўрганилмоқда.

Рун ёзувидаги қадимги туркий ёдгорликлар XVII аср охиридан фан оламига маълум бўла бошлади. Жанубий Сибирда тошларга битилган қандайдир номаълум ёзувлар борлиги ҳақида шу давр ўлкашунослари Н. К. Видзен ва С. У. Ремезов асарларида хабар берилган эди. XVIII аср бошларига келиб бу ҳақда аниқ маълумотлар пайдо бўлди. Бу даврда Сибирь халқларининг тили, тарихи, этнографияси ва Сибирь географиясини ўрганивчи ўлкашунос Ф. И. Страленберг шу жойлардаги тошларга битилган ёзувлар билан танишди. Сўнг бу ёзувлардан бир нечаси унинг «Европа ва Осиёнинг шимолий ва шарқий қисмлари» (Стокгольм 1730) номи асарида нашр қилинди. Ушбу ёзувлар билан 1720—1727 йиллардаги Сибирь экспедицияси даврида ўлкашунос Д. Г. Миссершидт ҳам танишган. Унинг кундаликларидан тошдаги ёзувлардан бир нечасининг сурати (тасвири) келтирилган. Бу ёзувлардан бир нечаси 1793 йилда ўлкашунос ва табиатшунос П. С. Паллас томонидан ҳам нашр қилинди.

Сибирдаги тошларга битилган ёзувларни тўплаш ва нашр қилиш ишида Россия Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Г. И. Спасскийнинг хизмати катта бўлди. Унинг 1818—1819 йилларда «Сибирский вестник» журналида эълон қилинган «Древности Сибири» асарида тошлардаги ёзувлар ҳақида кенг маълумот берилган ва булардан ўша даврда маълум бўлганларининг тўла мундарижаси келтирилган. Асар 1822 йилда «Сибирь ёзувлари» номи билан алоҳида китобча шаклида лотин тилида ҳам нашр қилинди. Г. И. Спасский асарининг лотинча наشري орқали тошлардаги Сибирь ёзувлари дунёга маълум бўлди ва олимлар ўртасида бу ёзувларга катта қизиқиш туғилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, 80-йилларда Енисей дарёсининг юқори оқими ва бунга туташ жойлардан кўплаб янги материаллар топилди ва нашр қилинди. Лекин бу ёзувларни анча пайтгача ҳеч ким ўқиёлмади, уларнинг тарихи, қайси халққа тегишли эканлиги ҳақида ҳар хил тахминлар айтилди.

Бу муаммони биринчи бўлиб даниялик олим, профессор В. Томсен ҳал қилди. У 1893 йилнинг 5 декабрида Дания Фанлар академиясининг мажлисида Урхун-Енисей ёзувларидаги ҳарфларнинг деярли ҳаммасини аниқлагани ва бу ёзувларни ўқишга йўл топгани ҳақида ахборот берди. Шундан бошлаб Урхун-Енисей ёзувларининг «сири» очилди, булар туркий халқларга тегишлилиги, уларнинг қадимги маданий ёдгорликлари эканлиги аниқ бўлди.

Урхун-Енисей ёзувларини ўқиш иши билан (В. Томсен билан бир вақтда) рус

¹ Шарқий Туркистондаги шаҳар.

туркшуноси академик В. В. Радлов ҳам шуғулланди. Бу вақтда у ёзувлардаги 15 та ҳарфни аниқлаган эди. Ушбу ёзувларни ўқишдаги В. Томсеннинг кашфиёти ва ўзининг тажрибасига асосланиб В. В. Радлов «Унгин», «Култегин» ва бошқа бир қатор ёдгорликларни таржима қилди. Бу таржималар тегишли изоҳлар билан 1894—1895 йилларда «Мўғулистондаги қадимий туркий ёзувлар» туркумида эълон қилинди. В. В. Радловнинг 1897 йилда шу ном билан нашр қилинган асарига бир қатор ёдгорликларнинг транскрипцион тексти ва таржимасидан ташқари Урхун-Енисей ёдгорликлари тилининг фонетикаси, морфологияси, синтаксиси ва луғати берилган бўлиб, бу асар ушбу ёдгорликларнинг тил хусусиятларини ўрганишда дастлабки қадам бўлди.

XIX аср охирлари ва XX аср биринчи ярми давомида Урхун-Енисей ёдгорликларини ўрганиш ва нашр қилиш соҳасида қатор рус, совет ва чет эл туркшунослари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Айниқса, 1950 йилларда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Е. Маловнинг қуйидаги учта йирик асари нашр қилиниши муҳим воқеа бўлди: «Памятник древнетюркской письменности», («Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари», 1951), «Енисейская письменность тюрков» («Туркларнинг Енисей ёзувлари», 1952), «Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии» («Мўғулистон ва Қирғизистондаги қадимги туркий ёзув ёдгорликлари», 1959), С. Е. Маловнинг ушбу асарлари Урхун-Енисей ёдгорликларининг XX аср ўрталарига қадар ўрганилишига яқун ясади, бу манбаларни бундан кейин кенг миқёсда тадқиқ қилинишига асос солди.

Кейинги вақтларда Урхун-Енисей ёдгорликларига ва уларни ўрганишга Ўзбекистонда ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. 1981 йил апрель ойида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг ташаббуси билан «Республикада рун ёзувидаги қадимги туркий ёдгорликларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш» мавзuida ўтказилган илмий кенгаш бунинг далилидир.

Урхун-Енисей ёдгорликлари билан қизиқиш тобора ортиб, улар ҳақидаги тадқиқотларнинг кўлами кенгайиб бормоқда, бу соҳада янги-янги мукамал асарлар яратилмоқда. Шулардан бири академик А. Н. Кононовнинг «Наука» нашриёти чоп қилган китобидир. Ушбу китобнинг мундарижаси сўзбоши, асосий қисм ва илова-лардан иборат бўлиб, асосий қисм ўн бир бобни ўз ичига олади. Сўзбошида рун ёзувидаги қадимги туркий ёдгорликлар ва уларнинг туркий халқларнинг тили ва маданияти тарихини ўрганишдаги аҳамияти, ушбу китобнинг мақсад ва вазифалари, тузилиш қоидалари ҳақида гапирилган.

Китобнинг дастлабки тўрт бобида Урхун-Енисей ёдгорликлари ҳақида умумий маълумотлар берилган. Биринчи бобда рун ёзувидаги қадимий туркий ёдгорликларнинг кашф қилиниши, ўқилиши ва ўрганилиш тарихи ҳақида фикр юритилган. Иккинчи бобда дастлаб Урхун гуруҳига кирувчи йирик ёдгорликларнинг ҳар

бири ҳақида алоҳида тўхталинган, сўнг рун ёзувидаги қадимги туркий ёдгорликларнинг бошқа гуруҳлари тўғрисида маълумот келтирилган. Учинчи бобда рун ёзувидаги қадимги туркий ёдгорликларнинг тарихий-сиёсий (этниқ) ҳамда жанрлар бўйича бўлиниши борасида, тўртинчи бобда эса туркий рун алифбосининг келиб чиқиш тарихи хусусида гап боради.

Бешинчи бобда қадимги туркий ёдгорликлар тилининг хусусиятлари ва шеваларининг асослари масаласига тўхталиб, муаллиф дастлаб В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, А. Н. Самойлович, С. Е. Малов, Н. А. Баскаков, И. А. Габен, А. Габен, О. Прицак, Д. Синаор, Т. Текин ва бошқа туркшуносларнинг ушбу ёдгорликлар ҳақидаги фикрлари ва таснифи тўғрисида фикр билдирган ҳамда ўз қарашларини баён қилган. А. Н. Кононовнинг фикрича, рун ёзувидаги қадимги туркий ёдгорликлар тилининг шаклланишида ўғуз ва уйғур тиллари иштирок этган бўлиб, фонетик-грамматик жиҳатдан қадимги ўғуз тили асос бўлган.

Маълумки, кўпгина қўшимчалар қадимги ва ҳозирги туркий тилларнинг бир группасида тор унли билан, бошқаларида кенг унли билан келади: алыр — ым — алыр — ам, алмыш — ым — алмыш — ам, бар — дым — бар — дам, шаҳар — дын — шаҳар — дан, қумм-ық, қум — лақ, бар — ып — бар — ап каби. А. Н. Кононовнинг фикрича, туркий тилларни тарихий жиҳатдан тасниф қилишда бу ҳол асосий белгилардан бири сифатида қаралиши керак. Муаллифнинг бу мулоҳазаси алоҳида диққатга сазовор ва туркий тиллар таснифини янада мукамаллаштиришда ижобий натижалар бериши шубҳасиз.

Олтинчи бобда Урхун-Енисей ёдгорликлари ҳақидаги адабиётларга обзор берилган. Рун ёзувидаги қадимги туркий ёдгорликларнинг номланиши ва бу соҳадаги ҳар хилликлар ҳақида тўхталиб, А. Н. Кононов ушбу манбаларни «тюркские рунические памятники» (туркий рун ёдгорликлари) деб номлашни маъқул топади. Бунда муаллиф рун ёзувидаги қадимги туркий ёдгорликлар фонетик-грамматик қурилиши жиҳатидан маълум даражада умумийликни ташкил этади, деган фикрга асосланган.

Китобнинг бу бобида турк атамасининг тарихи, маъноси, унинг сиёсий-ижтимоий термин сифатида шаклланиш бошқичлари тўғрисида ҳам махсус тўхталинган, бу ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар таҳлил қилинган.

Китобнинг кейинги VII—XI боблари Урхун-Енисей ёдгорликлари тилининг таҳлиliga бағишланган.

Сўз ясалиши масаласига бағишланган тўққизинчи боб китобнинг ҳажм жиҳатдан энг катта бўлимларидан бирини ташкил этади. Бу ерда от, сифат, сон, феъл ва равиш туркумлари бўйича сўз ясалиш усуллари ва воситаларининг ҳар бири алоҳида бўлимларда қиёсий йўсинда таҳлил қилинган.

«Морфология» деб номланган ўнинчи бобда мустақил сўз туркумларининг ҳар бирига оид грамматик категориялар ва уларни ифodalовчи тил воситалари, ёрдамчи сўз туркумлари ва уларнинг кўри-

нишлари, қўлланиши ва вазибалари қиёсий тарзда текширилган. Бу ерда ҳам кўрилатган ҳар бир масала фактик материалларнинг чуқур қиёсий таҳлили асосида ёритилган.

Тадқиқотнинг охириги — ўн биринчи боби гап қурилишига бағишланган бўлиб, Ўрхун-Енисей ёдгорликлари тилидаги сўз бирикмалари, уларнинг турлари ва кўринишлари, содда гаплар, уларнинг қурилмаси ва маъносига кўра турлари, қўшма гаплар, уларнинг турлари ва кўринишлари, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар каби масалалар анча кенг планда қаралган. Маълумки, туркий тилларнинг тарихий синтаксиси ҳозиргача кам ўрганилган соҳа бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан ҳам китобнинг бу боби алоҳида қимматга эга.

Китобнинг мундарижасидан кўриниб туридики, А. Н. Кононовнинг ушбу асарида Ўрхун-Енисей ёдгорликларининг тил хусусиятлари қиёсан тўла ва атрофлича таҳлил қилинган, текширилаётган манбалар ва уларнинг ўрганилиш тарихи ҳақида кенг маълумот берилган. Тадқиқот жараёнида қатор сўз ва терминларнинг ўқилиши, ёзилиши ва таржимаси бўйича муҳим тузатишлар ва аниқликлар киритиб борилган, кўпгаб сўзлар ва қўшимчаларга чуқур ва илмий этимологик таърифлар берилган. Қисқаси, ушбу китобдан ўқувчи Ўрхун-Енисей ёдгорликлари ва уларнинг тил хусусиятлари ҳақида кенг маълумот олади. Шунингдек, китобда аниқлик киритилиши лозим бўлган ўринлар ҳам бор.

Жумладан феълнинг вазифа шакллари ни ташкил этувчи сифатдош ва равишдошлар одатда шакл ясалиши сифатида қаралади. Мазкур асарда эса булар «феъл ясалиши» бўлимида берилган. Лекин бунинг сабаби тушунтирилмаган. Шунингдек, саноқ сонлар ҳам, нима учундир, «сўз ясалиши» бўлимида келтирилган, -ғалыр-галыр қўшимчаси ёрдамида ҳосил бўлувчи

барғалыр, келгалыр типидagi ва бошқа бир қатор сифатдош шаклларнинг «от ясалиши» бўлимида берилиши ҳам изоҳ талаб қилади.

-сар қўшимчаси ёрдамида ҳосил бўлувчи барсар, келсар («борса, «келса» маъносида) кўринишидаги шакл Ўрхун-Енисей ёдгорликларида ҳам, бошқа манбаларда ҳам асосан шарт феъли маъносида қўлланган. Шунинг учун ҳам кўпчилик тадқиқотчилар бу шаклни шарт майлининг кўрсаткичи сифатида қарайдилар. А. Н. Кононовнинг китобида эса бу сифатдош ва равишдош шакли тарзда қаралган.

Муаллифнинг кўрсатишича, Енисей ёдгорликлари тилида -а, -й ёрдамида ҳосил бўлувчи ҳозирги-келаси замон шакли ҳам истеъмолда бўлган. Лекин бунга асосли далиллар, ишонarli мисоллар йўқ. Китобда келтирилган мисолларнинг биринчисидаги йита сўзини кўпчилик тадқиқотчилар ундов сўз сифатида қарайдилар, кейинги мисолдаги адырылмай эса равишдош шаклидир.

Китобда англиз, немис, француз, усмонли турк тилларида нашр қилинган асарлардан келтирилган кўчирмалар рус тилига таржима қилинмасдан ўз ҳолича берилган. Бу ҳол китобдан фойдаланиши маълум даражада қийинлаштиради.

Тадқиқотда бу хилдаги мулоҳазаталаб ўринлар кўп эмас, албатта. Шунингдек, лозимки, академик А. Н. Кононовнинг ушбу китоби Ўрхун-Енисей ёдгорликлари ва уларнинг тил хусусиятлари ҳақида мукаммал маълумот берувчи қимматли асардир. Бу асар ҳам муаллифнинг бошқа асарлари каби таҳлилнинг чуқурлиги ва изчиллиги, фактларнинг аниқлиги, илмий жиҳатдан пухталиги билан ажралиб туради.

Шамсуддин ШУКУРОВ,
филология фанлари доктори.

БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

Ўзбек совет болалар шеърияти антологияси, Тошкент «Ёш гвардия» нашриёти, 1980.

Ўзбек совет болалар адабиёти Улуғ Октябр революцияси туфайли, янги воқеликнинг маҳсули сифатида пайдо бўлди. Шундан кейинги босиб ўтган йўли давомида у тўла шаклланиб, камолот поғонасига кўтарилди ҳамда ўзбек совет адабиётининг мустақил бир қисми сифатида ўз йўналиши хусусиятларини белгилаб олди. Яқинда нашр этилган «Ўзбек совет болалар шеърияти антологияси»ни ўқиш жараёнида бу фикрга амин бўлиш мумкин. Китобда антология талабига мувофиқ хронологик тартибда шоирлар ҳаёти, ижодига оид қис-

қа маълумот ва асарларидан намуналар берилган.

Тўпلام адабиётшунос Пирмат Шермухамедовнинг мақоласи билан очилади. Мақолада мунаққид болалар шеъриятининг туғилиш, ривожланиш ва шаклланиш даврлари, бу даврларнинг ўзига хос томонлари, болалар шеъриятининг турли авлодига мансуб бўлган, унга сезиларли ҳисса қўшган ва қўшаётган шоирлар ижоди, уларнинг бадий маҳорати ва услуби ҳақида фикр юритади. Шундан сўнг ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамзанинг болалар тўғрисидаги «Ўқи», «Илм иста», «Китоб», «Тўғри сўз бола», «Тошбақа билан чаён» каби масал ва шеърлари берилган. Буларда Ҳамза болаларга илм-маърифатни тар-

ғиб қилади, уларни илм сирларини эгаллашга ва шу йўл билан ҳаётни ўзгартиришга, фаровон, озод турмуш қуришга чақиради. Шуниси характерлики, бу шеърлар болалар руҳияти, ёш хусусиятларига мослаб содда ва ширали тилда ёзилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, йигирманчи йилларда адабиёт майдонига кириб келган ва ўзбек совет адабиётининг йирик намояндаларига айланган Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Шайхзода, Уйғун, Яшин каби ижодкорларнинг ижоди болалар адабиётининг ривожига ҳам катта роль ўйнади. Чунки улар болалар учун ҳам жуда кўплаб асарлар яратиб уларга ўша йиллар руҳини, даврнинг муҳим масалаларини йўғирдилар ҳамда уларни болалар диди ва тушуңчасига мослаб бадий талкин этдилар. Бу хусусият мазкур шоирларнинг «Антология»га киритган шеърларида яққол кўринади. Шуниси муҳимки, улар катталар адабиётида қандай такрорланмас услубга эга бўлсалар болалар шеъриятида ҳам ўзига хос овозлари билан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Масалан, Ғафур Ғулом шеърларида юксак гражданлик, ватанпарварлик туйғулари («Билиб қўйки, сени Ватан кутади», «Авлодлар», «Бари сеники») энгил юмор («Ола бузоқ») билан уйғунлашиб кетади. Ойбекда болаларга хос майин лиризм («Наъматак») барқ уриб туради. Ҳамид Олимжон ёш авлоднинг туганмас шодлик ва бахтини, социалистик Ватан чиройини қайноқ меҳр билан, ҳароратли мисраларда куйласа («Ватан», «Лола», «Ўзбекистон»), Шайхзода болаларни фалсафий мушоҳада юритишга, шеърда тасвир этилаётган образ ва воқеанинг фалсафий моҳиятини англашга ундайди («Ленин номида», «Тошкентнома»). Уйғун Ватан табиатини бола кўзи билан кўриб, қалби билан ҳис этади ва унинг ёрқин қиёфасини чизиб беради («Ғунча», «Сув кучоғида»). Бундай ўзига хослик Миртемир ва Яшиннинг шу сирадаги шеърларида ҳам аён сезилади.

30-йиллар болалар шеъриятининг ривожига алоҳида бир давр бўлди. Бу даврга келиб унинг мавзу доираси кенгайди, илгари кўзга ташланган натуралистик тасвир ўрнини реалистик тасвир эгаллай бошлади. Бунда 30-йилларда юқоридаги улкан адиблар қаторига келиб қўшилган Султон Жўра, Зафар Дийр, Шукур Саъдулла, Қуддус Муҳаммадий, Илём Муслим, Адҳам Раҳмат каби болалар шоирларининг хизматлари катта бўлди. Улар ўз шеърларида социализм ғалабасини таъминлаш учун ҳамма жабҳада тинимсиз иштирок этаётган, қайноқ муҳитдан нафас олаётган ва шу муҳитда шаклланаётган болалар образини яратдилар. Бу образлар учун умумий бўлган хусусият уларнинг юксак романтикага мойиллигида кўринади. Улар ўз турмушдан, бахтидан, Ватан ва партиядан миннатдор, порлоқ истиқбол кайфияти билан яшайдилар, мурғак қалбларида эса яшаш, қуриш, ғаройиб кашфиётлар яратиш ҳисси уфуриб туради. Бу хусусиятни тўпلامдан жой олган Султон Жўранинг «Кимнинг хати чиройли», «Лола» Зафар Дийрнинг «Улуғ устоз», «Ёшлик ғурури», «Яшна Ватан», Шукур Саъдуланинг «Тинчлик қуши ҳақида мен ўқиган шеър», Қуддус

Муҳаммадийнинг «Бизнинг куз», «Кўзимиз қорачғи», Адҳам Раҳматнинг «Қизил байроқча» каби шеърларида кўришимиз мумкин. Бу шоирлар кўпроқ халқ қўшиқ ва термаларининг содда шаклларида, тил бойликлари, тасвирий восита ва жарангдор қофиялаш системасидан ижодий фойдаландилар. Болаларга ёзилган шеър тил, шакл ва бадий жиҳатдан қандай бўлиши кераклигини, умуман болалар шеъриятининг ўзига хос оламини белгилашга интилдилар.

Улуғ Ватан уруши даври болалар шеъриятининг ҳам алоҳида бир даврини ташкил этади. Бу даврга келиб болалар шеъриятининг мавзуи, ғоявий мундарижаси ўзгарди, унда ҳарбий жанговарлик, сафарбарлик пафоси биринчи планга кўтарилди. Шеърларда кичкинтойлар Ватанни, муқаддас она тупроқни жон дилидан севган урушнинг мудҳиш жабрини катталар билан бирга тартаётган ва оқибатда бу ёвуз душманга нисбатан қалбида ғазаб ҳамда нафрат жўш урган ёш қаҳрамон ёки ҳақиқий Ватан мудофаачиси сифатида тасвирланади. Бу фикрлар Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Зафар Дийрнинг «Қурол беринг менга ҳам», «Биз яшамок истаймиз», «Бизнинг оила», Султон Жўранинг «Соғиниб», «Соғинчи салом», Қуддус Муҳаммадийнинг «Ғазаб», «Қизил аскар», Илём Муслимнинг «Ёвни тутдай тўкамиз», Адҳам Раҳматнинг «Шинель», «Оқоп қўшиқлари» каби шеърларига дахлдордир. Лекин «Антология»да юқоридаги шоирларнинг мана шундай шеърларидан намуналар берилмаган. Агар шундай қилинганда тўплам ўқувчида болалар шеъриятининг даврлари ҳақида яхлит бир тасаввур ҳосил қилиб унинг тарбиявий қиммати ошган бўлар эди.

«Антология»да Улуғ Ватан урушидан сўнг болалар адабиётига кириб келган Толиб Йўлдош, Пўлат Мўмин, Қудрат Ҳикмат ижодида берилган намуналар бу даврга келиб болалар шеъриятининг мавзу доираси ва жанр имкониятлари янада кенгайганлигидан далолат беради. Чунки, тинчликни куйлаш, тинчлик учун кураш, Ленин, партия, Ватан, меҳнат, бахтиёр ёшлик бу йиллар шеъриятининг асосий мавзусини ташкил этади. Бу мавзуларни ишлашда уларни болалар қалбига сингдиришда юқорида айтилган шоирларнинг ҳар бири ўзига хос фикрлаш йўлидан борган. Пўлат Мўминнинг лирик қаҳрамончи ғоят хушчақчақ, севинчи оламга сиғмаган бола. Шоир ўз қаҳрамонининг мана шу кайфиятига мос шеърый шакллар толади. Бу борада у кўпроқ халқ поэзиясига, ундаги ўйноқи шакл ва тасвирий воситаларга, жарангдор қофиялаш усулларига мурожаат қилади. Қудрат Ҳикмат эса табиат манзараларини сўз бўёқлари орқали ғоят аниқ ва жонли чизиб беради («Эрталаб», «Баҳор», «Тоғ манзараси») шу орқали у болалар қалбига кириб боради, уларни олам ва табиат сирларини билишга чорлайди.

Бу йиллар шеъриятида яна диққатга молик жиҳатлардан бири унда қўшиқ жанрининг, шунингдек ҳажвийнинг ривожланганлигидир. Бу давр болалар шеъриятининг ривожига адабиётимизнинг ўрта авлодига мансуб Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Мир-

муҳсин, Шухрат, Рамз Бобожон каби адибларнинг ҳам ҳиссаси бекиёсдир. Аслида «катталар»нинг забардаст ёзувчилари бўлган бу адиблар ўз салафлари анъаналарига содиқ қолиб болалар учун ҳам кўплаб етук асарлар яратганлар.

Олтмишинчи ва етмишинчи йилларда болалар шеъриятига янги бир авлод кириб келди. Булар Миразиз Аъзам, Йўлдош Сулаймон, Турсунбой Адашбоев, Сафар Барноев, Рауф Толипов ва бошқалар.

Бугунги болалар учун асар ёзиш, уларнинг ҳаққоний образини яратиш, мураккаб характери ва руҳий оламини очиш ижодкордан катта тағат ва жиддий масъулият талаб қилади. Юқорида номлари қайд этилган шоирлар шеъриятида ҳозирги болаларнинг қайноқ дунёсини бутун мураккаблиги билан ёритишга, уларни қўршаб турган турфа воқеликнинг фалсафий моҳиятини ҳар томонлама кенг ва чуқур бадий акс эттиришга бўлган интилиш яққол сезилади. Агар уларнинг «Антология»дан ўрин олган шеърларини бир нуқтага жамласак, бугунги болалар образининг ранг-баранг қирралари намоён бўлади. Жумладан Йўлдош Сулаймон яратган лирик қаҳрамон бобо ва оталари изидан бориб доврўғ таратиш, иқбол яратиш ва тақдирни ўзгартиришга интилади. Болалар қони билан йўғрилган қизил байроқни «Бахтим, аҳдим, борим» деб қўлда пок сақлашга, довонлардан ошишга, улар ишончини оқлашга сўз беради. Миразиз Аъзам катталар ва болаларнинг хилма-хил характерини «Бир чўнтак ёнғоқ» туркумида ёнғоқлар образи орқали рамзий ҳолатда қизиқарли ва фалсафий йўсинда акс эттиради. Сафар Барноев шеърларидаги болалар эса шу куннинг фарзанди сифатида ер юзи болаларини бирлашишга, қўлни қўлга беришга, тинчлик капталларини учуришга чақиради. Кулги ва ўйинларидан оламу осмоннинг яшнашини, ёмонларнинг афти бужмайишини, шиори уруш, бузиш бўлган ёвузларнинг ранги ўчишини, атомларнинг йўқ бўлишини истайди.

Рауф Толиповнинг лирик қаҳрамони эса анча ўйчан. У атрофдаги воқеалар моҳияти ҳақида, инсон умри яшаш ва курашдан иборат эканлиги ҳусусида чуқур ўйлайди.

Турсунбой Адашбоев шеърлари юқоридагилардан фарқли ўлароқ қувноқ юмор билан суғорилган. Уларда болаларнинг содда ва беғубор қалби, борлиққа ва ҳодисаларга болаларча муносабати шундоқ қина кўриниб туради.

Бундан аёнки, ўзбек болалар шеъриятининг кенжа авлоди бўлган бу шоирларнинг ўзларига хос ижод оламлари бор. Бу ижод оламлари болалар шеъриятининг катта дунёси бағрига сингиб уни бойитиши табиий.

Шуни ҳам айтиш керакки, сўнги йиллар болалар шеъриятининг ривожига Хайридин Салоҳ ўзининг ёшлиқни, Ватан чиройини мадҳ этувчи, романтик ҳиссиётлар оғушида тебранаётган, келажак, яшаш, қуриш ишқи билан ёнаётган ўсмирларнинг жўшқин қалбини, руҳий дунёсини очиб берувчи асарлари, Юсуф Шомансур эса ҳушчақчақлик кулгига йўғрилган қувноқ юмористик шеърлари билан сезиларли из қолдирдилар. «Антология»га мазкур шоирларнинг шу сирадаги асарларидан намуналар киритиб тўғри иш қилинган.

Агар тўпламга ўзбек болалар шеъриятининг илк намояндаларидан бўлган, унинг пойдеворини яратишда озми-кўпми меҳнати синган Абдулла Алвоний, Шокир Сулаймонларнинг асарларидан ҳам намуналар киритилганда китоб янада мукамал бўларди. Шунингдек, айрим шоирларнинг бадий жиҳатдан ғализ, ўхшаш мавзуда ёзилган бир неча шеърларининг киритилганлиги ҳам китобда гоҳо сезилиб қолади. Бу эса ўша асарнинг ўзига хос қиёфаси ва болалар шеъриятидаги ўрнини тасаввур этишимизни қийинлаштиради.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, болалар учун бир ёки иккита шеър ёзгани билан у болалар шоири бўлиб қолмайди. Шундай экан, «Антология»га ҳар бир шоир асарларини киритаётганда масаланинг мана шу томонига ҳам жиддий эътибор бериш керакка ўхшайди. Чунки тўпламдаги баъзи ижодкорлар унга зўрма-зўраки киритилганга ўхшаб қолган.

Бироқ «Антология» шу ҳолида ҳам бугунги болалар шеъриятининг жиддий ютуғидир. Чунки ундан болалар шеъриятининг олтмиш йилдан кўпроқ вақт ичида, унинг турли авлодига мансуб бўлган шоирлар томонидан яратилган шеърлар ва эртақлар ўрин олган. Буларни ўқиб чиқар эканмиз, олдин айтиб ўтганимиздек, кўз олдимизда ўзбек совет болалар шеъриятининг босиб ўтган йўли, юксалиш босқичлари, унинг намояндалари, улар услубининг ўзига хос жилолари каби фазилатлар намоён бўлади. Демак, бу мажмуа ўзбек болалар шеъриятининг жонли тарихидир. Китобнинг қиммати ҳам ана шунда.

Иброҳим АЗИМОВ.

ҲАРАКАТ — САҲНА АСАРИНИНГ ҚАЛБИ

Баҳодир ҒУЛОМОВ. «Сафдошлар ва издошлар». Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1980.

«Ҳаракат — драма, руҳий дард, ташвиш — бу пьесадан кузатилган мақсадни изчил йўналишда, яхлитликда, персонажлар ва воқеаларнинг ўзаро узвий бирлигида драматик теранликда таъсирчан очилишидир. Бошқача айтганда ғоянинг воқеа ва характерлар билан органик бирликда эмоционаллик касб этишидир. Бунда ҳаракат бирлиги ғоя бирлиги тушунчасига сингиб кетади.

Пьеса қаҳрамонларида ички ва ташқи ҳаракат ўзаро уйғунлашиб зўрайиши, таранглашиши билан драматизм палласига ўтади, характерлар драматизмга қанча бойитилиб, қанча чуқур очилса, эмоционаллик шунча ортади. Ҳар бир персонажга даҳлдор драматизми яхлит ёки бош ҳаракат ўзаро бирлаштириб унинг умумий бутун бирлигини таъминлайди. Бош ҳаракат бош мақсаднинг очилиши билан боғлиқ йўналишда акс этиб, аввало бош қаҳрамон фаолиятда, унга қарши турган кучлар туғдирадиган драматик ҳолатларда юзага чиқади.

Ҳаракат манбаи конфликтда, конфликтга киришувчи шахсларнинг ўзаро алоқасида, фаолиятидадир.

Адабиётшунос Баҳодир Ғуломов «Сафдошлар ва издошлар» китобини ана шундай назарий хулосалар билан бошлайди. Икки бобдан иборат бу китобнинг биринчи боби саҳна асарининг қалби бўлмиш ҳаракат масаласига бағишланган ва «Шиддатли ҳаракат» деб номланади. Иккинчи боби «Сафдошлар ва издошлар»да ҳам муаллиф ҳаракат масаласига тез-тез муносабат этиб туради.

Муаллиф тадқиқот мавзуси қилиб драматик ҳаракат масаласини олиши ҳам илмий, ҳам амалий томонидан муҳим. Чунки кўпгина саҳна асарларининг умрибоқий бўлаолмаслигининг асосий сабаби худди шу нуқтага бориб тақалади. Тадқиқотчи ҳаракат масаласини асарнинг бош ғояси билан, пьеса қаҳрамонлари тақдири билан, асар сюжети, ривож, айниқса, конфликт масаласи билан жипс боғлаб талқин қилишга ва шу йўл билан драматурглар маҳоратини очишга ҳамда асарларнинг саҳнада узоқ яшаш сиқларини кўрсатишга интилади. Зотан, қисқа умрли асарларнинг пайдо бўлиши драматурглар маҳорат даражасигагина эмас, драматургия тўғрисидаги фанга ҳам алоқадордир. Баҳодир Ғуломовнинг мазкур китоби драматурглар ва танқидчилар эътиборини мазкур жанрнинг муҳим томонига жалб қилади, уларни ўйлашга ва мулоҳаза юритишга ундайди.

Тўғри, Баҳодир Ғуломов ўз баҳсида А. Анипе, Е. Горбунова, В. Владимиров каби олимларнинг нуқтаи назарлари ва қарашларига суйнади. Лекин асарнинг қиммати ана шу назарий қарашлар билан қуролланган ҳолда ўзбек драматургларининг

ҳаракат проблемасини қандай ҳал қилганлигини конкрет ва ишончли ёритганлиги билан белгиланади.

Мана шу амалий изланишлар ва кузатишлари орқали муаллиф ўзбек драматургиясининг босиб ўтган катта йўлини, ундаги ютуқлар, ҳаётий аънаналар ва камчиликларни илмий жиҳатдан асослаб беради.

Сир эмаски, назарий масалаларни ҳал қилишда етук санъат намуналаригина асос бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра «Сафдошлар ва издошлар»да проблема—драматик ҳаракат, унинг ички ва ташқи кўринишлари ички тарангликда, ташқи шиддатликда кечиши, драматизм ва коллизия ҳолидаги кескинликлар «Гулсара», «Нурхон», «Алишер Навоий» сингари драмалар таҳлили мисолида кўрсатилади. Шунингдек, «Хуррият» (Уйғун), «Замон драмаси», «Юлдузлар жамоли» (Сарвар Азимов), «Самандар», (Асқад Муҳтор), «Инсон фаришта эмас» (Одил Ёқубов), «Хатарли йўл», «Табассум ўғрилари» (Шукрулло), «Чақмоқ», «Жоним фидо» (Иброҳим Раҳим) каби пьесаларда характерларни ҳаракатда очиш борасидаги драматургнинг маҳорати, ижодий эволюцияси текширилади. Мазкур асарлар таҳлили «Сафдошлар ва издошлар»да назарий проблематик йўсинда ифода этилган. Саҳна асарларини шу аспектда текшириш ўзини тўла оқлаган.

Китобда драматик ҳаракат проблемаси конфликт билан боғлаб тадқиқ этилади. Шу жиҳатдан муаллифнинг, айниқса, драматик конфликтнинг характерларни ҳаракатда очиш воситаси сифатидаги функцияси ҳаракатнинг қай тарзда, қай ҳолда кечиши конфликтга боғлиқлиги масаласидаги мулоҳазалари эътиборга лойиқ. Муаллиф конфликт хусусида адабий танқидчилигимизда мавжуд баҳсли масалаларга ҳам ўз муносабатини билдириб ўтади.

Монографияда драматик ҳаракатнинг икки турлилиги ҳақида гап боради. Унинг биринчи тури саҳнама-саҳна тобора шиддаткорликда ва тарангликда кечиши конкрет мисолларда текширилгани ҳолда иккинчи тури, яъни аста-секинликда сирдан сокин тез оқар сув каби намоён бўлиши ҳақида берилган фикрлар конкрет бир пьеса таҳлилида исботланмайди. Китобнинг нашриётдаги қўлёзма нусхасида «Сокин ҳаракат» деб номланган мақола бор эди. Унда ҳаракатнинг ана шу иккинчи тури «Имон», «Кўрмайин босдим тиконин» (Иззат Султон), «Қотил» (Уйғун), «Қонли сароб» (Сарвар Азимов), «Биринчи бўса», «Бу замон ўғлони» (Абдуқаҳҳор Иброҳимов) сингари қатор драмалар текширилганди. Афсуски, ўша мақола китобдан жой олмабди. Натижада кейинги даврда яратилган кўпгина асарлар таҳлилга тортилмай қолган. Аслида муаллиф «Устозлар ва издошлар» боби ўрнига ўша «Сокин ҳаракат» бобини киритганда асар яхлитлик касб этарди, энг муҳими китобхонларда ҳаракатнинг икки тури хусусида тўла таассурот қолган бўларди. Унинг устига «Устоз-

лар ва издошлар» бобида муаллиф ўз диққатини бутунлай ҳаракат масаласига қаратмайди. У умуман кейинги даврда ёзилган баъзи асарларнинг ғоявий-бадий қиммати, камчиликларини кўрсатишга бағишлангандай туюлади (айрим ўринлари тақрир шаклига тушиб қолиши ҳам шундан). Яшин ижодига бағишланган биринчи бобда муаллиф драматург ижодини ҳаракат проблемаси нуқтаи назаридан асосли ва қизиқарли таҳлил этади. Бундай таҳлил ва дадиллик иккинчи бобда баёнчилик билан алмашган.

Шунингдек биринчи бобда ҳам айрим етишмовчиликлар сезилади. Тадқиқотчи «Ўлим босқинчиларга», «Генерал Раҳимов» каби асарларни аввал мақтайди, кейин танқид қилади. Бундай усул танқидчининг

схематизм йўлидан бориши натижаси бўлса керак. Муаллифнинг «Афсуски, драматургларимиз характерларни ҳаракатда очиш санъатида «Алишер Навоий», «Гулсара», «Нурхон»лардагичалик бадий юксакликка эришмаяпти. Фақат «Мирзо Улуғбек» трагедияси бундан мустасно», деган фикрини ўйлаб кўриш керак. Чунки тадқиқотчи ўзи истагани ҳолда кейинги йилларда яратилган ҳамма драматик асарларни камситиб қўяди.

Лекин мазкур китоб энг аввало драматик ҳаракат масаласини илмий, қизиқарли таҳлил этиб бериши, кўпгина пьесаларга янгича ёндашиши, характер, конфликт хусусида қизиқарли мулоҳаза ва баҳс юртиши жиҳатидан эътиборга лойиқ.

Хатиба ҲАКИМОВА.





«ЭНГ МУҲИМИ ИШ...»

Тарих, адабий жамоатчилик жуда кўп тарихий шахсларнинг, адиб, санъаткор, бастакор, олимларнинг ўзaro ёзишмалари, хатларининг гувоҳидир. Аҳамиятга молик кўп хатлар, ёзишмалар эълон қилинган, китоб ҳолида чоп этилган. Навоий ва Жомийнинг ўзaro ёзишмалари, Пушкин, Тургенев, Достоевский хатлари фикримизнинг ибодидир. Шу билан бир қаторда эълон қилинмаган ва архив фондида сақланувчи хатлар ҳам оз эмас.

Хатлар фикр юритилаётган шахсга оид кўп нарсаларни аниқлаштириш, унинг таржимаи холини тўлдириш, ижодий лабораториясини кўрсатиш, ижодкор табиатининг баъзан тадқиқотлардан четда қолган айрим томонларини ёритишдек қимматга эга.

Ойбек архивини ўрганиш жараёнида адабнинг қатор хатлари билан танишишга тўғри келди. Санъаткорнинг шахсий архивда сақланувчи бу хатлар Ойбек ҳақида билганларимизни янада тўлдиришга, у ҳақидаги тасавурумизни бойитишга ёрдам берди. Бу хатлар адиб табиатидаги айрим характерли хусусиятларни илғаб олиш, унинг ижодий меҳнатга бўлган муносабати ҳамда ижодига боғлиқ айрим фактлар билан танишиши имконини туғдирди.

Ойбек архивда сақланувчи хатлар турли характерда. Улар орасида адабнинг дўстларига, oilасига ёзган мактублари, давлат масалалари юзасидан кенгашиб ёзилган хатлар, мухлислари билан ёзишмалари мавжуд. Хатларни кўздан кечириш жараёнида Ойбекнинг ниҳоятда эътиборли эканлиги англашилади. Ижодкорга келган хатлар орасида оддий солдат мактубидан тортиб, ёзувчи ва олимлардан келган хатларгача учрайди ва уларнинг биронтаси ҳам жавобсиз қолмаган.

Баъзан адабиёт мухлислари кўнгилларида тутилган, китобхонлар даврасида ҳал қилиш мумкин бўлган саволлар билан ҳам ёзувчига мурожаат этишган. Бундай хатлардаги саволлар маъно жиҳатидан қандай бўлишидан қатъи назар, Ойбек уларга жавоб ёзиш учун вақт топа олган. Адибнинг 17 май 1954 йилда бир гуруҳ ўртоқларга йўллаган қуйидаги жавоб хати бу жиҳатдан характерли.

«Хурматли ўртоқлар! — деб ёзади Ойбек мазкур хатида. — Хатингизни олдим, раҳмат. «Қутлуғ қон» романи устида менга икки савол бергансиз. Биринчи саволингизга «йўқ» деб жавоб бераман, чунки Йўлчи Нурини севмайди, тоғасининг енгил,

беҳаё қизи Йўлчида нафрат пайдо этади. Агар Йўлчи Нурини севса ҳам унинг номусига тегмас эди. У олижаноб йигит!

Иккинчи саволингизга ҳам «йўқ» деб жавоб бераман. Йўлчинини Гулнор севади. Шунинг ўзи Йўлчи учун катта бахт. Уларнинг кўнгиллари қушилган, севгисининг моҳияти шудир».

Ёзувчининг китобхонларга йўллаган бу жавоб хати, биринчидан, унинг ўқувчиларга бўлган ҳурматидан дарак берса, иккинчидан мазкур хатдаги Йўлчи шаънига айтилган биргина жумла: «У олижаноб йигит» иборасида Ойбек бутун борлиги билан намоён бўлади.

Бухоро область Шофиркон районидagi Шота Руставели номли I-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Латиф Азимов ёзувчидан қуйидаги мазмунда жавоб хати олган.

«Ўртоқ Латиф!

Менга бағишланган табрик шеърингиз учун раҳмат. Адабиётга бўлган ҳавасингизни олқишлайман. Ўқишларингизга зўр муваффақиятлар тилаб.

ОЙБЕК.

Хат мазмунидан кўриниб турибдики, адиб ўқувчига катталарга мурожаат этгандай, «ўртоқ» деб мурожаат этмоқда, шу билан бирга адабиёт майдонига қадам ташлаш ниятида машқ қилаётган ҳаваскорга нисбатан жиддий муносабатда бўлиб, уни руҳлантирмоқда. Китобхонларнинг ёзувчига принципиал масалалар юзасидан мурожаат этиб ёзган хатлари ҳам кўп. Ойбек мактублардаги саволларга жавоб бериб, ўқувчини тўғри йўлга солишга ҳаракат қилган. Чунончи, адиб Тожикистон Давлат университетининг талабаси Тамлихаевга йўллаган жавоб хатида шундай ёзган:

«Ўртоқ Тамлихаев! Саволингизга жавоб бераман, — деб ёзади Ойбек. — Навоий тожик тилига ҳам, форс тилига ҳам қарши курашган эмас, у ўз она тилини камситиб (таъкид бизники. — Р. И.) форс тилида ижод қилишни маъқул деб топган ўзбек шоирларга қарши бўлган.

Менинг романимда тожик тили хусусида бирон ёмон гап айтилган эмас. Навоий билан Биноий ҳамиша дўст бўлишган, улар ўртасидаги баҳс эса ўзбек шоирлари қайси тилда ёзмоқлари лозим — ўзбек тилидами ё форс тилидами, шу хусусда борган. Улар шу масала юзасидан баъзан жуда кўп ҳазиллашиб туришган. Бу менинг романимда ўз аксини топган. Баъзи ки-

тобхонлар сиз каби нотўғри тушунмасин деган мақсадда, мен романнинг 1956 йилги нашрида бу ҳазилларни бироз юмшатганман. 1955 йилги рус нашрида эса романга киритилган бундай ўзгаришлар эътибордан четда қолган чоғи.

Қайси бир тил яхшироқ деган масалада баҳслашишнинг ўзи, менимча, бемаънилик, зеро ҳар бир миллат ўз она тилини яхши кўради. Форс ва тожик тилларининг нафис эканлигига шубҳа йўқ, ўзбек тили эса ўзининг мусиқийлигида, имконият доирасининг кенглигида улардан қолишмайди, бу ўзбек адабиётининг асосчиси Навоий томонидан исботланган.

ОЙБЕК.

Адиб архивида сақланувчи айрим хатларда унинг ижодий режалари, иш кайфияти, қайси асар устида ишлаётгани ва ҳатто баъзи асарларининг яратилиш тарихи хусусида ҳам баҳс боради. Ижодкорнинг «Жуманиёз Худойберганов» шеърининг яратилиш тарихи ҳақида ёзган қўйидаги хати шу сирага мансуб: «Ҳурматли ўртоқлар! «Жуманиёз Худойберганов» номли шеърининг яратилиш тарихи ҳақида гапириб беришимни сўраб ёзган хатингизга кечикиб жавоб ёзаётганим учун узр сўрайман, — деб бошлайди адиб ўз хатини.— Мен Жуманиёз Худойберганов билан Москва атрофида, ўзбек делегатларининг Ғарбий фронтга қарашли 49-армия жангчилари билан бўлган учрашувдаги митингида танишдим. Менинг фронт дафтаримда у ҳақда, унинг Оржоникидзе колхозидан эканлиги, 1942 йилнинг июнь ойидан бошлаб фронтда эканлиги, партияга ҳам фронтда ўтганлиги, унвони старший лейтенант эканлиги ёзилган. «Тўққизта немисни ўлдирдим. Уларни кўрган захотим ер билан яқсон қилиб ташлашга ҳаракат қиламан. Ўлдирилганларимнинг ичидан биттаси офицер. Кичик укам Шарқий фронтда» деб айтган сўзлари ҳам ёзиб қўйилган.

Худойберганов ўша митингга йиғилганларга қўйидаги сўзлар билан мурожаат қилган: «Мен ўзбек халқига салом йўллаймаман. 49-армияда яхши йигитлар кўп. Улар немисларни ўлдириб, ҳисобни очиб беришди. Лекин бу ҳали камлик қилади. Биз нима мақсадда фронтга келганмиз? Уруш тугагач, ғалабадан сўнг биз ўз халқимиз олдида ҳисоб берамиз. Биз кунутун душман билан олишмоғиниз керак. Биз охириги томчи қонимиз қолгунча душман билан курашишга ваъда берамиз. Биз Ватанимизнинг ҳужумга ўтиш ҳақидаги буйруғини сабрсизлик билан кутамиз. Биз ҳужумга тайёрмиз! Бир қадам ҳам орқага чекинмаймиз! Фақат олға босамиз! Бутун дунёни фашист босқинчиларидан озод этамиз!»

Ж. Худойбергановнинг фронт дафтарига ёзиб қўйилган бу сўзларидан унинг фронтга келган биринчи куниданоқ қаҳрамонликка тайёр эканлиги кўринади. Унинг 1944 йилда кўрсатган қаҳрамонлиги ҳам тасодифий бўлмай, қонуний ҳодиса эди. У қаҳрамонлик кўрсатишга ўзи ҳам тайёрланган, ўз ўртоқлари ва кўл остидаги аскарларни ҳам шунга тайёрлар эди. Худойберганов билан қилган суҳбатим менда катта таассурот қолдирди ва у ҳақ-

да шеър ёзишга майл уйғотди. Мен ўша куннинг ўзидаёқ унга бағишлаб шеър ёздим ва уни митингга ўқиб бердим».

Ёзувчи ва адабиётшунос А. И. Дейчнинг архивида Ойбекнинг унга йўллаган бир қанча хатлари ҳам сақланган, бу хатлар улар ўртасидаги яқин «уносбатдан, ижодий ҳамкорликдан дарак беради. А. И. Дейчнинг хотирлашича, унинг Ойбек билан дўстлашишга Ҳамид Олимжон сабаб бўлган. «Мени Ойбек билан таништиргани, бизнинг узоқ йиллар давом этган дўстлигимиз ва ижодий ҳамкорлигимизга боис бўлгани учун марҳум дўстим Ҳамиддан миннатдорман», —деган эди у.

Тошкент уруш йилларида душман босиб олган шаҳарлардан кўчиб келган кўплаб кишилар, ижодкорлар учун ўз бағридан жой берди. Шу жумладан москвалик ва ленинградлик олим ва ёзувчилар ҳам Тошкентга келишди. Уларнинг катта бир гуруҳи Тошкентнинг Пушкин кўчасидаги 84-уйда истиқомат қилишди. «Мен Тошкент сизлар учун урушнинг охирини кутиш зали бўлмаслигини истар эдим. У сизлар учун қадрдон хонадон бўлиб қолсин ва уни бутун умр бўйи эслаб юринлар». Ҳамид Олимжоннинг бу сўзларини А. И. Дейч чуқур эҳтиром билан тилга олади. Ҳақиқатда ҳам шиддатли уруш кетаётганига қарамай, мамлакат ҳаётининг бирон соҳаси оқсаб қолмади. Ёзувчилар ўз асарлари устида ишлашдан, бастакорлар куй басталашдан, олимлар илмий изланишлардан бир дақиқага бўлса-да тўхташмади. Шу қатори Пушкин кўчасида жойлашган 84-уйда ҳам ҳаёт қайнади.

Ойбек бу уйга тез-тез келиб турган. Унинг А. И. Дейч билан ҳамкорликда «Халқ қалқони» драмасини яратиш хусусидаги фикри ҳам шу ерда пайдо бўлган. А. И. Дейч бу ҳақда шундай хотирлайди:

«Уруш йилларида бир куни Тошкент театрлари бўйича бошлиқ қилиб тайинланган С. М. Михозэлс меникига кириб келди... У менга ўзининг «Броненосец Потёмкин» операсининг муаллифи, таниқли композитор А. С. Чижко билан тасодифан яқинлашиб қолгани ҳақида сўзлади. А. С. Чижко, Ойбек ва Михозэлс ҳамкорликда катта тарихий-қаҳрамонлик мавзуда опера яратишга киришишган экан... Ўрта Осиё тарихининг билимдони сифатида Ойбек XIII асрга — Бухорони мўғул хони Чигатой томонидан забт этилган даврига мурожаат қилди. Бўлажак опера қаҳрамони ун эловчининг фарзанди Маҳмуд Торобий аслида она юрт, она тупроқ, муқаддас ер муҳаббати билан тўлиб-тошган одам... Ойбек томонидан ёзилган либреттонинг марказий қаҳрамони шундай шахс эди. Тарихий аниқлик, ҳаққонийлик билан, туйғулур гўзаллиги, салмоқлиги билан ажралиб турадиган бу асар композиторга яхши материал берди. Михозэлс ва Ойбек бу ишга мени жалб этишди. Бизда, Ойбек билан ҳамкорликда худди шу тарихий материал асосида «Халқ қалқони» драмасини ёзиш нияти шу тариқа пайдо бўлди».

Ойбек архивида мазкур драманинг 3 кўринишдан иборат бир пардаси сақланган.

Асар устидаги иш айна қизиган пайтда

А. И Дейч Москвага кўчиб кетади ва драма тугалланмай қолади. Лекин А. И. Дейч архивда сақланган Ойбекнинг хатларидан унинг ҳамisha драма тақдири билан қизиққани кўринади.

Ойбек ёзади:

«**Ҳурматли Александр Иосифович! Соғман, саломатман! Фронт дафтари устида ишляпман, ҳали тугатганим йўқ. Ростини айтганда, пьесамиз устида кам ишладим. 13. XI. 43».**

«**Яширмайман, пьеса устида кам ишладим. Ҳозир фақат иккинчи кўриниш устида ишляпман, лекин ишни тезлашиб, муддатига тугатиш мумкин. Менимча, пьеса ёмон чиқмаяпти. Лекин бир нарса мени хавотирлантирапти. Хатингизнинг мазмунига қараганда, сиз Тошкентга бошқа келолмайсиз. Лекин пьеса устида бирга ўтириб ишлашимиз керак эмасмикин? Келолмаслигингиз, албатта, ачинарли — мен сизни кутган эдим. Сиз аввал менга ўзингиз ёзган қисмларни жўнатиб, кейин у ёғини нима қилишни яна ўйлаб кўрамиз. 31. VIII. 43».** «**Кеча хатингизни олдим. Пьесамизнинг ярми битганидан беҳад хурсандман. Эндиликда мен унинг иккинчи қисми устида ишлашим керак. Хотирингиз жам бўлсин, ниҳоятда бандлигимга қарамасдан, мен ўз қисмларимни ёзиб тугатман ва шундан сўнг бирга ўтириб ишлаймиз. Бу жуда ҳам зарур. 21. I. 44».**

Ойбекнинг А. И. Дейчга ёзган куйидаги хатидан унинг ижодга, ишга бўлган муносабати яққол намоён бўлади. «... Мен мукофот муносабати билан ўтган турли тантаналар ва қабуллардан сўнг эндигина ишга киришяпман. Менинг табиатим шундайки, бир кун ишламасам, ҳаммаёқ бўшлиқдан иборат бўлиб кўринади. Мен ҳозир ўзимни руҳан ўз қаҳрамоним билан Хиротда яшаётгандек сезяпман ва у яратган даврини ҳис этяпман. Лекин ҳозир — агар имкон бўлса — замонавий мавзуга ўтмоқчиман. Сиз менинг иш услубимни биласиз: аввал пухта ўйлаб ва ўрганиб, сўнг ёзишга ўтираман. Баъзан шундай бў-

ладики, қаҳрамон мен ўйлаган йўлдан бормай бошқа йўлдан кетади.

Прозада Лев Толстой рус воқелигини кенг қамраб олиши, сюжет ва композицияни қуриши, характерларни психологик асослаши билан ҳам мени ҳар доим ҳайратга солиб келади.


Режаларим кўп, лекин уларни рўёбга чиқариш керак. Олдинда кадрдон Узбенистонинг ҳозирги ҳаётига бағишланган роман ва Ҳамзани поэтик мужассамлантириш масаласи турибди. Бироқ ҳозир бирор нарса дейиш қийин. Омон бўлсак — кўрармиз. 16. IX. 46».

Ойбекнинг Н. С. Тихоновга ёзган бир неча хатлари Марказий адабиёт ва санъат давлат архивининг Н. С. Тихонов фондида ва атоқли рус ёзувчисининг шахсий архивда сақланади. Бу ҳақда Н. С. Тихоновнинг ўзи бундай деган эди: «Мен яқинда унинг 1961 йилда ёзган мактубини топиб олдим. У мазкур мактубда роман устида ишлаётгани ва ўзини яхши ҳис этаётганини айтгач, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетини калифорниялик (АҚШ) Полингнинг хатидан хабардор қилган эди. Полинг ўз хатида «Ядро қуролининг тарқалишига йўл қўймаслик ҳақидаги мурожаатини илова этган ва унга имзо чекишни Ойбекдан илтимос қилган экан. Бу унинг тинчликни ҳимоя қилиш жабҳасидаги фаол иштирокни кўрсатувчи беҳисоб ҳодисалардан биридир».

Ойбекнинг ижодий фаолиятдан ташқари, ижтимоий ишлар билан фаол шуғулланганидан гувоҳлик берувчи бундай хатлар кўп. У ўзининг А. И. Дейчга ёзган хатларидан бирида: «Менинг академик бўлганимни эшитган бўлсангиз керак. Бу унвон ижодий ишимга ҳалал бермаса бўлгани. Энг муҳими иш, иш ва яна ишдир», — деб ёзган эди.

Ҳақиқатан ҳам Ойбек умрининг сўнгги дақйқаларига қадар ўзининг ана шу принципига содиқ қолди.

Раъно ИБРОҲИМОВА,
филология фанлари кандидати.



АСИРЛИКНИНГ ОҒИР ҚИСМАТИ

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши ўзбек, тожик, туркман ва бошқа маҳаллий халқларнинг тарихий тақдирига кучли таъсир кўрсатди. Чор ҳукумати Қрим уруши (1853—1856) да мағлубиятга учрагандан сўнг Ўрта Осиёда ўз позициясини мустаҳкамлаб олишга катта аҳамият берди. Чоризм Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этди ва у ҳарбий министрлик ихтиёрига ўтказилди. Кўқон хонлигининг бутун собиқ территорияси, Бухоро ва Хива хонликларининг Россия фойдасига тортиб олинган ерлари генерал-губернаторлик таркибига киритилди.

Чор ҳукумати ўзининг мустамлакачилик сиёсатида ҳам рус буржуазиясига, ҳам маҳаллий эксплуататорлар мададига таяниб иш кўрди. Бу йўлда шароит чоризм зулмини ҳамisha қўллаб-қувватлаб турди. Чор Россиясининг турма сиёсати ҳам мазлум миллат вакилларига нисбатан ўзбошимчаликдан иборат эди. Улар жазо муддатини энг оғир шароитларда ва маънавий азоб-уқубатларда ўтардилар. Иқлими совуқ губернияларда жанубликлар сил касалига дучор бўлишарди. Очиги, бу турмалар ниқобланган ўлим жазосининг ўзгинаси эди.

XIX асрда Россияда озодлик ҳаракати кучайди, чоризм сургун қилиш, қамаш воситасида революцион арбоблардан ўч ола бошлади. Айнан ана шу пайтларда тараққийпарвар рус ёзувчиларини жиноят ва жазо мавзуи ҳаяжонга солди. Сиёсий реакция, оддий халқнинг қашшоқ ҳаёти ва бошқа ижтимоий иллатлар ёзувчиларни инсон ҳақ-ҳуқуқи ва кадр-қимматини изчил ҳимоя қилишга даъват этди. Ф. Достоевский, Л. Толстойнинг романлари, А. Чехов, В. Короленко, Л. Мельшин, В. Дорошевич ва бошқа бир қатор адибларнинг очеркларида мураккаб ва ўзига хос мазкур мавзу ҳар томонлама бадий чуқур тадқиқ этилди.

Турмалар тарихига мурожаат этган ёзувчилар ана шу мудҳиш азобхоналарнинг бутун даҳшатини шахсан ўз бошларидан кечиргандилар. Ф. Достоевский, В. Короленко, Л. Мельшин узоқ йиллар давомида Сибирь турмаларининг азобини чеккандилар.

Қамоқхоналардаги ҳаёт ҳақида асарлар яратган ёзувчилар, энг аввало, жамият томонидан инкор этилган, турли қатлам, миллат ва этникда манусб кишиларнинг тақдирини кўрсатиб беришга интилдилар. Айниқса ўзга миллатга мансуб кишиларни ўзлари учун бутунлай бегона бўлган турмуш шароити, иқлим, мажбуриятлар, ноинсоний муносабатлар оғир аҳволга солиб кўяр, кўп ҳолларда улар-

нинг ўлимига сабабчи бўларди. Улар орасида иродали, оддий халқ ичидан етишиб чиққан истеъодлар ҳам тез-тез учраб турарди. Ана шу маънода Л. Мельшин қаламига мансуб «Инкор этилганлар оламида. Собиқ маҳбуснинг хотиралари» китобига кирган «Фарғоналик бургутча» деган очерки алоҳида қизиқиш уйғотади.

Очерк ўз пайтида кенг шуҳрат қозониб, «Фарғоналик бургутча» (Харьков, 1902 йил) ва «Асирликда» (Ростов-Дон, 1904 йил) номи билан икки марта нашр этилган. Асарни таҳлил этишдан аввал унинг муаллифи ҳақида қисқача сўз юритиш лозим. Л. Мельшин (ёки П. Ф. Якубович) 1860 йили қашшоқлашган дворян оиласида дунёга келади. 1878 йилда Новгород гимназиясини битириб, Петербург университетига ўқишга киради ва мана шу ерда илғор ёшларнинг сиёсий чиқишларида фаол иштирок этади. Университетни битириб, 1882 йили «Халқ эрки» деб аталган яширин ташкилотга аъзо бўлади, 1884 йилда эса қўлга олиниб, Петропавловск қалъасига ташланади. 1887 йили у ўлим жазосига ҳукм қилинади, сўнгра ҳукм 18 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилади. Оёқларига кишан урилган П. Ф. Якубовични аввал Карийск турмасига ташлайдилар, 1890 йилда эса Акатуй (Шарқий Сибирь) турмасига олиб ўтадилар. Шундан сўнг у Қўрғон шаҳрига сургун қилинади ва полиция назорати остида яшайди Якубович 1911 йилда вафот этади. 20 йил (1884—1905) давомида «давлат жиноятчиси» сифатида унинг номини матбуотда эълон қилиш ман этилади, шу сабабли у турли тахаллуслар остида иш кўради. Якубович носир сифатида Л. Мельшин тахаллуси билан машҳур эди.

«Инкор этилганлар оламида» очерклари народникларнинг журнали бўлмиш «Русское богатство» саҳифаларида 1895 ва 1898 йиллар давомида эълон қилинади. XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россиясидаги турма ҳаётига доир яратилган бирорта асар ҳам мазкур очеркларчалик баҳс-мунозараларга сабаб бўлмаган. Мана шу мудҳиш дунёда кун кўраётган майиб-мажрўх, баъзан ақл-ҳушдан айрилган кишилар фақат нафратланиш эмас, балки севишга, нур ва ҳақиқатга ташна қалб билан олға интилишга қодир эканлигини ҳам муаллиф самимий тасвирлаб бера олган. Китобнинг ҳар икки жилдига кирган очерклар бир-бири билан изчил боғланган. Уларнинг орасида «Фарғоналик бургутча» очерки алоҳида ажралиб туради. Асарда эзилган халқ вакилининг образи ўта ҳарорат ва самимият билан чизилади. Очеркнинг бош қаҳрамони Ма-

разғали кучли, иродали, софдил йигитдир.

Ҳар бир турмада маҳбусларнинг алоҳида-алоҳида гуруҳчаси бўлиб, булар ўзга миллат вакиллари — қирғизлар, ўзбеклар, татарлардан иборат мусулмонлар эди. Нодон назоратчилар уларнинг ҳаммасини «татарлар» деб, шунингдек барча кавказликларни «черкеслар» деб умумий ном билан атадилар.

«Ишдан холи пайтларда улар бирор бурчакда йғилишиб олиб, қуръондан бир хил оҳангда сура ўқиётган муллага ғамгин нигоҳларини қадаган куйи ўтиришар ёки турма ҳовлисида бир маромда, деярли танганавор қадам ташлаб, ўзро сирли ва қандайдир даражада ҳасратли суҳбат билан машғул бўлардилар», — деб ёзади муаллиф.

Қамоқ муддати тугашигача камдан-кам мусулмон тирки қоларди. Улар Ватан соғинчи туфайли шам каби сўнар ва ёки турмадан қочишга уриниб, солдатлар томонидан отиб ўлдириларди.

Иван Николаевич Усанбой Маразғали билан яқиндан танишиб қолади, чунки улар қўшни ертўлаларда истиқомат қилардилар. Якубович ўзининг «танишимни қуйидагича тасвирлайди: «Ёш ўзбек йигити Усанбой Маразғали ертўла бўйича менинг қўшним эканлигини билиб қувониб кетдим, чунки уни мен кўпдан бери ёқтириб қолгандим ва қисматиға ачинардим. Келишган қомати, энгил-енгил қадам бошиларни ўзига хос, тасвирини сўз билан баён этиб бўлмас даражада бетакрор эди. Чехрасига нур бериб турган навқиронлик ва ҳаётсеварлик тўсатдан кексаларга хос нишонлар билан алмашар, пешонасида ажинлар пайдо бўлиб, қимтинган лаблари ва қоп-қора қуралай кўзлари сўнгсиз изтиробни ифодалаб турарди». Ҳамма билан сўзамол бўлган Усанбой Иван Николаевичдан ўзини четга тортиб юрар, гап унинг қочиш тарихига тақалгандагина «... одатан жонланар, тортиниб ўтирмас, кўзларида ёлқин ва қизгин хатти-ҳаракатлар билан турмадан қандай қочгани, унга қарата ўқ узишгани ҳақида сўзларди. Мен (П. Ф: Якубович) сўзларини чалакам-чатти англасам-да, душманлар томонидан қўршаб олинган ва халос бўлиш имкониятидан маҳрум мана шу йўлбарсчанинг инграганлари, тишлаб-тирнаган ҳолатларини жонли тасаввур этардим»...

Усанбой асли фарғоналик эди, унинг ота-онаси деҳқончилик билан шуғулланишарди. Акаси Марасул ичкиликка ва қиморга хуруж қўйиб, катта миқдорда қарздор бўлиб қолади. Отаси Норбўта унга қарзини узиш учун пул бермайти. Бир куни кечаси уларнинг отига ўғри тушади. Буни сезиб қолган ота ўғилларини уйғотади, улар ўғрини қувиб кетадилар ва уни тутиб ўлдирадилар. Ҳодиса саҳар пайти рўй беради. Уларни кўриб қоладилар ва отаю ўғиллар ҳибсга олиниб, қамоқ жазосига ҳукм қилинадилар. Йўлда улар қочишга уринадилар, шунда отаси ва акаси ҳалок бўлади. Усанбой дўппосланади, кейинроқ госпиталга жўнатилади. Ҳарбий суд комиссияси Усанбойнинг балоғат ёшига етмаганлигини назарда тутиб, уни кўп йил-

лик қамоқ жазосига ҳукм қилади.

Юзидан кулги аримайдиган очик кўнгил Усанка (турмада уни суйиб шундай деб атадилар) ҳаммининг ардоғига сазовор эди. У озгинлигига қарамасдан шитоб билан ишларди. Софдил ва хизматга шайлиги учун уни севардилар. Лекин Усанбой ҳаммиша ҳам сўзамол бўлавермасди, хотиралар унинг вужудини эза бошлаганида ертўлада кўксини ерга бериб ётиб олар, гоҳо эса ғамгин кўшиқни хиргойи қиларди. Иван Николаевич бу кўшиқнинг мазмуни билан таниш эди, шунинг учун ҳам ғамгин оҳангдаги изтиробга тўла бу кўшиқни эшитганида унинг бутун борлигини ғам-алам туйғулари қамраб оларди. Китоб муаллифи ана шу кўшиқнинг насрий ифодасини қуйидагича беради: «Биз юртимиздан, оналаримиз, аёлларимиз, фарзандларимиз ва ака-укаларимиздан айри тушдик, — деб куйланади кўшиқда, — биз жўхори, шоли ва рўян ўсадиган ажойиб далалардан, сершарбат ўрикзорлардан айри тушдик... Э худойим! Ўзга юртларда бизни ёлғиз қолдирма! Бегона ўлкаларда шафқатсиз душман қўл-оёқларимизни занжирлаб ташлади, зиндонларга маҳкум этди, оғир юмушларга гирифтор қилаётир... Қисматимизни энгиллатиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди... Эй, худованди карим! Бегона юртларда ҳеч бўлма-са сен бизларни ёлғиз қолдирма, бизларни унутма!

Даҳшатли, айрилиқ онларида аёлларимиз ва оналаримиз бизларни ўлди деб ўйлаб, сочларини юлиб ва юзларини тирнаб мотам тутганларида ўзинг гувоҳлик бер, эй олампахо! Уларнинг кўз ёшию бизнинг қисматимизга мадад бер, худо!»

Усанбой Маразғали турма бошлиқларининг шафқатини қозониб, қамоқ муддатини ўша ердаги қишлоқлардан бирида ўтай бошлайди. Унинг Иван Николаевич билан алоқаси узилади. Лекин унинг саломатлигига қаттиқ путур етган ва навқирон умрнинг куни ҳам битган эди. У ҳалок бўлади. Якубович бадийий нуқтаи назардан шундай қилишни маъқул кўради. Аслида эса Усанбой Маразғали яшашда давом этади. Очерк қаҳрамонининг тақдири ана шундай. Муаллиф уни мағрур қушлардан бири — бургутга ўхшатади. Шуниси характерлики, бу образ орқали муаллиф ҳар қандай оғир шароитда ҳам одабийлик шаънига доғ туширмаган ҳақиқий инсонни кўрсатиб беради. Усанбой Маразғали айбсиз айбдор оддий инсонгина эмас, балки ўзи мансуб бўлган миллатнинг энг яхши вакили ҳамдир.

Ишонч билан қайд этиш мумкинки, «Фарғоналик бургутча» очерки туфайли ўша давр рус китобхонлари турма азоби-ни чеккан ўзга миллат вакиллари ҳақида маълум тасаввурга эга бўлдилар. Уз қаҳрамонига дардқашлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлган Якубович унга нисбатан китобхонларнинг муҳаббатини ҳам уйғотди. Очеркнинг муваффақияти ҳам ана шу жиҳатлар билан белгиланади. Ҳаққонийлик, самимият мазкур очеркнинг энг муҳим фазилатидир.

Л. ЗАСЛАВСКАЯ.

кўринг, ҳали ёшсиз, ўсишингиз керак. Зеро, ҳозирги мавқеимиз шуни тақозо қилади.

Директор, гапингиз тугадими, дегандай имо қилди. Утбосаров унга ярим таъзим қилиб жойига ўтирди. Иккинчи бўлиб бадийий совет котиби Бурҳонхон сўз сўради.

— Гапнинг пўскалласини айтадиган бўлсам, асар нозандай ёзилган, умуман кўп тер тўкилибди.

У тўғри гапиряпманми, дегандай директор томонга юзланди. Директор «ҳим», «ҳим» деб ғалати овоз чиқарди.

— Аммо,— деди нотик костюмининг ёқасини тўғрилаб,— биз талабчан бўлишимиз керак. Асарда ҳали ҳам композициялар жуда бўш, конфликт сушт ривожланган, характерлар яхлит эмас. Образлар экспозицияси тарқоқ, тил ғализ. Масалан, ҳақ нимайдиям, қуриб кетгур типратиконми, қурбақами «шундай», «шундай» деган иборани тез-тез ишлатади. Энг муҳими бу эмас. Энг муҳими, сиз сичқондек бир ярамас зараркунандани қаҳрамон даражасига кўтаргансиз. Ахир ҳеч кимга сир эмас, ўша махлуқ дастидан дод демаган кимса йўқ. Эгнимдаги костюмимга бир қаранг. Тўкилиб кетай деб турибди. Хўш, янгиси қани, деб сўрашингиз мумкин. Жавоб бераман. Болаларнинг онаси тушмагур янги костюмимни ўзиникига қўшиб сандиққа солиб қўйган экан! Кирилиб кетгур сичқонлар илма-тешик қилиб ташлабди. Қани энди битта-битта ушлаб, ҳаммасининг миясида ёнғоқ чақсам...

Директор «ҳим» деб ғалати овоз чиқарди.

«Бурҳонхон ҳозир тугатаман» дегандай қўлини кўксига қўйди.

— Яна икки оғиз сўз. Хўш, нима ҳақида гапирётган эдим? Ҳа, тулки билан қарғани дўстлаштиришга нима ҳақингиз бор? Ким сизга ҳуқуқ берди? Табиатдан ҳаммамизга маълумки, бу махлуқотлар бир-бири билан ҳаммиша қирғин-барот бўлиб келишган. Сиз шу ерда ҳаётийликни қўпол равишда бузгансиз. Ёдимдан кўтарилмаган бўлса, ҳатто «Тулки билан қарға» масали ҳам бор. Уша масалда...

Директор қаттиқроқ томоқ қирди. Котиб кимгадир раҳмат айтиб, жойига ўтирди. Ундан кейин сўзга чиққанлар ҳам бири олиб, бири қўйиб, ёш авторни роса дўлпослашди. Бировлар уни адабиёт ва драматургия назариясини билмасликда айблашса, бошқалари табиатни тушунмайсиз, деб таъна қилишди. Охирги сўзни директор олди.

— Мен ўтириб гапираман, ҳмм. ҳмм. Дўстлар, биз бугун ёш авторлардан бирининг тақдирини ҳал қилишимиз керак. Аммо, мен ҳайронман, сиз, ука, асарингизни жуда енгил ҳал қилгансиз. Ҳмм, ҳмм. Бу нима деган гап, сичқонингиз ҳаммиша ер юзида юради. Ахир бизга табиатдан маълумки, сичқонлар ҳаммиша ер остида истиқомат қилишади. Мантиқ қаёқда қолди? Ҳмм, ҳмм. Иккинчидан, асарда эволюцион улғайиш йўқ. Ҳаётни яхши билмайсиз. Тажриба етишмайди. Мана, «Қутлуғ қон» романини олиб кўрайлик. Асар қаҳрамони Йўлчи роман бошида қишлоқи бир йигит бўлса, роман сўнггида революционер даражасигача улғайиб боради. Сизнинг қаҳрамонингиз Сичқонбой асар бошида қандай бўлса шундайлигича қолаверади. Сизнинг ёзувчилик позициянгиз қаёқда қолди? Хуллас, ҳмм, ҳмм, асарда ҳали ҳаётийлик етишмайди. Станисловский айтганидай, сизда «кўриш», «эшитиш», «ҳид билиш», «сезиш» етишмайди. Гап шу, асар устида жиддийроқ ишланг!

Директор, гапим тамом, дегандай столга қўлини қўйди.

— Хўш, ўзинг бу гапларга нима дейсан?

Ёш автор ўрнидан зўрға туриб, асарини қўлига олди.

— Айбимга иқроран, мен кўғирчоқ театри учун асар ёзиб катта номаъқулчилик қилган эканман. Бундай ишга иккинчи бор сира қўл урмаганим бўлсин!..

Шундай дегач, у шартта бурилиб эшикка чиқиб кетди.

— Хўш, ўртоқлар,— деди директор ёш авторнинг орқасидан анграйиб қолган бадийий совет аъзоларининг эътиборини ўзига қаратиб.— Кўриб турибсиз, ҳар бир авторга ниҳоятда талабчанлик билан ёндошяпмиз, бугунгиси билан ўн еттинчи авторнинг асарини қўлига қайтариб бердик. Мана, йил охирлаб қолди, репертуаримизда бўлса биттаям асар йўқ. Шунга қарамасдан, биздан ҳеч ким келишувчанликни кутмасин. Талабчанликни мутлақо бўшаштирмаймиз. Хўп, кейингиси кирсин.

Котиб эшикка чиқди-ю, бўшашиб қайтди. Кутиб турган авторлардан бирортаси қолмаган эди.

КОНВЕРТЛАРНИ ҚАЙЧИЛАГАНДА

Кетмонда йўқ чарчоқлик, ғашлик,
Армонларим гуллардай хурсанд.
Имкон бўлса, сени гул ёшлик,
Кафтга олиб кўтариб юрсам.

Борлиғимни босади хазон
Йўқлигидан бисотда кўзёш.

Пайвандли куртакка, дилгир япроққа
Серунум бағримдан ариқча очдим.

Тилим ҳали бурро эмас кўп сўзга,
Устозларни кўп ҳижолат тортирдим.

Йўл очиб бермадим қарвон — қуёшга,
Айбимни маъзур тут, волидам — Асрим!

Ўз элинга ёқ


Ёмон шеър ҳам зўр таржима қилинса,
Жаранглайди, маромига етади.
Буни билмай, ўпкасини босолмай,
Баъзи бирлар кўп ҳовлиқиб кетади.

Кўп тилларда босилса-да ашъорим,
Ижодкорлар қаторида санама.
Оқ қалпоқли қирғизимга ёқмасам,
Унда мени шоир дея тан олма.

Халқ баҳоси ҳақ баҳодир, оғайни,
Ночор шеърни китобхонлар соз демас.
Ўз тилида элга ёмон кўриниб,
Ўзга тилда мақталганлар оз эмас...

Турсунбой АДАШБОВ

таржимаси.



— Бу хонанда ашула айтяптими ё бақир-яптими!

— Бақиряпти шекилли. Қара, этагини эшик қисиб қолибди.

А. Холиқов чизган расм.



Учрашувни ёш ёзувчилар билан ишлаш кенгашининг раиси Иброҳим Ғафуров олиб борди.

ШОИР ЛЕВ ОШАНИН ЎЗБЕКИСТОНДА

29 апрель куни Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг IV пленуми ўтказилди. Пленум ахли КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистонда бўлиб, республика меҳнаткашлари олдига қўйган вазифаларини амалга ошириш борасидаги Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариати ишлаб чиққан тadbирларни муҳокама қилди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов нутқ сўзлади. Сўнг таниқли адиблардан Тўлепберген Қаипбергенов, Назир Сафаров, Эркин Воҳидов, Туроб Тўла, Александр Удалов, Одил Ёқубовлар сўзга чиқдилар. Ишлаб чиқилган тadbирларни пленум қатнашчилари яқдиллик билан маъқулладилар.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Рамз Бобоҷон бошқа ишга тайинланиши муносабати билан у республика Ёзувчилар союзи правлениеси секретарилиги вазифасидан озод қилинди, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи секретари этиб Саъдулла Кароматов сайланди.

ЯНГИ ШЕЪРИЙ РОМАН МУҲОКАМАСИ

14 май куни Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи поэзия кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда шоир Султон Акбарийнинг «Қон ва шон» фалсафий-шеърий романи муҳокама этилди. Асарда Улуғ Ватан уруши ҳақида, Алишер Навоийнинг Ленинградда, қамал кунларида ўтган 500 йиллик юбилейи тантаналари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Муҳокамада шоирлардан Ҳусниддин Шарипов, Ойдин Ҳожиева, Абдулла Шер, Хуршид Даврон, адабиётшунос олим Умарали Норматов, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг секретари Уктам Усмоновлар сўзга чиқиб, асар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, ютуқ ва камчиликларини ҳолисона кўрсатдилар. Сўнг Султон Акбарий сўзлади, асарни қайта ишлашини айтди ва йиғилиш аҳлига ташаккур билдирди.

Йиғилишни поэзия советининг раиси Мирмуҳсин олиб борди.

НАЗИР САФАРОВ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг кичик залида 18 май куни Ўзбекистон халқ ёзувачиси, адиб Назир Сафаров билан ёш ёзувчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Назир Сафаров ўз ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб, маҳорат сирлари хусусидаги фикрларини йиғилганлар билан ўртоқлашди.

Таниқли шоир, СССР Давлат мукофоти лауреати Лев Ошанин республика адабиёт аҳлининг азиз меҳмони бўлди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи бадий адабиётни пропаганда қилиш бюроси шоир иштирокида бир неча адабий кечалар уюштирди. Учрашувларда Л. Ошанин қўшиқларининг ижрочиси, Ўзбекистон радиоси солисти Павел Борисов ҳам қатнашиб, ўзининг дилрабо қўшиқлари билан мухлисларни хушнуд этди. Айниқса, Ўзбекистон ССР ва УзКП 50 йиллиги номидаги тикувчилик бирлашмасида, республика рус тили ва адабиёти институтида, миллий қолғу асбоблари фабрикасида бўлиб ўтган шеърят кечалари адабиёт ихлосмандларида унутилмас таассурот қолдирди.

Шунингдек, шоир Бухоро ва Самарқанд областларида ҳам бўлиб, ўқув юрларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, колхоз ва совхозларда китобхонлар билан қатор учрашувлар ўтказди.

ЯНГИ АЛЬМАНАХ

Москвадаги «Искусство» нашриёти шу йилдан бошлаб СССР Маданият министрлиги ва СССР Ёзувчилар союзининг органи «Современная драматургия» альманахини нашр этишга киришди.

Альманах кўп миллатли совет драматургияси ва чет эл драматургларининг пьесалари билан ўқувчиларни мунтазам таништириб боради. Шунингдек, сояет ва чет эл драматургияси борасидаги адабий-танқидий асарлар ҳам альманах саҳифаларида кенг ёритилади. Альманах асосан совет драматургиясининг адабий жанр сифатида янада ривожланиши, театр репертуарларининг кенгайиши учун хизмат қилади.

«РУС АДАБИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ»

Яқинда Венгрияда нашр этилган бу китоб дарҳол адабиёт мухлислари эътиборини жалб этди. Таниқли венгер адабиётшуноси Эндре Иглои тартиб берган «Рус адабиётининг кўзгуси»га XI—XVIII асрлар адабий маҳсуллари — Иллариондан Радишчевгача бўлган адиблар ижодидан намуналар киритилган. Бу мажмуа венгер китобхонларини қадимий рус адабиёти билан таништиришда катта хизмат қилади.

АНДРЕЙ ИВАНОВ 80 ЁШДА

Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида 26 май куни таниқли шоир, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Андрей Ивановнинг туғилган кунига 80 йил тўлиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов сўзга чиқиб, СССР

Олий Совети Президиумининг Андрей Ивановни совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 80 йил тўлиши муносабати билан Халқлар Дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги ҳақидаги фармонини ўқиб берди. Юбилярга мукофотни топширди.

Тарих фанлари кандидати, ёзувчи Адҳам Акбаров юбилярга ижоди ҳақида нутқ сўзлади.

Кечада Ўзбекистон халқ ёзувчиларидан «Звезда Востока» журналининг бош редактори Александр Удалов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг

секретари Туроб Тўла, Қорақалпоғистон АССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Т. Қаипбергенов, М. Горький номидаги Тошкент Давлат рус академик драма театрининг артистлари Лариса Михайлова, Александр Дубровин, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, «Шарқ юлдузи», «Йилдиз» журналлари ва бошқа вақтли матбуот органларининг вакиллари сўзга чиқиб, юбилярни қутлуғ 80 ёши билан қизғин қутладилар.

Анжуман сўнгида ёзувчи Андрей Иванов қалб сўзлари учун йиғилганларга миннатдорчилик билдирди.

ЗВЕЗДА ВОСТОКА

Журналнинг бу сонида наср ихлосмандлари Улмас Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссасини, Вильям Александровнинг «Чақмоқларга ёндош» романининг иккинчи қисмини, Ҳаким Назирнинг «Ота» ҳикоясини ўқийдилар.

Назм мухлислари Абдулла Ориповнинг янги таржима қилинган бир туркум шеърлари, шунингдек, Холмурод Қулмуродов, Владимир Чебутин шеърлари билан танишадилар.

Публицистика бўлимида СССР ташкил топганининг 60 йиллиги олдида А. Сирожованинг «Қорақалпоқ йўлларида», Ю. Романовнинг «Задарёликлар тажрибаси» очерклари босилган.

Журналнинг бу сонида М. Азимованинг «Комил Яшин ва ўзбек театри» мақоласи ва яна бир қанча қизиқарли материаллар ҳам берилган.



Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАБ-
БОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК (масъул секретарь), МИР-
МУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЕЗОВ (бош редактор
ўринбосари), У. НОРМАТОВ, А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ,
Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙ-
ЗИЙ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУ-
ҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ, Ҳ. ҒУЛОМ.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

Орган Союза писателей Узбекской ССР

№ 8

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1982.

Рассом Э. Рўзиев. Тех. редактор М. Аҳмедов. Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қай-
тарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши
шарт.

Теришга берилди 31.05.82 й. Босишга рухсат этилди 2.08.82 й. Р — 03059. Қоғоз
формати 70×108^{1/16}. Қабарик босма. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55.
Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 186134. Заказ 3473.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© Шарқ юлдузи - 1982.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 332181,
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.